Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари

5

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг энг нодир дурдоналаридан иборат ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 январдаги "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги 17-сонли қарорининг 7-банди ҳамда 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори билан тасдиқланган "2010 – 2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури"нинг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бажарилаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари" номли фундаментал илмий лойиҳа асосида тайёрланди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Бешинчи жилд

ШИРИН БИЛАН ШАКАР

Достонлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(5Ў)
А 54

Таҳрир ҳайъати:

Баҳром Абдухалимов, Маматқул Жўраев (ҳайъат раиси), Омонулла Юнусов, Тўра Мирзаев, Низомиддин Маҳмудов. Лазиз Тангриев, Муҳаммад Али, Илҳом Зойиров, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқулов

Айтувчи:

Фозил ЙЎЛДОШ ўғли

Ёзиб олувчилар:

Абдурахмон мулла ТОЖИ ўғли, Маҳмуд ЗАРИФИЙ

Нашрга тайёрловчилар:

Мақсуд ШАЙХЗОДА, Маматқул ЖЎРАЕВ, Мунис ЖЎРАЕВА, Зуҳра ЙЎЛДОШЕВА

Сўзбоши, илмий изоҳлар, луғат ва резюме муаллифи:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор

Маматқул ЖЎРАЕВ

Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди **Раҳматулла БАРАКАЕВ**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор **Сафарбой РЎЗИМБОЕВ**

филология фанлари номзоди **Олимжон ҚАЮМОВ**

Ширин билан Шакар. Ж.5: Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. — 540 б.



УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(5Ў)

© Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015

ISBN 978-9943-03-677-2

ФОЗИЛ ШОИРНИНГ БОҚИЙ БЎСТОНИ

Халқимиз бадиий салоҳиятининг ўзига хослиги ва бетакрорлигини намойиш этувчи бебаҳо фольклор асарлари орасида воқеликни кенг эпик кўламда поэтик ифода этиши, фантастикага ғоятда бойлиги, сюжет тизимининг ранг-баранглиги ва тарихий илдизлари олис замонлар ила бўйлашиши билан алоҳида ажралиб турадиган романик достонлар муҳим ўрин тутади. Зукко бахши-шоирлар ижодий даҳосининг асрий тараққиёти натижасида муҳташам миллий қадриятлар силсиласига айланган ўзбек халқ эпосининг ана шундай ёрқин намуналаридан бири "Ширин билан Шакар" достони ҳисобланади. Бахшилар тилидан тушмай куйланган бу достон эзгулик ва ёвузликнинг муросасиз кураши, оила бахт-саодати ва юрт осойишталиги, садоқат ва вафо, мардлик ва жасорат, муҳаббат ва вафодорликни тараннум этади.

Ўзининг жанрий хусусиятларига кўра "Ширин билан Шакар" достони ўзбек романик эпосининг энг гўзал намуналаридан бири бўлса-да, бу асарнинг жанр мансубияти хусусида уни илк бор нашрга тайёрлаган таникли шоир Шайхзоданинг куйидаги фикри эътиборлидир: "Ширин билан Шакар" жангнома билан ишкнома орасида туради. У тор маънода бу навлардан ҳеч бирига кирмайди, кенг маънода бу икки навни ҳам ўз ичига олади. Ишқий интрига ўртада тургани ҳолда қаҳрамон томонидан мақсадга эришув бошдан-оёқ ботирлик, баҳодирлик ҳаракатини талаб қилади"[1]. Чиндан ҳам, достон сюжетидаги барча воқеа-ҳодисалар асосий қаҳрамонлар саргузаштлари атрофида бирлашган бўлиб, Ширин билан Шакарнинг садоқат ва вафодорлик, ёр ва юрт муҳаббати, ёвузликни маҳв этиш ва хиёнаткорларни жазолаш мақсадида олиб борилган жангу жадалларда кўрсатган жасорати, баҳодирлигини тасвирлашга катта эътибор қаратилган.

Марказий Осиё туркий халқлари орасида бу эпик сюжетнинг бир неча хил ўзига хос талқинлари мавжуд. Мазкур сюжет асосида яратилган достонларнинг ўзбек фольклоридаги вариантлари бахшилар поэтик маҳоратининг юксак даражада ифода этилганлиги, эпик қаҳрамонлар саргузаштларининг ҳаёлий уйдирма ва фантастик талқин асосида кенг кўламда тасвирланганлиги, бадиий тасвир воситаларининг жозибадорлиги ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради.

[1] *Шайхзода.* "Ширин билан Шакар" достони ҳақида // "Ширин билан Шакар" (достон). – Тошкент, 1941. – Б.13.

Эзгулик ва ёвузликнинг муросасиз кураши, ҳалоллик ва ҳақиқатнинг мангу барҳаётлиги, садоқат ва хиёнатнинг инсон тақдирини ўзгартириб юбориши тўғрисида баҳс этувчи бу кўҳна достон ўзбек бахшилари орасида "Ширин ва Шакар", "Ширин билан Шакар" каби номлар билан танилган бўлса, қорақалпоқ фольклорида эса унинг "Ширин-Шакар" тарзида номланиши кузатилади.

Ушбу достон Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Матназар Жаббор ўғли, Рўзи Қултўра ўғли каби ўзбек бахшиларининг эпик репертуарида мавжуд бўлганлиги маълум. "Ширин билан Шакар" достонининг хоразмлик Матназар Жаббор ўғли репертуарида қайд этилган варианти моҳиятан таниқли қорақалпоқ жирови, халқ достонларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ижро этган истеъдодли эпик куйчи Қурбонбой Тожибоевдан ёзиб олинган ўзбекча намунага яқин келади. Чунки Матназар Жаббор ўғли Қурбонбой жировнинг шогирди бўлган ҳамда бу достон матнини ўз устозидан ўрганганлиги сабабли унинг ижросида ёзиб олинган намуна достоннинг Зарафшон воҳаси ўзбек бахшилари репертуарида оммалашган вариантига ўхшамайди. Қайд қилиш жоизки, Ислом шоир Назар ўғли ижросидаги "Эрали ва Шерали" достони ҳам "Ширин билан Шакар" достонининг ўзбек фольклоридаги алоҳида версияси бўлиб, бу икки версия тарихий-генетик жиҳатдан ўзаро алоқадордир.

Мамлакатимизда олиб борилган фольклористик изланишлар натижасида халқ бахшилари репертуарида муносиб ўрин тутадиган "Ширин билан Шакар" достонининг қуйидаги вариантлари ёзиб олинган:

а) *ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 45-инвентарь рақами остида сақланаётган "Ширин билан Шакар" достони.* Мазкур достон Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилояти ҳудудида яшаб ижод қилган бахшиларнинг эпик репертуарида "Ширин билан Шакар" деб номланган бўлиб, унинг бадиий воситаларга ғоят бой ва сюжет қурилиши қадимий мотивлардан иборат энг мукаммал варианти 1929 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида яшовчи Абдураҳмон мулла Тожи ўғли томонидан атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли ижросида ёзиб олинган. Достоннинг бу варианти араб ёзувида 321 саҳифадан иборат бўлиб, бу қўлёзманинг тўла матни 1997 йилда фольклоршунос олима З.Ҳусаинова тарафидан кирилл алифбосида қайта кўчирилган. Достонда бефарзанд подшонинг илтижоларидан кейин ғайритабиий йўсинда туғилган болаларнинг ўгай она туҳматига учраб, дарбадарликка дучор бўлишлари, уларнинг айриликда тортган азоб-уқубатлари ҳамда бахтга эришишлари тасвирланган.

б) *ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 140-инвентарь рақами остида сақланаётган "Ширин-Шакар" достони.* Тошкентлик Ҳусанбой Расуловдан 1940 йилда ёзиб олинган бу вариант Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиб, нашр этилган намунага анча ўхшаб кетади. Ўша пайтда амалда бўлган лотин алифбосида ёзиб олинган бу достон матни ҳажман анча қиска бўлиб, атиги 42 бетдан иборат.

в) *ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 1435-инвентарь рақами остида сақланаётган "Ширин-Шакар" достони.* Достоннинг ўзига хос бу варианти атоқли қорақалпоқ достончиси Курбонбой жиров (Курбонбой Тожибоев, 1876–1958) ижросида ёзиб олинган. Курбонбой жиров халқ достонларини икки тилда – ўзбек ва қорақалпоқ тилларида куйлаган. Достоннинг Курбонбой жиров Тожибоев варианти Феруза Султонова томонидан 1957 йилнинг август-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида ёзиб олинган. Достоннинг Фольклор архивида сақланаётган қўлёзмаси сарғиш рангли А4 форматдаги қоғозга кирилл алифбосида машинка ёзувида кўчирилган матндан иборат бўлиб, ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

г) *ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 1537-инвентарь рақами остида сақланаётган "Ширин ва Шакар" достони.* Достоннинг бу варианти 1962 йилда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида яшовчи Матназар бахши Жабборовдан ёзиб олинган бўлиб, ҳажми 80 саҳифадан иборат. Матназар бахши Қурбонбой жировнинг шогирди бўлганлиги сабабли бу вариант юқорида қайд этилган 1435-рақами остида сақланаётган вариантга кўп жиҳатдан ўхшайди.

д) *ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 90-папка, 1334-инвентарь рақами остида сақланаётган "Ширин билан Шакар" достони.* Бу вариант Қўқон давлат педагогика институти доценти, фольклоршунос олим Иброҳим Бекмуродов томонидан 1970 йил январь ойида Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги Урганжи қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Девонаевдан ёзиб олинган. Достон қўлёзмаси кирилл ёзувида 36 саҳифани ташкил этади. Мазмунига кўра, Булунғур достончилик мактаби бахшилари репертуаридаги "Ширин билан Шакар" достонига ўхшаб кетадиган бу вариантда ўгай она тухматига учраб, ўз юртидан бадарға қилинган Ширин ва Шакарнинг турли саргузаштлари ҳамда уларнинг ёруғ юз билан элга қайтиб келишлари ҳикоя қилинган.

е) *Филология фанлари номзоди Н.Мадраҳимованинг шахсий архивида сақланаётган "Ширин ва Шакар" достони.* Бу вариантни тадқиқотчи Н.Мадраҳимова 1995 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Қирккулоч қишлоғида яшовчи Рўзи бахши Қултўра ўғлидан ёзиб олган бўлиб, 90 саҳифадан иборат. Рўзи бахши Қултўра ўғли бу достонни яратишда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиб, нашр

этилган достон матнига асосланганлиги сабабли бу икки вариант орасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд. Шундай бўлса-да, Рўзи бахши достонни ўз бадиий иқтидори даражасида куйлашга, матнни бироз ихчамлаштириш орқали оригиналликка эришишга ҳаракат қилган. Унинг ижодий ўзига хослиги баъзи мотивларнинг янгича ифодаси ҳамда достонда тасвирланган анъанавий образларнинг бадиҳагўйлик асносида ўзига хос тарзда талқин қилинишида ҳам кўзга ташланади.

Бундан ташқари, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида "Ширин билан Шакар" достони сюжетининг куйидаги эртак шаклидаги намуналари ҳам сақланади: 1) Инв.№5845. "Ширин билан Шакар" эртаги, 7 бет. Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида яшовчи Саидамин Зубоевдан ёзиб олинган; 2) Инв.№15273, 7 бет. Андижон вилоятининг Баликчи туманидаги Чинобод қишлоғида 1922 йилда туғилган З.Махмудовадан ёзиб олинган.

Дўмбира чертаётганида куй сеҳрида ипакдай эшилиб, бадиий сўзнинг ҳаётбахш қудратини умрибоқий мисраларга жо этган чечан ўзбек бахшилари томонидан севиб куйланган "Ширин билан Шакар" достонини илмий ўрганиш ишлари ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ширин билан Шакар" достонининг қисқача мазмуни 1941 йилда "Фан ва турмуш" журналида босилди[1]. Ўша йили атоқли шоир Шайхзода мазкур достонни асосий мотивлари ва мазмунини сақлагани ҳолда имкони борича кўп қисқартирмасдан нашр эттирди[2]. Садоқат ва мардликни тараннум этувчи бу гўзал достоннинг ана шу матни асосида 1955, 1958, 1963, 1976 йилларда унинг қайта нашрлари амалга оширилган[3]. Шунингдек, 1948 йилда чоп этилган "Ўзбек поэзияси антологияси"га достондан олинган парчалар[4] ҳамда 1958 йилда чиқарилган "Ўзбек халқ достонлари"нинг 3-жилдига[5] "Ширин билан Шакар" достонининг қисқартирилган намунаси киритилган.

---

[1] *Фозил Йўлдош ўғли.* "Ширин билан Шакар" (достоннинг мазмуни) // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1941. – 2-сон. – Б.32.

[2] *Фозил Йўлдош ўғли.* "Ширин билан Шакар" (достон). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: М.Шайхзода. – Тошкент: Ўзфан нашриёти, 1941. – 144 б.

[3] *Фозил Йўлдош ўғли.* "Ширин билан Шакар" / достон (нашрга тайёрловчи: М.Афзалов). – Тошкент, 1955; Фозил Йўлдош ўғли. "Ширин билан Шакар" / достон (нашрга тайёрловчи: М.Афзалов). – Тошкент, 1963; Фозил Йўлдош ўғли. "Ширин билан Шакар" // Орзигул / Ўзбек халқ ижоди (нашрга тайёрловчи: М.Шайхзода). – Тошкент, 1976. – Б.5-130.

[4] *Фозил Йўлдош ўғли.* "Ширин билан Шакар" (достондан парча) // Ўзбек поэзияси антологияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – Б.73-84.

[5] *Фозил Йўлдош ўғли.* "Ширин билан Шакар" (достон) // Ўзбек халқ достонлари. 3-нашр. – Тошкент: Фан, 1958. – Б.23-116.

Достоннинг Хоразм воҳаси эпик ареалидаги варианти асосан қорақалпоқ халқ достончиси Қурбонбой жиров (Қурбонбой Тожибоев) ва унинг ҳазорасплик шогирди Матназар Жаббор ўғли репертуарида мавжуд бўлганлиги аниқланган бўлса-да, бу вариантлар нашр этилмаган.

Қайд қилиш жоизки, мазкур достоннинг қозоқча версияси ҳам мавжуд бўлиб, у "Қисса Шакир, Шакират подишо Ҳашим болалары" номи билан "Боболар сўзи" кўпжилдлигининг 2004 йилда нашр этилган 9-томига киритилган[1].

Фольклоршуносликда "Ширин билан Шакар" достонини ўрганиш борасида хам анча ишлар амалга оширилган. Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги "Ширин билан Шакар" достони сюжетида эртак мотивлари устуворлик қилиши ҳақида В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовнинг "Ўзбек халқ каҳрамонлик эпоси" номли китобида қизикарли маълумотлар берилган. Уларнинг қайд этишларича, эпик қаҳрамоннинг ўгай она туҳматига учраб уйидан кувилиши, ер ости оламида яшовчи гўзал парини дев ва аждаҳолар қўриқлаши, айёр мастон кампирнинг душманлик қилиши, қаҳрамоннинг ғолиб чиқиши ва ўғирланган маликани қайтариб олиб келиши эртак бадиий курилишига хос мотивлар сирасига киради[2]. Шунингдек, М.Шайхзода "Ширин билан Шакар" достони нашрига сўзбоши сифатида ёзган мақоласида достонда тасвирланган воқеаларнинг тарихий асослари ва бу эпик асарнинг бадиий хусусиятларига доир мухим илмий қарашларни илгари сурган. Қурбонбой жиров репертуаридаги "Ширин-Шакар" достонини ёзиб олган Ф.Султонова бу достоннинг ўзбек ва қорақалпоқ версияларини қиёсий таҳлил қилиб, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини ёритган[3].

Достоннинг ўзбек фольклоридаги вариантларини махсус тадқиқ этган Н.Мадраҳимованинг ишларида "Ширин билан Шакар" достони сюжетининг шаклланишига асос бўлган манбалар, унинг асосий мотивлари ва образлар тизими, достон версия ва вариантларининг ўзига хос хусусиятлари, достон ижросида бахшилар бадиий

[1] "Қисса Шәкір, Шәкірат падыша Һәшым балалары" // Бабалар сөзі. 9-том. – Астана, 2004. – Б.68-160.

[2] *Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т.* Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 143-145.

[3] *Султонова Ф.* "Ширин билан Шакар" достонининг ўрганилишига доир // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан, 1961. – 3-китоб. – Б. 335-343.

маҳоратининг акс этиши, ўзбек-қорақалпоқ достончилик алоқалари ҳамда достончиликдаги иккитиллилик ҳодисасининг бадиий-эстетик моҳияти каби масалалар ўрганилган[1].

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ширин билан Шакар" достони лингвофольклористик жиҳатдан ҳам ўрганилган. Жумладан, ёш тилшунос Г.Жуманазарованинг номзодлик диссертацияси[2] ва бир қатор тадқиқотларида[3] мазкур достоннинг луғавий қатламлари ва лингвопоэтик хусусиятлари таҳлилга тортилган.

Бундан ташқари, Т.Мирзаев, И.Болтаевларнинг ҳам "Ширин билан Шакар" достони таҳлилига доир мақолалари мавжуд[4].

* * *

Атоқли баҳши Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ширин билан Шакар" достонининг қисқача мазмуни қуйидагича:

Қуёнқи шаҳрида яшаган Қосимхон ва унинг вазири Суяжон бефарзандлик туфайли азиз жойларни зиёрат қилиб, ўзларига зурриёд тилайдилар. Подшонинг хотини бир ўғил фарзанд кўради, вазирнинг

---

[1] *Мадраҳимова Н.* "Ширин билан Шакар" достонининг генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – 3-сон. – Б.41-46; *Яна ўша.* Қурбонбой жиров репертуаридаги "Ширин-Шакар" достони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 1-сон. – Б.40-43; *Яна ўша.* "Ширин билан Шакар" достонида ҳомий образи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 6-сон. – Б.41-43; *Яна ўша.* "Ширин билан Шакар" достонининг қиёсий-типологик таҳлили (ўзбек ва қорақалпоқ версиялари асосида): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1997; *Яна ўша.* Халқ достончилигида иккитиллилик анъаналари. – Тошкент, 2003; *Яна ўша.* "Ширин билан Шакар" достони Рўзи баҳши репертуарида // Филологик тадқиқотлар. 9-том. – Тошкент, 2004. – Б.41-44;

[2] *Жуманазарова Г.* "Ширин билан Шакар" достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианти асосида): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

[3] *Жуманазарова Г.* Фозил Йўлдош ўғли "Ширин билан Шакар" достонининг лексик хусусиятлари. – Жиззах: Сангзор, 2006; *Яна ўша.* "Ширин билан Шакар" достонининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2007; *Яна ўша.* Фозил Йўлдош ўғли "Ширин билан Шакар" достонининг лингвопоэтик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2007; *Яна ўша.* "Ширин билан Шакар" достонида тазод санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №3. – 93-95; *Яна ўша.* "Ширин билан Шакар" достонида эпитетлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №6. – 98-99.

[4] *Мирзаев Т.* "Ширин билан Шакар" // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – 2005. – 10-том. – Б.76; *Болтаева И.* "Ширин ва Шакар" достонида эпитетлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – 5-сон. – Б.49-50.

аёли эса бола туғаётганида ўлади ва унинг ўғлини ҳам Қосимхоннинг жуфти ҳалоли Бўтакўз тарбиялаб, вояга етказади. Бир куни болалар овга чиқишади ва подшонинг кичик хотини Кенжаойимнинг икки ғозини отиб қўйишади. Шундан кейин Кенжаойим уларга туҳмат қилади ва подшо болаларни ўлимга буюради. Оловхўжа пир кўмагида дордан халос бўлган Ширин билан Шакар Чибич кўли бўйига келадилар. Шакар бу ерни ўзига макон қилган аждарни ўлдиради ва унинг сеҳрли шохи ёрдамида тоғ ичидаги ғаройиб ўлкага кириб, соҳибжамол Гулгун парини озод қилади. Шакар билан Гулгун бир-бирини севиб қоладилар ва турмуш қурадилар. Акасидан ажралган Ширин эса қирқ қаландарга қўшилиб, йўлини давом эттиради.

Гулгунга ошиқ бўлган Қорахон қизни ўғирлаб келиш учун бир мастон кампирни ёллайди. Мастон ўзини золим подшодан жабр кўрган муштипар она сифатида кўрсатиб, Шакарнинг ишончини қозонади ва ботир уни отига мингаштириб уйига олиб боради. Шум кампир Шакарнинг мастлигидан фойдаланиб, сеҳрли шохни ўғирлайди ва Гулгунни паланг отга мингаштириб олиб қочиб келади. Шакар эса сирли тоғ ичида қамалиб қолади. Гулгун ўзининг канизаклари ёрдамида мастон кампирни ўлдиради. Шу пайт кўчада талқин айтиб юрган қаландарларга кўзи тушиб, уларни ўз кўшкига чақиради ва улар орасидаги Ширинни таниб қолади. Гулгун қирқ бир қаландар ёрдамида Қорахонни ҳам ўлдириб, Ширинга сеҳрли шохни беради. Ширин акасини қуткаради ва улар биргаликда Қорахоннинг лашкарини енгадилар. Ширин Қорахоннинг қизига уйланади.

Орадан ўн саккиз йил ўтгач, Шакар тушида онасини кўриб қолади. Гулгуннинг маслаҳати билан девларнинг жони сақланадиган сандиқни топиб олишади ва ғаройиб қаср бунёд этишади. Девлар бу қасрни кўтариб Қуёнқи шаҳрида олиб бориб қўядилар. Шакар билан Ширин ота-онаси билан топишадилар, туҳматчи ўгай она жазосини олади.

Ана шундай қизиқарли саргузаштларга бой бу асар халқ достонларини асрлар бўйи севиб куйлаган чечан бахшилар репертуарида алоҳида ўрин тутган. "Ширин билан Шакар" достони сюжетининг тарихий асослари халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурлари ва эътиқодий қарашларига бориб тақалиши билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу достон ғоят қадимий мотивларга эга эпик асарлардан бири саналади.

Мазкур достон сюжетининг асосий мотивлари қадимги аждодларимизнинг архаик мифологиясига, хусусан, эгизаклар культига алоқадор эътиқодий инончларга бориб тақалади. Достоннинг етакчи

персонажлари ака-ука сифатида талқин қилиниши (улар гарчи туғишган оға-ини бўлишмаса-да) бу асар сюжетининг қадимий ўзагида эзгулик ва ёвузлик кураши тўғрисидаги қадимги дуалистик тасаввурлар ва архаик мифлар ётишини кўрсатади. Зеро, қадимги туркийлар мифологиясида оламнинг яратилиши ва нарса-ҳодисаларнинг вужудга келиши билан боғлиқ воқеалар талқинида эзгулик тимсоли Улган ва ёвузлик макони – Ер остини ўзига макон қилган Эрлик образлари иштирок этиши кузатилса, аждодларимизнинг бебаҳо ёзма обидаларидан бири "Авесто"-даги дуалистик тасаввурларнинг асосини Ахурамазда ва Ахриман жуфтлиги ташкил этади.

Халқимиз орасида эгизак туғилган болаларни алоҳида эъзозлаш, қўшалоқ фарзанд кўрган аёлларда ўзига хос магик қувват бўлишига ишониш (айрим жойларда "тепки", яъни юзнинг чакка қисми шиши касалига дучор бўлган болаларнинг бошини остона устига қўйиб, эгизак боласи бор онанинг ковуши билан касалланган жой силанса, бемор тузалиб кетади, деган иноич мавжудлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди), бундай болаларга ўзига хос (Ҳасан ва Ҳусан, Фотима ва Зуҳра, Ҳасан ва Фотима каби) исмлар қўйиш, дуо ва олқишларда келин-куёвга қўшалоқ фарзанд тилаш каби анъаналарнинг замирида ҳам қадимда яшаган ота-боболаримизнинг эгизаклар культига доир қарашлари мужассамлашган. Хоразм вилоятининг Янгиарик туманида "Экизак бува" номи билан аталувчи муқаддас жой мавжудлиги ҳам халқимиз орасида қўшалоқ туғилган фарзандлар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Эгизак маъбудларга сиғиниш анъанаси қадимий асосларга эга бўлиб, ҳинд-европа тилларида сўзлашувчи халқларнинг деярли барчасида эгизаклар культи мавжуд бўлган[1]. Қадимги юнон мифологиясидаги Диоскурлар, яъни Кастор билан Полидевка образлари ҳам эгизак маъбудлар бўлиб, асотирларда улар Леди билан Зевснинг ёки Тиндарнинг болалари, деб тасвирланади. Дилбержин ёдгорлигидаги ибодатхонанинг деворларидан бирига қадимги юнон мифларида тасвирланган Диоскурлар – Кастор билан Полидевка сурати чизилган. Эгизакларнинг ҳар иккаласи ҳам навқирон кўринишда тасвирланган. Улар оқ от тизгинини ушлаб турибди[2]. Қадимги юнон мифологияси талқинича, илоҳий эгизаклардан бири Кастор отларни қўлга ўргатувчи бўлса, Полидевка қўл жангида шуҳрат қозонган. Худди шунингдек, қадимги ҳинд мифологиясидаги эгизаклар – Ашвинлар "отларнинг эгаси" деб

[1] *Толстов С.П.* Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – С.281.

[2] *Кругликова И.Т.* Настенные росписи Дильберджина // Древняя Бактрия. – М.: Наука, 1976. – С.88-89 (рис.52).

таърифланади. "Ширин билан Шакар" достонида ҳам эпик қаҳрамонлар бедов от минган навқирон йигитлар сифатида тасвирланган. Достоннинг Қурбонбой Тожибоев вариантида эса қаҳрамонлар минган тулпорлар ўзининг ранг тимсолига кўра фарқланиши ("Оқча от билан Кўкча от") ҳам дуалистик мифологияга бориб такалади.

Қизиғи шундаки, қадимги хоразмликларнинг ибтидоий дафн маросимларини ўрганган олимлар қачонлардир Аму соҳилларида яшаган одамлар турмушида эгизаклар культи билан боғлиқ ғалати бир удум мавжуд бўлганлигини аниқлашган эди. Қадимшуносlар Тозабоғёб маданиятига оид Анқо-2 маконидан оғзи ерга қаратиб кўмилган йирик хум топишган. Текшириб кўрилганда, хумнинг ичида одам суяклари борлиги аниқланган. Мутахассислар марҳум жасади (яъни унинг суяклари) солинган бу катта кўзасимон хумнинг оғзи қуйига қаратиб кўмилганлигини кўриб ҳайрон қолишган. Чунки худди шундай дафн усули Узбойдаги Қорачай жарлиги хамда Кугунек тоғида, Амударёнинг Ақчадарё номли дельтаси бўйидаги Қамишли-1, Қават-2 (Амиробод маданияти, яъни сўнгги бронза даврига оид мозор), Уйқала, Чимбой-2 маконларида олиб борилган археологик изланишлар чоғида ҳам топилган экан[1].

Маълум бўлишича, марҳум суяклари солинган хумнинг оғзини қуйига қаратиб кўмиш ритуали нихоятда қадимий бўлиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмида урф бўлган бу анъана эгизаклар культи билан боғлиқ экан. Чунки Африкада истикомат қилувчи ньоро (шимолий банту) қабиласининг вафот этган эгизакларни сўнгги манзилга кузатиш билан алокадор бир удуми ана шундай хулосага келишга асос берган. Анъанага кўра, вафот этган эгизакларнинг жасадини хумга солишган ва хумнинг оғзини пастга қаратиб бир дарахт тагига кўмганлар. Агар эгизаклардан биттаси ўлса, унинг жасадини хумга солиб кўмаётганда унинг ёнига оғзи ерга қаратилган бўш хумни ҳам кўмиб келишган. Бу удум эгизаклар руҳи ёвуз кучларни ташиш хусусиятига эга, деб тасаввур қилишга асосланган анимистик қарашларга боғланар экан. Шунинг учун ҳам уларнинг рухи тириклар орасига қайтиб келмасин деган мақсадда, яъни жонни қамаб қўйиш учун хумнинг оғзини ерга қаратиб қўйишган бўлса ажаб эмас. Шунга кўра, мутахассислар қадимги Хоразм ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар давомида топилган оғзи пастга қаратиб кўмилган хумларда ҳам эгизаклар дафн этилган, деган хулосага келишди[2].

[1] *Итина М.А.* Реконструкция нскоторых первобытных обрядов методом аналогий // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.16-17.

[2] Ўша макола. Б.17.

Фикримизча, аждодларимизнинг эзгулик ва ёвузлик кураши ҳақидаги қадимги тасаввурлари асосида келиб чиққан дуалистик мифлар ва эгизаклар культининг мўътабарлаштирилиши билан боғлиқ анъаналар фольклор асарларида ака-укалар жуфтлигидан иборат қаҳрамонларнинг саргузаштларига бағишланган илк эпик сюжетларнинг юзага келишига замин яратган. "Ширин билан Шакар" достони сюжетининг тарихий асослари ҳам дуалистик мифологияга бориб тақалади.

Достоннинг сюжет қурилишидаги қадимий узвлардан бири эпик қаҳрамонларнинг ғайритабиий туғилиши мотивидир. Қадимда муайян оилада эгизак болаларнинг дунёга келишини илоҳий кучлар таъсири билан боғлаб изоҳлаганлар. Айни ҳолатни "Ширин билан Шакар" достонининг Фозил Йўлдош ўғли вариантида ҳам кўрамиз: бефарзанд подшо азиз авлиёларни зиёрат қилгандан кейин, яъни эзгу ҳомий-пирлар қўллаб-қувватлаши туфайли муродига етади. Достоннинг Қурбонбой Тожибоев вариантида эса ғайритабиий туғилиш мотивининг тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ нисбатан қадимий шакли сақланиб қолган. Фарзандсизлик азобини тортаётган подшо Валихон билан унинг вазири Қорамон "ҳалол Луқмон жойлар бор, чилтан юрган ерлар бор. Қиё майдонга чиқайлик, бошларимизни тошларга уриб тилак тилайлик, шояд бизларга ҳам фарзандни ато қилгай", деб тоғу тошларга чиқиб кетадилар. Бир жойда улар "овзи ўрадай, соқоли шўрадай, қўллари сабодай, бармоғи ёбодай бир шаклсиз дев ёғли телпаги ҳарбайиб бир бобо"га дуч келади. Ўзини Шом юртининг Айёр бобоси деб таништирган бу ғаройиб чол подшо билан вазирнинг аҳволидан хабар топгач, ўнг қўйнидан бир қизил анор чиқаради ва уни подшога бериб: "Бошдан улкан хотинингга бер, тухми билан есин", – дейди. Сўнгра чап қўйнидан бир қизил анор чиқариб вазирга беради-да: "Сен ҳам хотинингга бер, болаларинг бўлмаса, айланиб менга кел", – деб кўздан ғойиб бўлади.

Халқимизда анор меваси қадимдан серҳосиллик ва серпуштликни ўзида мужассамлаштирган магик тимсол сифатида тасаввур қилинган. Шунинг учун ҳам сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахита кўпинча мўл ҳосил бахш этувчилик хусусиятини англатувчи тимсолий неъмат – анор ушлаган ҳолатда тасвирланган. Хусусан, қадимий Варахшадан топилган осори атиқалар орасида ўнг қўлида анор ушлаб турган аёл ҳайкалчаси ҳам бор[1]. Қўлида анор кўтарган маъбуда ҳайкалчаси қадимги Хоразм ёдгорлиги Қўйқирилган қалъадан ҳам топилган. Сосонийлар даврида кумушдан ясалган бир кўзада эса чап қўлида анор, ўнг қўлида

[1] *Шишкин В.* Варахша. – М.: Наука, 1963. – С.142.

гўдак болани кўтариб турган она тасвири туширилганлиги маълум[1]. Қадимда анор меваси серфарзандлилик бахш этиш хусусиятига эга, деб тасаввур қилинганлиги сабабли халқимизнинг ҳунармандчилик буюмларида, хусусан, келинлар сепи учун мўлжаллаб тайёрланган палак ва сўзаналарга ҳам анор тасвири нақшланган. Достондаги анор мевасини егандан кейин ҳомиладор бўлиш мотиви замирида ўсимлик культи билан алоқадор тотемистик қарашлар ўз аксини топган.

"Ширин билан Шакар" достони ўзбек вариантларида эпик қаҳрамоннинг онаси эзгу ҳомий томонидан берилган ғаройиб анорни егандан кейин ҳомиладор бўлиши мотивининг қадимий илдизлари Марказий Осиё туркий халқларининг тотем-дарахтлар тўғрисидаги фитомифологик тасаввурларига боғланади. Бинобарин, ёкут халқ қаҳрамонлик эпосидаги бефарзанд ҳукмдорнинг "орус-мак" номли мукаддас дарахт тагида ўзига зурриёд тилаши ҳамда сеҳрли ўсимлик гулини истеъмол қилган онанинг ғайритабиий йўсинда ҳомиладор бўлиши каби мотивларда ҳам аждодлар культининг фитоморфик талқини учрайди[2]. "Алпомиш" достонининг Бўри бахши Аҳмедовдан 1962 йилда ёзиб олинган вариантида ҳам бефарзандликдан қийналган Бойбўри қаландар берган олмани хотинига келтириб беради ва шу мевани егач, у ғаройиб тарзда бўйида бўлиб қолади[3]. Бу эса эпик қаҳрамоннинг ғайритабиий равишда туғилишини халқимизда серҳосиллик ва кут-барака тимсоли сифатида тасаввур қилинган олма, анор каби мевалар билан боғлаб мотивлаштириш халқ эпосининг анъанавий хусусиятларидан бири эканлигини кўрсатади.

"Ширин билан Шакар" достонида эпик қаҳрамонларнинг саргузаштларида мададкор бўладиган, уларни мушкул вазиятлардан халос қиладиган эзгу ҳомий образи тасвирига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Эпосда бефарзанд подшо билан вазирга ғаройиб чол (Айёр бобо) дуч келиши ва сеҳрли неъмат (анор) ҳадя этиши ҳали асар қаҳрамонлари дунёга келишидан аввалроқ уларнинг ғайритабиий кучлар – пир, ҳомийлар томонидан "танланган"лигини билдиради. Достоннинг Қурбонбой Тожибоев талқинича, Валихон болаларга исм қўйиш учун халқни тўплаганида одамлар орасидан бир нотаниш бобо чиқиб келиб, Шакарни бешикдан олиб, "ёвринидан уч қоқиб овзина "куф!" деб отини "Шакар" қўйиши ва вазирдан қолган болани ҳам қўлига олиб, оркасидан коқмай, отини "Ширин" қўйгач, қайтиб бешикка солиб, хон чакирса ҳам қулоқ

[1] *Мезурнова Т.И.* О среднеазиатской набойке // Этнография Таджикистана. Сборник статей. – Душанбе: Дониш, 1985. – С.42.

[2] *Решетникова А.П.* Фонд сюжетных мотивов и музыка в этнографическом контексте: Автореф. дисс. канд. истор. наук. М., 2007. – С.19.

[3] ЗЎФА. Инв.№1552. – Б.6.

солмай одамларни оралаб йўқ бўлиб кетиши" эпик қаҳрамоннинг ҳомий-пирлар томонидан доимий муҳофазага олинганлигининг ифодасидир. Шунинг учун ҳам достоннинг Фозил шоир вариантида Оловхўжа пир, Қурбонбой жиров вариантида эса Айёр бобо деб аталган мифик ҳомийлар Ширин билан Шакарни қийин ҳолатлардан қуткариб, доимо қўллаб туришади.

Ўзбек мифологиясида олов культи билан алоқадор мифологик образ сифатида кенг оммалашган Оловхўжа пир ҳомий, афсонавий мададкор, эпик қаҳрамонларни қўллаб-қувватловчи эзгу куч тимсоли сифатида талқин қилинган. Анъанага кўра, эпик қаҳрамон мушкул аҳволга тушиб қолганида ғайриоддий йўсинда пайдо бўлган Оловхўжа уни кийин вазиятдан халос қилгач, кўздан ғойиб бўлади. Шунинг учун ҳам Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида келган кишининг тезлик билан қайтиб кетишга чоғланишига нисбатан "Оловлихўжамисан, бунча шошасан?" бирикмаси ишлатилиши ана шу мифик персонаж ҳақидаги тасаввурларга ёдга туширади.

Хива шаҳрининг Майвастан маҳалласида Қари Оловхўжа ёки Олов хўжа пир мозори мавжуд бўлган. Бу муқаддас жой ҳақидаги афсонада ҳикоя қилинишича, Оловхўжа шунчалик ғайритабиий кучга эга бўлган эканки, ҳатто оловда ҳам ёнмас экан. Бир куни бир оташпараст подшо буни синаб кўриш учун эллик арава ўтин келтириб, унинг ўртасига Қари Оловхўжани ўтиргизиб қўйиб, сўнгра олов ёқишни буюрибди. Аланга сўнганидан кейин Оловхўжанинг кул-пулиям қолмагандир, деб ўйлаган одамлар не кўз билан кўрсинларки, у соппа-соғ турган эмиш[1].

Бошқа бир ривоятга кўра, Оловхўжа пир Хивадаги Тўрт шоввоз бобо мақбарасида ўзига дахма қурдиришни хондан илтимос қилган. Аммо хон Майвастанда унга атаб мақбара бунёд этгач, Оловхўжа аразлаб Кўҳна Урганчга, Шайх Нажмиддин Кубро қадамжосига кетган, дейдилар[2].

Оловхўжа образининг тарихий асослари зардўштийлик даври мифологиясига бориб тақалади. Маълумки, ўтмишда ҳар бир қабиланинг доимо ёниб турадиган ўчоғи бўлган, бундай ўчоқлар муқаддас хисобланиб, уларнинг олови сира ўчирилмаган. Ана шундай муқаддас ўчоқлардан бири кадимги Хоразм маданиятининг ноёб обидаси – Жонбосқалъа яқинидаги ибтидоий овчилар қароргоҳи ўрнидан топиб ўрганилган. Аждодларимизда ўчок ва олов мўътабар тутилганлигини

[1] Илак йўли афсоналари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.42.

[2] *Раҳмонов А., Юсупов С.* Хоразмда муқаддас жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент, 1963. – Б.13.

хозирга қадар сақланиб қолган кўплаб расм-русумлар ва айтимлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги Қорақўйли қишлоғида никоҳ тўйининг эртаси куни оиланинг ўчоғидаги ўт аланга олганда келин ўчоққа салом қилдирилган. Бунда келин олов ёниб турган ўчоққа бир бўлак қуйрук ёғини ташлаган. Ана шу удум "ёғ-ўчоқ" дейилган[1]. Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида урф бўлган "ўтга чақирди" удумида эса тўйининг эртаси келин кўни-кўшни ва қариндош аёллар гувоҳлигида ўчоққа ёғ қуйган[2]. Қашқадарё вилоятида эса кайвони келиннинг қўлига озгина мой солинган чўмични тутқазиб, ўчоқ ёнига бошлаб борган. Сўнгра "Қўлинг ёғлик бўлсин", – деб келинга чўмичдаги мойни ўчоққа тўктирган[3]. Халқ қарашларига кўра, ўчоқдаги ўтда шу хонадон аҳли ота-боболарининг руҳи намоён бўлар эмиш. Ўчоқдаги оловни ўчириш – аждодлар руҳининг рамзий мадади ва руҳий ҳомийлигидан маҳрум бўлишни англатган.

Ўзбек мифологиясида оловнинг антропоморф, яъни инсон шаклида тасаввур қилиниши ва образлантирилиши анъанаси мавжуд бўлганлигини уй ўчоғини ўзига макон қилган мифологик персонаж Олов момо ҳақидаги тасаввурлар ҳам тасдиқлайди. Этнограф олима О.А.Сухарева томонидан XX асрнинг 20-йилларида Самарқанд шаҳрининг Гўри Амир ёдгорлиги атрофида яшовчи аҳоли орасидан тўплаган маълумотларга кўра, доялар туғрук бошланишидан аввал бўлажак она ётган уй остонасининг устига "нукча", яъни пилик ёқишган ва "Остонага нукча қўйдим, Олов момо келинг, оби оташдек тез келинг!" – дейишар экан[4].

Бундан ташқари, "Бундахишн"да айтилишича, биринчи мукаддас олов – "Адар хурро"ни Жамшид Хоразмда ёққан эмиш. "Авесто"да олов маъбуди "Атар" (яъни "Ўтар" – "ўт эгаси") образи ҳам мавжуд. Қари Оловхўжа хоразмликларнинг олов культи ҳамда ўт-оловни ўзида мужассамлаштирган маъбудлар тўғрисидаги қадимги мифологик тасаввурлари асосида юзага келган. Демак, Оловхўжа образи билан боғлик тасаввурларнинг келиб чиқишида қадимги зардўштийлик мифологиясидаги олов тангриси – Атар (яъни Ўт+эр) ҳақидаги мифлар ҳам мухим роль ўйнаган.

[1] ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1648.

[2] *Жўрабоев А.* Ўзбек тилида тўй маросим номлари (Андижон группа шевалари материаллари асосида): Филол. фанлари номзоди… дисс. – Тошкент, 1971. – Б.200-201.

[3] *Шониёзов К.* Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С.151-152.

[4] *Сухарева О.М.* Мать и ребенок у таджиков (обряды и представления, связанные с материнством и младенчеством у таджиков г. Самарканда и кишлака Кусохо, Канибадам и Шахристана) // Иран. Т.3. – Ташкент, 1929. – С.128.

Қурбонбой Тожибоев куйлаган "Ширин-Шакар" достонида тасвирланган Ғовир образи ҳам қадимги Хоразм мифологиясида ёвуз куч тимсоли сифатида тасвирланган Говур ҳақидаги асотирий қарашлар эволюцияси натижасида эпосга кириб қолган. Достонда Ғовирнинг Ҳинжиойимга ошиқ бўлиши ва унинг ёрдамида Валихоннинг тахтини эгаллаши билан алоқадор лавҳалар хоразмликларнинг Говур полвон тўғрисидаги афсоналарини эслатади. Хўжайли атрофларидан ёзиб олинган афсоналарга кўра, Говур – Жумуртов яқинидаги қалъалардан бирида яшаган полвон бўлиб, у Шамун набининг хотинига ошиқ бўлиб қолади. У ўз қалъасидан яширинча лаҳм қазиб, аёл билан ҳуфёна учрашиб юрганлиги ошкор бўлгач, Шамун наби билан Говур ўртасида муросасиз жанг бошланади. Шамун набининг қўли баланд келаётганлигини кўрган аёли унинг оёғи остига тариқ сепади ва ракибининг йиқилганидан фойдаланган Говур қутулиб қолади[1]. Амударёнинг қадимий ўзани ҳисобланган Сариқамиш ҳавзасида, Дашоғуз шаҳридан 120 км жанубий-ғарбда милодий I асрга мансуб қалъалардан бири "Говурқалъа" деб аталади. Айтишларига қараганда, Шамун наби (баъзи афсоналарга кўра, Шиш пайғамбар) билан олишган Говур полвон ана шу қалъада яшаган. Бошқа бир афсона талқинича эса бу жанг Говур билан унинг укаси, яъни Говурқалъа ёнидаги Ямпиқ қалъаси бунёд этган паҳлавон ўртасида бўлиб ўтган.

"Ширин билан Шакар" достонидаги етакчи персонажлар жуфтлигининг тарихий асослари "Авесто" мифологиясининг асосини ташкил этувчи дуалистик асотирлар ҳамда қадимги хоразмликлар турмуш тарзида муҳим ўрин тутган эгизаклар культи билан боғлиқ инонч-эътиқодларга бориб тақалиши, шунингдек, мазкур асардаги мифологик қатлам (эзгу ҳомий сифатида тасвирланган Оловхўжа пир культи, Говур образи ва ҳ.к.) ҳам асосан Хоразм воҳасига алоқадорлигини ҳисобга олсак, мазкур достон сюжетининг архаик шакли Амударёнинг қуйи оқимида, яъни Оролбўйи эпик ареалида юзага келган, деб хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Биз тарихий асослари ғоят қадимий бўлган "Ширин билан Шакар" достонининг ўзбек баҳшилари репертуарида қайд этилган барча вариантларини киёсий таҳлил қилиб, сюжетининг тугаллиги, бадиий тасвирнинг ўзига хослиги ва баҳши поэтик маҳоратининг юксаклиги билан ажралиб турадиган Фозил Йўлдош ўғли вариантини

[1] *Кнозоров Ю.В.* Мазар Шамун-наби (некоторые пережитки домусульманских верований у народов Хорезмского оазиса) // Этнография. – М., 1948. – №2. – С.87-90.

нашр учун таняч манба сифатида танлаб олдик. Бу вариант матни бирламчи манба – Фольклор архивида сақланаётган асл нусха асосида академик нашрга тайёрланган бўлиб, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган достон ушбу жилдга киритилди. Қурбонбой Тожибой ўғли варианти эса мазкур юз жилдликнинг навбатдаги жилдларидан бирига киритилиши кўзда тутилди.

Атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли.

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ширин билан Шакар" достонини нашрга тайёрлашда унинг матни М.Шайхзода ҳамда *М.Афзаловлар томонидан илгари нашр этилган* намуналарига солиштирилди, тушириб қолдирилган, таҳрир қилинган ва қисқартирилган жойлари тузатилди. Матн тўла нашрга тайёрланди.

* * *

Маълумки, бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва муттасил бойиб, такомиллашиб боришида эртакчилик анъаналари ҳамда ёзма адабиёт ҳам муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, Булунғур достончилик мактабининг атоқли вакиллари Амин бахши, Чини шоир, Султонмурод шоир, уч ака-ука – Йўлдошбулбул, Қўлдошбулбул, Суяр шоир ва уларнинг бадиий анъаналарини давом эттирган донгдор достончи Фозил Йўлдош ўғли репертуарида асрлар давомида куйлаб келинган эпик асарлар билан бир қаторта, мумтоз Шарқ ва ўзбек адабиёти таъсирида юзага келган китобий достонлар ҳамда эртак сюжетлари асосида шаклланган халқ достонлари салмоқли ўрин тутган. Бунинг боиси шунда эдики, "халқ классик адабиётни севарди. Адабиётни севувчи кишилар классик адабиётимизнинг сара асарларини халқ ўртасида ўқиб берар, тушунтирар эдилар. Достончиларнинг ўртасида ҳам ора-сира саводлиларининг бўлиши, бахшилар ижодига ёзма адабиётнинг самарали таъсирининг кучайишига сабаб бўлар эди. Бунда, айниқса, навоийхонликнинг роли, шубҳасиз, катта бўлган. Бахшилар репертуарига, шу жумладан, Йўлдош шоир ва Фозил шоир репертуарларига "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Баҳром ва Гуландом", "Раъно билан Сухангул" каби достонларнинг кириб, сингиб кетиши классик адабиёт таъсиридир"[1].

[1] *Зарифов Ҳ.* Фозил шоир – машҳур достончи // Фозил шоир / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент, 1973. – Б.13.

Маълум бўлишича, Лойқа қишлоғилик мулла Бекназар, мулла Эрназар сингари саводхон кишилар "Санобар", "Малика Дилором", "Баҳром ва Гуландом" сингари қиссаларни Фозил шоирга ўқиб беришган[1]. Назаримизда, атоқли достончининг эпик репертуари шаклланишида муҳим роль ўйнаган ана шундай қиссахонлик давраларида шоир Дилафкор каламига мансуб "Раъно ва Сухангул" достони, шунингдек, "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" қисса-достонининг турли намуналари билан танишган бўлиши керак.

Халқ оғзаки бадиий ижоди эпик сюжетлари асосида қисса ва достон яратиш анъанаси хийла кучайган XVIII-XIX асрларда "Хуршид ва Маликаи Дилором", "Юсуф ва Зулайхо", "Тоҳир ва Зуҳра", "Юсуфбек ва Аҳмадбек", "Гулфараҳ" каби асарлар юзага келган. Шу анъана доирасида шоир Дилафкор "Раъно ва Сухангул" достонини яратган. Ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ китобларига ихлоси ғоят баланд бўлган Фозил шоир саводхон ҳамкишлоқларининг қиссахонлик давраларида бўлганида Дилафкорнинг мазкур достонини ҳам тинглаган. Кейинчалик шу достон сюжетини янгича бадиий талқин қилиш асносида ўзининг "Раъно билан Сухангул" достонини яратган.

Улкан сўз устаси Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги "Раъно билан Сухангул" достонининг қўлёзмаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 36-инвентарь рақами остида сақланади. Достон заҳматкаш фольклор тўпловчи Маҳмуд Зарифий томонидан 1928 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида бевосита бахшининг ижро этиб туриши асносида араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида ёзиб олинган. Мазкур достон матни 36х22 ўлчамдаги сарғиш тусли йўл-йўл катта умумий дафтар варақларига кора қалам билан ёзилган. Достон матни ёзилган дафтар варағининг орқа тарафи очиқ қолдирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 460 саҳифани ташкил этади.

Достон қўлёзмасида асар каҳрамонининг исми "Раҳна" тарзида ёзилган бўлиб, биз ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди ва мумтоз адабиётидаги шу сюжетга дахлдор бошқа асарлар (масалан, Дилафкорнинг "Раъно ва Сухангул" достони) номидан келиб чиққан ҳолда, уни "Раъно билан Сухангул" тарзида чоп этишни маъқул, деб билдик.

Достон сюжетини ташкил этувчи воқеалар силсиласи халқ эпоси учун хос бўлган анъанавий мотивлардан бири – эпик каҳрамоннинг ғайриоддий равишда туғилиши лавҳаси тасвири билан бошланади. Таманно шаҳри ҳукмдори Темуршоҳ бефарзандликдан доғу ҳасрат

[1] *Ғозибоев Т.* Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.46.

чекади. Бир куни у туш кўради, тушида Хизр, Ғавсул Ғиёс азизларни кўради. У уйқуда ётганида азизлар ўзларини билдириб, кирк чилтан сухбатига олиб киришади ва Темуршоҳга шароб берадилар. Уйқудан масту беихтиёр бўлиб уйғонган Темуршоҳ қараса, тушида намоён бўлган азизлар йўқ, бир ўзи ётибди. Шу тарика ҳомий-пирлар, чилтанлар мадади натижасида унинг хотини ҳомиладор бўлиб, ўғли Раъно дунёга келади.

Маълумки, Фозил шоир ёшлигида деҳкон ва чўпонлар билан кўп ҳамсуҳбат бўлганлигини "Улфатларим бўлди қарол, чўпонлар" дея эслайди. Ўша пайтда улардан кўплаб халқ эртакларини тинглаган, қолаверса, унинг устозлари Йўлдош, Қўлдош ва Суяр шоирлар ҳам эртак сюжетлари асосида яратилган халқ достонларини билгич кишилар бўлишган. Шунинг учун бўлса керак, "Раъно билан Сухангул" достонида ҳам ўзбек халқ эртакларининг сюжет қурилишига мансуб анъанавий мотив ва образлар кўп учрайди. Ана шундай халқ эртакларига хос сюжет унсурлари қаторига достондаги овга чиқиш ва қаҳрамоннинг кийик ортидан қувиб ғаройиб жойга бориб қолиши мотивларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзининг бекlари билан овга чиққан Раънонинг олдидан бехосдан бир нечта олқор ва кийиклар чиқиб қолади. Овга қизиқиб кетган Раъно бир кийикнинг ортидан қувиб кетади. Унинг йигитлари эса оркада қолиб кетишади. Кийик шу қочиб боришда бир гумбазнинг олдига борганда сирли йўсинда ғойиб бўлади.

Бу ўринда биз жаҳон халқлари фольклори учун муштарак ҳисобланган анъанавий мотивлардан бири – эпик қаҳрамонга йўл бошловчилик функциясини бажарувчи кийик образининг ўзига хос талқинига дуч келиб турибмиз. Одатда бу мотив талқинига кўра, бирор етишмовчилик (ёки қўйилган шарт бўйича топилиши зарур бўлган предмет, малика ёки бошқа нарсани излаб) сабабли сафарга чиққан эпик қаҳрамоннинг олдидан тасодифан кийик чиқади. Шу кийикни ушлаб олиш мақсадида унинг ортидан қувган қаҳрамон жонивор билан измаиз юриб "ўзга олам"га бориб қолади. Қаҳрамоннинг кийик орқасидан қувиши ва янги саргузаштлар дунёсига кириб бориши мотиви "Уч оғаини ботирлар"[1], "Муқбил тошотар"[2] сингари ўзбек халқ эртакларида ҳам мавжуд.

"Йўл бошловчи" жонивор ("Раъно билан Сухангул" достонида "кийик") билан алоқадор мифологик тасаввурлар ва афсоналарнинг

[1] Чалпак ёккан кун. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Чўлпон, 1987. – Б. 60–61.

[2] Кўрсатилган манба. – Б.82.

тарихий-генетик асослари қадимги туркий мифологияга бориб тақалади. Чунки қадимги туркийларнинг кўчиши тўғрисидаги этногенетик ривоятлардан бирида айтилишича, бу қабила аъзоларининг дарёни кечиб ўтиши ва ўзларининг истиқомат қилиши учун янги ҳудудга кўчиб ўтишлари чоғида уларга буғу йўл бошлаб борган[1]. Бу мотив эпосга эртакдан ўтган сюжет элементларидан бири бўлиб, тарихан буғу (оҳу, кийик, архар)ни қуёш, эзгулик, ёруғлик тимсоли, деб тасаввур қилишга асосланган мифологик тасаввурларга бориб тақалади. Илмий манбаларда "скиф буғуси" номини олган мифологик тимсол Марказий Осиёнинг шимолий-шарқий ҳудудида яшаган қадимги этносларнинг тотемистик қарашлари асосида культ даражасида эътироф этилган жонивор – буғуни муқаддаслаштириш анъанаси натижасида келиб чиққан[2]. Қизиғи шундаки, археологик топилмалардаги мифологик рамзларни тадқиқ этган санъатшунос олим Л.И.Ремпелнинг қайд этишича, "скиф-сак санъатида "Сибирь буғуси" образи умуман учрамайди, чунки саклар томонидан яратилган санъат асарларида одатда кийик, яъни Бухоро оҳуси тасвирланиши кузатилади"[3]. Зеро, милоддан бурунги I минг йилликнинг охири – милоднинг бошларига оид Жетисор-1 ёдгорлигида олиб борилган археологик қазув ишлари пайтида калласини орқага ўгириб турган иккита кийикнинг терракота ҳайкалчаси топилган бўлса, милодий II-III асрларга мансуб Тупроққалъа ёдгорлигидаги "Оҳулар зали"да Бухоро оҳулари тасвирланганлиги[4] ҳам шу фикр тўғрилигини тасдиқлайди.

Ўзбек мифологиясида кийик образи "эзгулик", "қуёш", "ёруғлик" маъносини англатувчи тимсол сифатида анъанавийлаштирилган. "Раъно билан Сухангул" достонида эса кийик детали эпик қаҳрамоннинг сафари йўналишини белгилаш, уни кўзланган мақсад сари йўллаш ва "ўзга олам"га олиб ўтиш орқали сюжет воқеаларининг ривожини таъминловчи бадиий восита вазифасини бажарган.

Кийикни қувиб келган достон қаҳрамонининг олдидан чиққан бу ғаройиб гумбаз асар воқеаларининг кейинги ривожини белгилашда

[1] *Кузнецова З.С.* Легенда об олене: фольклорный характер источника // Исследования и публикации по истории античного мира. Под редакцией проф. Э.Д.Фролова. Вып.2. – С.-Пб., 2003. – С.321 -330.

[2] *Акишев А.К.* Искусство и мифология саков. – Алмата: Наука, 1984. – С.38-39.

[3] *Ремпель Л.И.* Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент: Издательство литература и искусства, 1987. – С.28.

[4] *Толстов С.П.* Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1949-1953 гг. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.2. – М., 1958. – С.201.

муҳим аҳамият касб этувчи деталь ҳисобланади. Чунки эпик анъанага кўра, кўпинча қаҳрамоннинг тақдири, шу жумладан, уларнинг бўлажак умр йўлдоши билан шикоҳи ҳам ҳомий кучлар (кўпинча, чилтанлар) ҳомий-пирлар тарафидан аввалдан башорат қилинади. Одатда қаҳрамон ўзининг бўлажак ёрини дастлаб тушида, сеҳрли ашё (ойнайи жаҳон, сурат каби)даги тасвирда кўриб ошиқ бўлиб қолади, ов ёки сафар чоғида қуш суратида дохил бўлган парига муҳаббат қўяди, ҳомий кучлар томонидан башорат қилинган гўзални топиш қаҳрамоннинг сафарига сабаб бўлади. Айни ҳолатни "Раъно билан Сухангул" достони ҳам кўрамиз.

Жонивор ортидан узоқ вақт қувиб келган Раъно беҳад чарчаган эди. Бунинг устига, шу ерга етганда кийикни йўқотиб қўйганлиги боис, тунни гумбазда ўтказишга аҳд қилади ва ичкарига кириб ухлаб қолади. Фозил шоирнинг тасвирлашича, "Бу гумбаз илгари вақтдан қолган илми каромат билан бўлган чилтанларнинг манзилига етди. Ҳар жума оқшоми, душанба оқшоми шунда келиб, чилтанлар, ўн икки имом, Ғовсул Ғиёс, Хизр Илёс келиб ҳалқа уриб сухбат қурар эди. Шул кечаси тақдир тортиб Раъно фалакнинг гардиши билан гузари тушиб чилтанларнинг суҳбатхона ерига бориб ётган эди. Устига чилтанлар келиб Раънони кўриб суҳбатига олиб, бир коса шароби антаҳур бериб, бул майдон ичиб, балки шул авлиёлар қаторинда бўлиб, ўн икки имом, чилтандан дуо олиб, масту беихтиёр бўлиб ётган экан. Уйқуда эканлигини ҳам билмас эди, уйғоқ эканини ҳам билмас эди. Шул ётишда пирларнинг тарбия қилганини билар эди. Икки ой келиб қўйнига кирди, ўзи билан уч ой бўлиб, учови чулғашиб, айшу ишратда ўйнашиб, бул ойларнинг жамолига, ҳусни-камолига олам муаттар, равшан бўлар эди". Бу воқеаларнинг ўнгидами, тушидами эканлигини англайолмай турган Раънонинг қулоғига "Бул ойнинг бири париларнинг подшосининг қизи эди, бирови Шоҳи Кайвоннинг қизи – Сухангул эди", – деган садо эшитилади. Бу ўринда Раънонинг қўйнига кирган икки ой достон қаҳрамонининг келажагидан хабар берувчи тимсол, унинг қулоғига эшитилган ғаройиб садо эса тақдирига битилган саргузаштларнинг дебочаси эди.

Раъно изидан етиб келган бекларнинг шовқинию, отларнинг дупуридан уйғонган бўлса-да, икки ой ҳамон кўз ўнгида жилваланар, аммо бу нурли маъво унинг ўзидан ўзгага кўринмас эди. Раъно овдан қайтиб келиб, отасига бўлган воқеани айтиб берар экан, шундай дейди:

Устига кийгани гулгун қирмизи,
Аклимни оп кетди жодули кўзи.

Мен сўрадим шоҳи Кайвоннинг қизи,
Ойнинг суратида бўп келди ўзи.

Отасидан рухсат олган Раъно ёнида йигитлари билан бирга ёрини ахтариб йўлга чиқади. Неча шаҳарларни кезиб юриб бир йўл айриладиган чорраҳага етиб келадилар. Бу ўттиз икки шаҳар йўлининг бошланиш жойи эди. Йигитлар қаерга юрарини билмай ҳайрон бўлиб қоладилар ва ҳаммаси маслаҳатлашиб, ортга қайтишга қарор қиладилар. Раъно эса Сухангул ёрини топиб келиш учун йўлини давом эттиради.

Раънонинг олдидан бир оппоқ соқолли бобо чиқиб шундай деб сўрайди:

Ол-ол бўлсин, жоним болам, ол бўлсин,
Охирида ўлжанг сенинг мўл бўлсин.
Душманларинг жиловингда қул бўлсин,
Бу тоғларда, болам, сенга йўл бўлсин?

Шундан кейин ул бобо: – Сенинг ишингдан менинг хабарим бор эди. Ҳали давур юрасан, тақдир қилса излаган ерга борасан, шу тоғдан ўтсанг бир чорбоққа бориб қўнасан, шу чорбоққа борсанг излаганимни шу ердан топиб оласан, – деб кўздан ғойиб бўлди. Нима экапини билмай, ё бир жинмикан, ё бир валиймикин, бул одам нима бўлса кўздан ғойиб бўлди. Қаҳрамон бобо айтган йўл билан Кайвон шоҳ чорбоғига боради ва унинг қизи Сухангул билан топишади.

Бахши халқ эртаклари мотивларига ғоят бой бўлган мазкур достонида ҳар бир образ тасвирини чизишда ўзининг юксак бадиий маҳоратини намойиш этган. Хусусан, Раънонинг ғаройиб қўрғонига боришини тасвирлар экан, бахши "бўйи минордай", "калласи бамисоли гумбаздай" баҳайбат девни шундай таърифлайди:

Калласи гумбаздай, оғзи ғордай,
Бурнининг тешиги коронғи гўрдай.
Қулоғи қалқондай, бўйи минордай,
Қўлининг панжаси катта чинордай.
Бул девнинг қошида ул Раъно турди,
Ғами йўқ, ул дев уйқуда эрди,
Дам олса оғзидан каптар чиқарди.

Ушбу парчада дев, пари каби мифологик мавжудотларнинг жони бошқа жонзот сувратида бўлиши тўғрисидаги анимистик тасаввурлар ўз ифодасини топган. Фозил шоирнинг тасвирлашича, "дев дамини олиб ўшқирганда оғзидан бир қора каптар чиқиб кетади, дамини

ичкари тортганда келиб оғзига кириб кетади. Раъно кўнглида айтди: "Шу каптар девнинг жони, шу каптарни ўлдирсам, бу дев ўлади. Ундан ҳам шу каптарнинг пайида бўлай", – деб каптар чиққан вақтида икки қўлини девнинг оғзига тутди. Дев дамини ичкари тортди, каптар келиб Раънонинг қўлига урди. Икки қўллаб маҳкам ушлаб турди". Дев жонининг куш шаклида бўлиши ва уни ушлаб олган эпик каҳрамон ушбу мифик жонзотни ўз измига бўйсундириши халқ эпоси, хусусан, эртак ва достонларга хос анъанавий сюжет элементларидан биридир. Раъно каптарни ушлаб олиб, бир қисганида дев дарҳол уйқудан уйғонади ва қаҳрамоннинг оёғига йиқилиб, "ҳарна хизмат буюрсанг ўзим қилайин", "Сенинг хизматингда мен ҳам бўлайин" деб оҳ ичади.

Бинобарин, пари ва девларнинг каптар кўринишида учиб келиши тасвири ўзбек халқ эртакларида ҳам қайд қилинган[1]. Бундан ташқари, халқимиз орасида "каптарларга озор берма, уларнинг париси бўлади", "парилар каптар бўлиб, давр солиб юради" деган гаплар ҳам бор[2]. Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган халқ қарашларига кўра, "девларнинг жони кабутар сувратида намоён бўлиб туради, дейдилар. Айтишларича, дев нафас олганда жони кабутардай оғзидан кириб-чиқиб тураркан, яъни нафас чиқарса, далага бир қулоч парвоз қилиб, нафасни тортса, томоғидан кириб кетиб туради"[3].

Соф муҳаббат, ёрга садоқат, вафодорлик, она юртни ардоқлаш, мардлик ва жасорат тараннум этилган "Раъно билан Сухангул" достони поэтик тилининг гўзаллиги ҳамда бадиий тасвир воситаларига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Соҳибжамол Сухангулнинг гўзаллигини тасвирлашда "тол чибиқдай" ўхшатишини қўллаган бахши унинг қаддиқомати ғоят нозиклигини ифодалар экан, сўзлари шакардан ҳам тотли эканлигини баён қилиб дейди:

Тол чибиқдай бўлиб белинг буралиб,
Сўйлаган сўзларинг шакардан ғолиб.

Боғ сайлига келган Сухангул гулбутанинг тагида ўтирган Раънони кўргач, унинг кимлигини сўраб қилган мурожаат қилганида қўлланилган ўхшатишлар орқали тингловчи кўз ўнгида шердай жасур, бургут мисол сервиқор, жамоли ойдай мунаввар навқирон йигит киёфаси намоён бўлади:

[1] Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1988. – Б.13.

[2] Бу маълумотлар Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Тўзонли қишлоғида яшовчи Олия момо Олимбой кизидан 1980 йилда ёзиб олинган.

[3] Боболардан қолган нақллар (тўплаб, нашрга тайёрловчилар ва сўзбоши муаллифлари: М.Жўраев ва У.Сатторов). – Тошкент: Фан, 1998. Б.60.

Шер ўмганли кайсар қайдин бўласан?
Жамолинг менгзайман осмонда ойга,
Қошингни менгзайман эгилган ёйга.
Жасадинг менгзайман бўз қарчиғайга,
Ўзингни менгзадим минг қўйли бойга.

Фозил Йўлдош ўғли ижодий даҳосининг ўзига хослигини кўрсатадиган жихатлардан яна бири шундан иборатки, у ўзи куйлаётган достон ғояси ва тасвирланаётган воқеалар моҳиятига хос халқ пандномалари, асрлар синовидан ўтган мақол ва маталлар, ибрат бўларли ўгитлардан самарали фойдаланади. Жумладан, "Раъно билан Сухангул" достонида ҳам инсон ва у яшайдиган она диёр тақдирининг муштараклиги, юртни кўз корачиғидай асраб-авайлаш, ватаннинг муқаддаслиги ғоясини ўзида мужассамлаштирган мисралар кўп учрайди:

Булбул нолон бўлмай нечун сайрасин,
Боғни ҳазон урмай, гулдан айрилса.
Бир мард йигит ғамгин бўлмай найласин,
Фалак ситам уриб, элдан айрилса.
Олма кўз бедовлар рахтидан тушар,
Қуйруғи тўкилиб, элдан айрилса...
Арилар йиғилишиб парвона бўлар,
Уяси бузилиб, болдан айрилса.

Хуллас, "Раъно билан Сухангул" достони фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларидаги акс жараён, яъни бевосита халқ оғзаки бадиий ижоди анъаналари асосида яратилган адабий асарлар таъсирида бахшилар эпик репертуарининг бойиб бориши натижасида юзага келган ажойиб достондир.

* * *

Маълумки, икки дилнинг самимий туйғуларини тараннум этувчи "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достони ўзбек бахшилари орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, унинг ўзига хос вариантлари хивалик Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев, булунғурлик Фозил Йўлдош ўғли, манғитлик Худойберган Ўтаганов, кўнғиротлик Мадрайим бахши Матчонов, урганчлик Турсун бахши Жуманиёзов, Қодир созчи Каримов, деҳқонободлик Қодир бахши Раҳимов, шунингдек, Рўзимбек Муродов каби бахшилардан ёзиб олинган. Бундан ташқари, бу достоннинг Назира халфа Собирова, Саидмурод Папаев, Йўлдош Дўсматов, О.Каримова

ва бошқа ижрочилардан ёзиб олинган парча холидаги намуналари ҳам мавжуддир. Бу достоннинг бир неча хил тошбосма ва қўлёзма нусхалари ҳам тарқалганлиги ҳам унинг халқимиз орасида ғоят машҳур бўлганлигини кўрсатади. "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонининг бахшилар репертуарида қайд этилган барча оғзаки вариантларида асарнинг умумий сюжет ўзаги сақланган бўлса-да, мотивлар таркиби, эпик воқеликнинг талқини ва ижрочи-бахши бадиий махорати жиҳатидан улар бир-биридан фарқланиб туради. Шуни ҳисобга олган ҳолда "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг мазкур жилдига Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ошиқ Ғариб" достони ҳам киритилди.

Бу достон қўлёзмаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 116-инвентарь рақами остида сақланади. Мазкур достонни 1937 йил 14 август куни Тошкент шаҳрида фидойи фольклор тўпловчи Маҳмуд Зарифий лотин ёзувида ёзиб олган. Достон 16,5х20,5 ўлчамдаги ҳар бири 96 варақдан иборат йўл-йўл чизиқли учта умумий дафтарга яшил рангли сиёҳ билан ёзилган бўлиб, ҳажми 294 саҳифа. Ёзиб олувчи достон матнини дафтар варағининг ўнг тарафига ёзиб, орқа тарафини очиқ колдирган. Қўлёзманинг биринчи саҳифасидаги "Фозил Йўлдош ўғли. "Ошиқ Ғариб" достони. Фозил оғзидан ёзиб олувчи: М.Зарифий" ёзувидан кейин "Тошкент, VII-VIII. 1937 йил" деган қайднома мавжудлигига қараб, ушбу достонни ёзиб олиш ишлари 1937 йил июль ойининг охирларида бошланган, деб тахмин қилиш мумкин. Қўлёзманинг охирига қўйилган "14 август" санаси эса достонни ёзиб олиш ишлари якунланган числодир.

Достоннинг қискача мазмуни қуйидагича: Шоҳасан деган бир подшо тушида тожи бошидан учгани ва бир лочин келиб чанг солганини кўради. Орадан кўп ўтмай, унинг юртига душман бостириб келади ва тожу тахтидан маҳрум бўлган Шоҳасан Шоҳаббос деган ҳукмдор ҳузурига боради. Шоҳаббос уни ўзига вазир этиб тайинлайди. Улар иккови ҳам бефарзандликдан азият чекиб, яратгандан фарзанд тилайдилар ва келгусида қуда бўлишга аҳдлашадилар. Тез орада подшонинг хотини қиз, вазирнинг аёли эса ўғил туғади. Шоҳаббоснинг қизига Санам деб исм қўядилар. Вазир эса "Мен юртимдан айрилган ғариб одамман, мусофирчиликда, ғарибликда кўрган фарзандим", деб ўғлининг отини Ғариб қўяди. Орадан кўп ўтмай, Шоҳасан вазир касал бўлиб ўлиб кетади. Подшо ўз вазирига берган ваъдасини бажармоқчи бўлиб, "Қизимизни Ғарибга берайлик" деб хотини Хонноз ойимга маслаҳат солади. Шунда Хонноз ойим қизини Ғарибга беришга рози бўлмайди ва Санамни мактабга юбормай қўяди. Ғариб яширинча Санам

билан учрашади ва улар иккови барга кочиб кетадилар. Бир тоққа етиб борганда улар овдан қайтиб келаётган Шоҳаббосга дуч келадилар. Санам "отам мени таниб қолди" деб қўркиб турганида ғойибдан унга шундай ҳусн ато этиладики, ўз отаси ҳам уни кўриб танимай, ҳуши бошидан учиб отдан йиқилади. Санам эса келган йўли билан изига қайтиб, ўрдага келади. Шундан кейин Ғариб бир кишлоққа бориб чўпонликка ёлланади. Аммо дарду хаёли Санамда бўлиб, молларга қарамайди, натижада қўй-қўзилари озиб кетган одамлар уни ҳайдаб юборадилар. Ғариб уйига қайтиб келади. Эртаси куни Санамнинг ўрдасига бориб, ёрини кўролмай ғамгин бўлиб қайтаётганида Санамнинг энагасини учратиб қолади. Ана шу кампирнинг қўмагида у Санамнинг ўрдасига қул сифатида кириб бормоқчи бўлади. Кампир уни қул сифатида бозорга солади. Акча каниз билан бирга қул сотиб олиш учун бозорга келган Санам уни сотиб олиб, ўрдасига олиб кетади. Аммо Санам очиқ-ошкора муносабат қилмаганидан ўпкалаган Ғариб у ердан кочиб кетади. Санамнинг илтимосига кўра эркак либосини кийган Акча каниз йўқолган "қул" – Ғарибни ахтариб Адан ўлкасига бориб қолади. Шу ердан "кочган қул"нинг дарагини топади. Акча билан кўришган пайтда Ғариб "Санам мендан умидини узган деб ўйлабман, шунинг учун бош олиб кетдим" дейди. Шунда Акча Санам ҳамон Ғарибни севишини, аммо хамма одамларнинг олдида у билан ошкора учраша олмаслигини айтади. Ғариб билан Акча ўз юртига қайтадилар. Санам Ғарибни ўз боғида яшириб юраверади. Бир куни Шоҳаббос қизини турмушга чиқармоқчи бўлади. Шунда Санам кимда-ким етти ой элга тўй берса, ўша одамга эрга тегишини маълум қилади. Сангирхон деган киши бу шартга рози бўлиб, элга етти ойлик тўйни бошлаб юборади. Ғариб ҳам созини кўтариб, Санамнинг тўйига бораман деб кетаётганида йўлда нон ёпаётган бир кампирга дуч келади. Бу кампир ўзининг етти қизини мақтаб, уларнинг хар бири Санамдан кам эмаслигини баён қилади. Аммо Ғариб ўз севгисига содиқ қолиб, йўлида давом этади. Сангирхон тўй бошлаганига уч ой тўлганида Ғариб ҳам тўйга етиб келиб, соз чалиб қўшиқ айтади. Унинг дардчил қўшиғини эшитган Санам қўшкидан тушиб Ғарибнинг олдига келади. Буни кўрган одамлар "Бул бояги Шоҳаббоснинг улуғ вазирининг боласи, илгаридан бир-бирига аташтирилган, ота-энаси бермас бўлиб юрган, Шоҳаббосдан қўркиб Ғариб йўқ бўлиб кетиб эди, бул овозадор тўйни эшитиб қайтиб келган. Санамнинг иши айб эмас, булар чин ошиқ" дейдилар. Шундан кейин Шоҳаббос кизи Санамни Ғарибга тўй қилиб узатади. Икки ошиқ мурод-мақсадига етадилар.

Достоннинг бошқа вариантларидан фаркли равишда Фозил шоир талқинича, вазирнинг ўғли Шоҳаббоснинг қизидан бир кун кейин

туғилади. Бундан ташқари, бефарзанд подшо билан вазирнинг овга чиқиши, уларнинг олдида бўғоз жонивор (кийик, қуён каби) чиқиши, вазирнинг вафотидан кейин совчиликка борган Ғарибнинг онасини подшо саройдан ҳайдаши, Ғариб ва унинг оиласи бадарға қилиниши, Ғарибнинг боғбонга гулчи-шогирд бўлиши, Шоҳсанамга гулдаста юбориши каби достоннинг бошқа вариантларига хос мотивлар Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган намунада учрамайди.

Мазкур эпик сюжетни Булунғур достончилик мактаби анъаналари доирасида ўзига хос тарзда ижодий талқин қилган Фозил шоирнинг бетакрор бадиий маҳорати достонда бутун бўй-басти билан кўзга ташланиб туради. У халқ тилининг жозибадор гўзаллигидан самарали фойдаланган бўлиб, қаҳрамонлар портрети, уларнинг руҳий кечинмалари, ишқ изтироблари ва табиат лавҳаларини баён қилишда поэтик воситаларни маҳорат билан қўллаган. Хусусан, Акча каниз билан бирга бозорга кетаётган Санамни тасвирлар экан, бахши бири-биридан сулув қизларни "ранг-баранг булбулларга" ўхшатади. Уларнинг қийиқ қайрилма қошлари эгилган ёйдай нафис бўлса, ҳусни жамоли тўлин ой каби мунаввардир:

Ранг-баранг булбулдай бўлиб,
Ҳусни тўлган ойдай бўлиб,
Қоши ёйилган ёйдай бўлиб,
Хўп дунёдор бойдай бўлиб,
Шоҳсанам бозор жўнади.

Машҳур фольклор тўпловчи Маҳмуд Зарифий "Ошиқ Ғариб" достонини ёзиб олганидан кейин орадан бир йил ўтгач, яъни 1938 йилда Булунғур туманининг Лойқа қишлоғига борган фольклоршунос олим Мансур Афзалов Фозил Йўлдош ўғлидан "Нишондор Жамбул" термаси, тўққизта эртак ва латифалар билан бир қаторда Шоҳсанам билан Ғарибнинг покиза муҳаббати ҳақидаги достоннинг учта шеърий парчасини "Ғариб-Санам" номи билан ёзиб олган. Қизиғи шундаки, ушбу парчалар "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонининг тошбосма ва қўлёзма тарзида оммалашган намуналарига хос бўлиб, достоннинг Маҳмуд Зарифий ёзиб олган намунасида учрамайди. Бу эса, зукко бахши Фозил Йўлдош ўғли Шоҳсанам билан Ғариб тўғрисидаги анъанавий достонни қўлёзма ёки тошбосма нусхаларни ўқитиб, эшитиш асносида ўрганганлигини яна бир бор тасдиқлайди. М.Афзалов томонидан ёзиб олинган шеърий парчалар Фозил шоир ижодий даҳосининг ўзига хослигини ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда

уни мазкур жилдга "Илова" қилишни лозим топдик. Бундан ташқари, "Илова"да "Шоҳсанам-Ғариб" достонининг қизилтепалик истеъдодли бахши Саидмурод Паноҳ ўғли ижросида ёзиб олинган кичик бир парчаси ҳам берилди.

Фозил шоир репертуарида мавжуд бўлган "Ширин билан Шакар", "Раъно билан Суҳангул", "Ошиқ Ғариб" каби достонларда бадиҳагўйлик яққол намоён бўлиб туриши шеърий парчаларнинг ўзига хослиги ва эпик талқиннинг оригиналлигини таъминлаган. Анъанавий мотивлар таркибининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи бу достонларда садоқат ва самимият, дўстлик ва вафодорлик, юртсеварлик ва жасоратлилик каби эзгу қарашлар тараннум этилган. Мазкур жилдга киритилган достонлар халқимиз бадиий салоҳиятининг улкан қудрати туфайли яратилган қадриабад эпик асарларни юксак маҳорат билан куйлаган атоқли бахши Фозил Йўлдош ўғли ижодий заковати нақадар кенг қамровли ва ранг-баранг бўлганлигига ёрқин далил бўла олади, деб ўйлаймиз.

Маматқул ЖЎРАЕВ

ШИРИН БИЛАН ШАКАР

Достон

Айтувчи: **Фозил Йўлдош ўғли**
Ёзиб олувчи: **Абдурахмон мулла Тожи ўғли**
Достонни илк бор нашрга тайёрловчи: **Максуд Шайхзода**
Матнни асл манба асосида тўлдириб, қайта нашрга тайёрловчилар:
Маматқул Жўраев, Мунис Жўраева

Қуёнқи шаҳрида Қосимхон деган ўтди. Бу киши бефарзанд бўлди. Фарзанд тараддудида хотин олмоқнинг ҳаракатини қилди. Ундан бўлар, бундан бўлар, деб саноқли саксон хотин олди. Саксонидан ҳам фарзанд бўлмади. Юриб, кўп азизларни зиёрат қилди, булардан ҳам ҳеч фойда топмади. Кўп халойиқни йиғиб, қирқ кечаю кирқ кундуз тўй берди. Шу хоннинг Суяжон деган вазири бор эди. Бунинг ҳам боласи йўқ эди. Кўпга тўй бериб, кўпдан дуо олди. "Кўп дуоси кўл", деган гапни шунда билди. Подшонинг Бўтакўз деган хотини ҳомиладор бўлди. Вазирнинг хотини ҳам ҳомиладор бўлди. Ойдан ой ўтиб, кундан кун ўтиб, подшонинг хотини ўғил туғди, эртасига вазирнинг хотини ҳам ўғил туғди. Бундан кейин вазирнинг хотини ўлди, ўғли этак остида қолди. Подшонинг хотини айтди: "Вазирнинг ўғлини ҳам олиб келинглар, мен эмизайин, мен фарзандлан тўйган қул эмасман". Вазирнинг ўғлини ҳам подшонинг хотини эмизди. Буларга от қўйди. Подшонинг ўғлининг отини Шакарбек, вазирнинг ўғлининг отини Ширинбек қўйди. Булар Ширин-Шакар бўлиб юраверди. Билган одам Ширин вазирнинг ўғли деди, билмаган одам иккови ҳам подшонинг ўғли, деб юраверди. Булар бирга-иккига кирди, учга кирди, тилга энгандан тутиб мактабга берди.

Булар етти ёшга кирди. Бурро, саводхон мулла бўлди. Энди ҳаракат қилиб, ўқиган ҳужрасидан чиқиб, иккови маслаҳат қилиб, отамизга ов боши отиб келиб берайлик, деб:

Ширин, Шакар бундай сўзларни айтди,
Тўра бачча овга бормоқ бўлибди.
Иккови таблага бирга келибди,
Ширин, Шакар қилади маслаҳатди.
Эгарлаб миндику бул бедов отни,
Овга қилмоқ бўлди энди юришни,
Белга бойлаб сопи олтин қилични.
Шу замонда олиб анжому ёйди,
Милтиқ-ярок олиб овга жўнади.
Овдан келса тилар энаси совға,
Ширин, Шакар энди минди бедовга,
Саркарда, амалдор билмай колади,
Ширин, Шакар овга кетиб боради,
Овга кетганини ҳеч ким билмади,
Беклардан бехабар энди жўнади.
Қуёнқи шаҳридан чиқиб боради,
Савлат қилиб ўнгу сўлга қаради.
Овга борган беклар шундай бўлади,

Зоғ учмаган чўлга кетиб боради.
Юриб кетди булар анча йўлларни,
Шикор овлаб ўтиб кетди кўлларни,
Қадди шамшод, кўринг, тоза гулларни,
Кезиб юриб, бунда Зебит чўлларни,
Кўп қаради юриб зову товларни,
Ҳеч бир ов йўлиқмай чўлларда,
Сувсаб, очқаб шундай чўлда юради,
Уч кеча-уч кундуз ҳалак бўлади.
Шунча юриб ҳеч бир онгни кўрмади,
Қурук келмагини маъкул билмади.
Келолмайин шу чўлларда юради,
Ё парранда, ё бир онгни кўрмади.
Икковида сира тоқат қолмади,
Хазон бўлса боғда гуллар сўлар, деб,
Эгам бизни бундай ҳалак қилар, деб,
Овга чиққан қандай курук борар, деб,
Қурук борсак хамма биздан кулар, деб,
Юришимиз номуносиб бўлар, деб,
Билса отам, бизни мазах килар, деб.
Тўқайистон, адир ерлар колмасин,
Ҳалак бўлдик, тоза излаб кўрайик,
Бир нарса йўликса уриб олайик,
Бек отамга ов боши қип борайик,
Ҳалак бўлдик, энди курук бормайик,
Элу халқда бориб кулги бўлмайик.
Бу сўзларни айтиб Ширинбек-Шакар,
Онг излашиб ҳалак бўлди тўралар.
Онг йўликмай жуда дилтанг бўлади,
Ҳеч нима йўликмай қайтиб жўнади,
Қуёнки шахрига якин келади.

Қуёнқи шахрининг четига келди. Бир сарховузнинг бетида юзиб юрган ғозни кўрди. Ғозни кўриб, Шакарбек Ширинбекка бир сўз деди:

Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб кулдингми?
Овга чиқиб жуда дилтанг бўлдингми?
Сўзимни эшитгин, Ширинбек жоним,
Сарховузда юзган ғозни кўрдингми?
Худо дейик, яратганга йиғлайик,

DAVLAT UNIVERSITETI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
2128/1

Омин деса фариштайи малойик,
Сарҳовузда юзган ғозни урайик.
Бек отамга ов боши кип борайик,
Отиб борсак кулмас бизга халойик,
Маслаҳат бер, ёлғиз ғозни урайик.
Қулай келди, энди курук бормайик.
Кўп ерни ахтариб ҳалак бўламиз,
Мана турган ёлғиз ғозни урамиз,
Ширин ука, энди йўлни биламиз.
Овга кетдик, беклар колди бехабар,
Хизмат қилар бизга қанча амалдор,
Қурук бормай отиб бормоғим даркор.
Овдан борсак, отам кўнгли топилар,
Келгин, Ширин, бирга ғайрат қилайик,
Кимнинг ғози бўлса, отиб олайик.
Отамнинг кейнидан элда тўрамиз,
Ҳарна қисмат ёзилганин кўрамиз.
Ғозни кўриб, маслаҳат қип турамиз,
Ғозни отиб, бек отамга борамиз,
Отамнинг кўнглини шодмон қиламиз.
Ғамли қулнинг кўздан ёши сел бўлар,
Шакарбекнинг айтган сўзи шул бўлар.
Ғозни отмай, бундан кетмайди Шакар,
Қанча чўлни кезиб бўлганмиз абгор.
Қараб турмай сен ҳам бергин бир хабар,
Укам деди, сендан сўради Шакар.

Бу сўзни эшитиб, Ширинбек Шакарбекка қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

– Сен эшитгин ночор қулнинг арзини,
Отма сарҳовузнинг юзган ғозини,
Овдан келаётган гулдай тўрасан,
Сарҳовуз ғозини отмоқ бўласан,
Зинҳор отма, ғоздан жабр кўрасан,
Касофат ғозни отиб нима қиласан?
Қулоқ солиб эшит айтган нолишимга,
Эгам раҳм қилсин конли ёшимга,
Фалак жабри заҳар қўшиб ошимга,
Шул ёлғиз ғоз етар сенинг бошингга.

Худойим сақлагай бандани омон,
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон.
Сарҳовуз ғозини отма, Шакаржон,
Бошинг кутулмайин бу қайғу-ғамдан.
Отаман, деб зинҳор айтма, Шакаржон,
Отарман, деб хаёлингни бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Ғозни отиб, ака, жабр кўрмагин.
Муни отарман, деб мағрур бўлмагин,
Юравергин ўз йўлингдан қолмагин,
Муни отиб, кўп пушаймон қилмагин.
Бу ғознинг эгаси элда зўравор,
Бекорларга биз бўлмайик гуноҳкор.
Бу ғознинг эгаси, билса, ўлдирар,
Тўғри йўлга юра бергин, бек Шакар!
Бек отамнинг давлатига борайик,
Ҳеч ким билмас, бизлар бориб кўнайик.
Отни бериб, ҳужрамизда турайик,
Сира овга бормагандай бўлайик.
Ғози қурсин, бундан ҳазар қилайик,
Юргин, ака, бирга-бирга жўнайик!
Ғоз деб бир балони сотиб олмайик!

Бу сўзларни айтди Ширинбек ночор,
Эшитиб, аччиғи келди бек Шакар.
Ғамли кунда тортар эди оҳ-вой,
Ширқирлатиб қўлга олди сари ёй.
Аччиғланиб ёйга ўқни солади,
Шакар ғозни отмоқчи бўп чоқлади.
Боғбон бўлсам, кизил гулни терай, деб,
Қўлидан келганин бунинг кўрай, деб,
Ушласа эгаси, жавоб берай, деб,
Ким тармашса, унга жавоб берай, деб,
Ғозни отиб олиб, ўзим жўнай, деб,
Не келса қўлидан, уни кўрай, деб,
Буни айтиб Шакар бўлиб даркаҳар,
Ширқиллатиб ёйни тортди мукаррар,
Ёйнинг ўқи бул ғувиллаб кетади,
Шу замонда ғозга яқин етади:
Дум паридан бул оралаб ўтади,

Пари қўқиб, кўтарилиб кетади.
Отга миниб Ширин, Шакар қаради,
Яродор ғоз йиқилмайин боради.
Яраси совиса, тайин қўнади,
Қўнган ерда учолмайин қолади,
Шуни ўйлаб Ширин, Шакар боради,
Кўзин айирмайин ғозга қаради.
Ўқи теккан ярадан ақли шошар,
Эт қизувда учиб бир ерга тушар,
Қарамасанг одам бунда адашар.
От чопиб боради Ширинбек Шакар,
Парвоз қилиб бораётир жонивор,
Қичаб Ширин, Шакар кўнглин хушлади,
Ҳар ерда душманнинг сирин фошлади.
Кўриб қолди орт сиртидан, бек Шакар,
Кенжа ойим ўрдасига ташлади.
Ширин, Шакар буни аниқ билади,
Ўрданинг оғзига яқин боради,
Бўлак ердан олмоқ қийин, боради,
Кенжа ойим – бул энамиз бўлади.
Ўрдага кирмоққа одоб сақлади,
Чақириб сўраса, ғозни беради,
Шундай ўйлаб Ширин, Шакар қўнади,
Дарвозада отдан қўниб туради.

Кенжа ойимга дарвозада туриб, Шакарбекнинг айтаётган сўзи:

– Хазон бўлиб, боғда гуллар сўлдими,
Ширин, Шакар боланг маҳтал бўлдими?
Арзимни эшитгин, Кенжа ойим – эна,
Ўрдангизга яродор ғоз келдими?
Эна, эшит менинг айтган сўзимни,
Хафа қилма Ширин, Шакар қўзингни.
Чиқариб бер ов бошлатган ғозимни,
Яродор ғозимни, эна, сўрайин,
Бек отамга ов боши қип борайин.
Сен эшитгин менинг айтган ноламни,
Ҳаяллатма бунда икки болангни.

Бу сўзни айтиб турур Ширинбек Шакар,
Кенжа ойимдан мунда бўлмади хабар.

Дарвозада кўп тургандир тўралар,
Шакарбекка Ширин отни беради,
Ширинни буюриб Шакар туради.
Ширин энди бул ўрдага киради,
Яродор ғозини қараб боради.
Шу замонда Кенжа ойимни кўради,
Кенжа ойим ғозни ушлаб туради,
Энасидан бориб ғозни сўради:

– Эна, қилма ўз жонингга зулмни,
Ҳаяллатдинг биздек икки ўғлингни,
Бизлар олган ғозни, эна, бер энди.
Отиб бизлар жуда ҳалак бўлганмиз,
Бул яродор ғозни қувиб келганмиз.

Бу ғоз Кенжа ойимнинг отасининг юртидан олиб келган энчи ғози эди. Кундуз куни сарҳовузда юзиб юрар эди. Оқшом келиб, Кенжа ойимнинг кўрпасига кирар эди. Ғозини яродор кўриб, Кенжа ойим уни кучоклаб, бу сўзни айтиб турибди:

– Ҳеч ким эшитмади менинг сўзимни,
Бир жувонмарг нобуд қипти ғозимни,
Ўлдирибди менинг билан созимни.
Ғозни олган ғариб шундай ўлсин-да!
Илойим, мулкидан жудо бўлсин-да!
Бўтакўзнинг болалари отибди,
Ўқ тегибди, ёпбош билан ётибди.
Менинг ғозим қизил қонга ботибди,
Эт қизувда жонивор бунда ётибди,
Қони билан бунда келиб қотибди.
Жувонмарглар ўгайликни билдирди,
Душманлик қип бағрим қонга тўлдирди,
Армон билан менинг ғозим ўлдирди.

Бу сўзни айтиб гул юзли дилбар,
Ғозини бағрига босар муштипар,
Эна деб, етишиб Ширинбек номдор,
Иккови ул ғозни ушлаб тортишар.
Кенжа ойим бермайман, деб туради,

Ғозни ушлаб Ширин бермай юради.
Иккови ҳам дилтанг бўлиб юради.

– Устингга кийганинг кимхоб кўкмиди?
Мерган бўлсанг, бундан бошқа йўқмиди?
Энангнинг айтганин сен ҳам қилгансан,
Ўгайлик қил менинг ғозим ургансан.
Энангнинг гапини аниқ билгансан,
Душманлик қип, шундай ишни қилгансан.
Жувонмарглар, эшит менинг сўзимни,
Ёш тўлдириб менинг наргис кўзимни,
Заъфарондай сарғайтириб юзимни,
Нега отдинг менинг энчи ғозимни?
Отамнинг юртидан олиб келганман,
Бу ғозимга мехрибонлик қилганман.
Ярадор бўп келди, билмай турганман,
Ўгайлик қип отдинг, энди билганман.

Бу сўзни айтди Кенжа ойим дилбар,
Қўйинг, эна, деб борди бек Шакар,
Ширин, Шакар бу иккови бирикар.
Кенжа ойимнинг кўнглини бўлади,
Бу мунглиқ Кенжа ойим нима қилади?
Иккови бир бўлиб тортиб олади,
Ғозни олиб, кула-кула жўнади.
Кенжа ойим кучи етмай қолади,
Кенжа ойимга жуда алам қилади,
У югуриб ўз уйига киради,
Ул токчадан бир пичоқни олади,
Ширин, Шакар дарвозага келганда,
Тағин етиб, боз ушлаб қолади.
Кенжа ойим кўнглин билмас ўғлонлар,
Кенжа ойим шундай шумлик бошлади,
Шумлик ўйлаб энди кўнглин хушлади,
Ширин, Шакарнинг этагини ушлади,
Ушлаб шундай ойим пичоқ солади,
Чопонидан улгу кесиб олади.
“Бир туҳмат қилай”, деб ойим қолади,
Ширин, Шакар бу бехабар боради,
Кенжа ойимнинг шумлигини билмади,

Ёмон гаплар ҳеч кўнглига келмади.
Энамиз бизни қарғаб қолди, деб,
Кенжа энам кўп порози бўлди, деб,
Буни айтиб Ширин, Шакар жўнади,
Нима бўлса, бўлганича бўлади.
Отасига элтиб ғозни беради,
Ширин, Шакар фарзандини кўради,
Ов боши отган ўғлим, деди суюниб,
Вакти хушлигидан колди тўй бериб,
Катта-кичик амалдорни чақириб,
Ширин, Шакар болам овга борибди,
Шукур қилай, ов боши отиб келибди.
Бу сўзни айтиб вақтихушлик қилибди.
Етти ёшда камолига кирибди,
Отам, деди, мени эсга олибди,
Ширин, Шакар ҳужрачага борибди,
Иккови уйқуга машғул бўлибди.
Азаматнинг ишин булар килибди,
Етти ёшда ов қип ғозни урибди,
Кенжа ойим шумлик ўйлаб турибди:
Бу иш унга жуда ҳам дард қилибди.
Шу вақтда бир тухматни қилай, деб,
Пойтахтга бул илдам бўлиб борибди.
Тўрам, деб бирон арз қилиб кўрай, деб,
Ширин билан Шакардан дод қилай, деб,
Ё ўлайин, ё қолайин, кўрай, деб.

Бу сўзни ўйлаб, ўтирик сўзни эпламоқ қийин, нима деб айтарини билмай, пойтахт остида тенгсалиб ўтиб юрибди. Бир пилла Қосимхоннинг кўзи тушди. Кенжа ойимни кўриб: "Кенжа ойим, сўзлаган сўзи мулойим, сени менга қўшган худойим, сенда ҳам туриш борми? Нима арзинг бор? Гапира бер!" – деди. Шунда Кенжа ойим Қосимхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Шоҳим, эшит менинг айтган сўзимни,
Кўп йиғлатган мендай сарвинозингни,
Тиёлмадинг Ширин, Шакар қўзингни.
Ширин бегинг қўлин солди бўйнима,
Шакар бегинг сўнгра кирди қўйнима,
Говмирилар қўймади ўз таврима,

Эмранганда қонлар кетди бағрима.
Илойим яшамай ўлсин икки улинг,
Навбат-навбат чиқиб тушди сағрима,
Яшамай ўлсинлар иккала ўғлинг,
Арзимни айтаман сендай мардима.
Юролмайман Қуёнқидай юртингда,
Мени бергин бу икки фарзандингга.
Илойим, яшамай ўлсин икки улинг,
Навбат-навбат кирабсрди тўшима,
Ширин, Шакар менинг кўнглим бўлади,
Кўрмаган кунларни менга солади,
Эл ичида хўп шарманда қилади.
Икки ўғлинг менга бало бўлади,
Овлоқ бўлди, иккови ҳам боради.
Иккови бирикиб, зўрлик қилади,
Аёлман, қўлимдан нима келади?!
Жуда менга қаттиқ савдо солади,
Қандай гап деб, мендай мунглиқ йиғлади.
Мунглиқ-да, йиғласа, қандай қилади?
Аёлнинг қўлидан нима келади?
Икки ўғлинг шундай қилди зулмни,
Хабаринг йўқ, сўрамайсан ҳолимни,
Ширин, Шакар ҳаромлади танимни.
Тиёлмасанг сен ҳам икки ўғлингни,
Сен ўлдиргин мендай дилбар гулингни.
Мана энди қандай қилиб юраман,
Улинг шундай қилган, ўзим биламан,
Элнинг исноди галига ўлиб бораман,
Ғайратлик ўтига бағрим куяман.
Ҳаммадан уялиб ўлиб бораман,
Ширин, Шакар деса куйиб-ёнаман,
Эл ичида жуда расво бўламан,
Ўрдада йиғлайман, ўлиб бораман,
Курисин, тақдирга нима қиламан,
Куйганимдан сизга арз қип тураман,
Улларинг устидан додко бўламан.

Қосимхон Кенжа ойимдан бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлиб, Кенжа ойимга қараб, шу сўзни айтиб турган экан:

Кенжа ойим, билмаганинг билдирма!
Ўгайликман ўғилларим ўлдирма!
Туҳмат қилиб, ўгайлигинг билдирма!
Қозининг олдида шабгир нойиби,
Урушда панд берар отнинг майиби,
Ширин, Шакар тожу тахтнинг сойиби,
Ҳеч замонда шундай гаплар бўларми,
Энага боласи шундай қиларми?
Ширин, Шакар хиёнатни қиларми,
Армон билан ўғилларим ўлдирма!
Сен эшитгин менинг айтган сўзимни,
Туҳматман ўлдирма икки қўзимни,
Ҳазил билма, Кенжа ойим, сўзимни.
Мендайин шунқорнинг кўнглин бўласан,
Шумлик ўйлаб, пойтахтимга келасан.
Сен эшитгин менинг айтган ноламни!
Вайрон қилма бундай кулбахонамни,
Туҳматман ўлдирма икки боламни.
Сен келибсан бу ерларга сарғайиб,
Оҳ-фиғон қилдинг, сочингни ёйиб.
Ширин, Шакар ўлса, мулким бесоҳиб.
Тухмат килиб, бу ерларда турибсан,
Фарзандимга бежой туҳмат қилибсан,
Уят демай, Кенжа ойим, келибсан,
Ўсол туҳмат бунда ўйлаб юрибсан,
Хаёлингга неча гапни олибсан,
Фарзандларим ўлдирмоқчи бўлибсан,
Андиша сақламай, бунда турибсан,
Куёнки шахрини сабил қилибсан,
Кет, Кенжа ойим, ажаб ишни қилибсан!

Бу сўзни эшитиб, Кенжа ойим бир сўз деди:

Мард йигит майдонга кирса елгиси,
Тўқайда йўлбарснинг изин белгиси,
Бу сўзимга ишонмасанг, подшойим,
Муни кўргин Ширин, Шакар улгуси.
Ўғилларинг зўрлиғин мен кўрганман,
Икковидан белги олиб қолганман.
Ул сабабдан конлар йиғлаб келганман,

Хор айладим мен ҳам азиз бошимни,
Бошим кесиб, дорга тортгин лошимни,
Мен ҳам ўз жонимга қилиб зулмни,
Тиёлмасанг сен шу икки ўғлингни,
Икки ўғлинг харомлаган танимни.
Ундай қилма, улларингга бер энди!
Қандай қилиб бу шаҳарда юраман,
Мундан ўлганимни яхши кўраман.
Ўтиб кетди, шохим, сенга келаман,
Кўрганимни сенга айтиб бераман.
Бир мунглиқман, бўлиб қолдим дармонда,
Болангнинг зулмидан бўлдим шарманда.
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Туролмайман ўйнаб-ўсган маконда.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Кўп азоблар берди Ширинман Шакар,
Бу ишлардан сендай хоним бехабар,
Менинг сенга айтган сўзим шу бўлар!

Бу сўзни эшитиб, Қосимхоннинг кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб, жаллодларни чақириб, бир сўз айтиб турган экан:

– Мен йиғлайман яратганга зор-зор,
Не қилса ҳукми бор қудратли Жаббор,
Ширин, Шакар ўғлим бўлди гуноҳкор.
Ҳаяллама, тезрок келгин, жаллодлар,
Дод деганман эшитманглар сўзини.
Гуноҳкор айладим икки кўзини,
Ўлдиринглар, Ширин, Шакар ўзини.
Фарзанд энасини шундай қилами,
Мусулмонда шундай гаплар бўлами,
Ширин, Шакар элда тирик юрами?!
Мен йиғлайман, худо дейман мунғайиб,
Тожу тахтим энди бўлди бесойиб.
Жаллод, эшит мендай шохнинг тилини,
Бориб боғла Ширин, Шакар қўлини,
Хазон қилдим тар очилган гулини.
Ўлдиринглар мендай шоҳнинг улини,
Сабил қилдим Қуёнқининг элини.
Отга солиб арпа билан ийирни,

Қор ёққанда карвон солар чийирни,
Фарзандини ҳукмикушга буюрди,
Ҳаялламай тезроқ боринг, жаллодлар
Мендай шоҳнинг айтган сўзи шул бўлар,
Ширин, Шакар ўғлим бўлди гуноҳкор,
Раҳм қилманг кўздан оққан ёшига,
Қамчи уринг Ширин, Шакар бошига,
Рози бўлсин худо қилган ишига.
Бу сўзларни айтиб қолмас тоқатим,
Кетди тойиб менинг тожи-давлатим,
Жуда ҳам зиёда бўлди ҳасратим,
Ўлиб кетсин Ширин, Шакар фарзандим,
Ҳарна деб амр қилсам уни қилинглар,
Ҳаялламай, хунхор жаллод, боринглар,
Бир қиёмат кунни бориб солинглар,
Икки ўғлимни тортиб бойлаб олинглар,
Хоннинг фарзанди, деб ҳурмат қилманглар,
Ўлдиринглар, ҳеч ҳаяллаб турманглар,
Гуноҳкорга шундай омон берманглар,
Сўйлаган сўзига қулоқ солманглар,
Ҳаялламай сира омон берманглар,
Подшонинг ўғли, деб ҳурмат қилманглар,
Кўп ҳаяллаб, жаллод, бунда турманглар,
Ҳаялламай дарров бундан боринглар.
Бошин кесиб, уни дорга илинглар,
Чопонини конга бўяб келинглар;
Ўт туташди мендай шоҳнинг танига!
Турғизманглар Қуёнқининг шаҳрига,
Қўлин бойлаб, ҳайда Мансур дорига!'
Шаҳарда турғизмай ҳайдаб боринглар,
От ҳукмида яёв ҳайдаб юринглар,
Зулм билан ани ҳайдаб боринглар,
Мансурнинг дорига шуйтиб илинглар.
Шуйтиб қилган гуноҳкорнинг ишини,
То қорув қилмасдан кесгин бошини,
Қарға, қузғун еб кетсин-да гўш[т]ини.

Бу сўзларни айтди шоҳинг муқаррар,
Ўлиб йўқ бўлиб кетсин Ширинман Шакар,
Энасига жуда бежой иш қилар.

Саросима бўлиб турди жаллодлар,
Энасига борган Ширинбек Шакар,
Касофати иш кип бўлди гуноҳкор,
Ҳукмикушга тайинлади мухрдор,
Сўрамокка ҳадди борми жаллодлар?
Сиёсат кип унинг шоҳи буюрар,
Шоҳнинг амри билан туриб жаллодлар.
Қандай гап, деб бундан жаллод жўнади,
Отланиб аслаҳа-анжом олади,
Ширин, Шакар ётган ерни билади,
Ҳужрасига қараб жаллод жўнади,
Кўрганларнинг акли шошиб боради,
Жаллодлар юришин бежой билади,
Бу жаллодлар мадрасага боради,
Биз билмаймиз, кимнинг куни тўлади.
Қосимхоннинг жаллодлари жўнади,
Кўрган одам шундай сўзлаб колади.

Қосимхон фарзандларини ҳукмикушга тайин килиб, бағрини нам ерга бериб, бу ишларни хўп ўйлаб кўриб, "Ҳеч замонда фарзанд энани шундай киларми, тилаб-кусаб олган фарзандлар энди ўлди, Қосимхоннинг ўғиллари шундай қилди деб, ахир шу иснод колди, ахир окибат мулким вайрон бўлди", – деб колди.

Жаллодлар Ширинман Шакарнинг ухлаб ётган ҳужрасига борди-лар. Ширин-Шакарни кўрдилар. Улар иккови овда юрган чопонига кириб, маст бўлиб ухлаб ётганда, Ширинман Шакарнинг қўлини боғлади. Подшолик давлатида ўтар жоним деб парвариш килиб юрган жаллодлар кўз-кўзига, юз-юзига тушса, одам изза бўлади, деб кўзини ҳам боглади. Ширин ва Шакарнинг бошига қамчи урди. Ширин ва Шакар сачраб ўрнидан турди. Бу аҳволни кўриб жаллодларга караб шу сўзни айтиб турган экан:

Жаллод, эшит менинг айтган сўзимни,
Сен боғладинг кўлим билан кўзимни,
Гуноҳкор қилибсан менинг ўзимни,
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Ажал етиб паймонаси тўлдими?
Юрт эгаси -- Қосим отам ўлдими?
Отам ўлиб, юрти талон бўлдими?
Ул сабаб бизни гуноҳкор қилдими?

Замон жаллодники бўлиб қолдими?
Не сабабдан қамчи урдинг бошима?
Ҳайрон қолдим, жаллод, қилган ишингга.
Заҳар қўшиб бу кун ичган ошима,
Ҳайрон қолдим, жаллод, қилган ишингга.
Қўлим бойлаб, сен қиёмат қиласан,
Не сабабдан қўлим бойлаб урасан,
Нега сен бундай ишни қиласан?
Тўраларнинг қўлин боғлаб турасан,
Бек отамнинг мулкин вайрон биласан,
Жаллод, бизга қиёматни қиласан.
Бир қабоҳат қаттиқ кунни соласан,
Қонхўр жаллод, бизни банди қиласан.
Подшо отам бизнинг элда ўлибди,
Ҳар ким ўз бошига бўлиб қолибди,
Юрт эгаси энди фано бўлибди,
Шул сабабдан сендай жаллод келибди,
Мендай беклар бул бехабар қолибди,
Ҳар ким ўз бошига талаб олибди,
Жаллод келиб бу зулмни қилибди.
Қўлин бойлаб аччиқ қамчи урибди.
Ширин, Шакар хўп гуноҳкор бўлибди,
Жаллодлар қўлинда йиғлаб турибди.
Бул ишларга ажаб ҳайрон бўлибди,
Уйқуда билмабди, банди бўлибди,
Неча сўз жаллодга айтиб турибди,
Ширин, Шакар ҳоли забун бўлибди!

Жаллодлар бу сўзни эшитиб, Ширин ва Шакарга қараб айтиб турган экан:

Йиғлама, тўражон, бўлдинг гуноҳкор,
Боғламоққа ҳадди борми жаллодлар.
Отанг сени ҳар ўлимга буюрар,
Отангнинг амрини тутган жаллодлар,
Отангнинг амриман қўлинг бойланар,
Биз билмаймиз, нега бўлдинг гуноҳкор?
Жаллодлардан, тўрам, кўнглинг қабарар,
Отангнинг фармони сенга шул бўлар,
Отанг сени ҳукмикушга буюрар.

Эсиз, умринг хазон бўлди, йиғлайвер!
Отангнинг сўзиман жаллод ўлдирар,
Ҳадди борми ўлдирмакка жаллодлар?
Мехрибонинг отанг қилди гуноҳкор,
Ул сабабдан қамчи урар жаллодлар.
Биз билмадик, нега қилди гуноҳкор?
Тожу тахту, мулким вайрон бўлсин, деб,
Ширин, Шакар – икки болам ўлсин, деб,
Юртим менинг бул бесоҳиб қолсин, деб,
Отанг сени ҳақ ўлимга буюрди.
Бизлар сени мундан ҳайдаб кетамиз,
Бошинг кесиб сени дорга тортамиз!
Отанг шундай деди, бизлар биламиз.
Сени ўлдирмасак биз хам ўламиз,
Йиғлай беринг, норасида гўдаклар.
Не иш қилдинг, энди бўлдинг гуноҳкор?
Отанг қилган тайини бизга шу бўлар,
Ул сабабдан етиб сенга жаллодлар,
Гуноҳкор кип отанг берган ўзингни,
Эшитмокка ҳаддимиз йўқ сўзингни,
Отанг амри, сенга қамчи чотамиз,
Мансурнинг дорига ҳайдаб кетамиз,
Отанг сени буюрганди, қайтамиз.

Ширин ва Шакар жаллодлардан бу сўзни эшитиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, шу сўзларни айтиб жаллодларнинг олдига туша берди:

– Ўлимга чоғлаган беклар ўзини,
Эшит, жаллод, гуноҳкорнинг сўзини.
Отам бизни ҳақ ўлимга буюрса,
Тополмайди Ширин, Шакар изини.
Гуноҳкор қип фарзандини ўлдирар,
Вайрон бўлар бунда колган кирдикор,
Отам бўлар ахир биздай хору зор.
Бировнинг сўзига отам киргандир,
Бир лаънати бизни чақиб келгандир,
Бир ёмоннинг сўзига қул бўлгандир,
Ёлғон сўзни хўп муқаррар қилгандир.
Рост сўз билиб қулоғига олгандир,
Ўғилларин у гуноҳкор қилгандир.

Ҳайдайбер гуноҳкор бўлган ўғлонни,
Ширин, Шакар тақдиридан кўргандир.
Раҳм қилмай, ҳайдай бергин, жаллодлар,
Оҳ тортганда кўзда ёшим сел бўлар,
Етти ёшда кўрган куним шул бўлар,
Бу шаҳарда бизга раҳбар ким бўлар,
Менинг таним дорга бориб илинар,
Овга чиқиб бизлар бўлдик гуноҳкор,
Раҳм қилмай ҳайдай бергин, жаллодлар.
Ажал етса, юз кайтармоқ не даркор?
Ҳар гап бўлса сенда қолди ихтиёр,
Оқ сут берган энам қолди бехабар!

Ширин, Шакар энди бўлиб гуноҳкор,
Мадрасадан ҳайдаб чиқди жаллодлар,
Ҳар растага одам тўлиб муқаррар,
Ҳайрон қолди мулла, хўжа, амалдор.
Қосимхоннинг ўғли бўпти гуноҳкор,
Тилаб олган ўғлин подшо ўлдирар.
Кўриб ҳайрон қолди канча одамлар,
Тоқат қилмай йўл беради одамлар.
Ҳеч замонда шундайин гап бўларми,
Подшо фарзандини дорга иларми?
Қараган бандада тоқат қоларми,
Ширин, Шакар гуноҳкор бўп борарми?
Жаллодлар сиёсат қилар, қарама,
Зулм билан жаллод ҳайдаб жўнади.
От олдига яёв тушиб боради,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Кўнмаганда нима илож қилади,
От ҳукмида жаллод ҳайдаб боради,
Ажал етса паймонаси тўлади.
Ҳар отига тўқишиб кетиб боради,
Тўрт юз жаллод ўртага олиб жўнади,
Шаҳар халқи кўп ғалағул бўлади,
Тўраларни жаллод ҳайдаб боради.

Жаллодлар шундай ҳайдаб боратир эди. Бутакўз ойимнинг бир канизи ўрладан чиқиб юриб эди. Бу сурлуккан одамларни кўриб, бу нима вокеа, деб қараб, жаллодлар қошида Ширинман Шакарни гуноҳкор би-

либ, қайтиб ўрдага бориб, Бўтакўз ойимга хабар бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

– Оҳ урсам, кўзимдан тўкилар ёшим,
Чидаёлмай чиқиб кетди довушим.
Сўзимга қулоқ сонг, жоним бувишим,
Ўтирибсиз бу ўрдада бехабар.
Ширин, Шакар ўғлинг бўпти гуноҳкор,
Кўриб келдим, ҳайдаб юрар жаллодлар.
Кўча-кўча бул одамга тўлибди,
Шаҳар ичи кўп тўполон бўлибди,
Тўражонлар нима гуноҳ қилибди?
Кўрдим, тўрт юз жаллод ҳайдаб юрибди,
Сен билмайсан, бежой савдо бўлибди,
Жаллодлар ўртага уни олибди,
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Ўтирма, бувишим, бунда бехабар,
Йиғлаб кетди Ширин билан бек Шакар,
Отасин жаллоди уни ўлдирар.
Камолига етишмаган гўдаклар,
Қандай қурғур уни қилди гуноҳкор?
Кўриб келиб каниз берганди хабар,
Эшитиб қол менинг айтган ноламни,
Ўлмай туриб кўриб қолгин болангни,
Ҳайрон бўлган сенинг кулба хонангни,
Хафа қилдим мен ҳам сендай санамни.
Ким сўрайди бундай кунда ҳолимни,
Бул Ширинжонга қилган зулмни,
Ўлмайин кўриб кол икки ўғлингни!
Ўтирмайин, меҳрибоним, тур энди.
Мендайин мунглиқнинг кўнглин бўласан,
Бормасанг ўғлингни кўрмай қоласан.

Бу сўзларни айтди каниз хизматкор,
Ўрнидан тургандир Бўтакўз дилбар.
Бекор сўзни айтмагин канизлар,
Нега бўлсин Ширин, Шакар гуноҳкор,
Қосимхон отаси элда зўрабор,
Юртига эга бўлган икки тўралар.
Ким қилади болларимни гуноҳкор,

Бу гаплар кўнглида Бўтакўз дилбар.
Бу сўзга юраги ғалағул қилар,
Шул замон ўрдадан чиқди гажакдор.
Қараса, ўтар экан жаллодлар,
Пиёдалаб юрди гул юзли дилбар,
Саросима ҳар кўчада одамлар,
Сўраганман ҳеч ким жавоб беролмас.
Шундай юриб мадрасага келади,
Ширин, Шакар ҳужрасига киради.
Ҳужранинг ичи тўпур бўлибди,
Тақя, қамчиси бунда колибди,
Қолган нарсасини қўлига олиб.
Кетидан югурди ўпкаси тўлиб,
Кўринмайди жаллодларнинг кораси,
Гуноҳкор бўлгандир шўрнинг боласи,
Болам, дейди, карс уради энаси,
Жаллодлар кетидан кетиб боради.
Ўғлининг кетганин энди билади,
Бўтадайин йўлда бўзлаб боради.
Қандай бўлди менинг кўрган куним, деб,
Хафа фалак бошга солган зулм, деб,
Гоҳи ерда чинқиради, йиғлайди,
Нима гуноҳ килди икки ўғлим, деб,
Вайрон бўлди ўйнаб-ўсган элим, деб,
Хазон бўлди тар очилган гулим, деб,
Сочин ёйиб бўзлаб кетиб боради,
Бир туҳматман ўлган икки ўғлим, деб,
Бу сўзни айтиб мунглиқ бўзлаб йиғлади,
Жаллодларнинг корасини кўради,
Жаллодларга энди етиб боради,
Чинқираб жаллодлан савол сўради,
Йиғлаб ҳар отга ўзини уради,
Додига жаллодлар қулоқ солмади.
Подшонинг жаллоди сенсан, хунхўрлар.
Нега қилдинг ўғилларим гуноҳкор?
Йиғлаб ҳар қайсига шундай термилар,
Жавоб айтмай бораётир жаллодлар,
Куйиб-ёниб ойим тақдир ишига,
Энди етди Ширин, Шакар қошига.
Нима гуноҳ килдинг, икки ўғлим, деб,

Тўра эдинг, болам, бу қандай зулм, деб,
Икки ўғлин кучоклади шул замон,
Кўрар кўзим, менинг жони-дилим, деб,
Сендан қолсам нима бўлар ҳолим, деб,
Зулм билан бойланган икки қўлим, деб,
Энасини Ширин, Шакар билади,
Нолиши буларни ўртаб боради,
Йиғлама, деб кўп тасалли беради,
Тақдир-қисмат бизга шундай бўлади,
Куни битди, энди ўғлинг ўлади,
Эна-бола унда бўзлаб йиғлади.
Шул замон жаллодлар ҳайдаб жўнади,
Шаҳардан чиқариб кетиб боради,
Ўғилларман бирга-бирга боради.
Қайда борса мен ҳам бирга борай, деб,
Кўзим ўлса, мен ҳам бирга ўлай, деб,
Нима бўлса, тақдиримдан кўрай, деб,
Бу сўз айтиб мунглиқ кетиб боради.
Гуноҳкорлар қаторида юради,
Учови ҳам яёв кетиб боради.
Уч тош йўлдир Мансур дорнинг ораси,
Кўзига кўринди дорнинг кораси,
Азоб тортиб бораётир боласи,
Дорни кўриб йиғлаб шўрнинг энаси,
Болаларим ҳайдаб дорга етади,
Бошин кесиб жаллод, дорга тортади.
Мендай шўрли қандай ёлғиз қайтади?
Ким сўрайди бунда менинг ҳолимни?
Қайтиб мен кўрарман ўсган элимни,
Ўзингга топширдим икки ўғлимни.
Қилган иши эгам сенга маълумдир.
Ўзинг пано бериб сўра ҳолимни,
Жаббор, сенга топширдим жону дилимни,
Отингдан айланай, қозиул ҳожот,
Қаттиқ кунда қолдим, қилгайсан осон.
Ёкамни чок қилиб йиғларман, фарёд,
Бузилсин, йиқилсин ул чархи ношод,
Хайф-е, навжувонлар қомати шамшод,
Бугун манга бўлиб вахми қиёмат,
Яратган, қўзимни сенга топширдим,

Бундай кундан ўзинг кутқар саломат!
Аввал сен айладинг бизларни хандон,
Бу ғамларда қўйма бизни саргардон,
Ҳуснингдан оламни яратган Раҳмон,
Барча ишлар сенинг олдингда осон.
Шул кўзима пано[ҳ] бергин, эгамсан,
Раҳм қил, қўлинг тут, кўзим ўлмасин.
Айролиқ ўтига бағрим доғлайман,
Қулоч ёйиб бу ҳожатим тилайман,
Валилар сардори рави Сулаймон,[2]
Раҳм айланг, қўлинг тут, кўзим ўлмасин.
Тўкилиб кўзидан селоб нурлари,
Камолинда қуримасин шўрлари,
Боламнинг суянган комил пирлари,
Раҳм айланг, қўлинг тут, кўзим ўлмасин.
Қарамайди йиғлаб баланд-пастига,
Қулоқ солмас сўзнинг пайвастига,
Бу сўзларни айтиб мунглиқ энаси,
Боласиман етди дорнинг остига.
Уч оғоч қурувли Мансурнинг дори,
Қолмас Бўтакўзнинг сабру қарори,
Гуноҳкор этишиб Ширин, Шакар[н]и,
Отдан тушди шул замон жаллодлари,
Гуноҳкор қошига шундай келади,
Кўз билан қўлин ечиб кўяди.
Кўз очилиб Ширин, Шакар қаради,
Оқ сут берган энасини кўради.
Кўриб Ширин, Шакар бўзлаб йиғлади,
Энасини йўлатмайди кошига,
Атрофида қонхўр жаллод туради.
Эшитмайди гуноҳкорлар тилини,
Олдига бойлади икки қўлини.

Жаллодлар расми шундай бўлади: қўлини олдига бойлагандан кейин гуноҳкор ўзининг ўларини билади. Ширин-Шакар энди ўзларининг ўларини билди. Энаси бошида йиғлаб турди.

Кўкгумбаз деган ерда Қосимхон қўл берган Оловхўжа деган эшони бор эди[3]. Шул эшон Мансур дорда бўлаётган ишларни илму каромати билан билиб, Ширин-Шакар учун орага тушиб, Қосимхоннинг давлатхонасига келиб, Ширин ва Шакарнинг гуноҳини тилаб, арз қилиб, бул сўзни айтиб турибди:

Қулоқ соп, эшитгин айтган нолага,
Банда кўнар Ҳақдан келган чорага,
Зулм қилма Ширин, Шакар тўрага,
Оловхўжа пиринг тушди орага,
Бундай тухмат қилма икки болага.
Сен эшитгин эшонингнинг тилини,
Қандай подшо ўлдиради ўғлини.
Сен излама қиёматнинг кунини,
Эшонингга ўтгин ўғлинг хунини.
Эшон билар гуноҳкорлар ҳолини,
Қайтармагин сен ҳам мендай валини,
Қанча бўлса ўтгин гуноҳларини,
Гўдакларнинг билмаганин билдирма,
Ханжар уриб, бағрин қонга тўлдирма,
Тухмат билан икки ўғлинг ўлдирма!
Подшо бўлиб бундай ишни қиласан,
Ўлим ўтин, ситам менга берасан,
Мурувватимсан, нима десам қиласан,
Ора тутиб мен тиладим, биласан,
Қосимхоним, бежой аҳмоқ балосан,
Элда йўқ гапларни ҳозир қиласан,
Бу ишингдан наф топмай қоласан,
Болаларинг ҳукмикушга берасан,
Қайтаргин бу ишни, ўсол қиласан.
Қилмагин сен гўдакларга зулмни,
Бош гангиб, билмабсан юрар йўлингни,
Ўлимдан қайтаргин икки ўғлингни!

Бу сўзни эшитиб, Қосимхон бир сўз деб турган экан:

Банда кўнар Ҳақдан келган чорага,
Худойим яратди бағри порага,
Оловхўжа пирим, тушма орага,
Зулм қилдим Ширин, Шакар тўрага,
Сўз қўшмагин бундай ёмон болага,
Ўсол ишни қилиб бўлган гуноҳкор,
Ундайин фарзаднинг ўлмоғи даркор.
Туташтирма мендай шоҳи мардингни,
Гуноҳкор қилибман ул фарзандимни,

Гадой хўжа, қисиб ўтир тилингни.
Мен биламан, сабил бўлди кирдикор,
Ўлиб, йўқ бўп кетсин ундай фарзандлар,
Улар учун ора тушмоқ не даркор?
Қўй-чи, менинг хунимда ниманг бор?
Икки ўғлим бўлиб қолди гуноҳкор,
Раҳм қилмай ўтирмоқ сендан даркор.
Мен тутакиб турган вақтда келасан,
Ўзинг эсли, мени аҳмоқ биласан,
Ҳозиргача қанча инъом оласан,
Фарзандларим мандан тилаб турасан,
Сен ўзингни вали чоқлаб юрасан,
Печингни қайтариб бола бўласан.
Кетгин, эшон, мунда нима қиласан!
Мен қилибман ўз ўғлимга зулмни,
Эшон бўлсанг билиб юргин йўлингни,
Мундай кунда сўрамагин ҳолимни.
Қайси йўлдан келсанг, шундан бор энди,
Ўлдираман Ширин, Шакар ўғлимни,
Вали бўлсанг билганингни қил энди,
Ўтирма, жойингдан тур, кетгин энди,
Гапирмагин, мазгилингга бор энди.
Эшон деган ўз йўлида юради,
Бул ишларга эшон нима қилади!

Қосимхондан бу сўзни эшитиб, эшоннинг зеҳни қойиб, аччиғи келиб, ўрнидан туриб, Қосимхонга қараб бу сўзни айтиб турган экан:

– Жафолар соларман тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга.
Сен бежой тегиндинг мендай эшонга,
Ҳали ҳам бир Ширин, Шакар ҳурмати,
Отар эдим тахти бахтинг осмонга.
Зулм қилдинг сен ҳам икки ўғлингга,
Тулки-шағал кулар сенинг ҳолингга.
Мен эшонман, ўт туташди танима,
Коса бериб қўяйинми қўлингга.
Валилигим сенга маълум қилайми,
Кўрмаган кунларни сенга солайми,
Йўқса, сени ола-чипор қилайми?
Мендайин эшоннинг кўнглин бўласан,

Сен ҳам элда мохов, пес бўп қоласан.
Бундай бўлсанг, тарлонбўз бўп ўласан,
Қани, мен бу ерда турмай борайин,
Гўдакларни ўлдирганинг кўрайин.
Қуёнқи шаҳрини вайрон қилайин,
Қўлимдан келганча сени кўрайин,
Гўдакларга мен рахбарлик қилайин.

Бу сўзларни энди эшони айтди,
Шоҳнинг давлатидан ул замон қайтди,
Қосимхон сўзига ҳаддидан ошиб,
Бораётир эшон ўтдай туташиб,
Шул замонда кетди бу йўлга тушиб.
Зеҳни койиб, эшон кетиб боради,
Қуёнқини ўт олгандай бўлади.
Бул эшонни кўрган ҳайрон қолади,
Ўз шаънида маст бўп кетиб боради.
Боради йўллардан барини очиб,
Маст бўлган туядай бул кўпик сочиб,
Эшон ҳайбатидан бир неча қочиб,
Бул эшонда бордир валилик нишон,
Мансур дорга чиқиб кетди шаҳардан,
Мансур дорга яқинлади шул замон,
Кўп жаллодлар бўлиб энди саргардон.
Бўтакўз кўра соб, кўзин ёшлади,
Устингга бу эшон энди етишган,
“Пирим”, – деди, – оёғига ташлади.
Оҳ тортади қадди-бўйи букилиб,
Эшоннинг оёғига йиқилиб,
“Болам” деди кўздан ёши тўкилиб,
Йиғлайди эшонни ҳимоят қилиб,
Шакарни ётқизган сўймокчи бўлиб,
Пирим олса қўзиларим қутқариб,
Йўқлаган эшоним келибди етиб,
Фарзандларим берса қайтадан қайтиб,
Ўлар вақтда энди хожатим етиб,
Мен кетсам ўзимни бундан ияртиб.

Бўтакўз ойим эшонга дардини айтиб турди. Шунда Шакарбекнинг сўйилишини билиб, Ширинбек жаллодларга қараб бир сўз деб турибди:

– Мени сўй, акамга ханжар солмагин,
Мендан бурун Шакар бошин олмагин,
Ҳар хизмат кичикдан бўлар, жаллодлар,
Ширинни Шакардан кейин қўймагин!
Худо дейин, яратганга йиғлайин,
Мен ўлимга белим бойлаб турайин,
Аввал менинг бошим кесгин, жаллодлар.
Шакарбекдан бурун бошим берайин:
Мен акамнинг мурдасини кўрмайин.
Аввал мени ўлдир, кейин қолмайин,
Бул дорда тортилсин шу азиз бошим,
Шакарбекдан аввал кесилсин бошим,
Мендан аввал ўлмасин эмикдошим.
Ўлигини кўрсам кўпдир койишим,
Жаллод, шулдир сенга айтган нолишим.

Бизни тақдир шу кулфатга элтади,
Акамни қўй, мени ўлдирсанг нетади,
Энамнинг нолиши бизни ўртади.
Бош бермоқ бўп бунда Шакар ётади,
"Аввал келган одам аввал кетади!
Ука, навбат меники", – деб айтади.
Айрилиқ савдоси бағрим йиртади,
Бир-бирига шу сўзларни айтади.
Йиғлашди, жаллодда тоқат қолмади,
Ҳарчанд ўйлар, ўлдирмаса бўлмади.
Кўп жаллодлар маслаҳатни килади,
Тарзига қарайди, тоқат қолмади,
Нолишига булар ханжар солмади.
Дорни кўриб Шакар, савол килади:

– Бегунох қурурми бекларнинг шўри,
Бу сенга осилган туҳматнинг бори,
Эгилиб йиқилгин, Мансурнинг дори,
Жафо тиғи бул жонимдан ўтади,
Ажалнинг ништари бағрим йиртади,
Шикирлатиб мени устунга тортади,
Қодир Оллоҳ, сен биласан ҳолимни,
Эсга оп йиғлайман Жаббор, Каримни,
Ҳозир бўл бошима каттиқ зулмни,

Қодир Оллоҳ, сен биласан ҳолимни.
Қилган гуноҳим бир ўзингга маълумди[р],
Бошим кесиб дорга тортар танимни,
Сендан ўзга сўрай олмас ҳолимни.

Бу сўзни айтиб Ширин, Шакар туради,
Бул бўйнига сиртмоғини солади,
Жаллод шунда дорга тортмоқ бўлади,
Мансур дор туҳматдан ҳазар қилади,
Худонинг раҳмати билан бу дор қулади.
Дор йиқилди, жаллод ҳайрон қолади,
Буларнинг ишини қандай билади?

Бу Мансур дор Қуёнқи шаҳридан уч тош йўл ташқарида эди. Илгари бу ер ҳам шаҳар эди. Минор, пештоклар ҳам бор эди. Бу ерда Мансурни дорга осган эдилар. Ҳар ким туҳматга йўлиқса, подшолар шу дорга буюрар эди. *Султонхоннинг хотини Ҳуройим ҳам шу дорга ҳайдалиб кетган эди*[4]. Шундан бери бу дор шу ерда турган эди. Бу шаҳарлар ҳам барбод бўлиб кетган эди. Ширин ва Шакарнинг ҳам тақдири – туҳмати шу дорга борди, Жаллодлар саросимада бўлиб турди. Эшон жаллодлардан сўради: "Подшо сизларга қандай қилиб ўлдиринг деб эди?". Жаллодлар айтди: "Шу дорга бошин тортиб, кийимларини бир-бир қонга бўяб, опкеб беринглар, деб эди". Эшон айтди: "Ундай деган бўлса, Ҳақиқ тоғига бойлаб ташлангглар, – деди. – Уларни жондорлар ер, ўлиб кетишар. Сиз Ширин ва Шакарнинг кийимларини олиб бўлак турли жондорларни ўлдириб, шунинг қонига бўяб, обориб беринглар", – деди. Шу аҳмоқ подшо: "Ширин билан Шакарнинг кони" дейди-қўяди. Бўлак жондорнинг кони экапини ҳам билмайди. Унинг ақлини худо олган, калласи қотиб, бўлганича бўлган", – деди.

Жаллодлар, хайр, деб Ширин ва Шакарни Ҳақиқ тоғига қараб хайдади. Бўтакўз ойим кўнгли бузилиб, эшонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Қутулмадим қайғу-кулфат, аламдан,
Тириклайин айрилдим икки боламдан.
Жоним чиқиб кетди менинг танамдан,
Пиримсан, пешвойим, эшит сўзимни:
Тағин қайтиб кўрарманми қўзимни?
Тирик айрилганим менга қиёмат,

Бундай савдо тушди менга аросат,
Кўраманми болларимни саломат?
Учқур бўлсам канотимдан қайрилиб,
Юра билмай, ёк-еридан тайрилиб,
Эшоним, сен сўра менинг ҳолимни!
Каромати зоҳир сендай валимни,
Армонман айрилган жону дилимни,
Тағин кўраманми икки ўғлимни?
Агар билсанг, пирим, хабар бер энди.
Булар кетса, қонлар йиғлаб қоламан,
Агар улар ўлса нима қиламан,
Қуёнкида қандай бўлиб юраман,
Эшоним, деб сиздан сўраб тураман,
Булар кетди, жудо бўлиб бораман.
Қўзим кетди, қолдим сочимни ёйиб,
Қарайман кетидан йиғлаб, сарғайиб,
Мен турибман мунда жонимдан тўйиб,
Энди менинг ширин жоним керакмас,
Фасли баҳор, гулистонлар керакмас,
Мунаққашли манзил-жойлар керакмас.
Ҳеч ким келиб менинг ҳолим сўрамас,
Сўраганлар Ширин, Шакардай бўлмас.
Бу ғамда ўларман, ҳеч жоним қолмас,
Ҳеч ким мендай тириклай жудо бўлмас.
Дунё, жаҳон ичра менга кўринмас,
Икки ўғлим кетди шиғал мас[т],
Ўртаниб ёнаман, ҳеч жоним қолмас.
Тириклай айрилдим, чораси бўлмас,
Кетди қўзим, қайтиб элига келмас,
Бир тағин улар эпасин кўрмас.

Бу сўзни эшитиб, эшон бир сўз деб турган экан:

– Боланг учун сен ҳам абгор бўлмагин,
Йиғлаб жонинг сен ҳам ўтга солмагин.
Бир куп келар ўғлинг соғу саломат,
Йиғласанг душманлар қилар маломат.
Хаёлингга неча гаплар келади,
Икки боланг соғ-саломат бўлади.
Ўн-саккиз йилдан сўнг ўғлинг келади,
Келиб ўз юртига подшо бўлади.

Туҳмат қилган душманлари ўлади.
Боланг сенинг кўп иқболли бўлади,
Аёлсан, кўнглингга кўп гап келади,
Юрагинг тўлмасин дийдайи-ғамда,
Омон-эсон фарзандингга қўшмасам,
Қиёматда сенинг кўлинг ёқамда.
Фарзандингга мен хам раҳбар бўларман,
Ширин, Шакар ёрдамини оларман.
Қўлимдан келганча хизмат қиларман,
Омонлигинг бир худодан тиларман.
Ҳар ерда юрганда хабар оларман,
Ахир икковингни бирга қиларман.
Болам кетди, деб сан хафа бўлмагин,
Қуёнқида дўст-душмандан кўрмагин,
Беҳуда элингга гап бўп юрмагин,
Ҳар кимга деб сиринг маълум қилмагин.
Ҳамшагидай юргин, хафа бўлмагин,
Худодан кўр, одамзоддан кўрмагин.
Сирингни айтиб оғир-сингил бўлмагин,
Уйингга бор, келган йўлдан қолмагин.

Оловхўжа шундай берди хабарди,
Бўтакўз ойимнинг кўнглин кўтарди.
Бўтакўзни фарзандидан айириб,
Қуёнқи шахрига караб кайтарди.
Тириклай айрилиб бундан жўнади,
Ул Бўтакўз йиғлаб қайтиб боради.
Жавоб бериб бундан эшон жўнади,
Ҳар ким ўз бошига кстиб боради.
Бул жаллодлар Ҳақиқ тоққа жўнади,
Ширинман Шакарни хайдаб боради.
Бораётир бундай беклар ох уриб,
Оёғи қабариб, чўлда йўл юриб,
Жаллод хайдар Ҳақиқ тоғин ахтариб,
Шердай бўлиб золим жаллод боради,
Бир нечаси кўп сиёсат қилади.
Яёв одам отман бирга юради,
Чўлистонда хайдаб кетиб боради.
Ҳақиқ тоққа якин стиб колади,
Тоғни ўраб, энди шундай жўнади.

Ёқаси ҳўл бўлиб оққан ёшига,
Рози бўлиб худо қилган ишига,
Шул замон етиб ул тоғнинг бошига,
Бойламоқчи бўлди тоғнинг бошида,
Буларга тушгандир шундайин савдо,
Ёлғиз қолар шундайин бузуқ тоғда.
Ширинни бойлади тоғнинг тўшига,
Шакарбекни бойлаб тоғнинг бошига,
Ғажир эга бўлар, деди лошига.
Шундай қилиб энди жаллодлар кайтди,
Ҳар ишга тан бериб иккови ётди.
Жаллодлар маҳкамлаб муни бойлабди,
Ўлсин баччағарлар, туриб бормасин,
Тирик бориб бир балони қилмасин,
Тирик қолганини ҳеч ким билмасин!

Қайтиб бораётиб, аҳмоқтарз жаллодлар бу сўзни айтиб бораётир.

– Дуо килгин Ҳақиқ тоғнинг ғажири,
Қирқ йил ётиб есанг адо бўлмайди.
Шундай бўлди сенга жаллодлар иши,
Сенга тақдир қилди тўралар гўш[т]и.
Кўп бўлади бу дунёнинг койиши,
Дуо қилгин, Ҳақиқ тоғнинг ғажири.
Ширин, Шакар қолди, эга бўласан,
Осмонда айлансанг, уни кўрасан.
Ул боғловли лошга эга бўласан,
Ҳар еганда бизга дуо қиласан.
Биз шундай қилмасак очдан ўласан,
Сенинг учун бойлаб қайтдик, биласан.
Ҳар тўйганда бизга дуо қиласан.
Одам гўшти сенга овкат, биласан.
Ҳақиқнинг тоғини олгандир туман,
Жаллодларнинг айтган сўзи шул саған,
Бойловли бандага омон бермanглар,
Ғувиллашиб ҳар тарафдан кўнинглар,
Кўп ғажир бўп бир ўртага олинглар,
Бойловли ётганда корин қилинглар,
Хонзода ўғлининг додин беринглар,
Гўштин суягидан жудо қилинглар,

Бизлар кетдик сизларники, билинглар!
Қайда бўлса баринг, йиғилиб келинглар,
Ўлдиринглар, буни нобуд қилинглар!
Ҳар гап бўлса бизга дуо қилинглар.

Бу сўзди айтиб ул жаллодлар боради,
Битта-битта кийимини олади.
Чўлда жаллод ов кип кетиб боради,
Бир неча оҳларни уриб олади,
Сўйиб қонига кийимин бўяди,
Гўштларини хуржунига солади,
Кечга қолмайик деб кичаб жўнади,
Қуёнқи шаҳрига бориб қолади,
Қосим шоҳга буни элтиб беради,
Ширин, Шакар – икки қўзинг ўлди деб,
Қуёнқида мотам тутиб қолади.
Кийимида қизил конни кўради,
Қосимхоннинг кўз ёши сел бўлади.
Тўралар ўлганин маълум қилади,
Сипойилар қора салла бойлади.
Ширин, Шакар шуйтиб дунёдан ўтди,
Қосимхон нам ерга багрин бсрибди,
Фарзандимдан айрилдим деб юрибди,
Қуёнқида кўп қиёмат бўлибди.
Аза қуриб, белга бойлаб турибди,
Нима қисмат ёзилганин билибди,
Ўлайин деб юртни сўраб юрибди,
Ўзи ўлса, мулки вайрон бўлибди,
Шундай гаплар хон кўнглига келибди,
Ўйласа, савдоси жуда ғолибди[р],
Ширин, Шакар, ул бойловли қолибди.

Мунда Шакарбек тоғнинг бошида бойловли қолиб, алами зиёда бўлиб, Ширинни кўрмай, иккови бир-бирини билмай, Шакар оғамни ўлдирдимикан деб, Ширинниng кўнглига келиб, Шакар оғасини йўқлаб, бир сўз айтиб турган экан:

– Шакар оға, хабар олинг ҳолимдан,
Қўлим боғли, зулм билан ўлдим ман.
Дод этарман хунхўр жаллод золимдан,
Эмикдошим, хабар олгин ҳолимдан.

Оёғимга кирса эди бир тикан,
Нолишимдан титрар ер билан осмон.
Қани, менинг энам бўлса меҳрибон,
Менинг учун қилар эди юз фиғон.
Худо қилди, шундай бўлганмиз сарсон.
Эмикдошим, Шакар оға, бормисан,
Бағримдан ўт чиқиб, таним туташди,
Мендай ининг юрар йўлдан адашди,
Этим қирқиб, суягимга етишди,
Шундай ишлар менинг бошимга тушди,
Шакар оға, келиб ечгин кўлимни,
Ўлар вактда сен сўрагин ҳолимни.
Манов тоғда бўктарилган кормисан?
Эмикдошим, жоним оғам, бормисан?
Ширидайин сен ҳам интизормисан?

Буни айтиб йиғлар тоғнинг тўшида,
Шакарга етишган Ширин товушида.
Ширинниинг товушин Шакар билади,
Бир киёда ётиб бул ҳам йиғлади.
Армон билан ўлдик, ғаминг е, деди,
Ширинбекка энди Шакар на деди:

– Айрилиқ ўтига бағрин доғлаган,
Жабр кўриб Ширин иним йиғлаган,
Сендан баттар қилиб мени боғлаган;
Бўш бўлганда, сўрар эдим ҳолингни,
Сендан ёмон бойлагандир кўлимни.
Азамат мард эдик, бўлганмиз ночор,
Биз ўламиз кайғу-ғамда мукаррар.
Бизни кўрса еб кетади жондорлар,
Бойловлимиз, бўлолмасак баравар.
Норасида, Ширин жоним, йиғлай бер,
Комил пирлар бўлсин энди мададкор.
Рахмимизни есин яратган Жаббор.
Ширин, Шакар ундан бошка не гап бор?
Ажал стса, бу ахволда ўлармиз,
Бир шафоат бўлса, озод бўлармиз.
Неча кунлар йиғлаб овкат қилармиз,
Шу купларни икковимиз кўрармиз.

Бу сўзларни айтиб улар йиғлашди,
Иккови ҳам бойловли, ақли шошди,
Йиғлаб эди, комил пири етишди.
Қудрат билан осмон фалакка учди,
Оловхўжа келиб қўлини чечди,
Ширин, Шакар икковини бир қўшди,
Кучоқлашиб Ширин-Шакар йиғлашди.
Ширинбекни Шакар босиб бағрига,
Йиғлашгандир бунда Ҳақиқ тоғига,
Кўп йиғлашиб бир-бирига айтарди:

– Отингдан айланай, қозиул ҳожот,
Барчанинг ишини айлагин онсот,
Садағанг бўлайин, расул Муҳаммад,
Ширин, Шакар иккимизга не бўлди?

Хушхабарлар берди бизга Жаброил[5],
Сизни бандам деган Жаббор Жалил,
Баҳаққи ҳурмати Иброҳим Халил[6],
Ширин, Шакар иккимизга не бўлди?

Оҳ урганда тамом қақшар устихон,
Абубакр, Умар, Сиддиқ, Усмон[7],
Садағанг бўлайин шери Яздон[8],
Тиладик халоскор қодир худодан.

Овга чиқиб кўрдик азоб кунларни,
Биздан олмас ҳеч бир одам хабарни,
Энди кўрсак Қуёнқидай шаҳарни,
Тирикмиз, энамга берсак хабарни,
Шоду хуррам қилсак ул муштипарни.

Бизнинг учун конлар ютиб қолгандир,
Қора кийиб, ҳали йиғлаб юргандир,
Бизларни ўлди, деб мотам қилгандир,
Энамизда, ўзин ўтга ўргандир,
Маконига қон қуйилиб қолгандир,
Бизлар учун ўзин ҳалок қилгандир,
Тирик билсин Ширин, Шакар ўғлонди.

Бу сўзларни Ширин сўраб турганди,
Кўзга кўринмас эшон ғойиб бўлганди.

Шакарбек Ширинниng сўзига жавоб бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

Қурсин ота юрт, Ширинжон, бормаймиз,
Балки, борсак бизлар омон қолмаймиз.
Мундан бориб бурунгидай бўлмаймиз,
Отамнинг дийдори қурсин, кўрмаймиз.
Энди бизлар қандай қайтиб борамиз?
Қайтиб борсак тағин банди бўламиз.
Балки элга кулги бўлиб ўламиз,
Қурсин, шу юртда нима қиламиз.
Кеча-кундуз Ҳаққа фиғон этайик,
Бошимизни олиб бундан кетайик,
Неча тоғу чўлни кезиб ўтайик,
Қайтиб элга бориб, ука, нетайик?
Биргалашиб шаҳар-шаҳар юрармиз.
Бир мусофир, бизлар гадо бўлармиз,
Жаҳонни сайр этиб бизлар юрармиз,
Ота юрти йўқдир, нима қилармиз,
Ажал етса, биз ҳар ерда ўлармиз,
Элати йўқ бенаводан бўлармиз,
Юргин, Ширин, энди мундан жўнармиз.
Оту арбоб, бизларда йўқлир яроқ,
Ўлмай қолдик, бизлар кетайик йирок.

Икков бирга шул маслаҳат қилади,
Бу сўз икковига маъқул бўлади.
Пиёдалаб Ҳақиқ тоғдан жўнади,
Борар ернинг тайинини билмади,
Худо дейшиб қўл ушлашиб жўнади.
Бораётир Ширин, Шакар оҳ уриб,
Чаккон бўлиб, этагини бар уриб,
Гоҳ хафа бўлганда кўнглини хушлар,
Иккови боради, яёв қўл ташлар.
Иккови халлослаб кетиб боради,
Неча кун, неча тун ўтиб боради,
Шундай қилиб қичаб йўлни олади,
Қаерга борарин ўзи билмади,
На бир элат, на одамзод кўрмади,
Сувсиз чўлдан неча куплар йўл тортди,
Сувсизликдан оша жабрлар ўтди,
Тили бориб балки танглайга қотди,

Очликдан жуда ҳам мазаси кетди.
Ов килгани ярок-асбоб бўлмаса,
Ҳеч нимага ул қуввати келмаса,
Йўл юрмоқдан бошқа фикр бўлмаса.
Боғбон бўлса боғнинг гули терилди,
Устихон имраниб, бағри силинди.
Қирқ кеча-кирк кундуз тоғда юрган сўнг,
Икковининг ғариблиги билинди.
Гумбаздай бўп бунга бир тоғ кўринди.
Шакар айтар: "Тоққа қараб юрайик,
Шу тоққа яқинлаб бирга борайик,
Тоққа чиқиб, ўнгу сўлга қарайик,
Бир тарафда одам бўлса, борайик,
Беҳуда чўлларда сарсон бўлмайик,
Ғайрат қил, Ширинжон, бирга юрайик,
Оҳ уриб Ширининг кўнгли бузилар,
Шакар оға, ўлдим ака, хору зор,
Тош уриб оёғим менинг кабарар,
Энди мендан ҳолат кетди, бек Шакар.
Бу чўлларда энди колдим хору зор.
Бизлар бўлиб эрдик шундай дарбадар,
Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшима,
Шакар оға, келгин менинг қошима,
Тулки, шағал эга бўлар гўшима.
Мана чўлда ғариб бўлиб ўламан,
Яккамозор бўлиб бунда қоламан.
Бошларим айланиб, кўзим тинади,
Кўп очликдан ҳолат кетиб боради,
Бир қадам босмоққа жоним қолмади,
Бизни тақдир шундай кулфатга элтар.

Бу сўзларни айтиб Ширинбек номдор,
Кўп шердиллик берар унга бек Шакар:

– Олис эмас, яқин қолди бу тоғлар,
Менинг билан бирга-бирга юрасан,
Тоққа етсак этагида турасан,
Мен келганча даминг олиб қоласан,
Ёлғиз чиқиб ўнгу сўлга қарайман,
Жигарсан, сенинг ҳолинг сўрайман.
Не борини баланд ерда билайин,

Кўрганимни сенга хабар килайин.
Юрган энди, бирга-бирга борайин.

Буни айтиб иккови йўлга тушди,
Дардин айтиб бир-бириман гаплашди,
Худо деб иккови йўлда боради,
Булар ҳам бир вақти элда тўради,
Хабарлаган одамзодни кўради.
Кўриб шундай шоду хуррам бўлади,
Одамзод деб Ширин, Шакар жўнади.

Шундай бораётир эди. Қараса, тоғнинг этагида бир чол дирдай-кирдай бўлиб, иштон, кўйлагини чечиб, бир ерга уйиб, яп-ялангоч бўлиб, гоҳ охур килиб, гоҳ ўчоқ қилиб, гоҳ қозиқ йўниб ётир. Ширин-Шакар унинг устига бориб колди. Салом берди. У бобо қараб Ширин-Шакарни кўрди. *"Ошпичоқ-қалампир!" – деб ён-ёғига қараб тупуриб юборди*[9]. Ширин-Шакар ҳали ҳам зинкийиб турибди. У чол: "Менга тингила келган бола экан", – деб дустуман бўлиб ётди. Ширин-Шакар бобога караб бир сўз айтди:

Икки бетинг олмадай пишиб, эй бобо-эй, ҳорма-эй!
Энгакларинг тизингга тушиб, эй бобо-эй, ҳорма-эй!
Кетганмикан Асқар тоғнинг тумани?
Танда бўлмас кофир қулнинг имони,
Юришларинг, жон бобо, кўп бемаъни,
Марди калон, жоним, бобо, ҳорманг-эй!
Бизни кўриб, бобо, шундай киласан,
Йўлда ваҳший бир имонсиз балосан,
Биздан ҳазар қилиб, ётиб турасан,
Бобо, биздан нега ҳадик оласан?
Аҳволингдан бизга хабар берасан.
Бизлар чўлда бўлиб келдик афтода,
Қайғу-ғамда ҳасратдамиз зиёда,
Келдик меҳнат тортиб пою пиёда,
Сен ҳам бизни турли жондор биласан,
Ҳолинг билмай нега хазар қиласан,
Тура келгин, аҳволимни биласан,
Қилган хизматингдан хабар берасан!

Бу сўзни эшитиб, бобоси, булар одамзод экан, деб ўзини ростлаб

Ширин-Шакарга қараб: “Болам, сен қайдан келдинг?” – деб сўраб турибди:

Қайси элдан, қайси ердан бўласан,
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан?
Искаб кўрсам, тоза тоғнинг гулисан,
Қай шаҳарда қандай бекнинг ўғлисан?

Жамолинг мснгзайман осмонда ойга,
Жасадинг менгзайман бўз қарчиғайга,
Қарчиғай чангаллим, қайдан бўласан?

Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
Ўсган мамлакатинг, болам, сўрайман.
Қирғий деган куш ўлтирар қиёда,
Нс кўриб, кечириб фоний дунёда,
Қайси ердан келдинг пою пиёда,
Не сабабдан бўлиб абгор-афтода,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Нима дейди, болам, мамлакатингни,
Мснга айтгин ўйнаб-ўсган юртингни,
Нима дейди, болам, сенинг отингни?
Хабар бергин менга исм-зотингни!
Йўл юриб сенинг кўп мехнатингди[р],
Хабар бергин, болам, қайдин келасан?

Шунда Шакарбек бобосига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Бахорда очилган боғнинг гулиман,
Мен хам бировнинг жону дилиман,
Қуёнқида Қосимхоннинг ўғлиман.
Худо қилди, дарбадар бўп юрибман,
Отимни сўрасанг Ширинман Шакар,
Подшоликдан гадо бўлган каландар.
Ул сабабдан бизлар чўлда хору зор,
Маконсиз бенаво ўзим каландар.
Тақдирда қисматим борин кўраман,
Улсизга – ул, қизсизга – қиз бўламан.
Абгорман, чўллардан ўтиб келаман,
Сенинг, бобо, аҳволингни кўраман,
Бу қилган ишингга ҳайрон бўламан,

Худойим сақлагай бандани омон,
Мўмин кулга эгам бўлсин мехрибон,
Бул сўзимга қулоқ солгин бобожон,
Оша юртда қолди ўсган элатим,
Подшоликдан шундай бўлди қисматим,
Қайғу-ғамлар бўлди менинг улфатим.
Сирим айтсам, кўпдир бошда кулфатим,
Ҳозир бўлдим мен-да, сенинг фарзандинг.
Неча вақтлар юрдим чўлларда бўзлаб,
Бу жароҳат жигар-бағримни тузлаб,
Мен келибман ҳозир маконинг излаб,
Оҳ урсам сарғайиб гулдайин дийдор,
Бир нечалар аҳволимдан бехабар,
Бобо, сенга менинг арзим шу бўлар,
Сени кўрдим, бобо, бўлди давлатим,
Оч-сувсизман, йўқдир менинг ҳолатим,
Сўйламоққа келмас менинг қувватим,
Чўлда қолар эди менинг жасадим,
Шукур қилай сенинг билан суҳбатим,
Сенга келган Шакар, Ширин фарзандинг.

Бу сўзни эшитиб бобо айтди: "Сизлар бу ерда ўлтиринглар, мен бир овқат олиб келиб берайин". Бобо туриб кетди, бобонинг ертўла макони бор эди. Унинг кетганини кўриб Ширинман Шакар: "Энди бизга бир нарса олиб келиб беради-да!" – деб ўтирди. Булар бобонинг қилиб ётган ишининг маънисига бормади. Шакарбек Ширинбекка айтди: "Бундай қилиб бекор ўтирмайик, бобо бир нарса олиб келиб берар, бу нима бўлса, бобонинг қилиб ётган иши экан, бекор ўтирмай, биз ҳам иш қилсак бобога яхши кўринамиз", – деб бобо келгунча бирови бир ўчоқ қилди, бирови бир охур қилди. Буларни созлаб ўтириб эди, бобо ҳам бир хурма катиқни кўтариб, анча олма талқонни олиб, етиб келди. Ширинман Шакарнинг олдига қўйиб, ўчоқ билан охурни кўрди. Бобо Ширинман Шакарга бу сўзни айтиб турган экан:

Хафа бўлдим сенинг қилган ишингга,
Қайси гўрдан келдинг менинг қошимга!
Армон билан етдинг менинг бошимга.
Ўз юртингга сиғмай мунда келасан,
Дарбадар, бошимга бало бўласан,
Бир кунлари менинг шоҳим келмасми?
Ўчоқман охурни келиб кўрмасми?

Ким қилди, деб ул кун сўраб турмасми?
Армон билан мендай бобонг ўлмасми?
Жувонмарглар, тек ўлтирсанг бўлмасми?
Учкурдайин қанотимни қайирдинг,
Югрук бўлсам туёғимдан тайирдинг,
Ейиб ётган озиғимдан айирдинг.
Мендайин бобонинг кўнглин бўласан,
Уста бўлмай ўлгин, ўчоқ қиласан,
Бул бобонгга бир қаттиқ кун соласан,
Икковинг бошимга битган балосан.
Фалак урса боғнинг гули сўлмасми?
Жувонмарглар, тек ўлтирсанг бўлмасми?
Подшо келса, тўкар кўздан ёшимни,
Зулм билан тандан кесар бошимни,
Армон билан қилар менинг ишимни.
Ким олар ўлигим бу ердан йўқлаб,
Кампирим колади бунда қон йиғлаб,
Қайси гўрдан келдинг мени сўроқлаб?
Бул ишингни кўрдим, нима қиламан,
Ғам ўтида турган бағри пораман,
Сени ўғлим килиб, энди ўламан,
Подшойимга нима жавоб бераман.
Жўн ўтирсанг бўлмасми, Ширин, Шакар,
Элдан ортиб қолган икки дарбадар.
Бу бобонинг айтган сўзи шул бўлар,
Мен ҳам эдим бир подшога хизматкор.
Олтойчилик йўлда маконларим бор,
Шунинг хизматини қилдим баркарор,
Сенинг ишингдан мен бўлдим гунохкор.
Келиб подшо икки бошдан ўлдирар.
Ҳолинг кўриб, сенга раҳбар бўламан,
Подшо келса нима жавоб бераман!

Бу ишни Ширинман Шакар бобога яхши кўринамиз, деб қилиб эди. Бобоси обкеб берган олма талқон билан қатикни ҳам бурнидан ситиб олди. Ширин ва Шакар кўп ҳайрон бўлди. Бобосига қараб бу сўзни деб турган экан:

Бобо, биздан ҳазар топиб қоласан,
Бизни хафа қилиб, изо берасан,

Жоним бобо, биздан ҳадик оласан,
Бул қилган ишингдан хабар берасан.
Бу чўлларда ўчоқ, охур қиласан,
Жиннимисан, бобо, тентак бўласан,
Ўз иши деб ўчоқ, охур қилибмиз,
Сўзингни эшитиб ҳайрон қолибмиз,
Худо қилди, касофати бўлибмиз.
Сени кўриб қора тортиб келибмиз,
Сўзингни эшитиб ҳайрон қолибмиз,
Кўп койима, бобо, дилтанг бўлибмиз,
Туз-насиба тортиб келибмиз,
Давлатимдан шоли-шалпар ўрайман,
Гул тарзим сарғайиб, сенга карайман,
Бул килган ишингни, бобо, сўрайман.
Нафсинг оғриб, қанча бўлди кулфатинг,
Нима ишдир сенинг қилган хизматинг,
Қаерларда, бобо, ўсган элатинг,
Қошингда йўқ сенинг ҳеч бир улфатинг,
Бул ишингга йўқдир сенинг давлатинг.
Хафа бўлди биздай икки фарзандинг,
Кўнглим бўлиб, жуда койиш қиласан,
Отингни айт, бизни нима қиласан.
Подшо эдик, ғарибликда кўрасан,
Нафсинг оғриб, бундай иза берасан.
Бизлар чўлда юриб, кўрмадик шаҳар,
Ҳеч йўлиқмас одамзод юрган ерлар,
Маконингга келган Ширинман Шакар,
Хизматингдан, бобо, бергин бир хабар!

Бу сўзни эшитиб, бобоси Шакарбекка қараб бир сўз деб турган экан:

Сендай болам йўқдир бунда хабари,
Манови қорайиб турган Зил тоғи,
Зил тоғида, болам, бордир Гулпари,
Менинг шоҳим Гулпарининг хуштори,
Мен бўламан шул шоҳнинг хизматкори.
Чибич кўлда бордир бир аждаҳори,
Олтойлик йўл шаҳарининг канори.
Қорахон шоҳ подшонинг амалдори,

Ҳар йилига лашкар тортиб келади,
Гулгуной, деб канча одам ўлади,
Аждаҳор ҳаммани нобуд қилади.
Одам ўлса, подшо элга боради,
Элу халқдан одам солиб олади,
Ҳар йилига шундай ишни қилади.
Қанча бўлса, бул аждаҳор киради,
Аждаҳорга ким баравар бўлади?
Бу ерда барқарор бобонг туради.
Болам, эшит менинг айтган додимни,
Холёр чол дейдилар менинг отимни,
Подшом билар бул қилган хизматимни.
Буюрган ишини ўрин қиламан,
Қорахон шоҳимдан инъом оламан,
Ҳамма кетса ўзим ёлғиз қоламан,
Ул сабабдан, болам, кўнглим бўламан,
Шоҳ сўраса, нима жавоб бераман?!
Кўрганинг йўқ Қорахон шоҳ юзини,
Тополмайин юрар ёрнинг ўзини.
Тутиё қилади шакар сўзини,
Ошиқ бўлиб кўргани йўқ ўзини,
Қуръандозлар қуръа ташлаб кўргандир,
Ул қуръада кўриб, ошиқ бўлгандир.
Йилда келиб канча одам ўлгандир,
Аждаҳор зарбидан нобуд бўлгандир.

Бобосидан бу сўзни эшитиб, Шакарбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сўлдирма, бобожон, гулдай тарзингни,
Подшонг келса, шундай айтгин сўзингни:
Боғбон келиб қизил гулни терди, де,
Жон олғич жаллодинг – Шакар келди, де,
Шакарнинг зарбидан аждар ўлди, де,
Сенинг ошиқингни Шакар олди, де,
Сендай шоҳим бекор ҳалак бўлди, де,
Гулгун билан Шакар даврон сурди, де,
Сендай хумса кўп одамни қирди, де,
Сендай шоҳим чўрттон куруқ колди, де.
Қуёнқидан келган экан зўрабор,

Бўлолмади аждаҳор ҳам баробар.
Шу сўзимни тортинмайин айтабер,
Бор, шоҳим, не қилсанг ўзинг биласан,
Йўликма, кўринсанг, тайин ўласан,
Шоҳингга шундай деб хабар берасан.
Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.
Ажал етмай, ўламан деб ғам ема,
Биз кетамиз, бобо, жавоб берасан,
Бул иш билан кўп аланглаб турасан,
Қорахонга шундай хабар берасан.
Ўлдирар, деб сира парво қилмагин,
Эгнинг қисиб, ундан биғиб турмагин,
Давлати катта деб парво қилмагин,
Жоним бобо, сира хафа бўлмагин,
Ўларман, деб сира қўрқиб турмагин,
Бу сўзни тайинлаб Ширинман Шакар,
Шу сўзимни, бобо, билгин мухтасар!

Шу кеча булар бобосиникида ётди, эрта-мертан тонг отди, ўқиди намоз бомдодди. Бобоси билан хушлашиб, йўлга жўнаб чиқди. Шунда Ширинман Шакарга қараб, бобоси икки оғиз сўз айтиб турибди:

Ширин, Шакар, бир кечалик фарзандим,
Қайтадан зиёда қилгансан дардим.
Кўп турмайин кетар бўлдинг, фарзандим,
Билдим подшозода – ғариб бўласан,
Хабар бергин, қайси юртга борасан,
Қаландар бобонгни қачон сен кўрасан.
Сен кетган сўнг қоларман ғамга тўлиб,
Икковинг кетарсан бундан маст бўлиб,
Юрибсанми сен бировни ахтариб?
Очилган жиғадай гулларим сўлиб,
Мен қоларман изларингга зор бўлиб,
Эсимга тушганда ҳижронга тўлиб,
Не сабабдан, болам, саргардон бўлиб,
Хабар бер юришинг, қолайин билиб,
Тоғларда очилган менинг лолам, деб,
Суяниб эдим Ширин, Шакар болам, деб,
Юрагимдан кетди ғусса-алам, деб,

Энди обод бўлса, кулба хонам, деб.
Жон болам, эшитгин сўраган тилди,
Худо берди дедим, бу икки улди.
Ўғил бўлиб, кетишларинг не бўлди?
Худойим, бир осон қилгин мушкулди.
Қўзимсан, энди сендан сўрайин,
Жон болам, ҳакингга дуо қилайин.
Айтиб кетгин борар еринг, билайин,
Дуо қилай, мендай бўл, бобонг ночор,
Мард ишига, болам, бўлмайин дучор.
Сен яёв юришинг жуда хам абгор,
Қаерларни, болам, қилдинг ихтиёр?
Сен борар еringдан бергин бир хабар,
Сендан бобонг сўраб турган қаландар!

Шакарбек бобосига бир сўз айтиб турган экан:

– Бобо, эшит менинг айтган сўзимни,
Меҳмон бўп бир кеча тотдим тузингни,
Хуш-хушвақт жўнат икки кўзингни,
Ўлмасак йўклармиз сенинг ўзингни.
Сен биздан сўрадинг, биз борар шаҳар,
Бизлар ҳозир юрт устида қаландар,
Бемакон, бенаво, ўзим дарбадар,
Билмайман, туз-насиб қаерга тортар.
Менда йўқдир, бобо, сира ихтиёр,
Таваккал тангрига қилиб бораман,
Худо бизни бир тарафга бошқарар,
Омон бўл, бобо, – деб Ширинман Шакар,
Бобосиман иккови ҳам хўшлашар:

– Туз-насиба, тақдир қаерга тортар,
Оҳ тортганда кўздан оққан ёш энди,
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди!
Хафа бўлма, жоним бобо, хўш энди,
Бизлар бу чўлларда ҳозир хору зор,
Дуода бўл, жоним бобо Холиёр.

Бу сўзларни айтиб Ширинман Шакар,
Шул замонда туриб йўлга кирдилар.

Бобоси қошидан беклар жўнади,
Дуо қилиб, бобоси ҳам колади.
Борар ерин тайини йўқ буларнинг,
Бошин олиб энди бундан жўнади.
Сандиқдай тоғ кўринади якинда,
Тоққа қараб Ширин, Шакар жўнади.
Шул тоққа биз якинлаб борайик,
Тоққа чиқиб ҳар тарафни кўрайик,
Бир шаҳар кўринса, шунга борайик,
Бундай сарсон бўлиб чўлда қолмайик.
Бу сўзни ўйлашиб кстиб боради.
Илгарида Шакар шундай йўл бошлаб,
Гоҳ ерларда борар кўнглини хушлаб,
Ўз юрти эсида кўзини ёшлаб.
Худо бизни элдан жудо қилди, деб,
Бу кулфатни эгам бизга солди, деб,
Азал қисмат, тақдир шундай бўлди, деб,
Бу сўзни айтиб чўлда кетиб боради.
Бу ҳам энди бир шаҳарнинг тўраси,
Ёмон бўлди айроликнинг яраси,
Ҳар замон эсига тушар энаси.
Бизлар бунда ҳали тирик юрганмиз,
Ғамхўр онам йиғлаб қолди, билганмиз.
Онамнинг кўнглида бизлар ўлганмиз,
Кўнглидан чиқмайди, эсда турганмиз,
Кўп кулфатни шу онамга солганмиз,
Тириклай онамдан жудо бўлганмиз.
Тақдир ҳайдаб бу йўлларда юрганмиз,
Худонинг ишига рози бўлганмиз.
Бу сўзни айтиб борар Ширинман Шакар,
Бошлари айланиб кўп йўллар юрар,
Тоғнинг тумшуғига етди мукаррар.
Бир йўлни кўрди-ов Ширинман Шакар,
Катта йўл бўйига етишди беклар,
Ўтириб иккови бунда дам олар,
Шакарнинг кўнглида турли гапи бор.
Ҳар замон эсига тушар Гулгуной.
Шундайин Ширинниинг кўнглин бўлади,
У ҳам, деди, буни алдаб туради,
Сен чарчадинг, мен чиқайин бу тоққа,

Бошимизда кўпдир хар турли савдо,
Кўрганимни келиб хабар берарман,
Дам олиб тур, эргаштириб юрарман,
Бир соатда тоққа чиқиб келарман.
Менинг билан бирга ҳалок бўлмагин,
Дамингни ол, ука, чарчаб колмагин!

Йўл юриб, чарчаб бораётган одамга бу гап хуш келди. "Хайр, ака, чиқиб келсанг, дамимни олиб ётайин", деб йўлнинг ёқасида қолди. Шакарбекнинг гапи Ширинга ҳам хуш келди. Шакарбек туриб кетди. Шакарнинг кўнглида, бобосидан эшитган Гулгун парини қандай кўраман, деб тоғни оралаб кетди, қаради, тоғнинг этагида бир кўл турибди. Тўқайистон, катта кўл. Бу кўлни Чибич кўл дер эди. Тоғнинг тангисидан бир аждарҳо чиқиб, кўлга қараб юзланиб турганида мамлакат ғулғула бўлгандай бўлиб қолди.

Ишқириб аждарҳо дамга тортади,
Чибич кўлнинг сувин бирдан ютади,
Чобиниб аждарҳо дамга тортади,
Кўлнинг камишлари таппа ётади,
Ишқириб аждаҳор дамга тортади,
Тоғнинг тоши зинғирлашиб ўтади.
Баланд тошлар ларза бериб кетади,
Мамлакатни буткул тўзон тутади,
Аждаҳор дамига Шакар кетади,
Мамлакатни шамол, тўзон олади.
Аждаҳор ҳайбати шундай бўлади,
Ўзин тўхтатолмай Шакар боради.
Куюн, тўзон аралашиб колади,
Қандай гап эканин Шакар билмади.
Ҳуши кочиб, бунда тоқат қолмади,
Билмайди, йиғлайди, куни тўлдими.
Ўлар вақти якин келиб колдими?
Дев, парилар унга асар қилдими?
Ширин укам бул бехабар қолдими?
Мендай шўрни ажал ҳайдаб келдими?
Шакар Ширинидан жудо бўлдими?
Ё бўлмаса, Ҳақ қиёмат қилдими?
Шундай қаттиқ кунда Шакар қолдими?
Бу сўзни айтиб кўзин очиб қаради.

Қўлдан қайтган аждаҳорни кўради.
Энди ўларини Шакар билади,
Аждаҳор дамига кетиб боради.
Отингдан айланай якка-ягона,
Элимдан айрилиб бўлдим бегона,
Бош эсонда Бурқисармас девона [10],
Қўллайдиган комил пирлар бормисан?
Хўжандда ўтгансиз шайхи Мислаҳаддин [11],
Урганчда ўтгансиз бобо Нажмиддин [12],
Бухорода балоғардон эр Баҳоуддин [13],
Садаганг бўлайин Сайфиддин Ғўбдун [14],
Қўллайдиган комил пирдан бормисан,
Бу сўзларни айтиб Шакар йиғлаб боради.
Мени дамга олар бўлди душманинг,
Энди бундан ўтди менинг пишоним,
Комил пирим Оловхўжа эшоним.
Бу сўзни айтиб Шакар сўзлаб йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади?!
Қулоғига пир товуши келади,
Шайдулло, деганини Шакар билади.
Зарбасига тоғлар самъо қилади,
Мунажоти Ҳаққа қабул бўлади,
Бу сўзни айтиб комил пирлар келади:

– Бирламчи пир деганда мен арши аъломдайдим,
Иккиланчи пир деганда Мусо билан Турдайдим [15],
Учланчи пир деганда мен дарёйи Шўрдайдим,
Тўртланчи пир деганда Илёс билан чўлдайдим [16],
Бешланчи пир деганда менинг ўзим чўлдайдим,
Олтиланчи пир деганда сенинг билан биргайдим,
Еттиланчи пир деганда аждахорман турайдим,
Қўрқма болам, келдим қошингга,
Эгам раҳм айлади конли ёшингга,
Қўшиларсан, бўтам, тенги-тўшингга,
Бурқисармас пиринг етди кошингга.

Бу сўзларни комил пирлар айтади,
Шакарбекни пирлар бундан тўхтатди.
Ишқириб аждаҳор дамга тортади,
Бу келган пирларни ҳам тингсалтади.

Кўринг энди Буркисармас пирини,
Билинг энди ҳақиқати валини,
Бундан кўрсин кароматнинг мўлини,
Қуритади аждаҳорнинг шўрини.
Илму карoматман ёйини тортди.
Яшиндай бўлиб ёйнинг ўқи бир кетди,
Аждаҳорнинг ўнг кўзидан тегибдир.
Аждаҳор валига дучор бўладир,
Аждаҳор кўзин туйраб урадир,
Чап кўзидан тешиб ўтиб боради.
Шундай зўр аждаҳор икки букилди,
Кулча бўлиб бул аждаҳор йиқилди.
Аждаҳорнинг билмаганин билдирди,
Аждаҳони илм-карoмат билан ўлдирди.

Аждаҳорнинг икки шохи бор эди. Уни қоқиб олиб Шакарбекка берди. Пирлар Шакарбекнинг кўзидан ғойиб бўлди. Шакарбек шохга қараса, *шохига чилтимат дуолар битилган*[17]. Буни кўриб аждаҳорнинг ўнг шохини урди. Тоғнинг мурвати очилди. Шакарбек ичкари кирди. Чап шохини урди. Тоғ қадимгидай бўлиб бекилди. Шакарбек тоғнинг остига қараб бора берди. Бир ердан ўн тўрт кунлик ой тукқандай барқ уриб шуъла чиқди. Шакарбек кўрди: гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чаҳ-чаҳ уриб, тўти-майналар сайраб ётибди. Шакарбек бу шуълани чўтлаб кетиб бораётибди. Бир ерда кўшк айвон мунаққашли

Фозил Йўлдош ўғлидан достон ёзиб олинмоқда. 1936 йил.

мазгил жойлар. Ажаб суратли бир паризод кашта тикиб ўтирибди. Бу қизни кўриб, қарши манглайига бориб, тоза сулувга йўлиқса, гапиролмай қоладигандай, нима дейишини билмай, қўл қовуштириб, зинкийиб турди. Хаёли ўзида бўлмади. Анча энтикиб қолди. Бир палла Гулгун пари шундай бошини кўтариб қараса, ажаб суратли бир йигит қўлини қовуштириб турибди. Гулгун пари бу сўзни айтиб турган экан:

Одаммисан, ё бир юрган жодугар,
Қандайин йўл берди сенга аждаҳор?
Аҳволингдан менга бергин бир хабар,
Сен ҳам юрган кашмирмисан муқаррар?
Ҳеч бир жонзот келолмайди боякбар,
Қандай ошиб келдинг бундайин тоғлар?
Юришингдан хабар бергин муқаррар,
Мендайин ойимнинг кўнглин билдингми?
Чибич кўлда аждаҳорни кўрдингми?
Хабар бер, унга рўбарў бўлдингми?
Бу ерларга ҳийла топиб келдингми?
Бўлмаса, ажал ҳайдаб юрдингми?
Одамзод ичидан парвоз қилдингми?
Ер юзида бундай макон кўрдингми?
Мендай паризодга ошиқ бўлдингми?
Ул сабабдан меҳнат тортиб келдингми?
Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар.
Булутлар маст бўлса чалқийди кўллар,
Юришингдан менга бергин бир хабар!
Сендан сўраб турган мендай зулфакдор,
Гулгунойим дейди менинг ўзимни,
Сен эшитгин менинг айтган сўзимни:
Ёш бола билибман сенинг ўзингни,
Сен қандай йўл топиб мунда келибсан,
Айтгин, бегим, нима ишда юрибсан?
Яёв юриб абгорликни кўрибсан,
Бировнинг ишқида ғариб бўлибсан.
Хабар бергин қайси юртдан келасан?

Хабар бер, кўнглингда кўпдир ғуборинг,
Неча ишдан борми сенинг хабаринг,
Бу ерларга қайдай тушди гузаринг?
Аҳволингдан хабар бергин, шунқорим.

Жамолингни кўрган курбон бўлади,
Савлатинг ақлимни олиб боради.
Мендай ойим сендан савол сўради:
Ё бировнинг харидори бўлади?
Қора зулфим эшилгандир тол-тол,
Бу сўзларга, келган хоним, қулоқ сол,
Бунда жонзот келса, бўларди поймол.
Зўр аждаҳор сира бермасди омон.
Бу ерга келолмас кофир, мусулмон.
Қандай бўлиб келдинг бунда ёш ўғлон?
Ул аждаҳор қилар ер билан яксон.
Аждаҳорга ҳеч ким бўлмас баробар,
Зарбасидан титраб кетади тоғлар,
Шул аждаҳор жамолимга гирифтор,
Кунида бир марта жамолим кўрар,
Атрофимни айланиб хабар олар,
Шул жойларда мен тураман барқарор,
Қандай бўп ўтказди сени аждаҳор?
Аҳволингдан менга бергайсан хабар.

Бу сўзни эшитиб Шакарбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Бошимда кўп менинг, билсанг, кулфатим,
Англаб билгин, сўйлайин, паризодим.
Сўрай берсанг, аслзода авлодим,
Бир боис-баҳона бўлган қисматим.
Шоҳ эдию, гадо бўлди улфатим.
Сени излаб, қолмади-ей ҳасратим,
Сени кўриб, энди келди давлатим,
Сўрай берсанг кўпдир менинг меҳнатим.
Мени билсанг, Қуёнқидан бўламан,
Қосимхоннинг ўғлиман, бунда келаман.
Ғамли кунда тортар эдим оҳ-вой,
Бандам деб, раҳм айлар қудратли худой,
Ўзингдан эшитдим, отинг Гулгуной.
Сени излаб чиқдим ўсган элимдан,
Қутулганман неча ноҳақ зулмдан.
Сени излаб ҳеч қўрқмадим жонимдан,
Юз қайтармай менга келган ўлимдан.
Шароб ичсам тар хинали қўлингдан,
Қучоқласам сенинг нозик белингдан,

Сўриб ётсам лабда асал болингдан,
Раҳбар бўлиб, хабар олсанг ҳолимдан,
Қувватим йўқ, келиб тутсанг қўлимдан,
Меҳрибонлик қилиб турсанг ўрнингдан.
Сўзимни эшитгин, гул юзли дилбар,
Сенинг ишқинг мени қилди қаландар,
Ўртанган ўтларга жонимни солар,
Чибич кўлда дамга тортди аждахор,
Менга раҳм қилди яратган Жаббор,
Комил пирлар бўлди ул кун мададкор.
Ғариб билма мендайин бенавони,
Бошимдан кўтаргин туман савдони.
Чўлда кўриб бир яланғоч бобони,
Ундан ҳам эшитдик неча савдони.
Энди кетди Шакарбекнинг армони,
Сен бўлгин, гул юзли, дардим дармони.
Мен келаман неча дарбанддан ошиб,
Гоҳ жойларда кетар ақлим ҳам шошиб.
Гоҳ кунларда кетдим ўтдай туташиб,
Энди келдим, дилбар, сенга ёнашиб,
Ҳарна деб амр этсанг, мен ҳам қилайин,
Нима десанг, хизматингда турайин,
Сенинг учун жоним сарфлаб кўрайин,
Етиб муродимга, ўйнаб-кулайин.
Тура келгин, моҳу талъат, кўрайин,
Ҳуснингга бандиман, озод бўлайин,
Сенга мени сткизгандир худойим.
Сўзни ҳазил билма, эй моҳу дилбар,
Бўлиб келдим ҳозир сенга харидор.
Парво қилма, ўлиб кетди аждаҳор,
Ошиғини келиб топгандир Шакар!

Бу сўзни эшитиб у паризод ҳам айтаётган экан:

Шакарбекка меҳрибонлик қилади,
Табассум қип, бул ўрнидан туради,
Бу кўшкидан пастга қараб юради,
Биҳиштдаги ҳурдай бўлиб боради,
Жамоли яркиллаб бориб қолади,
Шакарбекнинг кулиб кўнглин хушлади.
Ул замонда билагидан ушлади,

Кўшкининг остига йўлни бошлади.
Иккови шул замон кадам ташлади.
– Ҳаволапиб учган суқсур жойлансин,
Ҳаво ёғиб, халкоб ерлар лойлансин,
Ҳар ерда душманнинг кўли бойлансин,
Жасадингдан мендай ойим айлансин.
Хуш келибсиз, бош устига, султоним,
Бул сиздан садака ул ширин жоним,
Сизнинг билан бўлсин энди давроним!
Дийдамнинг устига, азиз меҳмоним,
Энди колмасин-да, хоним, армонинг!
Бу сўзни айтиб турар мендай жононинг,
Бу ерда бор эди ул қанча девлар,
Шуларнинг додини берди аждаҳор,
Ул сабабдан ёлғиз қолди гажакдор,
Аждаҳорнинг зарби бизга шу бўлар.
Биздан ўзга келмади қиз-жувонлар,
Аждаҳорга тобе бундай маконлар,
Ажали етмай колган мендайин дилбар.
Шукур қилай, ўлган бўлса аждаҳор,
Энди сизнинг билан бўлар давронлар.
Бу сўзларни айтиб парию ҳурлар,
Бўлиб юрсам то ўлгунча хизматкор.

Бу сўзни айтиб бекнинг вақтин хушлади,
Баландга, кўшкига йўлни бошлади.
Шакарбек остига либос ташлади,
Бир-бирининг жуда ақлин олади,
Шакарбек бўйнига қўлин солади,
Ширинни эсига олмай боради,
Дунёнинг ғамидан озод бўлади,
Жамолига Шакар ҳайрон колади,
Қоронғулик ёруғ бўлиб туради,
Шундай ёрни Шакарка худо беради,
Азоб-кулфат бари кетиб боради,
Иккови ўтириб мажлис қилади,
Дунёнинг ишини шундай кўради,
Фасли баҳонаман бунда боради,
Шакарбек ҳам Гулгунойни олади.

Шакарбек билан Гулгуной бунда сухбат куриб ётди. Ширинбек бўлса неча фурсат акасининг йўлига караб, унинг қайтмаганини кўриб,

ўрнидан турди, бу тоғни ахтариб, калласи гаранг бўлиб, бу сўзларни айтиб юрди:

Кўринмайди Шакарбекнинг кораси,
Бек акамни ютган тоғнинг дараси.
Қайда ўлди Қуёнқининг тўраси,
Йиғлаб турар Ширин жигаргинаси.
Қайда борай мен акамни ахтариб,
Мен кимга йиғлайин дардимни ёриб?
Қолдим бул тоғларда ёлғиз айрилиб,
Йиғлайман тошларга бошимни уриб.
Ўздан-ўзи акам кетди йўқ бўлиб,
Акамдан айрилиб колибман бўзлаб,
Мен қайга борайин акамни излаб.
Бирга чиқиб эдик Қуёнқи элдан,
Икковимиз жудо бўлиб шу йўлдан,
Қаттиқ ишда, қайғу-ғамда колдим мен,
Қай тарафга бораримни билмасам,
Ўлик-тиригини бунда кўрмасам,
Эмикдошим хабарини билмасам.
Умримнинг борича излаб юрайин,
Бу тоғнинг дарасин қўймай карайин.
Яёв эди, йўқдир минган бедови,
Менинг акамни ютган шул Зил тови,
Ҳар ким титрар Ширинбек нолишига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.
Ҳар замонда чиқар тоғнинг бошига,
Акасини шундай йўклаб юради,
Бир баланд чўққига қараб боради,
Чўккининг устига чикиб қаради,
Олис, йўлдан бир тўп қора кўради,
Нима эканини Ширин билмади.
Ҳайрон бўлиб бу чўққида туради,
Кўрган қора, балки якин келади.
Акамми деб, шундай туриб қарады,
Ёлғиз эмас, кўпчиликдай бўлади.
Ширин ёзган тоғдан тушиб боради,
Акамнинг хабарин шулар билади.
Қирқ чоқли бор, йўлга тушиб келади.
Ширин борастир бунда хору зор,
Шакардан айрилиб бўлган дарбадар.
Якинлади келаётган одамлар,

Боз буларни кўрди Ширидай ночор,
Телпаги қайқайган, бари қаландар,
Ҳар шаҳардан - шул шаҳарда юради,
Элдан-элга кўп оғишиб кўради,
Талкин айтиб, қирқ қаландар боради.
Ширин чиқиб йўл устида туради,
Ширинбекни қаландарлар кўради.
Қаландарга Ширин салом беради,
Қаландар Ширидан савол сўради.
Қаландар ўртага олиб туради.
– Бу тоғларда забун бўлган ёш ўғлон,
Не сабабдан йиғлаб бўлган саргардон?
Аҳволингдан хабар бергин бул замон!
Мусулмонмиз, бизлар ҳолинг сўрадик.
Йиғлаган тарзингга энди қарадик,
Хабар бергин, сўз сўйласанг биламиз,
Кўп турсак биз, йўлимиздан қоламиз,
Қичаб юрсак бир мазгилни оламиз,
Сен гапирсанг, билиб ўтиб борамиз.

Бу сўзни эшитур Ширидай номдор:
– Мени ҳамроҳ қилинг, эй қирқ қаландар,
Акамдан айрилиб бўлдим дарбадар.
Акамнинг отини Шакарбек дерлар,
Менинг акамни ютгандир тоғлар.
Агар билсанг, хабар бергин қаландар.
Ширин, Шакар элдан жудо бўлганмиз,
Акам ўлган, ҳозир ёлғиз қолганмиз,
Биз ҳам ўлик қаторида бўлганмиз,
Бу тоғни ахтариб жуда кўрганмиз,
Дарагини топмай гаранг бўлганмиз.
Сизлар менга меҳрибонлик қилинглар,
Мени бирга ҳамроҳ қилиб олинглар,
Қайда борсанг бирга олиб боринглар!
Ҳамроҳ бўлай, ғариб кўнглим шод этиб,
Дунёни ўткизай мен барбод этиб,
Мен юрайин Шакарбекни ёд этиб.

Сўз сўзлади Ширин, сўзини билди,
Қаландарлар буни кўп иззат қилди,

Ширинни ўрнидан турғизиб олди,
Қирқ қаландар ўзига сардор қилди,
Қаландарлар куло-жандани берди,
Қирқ қаландар энди қирқ битта бўлди,
Ширинбек хам кетди бундан йўл юриб,
Киркта қаландарга сардорлик қилиб.
Қаландар бўп акасини ахтариб,
Азамат мард эди, бўлгандир ночор,
Ахир оқибати бўлди қаландар,
Ахтариб кўрсам деб яна кўп шаҳар,
Шуйтиб топсам деди Шакардан хабар.
Акаси эсига тушиб йиғлади,
Қаландарлар маст бўп, кетиб боради,
Худо қилганига банда кўнади,
Шайдулло, деб қаландарлар жўнади.
Зил тоғидан энди ўтиб боради,
Қаландарда макон-мазгил бўлмади,
Хаёли товлаган ерга боради.
Юрган одам дунё ишин кўради,
Қаландарнинг бири бўлиб боради,
Ҳаммаси жам бўлиб йўлга жўнади.

Ширинбек қаландарларга қўшилиб кетди. Қорахон подшо байдоқ-байдоқ лашкари билан қаландар бобонинг атрофини айланиб кўнди. Чодир – чаманни тикиб, қаландар бобонинг олдига Қорахон шоҳ келиб, Ширин ва Шакарнинг қилган ўчоқ билан охурини кўриб, қаландар бобога қараб сўз айтиб турган экан:

Мен тортаман бундай кунда оҳу зор,
Олис йўлда ўйнаб-ўсган кирдикор,
Қандай душман бунда келди, қаландар?
Ҳолинг билмай сен бўлибсан гуноҳкор!
Сен менинг жойимга ишни қилибсан,
Бир душманни меҳмон қилиб юрибсан,
Сенга шудир мендай шоҳингнинг сўзи,
Бу ерга келибди душманнинг изи.
Душман келиб бунда меҳмон бўлибди,
Қилган иши бу белгили турибди.
Сенинг ўлар вактинг якин келибди,

Бу ишингдан шоҳинг ҳадик олибди.
Хабар бергин, қандай одам келибди,
Бунда келиб ўчоқ, охур қилибди.
Тояди бошингдан энди давлатинг;
Ажал етиб энди тўлди муҳлатинг.
Неча йилдан бери қилган хизматинг,
Бир душманман бунда бўлти суҳбатинг.
Мен билмайман сенинг келган кишингни,
Холёр, кесарман сенинг бошингни?
Қайси юртдан одам олиб келибсан,
Бир душманга овкат-таом берибсан?
Қариганда жонсўхталик қилибсан,
Қилган ишинг ўзинг билмай юрибсан.
Хабар берасан: ким келганин биламан,
Азиз бошинг тандан жудо қиламан.
Ким келганин сендан сўраб тураман,
Ҳозир сени яккамозор қиламан.
Рост гапир, Холёр, бошинг оламан.

Бу сўзни эшитиб Холёр ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Боғда очилган гулим келди,
Чаманда булбулим келди,
Ширин, Шакар ўғлим келди,
Менинг жону дилим келди,
Қуёнқидан мардим келди,
Ул икки фарзандим келди.
Жон олғу жаллодим келди.
Келиб бунда меҳмон бўлди,
Бирор кеча бунда турди,
Туриб Чибич кўлга борди,
Зўр аждаҳорни ўлдирди.
Сендай шоҳ бехабар колди,
Ул меҳнатинг бекор бўлди,
Шул ишларни Шакар қилди.
Бобонинг сўзи шул бўлди:

Лашкар тортиб, одам йиғиб келасан,
Беҳуда сен элни ғорат қиласан,
Қанча одам ўлди, бунда кўрасан,
Сен ҳам одам, подшоман деб юрасан!
Ёлғон бўлса, кес қаландар бошини,

Кўрдингми сен бир одамнинг ишини?
Олди Гулгундайин гул бувишини,
Жондор еб ётди аждарнинг гўш[г]ини.
Подшоман деб, ахмоқ, лофни урасан,
Саранжом киб қўйди, тинчиб қоласан.
Ул шуйтмаса, сен ҳаммани кирасан,
Кўрсанг, ул ишига ҳайрон қоласан.
Шакарбекни кўрдим, ёлғиз тўради [р],
Не мушкул ишларни осон қилади.
Унинг билан ким баравар бўлади?
Зўрга дучор бўлган тайин ўлади.
Аждаҳор ҳам Шакарбекдан сўлади!

Холёр бободан бу сўзни эшитиб, Қорахонхоҳ бу сўзни айтиб тур-ган экан:

– Подшо бўп сўрайман неча шаҳарди,
Байдоқ-байдоқ менинг аскарим борди[р].
Ошна таъриф бердинг Ширин, Шакарни,
Одам буюриб биларман аждахорни.
Ўлган бўлса, сўзингга тан бераман,
Тирик бўлса, тандан бошинг юларман.
Не кунларни, бобо, сенга соларман,
Не чоқли одамдир, уни биларман,
Ул ишончли Шакарингни кўрарман,
Гулгунойни ахир ўзим оларман.

Бу сўзларни Қорахонхоҳ айтади,
Бир байдоқ лашкарни чақириб олади,
Соп шакаман мерганларни йиғади:

– Бунда турмай, Чибич кўлга боринглар,
Аждаҳор ўликми-тирик, билинглар.
Кўрганингни бунда айтиб келинглар,
Қаландарни келиб яксон қилинглар.
Не сўзларни лоппи сўзлаб турибди,
Ширин, Шакар бунга раҳбар бўлибди.

Бу сўзни шоҳ айтиб турди муқаррар,
Шу замон жўнади бир байдоқ аскар.

Йўлда келиб ўлган қанча одамлар,
Ҳамманинг захрасин олган аждахор,
Туриб лашкар энди бундан боради,
Қорахоншоҳ амрин тутиб жўнади.
Бир газани бетга олиб қаради,
Аждаҳорнинг гавдасини кўради.
Ўлик-тиригини бунинг билмади,
Яқиндан бормоққа юрак қилмади,
Ҳар турли қуш-жондор босган лошини,
Ғажирлар сб ётар унинг гўш[т]ини.
Қушлар кўрди бул аскарнинг бошини,
Ташлаб учди аждаҳорнинг гўш[т]ини.
Ғажир. жондор кўтарилди осмонга,
Дурилаб ҳавога учиб боради.
Бул аждаҳор кўзғалгандай бўлади,
Тўш-тўшига лашкар кочиб жўнади.
Қанча одам зовдан ташлаб ўлади,
Қанчаси ярадор-майиб бўлади.
Кочкинчиси шоҳ кошига боради,
Борганлардан Қорахоншоҳ сўради.
Биров ўлган деса, биров тирик, деб,
Ҳеч қайси қарорли жавоб бермади.
Буларнинг гапини тайин билмади,
Қайта бошдан яна одам юбориб,
Аждаҳор ўлганин аник билади.
Холёр сўзига шоҳи тан берди,
Аждаҳорнинг ўлгани маълум бўлди.
Бул тоғни айланиб лашкари кўнди,
Чодир-чаман тикар кўнглини хушлаб,
Зангбовман метинни қўлига ушлаб.
Шоҳ амри, деб бу тоғни теша бошлаб,
Тоғни тешиб ётди кўп лашкар ишлаб.
Қорахоншоҳ айтган сўзини килиб,
Тошларни ағдарар бу лаҳм килиб.
Қазий берсак ахир бир кун борармиз,
Гулгуннинг қошидан чиқиб колармиз,
Шакарнинг танидан бошин юлармиз,
Хизмат қилса, Гулгунойни олармиз.
Қорахоншоҳ бек бўп юртин сўради,
Неча йиллар ёр ишқида юради.

Йилда аждаҳордан зарбни кўради,
Энди иши ўнг тушгандай бўлади,
Неча кунлар ерни лаҳмлаб қазиб,
Гулгунойга яқин бўлиб боради.

Гулгуной Шакарбек билан маст бўлиб ётиб эди. Бирдан зангбов метинларнинг товуши ғувиллаб қулоғига эшитилди. Гулгун пари воқеани билиб, Шакарбекка бу сўзни айтиб турган экан:

Бу сўзларни айтар Гулгун бувиши,
Ғувиллаб чиқади метин товуши.
Мард бўлсанг, майдонда билдир ишингни,
Душман охир қилар ўтиришингни,
Қўлдан олар мендай гул бувишингни.
Бепарво бўп маст уйқуда ётмагин,
Ғафлатда коп бу дунёдан ўтмагин.
Мард бўлиб бу ерга нега келасан,
Душман якин келди, бундай бўласан.
Мендайин ойимни қўлдан берасан,
Дунёдан бехабар ётган тўрасан.
Кулок солгин Гулгунойнинг тилига,
Бу ғафлатда тушма душман қўлига.
Даврон сургин ўйнаб-ўсган элингга,
Тулки-шағал кулар сенинг ҳолингга.
Мени олиб борсанг ўсган элингга,
Сен ҳам бориб қўшил ота-энангга.
Бир сўз айтар сенга мендай муштипар,
Бул душмандан, хоним, қолма бехабар.
Ер билан қазиб етишар муқаррар,
Ер ғувиллаб шобир келар бул замон,
Чиқиб қолса сира бермайди омон.
Бошинг кўтар, кўзинг очгин, бегижон,
Сўнгра қилма қайта бошдан пушаймон.
Сенга сўз айтади Гулгун паризод,
Хоним, сени олиб кетибди ғафлат,
Бўп колмасин бундай кунда қиёмат,
Аввал, хоним, қилиб қолгин ҳаракат.
Сен ҳам бу майдонда мардлик қиласан,
Қўлга тушсанг, армон билан ўласан.
Турсанг, хоним, келган ёвни биласан!

Шакарбек бу сўзни эшитиб, шундай жавоб айтиб турган экан:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмаса,
Оллоҳ менинг *аклу хушим олмаса.*
Душман келса нима илож қиламан,
Оту ярок асбоб менда бўлмаса.
Бир ғариб яёвман, бундан қочайми?
Мен абгорман, ёвга тупрок сочайми?
Душман келса, мени бойлаб олади,
Яёвнинг қўлидан нима келади?
Менинг ишим бунда ўлмоқ бўлади,
Шакар дардга даво топмай қолади.
Келса душман, кесар тандан бошимни,
Билолмадим мен ҳам қилар ишимни,
Олиб кетай сендай гул бувишимни.
Худо дейин, яратганга йиғлайин,
Пиёдага бундай ишлар кўп қийин.
Армон билан мени ўлдирар тайин.
Ҳеч кимга келмайди менинг ҳолатим,
Минмокка бўлмаса бир бедов отим.
Менда ярок йўқдир кескир пўлатим,
Армонман айрилган ул паризодим.
Энди кетди бошдан тожу давлатим,
Ўтиб кетди сенинг билан роҳатим.
Хафа бўлиб йиғлагин, паризодим,
Ошиб кетди бундай кунда меҳнатим.
Таним ташлаб, бошим кесиб кетади,
Мендай тўранг бу дунёдан ўтади.
Ҳеч нима бўлмаса яёв қайтади,
Бу сўзни дилтанг бўп Шакар айтади.

Бу сўзни эшитиб Гулгун пари бир сўз деб турган экан:

– Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.
Аввал ғайратингни айтгин, бек Шакар,
От, ярок, асбобдан сира гам ема!
Майдон бўлса бедов отлар чопилар,
Хоса тулпор майдон кунда совилар,
От, ярок, асбоби биздан топилар.

Ғайратингни чоқлай бергин, бек Шакар!
Обод қилсанг бунда кирдикорингни,
Сен билмайсан бул анжомдор ёрингни,
Мен сенга миндирай тулпорларимни.
Сен майдонда туриб қилсанг ғайратни.
Мен ҳам сенга миндирай бедов отни,
Қўлга олсанг, илон тилли пўлатни,
Душманларга агар қилсанг ғазабни.
Бу сўзларни Гулгун паризод айтди,
Шодмон қилди Шакардай валламатни.
Оти сендан бўлса, ғайрат биздан деб,
Ғам ема, – деб Шакар шунда турибди.
Бор кучимни билагимга йиғаман,
Олмосимдан қирмиз қонни куярман,
Душман гавдасини тоғдай уярман,
Кўп лашкарга танҳо ўзим тегарман.
Яёв вақтда кўпдир менинг меҳнатим,
От-яроғу, асбоб бўлса давлатим,
Душмандан ғам ема, сен, паризодим,
Ҳеч кўзимга кўринмас одамзотинг,
Мард бўлиб майдонда бориб тураман,
Лак-лак лашкар бўлса танҳо қирарман,
Душманларга суриш ғавғо соларман.

Бу сўзларни айтди энди бек Шакар,
Эргаштириб жўнади Гулгун дилбар.
Аждахордан ўлиб кетган кўп девлар,
У девлардан қолган оту анжомлар,
Тараққос айлаб ўйнайди ҳайвон,
Урушга бормоқчи бугун Шакархон,
Ўзига тайёрлаб аслаҳа-анжом.
Шакар кийди мунда қалқон-совутди,
Уруш яроғини бул ғамлаб опти,
Шакар олиб найза – кескир пўлатди.
Ул отни етаклаб ойим келибди,
Шакарбекнинг жасадини кўрибди.
Шакарбекнинг борар ери далади[р],
Минишкорлар кўлга қушин солади,
Катта эмас, ҳали Шакар болади[р]
Шакарбекдан Гулгун кўнгли тўлади,

Девнинг телпагини олиб келади,
Олиб келиб Шакарбекка беради,
Девнинг телпагини Шакар кияди,
Танимаган дев деб аҳмоқ бўлади.
Ёву яроғ, бари девдан қолади,
Девнинг аслаҳасин Шакар олади,
Отланиб Шакарбек равон бўлади,
Гулгуной кўнглига бу гап келади:
Пиёдалаб бул қошимга келади,
Аслаҳа-анжомдор бўлиб қолади.
Бугун мард бўп бедов отни минади,
Ул далага чиқса ёвни кўради,
Ёш экан, жон ширин, ваҳми олади,
Номард бўлса отни ўлжа қилади,
Бизга теккан шу, деб кетиб колади.
Шундай гаплар бу кўнглига келади,
Шакарбекка Гулгун сўйлаб туради:

– Мард бўлсанг номарднинг ишин қилмагин,
Хаёлингни ҳар тарафга бўлмагин,
Ёвни кўриб отни ўлжа қилмагин,
Яхши бўлгин, ёмон йўлга бормагин,
Узоқ яша, кўп йилгача ўлмагин!
Омон келгин, бир номардлик қилмагин,
Сен келганча кўзим тўртдир йўлингга,
Омон-эсон кайтиб келгин қўлимга!
Қайишаман сенинг ширин жонингга,
Эгам иқбол берсин сендай хонимга.
Дуо қилиб қолар мендайин дилбар,
Бўлолмасин келган душман баробар.
Зарбингдан йиғласин бундай душманлар,
Ота пиринг сенга бўлсин мададкор.

Бирга бориб кўрди шундай бек Шакар,
Таблада турибди не-не тулпорлар.
Ул девлардан қолган совут пўлатлар,
Юлдузни кўзлаган бир саман оти,
Бу саман от одамзоддай гапирар,
Гулгун пари отнинг тилини билар.
Ҳайвоннинг тилига тушмайди Шакар,

Шул отни минмокни қилди ихтиёр.
Саман от кошига Гулгун боради,
Шипириб, қашлаб, бадапиши силади,
Саман отни абзалламоқ бўлади,
Шакарбек қилади бугун ғайратни,
Гулгун эгарлади у саман отни,
Ота юртда туриб тортган хўрликни,
Бугун Шакар қилсам дейди эрликни.
Шул замонда солди отнинг устига
Бахмали майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар қўлга олар дурби[н]ни,
Усталар ишлатар кескир қирғини,
Терликнинг устига солди чиргини,
Чиргининг устидан қўйди белликни,
Белликнинг устидан жаҳалдирикни.
Муллалар ўкийди зуру забарни,
Усталар чопади теша-табарни,
Шакарбекдан ҳеч ким билмас хабарни,
От устига солди тилла эгарни.
Эл кўчириб ола тоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди.
Иккови ҳам тиллодандир узанги,
Ярқилатиб от ёнига туширди.
Қишман ёз ўртаси ҳишшай саврди[18],
Ёмон одам мудом қилар ғовурди.
Лоф айтганда ботмондан ҳам оғирди[р],
От устига солди заррин довурди,
От белидан ойим тортди айилди.
Қамчи урса, ўткудай осмонда кушдан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,
От белидан тортди карк кубба пуштан,
Сағрисига ташлаб энди қуюшқон,
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан.
Абзаллаб чоқлади гул юзли жонон,
Жиловдоринг бўлсин имом, чилтанлар,
Номардлик қилмагин, давлатли шунқор!

Бу сўзни эшитиб Шакарбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Кўнглингни бўлма, гажакдор,
Ташлаб кетмайди бек Шакар.

Кўпдир дунёнинг койиши,
Ташламоқ номарднинг иши.
Кўнглингни бўлма, бувиши,
Тўкилмас кўзимнинг ёши,
Ташламоқ хумсанинг иши.
Бундай дема, санам дилбар,
Бизга омонат минган тулпор,
Ҳар гап бўлса бир эгамдан,
Бандасида чора бўлмас,
Ҳозир мен бўлиб шаҳол маст,
Кетмакни ихтиёр қилмас.
Ўлмай тирик кетмас Шакар!
Бунда келган қандай ёвлар!
Кўнглим бўлма, пари, хурлар,
Саломат келади Шакар.
Чангал эгилиб боғ бўлмас,
Тепа йиғилиб тоғ бўлмас,
Гули райҳон сонли гул бўлмас,
Кулнинг ҳам девори турмас.
Чўлда юрган шоҳ кийикнинг,
Кўзидан бошқа яраси бўлмас.
Душман чангимдан қутулмас,
Сенинг бул ўйинг ўй бўлмас.
Бу сўзни айтади шункор,
Сўз эшитди зулфакдор.
Айтган сўзига уялар,
Жўнаб кетди энди Шакар,
Токка бориб етди қайсар.

Шакарбек токка бориб аждаҳорнинг ўнг шохини урди, тоғ очилиб йўл берди. Далага чиқиб чап шохини урди, тоғ кадимгидай беркилиб қолди. Душманлар қаради – тоғнинг газасида бир саман отли йигит пайдо бўлиб қолди. Осмондан тушганини ҳам билмай қолди, ердан чиққанини ҳам. Аслаҳа-анжомини ҳам кўрди. Бари девнинг либоси. Душманлар айтди: "Илгари девлар ўлган, аждаҳор Гулгун парига соҳиб бўлиб қолган, деб ўйлар эдик. Аждаҳор ўлса ҳам, бекор экан-да. Шу девлардан қолган, одамзодга ўхшаган бул девларнинг майда боласи экан", – деб бир-бирини чақиришиб, бақиришиб йиғлай берди. "Аждаҳордан кутулдик, девга тутилдик", – деб кўзини ёшлаб, зангнов-



“Ширин билан Шакар” достони қўлёзмаси. 1929 йил.

метинларни ташлаб, ёв-яроғини қўлига ушлаб, “Энди қандай бўлди, ўлган девларнинг боласи устимизга келди. Икки бошдан урушган одамлар тайин ўлади, шундай балога худо дучор қилди”, – деб бир-бирига гапириб қолди.

Шакарбек ҳам шу сўзларни айтиб бора берди:

Овоза кетсин фалакка,
Кел майдонга якка-якка!
Ошиқ, бўпсан паризодга,
Тоб бермас валламатга,
Сиғиндим карам самандга,
Кела бергин якка-якка.
Уруш майдонимни кўргин!
Биринг кўрқсанг, икков келгин,
Бул майдонда ишим кўргин!
Икков кўрқсанг, тўртов келгин,
Менинг сўзим, душман, билгин!
Тўртов эмас, ўнта келгин,

Тараф бўлиб майдон қилгин.
Эллик, қирқинг бирдан келгин!
Оҳ чекиб ҳар дамда бул сўз:

– Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Дарёда ўйнайди қундуз,
Тўп-тўп бўлиб келгин беш юз,
Менинг сўзим аниқ, билгин,
Мингта-мингта бўлиб келгин,
Шакарбекнинг ишин кўргин!
Бундай бўп тўпланиб турма,
Қанча бўлсанг жовлик келгин!
Бир аломат бўлсин қирғин,
Балки тўлиб келган хунинг,
Тоғ аскарин чалиб туман,
Сенга бўлай марди-майдон,
Ерлардан оқсин қизил қон,
Сўнгра қилгин кўп пушаймон,
Ёппа-ёвлик келгин душман,
Бу сўзни айтар Шакархон,
Тўзон бўлиб еру осмон,
Қирарман сени бул замон!

Бу сўзни эшитиб Қорахошхнинг бир полвони туриб, Шакарбекнинг сўзи унга дард қилиб, от суриб, уруш майдонига кириб, бу сўзни айтиб турган экан:

Очилган гулдай сўлган,
Ажали паймонанг тўлган,
Ажал ҳайдаб келган ўғлон,
Ўзингни чоғлайсан осмон.
Девнинг аслаҳасин кийган,
Қандай одам қилди аҳмоқ?!
Ҳолин билмай юрган тентак,
Лоф урмагин бундай, аҳмоқ.
Мен хам шохдан иньом олган,
Ботирликни хатм қилган.
Қилич олиб кирдим майдон,
Мен бермасман сенга омон.
Қиларман ер билан яксон,

Сен ўзингни қилма сарсон.
Аҳмоққа бермай омон-а,
Қиличимни бўяб қон[г]а,
Келгин, сен ёлғиз майдона.
Ҳоворшин дейдилар мени,
Отингман отарман сени,
Ҳолинг билмай тўғри бўлдинг,
Ғамингни е, энди ўлдинг,
Қўлимда бор гурзи гарон,
Юбормайман сени омон,
Менинг султоним Қорахон,
Менга қилар жонин қурбон,
Ажаллисан дучор келган,
Ким урушда омон қолган?
Сендай неча дучор бўлган,
Ҳаммаси ҳам мендан ўлган!
Эшитдим, исминг Шакархон,
Ажал хайдаб сендай ёзган,
Ул аждаҳорни ўлдирган,
Ғафлат топиб ишин қилган.
Шуйтиб сен ҳам ботир бўлган,
Сендек аҳмоқ бунда келган.
Суякларинг қилай яксон,
Қўрқмасанг келгин, сен берман.
Остингда арғумоқ, саман,
Сенга мен бермайман омон!
Худо дегин, ўлдинг энди, Шакархон.
От суриб бул майдон ичра турарман,
Сендай нечовларнинг додин берарман,
Тоғдай бўлсанг, урсам яксон қиларман.
Неча сўзлар айтилгандир тилимда.
Тўқсон ботмон чўян калтак қўлимда,
Ким баробар бўлган менга элимда?
Сендай нодон бачча менинг йўлимда,
Армон билан энди ўлдинг қўлимда!

Бу сўзни эшитиб Шакарбекнинг ғайрати ғайратига етди, ўтдай туташиб кетди, девнинг аслаҳа, исфиҳон пўлатларини олиб, отга қамчи уриб, урушга юра берди:

Қарамай баланд-пастига,
Яқинлашиб зўрнинг устига,
Неча сўзни Шакарга полвон айтди,
Отнинг бошин Шакар ёвга қаратди,
Қўлга олиб илон тилли пўлатди,
Бу сўзларни ёвга Шакарбек айтди:

– Гулгунойни излаб бунда келибсан,
Аждаҳордан кўп жабрни кўрибсан.
Қолмай лашкар баринг келгин майдонга,
Дучор бўлдинг аждаҳордан ёмонга.
Сен ҳам менга аждаҳор, деб келарсан,
Ярмингни ютганда, ярминг қоларсан.
Менга дучор бўлдинг баринг, ўларсан,
Сўнгра менинг ёмонлигим биларсан.
Кийгани гулгун қирмизи,
Ақлим олган ширин сўзи,
Ёлғиз қолган пари ўзи,
Ё сеники, ё меники?!
Майдонда кимлар ўлади?!
Худойим кимга беради?
Тақдир қилган ёр олади.
Аждаҳордан халос бўлган,
Ҳозир ойим ёлғиз колган.
Келавер майдонга душман,
Сўнгра қилмагин пушаймон.

Бу сўзди айтиб Шакар етди,
Ул полвонга тўғри бўлди,
Калтагин ҳавола қилди,
Кўринг Шакарбек рад берди.
Томоша қилинг ишига.
Қилич солгандир бошига,
Бул дунёнинг койишига,
Душман туриб ҳайрон қолди,
Шакарнинг қилган ишига.
Шакар шундай қилич тортди,
Номдор полвонни қулатди,
Икки бўлиб қилич ўтди,

Оҳалаб Шакар от қўйди.
Тоғдаги шердай оҳ уриб,
Йўлбарсдай бўлиб чопиниб,
Шул замонда наъра тортиб,
От қўйди майдон устига.

Бир ёқдан лашкар от қўйди,
Юлдуз учгандайин бўлиб,
Шакар ёлгиз аралашди.
Карвон кўчгандайин бўлиб,
Ярашиққа тикиб чодир,
Ёппалашиб сатта ботир,
Жазойиллаб патир-путур,
Отилди майдон ичинда.

Кўрганларнинг ақли кетиб,
Шакаманлар отиб милтиқ,
Қўрқоқларнинг ақли шошиб,
Ботирлар урушда тошиб,
Келар майдонда ёнашиб,
Қилич-найза ширқиллашиб,
Келди лашкар чирқиллашиб,
Бир-бирига қилич солди,
Нечовлар ярадор бўлди,
Бул майдонда одам ўлди.
Қилич келар алаб-ялаб,
Истар кўнгил қилар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда.

Бўз тупроқда қирмизи қон,
Қотилди майдон ичинда.
Бедовга заррин айиллар,
Бу ишга ҳамма қойиллар,
Шоп, милтиқ, жазойиллар,
Отилар майдон ичинда.
Саф-саф туриб ақли кўплар,
Аждаҳордай катта тўплар,
Отилар майдон ичинда.
От чопади алвон-алвон,

Бандам десин қодир Мавлон,
Шул сифатда бек Шакархон,
Бош кесар майдон ичинда.

Кесилар душманнинг боши,
Ёлғиз бек Шакарнинг иши,
Душман кўзида қонли ёши,
Шул бўлди Шакарнинг иши.
Ўнгу сўлни олиб туман,
Бермайин душманга омон,
Кўп душманга танҳо ўзи,
Ёлғиз тегади Шакархон.
Қўшиндаги не бедовлар,
Эгасиз кетди бош олиб,
Чодир-чаманли либослар,
Шундай қолди тўшалиб,
От остида калла қолди,
Қанча душман ўлжа бўлди.
Шакарбекнинг минган оти,
Ҳар тарафга олиб қочди,
Парқинидан кўпик сочди,
Шакар танҳо хўб савашди,
Даста-даста кесиб бошди,
Ўлдик дейишиб душман қочди.
Душманларни тўплаб олди,
Етганига қилич солди,
Нечови отдан оғиб қолди,
Жазосини топиб олди,
Ярадорлар кўп йиқилиб,
Тоза ерни қопиб олди.
Бир-бирига қарамайди,
Сира ҳолин сўрамайди.
Қочаётир бақиришиб,
Бир-бирини чақиришиб,
Иши шундай зўрга тушиб,
Бирор майдон уруш қилди,
Аждаҳордан ёмон бўлди.
Чибич кўлга қочиб келди,
Бир хиллар тўқайга кирди,

Чибич кўлда уруш қилди,
Шакар ёлғиз кўп иш қилди.

Чибич кўлнинг айналаси даладир,
Шакар катта эмас, ҳали боладир,
Бола дейишиб бир балога қолади,
Кўл ёқалаб қанча лашкар ўлади,
Тўқайда яширинган омон қолади,
Девнинг боласи, деб гумон қилади.
Урушнинг тилини жуда билади,
Бул балодан қандай омон қолади?
Қорахон шоҳидан гина қилади,
Қанча лашкар бекорига ўлади,
Қолганлари четлаб қочиб жўнади,
Кўриб қолса, у энағар ўлади,
Кўзга тушсак бошимизни олади.
Бул балодан кимлар омон қолади?
Юлдузни кўзлайди бул саман оти,
Уруш кунда Рустамча бор ғайрати[19],
Уни кўрса, қолмас жонининг тоқати.

Душманларнинг ўлгани ўлди, қанча аслаҳалар беэга бўлиб қолди. Қолганлар паналаб қочиб кутулди. "Бу тоғнинг газасидан бир саман отли йигит пайдо бўлди, бу аждаҳордан ҳам ёмон бўлди", – деб кетиб бораётир.

Шакарбек бу урушдан қайтди. Тоққа келиб аждаҳорнинг ўнг шохини урди, дарҳол тоғнинг эшиги очилди. Шакарбек ичкарига кирди. Чап шохини урди. Тоғ қадимгидай беркилди. Гулгун парининг қошига борди. Гулгун пари отни ушлаб таблага тортиб ташлаб, иккови бир ерда ўтириб, суҳбат қуриб, Гулгун пари Шакарбекка бир сўз айтиб турган экан:

Саваш излаб бир бедовни мингдингми?
Омон-эсон қон тўкишиб келдингми?
Қайси элдан келган, ёвни билдингми?
Ё душманнинг жазосини бердингми?
Ёки тўрам, қўрқиб тоққа кирдингми?
Қандай уруш қилдинг, мен ҳам кўрмасам,
Мен сўрайман, қилган ишинг билмасам,
Хабар бергин, ё баравар келдингми?
Ёшлик қилиб, юз ўгириб турдингми?

Кўрганим йўқ, келган ёв анча кўпдир,
Бундан илгари ҳам неча келибдир,
Аждаҳор зарбидан бари ўлибдир.
Умид узмай ўзин ҳалок қилибдир,
Билмайман, урушинг қандай бўлибдир?
Келган ёвда қанча баҳодирлар бор,
Бўлолдингми уруш кунда баравар?
Сендан сўраб турар мендай гажакдор,
Хизматингдан хабар бергин, бек Шакар.
Остингда ўйнаса араби отинг.
Сендан савол сўрар бул паризодинг,
Қандай бўлди, тўрам, қилган хизматинг?
Кўп урушда юрган бул саман отинг,
Омон-эсон келди менинг давлатим,
Бошимдан кетибди қайғу-кулфатим.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Ажал стиб паймонаси тўлдими?
Лашкарнинг каттаси – хони ўлдими?
Ё бўлмаса, хони омон қолдими?
Сен билмайсан, хоним, улар ҳийлагар,
Ўлмай қолса, ҳамиша пайингда юрар.
Ўз юртида бордир кашмир айёрлар,
Ўлмаса, шулардан бўлгин хабардор,
Ҳийла билан ақли-ҳушингни олар.
Қилмасин-да, хоним, бандга гирифтор,
Қора сочим эшилгандир толи-тол,
Яхши тингла, бу сўзимга қулоқ сол,
Ҳеч кимни дўст тутма, бўлгин хабардор,
Атрофингда англамайсан душман бор.
Ғариб деб бировнинг ҳолин сўрмагин,
Тўғри юргин, сира ғофил бўлмагин,
Бечора деб сен яхшилик қилмагин,
Кимни кўрсанг сен бурилиб бормагин,
Аёл деб сўзимни нодон билмагин,
Бир душманга дучор бўлиб қолмагин.
Қулоқ солгин, тўрам, айтган тилимга,
Ўлмасанг борарсан ўсган элингга,
Неча кун меҳмонсан бу мазгилимга,
Сен ёлғизсан, қайишаман ҳолингга,

Ахир бир кун душман чиқар йўлингга,
Омон берма келиб тушса қўлингга!

Бу сўзни эшитиб Шакарбек ҳам бир сўз деб турган экан:

– Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Лак-лак лашкар бўлса, дилбар, ғам ема!
Қулоқ солиб эшитгин айтган нолага,
Банда кўнар Ҳақдан келган чорага,
Эсонингда ғам емагин, садаға,
Ўзим ёлғиз, бўтадайин бўзлайман,
Душман кўрсам, бағрин кесиб тузлайман,
Аслим шердир, ўзим йўлбарс излайман.
Душманнинг гавдасин тоғдай уяман,
Бор кучимни билагимга жияман,
Ғанимларнинг бошин боғдай қияман.
От ўйнатиб мен ҳам майдонга бордим,
Ёлғиз туриб, бир ўзим уруш қилдим,
Қолганин билмайман, барисин қирдим,
Қочганини Чибич кўлда ўлдирдим.
Шундай қип душманнинг жазосин бердим.
Кўкайим кесилиб яёвлаб келдим,
Тақдир тортиб сендай дилбарни кўрдим,
Худони қўймадим, кўп шукр қилдим,
Аввал бошлаб аждаҳорни ўлдирдим.
Қорахоншоҳ экан, у шоҳни билдим,
Не суянган полвонларин ўлдирдим,
Ул душманга мен ҳам қиёмат қилдим,
Ҳар дарани мен ўликка тўлдирдим,
Жондан кечиб майдонда қилич солдим,
Ҳозир, ойим, номус-оримни олдим.
Уларни ўлдириб саломат келдим,
Шукур, ахир сенинг билан ўтирдим.

Бу сўзни Гулгунга Шакарбек айтди,
Иккови ул кеча бу ерда ётди,
Оқшом ўтиб эрта-мертан тонг отди.
Қайсар Шакар тоғда парвоз қилибди,
Чаманда булбуллар сайраб турибди,

Саман отни хон абзаллаб минибди,
Очиб тоғни ташқарига чиқибди,
Шакар ўғлон тоққа равон бўлибди.
Калима шаҳодат мусулмоннинг тилига[20],
Азамат бош берар динининг йўлига,
Шакар ўғлон миниб отнинг белига,
Аввалгидай борди Чибич кўлига.
Ўқу ярогини олиб қўлига,
Неча суқсур, сўналарни отади,
Сайр этиб Шакарбек бундан ўтади,
Оиг отсам деб ҳавас қилиб кетади,
Тоққа қараб Шакар йўлни тортади,
Не бузуқ жойларга чиқиб кетади,
Овда юриб олқор, кийик отади.
Отган ўқи нишонага етади.
Шундай тоғда Шакар ўғлон юради,
Баланд чўққиларга чиқиб қаради,
Худо қилган ишга банда кўнади,
Қора дарахт мамлакатни кўради,
Узоқ-яқинлигин Шакар билмади.
Яхши юрт деб унда тоқат қолмади,
Ота юрти келиб бекнинг эсига,
Бўтакўз энаси тушиб ёдига.
Ўсган юрту мамлакатин кўрмади,
Фалак титрар гоҳ вақтда нолишига,
Ўтдай куйиб ёнар тақдир ишига,
Бўтакўз энаси тушса эсига.
Ёқаси ҳўл бўлар оққан ёшига,
Борсам дейди қайтиб ёрнинг қошига.
Овда юриб энди Шакарбек қайтди,
Неча қулон, неча онгни олибди,
Куни билан Шакар овда юрибди.
Ўйнатиб отига қамчини чотиб,
Отган онгни энди отига ортиб,
Келаётир шул замонда йўл тортиб.
Бу ҳам ўз юртида юрган тўрадир,
Бир гап билан тақдир шундай бўладир.
Шакар энди онгни олиб келади,
Тоғни очиб ичкарига киради,
Шохни уриб тоғни шундай беркитди,

Гулгуннинг қошига Шакарбек етди.
Табассум қип Гулгун ўрнидан туриб,
Шакарнинг қошига келди йўл юриб.
Оҳу гўштин Шакар Гулгунга бериб,
Отдан тушиб ўлтиргандир чолқуриб,
Зил тоғнинг остидан маконин қуриб.

Шакарбек Гулгун пари билан шундай қилиб макон қуриб турди. Орадан неча кун ўтди. Қорахоншоҳ қирғин топиб, қолган одамлари билан ўз юртига кетди. Мамлакатига бориб ҳамма катта-кичигини йиғиб, айёр жодугарларини жам қилиб, бул сўзни айтиб турган экан:

Аё, менинг ош-нонимни еганлар,
Суҳбат қуриб менга ҳамдам бўлганлар!
Талаш қилиб оту сарпо олганлар,
Саркарда, амалдор – даврон сурганлар!
Гулгуннинг хабарин берган бир айёр,
Уч йил ўтди, мен бўлибман гирифтор,
Эсга олсам юрак-бағрим эзилар.
Уч йилгача излаб бордим барқарор,
Лашкаримни ютар эди аждаҳор,
Бўлолмадим тилсиз ёвга баравар,
Ул бадбахтга овқат эди кўп лашкар,
Жазо топиб ўлган экан аждаҳор,
Ўрнига пайдо бўпти бек Шакар,
Аждахордан ёмон келди баччағар,
Урушни кун тоб бермади кўп лашкар,
Жасадини кўрдим шундайин шунқор,
Девнинг либосини кийган муқаррар,
Сўзимни эшитгин турган амалдор,
Урушда ғайрати Рустамча борди[р],
Юз қайтармай ул урушда туради.
Кўп лашкарни ўзи ёлғиз қирады,
Бизга аждаҳордан ёмон бўлади[р],
Билмайман, маслахат қандай бўлади?
Олмаса Гулгунни, шоҳинг ўлади,
Ўйла беклар, мулкинг вайрон бўлади.
Шакарнинг ҳисоби қандай бўлади?
Катта-кичик одамлардан сўради,
Бунга илож қандай одам қилади?

Мен берайин қатор-қатор норимни,
Инъом қилай ғазнадаги заримни,
Хизматкорга берай харна боримни,
Олиб келса Гулгундайин паримни.
Инъом қилай сўраб ётган шаҳримни,
Ўрин қилса шундай хизматларимни,
Менинг айтган сўзим қабул қилғидай,
Борми шунда, ғайрат қилиб борғидай,
Ҳийла билан Шакар бошин юлгидай,
Гулгунойни бунда олиб келгидай,
Қанча дунё мендан инъом олгидай,
Шул хизматим элда ўрин қилғидай.
Ҳозир қолмай менинг сабру қарорим,
Ўзимда йўқ Гулгунда ихтиёрим,
Борармикан хизмат қилиб айёрим?
Гулгун келса обод бўлар шаҳарим,
Сўзим шулдир, оқсоқол – амалдорим!

Қорахоншоҳдан бу сўзни эшитиб, ҳеч кимдан сазо чиқмай турди. Қорахоншоҳга белгили айёр – бир кампир ўрнидан туриб, одамларни оралаб, шоҳ қошига яқин келиб, сочлари ғишадай, тишлари тешадай, ияги эгарнинг қошидай бўлиб, шоҳга бир сўзни айтиб турган экан:

– Бул хизматинг, шоҳим, ўзим қилайин,
Сенинг берган инъомингни олайин,
Гулгун тоққа ўзим ёлғиз борайин,
Бориб Шакарбекни нобуд қилайин,
Гулгунойни бунда олиб келайин,
Шул хизматни, шоҳим, сендан сўрайин!
Не ишларда, шоҳим, ёлғиз юрганман,
Қабоҳат ишларни ўрин қилганман,
Қаттиқ хизмат бўлса танҳо юрганман,
Қандай душманларнинг додин берганман,
Қандай ишинг бўлса ўрин қилганман.
Ушбу дамни ўзга дамдан дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Мен турганда, Қорахоншоҳ, ғам ема.
Билмайсанми мендайин айёрингни,
Англаб билган кашмир-жодугарингни,
Ўлдирарман сенинг душманларингни,

Келтирарман ошиқ бўлган ёрингни.
Обод қилай сенинг бундай шаҳрингни,
Қўлга келтирайин гажакдорингни,
Кўнглинг бўлма, сўра кирдикорингни,
Жўнатгайсан мендай хизматкорингни.

Бу сўзларни қурғур кампир айтади,
Қорахоннинг кўнглин шодмон этади.
Олмаса ҳам олганча бўп ётади,
Айёрлигин маълум қилиб қайтади,
Жавоб олиб мазгилига етади.
Шундай бўлди бунда кампир хизмати:
Подшоликдан бор эди паланг оти.
Келиб паланг отни созлаб кўради,
Паланг отни миниб бундан жўнади[21].
Қоғоздан ишланган бунинг қаноти,
Пўлатдан эди қилинган мурвати.
Худо деди, ўнг қулоғин буради,
Кўкка кўтарилиб оти жўнади.
Бул хизматга ёлғиз кетиб боради.
Бул ҳавога чиқиб кетди ҳийлагар,
Бораётир булут билан баравар.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Шакарнинг касдида жўнади айёр,
Осмонда бораётир жодугар,
Кўздан фано бўлиб кетди шаҳарлар,
Чечан банда гапини гапга улар,
Гулгун тоғни кўзлаб учиб боради,
Гулгунойни олсам деди, жўнади,
Омон бўлса шоҳдан инъом олади,
Қорахон айёри бундан жўнади,
Худо қилганига банда кўнади,
Бул айёр йўл тортиб кетиб боради,
Кўнглида шумлигин ўзи билади,
Кўз юбортиб ҳар тарафга қаради,
Яқин боргач Зил тоғини кўради.
Паланг отнинг чап қулоғин буради,
Шул замон осмондан тушиб келади,
Чибич кўлнинг ёқасига кўнади.
Қамишга отини маҳкам қилади,

Ўлиб ётган кўп одамни кўради.
Ўликни оралаб кампир юради,
Шакар ўлдирганин бу ҳам билади.
Шакарнинг ишига ҳайрон қолади,
Кўл ёқада кўп одамни кўради,
Айёрликман буни айёр билади,
Шул вақтда Шакар овда юради,
Шакарнинг қайтмоғи яқин бўлади.

Шакарнинг келадиган йўлида, кўлнинг ёқасида кампир ўлган одамлардан икковининг бошини олиб, айёрлик қилиб, шу каллаларни бағрига босиб, Шакарбекнинг йўлдан келарини билиб, шу сўзни айтиб турди:

– Кетмади бошимдан қайғули туман,
Хонумонинг вайрон бўлсин, Қорахон,
Армон билан икки ўғлимдан айирган!
Оҳ урсам, тўкилар кўзимнинг ёши,
Шу каллалар менинг ўғлимнинг боши.
Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,
Илоҳим, қурсин подшонинг иши,
Кўп бўлди-ку, мендай шўрнинг койиши.

Чинқириб чиқади айёр довуши.
Фалакка чиқади йиғлаб нолиши,
Қошида йўқ бунга ҳамрох ҳеч киши,
Биров билан бунинг бўлмайди иши.
Болам, дейди, бунда бўзлаб йиғлайди,
Зулмман Қорахон олиб келганди,
Бировнинг қўлида кўзим ўлганди,
Ўлиги бесоҳиб бўлиб колганди,
Бул мунглиқ энаси йиғлаб турганди.
Узоқ йўлдан Шакар буни кўрганди,
Болам, дейди, кампир бўзлаб тургандир.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Ўрганган ўтларга жонин солибди,
Подшонинг зулмиман бунда келибди,
Ажал етиб паймонаси тўлибди.
Соч ёйиб энаси йиғлаб турибди,
Қорахоншоҳ бизга азоб берибди,

Мазгилимни ул чўлистон қилибди.
Бу сўзди айтиб кампир йиғлаб турибди,
Шакарбек устига яқин келибди.

Шакарбек кампирни кўриб, ўзининг энаси эсига келиб, отининг бошини буриб, кампирга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Менинг урушимда ўғли ўлганди,
Ўғлининг ўлганин келиб кўрганди,
Болам, деб бу шўрли йиғлаб турганди.
Икки ўғлидан тириклай айрилиб,
Менинг энам шундай йиғлаб юрганди,
Фарзандим, деб менга рахбар бўлганди,
Қонлар ютиб Қуёнқида қолганди,
Йиғлов билан умри ўтиб юрганди,
Кел-э, бу кампирнинг кўнглин сўрайин,
Ўғлининг ўрнига ўғил бўлайин,
Бу кампирни мен ҳам энам қилайин,
Ночор-да, шўрликнинг кўнглин сўрайин.
Бу сўзни ўйлаб Шакар бурилиб туради,
Болам, дейди, кампир ўзин уради.
Кампирнинг ҳолини Шакар сўради,
Бу кампирга меҳрибонлик қилади:

– Фалак жабри сенга зулм қилганди,
Шум фалак бошингга савдо солганди,
Бир ғазода икки ўғлинг ўлгандир,
Менинг энам сендай йиғлаб қолгандир,
Ўғлининг ўрнига ўғил бўлайин,
Кўп йиғлама, сени энам қилайин,
Мазгилимга сени олиб борайин.
Ғариб бўп қопсан, ҳолинг сўрайин,
Мен билмайман, узоқ йўлдан келибсан,
Келиб ёнган ўтга дучор бўлибсан,
Болаларинг ўлигини кўрибсан,
Қонлар йиғлаб, қаттиқ кунда қолибсан.
Менинг бошим сендай гангиб қолганди,
Менинг энам сендай йиғлаб юрганди.
Келгин, менга эна бўлгин, моможон!
Мен сўрадим келиб сенинг ҳолингни,
Йўкламагин ўлиб кетган ўғлингни,

Мингин отга, жоним энам, кел энди.
Ёлғиз бу чўлларда абгор бўласан,
Кўп йиғлайсан, ғариб бўлиб ўласан,
Ўлганлардан нима фойда кўрасан?
Нодон кўнглинг бундай қилиб бўлмагин!
Мен кетган сўнг ўзинг ёлғиз қолмагин!
Қашқир-қобонларга емиш бўлмагин,
Кел, мингашгин эна, мендан қолмагин!
Қарибсан, ўзингга қилма зулмни,
Йўқламагин ўлган икки ўғлингни,
Эна, эшит менинг айтган тилимни,
Меҳрибон бўл, орқама мин энди.
Бирга-бирга маконимга борайик,
Сендайин мискинниинг кўнглин олайик,
Омин деса фариштайи малойик,
Яратган Раҳмондан мадад тилайик,
Мени кўп ўртади сенинг довушинг,
Қошингда йўқдир қавми-қариндошинг.
Тулки-шағал еб кетади гўш[т]ингни,
Шакарни куйдирди сенинг нолишинг.
Мендайин почорнинг кўнглин бўлгандир,
Ок сут берган энам эсга келгандир,
Менинг энам сендай йиғлаб қолгандир,
Ул сабабдан Шакар раҳбар бўлгандир,
Бундай жойда сенга дучор бўламан,
Мени сўрсанг, ҳозир овдан келаман.
Кўп ҳаяллаб мени махтал қилмагин,
Юргин, момо, бул аҳволда бўлмагин,
Энам, дедим, сўзим ҳазил билмагин!
Кўп айланиб аҳволингга қарадим.
Бул ўликдан ҳосил бўлмас муродинг,
Сенинг учун турар Шакар фарзандинг.
Йиғлаганинг басдир, бўлди муддатинг,
Кўп йиғлама, эна, кетди қувватинг,
Худонинг буйруғин қилган фарзандинг.
Икки ўғлинг бошин бағрингга босиб,
Йиғлайсан чўлларда ақлинг шошиб.
Бўзлаб қопсан сен бўтангдан адашиб,
Қўйгин, эна, келгин менга ёнашиб.

Бу сўзни эшитиб, Шакарбекка караб кампир ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сўзингни эшитдим сенинг, Шакаржон,
Оҳ тортсам қурийди тапимда дармон,
Юрагимда кўпдир менинг юз армон,
Бош шикаста, шўрман, қандай қиларман.
Қорахон зулмидан йиғлаб турарман,
Кумушдандир карчиғайнинг чегаси,
Олтин бўлар кировка тўн ёқаси,
Болам эди ўлигимнинг эгаси.
Ул сабабдан мен ҳам сочимни ёйиб,
Менинг ҳам ўлигим бўлди бесоҳиб.
Кўрдим мен ҳам Шакар меҳрибонимни,
Пари деб эшитдим олган ёрингни.
Пари халқи малак зоти бўлади,
Тусмол билан ҳар бир сўзни билади.
Бизларни айёр деб, гумон қилади,
Армон билан менинг бошим юлади.
Ёринг тушсин, борган одам ўлади,
Мазгилим, деб мени олиб борасан,
Обборсанг қонимга зомин бўласан,
Одамзодга пари дўстлик қилмайди,
Рост сўз айтиб, ишонтириб бўлмайди,
Одамзод сўзига қулоқ солмайди.
Пари халқи билганидан қолмайди,
Бу сўзга сен ишонмасанг бўлмайди.
Қулоқ солгин менинг бул нолишимга,
Раҳбар бўлиб, болам, келгин қошимга,
Олиб бориб бало бўлма бошима.
Қулоқ солгин, болам, айтган тилима,
Бирга борсам сенинг мазгил элингга,
Совға тилаб ёринг чиқса йўлингга,
Совға берсанг мени шундай ёрингга,
Жабр қиласан-ку менинг жонима:
Ул паризод билмаганим билдирар,
Дўст йиғлатиб душманимни кулдирар.
Раҳм қилмас, сенинг ёринг ўлдирар,
Кетгин, болам, ундай жойлар не даркор?
Ул паризод ёринг жуда ҳам айёр,
Дунёдаги ўтган ишдан хабардор.
Ҳар жондорнинг ул ҳам тилини билар,
У сабабдан унга ошна аждаҳор,

Қасд қилганман ҳеч ким бўлмас баравар.
Армонман ўлмасин мендай муштипар.
Шакар болам, сенга сўзим шул бўлар,
Албатта, ёрингдан бўлгин хабардор!

Бу сўзни эшитиб Шакарбек: "Эй эна, мен сени энам десам, мазгилимга олиб борсам, ҳеч замонда киши ҳам ўз энасини хотинига совға қилиб берадими? Сен икки ўғлингдан ўла айрилгансан, мен бўлсам, энамдан тириклайин айрилганман". Бу сўзни Шакардан эшитиб кампир: "Не билай, болам, ўзинг биласан-да", – деб Шакарнинг отининг кетига мингашди. Кампир мингандан кейин от кишнай берди. Нимага кишнаганини Шакар билмади. Бу от гапирар эди. Бу отнинг тилига Гулгун пари тушунар эди. Кишнаган товуши Гулгун парининг қулоғига етди. От бу сўзни айтиб, кишнаб борасётиб эди:

– Гулгунойим, қулоқ солгин тилимга,
Армон билан душман минди белимга.
Насиҳат айтгайсан, аҳмоқ ёрингга,
Шу айёрни совға тила қўлингга.
Бундай кунда билмаганим билдирди,
Аҳмоқ ёринг бир душманни миндирди.
Айёр миниб оч белимни толдирди.
Дод айласа, эшитмагин сўзини,
Ўлдир, омон қўйма кампир ўзини,
Ўлдирмасанг, қабоҳат кун қилади,
Кўрмаган кунларни сенга солади,
Шакарбекдан сени жудо қилади.
Қулоқ сол, Гулгун, менинг нолишима,
Ўлдирмасанг оҳи етар бошингга,
Насиҳат айтакўр бундай кишингга.
Паризодсан, эшит менинг додимни,
Безовта қилди ҳайвон зотингни,
Хафа қилар сендай паризодимни,
Мен билмадим Шакар валламатингни.
Бу айёрни кўриб қолмас тоқатим,
Ҳозир кетгандай бўп бошдан давлатинг,
Аҳмоқ экан Шакардайин бекзотинг,
Куйиб кетди менинг қилган меҳнатим.
Мени миниб овдан қайтиб келади,
Йўл устида бул айёрни кўради,

Мендай ҳайвон кўриб ҳазар қилади.
Нодон тўранг туриб кўнглин сўради.
Бир айёрни эна қилиб олади,
Бу балони сотиб олиб келади.
Бадбахтни ўлдирсанг яхши бўлади.

Ҳайвон зоти шу хабарни беради,
Отнинг сўзин Шакар асло билмади,
Ўтирган еридан Гулгун турали,
Отнинг сўзи қулоғига боради.
Шакарнинг йўлига ойим қарали,
Олис йўлдан оти кишнаб келади.
Қандай савдо дейди, ҳайрон бўлади!
Гулгуннинг қошига яқин келади.

Гулгун паризод шундай қарали, Шакарбекнинг орқасида маймундай чўнқайиб бир кампир мингашиб келаётир. Буни кўриб, Гулгуной Шакарбекка қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Хон тўра, миндинг бедовга,
Ҳар кун чиқибсиз овга.
Шу кампирни, жоним тўрам,
Ёрингга бергайсан совға.
Миндириб келибсиз душман,
Сўнгра қиларсиз пушаймон.
Имонсизга бермай омон,
Солай мунга охир замон,
Совға беринг-да, Шакархон,
Қулоқ сол сўйлаган тилга,
Совға беринг муни қўлга,
Еткизмайин ҳеч мазгилга,
Ажаб келди бизнинг элга.

Мендай ойимнинг кўнглин бўлибсан,
От сағрига бир айёрни қўйибсан.
Овга бориб ўлжали бўп келибсан,
Хон тўрам, нодоннинг ишин қилибсан.
Жодугарлик қилиб йиғлаб турибди,
Ҳийла билан, хоним, ақлинг олибди,
Айёрлик қип бул мингашиб келибди,

Гулгунойим бул кашмирни билибди,
Ул сабабдан совға сўраб турибди.
Қайишаман, тўрам, сенинг холингга,
Бул қурғурни бергин менинг қўлимга.
Мен қилайин бу айёрнинг ишини,
Раҳм килмай тандан кссай бошини,
Тулки-шағал еб кетади гўш[т]ини,
Шуйтиб ўлдирайин ёмон кишини.
Бу хатолик, хоним, сендан ўтибди,
Шу бадбахтнинг қадами мунда етибди,
Бу сўзларни Гулгунойим айтибди,
Қурғур кампир кўзи аланглаб ётибди.

Бу сўзни эшитиб, кампир Шакарбекка қараб: "Болам, мени миндириб келдинг, ўзим айтган ердан чиқди", – деди. Шакарбек бу сўзни эшитиб, Гулгун парига мана, нима деб турган экан:

Мендайин мардларнинг холин билади,
Ғайратли ғаниминнг бағрин тилади.
Балки кампир менинг энам бўлади,
Бундай десанг, сендан кўнглим қолади,
Гулгунойим, хизмат қилсанг бўлади,
Мендай тўранг энам, деб обкелади.
Майдон бўлса, бедов отлар чопилар,
Кўп чопилса, хоса тулпор собилар,
Хизмат қилсанг бекнинг кўнгли топилар,
Бу кампир энамнинг кўнгли шод бўлар.
Бул сўзларни айтма, Гулгун зулфакдор.
Мен хам ўз юртимда даврон сураман,
Энамнинг ўрнига энам киламан.
Мехрибон бўп буни олиб келаман,
Шунинг кўнглин топсанг хурсанд бўламан.
Энам дейман, кўп эътикод қиламан,
Ҳозир туққан энамдайин кўраман!
Сўзингни кўнглимга оғир оламан,
Уйқусидан учган шунқор бўламан,
Худо қилганига мен хам кўнаман,
Кўнмаганда нима илож қиламан,
Ҳарна сўзим сенга айтиб тураман.



"Ширин билан Шакар" достонининг 1941йилда чоп этилган илк нашри (нашрга тайёрловчи: Мақсуд Шайхзода).

Шакарбекдан бу сўзни эшитиб, Гулгун пари унинг сўзидан ўтолмай отдан почор тушириб олди. Ўтириш манзилига бошлаб олиб келди. Гулгун парининг кўнглида шумлик гаплар турди. Шакарбек энам, деб юрди. Бу кампир ҳам жуда эпчиллик қилди. Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, хизмат кўрсатиб, Гулгун парининг ҳам ақлини олди. Гулгуннинг кўнглидаги душманлик ҳам чиқиб кетди.

Орадан неча вақт ўтди. Кампир кўнглидаги гапини буларга билдирмай юрибди. Орадан олти ой ўтди. Биров-бировининг душманлиги эсига келмай кетди.

Бир кун кампир туриб айтди: "Болам, икковинг ҳам жуда саҳройисан! Ахир подшолик шавкатида, подшолик давлатида бир хил ўтиришлар, соз, суҳбат, ичишлар бўларди. Бундай гапни икковинг ҳам билмайсан". Шакарбек туриб айтди: "Отам подшо бўлган билан бизлар етти ёшга кирганча ўқиб юриб эдик. Унда бекликда ўлтириб кўрганимиз йўқ. Етти ёшда элдан бадарға бўлдик. Гулгун пари билан ёлғиз ерда ўтирсак, ким билан суҳбат қурамиз". Кампир: "Бўлмаса, мен сизларга бир ўлтириш таълим берайин. Сизлар бундай саҳройи бўлиб кетманглар", – деб Шакарбек билан Гулгун парини ўтқазиб, лаганни қўлига олиб, тўлдириб шароб солиб, олтин косани қўлига олиб, косагул бўлиб, бу сўзларни айтиб, шароб сузиб бераётир:

– Ҳаққа етгай айтган полам,
Гулгун пари сендай санам,
Суянганим Шакар болам,
Косагул бўлгандир энанг,
Олинг, аллаёр, аллаёр!

Коса бердим қўлим толиб,
Бул косага шароб солиб,
Ўтиришни таълим олиб.
Кийгани гулгун кирмизи,
Шакаржонинг сарвинози,
Коса берар кампир ўзи,
Келин аллаёр, аллаёр!

Боғда очилган гул-ғунчалар,
Ҳолинг билмас бир печалар,
Олинг Гулгун ойимчалар,
Болам аллаёр, аллаёр!

Энанг сенинг ақлинг олди,
Ўтириш таълими шулди[р],
Энанг сенга хизмат килди.
Оша юртдан бунда келиб,
Мен мажлисни таълим бериб,
Икковинг ҳам ойдай тўлиб,
Чоркўрғонда ақлим олиб,
Бир-бирингдан хуснинг ғолиб,
Ича бер, келин, бураниб,
Олинг, аллаёр, аллаёр!

Хафа фалак солма зулм,
Осон бўлганда мушкулинг,
Келинимман Шакар ўғлим,
Иккови ҳам жону дилим,
Олинг, алла-ёр, алла-ёр!

Бадани қизиди Шакар,
Қабатида Гулгун дилбар.
Коса беради бул айёр,
Ҳийла билан ишин қилмоқ.
Ақлин олиб бул жодугар,
Кўнглидагин билмас Шакар,
Ҳийлани ишлатиб кампир туради,
Калласи қизиди, энди билади.
Бир шиша ароғи бордир кампирнинг,
Шул вактгача билдирмайин юради.
Буларнинг кўзини кампир олади,
Лаганга ароқни энди солади.
Шароб, ароқ аралашиб колади.
Уст-устига кампир сузиб беради.
Бу ишни ичиб билмайди бечора,
Қурғур айёр қилсам деди масхара,
Бул душманни билмас Шакардай тўра,
Оҳ тортганда кадди бўйи букилди,
Бош айланиб, кўздан ёши тўкилди.
Энди маст бўп, Гулгунойим йиқилди.
Қизиган, билмайди Шакардай номдор,
Бепарво бўп ичаётир боякбар,
Бошлари айланиб ақли хам кетар,

Шул хизматни қилиб ётир жодугар,
Бир палла маст бўлиб йиқилди Шакар,
Ўтириш суҳбати шундай бўп ўтар,
Бу ишларни ахир қилди жодугар.
Айёрнинг ўзида қолди ихтиёр,
Гулгун, Шакар бунда маст бўп колади,
Лаган-анжомини йиғиб олади.
Туриб Шакарбекнинг ёнин қаради,
Аждаҳорнинг шохин топиб олади.
Бу кампирнинг вақти хуш бўп туради,
Ўлик суратинда бўлиб қолади,
Нима бўлганини булар билмади.
Бул бозингар шундай ишни қилади.
Шохни олди, иши мавжуд бўлади,
Гулгуннинг қошига яқин келади.
Гулгунни кўтариб айёр жўнади,
Шул замонда тоққа келиб қолади.
Аждаҳорнинг ўнг шохини уради,
Тоғ очилиб равон йўлни беради.
Бу далага кампир чикиб колади,
Шул замонда чап шохини уради,
Қадимгидай тоғ беркилиб қолади.
У кампирнинг ишин Гулгун билмади,
Ишин ўрин қилди шундай жодугар.
Қамиш орасида паланг оти бор,
Бориб отин олиб келди бу айёр.
Гулгуннинг қошига қилгандир тайёр,
Маст бўп ётир Гулгунойим бехабар,
Гулгунойнинг билмаганин билдирди,
Ханжар урмай жигар-бағрин тилдирди.
Гулгунойни паланг отга миндирди,
Мастликда кўтариб миндирди айёр,
Олдига ўзи минди шу жодугар,
Не ишларни курғур кашмир ўйлади,
Пўта билан Гулгунойни бойлади.
Ўзи билан бирга тутиб Гулгунни,
Паланг отга уни чотиб тайлади,
Шакар беги изза бўлиб қолди, деб,
Ёруғ дунё қайда, Шакар ўлди, деб.
Гулгунойдан Шакар жудо бўлди, деб,

Бу сўзни ўйлаб мурватини буради,
Паланг оти кўкка учиб жўнади.
Бу мастликда Шакар шундай қолади,
Бир-биридан жудо бўлиб боради.
Шул замон хавода учиб жўнади,
Осмонда яшиндай кетиб боради.
Гулгуннинг хуши ўзига келади,
Кўзин аста очиб шундай қаради,
Булут билан аралашиб боради.
Ҳарчанд караб Шакарбекни кўрмади,
Тўрасини энасидан сўради:

– Қаерда юрибмиз, эна, муштипар,
Бирга эдик, кўринмайди бек Шакар?
Кўнглим паришондир, хаёлим элтар,
Қасрларга келдик, эна, муштипар?
Энам бўлиб унинг корин қилдингми?
Тўрамнинг танидан бошин юлдингми?
Ҳийла билан, эна, мени олдингми?
Кўз кўрмаган ерга олиб келдингми?
Ҳозир кўнглим булут билан баравар,
Қандай бўлиб қолди тўрам бек Шакар?
Ҳозир мен ҳам аҳволимдан бехабар,
Сендан савол сўрар мендай гажакдор.
Бул ишингдан, эна, бергайсан хабар,
Тағин бизни жудо қилма жодугар!
Бу сўзни айтиб Гулгунойим сўради,
Мастлик таркаган йўқ, кўзин юмади.

Бу сўзни эшитиб кампир унга тасалли бермоқ учун шу сўзни айтиб турган экан:

– Ўтириш суҳбати шундай бўлади,
Одам кўнгли хаво талаб қилади.
Мазгилингда ўлтирибсан, Гулгуной,
Асли кўнглинг кўкка учиб боради.
Ўлтириш қизиса шундай бўлади,
Учамиз, деб одам мажлис қилади.
Хаёлингга неча гаплар келади,
Шаънингга бул энанг душман бўлади.

Шунинг учун ҳамма мажлис қилади,
Шакарбек ҳам бир хизматда юради.
Хафа қилмай дедим сендай санамни,
Сен сўрадинг бунда Шакар боламни,
Кўп яшасин Шакар болам, ўлмасин,
Хаёлингга ҳеч бир гаплар келмасин,
Шумлиги йўқ, эна, душман бўлмасин,
Кўнглингни бўлмагин сендай паризод,
Овга кетса, Шакар келар валламат.
Бошингда йўқ сенинг шумлик аломат,
Тўрангни кўрасан соғу саломат.
Кўнглингни бўлмагин сендай паризод,
Мазгилингда, болам, кургансан суҳбат.

Кампир сўзи қулоғига киради,
Хаёлида мазгилим, деб боради.
Бу сўзларни айтиб айёр қаради,
Қорахоннинг юртин айёр кўради.
Паланг отнинг чап қулоғин буради,
Шаҳарга қуюлиб кетиб боради.
Қорахон тахтига бориб қўнади,
Гулгунойни Қорахоншоҳ кўради,
Кампирнинг ишига қойил қолади,
Гулгунойни бунда танҳо еткариб,
Кўп қилмаган ишни ёлғиз биткариб,
Кампир ишин кўриб, дунёлар сочиб,
Кулиб келди шохи, бахрини очиб,
Шоҳнинг ишин кампир ўрин қилади,
Хизматига зару зевар беради,
Шаҳар халқи бари келиб кўради,
Кампирнинг ишига ҳайрон қолади.
Қорахоннинг кўнглидаги иш бўлди,
Подшолик давлати одамга тўлди,
Ҳамма ҳам эшитиб кўрмоққа келди.
Ҳуши ўзига келиб Гулгуной турди,
Кўзин очиб шундай шаҳарни кўрди.
Бул ишга шул замон кўп ҳайрон қолди,
Тушимми, ўнгимми, менга не бўлди?
Неча бир хотинлар йиғилиб келди,
Санам қизлар келиб томоша қилди.

Қабул қилсин, деди, шоҳи гапирди,
Бу юртга келганин Гулгуной билди.

Гулгуной бул юртга келганин билиб айтди: “Мен бир одамзодга текканман. Унинг ҳозир ўликми-тирикми, қандай эканини билмайман. Ҳозир кўзимни очиб сизларни кўрдим”, – деб бу сўзни айтиб турган экан:

– Ҳозир аҳволимни кўриб йиғлайман,
Бир Оллоҳдан максадимни тилайман,
Қорахоншоҳ, сендан мақсад сўрайман,
Олтойгача мен йўлларга қарайман,
Оларман, деб нодон кўнглинг бўлмагин.
Подшо бўлсанг, менинг сўзим тинглагин,
Сенга айтган менинг арзим шу бўлар,
Менга ҳамроҳ бўлсин сап-санам қизлар,
Олтойгача мен турарман барқарор.
Олтин кўшку мунаққашли манзиллар,
Шундай жойни менга тузатмоқ даркор,
Шоҳим, бўлгин бул сўзимдан хабардор,
Бу сўзларни айтди Гулгун зулфакдор,
Менинг ишим қилиб келган жодугар,
Тирикми, ўликми қолган бек Шакар.
Олтойгача мен қарарман муқаррар,
Ҳозир бўлма, Қорахоншоҳ харидор.
Бу хаёлинг хомдир, хоним, муқаррар,
Олтойгача муддат бермагинг даркор.
Яхши билан айтган сўзим шул бўлар,
Ҳозир оҳ тортаман ёшим сел бўлар,
Турган жойим менинг энди чўл бўлар,
Куз ёшима менинг ёқам ҳўл бўлар.

Бул сўзларни айтди Гулгундай дилбар,
Маъкул тутди катта-кичик турганлар.
Шоҳдан инъом олиб хизмат қилганлар.
Қабул тутди Қорахоншоҳ зўрабор,
Гулгунойга қиркин каниз хизматкор,
Қорахоншоҳ тайин қилди кўп қизлар.
Гулгуннинг амрини шоҳи қилади,
Уста хизматкорнинг барин йиғади,

Гулгунойга шундай кўшкни солади.
На ерга тегмайди, на-да осмонга,
Ўртада муаллақ шунда турсин, деб,
Ҳар ким ҳунарини сарфлаб кўрсин, деб,
Мунаққашли, бари олтин бўлсин, деб,

"Ширин билан Шакар" достонини илк бор нашрга тайёрлаган шоир Мақсуд Шайхзода фольклоршунос ва тилшунос олимлар даврасида. 1941 йил.

Ишқи оғиб Гулгун ҳавас қилсин, деб,
Биз билан паризод ўйнаб-кулсин, деб,
Подшо тайин қилди, даврон сурсин, деб,
Гулгунойнинг кўнглидаги бўлсин, деб.

Бу сўздан сўнгра Қорахон ўз шаҳридаги соп ҳунарманд усталарини йиғиб, бир олтин кўшк солиб берди. Соп яхши қизлардан хизматкор танлаб, бу олтин кўшкида Гулгун парининг хизматига қўйди. Қирқин қизлар унинг хизматида бўлди. Олти ойга муҳлат олди. Олти ойгача Қорахоншоҳ Гулгуннинг қошига бормас бўлди. Гулгун Шакарбекнинг йўлида интизор бўлиб, неча кунларни ўтказди. Шунда орадан неча вақт ўтди. Гулгун парини олиб борган "энаси" Гулгун парининг кўнглини сўрагани унинг кўшкига бориб қолди. Гулгун пари "энасини" кўриб, қирқин канизларга қараб, бул сўзларни айтиб турган экан:

– Бу охимни бир Облога еткарди,
Ёлғиз эдим, хожатимни биткарди,
Энам мени Шакарбекдан кутказди,
Шукур қилай, яхши ерга етказди.
Жуда ҳам сийланглар келган энамни,
Кўнглимдан чиқарди ғубор-аламни,
Мен қиларман бу энамдан даъвомни,
Шу бугун ўчимни олар чамамди[р],
Момони кўрганда кўнглим хушди[р],
Вақтли хушда қиларман ўлтиришди.

Устига кийгани Гулгун қирмизи,
Ақлингни олади жодугар кўзи.
Хизмат қилар Гулгунойнинг канизи,
Вақти хуш бўп турар кампирнинг ўзи.
Гулгунойнинг эътиқодин билади.
Сачраб канизлар ўрнидан туради,
Кампирга шул замон таъзим беради.
Бу айёрни қизлар тўрга чиқариб,
Қабат-қабат энди либос солади,
Гулгуннинг ёнида бул ўлтиради.
Гулгунойга ҳамроҳ шундай айёри.
Гулгуннинг кўнглидан кетмас ғубори,
Эсида бор Шакарбекдайин ёри.
Кўнгли учун вақтин хушлаб туради,
Момосиман қилди бул ўтиришни,
“Момога беринглар қовурма гўштни!”
Бу сўзни канизлар энди эшитди,
Гулгуннинг сўзини қулоққа тутди,
Тура кўп қизлари хизматни қилди.
Кампирнинг олдига дастурхон солди.
Қизлар ҳурмат қилар Гулгун бувишни,
Шундай олиб келди қовурма гўштни,
Боз устидан олиб келди канизлар,
Писта-руста, қандолат аралашди,
Гулгун юрагига солган оловни,
Боз устидан торта берди канизлар.
Ширбоз эти билан пишган паловни,
Бу кампирнинг вақти хуш бўп қолади,
Гулгунойдан жуда кўнгли тўлади,

Гулгун шумлик билан иззат қилади,
Кампир кўнгли шундай хурсанд бўлади,
Шупча хам таомнинг энди устидан,
Қоракўли ковун сўйиб беради.
Икки эгнидан кампир дамин олади,
Кампир жуда тип-тикка бўп қолади,
Шундай қилиб бунга хизмат қилади,
Гулгуной айёрнинг ақлин олади,
Бу хизмат кампирга тайин бўлади,
Бу сўзларни Гулгун айтиб туради:

"Куйган қуллар қарс уради сонига,
Кампир жабр қилди Шакар жонига,
Ўт қўйиб келгандир хонимонига,
Етолмайин мендай хиромонига,
Каниз, келгин Гулгунойнинг ёнига!
Хизмат қилинг мендай ойим шаънига!
Ўйлаб турса яшин тушар танига.
Шундай қип сийладинг келган момомди,
Кеч қолмай ўчимни олар чамамди[р].
Қулоқ солинг айтган дурга,
Ҳақ деб тушинглар садрга,
Тепа беринг бирга-бирга".

Бу сўзни айтади дилбар,
Шубаниб бунда киркинлар,
Гулгун нима деса қилди,
Кампирни ўртага олди,
Гулгун пари бошлаб берди,
Қизлар чиқади устига,
Кампир қолади остига,
Тепаётир якка-якка,
Тутуни чикиб фалакка,
Ошиқ эди Шакарбекка,
Гоҳи олчи, гоҳи чикка,
Кўзлаб тепади киндикка.
Шундай бўлди ўлтиришлар,
Шиш наҳалли келган михли ковушлар,
Кампирнинг корнига симдайин ботди,
Қоракўли ковун еган кампирлар,

Кампирнинг ичидан пиртиллаб кетди,
Ҳаммаси тушиб садрга,
Тепиб ётир бирга-бирга,
Ҳа денглар, қизлар, ҳа денглар!
Бу кампирнинг билмаганин билдирди,
Дўсти ғамгин, душманини кулдирди.
Айҳо, деб, қизлар, айҳо деб,
Садр тепиб, бу кампирни ўлдирди.
Не ишларни кампир бунга солади,
Гулгун бу айёрдан ўчин олади,
Бу дунёдан кашмир фано бўлади,
Шундай бўлиб энди айёр ўлади.
Канизларман хўп бир тепиб кўради,
Ўлганини Гулгунойим билади,
Кампирнинг ёнини Гулгун қаради.
Аждархонинг шохин топиб олади,
Чопонига хўп беркитиб юради.
Тилсимот дуолар битилган шохда,
Бу шохни топдиёв ўлдирган чоқда.
Тасалли бўп, Гулгун вақти хуш бўлди,
Аждаҳор шохини ёнига солди,
Айёрлик билан кампир ўлиб кетди,
Канизларман ушлаб кўшкидан отди,
Неча кун ўлиги кўчада ётди.
Гулгунойим шундай ишни қилибди,
Кўнглида Шакарбек бунинг турибди.
Оҳ тортади, тўрам қандай бўлибди?!
Кўшкидан канизман Гулгун қараса,
Расталарда қаландарни кўрибди,
Қаландарлар талқин айтиб юрибди.
Қаландар сардори кўрса бир киши,
Шакар деб ҳар замон бул оҳ урибди!

Шунда Гулгун пари Оққиз деган канизини буюриб бу сўзни айтиб турибди экан:

– Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Кўп диққатлик ошиб кетди канизлар!
Айтиб келгин бориб шундай, қиркинлар,
Расталарда юрган қирқ бир қаландар,
Ўқитсак кетармн кўнгилдан ғубор?

Диққат бўлдик, вақтимизни хушлайик,
Айтиб келинг, бизлар суҳбат бошлайик,
Бул шикаста кўнглимизни хушлайик,
Оққиз ойим, диққатликни ташлайик.
Хафаликдан ойим ўйнаб-кулмади,
Бул диққатлик бизга фойда қилмади,
Ҳеч ким бизнинг ҳолимизни билмади.
Мен йиғлаб ўткардим қишу ёзимни,
Бул дунёда хаста қилиб ўзимни,
Оққиз ойим, қулоқда тут сўзимни,
Қаландарни айтиб келмоқ лозимди[р].
Кўшкининг пастига жамлаб кўрайик,
Сўзин пайвастига қулоқ солайик.
Биз кўшкида хўп томоша қилайик,
Пастда туриб кўра берсин халойиқ.
Қаландар сўзига толиб бўлибман,
Бу гапларни сенга изҳор қилибман,
Ҳаялламай бориб келгин туриб сан.

Оққизга Гулгуной бул сўзни айтди,
Шул замон у каниз туриб ҳам кетди,
Бу кўшкидан пастга тушиб канизак,
Растани оралаб шундай йўл тортди,
Қаландарни шундай излаб борибди,
Қаландар кўчада ўқиб турибди,
Қаландарга бул рўпара бўлибди.

Ширинбек қаландарларга қўшилиб, шу қирқ қаландарга сардор бўлиб, бу шаҳарда юриб эди. Ширинбекнинг айтиб турган сўзи:

Қўйинг ўз ҳолимга мени,
Қаландар бўлганим-бўлган.
Бунда ваҳдат майин ичиб,
Дунёнинг молидан кечиб,
Самандар бўлганим-бўлган[22].

Қирқтасига бўлиб сардор,
Раҳм айласин бунда Жаббор,
Сабил бўлгандир кирдикор,
Аждахордан ўлди Шакар,
Эмикдошим топмай хабар,

Шайдулло, дейишиб қаландар,
Қаландар бўлганим-бўлган.

Оғам, деб кўзим ёшладим,
Шоҳлик шавкатин ташладим,
Қулоҳ кийиб, йўл бошладим,
Очилмади менинг бахтим,
Бузилгандир бунда рахтим,
Балки сабил бўлган тахтим,
Ҳали ёшман, камол вақтим,
Қаландар бўлганим-бўлган.

Тарк айладим мосувони,
Изладим фоний дунёни,
Шакар эмикдошим қани?
Шарҳи дилим кимга ёзсам,
Оҳ урсам, маҳшарни бузсам,
Шакар деб дунёни кезсам,
Шакар деб элдан дарбадар,
Шакарбекни ютди аждахор.
Зил тоғида ёлғиз вақтимда,
Дучор бўлди қирқ қаландар,
Ахтариб кўрдим кўп шаҳар,
Растада баққол, косиблар,
Шакарбекдан топмай хабар,
Кўрган борми, билган борми, ёронлар?!

Неча дарбанддан ошганман,
Ўтдай бўлиб туташганман,
Шакарбекдан адашганман,
Кўрган борми, билган борми, ёронлар?!

Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Мен юрибман Шакарбекни сўроғлаб,
Умрим ўтди фироқида қон йиғлаб,
Қаландарман, кўзда селоба ёшим,
Бедарак йўқ бўлди ул эмикдошим,
Қирқ қаландар менга ҳамроҳ сирдошим,
Шайдулло, деб чиқар бунда довушим,
Кўрган борми, билган борми Шакарни?

Ширинбек шу сўзни айтиб туриб эди, Оққиз қаландарга шу сўзни айтиб турган экан:

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар,
Булутлар маст бўлса чайқалар кўллар,
Сўзимни эшитгин қирқ бир қаландар,
Ёшга тўлар ҳар вақт жодугар кўзи,
Биз бўламиз Гулгунойнинг канизи,
Келсин, деб чорлайди бувишим сизни,
Элчи қип юборган ойимча бизни,
Ҳаяллатиб маҳтал қилма канизни.
Сизни Гулгуной ўқитиб кўради,
Сўзинг ёкса, кўп дунёлар беради,
Баққоллардан нима унум қилади?
Қаландарлар, йўлинг бўлиб қолади.
Мендай каниз сизни олиб боради,
Аввал Оллоҳ, дуюм бўлса пирлар ёр,
Бувишимиз Гулгунойдак зулфакдор,
Беш пул-тўрт пул тилаб юрган қаландар,
Шундай ойим сўзингизга интизор,
Келсин, деб чорлайди бувишим сизни,
Қаландарлар, эй нодонлик қилманглар,
Камбағал томири тортиб турманглар,
Худо берган кўп дунёдан қолманглар,
Ҳаяллабсиз кейин тортар бўлманглар,
Аччиғланса армон билан ўлманглар!

Эшитган бул айтган сўзни,
Қўймай олиб кетсин сизни,
Интиқ қилма сарвинозни,
Обод бўлар бул шахари,
Шундай бўлди ихтиёри,
Қорахон подшонинг ёри,
Аслзода ўзи пари,
Гулгуннинг қўлида, билсанг,
Бул шаҳарнинг ихтиёри.
Сен банги, аҳмоқ бўлма,
Бекорига ёзган улма,
Юрабергин, йўлдан колма,
Мақсадни томоғинг бума.

Бу сўзни эшитиб, Ширинбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Келган йўлингга бора бергин канизак,
Қаландарлар ўз ҳолини билади,
Ҳолин билган тўғри йўлга юради,
Тўғри одам нима гуноҳ қилади?!
Аёллар талқинни нима билади?!
Қулоқ солиб эшит айтган тилимга,
Бора бер, канизак, келган йўлингга!
Ажал етса, бунда одам ўлади,
Шоҳнинг суҳбатида нима қилади?
Ўз тенгиман қаландарлар юради,
Худо берганини элдан олади,
Бора бер, қаландар нима қилади!
Бу сўзни айтиб Ширин қайсар туради,
Кета бер, канизак, келган йўлингдан,
Неча сўзлар ўриб чиқди тилингдан.
Нима келса аямагин қўлингдан,
Мени билсанг, умид узган жонимдан.
Дунё моли даркор эмас ҳеч бизга,
Ширин айтди бу сўзларни канизга!

Бу сўзларни эшитиб қошидаги қаландарлар айтди: "Ширинбек, бу кирановлик нимага керак? Юринг, борамиз! Бизнинг сўзимизга тушуниши зарур эмас. Тушунмаса тинглаб турсин. Бу подшонинг янги олган нак суяр хотини эмиш. Шу ерга бориб, телпагимиз қайқайиб, у ёқдан-бу ёқдан беш-олти оғиз сўз айтиб қайтамиз. Агар сўзимиз ёқиб, кўпрок нарса берса, қаландархонада бангни уриб, кайфни суриб ётамиз. Ҳар кимдан балонгни олай, деб бир пул тилаб олиб юрмагимизни худо буюрди".

Бу сўз маъқул тушиб, Оққизга эргашиб, қирқ бир қаландар кўшкнинг остига келди. Қаландарларни кўрай, деб Гулгун пари канизлари билан саф тортиб ўтирди. Қаландарлар сўталарини санчиб, кадимадбахларни сўтага илиб, "шайдулло" деб қирқ қаландарнинг сардори шу сўзни ўқиб турибди:

– Сен эшитгин ночор кулнинг арзини,
Олмадай сўлдириб, гулдай тарзини,
Отдим сарҳовузнинг ёлғиз ғозини,
Қирағай, шакаман бўлган қаландар!



“Ширин билан Шакар” достонининг 1955 йилда чоп этилган нашри (нашрга тайёрловчи: Мансур Афзалов).

Ҳеч кимга ботмади қаландар арзи,
Отган ғозим экан энамнинг ғози,
Кенжа ойим бизни шоҳга чақибди,
Айтган сўзи отамизга ёқибди,
Бир ноҳақ туҳматни кўрган қаландар!

Сен эшитгин қаландарлар зорини,
Бойловли кўрганмиз жаллодларини.
Дод деганда эшитмаган тилини,
Бойлагандир кўзи билан қўлини.
Қулоқ соб, эшитинг айтган нолага,
Банда кўнар Ҳақдан келган чорага,
Оловхўжа келиб тушди орага,
Оловхўжа пирни кўрган қаландар.

Қўлим бойлаб, хунхўр жаллод ҳайдади,
Гулбаданга аччиқ қамчи тайлади,
Қулоқ соб, эшитгин айтган нидога,
Энам чиқиб жонни қилди садаға.
Эшитмади гуноҳкорлар зорини,
Бандиликда кўрдик Мансур дорини,
Мансурнинг дорини кўрган қаландар.

Бошим кесиб дорга тортмоқ жаллодлар,
Мансур дорда Ширин, Шакар гуноҳкор,
Оловхўжа Мансур дордан қайтарар,
Валининг сўзини билди мухтасар,
Ҳақиқ тоққа ҳайдай берди жаллодлар.
Бўтакўздай энам йиғлаб хору зор,
Насиҳат қип уни қайтарди пирлар,
Жудо бўлди оқ сут берган муштипар,
Яёв ҳайдаб йўл тортгандир жаллодлар.

Аҳволимни кўрган одам йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади?
Ҳақиқнинг тоғига тортиб бойлади,
Ҳақиқда бойловли қолган қаландар.

Бизни бойлаб ташлаб жаллодлар қайтди,
Чўчқа-кобон ейди деб ўйлаб кетди.

Бойловли тоғларда ақлим шошди,
Ўт чиқиб бағрима, таним туташди.
Каромат-ла пирим кўлимни ечди,
Ини-оға икковимизни бир қўшди.
Ширин, Шакар Ҳақиқ тоғда йиғлашди,
Ўлмай қолиб шундай кунда кўришди.
Иккови бош олиб бир йўлга тушди,
Бошимизга тушган бундай савдони,
Ўткирдик шундайин туҳмат-ғавғони.
Ғариб бўлган менингдай бенавони,
Қирк кеча-кирқ кундуз чўлда йўл юриб,
Бизлар кўрдик бир яланғоч бобони.
Бир кеча бобоман суҳбат тутибмиз,
Тонг отган сўнг йўлга тушиб кетибмиз,
Гулгуннинг тоғига бизлар етибмиз,
Тахтиравон йўлни кўрган қаландар.

Мени йўлга қўйиб акам кетибди,
Келар муддатидан анча ўтибди,
Бир аждаҳор шул акамни ютибди,
Акамнинг хабари бўлмай кетибди,
Оғайнидан жудо бўлган қаландар.
Абгору афтода бўлган қаландар.
Шакарбекдан жудо бўлган қаландар.

Кўп йиғлаб қарадим ул замон тоғлар,
Ҳеч мендан қолмади адир-газалар,
Ўлган экан, топмай акамдан хабар,
Шу вақтда йўлиқди қирқта қаландар,
Ҳамро бўлдим, ўтди қанча замонлар,
Мен сўроклаб кўрдим неча шаҳарлар,
Топмадим окибат Шакардан хабар.
Кулоҳ кийиб, бўлдим буларга сардор,
Ногаҳон гузарим тушди бул шаҳар,
Талқин айтиб расталарда қаландар,
Хабар берди бориб битта муштипар.
Келиб турган ери кўшки айвонлар,
Кўшкининг устида пари зулфакдор,
Ғурбатни ўтказган мендай қаландар.
Бошим эсон, ўтиб кетди кўп ишлар,

Шакарбекни излаб, топмадим хабар,
Бу сўзимни, қизлар, билгин мухтасар,
Шакарни излаб, Ширин бўлган хору зор,
Сўзни адо қилди мендай қаландар.

Бу сўзни англади Гулгундай дилбар,
Шакарнинг укаси экан қаландар.
Кўп дунёни бериб солди гажакдор,
Вақти хуш бўп дуо қилгандир булар,
Кўп дунёни кўрди қирқта қаландар.
Кадимадбах, сўтани йиғиб олар,
Қаландархонага қайтди булар,
Бир-бирига сўзлар айтиб боради:

"Бирга-бирга мазгил жойга борамиз,
Танга-дунё кўпдир, даврон сурамиз,
Гадойликни энди нима қиламиз?
Дунё адо бўлса Ширин қайсардир,
Тағин опкеп бир ўкитмок даркордир.
Ўқитсак олармиз шунча пулларди,
Бу сўзни айтиб қаландарлар боради.
Эгам осон қилди шундай мушкулни,
Шохнинг ёри санамай берди пулни,
Суҳбатимиз шундайин қизик бўлди,
Ширинбекнинг сўзи ақлини олди,
Паризодга айтган сўзи хуш келди,
Қаландарларнинг бундан кўнгли тўлди,
Неча йилдан бери гадой бўламиз,
Худо берди, шунча дунё оламиз,
Энди гадойликдан ҳазар қиламиз".

Пули бор, бори ҳам беғам бўлди,
Қаландархонада гулхан қилади,
Суҳбат қуриб оша кайфин суради.
Ҳеч кимман уларнинг иши бўлмади,
Ётиб ейди, пулин адо қилмади,
Кайф қилди, буларда ғубор қолмади.

Қаландарлар Гулгун парининг берган пулини еб, тамом қилиб бўлди. Кўп пулни кўрган оз пулга қаноат қилмай, Ширинбекни олдига

солиб кўшкининг остига келиб, кўз-кўзга тушса тағин бир нарса берар, деб умид қилди. Буларнинг турганини Гулгун пари кўрди. Шу вақт қараса, Қорахоншоҳ Гулгун парининг қошига келаётибди. Гулгун пари Қорахоншоҳнинг олдига пешвоз чиқиб, кулиб, Қорахоншоҳнинг ақлини олиб, ҳазиллашган киши бўлиб, кўлини шоҳнинг бўйнига солиб, соқолидан маҳкам ушлаб турди. Шунда Қорахоншоҳ Гулгун парига қараб бир сўз айтиб турган экан:

– Кўзим ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб, бағрим эзилди.
Қаттиқ тортма, соқолларим узилди,
Эрисин, тоғларнинг кори эрисин
Ер остида душман тани чирисин,
Илойим, Гулгуной, нозинг қурисин!

Кулиб келиб менинг ақлим оласан,
Ноз қилиб бўйнимга қўлинг соласан,
Соколимни юлиб адо қиласан,
Қўя бер, Гулгуной, қандай балосан.
Аввал келиб менинг вақтим хушладинг,
Соқолимдан маҳкам бураб ушладинг,
Сен кандайсан, бир гинани бошладинг,
Қўя бер, Гулгуной, нозинг қурисин.

Кўрайин, деб келдим сендай санамди,
Бу ишларинг менга қилган аламди,
Мен билмайман кўнглингдаги гинангди,
Кўп югурдим мен ҳам сени ёрим, деб,
Мендан ўзга бунинг кими бордир, деб,
Бошқа ёринг бор эканин билмадим.
Қулоқ солгин менинг айтган тилимга,
Ёрим деб келганман сенинг ёнингга,
Қарамадинг, дилбар, менинг ҳолимга,
Қулоқ қўйгин менинг айтган нолишимга,
Гул деб санчиб эдим сени бошимга,
Ҳайрон қолдим ҳозир қилган ишингга,
Қуруқ тикан хор эканин билмадим.
Мендай шоҳга ажаб ишни киласан,
Шумлик бошлаб менга азоб берасан,
Соқолимдан қаттиқ тортиб борасан.

Қорахоннинг айтган сўзи шу бўлар,
Бунда келиб турар қирқ бир қаландар,
Бир ажаб ҳаёли сенинг кўркинг бор,
Сендан жабр кўрди мендайин номдор,
Ошиққа бундайин ишлар не даркор?!

Раҳбар бўлиб менинг кўлим тутмадинг,
Сен бошлаб кўшкига олиб кетмадинг,
Ҳозир бежой бўлди қилган одатинг,
Сенинг билан ҳосил бўлмас мақсадим,
Буйтиб тортма, ҳеч қолмади тоқатим,
Қурисин, Гулгуной, сенинг одатинг!

Ошиқларнинг нози шундай бўларми?
Шунча ҳам кишига азоб берарми?
Бул тортувда соқолимдан қоларми?
Илойим, Гулгуной, нозинг қурисин!

Қўй одатинг, хаёлингни бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Бундайгача носоқ ҳазил қилмагин.
Уриб-сўкса сен ҳам оғир олмагин,
Илойим, Гулгуной, нозинг қурисин!
Ноз дейсан, нега сен бундай қиласан,
Паризод бошимга етган балосан.

Бу сўзни эшитиб гулюзли дилбар,
Маҳкам ушлаб туриб Гулгун зулфакдор.
Тиклаб қараб турар қирқ бир қаландар.
Им қоқиб юборди шунда парилар,
Кўзи тушди шундайин гул-бувишга,
Шайдулло, деб сўта ёғдирди бошга.
Қорахоншоҳ бўлди бунга гирифтор,
Маҳкам ушлаб турди шундайин дилбар.
Шайдулло, деб урди қирқ бир қаландар.
Гулгун айтганини булар қилади,
Шундай қилсак бу бир нима беради,
Қаландарга қарар Гулгундай ночор,
Қорахоншоҳ бўлди унга гирифтор.

Ураётир сўта билан муқаррар,
Қарар ҳар замонда бу бувишига,
Ҳайрон қолар Гулгунойнинг ишига,
Гапирса сўтаман урар тишига,
Узмасдан сўта ёғиб бошига.

– Қаландарлар, менинг сўзим билинглар,
Қанча инъом бўлса мендан олинглар!
Қорахонни ерга яксон қилинглар!
Сўнгра тушунарсиз Гулгун ишига,
Уринг сўта билан бағри-тишига,
Ажал ҳайдаб келди Гулгун қошига,
Кетмасин қўлимдан бул замон омон,
Айрилиқ савдоси ўтгандир ёмон,
Бул бош бўлиб айиргандир ёримдан,
Шуйтиб солайин бунга охир замон,
Олис ерда қолди кирдикор макон,
Қандай бўлди қолган тўрам Шакархон.

Бу сўзни маънисин улар билмади,
Иши урмоқ билан бўлди, турмади.
Қорахоннинг билмаганин билдирди,
Шул замонда айтганига кўндирди,
Ура-ура каландарлар ўлдирди.
Қўймай ушлаб турар Гулгундай ночор,
Бир одам қўлидан нима иш келар?
Сўтаман ўлдирди қирқ бир қаландар,
Энди қўя берди шоҳни муқаррар,
Йиғилди ул замон элдаги номдор,
Ўлганини энди билди қаландар.
Ақли шошиб қолди бундайин ночор,
Хаёли қочди-ку, қирқ бир қаландар,
Ширинни бағрига босгандир дилбар,
Кучоқлаб, шундай сўз айтар гажакдор:

– Худойим сақлагай бандани омон,
Кетмади бошимдан коронғи туман,
Сўзимга қулоқ сол, жоним, қайнимжон,
Сабаб бўлиб бул акангдан айирган,
Шукур қилай, энди ўлди Қорахон,

Ўзинг кўрган тоғда аканг хабари.
Бориб эди бир бозингар айёри,
Ул айёрдан бўлмай аканг хабари.
Билмайман, не кечди тўрамнинг ҳоли?!
Сен бўласан бизнинг хоннинг жигари,
Билинди-ку, Шакарбекнинг хабари,
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулинглар,
Қаландарлар, Гулгун тоққа боринглар,
Бориб Шакарбекдан хабар олинглар,
Тирик бўлса, омон-эсон кўринглар,
Соғ-саломат бунда олиб келинглар,
Менинг хабаримни маълум қилинглар.
Шакарга интизор мендайин ёри,
Мендан йўқдир Шакарбекнинг хабари,
Йўлига интизор мендай дилбари,
Мастлик тарқаб ҳуши ўзига келгандир,
Чиқмоққа йўл топмай ғариб бўлгандир,
Кеча-кундуз мотам тутиб юргандир,
Ўртанган ўтларга жонин солгандир,
Дарагимни топмай сарсон бўлгандир,
Ҳаммангга от, анжом ҳозир тургандир!

Бу сўзни айтиб Гулгуной Қорахоншоҳнинг ўлигини беркитиб, Ширинбекка ўзини танитиб, бояги аждаҳорнинг икки шохини Ширинбекка бериб, буларни жўнатиб дуо қилиб қолди:

Калимаи шаҳодат келар тилидан,
Чиқиб кетди Қорахоннинг элидан.
Паризоднинг айтган сўзин билади,
Бош бўлиб Ширинбек бундан жўнади,
Шакар оғасини излаб боради.
Қирғий деган қуш ўлтирар киёда,
Не кўриб, кечириб фоний дунёда,
Ширинбекнинг алами кўп зиёда,
Шакарни излаб кетди пою пиёда,
Қаландарлар йўлда кетиб боради,
Шайдулло, деб талқин айтиб жўнади,
Буларнинг юришин хеч ким билмади,
Ҳар чашмага дам олгани кўнади.

Овқат-таом ейди, бундан жўнади,
Ҳаммаси маст бўлиб кетиб боради.
Етамиз деб кистаб йўлни олади,
Талкин айтиб борар йўлларга тушиб,
Шакарим деб Ширинниng ақли шошиб,
Топсам дейди бир-биридан адашиб,
Бораётир неча беллардан ошиб,
Гоҳ вақтларда сувсиз чўлларга тушиб,
Қистаб юрар бир-бирига етишиб.
Ширин эди Қуёпқининг тўраси,
Бораётган Қосимхоннинг боласи,
Шу вақтларда қирқ қаландар жўраси,
Кўринади Зил тоғининг қораси,
Тоғни кўриб шоду хуррам бўлади,
Шакарни кўргандай бўлиб қолади.
Етмаса ўтирмас қилиб жўнади,
Оралади Гулгун тоғнинг дарасин,
Шуйтиб кўрди Чибич кўлнинг қорасин,
Чибич кўлнинг ёқасига боради,
Туриб бунда оби-нашъа қилади,
Очилиб йўл, борар йўлни билади,
Маст бўлишиб қаландарлар келади.
Аждахор шохини токка урали,
Очилиб бул замон тоғ йўл беради.
Ичкарига қаландарлар киради,
Бундай ерни кўриб ҳайрон қолади,
Шаҳардай оралаб кетиб боради,
Кўп девлар илгари ишлаб ўхшатган.
Биносини қўйиб буни тузатган,
Ул девларни аждаҳор яксон этган,
Шуйтиб бул жой Гулгунга қолиб кетган,
Шакарни кўрмайди бу қараб кетган.

Ширинбек Шакарни тополмай, кўзи тўрт бўлиб, ҳасрат билан шу сўзни айтиб турган экан:

Меҳрибоним, Шакар оға, бормисан?
Ширинам, деб сен ҳам интизормисан?
Ширин келди, кўрар кўзим, бормисан?
Оша юртдан келдим сени сўроғлаб,
Пиёда йўл юрдим бағримни доғлаб,

Йиғладим, акам, деб бўтадай бўзлаб,
Ширин уканг келди бул сени излаб,
Кўрар кўзим, жоним акам, бормисан?

Ғариблик кунларда раҳбарим бўлган,
Бир эмчакни бирга талашиб эмган,
Бир гап билан юртидан жудо бўлган,
Меҳрибоним, жоним акам, бормисан?
Бизга йўқдир бирор ватан кирдикор,
Мен сендан айрилиб бўлдим қаландар,
Биз бенаво, бундай юрган бенаво,
Кўрар кўзим, жоним оға бормисан?

Излаб келиб бунда хурсанд бўлмадим,
Аҳволинг не бўлди, ака, кўрмадим,
Қай тарафга бораримни билмадим,
Меҳрибоним, эмикдошим, бормисан?

Қани, сен эшитсанг Ширин тилидан,
Биз келганмиз Қорахонинг элидан,
Душман бўлган шохинг ўлди кўлидан,
Меҳрибоним, кўрар кўзим, бормисан?

Йўл юрганман оёқларим қабариб,
Мен кимга йиғлайман дардимни ёриб,
Мен келганман акамни деб, ахтариб,
Кўрар кўзим, меҳрибоним, бормисан?

Энди билолмадим қилар ишимни,
Акам деб гангитдим ғариб бошимни,
Излаб кеп топмадим эмикдошимни,
Ҳалак килдим мен ҳам кирқта кишимни,
Кўрар кўзим, меҳрибоним, бормисан?

Бу сўзни дегандан сўнг Ширинбек: "Биз бекор ҳалак бўлган эканмиз, меҳнат қилиб шунча ердан келган эканмиз. Бизники хамиша ҳалакчиликда; бизнинг қайси ерда барқарор маконимиз бор?! Қайда бўлса бизники юрмоқ, кўрмоқ, шундай сарсон бўлмоқ", – деб ҳайрон бўлиб туриб эди.

Шакарбек Гулгун паридан айрилгандан бери абгор-абгашта бўлиб, ҳар ерга ўзини уриб, нам ерга бағрини бериб, чиқмоққа йўл топмай, бир гўшада ётиб қолган эди. Ётган ерида Ширинбекнинг товуши қулоғига бориб, биров Шакар дегандай бўлиб, ўрнидан туриб, ўз-ўзига бу сўзларни айтиб ётиб эди:

"Ширин билан Шакар" достонининг 1963 йилда чоп этилган нашри (нашрга тайёрловчи Мансур Афзалов).

– Тоғнинг остига тушибман,
Ғарибликда туташибман,
Мен ёримдан адашибман,
Менинг ёрим ой боладир,
Жудагина бой боладир,
Мисли асов той боладир,
Сағринлари ёй боладир,
Билмайман, қайга борадир?
Кўзи Чўлпон юлдуздай бўп,
Лаби шакар қирмиздай бўп,
Тишлари гавҳар, дурдай бўп,
Биҳиштдаги ул ҳурдай бўп,
Билмам, ёрим қайга кетди?
Гулшан жой чўлистон бўпти,
Ҳусни мени доғлаб кетди,
Сарсон қилиб бундан ўтди,
Билмам, ёрим қайда кетди?
Ёр савдоси ўсал қилди,
Йиғлаб умрим адо бўлди,
Мен кўрдим ҳоксор кунни,

Гал бериб ёрга не бўлди?
Мен топмайман юрар йўлни,
Қайда кетди ёрим мени?
Булбулдайин полондаман,
Доғу ҳасрат, армондаман,
Азалдан куйган бандаман,
Ёрдан жудо, шармандаман,
Қайда кетди ёрим мени?
Яхши куни бўлиб қора,
Юрагим бўлди садпора,
Қани мени осса дора,
Ёрдан жудо, мен овора,
Жигарларим бўлиб пора,
Сарсон қилиб кетди мени,
Топарманми, ёрим, сени?
Бўғинларим тол-тол бўшаб,
Хазон бўлган гулга ўхшаб,
Мен йиғлайман бугун қақшаб,
Етишмасми зорим менинг,
Ўртади хуморинг мени.

Бу сўзни айтади Шакар,
Гулгунойдан топмай хабар,
Оҳ уриб туради Шакар.
Кўзига кўринди бир тўп қаландар.
Шакарбекни Ширин кўрди, ёронлар,
Кўрган вақтда Ширин шундай йиғлади,
Бир-бирига кулоч ёйиб жўнади,
Худойим сақлагай бандани омон,
Ҳар бандага эгам бўлгай меҳрибон,
Неча вақт айрилиб бўлган саргардон,
Ширин, Шакар топишгандир бул замон.
Бошидан кетгандай қайғули туман,
Бир-бирининг холин сўрар ул замон,
Бунда қолиб кўрди жабру қиёмат,
Инисини кўрди соғу саломат,
Қошида бўлмади Гулгун паризод,
Ёрин йўқлаб қолмас Шакарда тоқат.

Булар бир-бири билан топишиб, қаландарлар билан кўришиб,

Шакарнинг дилтанг бўлганини билиб, Гулгун паризоддаи хабар бериб, бул сўзни айтиб турган экан:

Бехуда тўкма кўз ёшинг,
Мени куйдирган нолишинг,
Ёлғиз колган ғариб бошинг,
Оша юртда гул бувишинг!
Қорахон юртидан келдим,
Неча вақтлар жудо бўлдим,
Гулгун ёринг шунда кўрдим,
Акам, деб сўроғлаб келдим.
Ҳаққа етгай оҳу зоринг,
Бир гап билан кетган ёринг,
Қайта бошдан обод бўлар,
Ўйнаб-ўсган кирдикоринг,
Қўлга келар Гулгун ёринг,
Кетар кўнглингдан ғуборинг.
Рухсат олиб Шакар кетган,
Жафо тиғи жонлан ўтган,
Айрилиқ бағрини йиртган,
Эмикдошим, ининг келди.
Хафа бўлмагин, Шакархон,
Ўлмасанг сурарсан даврон,
Хоним, қилмагин пушаймон,
Қўлимда ўлди Қорахон,
Бўлган экан сенга душман,
Кўнглингни бўлма, Шакархон,
Сенга тегар ул хиромон.
Бу ерда фурсат қилмайик,
Гулгун кетидан борайик,
Юрагингда ҳозир армон,
Хафа бўлмагин, меҳрибон,
Кетса бундан қайғу туман,
Душманларга охир замон,
Ширин сўзи маъқул келди,
Қирқ қаландар ҳамро бўлди,
Шул замон таблага борди,
Девдан колган отни кўрди,
Оту сарпой Шакар берди,
Қаландарлар шердай бўлиб,

Бариси кийиниб турди.
Дуо қилди валламатни,
Шакарга қилди хизматни,
Қаландарлар белга бойлар,
Биттадан олмос пўлатни.
Абзаллади бедов отни,
Кўринг, Шакардай бекзодни,
Эшитгандир паризодни,
Қорахон юртига қараб,
Булар қилмоқчи ғазотни.

Шакарбек девлардан қолган либосларни қаландарларга кийгизиб, белларига битта-биттадан олмос пўлатни бойлаб, битта-битта отни эгарлаб миниб, ўзи қораёл саманни миниб, керакли анжомларни олиб, қаландарлар сўтасини тақимига қистириб, бул тоғдан чикиб, қирқ икки сардор бўлиб, аждаҳорнинг шохини уриб, тоғни беркитиб, йўлда бораётиб айтган сўзи:

Беклик шавкатда қаландар,
Бош бўлди унга бек Шакар,
Жўнади қирқ икки сардор,
Қаландарлар бўлиб навкар,
Ҳар қайсиси шердай қайсар,
Остида ўйнайди тулпор,
Боради баҳодир беклар.
Кўнглида бор экан ғубор,
Излагани гулгун дилбар,
Олсам, деди паризодни,
Излагай Қорахон юртин,
Бари минган илдам отни,
Бир нечаси суриб кетди,
Қаландар минмаган отни,
Шакар қилади ғайратни,
Чува, ҳа, деди, қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,
Юрган йўлни тўзон тутди,
Беклар кистаб йўлни олди,
Равшан кўзларини ёшлаб,
Шакар борар йўлни бошлаб,

Минган отлар яшин ташлаб,
Тоғларда бордир зарангги,
Эгнида бордир фаранги,
Кеча-кундуз йўл тортади,
Кундузлар бўлар коронғи,
От чопади овут-овут,
Йигит пири ҳазрат Довуд[23],
Йўлда юрганда яркиллаб,
Оқ кировка, олтин совут.

Йўлда тинмай юрсам, дейди,
Ёвни кўрсам, кирсам, дейди,
Душман бошин олсам, дейди,
Жазосини берсам, дейди,
Гулгунойни олсам, дейди,
Ҳаялламай борсам, дейди,
Ўйнаб даврон сурсам, дейди,
Бурунгидай бўлсам, дейди,
Сўраб кўнглин олсам, дейди,
Шакар лабин сўрсам, дейди,
Йўлда тинмай юрсам, дейди,
Қандай юртда, кўрсам, дейди,
Бориб саваш қилсам, дейди.

Бул сўзни ўйлайди Шакар,
Бораётир қаландарлар,
Булар ҳам қилган юришни,
Белларга бойлаб қилични,
Булар минган тўбичокни,
От бошини кучиб олар,
Яқин қилмоққа йироқни,
Кўринг шундай валламатни,
Қараганини кўркитди,
Ушлаганини беркитди,
Йўлда шуйтиб қичаб кетди,
Бедовлар қарсақдай котди,
Жўптагин ҳайвон тузатди,
Совиб ковуғини тортди,
Йўлларда бўйнин узатди,
Чўлистонни тўзон тутди,
Шундай кип беклар йўл тортди,

Айрилиққа бағрин доғлаб,
Узоқ йўлга ўзин чоғлаб,
Боради ёрини йўқлаб,
Бунда беклар хўб иш қилар,
Қирқ иккиси юриш қилар,
Шакарбек шундай тўради[р],
Ҳар гапни Ҳақдан кўради.

Неча адир беллардан,
Ўтиб кетиб боради,
Қия бузуқ йўллардан,
Қистаб ўтиб жўнади.
Қандай сувсиз чўллардан,
Шабгир тортиб боради,
Бир қамишзор кўллардан,
Кўриб ўтиб боради,
Назаркарда бедовлар,
Кокилини елпитиб,
Ўйнаб кетиб боради.
Сўз айтади тиллардан,
Қанча турган эллардан,
Кўриб ўтиб боради.
Шундай кип Шакар йўл тортди,
Юрган юртга яқин етди,
Кўринади мамлакати,
Яқиндир Қорахон юрти,
Ҳеч бир кўнглидан кетмайди,
Жилва қилган паризоди.
Шакарбекнинг бағрин очди,
Паркиндан кўпик сочди,
Кўринг бул саман тулпорни,
Бекни суриб олиб қочди.
Кейин қолгани етишди,
Бир чашма бўйига тушди,
У чашмада салқинлашди.

Чашманинг бўйига қўниб, қаландар улфатлари Шакарбекка қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Қаландарлик асари бизларда бор,
Ҳар шаҳарда юрган гадо қаландар.

Бизлар банги, ҳар шаҳарда боякбор,
Ҳозир бизга ҳамроҳ бўлди бек Шакар.
Сабр сақлаб, хоним, бунда тура кўр,
Ҳар қайсимиз юз минг қулга баравар,
Ёмон жойга бораётибмиз, бек Шакар,
Гапин сақлаб бизлар отни минамиз,
Нор кесар олмосни қўлга оламиз,
Душман кўрсак, қайтмай саваш қиламиз,
Бу юришда ёвни кўрсак ўламиз,
Бир кайф учун шул чашмага қўнамиз,
Сабр сақланг, бирга-бирга борамиз,
Сиздайин тўрага ҳамдам бўламиз,
Йўлингизда бизлар бошни берамиз,
Сабр сақланг, бир дам кейин борамиз.
Шундай бўлди бунда қаландар иши,
Гулгун пари сиздай бекнинг бувиши,
Кўп бўлади унда ёрнинг койиши,
Сабр сақланг, бул ҳам худонинг иши.
Кўзимдан ўтади паризоди,
Яқин қолди анов Қорахон юрти,
Алғов-далғов бўлиб қолар элати,
Бир соати бўлар бунинг муддати.

Бу сўзларни бунда қаландар айтди,
Чашманинг бўйига қўниб банг тортди.
Бир нечаси байт-ғазалини айтди,
Кўриб Шакар бунда кулиб турибди,
Бу улфатлар ажаб кайфин қилибди,
Тақдир шундай, бизга ҳамроҳ бўлибди.

Булар нашъа қилиб, бек Шакарга ҳамдам бўлиб, бу мамлакатнинг экиш-тикиш қилиб ётган ерларига етди. Подачи ва ўтинчилар буларнинг сиёсатини кўриб, ҳаммасига гап бўлиб, шаҳар ичига хабар борибди. Халқ устида юрган оқсоқол, арбоблар бу келганларнинг қандай одам эканин билмай, Қорахоншоҳнинг давлатхонасида турган катта амалдорларга хабар бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

Мен кўрдим қирқ икки номдор,
Ҳар қайси мисли аждаҳор,
Кўриб келиб бердим хабар.
Сўз эшитгин амалдорлар,

Қорахоншоҳ қайда бўлар,
Қўлдан кетмасин кирдикор.
Кўрди оқсоқол, арбоблар,
Ҳар кайсиси мингга тегар,
Ёв-яроқли, кўп анжомдор,
Тарзин кўрдим, Рустамча бор.
Келаётир шундай беклар,
Ажаб унинг сиёсати,
Билмам, қайда мамлакати?
Юлдузни кўзлайди оти,
Эҳтимол босиб сиёсати,
Билмам, қайда ўсган юрти,
Кўрганнинг қолмас тоқати!
Дўст-душманни билмайди,
Шундай қилиб хабар элтди.
Арбоблар гапириб қайтди,
Амалдор беклар эшитди,
Юрт ғалағул бўлиб ётди,
Қорахон деб сўраб кетди,
Шоҳини билмади юрти,
Қўлдан кетмоқ мамлакати,
Чопоғончи кўриб қайтди,
Закчагирга хабар кетди,
Не полвонларни йиғибди.
Закчагир ҳам миниб отди,
Урушда келар ғайрати,
Кўп лашкарни бул иярtди.
Торттириб карнай-сурнайни,
Сиёсатман жўнаб кетди,
Мен ҳам ботир, борайин, деб,
Ким эканин билайин, деб,
Элга келган душман, бўлса,
Мен бошини юлайин, деб.
Ҳар юртига хабар берди.
Ҳар тарафдан лашкар келди,
Ул Закчагирга қўшилди,
Байдоқ-байдоқ лашкар бўлди.
От чопилиб соғу сўлга,
Бул шаҳардан чиқди йўлга,
Суянади Закчагирга,

Бораётир бирга-бирга,
Дучор бўлди бек Шакарга.
Ширин, Шакар йўлиққандир,
Ул вақтда кўп лашкарга,
Лашкар тўхтаб қолди бунда,
Тўхтаб булар айтар сўзни:

– Ким аҳмоқ қилибди бизни?
Кўп таъриф берган арбоблар,
Айтиб борган ёлғон сўзни,
Келаётган уч-тўрт, отли,
Кимга етади қуввати?
Бизни кўриб тўхтаб колди,
Ақли шошиб ҳадик олди.
Кўр қочмоқни ўнгғай билди,
Қаранглар бозорчи шулдир.
Бул сўзни Зақчагир айтди:

– Кўп эди кучу қуввати,
От суриб бир ботир етди.
Бундай сўзни улар айтди,
Келаётган валламатди[р],
Тоғни тербатар ғайрати,
Илгаридан мен ҳам кўрган,
Чибич кўлда саваш килган,
Кўп лашкарни ёлғиз қирган,
Девлар билан овкат бўлган,
Девларнинг либосин кийган,
Юз ўгирмай танҳо тейган,
Отин биламан Шакархон,
Гулгун дейишиб излаб келган.
Олмосдан қуяр қирмиз қон,
Ҳозир бўл, қилма пушаймон!
Оз дема, қолмайсан омон,
Ўнгу сўлни олар туман,
Ўзга эмас-ку Шакархон,
Қутулмоғинг бўлди гумон,
Лоф урмагин сен Зақчагир,
Умид уза кўр жонингдан.
Саман отни кўп биламан.

Бунинг урушин кўраман,
Кўпдан бири мен бўламан,
Рўпара чиқсанг ўласан.
Ёмон ёвга дучор бўлдик,
Мен бундан ҳазар қиламан.

Буни айтар ботир полвон,
Кўп ичига ўзин урган,
Яқинлаб келди Шакархон,
Саф-саф бўлиб турар душман.
Бўлар деди уруш майдон
Бу сўзни айтар Шакархон.

Шакарбек қаландарларга қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

– Улфатларим, киринг майдон орага,
Душман қонин сочмоқликдир, ёронлар!
Шохимардон химмат берса бизларга[24].
Ширин жондан кечмоқликдир, ёронлар!
Бу душманлар қила билмас ишини,
Ёмон кунда тўкар кўздан ёшини,
Номус учун қучоқлайди бошини,
Ҳунарлари қочмоқликлар, ёронлар!
Қойил бўлсин бизга халқи замона,
Боринг, қаландарлар, марди майдона,
Кафан тўнин бичмоқликдир, ёронлар!
Олдимизни чиқиб лашкар олади,
Бундай кунда ажаллик қул ўлади,
Ботирларга уруш суҳбат бўлади,
Ширин жон ўртада бугун қолади,
Тангримнинг иродаси нима бўлади,
Билмайман, худойим кимга беради,
Йўлда кўп ёв бизга дучор келади,
От-абзални шайлай бергин, улфатлар!
Қон тўкилиб ажаб майдон бўлади.

Бу сўзни айтар Шакарбек,
Уруш яроғини ғамлаб,
Ўзини майдонга чоқлаб,
Кўп лашкарни танҳо кўриб,

Келди Шакар отни суриб,
Закчагир лашкардан чиқиб,
Шакарга рўпара бўлиб,
Бул сўзни айтади полвон:

– Шакарбекка тўғри келган,
Қандай аҳмоқ жинни бўлган,
Ҳолин билмай бунда келган,
Ажалли паймонанг тўлган,
Ўзинг кимсан, фалак урган?
Келиб менга дучор бўлган,
Не алплар қўлимда ўлган,
Қайт йўлингдан, бачча нодон!
Закчагирга дучор бўлган,
Жонин ташлаёлмай келган,
Армон билан энди ўлган,
Беҳуда, сен, аҳмоқ бўлган.
Уруш қаттиқ, хазил билма,
Ёш экансан, бунда ўлма,
Бу лашкарга дахл қилма,
Кета бер, йўлингдан қолма,
Сен урушни ҳавас қилма!
Кесилар нечовнинг боши,
Урушмоқ ботирлар иши,
Сўзлар мендай мард бир киши,
Қабоҳат билгин сабоши.

Бу сўзни эшитиб Шакарбек Закчагирга айтиб турган экан:

– Танимайман мен ҳам сени,
Шакарбек дейдилар мени,
Лоф урма, келгин берман,
Тарзинг қобон ҳунди қалмоқ,
Сенинг билан уруш қилмоқ,
Ботир бўлмай ўл, баччағар,
Сўз сўзладинг, бундай аҳмоқ,
Юрт кулдириб юрган тентак,
Келгин бирга майдон қилсак,
Излаганга сўраганинг,
Мендан омон кетмас жонинг,

Саман отли Шакархонинг,
Бунда қолар сенинг танинг,
Кел, қани, кўрай майдонинг.

Бу сўзни Шакарбек айтди,
Қолмади полвон тоқати,
Қамчи уриб Шакар етди,
Шундай қилич сермаб ўтди,
Қиличига бул рад бериб,
Бул бошига сипор тутди,
Кўринг, Шакардай бекзотни,
Девлар ишлатган пўлатни,
Зақчагирга хон узатди,
Шул замон дамига тортди,
Икки бўлак қилиб ўтди,
Минордай ағнаб колибди.
Бир ёқдан лашкар от қўйди,
Юлдуз учгандайин бўлиб,
Қаландарлар боз от қўйди,
Карвон кўчгандайин бўлиб.
Қилич бўлиб алаб-ялаб,
Икки ёв урушга талаб,
Қарамай баланд-пастига,
От қўйиб ёвнинг устига,
Номардларнинг ақли шошди,
Бир-бириман аралашди.
Қон тўкиб қилди савашди,
Қилич, найза шакирлашди,
Қайсар Шакар кесиб бошни.
От остида калла қолди,
Қирқ тиллалик салла қолди.
Шундай бўлиб саваш бўлди,
Бу лашкар чалқиб мавж урди,
Қаландарлар бул ҳам турди,
Бир неча яradор бўлди,
Бир нечаси отдан оғиб,
Нечовлари жазосин топиб,
Бир хил ётир кумни ковиб,
Бир-бирига қарамайди.
Қирқ қаландар тинмай қилди хурушди.
Аралашиб душман, деди, уришди,

Сермадилар сопи олтин қиличди.
Қаландарлар шуйтиб бундай уришди,
Чапараста кесар майдонда бошди,
Бир нечаси кўрган йўқдир савашди,
Бир неча кўркоклар шаҳарга кочди,
Яра еган бўтадайин бўзлашди.
Ҳақ таоло берган омонликни,
Қилиб қаландарлар майдон,
Бул майдонда найза солган,
Ширинбек ҳам қойил бўлган,
Улфатин урушин кўрган,
Шакарбек килади фармон,
Бир нечада йўқдир дармон,
Кўнглимда бор анча армон,
Умид қилар Гулгунжондан.
Жафо тиғи жондан ўтиб,
Шу кулфатга шуни элтиб,
Қочганини қилич солар,
Ширин, Шакар кувиб етиб,
Ҳар тарафни тўзон тутиб,
Ўтдайин туташиб кетиб,
Ҳар тарафни лашкар тутиб,
Бул дунёни барбод этиб,
Ғариб кўнглин дилшод этиб,
Қилич теккан қон ютиб,
Шакар шундай ғайрат қилиб,
Душман деб, майдонда туриб,
Айрилишди карпай тортиб,
Шакарнинг кошига қаландар етиб,
Қилич теккан бул майдонда қон ютиб,
Майдон қилди душманларни бўзлатиб,
Кўп лашкарни кирдилар изиллатиб.

Дам бериб Шакар от қўйди,
Тоғдаги шердай оҳ уриб,
Йўлбарсдай бўлиб чопилиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Қарамай баланд-пастига,
От қўйиб душман устига,
Икки лашкар аралашди,

Қайтадан қилди савашди.
Бу сўзни айтар Шакархон,
Атрофида сонсиз душман.
Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди,
Кўпди[р] Шакарбекнинг дарди,
Қусънқи шахрининг бекзоди,
Ул йўлиқса ёри қобил,
Ҳар маҳал ваъдадан топил,
Урушли кун қоқиб добил,
Ъаланд торни чалиб туман,
Урушга кирди Шакархон,
Тўкилар душманнинг ёши,
Майдонда қолгандир боши,
Шудир Шакарбек саваши,
Бу майдонда жондан кечди,
Кафан тўн душманга бичди.
Остидаги минган оти,
Чачасидан конлар кечди.
Шакарбек шундай урушди,
Раббим, деб Шакар сермади,
Девлар ишлатган қилични.
Девлар аслаҳасин кийган,
Қиличдан қоплар қуйган.
Кўп душманни бунда йиққан,
Майдонда юрган Шакархон.
Қутулмоғи бўлиб гумон,
Қилиб қўйди охир замон.
Душманларнинг ақли шошиб,
Ота боладан адашиб,
Энди борастир кочиб,
Ҳар тарафга чувиллашиб,
Ширин, Шакар қаландарман,
Борди шаҳарга ёнашиб,
Ул шаҳарда аралашиб,
Шаҳар ичкарига кириб,
Хон Шакар сиёсат килиб,
Қочқинчи манзилга бориб,
Ўлганлар бехуда ўлиб,
Шакарбскдан изза кўриб,

Ҳар шаҳарда ўлик қолиб,
Шоҳнинг тахтин Шакар олиб,
Бул душманга келиб ғолиб,
Шакардан лашкар енгилиб,
Қиличин бўйнига солиб,
Шакарбекка тобе бўлиб,
Манманлик қилгани ўлиб,
Уч кун тинмай уруш бўлиб,
Ҳар тарафга жарчи қўйиб,
Бул юртга омонлик бериб,
Айтганига ҳамма кўниб,
Амалдор-саркарда келиб,
Юртни Шакарбекка бериб,
Сўранг, деб ихтиёр қилиб,
Маслаҳатда бўлиб барча,
Одам йиғилгандир анча,
Юртимизга бек бўлсин, деб,
Бунда келган тўрабачча,
Шундай одам бек бўп турар,
Бек бўлса ҳам удда қилар.
Шул куни кунлар кеч бўлди,
Ҳар ким ўз жойига борди,
Тахт устида Шакар қолди,
Қанча одам хизмат қилди.
Ўткизиб шундайин кунни,
Шакар унда бек бўп турди,
Гулгуной Шакарни кўрди,
Гулгун жуда хурсанд бўлди.
Гулгуной ўрнидан турди,
Шакарбекни кўрайин, деб,
Мен қошига борайин, деб,
Тўрам кўнглин сўрайин, деб,
Бекнинг кўнглин олайин, деб,
Қандай бўлса билайин, деб,
Мен ҳам бориб келайин, деб,
Канизларман жўнайин, деб.

Гулгун пари бу сўзни ўйлаб турди. Шакарбек бу шаҳарни ўзига тобе қилди. Катта-кичик халойиқлар йиғилиб, Шакарни бек қилиб кўтарди. Шакарбек билан келган қаландарлар бекка навкар, саркарда, амалдор

бўлди. Шу кун шундай бўлиб ўтди. Шакарбек Ширинга қараб шу сўзни айтди:

Сўзимга қулоқ сол, жоним Ширинжон!
Оҳ урсам қурийди танимда дармон.
Ўзим ёрим айрилганман чечангдан,
Илгари кўзимга чалинди дилбар,
Туши ўнгин билмай қолди бек Шакар,
Ёрсиз менга бундай шавкат не даркор?
Ёрим йўқ, кўринмас тахти жаҳоним,
Ғамзаси жон олар, кўзлари золим,
Гулгунойим эди упали ёрим,
Кўрганим йўқ, қолмас сабри қарорим,
Қайда бўлур кўнглим олган дилбарим?
Қадди шамшод, хусни тоза гулларим,
Йўқдир энди сўна учган кўлларим,
Гулгунойдан менинг бўлмай хабарим,
Кўнглимдан кетмайди гажакдор ёрим,
Ширинжон, қолмади номусман орим,
Йиғласам етмайди дилбарга зорим.
Ука, сенинг бор шундан хабаринг,
Меҳнат тортиб жафо чекиб келаман,
Нечовларни ерга яксон қиламан,
Уруш қилиб бу шаҳарга кираман,
Бек номини олиб бунда тураман,
Ёримни кўрмасам мен ҳам ўламан,
Бошим олиб қайда бўлса бораман,
Тоғу тошда бошим олиб юраман,
Қайда бўлса ёрим, излаб кўраман,
Гулгуной бўлмаса нима қиламан?
Қайси сувда, қайси ўтда ўламан?
Ёрим учун қонлар ютиб юраман,
Ширинжон, ёримни сўраб тураман.
Ҳозир йўқдир қўлимда ихтиёрим,
Менинг билан бирга ўсган жигарим,
Сира кетмас кўнглимдаги ғуборим,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарадим,
Ҳозир бек бўп Шакарни сўрадим,
Бунинг билан ҳосил бўлмас муродим,
Ёрим бўлса бўлар кучу қувватим,

Гулгунойим эди менинг мақсадим,
Бунда йўқдир менинг ҳеч беклик дардим,
Оша юртда ўйнаб ўсган элатим,
Бир боис-баҳона бўлган қисматим,
Кун-бакун зиёда бўлиб ҳасратим,
Кун-бакун ортади кўрган меҳнатим,
Сенсан менинг жону дилу улфатим,
Бўлмаса Гулгундай бул паризодим.

Шакарбекдан бу сўзни эшитиб, Ширинбек унга: "Хафа бўлма, Гулгун парининг ихтиёри билан сени топганман. У сенинг келганингни билгани йўқдир, агар билса ҳам бу тўполон аросатдан ҳазар қилиб тургандир, мен бориб хабар берайин", - деб Гулгун парига бориб айтиб турган экан:

Бориб хабар берди Ширинбек бачча,
Жафо тортиб куяр эди ҳар кеча,
Сўзимни эшитгин, сендай ойимча,
Бир гап билан жудо бўлган,
Ул тоғнинг остида қолган,
Айёр зулмиман айрилган,
Шакарбекдай тўранг келди.
Ҳаққа қилган зоринг шулди[р],
Қайтадан дунёни кўрди,
Не полвонларни ўлдирди,
Бу юртларни келиб олди,
Катта-кичик тобе бўлди,
Шакар жону дилинг келди.
Бунда сенинг оху зоринг,
Обод бўлар кирдикоринг,
Тоғ остида ғариб бўлган,
Чеча, келди Шакар ёринг!
Сенга шул бўлди хабарим,
Илгарида сендан билдим,
Неча вақт билмай айрилдим.
Қирқ битта бўлиб излаб бордим,
Тоғни очиб акам кўрдим,
Бу шаҳарга бирга келдим,
Сенга хабарин еткардим –
Шакарбекдай тўранг келди.
Тоғ бетида ёлғиз турган,

Аввал Шакар сени кўрган,
Гулгун, тақдиринг қўшилган,
Икковинг ҳам ошиқ бўлган,
Бу шаҳарда бўлсин даврон,
Ўрнингдан тургин, хиромон.
Шукур бўлсин, келди Шакар,
Кўнглида қолмасин ғубор,
Атрофингда бул канизлар,
Сени деб бўтадай бўзлар,
Шакар тўранг бағрин тузлар,
Сени бошлаб борсин қизлар,
Ошиқлар бир-бирин излар,
Ширин кайфинг берди хабар,
Энди менга қайтмоқ даркор,
Ободдир кўшку айвонлар,
Бора кўргин, Гулгун дилбар,
Хизмат қилар энагалар.
Шундай қилиб берди хабар,
Бир-бирига кўп интизор,
Хабар қилиб қайтди қайсар,

Бу сўзни эшитиб Гулгун пари канизларга қараб, шу сўзни айтиб турган экан:

— Ўнг кўлимга ўн бир узук,
Такиб қўйинглар, қизларим!
Зарли ковуш чанг бўлмасин,
Қоқиб қўйинглар, қизларим!
Оқ юзимга упа ранг,
Ёқиб қўйинглар, қизларим!
Бул қошимга машади ўсма,
Суртиб қўйинглар, қизларим!
Рўмолим қийшиқ бўлмасин,
Тортиб қўйинглар, қизларим!
Бувишинг йўлга киради,
Ҳовликсам ичим куяди.
Ўн канизи йўлин бошлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Ўн канизи зулфак ташлаб,

Ўн канизи пўш-пўшлаб,
Тура келди вақтин хушлаб,
Оёқларин бир-бир босиб,
Мушку анбар, ипор сасиб,
Қоши кўзига муносиб,
Кирди йўлларга шул замон,
Шакарбекман бўлса даврон,
Бораётир пари-пайкон,
Зари зарбоб либос кийиб,
Ҳамма қизлар бирдай бўлиб,
Капизларман ҳурдай бўлиб,
Оқ бадани кордай бўлиб,
Икки юзи ойдан ғолиб,
Кўрганлар шайтонлаб қолиб,
Шакарбекка бўлиб толиб,
Кирди йўлларга буралиб.
Боғда очилар гул ғунчалар,
Гулга ярашган нимчалар,
Ул паризод ойимчалар,
Йўлга тўлиб хотин-қизлар.
Кўрмокка бари интизор,
Том-томнинг бошидан қарар,
Саф-саф бўлиб сатта қизлар.
Шиқирлайди Гулгун дилбар,
Зарбоб либосга чулғанар,
Бораётир Шакарбекка,
Қадам ташлаб якка-якка,
Овоза кетди фалакка,
Борсам дейди шундай бекка.

Қизларнинг ичида Гулгун ўдаға,
Кийгани ипакдан, олтиндан ёқа,
Жамолини кўрган бўлар садақа,
Бораётир Шакарбекдай тўрага,
Жамолини кўрган ҳайрон қолади,
Узун эмас, ўзи ўрта бўлади.
Кўрган одам тентак бўлиб қолади,
Жамоли ярқиллаб ойим боради,
Киркинларман бирга-бирга жўнади,
Ёшга тўлиб бунда жоду кўзлари,

Пўш-пўшлар олдида кирқин қизлари,
Бораётган шундай сарвиноzлари,
Энага хотинлар бунда келади,
Пешвоз чиқиб, бунда хизмат қилади,
Олдига тушади, бошлаб боради,
Ўрдани бўшатиб тайёр қилади,
Бул ўрдага зеби зийнат беради,
Гулгунни ўрдага бошлаб боради.
Шакарбек шундайин навбати етган,
Қорахоншоҳ ўлиб дунёдан ўтган,
Гулгун пари ўрдага яқин етган.
Устига кийгани гулгун қирмизи,
Қорахоннинг бордир Окбадан қизи,
Келаётган эди шундай паризод.
Кўриниш берди-ку Шакар валламат,
Кўрганда қолмади Гулгунда тоқат,
Бир худойга йиғлар эди дод-дод,
Кўрдим деди бунда соғу саломат,
Бошингдан кетгандай қайғули кулфат,
Шакарбекни Гулгун қилди зиёрат,
Бирин-бирин кўрдилар соғу саломат.
Ёрини кўргандир бунда Шакархон,
Кўнглидан кетгандир бунинг юз армон,
Ёрига Шакарбек шундай қаради,
Ёрнинг кўнглин шунқор Шакар сўради:

– Орада ўтди қандай сўз,
Сен кетган сўнг қолдим ёлғиз,
Кеча-кундуз Ҳаққа йиғлаб,
Худойимдан сени сўраб,
Кўрганлардан сени сўраб,
Сени излаб, қилдим талаб,
Неча вақтлар жазо кўрдим,
Зор йиғлаб, ул жойда қолдим,
Шукур қилай, сени кўрдим.
Бу сўзни айтар Шакаринг,
Қандай бўлди сенинг ҳолинг,
Ҳар куни ўртар хуморинг!
Сенсан менинг суйган ёрим.
Мен сендан айрилиб қолдим,

Сўзингга қулоқ солмадим,
У бадбахтдан зулм кўрдим.
Сен ҳам менга раҳбар бўлсанг,
Айт, қаерда ўша "энам",
Қаердадир жой-макони,
Сўрадим кашмир мастонни!
Билган бўлсанг, хабар бергин,
Дорда турсин унинг тани.
Ул шумнинг касофатидан,
Тўкилди кўп одам қони.
Гул юзим сендан сўрайман:
Бор бўлса, айтиб келайин,
Мен ҳам кўнглини сўрайин,
Сангсор қилиб ўлдирайин.

Кўрмаган кунни солайин,
Маконига ўт қўяйин,
Билмай мен ҳам аҳмоқ бўлдим,
"Энам", деб раҳбарлик қилдим,
Ахир шундай азоб кўрдим.
Неча вақтлар жудо бўлдим.
Не одамларни ўлдирдим.
Аламзада кўп иш қилдим,
Жавоб бергин, сени кўрдим.

Бу сўзни Шакарбекдан эшитиб Гулгун пари ҳам бир сўз айтиб турган экан:

– Неча кун ул жойда мен бирга юрдим,
У кашмир айёрга сен дучор бўлдинг,
Энам, деб миндириб, манзилга келдинг,
Мен сўзласам, кўнглингга оғир олдинг,
Шу курғурни, тўра, вафоли билдинг,
Энам дединг, оша парвариш қилдинг.
Аввал хизмат қилиб кўнглинг хушлади,
Яхшилик сўзини сўнгра ташлади,
Юриб-юриб бир кун шумлик бошлади,
Мажлис деди, бизни маст қиб ташлади.
Ўлик суратида бўлиб колибмиз,
Бир-биримиздан жудо бўлибмиз,

Қандай бўлиб бу шаҳарга келибман,
Қандай келганимни билмай қолибман,
Кўзим очиб бул шаҳарни кўрибман.
Қорахон дер бунда шоҳи бор экан,
Орт-сиртимдан менга ҳаридор экан,
Қорахондан борган ул айёр экан,
Олтойгача мен ҳам фурсат сўрадим,
Сени ўлди, дедим, бунда йиғладим;
Шукурилло, эгам берди муродим,
Қорахондан кўп хизматкор тиладим,
Улар билан олтин кўшкини солдим,
Қиркин каниз билан унда ўлтирдим.
Олтойгача келмасин ваъда қилдим,
Қолишинг билмайин мен хайрон бўлдим,
Бор бўлса келар, деб кўзим тўрт қилдим,
Қаландарман юрган инингни кўрдим,
Айтиб келиб уни ўқитиб кўрдим,
Ининг эканини сўзидан билдим,
Ул вақти дардимни ёролмай қолдим,
Анча пулни мен ҳам уларга бердим,
Мазгилига қаландарни қайтардим.
Ўтирардим кеча-кундуз зор йиғлаб,
Мастон келди менинг кўнглимни сўраб,
Кўп иззат қилганман, раъйига караб,
Сўнгра уни ўлдирганман тепкилаб,
Алам тортиб бул кампирни ўлдирдим,
Кийган либосини ахтариб кўрдим.
Аждаҳор шохини мен топиб олдим,
Тасалла қилиб мен ҳам кўшкда турдим.
Шуйтиб ўлиб кетди ул кампир айёр,
Пулин адо қилиб келди қаландар,
Кўшкидан кўрганди мендай гажакдор,
Келаётир Қорахоншоҳ диловор,
Рашким кеп, олдига чиқдим боякбор.
Кулиб ул бадбахтнинг ақлини олдим,
Қўлим солиб соқолидан олардим,
Қаландарга мен им қоқиб юбордим.
Бўшатмай ушлади мендайин дилбар,
Сўта билан урди киркта қаландар.
Шунда ўлиб кетди шундайин қайсар,

Бир нечалар бул ишлардан бехабар.
Қорахоншоҳ унда дунёдан ўтди,
Ўлигини ташлаб эдим заминга,
Тани заминда чириб йўқ бўлиб кетди.
Қайним дедим, ининг билан топишиб,
Аждахор шохини Ширинга бердим,
Буларни жўнатиб у ерда қолдим,
Сени дедим, мотам тутиб ўлтирдим,
Кетди армон, шукурилло, мен сени кўрдим.
Тангрим бергай бунда барчага дармон,
Ҳеч иш бўлмас қудратли Ҳақдин бефармон,
Кўтарилди бошдан қайғули туман,
Ўйлаб турсам қолмас бу менда армон.
Омон-эсон кўрдим сизни, тўражон,
Сизга ошиқ Гулгун пари ёринг*ман*,
Кеча-кундуз сени йўқлаб турарман,
Сенинг бирлан аҳди ваъда қиларман,
Борар бўлсанг ўз юртингга борарман,
То ўлгунча хизматкоринг бўларман.

Бу сўзларни хонга Гулгунай айтди,
Гулгуннинг сўзини Шакар эшитди.
Канизларман бул ўрдага жўнатди,
Не аёллар қилиб ётир хизматди.
Шу кун ўтиб яна кунлар кеч бўпти,
Ўз ёрини бунда Шакарбек опти.
Кетган давлат қайта бошдан келибди,
Шул замон иккови бирга бўлибди.
Тонг отганча бунда ўйнаб-кулибди,
Гулгун-Шакар бурунгидай бўлибди!

Шу кеча ўтди, эрта билан тонг отди, қилиб тоза тахоратди, ўқиб намоз бомдотди. Шакарбек пойтахтга келиб бари амалдорлари хозир бўлиб, ўз саркардаларини хизматга солиб, Ширинбекка совчи қилиб бу сўзларни тайинлаб айтаётган экан:

– Манов юртда бирга даврон сурганлар,
Аввал Қорахонга хизмат қилганлар,
Хизмат қилиб бекдан сарпой кийганлар,
Ўз юртининг баланд-пастин билганлар,
Даврон суриб яхши бедов минганлар,

Олтин байроқ бунда анжом қилганлар,
Энди Шакарбекка ҳамроҳ бўлганлар,
Бул дунёда кўп ишларни қилганлар,
Дунёда сайр этиб бунда юрганлар,
Шоҳ қизига совчи бўлиб боринглар!
Ширинбекни шоҳга куёв қилинглар!
Оқбаданнинг кўнглин сўраб келинглар,
Тегмоқ бўлса, бунга олиб беринглар,
Оқсоқол-акобир унда боринглар,
Ширинбекка шундай хизмат қилинглар.
Бу сўзларни кўпдан бери ўйладим,
Амалдорлар, сизни совчи айладим.
Сизларга сўйлаган қизил тилим бор,
Қайда борсам, бул бошимга ўлим бор,
Оти Ширин, менинг ёлғиз иним бор,
Ширин учун қилганман хизматкор,
Хафа бўлма, мудом ўйнаб-кулинглар,
Оқсоқол-умаро бундан туринглар,
Ҳаялламай ул мазгилга боринглар,
Ширинбекка яхши хизмат қилинглар,
Шоҳнинг қизин шунга олиб беринглар,
Ширинбекнинг вақтин хушлаб туринглар!

Бу сўзларни айтди, Шакарбек қайсар,
Туриб жўнаб кетди бунда амалдор,
Шакарнинг сўзини қулоқда тутди,
Ўлган шоҳнинг мазгилига етибди.
Улардан қўрқишди бул хотин-қизлар,
Янги хонга биз бўлдикми гуноҳкор,
Не сабабдан келди бунча амалдор,
Сесканиб келолмай аёллар турди,
Не ишга келганин билмайин қолди,
Буларнинг кўнглига не гаплар келди!
Амалдор қошига чақириб олди,
Буларнинг қошига хотинлар келди.
Шакарнинг сўзини унга гапирди,
Эшитиб шу замон табассум қилди.
Яхшилик сўз эканини ҳам билди,
Оқбаданни унда чақириб келди,
Неча гап арбоблар бунга гапирди.

Окбадан сўзламай, уялиб турди,
Бермоқни хотинлар ихтиёр қилди,
Энаси ҳам қизидан сўраб кўрди.
Оҳ урганда сўйлайдиган сўзим, деб,
Парво қилган менинг икки кўзим, деб,
Жоним болам, ок баданли қизим, деб,
Сендай болам Ширинбекка лозим, деб,
Тегасанми, бўгам, сарвинозим, деб,
Кетган бул давлатга шерик бўлайик,
Сенинг учун келган қанча халойиқ.
Болам, сени Ширинбекка берайик,
Ширинбекни куёв қилиб олайик,
Оёқ ости қилолмайди халойиқ.
Болам, сенинг бунда кўнглинг сўрайин,
Келган совчиларга жавоб берайик,
Гапиргин, кўнглингни, кўзим, сўрайик!

Шоҳнинг қизи бу сўзни айтиб турган экан:

– Отам султон эди бунда Қорахон,
Даврон йўқдир, каттиқ кунда қолганман,
Мен бўламан ўлган хоннинг фарзанди,
Қўлдан кетди бундан отамнинг юрти,
Қолмайди ўйласам бунинг тоқати,
Мен ҳам дувран кундошнинг фарзанди,
Ҳозир даврон биздан ўтган билибман,
Есир хотин, етим қиз бўп қолибман.
Ҳозир, эна, не ихтиёр қилибман,
Нима десанг, айтганингга кўнибман,
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Эл ичида бўлмасман деб шарманда,
Не ихтиёр бордир, энажон, менда?!
Нима десанг, эна, ихтиёр сенда,
Хоҳ ёндир, хоҳ куйдир қизингни.

Бул сўзни қизидан шундай эшитди,
Хаёл қилди, кизи ҳам қабул тутди,
Келиб сўзин энди буларга айтди.
Вақти хуш бўп бундан амалдор кайтди,
Шакарнинг қошига бул замон етди,

Яхшилик сўзини Шакарга айтди,
Бир-бирини бунда қабул қилибди,
Тўй-томоша тараддудда бўлибди,
Шоҳ қизига катта тўйни берибди,
Элу халқ барчага хабар берибди,
Ошу гўшт ҳаммага тўй қип берибди,
Кўпкари деган расм элда йўқ эди,
Қаландарлар ҳар ерларга тўлибди.
Улоқ бер, деб чатоқ қилиб турибди.
Нима сўз, деб ул эл ҳайрон қолибди,
Бир улоқни булар сўйиб олибди,
Вақти хуш кўпкари чопмоқ бўлибди,
Булар қачон чавандозлик қилибди,
Улоқ тақимлаган оғиб қолибди.
Ҳар юртларда чопганларни кўрибди,
Бир нечаси бул йиғилиб турибди.
Қизикчилик томошани кўради,
Отнинг айлин бўш тортиб боради.
Эпчилроғи улоқ олиб жўнади,
Кўрган бари бунда ҳайрон колади,
Тўйга келган халойиклар қўшилиб,
Аста-аста катта йиғин бўлади,
Қаландардан кўпкари ўрганади,
Қизиқ томоша, деб булар ҳам киради,
Куни билан чувлаб улоқ чопади,
Кўрмаганга кўрган берди хабарни,
Ҳар кайси мингандир бир бедов отни,
Қаландарлар оғиб кўпкари чопди,
Кўпкари қайтариб қизиқ бўлибди,
Олтин отиб, олтин қовоқ отдириб[25].
Мухрланган тилла карнай торттириб,
Қирқ кеча-кундуз элга тўй бериб,
Қирқ кундан сўнг тўйи охир бўлгандир.
Ширинбекни энди бошлаб боргандир,
Никоҳ қилиб Ширинбекка бергандир.
Бир ўрдада булар бирга бўлгандир,
Ҳар ким ўз ишига турмай боргандир,
Энди сурсак дейди бунда давронни,
Куёнқи юртидан келиб Ширинхон,
Бунда Қорахоннинг қизин олгандир,

Худонинг тақдири бундай бўлгандир,
Фалак гардишиман бунда келгандир,
Оқбадан кўрган йўк бундай ўғлонни,
Жамолини кўриб ҳайрон қолганди,
Излаганга сўрагандай бўлгандир.

Қорахоннинг қизи Ширинбекка караб, сизники қаердан, деб сўраб турган экан:

Қай чаманнинг булбулисан?
Қай боғнинг, сен гулисан?
Қандайин шохнинг ўғлисан?
Сен кимнинг жону дилисан?
Қайси юртдан бунда келдинг?
Ота-энангдан айрилдинг?
Сен менга харидор бўлдинг,
Сен ҳам менинг ақлим олдинг.
Маълум қилгин, қайдан келдинг,
Қаерларда ўсган юртинг?
Қайси шоҳ бўлар авлодинг?
Ҳуснинг кўриб қолмади-ку,
Қошингда менинг тоқатим,
Айрилибди ота-онанг,
Қаерларда кулба-хонанг?
Сендан савол сўрар санам.

Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Сени одам десам, бехишт ғилмони.
Ҳуснинг кўрганларнинг кетар дармони,
Сени одам десам, бехишт ғилмони,
Нур сифатли, хоним, кимнинг ўғлисан?
Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,
Қошингнинг келбати эгилган ёйга,
Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга,
Қарчиғай чангаллим, кимнинг ўғлисан?
Нега сен юртингдан парвоз қилибсан?
Бир гулшан, деб келиб бунда қўпибсан,
Тақдир тортди, бегим, мени олибсан!
Қайси юртдан бунда парвоз қилибсан?
Парвоз қилган, хоним, қайдан бўласан?

Менга айтгин ўсган кирдикорингни!
Кўнглингдан чиқарсанг, сен, ғуборингни!

Бу сўзни эшитиб, Ширинбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

– Эй, лочин боқишли, жаброил парим!
Қадди шамшод, хусни моҳи анбарим,
Эй, лочин боқишлим, мендан сўрадинг,
Зарафшон зулфингга урибсан шона,
Хинали қўлларинг бўябсан қона,
Ғамзаси жон олар дурру ясона,
Юсуф каби мени солма зиндона[26],
Зулайҳо пишонли мендан сўрадинг[27],
Нима бўлар дилбар сенинг муродинг?
Не сабабдан мамлакатим сўрадинг?
Очилган баҳорда боғнинг гулиман,
Отамман-энамнинг жону дилиман,
Қуёнқида Қосимхоннинг ўғлиман,
Бошимни олиб бул юртда юрибман,
Туз-насиба хайдаб, бунда келибман.
Худо қилди саргардон бўп юраман,
Неча вақт шоҳликдан гадо бўламан,
Ахир тақдир тортиб сени оламан,
Сен эшитгин мендай марднинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Ақли бор чайнайди гапнинг тузини.
Мен ҳам олдим сендай сарвинозини,
Тақдир тортиб Қорахоннинг қизини.

Бу сўзларни бунга Ширинбек айтди,
Бошдан тожни, қўлдан бермай давлатни.
Ўрдада ёр билан қуриб суҳбатни,
Шу кечаси суҳбат, май билан ўтди.
Тонг отиб кун чошка ҳаддига етди.
Шоду хуррам қилди Шакар ўзини,
Овга чиқар югуртириб тозини,
Сўраб турди бу шаҳарнинг арзини.
Навкар бўп қаландар хизмат қилади,
Хизматидан Шакар кўнгли тўлади,
Гадойлик эсидан чикиб боради.

Гулгуннинг бор эди қирқта канизи,
Битта-битта қаландарга беради,
Қирқ қаландар хотинли бўп колади,
Рўзғордор бўп қаландарлар юради.

[Шакарбек шундай қилиб бу мамлакатда подшо бўлиб турди. Орадан неча ой, неча кунлар ўтиб кетди][28].

Подшо бўлиб энди бунда жой тутди,
Неча ой, неча кун орадан ўтди,
Бир кеча энаси тушиб эсига,
Шакарнинг уйқуси қочиб кетибди.
Ҳамма дардин Гулгунойга айтибди:

– Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганди,
Шу фалак бошима савдо солганди,
Ётиб эдим тахт устида бул кеча,
Жилва қилиб энам бунда келгандир,
Бу юртларда мендан хабар олгандир.

Бу сўзларни Шакарбекдан эшитиб, Гулгун пари Шакарбекнинг хафа бўлганини билиб, Шакарбекка караб бир сўз айтиб турган экан:

– Отангман энангни эсга олдингми,
Мамлакат, юртингга хаёл қилдингми,
Ўз юртингга, хоним, кетмоқ бўлдингми?
Борар бўлсанг, сенга айтар арзим бор,
Аждаҳор зарбидан кетган кўп девлар,
Девлар эди аввал менга хизматкор,
Бул ишимни англаб билгин зўрабор,
Зил тоғига бориб келар ишинг бор.
Шул ишни битирсанг кўп осон бўлар,
Хизматимга келар ул қанча девлар,
Уларга якиндир энг олис йўллар,
Турган маконимда битта сандиқ бор,
Чашманинг ичинда билсанг мавж урар,
Олиб келсанг хизматинг тайин бўлар.
Гулгун Шакарга бу сўзни айтди,
Эгарлаб Шакарбек минганди отди,
Овга чиққан киши бўп жўнаб кетди,

Амалдорлар бекни билмай қолибди.
Остига мингани назари тулпор,
Учса булут билан булар баравар,
Шакарбегим чўлда кетиб боради,
Ўзи кўрган бу йўлларни билади,
Гулгунойнинг айтган ишин қилади,
Зил тоғига қичаб кетиб боради,
Зил тоғига энди етиб колади.
Юрган жойларини Шакар кўради,
Тоғнинг мурватига шохни уради,
Ярқиллаб очилди тоғнинг мурвати,
Ичкарига кирди бул валламати,
Гулгун билан юрган ерларин кўрди.

Шакарбек бу маконга кириб кетди. Бу ерда бир сарчашма бор эди. Шакарбек илгари ҳам уни кўрар эди. Лскин нима экапини билмас эди. Шу чашманинг бўйида турди. Кўзига бир сандиқ кўринди. Сандикка караса, гоҳ кўринади, гоҳ сувга ботиб кетади. Сандиқ сувнинг юзига чиққан вақтда Шакарбек қўл узатиб ушлаб олди. Сандиқпинг ичида нима борлигини билмади. Очмоққа Шакарнинг қуввати келмади. Сандиқни олиб отига миниб, тоғдан чиқиб, аждаҳорнинг чап шохини урди. Тоғ қадимгидай беркилди. Йўлга равона бўлиб бу сўзларни айтиб борар эди:

– Тоғлар азиз бўлар туман турмаса,
Йўллар азиз бўлар одам юрмаса.
Боғлар хароб бўлар боғбон турмаса,
Гул кетар бўлса гулистон эмранар,
Мулки вайрон бўлса, подшо тебранар.
Мол борида ҳамма одам дўст эди,
Бошдан давлат кайтса туққан эмранар.

Бу сўзни айтиб йўлга кирди Шакархон,
Мўминни бандам дер кудратли Раҳмон,
Остида бедови ўйнар юз алвон,
Гулгун ёрга етсам деди бул замон.
Кўп бўлади Шакарбекнинг меҳнати,
Гулгуной деб хоннинг қилган хизмати.
Турган жойи Қорахон мамлакати,
Эсига тушади ўсган элати,

Узоқ йўлдир отга қамчи чотади,
Шакар катта эмас, ҳали боладир,
Каттанинг ишин ул ёлғиз қилади,
Гулгуннинг айтганин олиб боради,
Қандай хизмат ўзи билмай жўнади.
Олис йўлни оти яқин қилади,
Бораётир Қосимхоннинг фарзанди.
Кўзига кўринди Қорахон юрти,
Ул етишди Шакардайин бекзоди,
Бул сандиқни Гулгунойга узатди.
Навкар отни олиб таблага кетди.
Шакар туриб тахт устида жой тутди,
Гулгун яхши кўрган шундай хонини,
Парвариш қилади меҳрибонини,
Сандиқда банд қилган девнинг жонини,
Ўз бошига қўйган ҳабаш танини.
Ул кечаси файзи саҳар бўлганда,
Сандиқни Гулгуной очиб қаради,
Девларнинг жонини қўлга олади,
Тонг отганда дунё тўзон бўлади,
Ҳар тарафдан девлар ошиб келади,
Девнинг жони Гулгунойнинг қўлида,
Одам қўркиб, туролмади элида.
Жонин қисса девлар азоб кўради,
Гулгунойга бари таъзим беради.
Шу девлар қўл қовуштириб туради,
Девлар келиб, узр-маъзур қилади,
Не хизмат, деб Гулгунойдан сўради.
Девнинг жонин каттиқ сиқиб ушласа,
Бири бошим деса, бири юрагим,
Кўп типирлаб бунда ётиб қолади,
Гулгунойнинг хизматида бўлади,
Буюрганда тоғни талқон қилади.
Девга хизмат буюради зулфакдор:

– Бирор тахт устида қўрғон ясанглар,
Қанча анжом бўлса унда тургудай,
Парвоз қилса Қуёнқига қўнгудай,
Қанча одам кириб анжом бўлгудай,
Кечиктирмай шу хизматни қилгудай.

Бу хизматни Гулгун девга буюрган,
Тахт ясаб қўндирди пўлатдан қўрғон,
Девлар айтганин хўп ўрин қилган,
Олтин кўшкисини ўртага олган,
Ҳийланинг борини ул девлар билган,
Бошида Гулгуной туриб кўрсатди,
Девлар кетар йўлин жуда ўхшатди,
Тахт устидан қўрғон қилиб тузатди,
Тонг отгунча девлар ишлаб, бул ётди,
Элу халққа Шакар хабар қилибди,
Эл каттаси йиғилишиб келибди.

Шунда Шакарбек эл катталарига қараб, шу сўзни айтиб турибди:

– Оқсоқоллар, акобирлар,
Ҳолини билган яхшидир.
Беадаб жойи нариди[р],
Бир беадаблик бекорди[р],
Улуғларга чилтан ёрди[р].
Сизларга айтар сўзим бор,
Беэга қилманг шаҳарни.
Мен бу ердан кетмоқ бўлдим,
Шаҳаншоҳлар ҳар шаҳарда,
Чорвадорлар кезар йўлда,
Кўп сўзлар бор айтар тилда.
Турарим йўк ушбу элда.
Бировингни бек қилинглар,
Менинг сўзимни билинглар,
Пойитахтга миндиринглар.
Шакарбекни жўпатинглар,
Яхши маслаҳат қилинглар,
Бу юртга эга бўлинглар!
Мусофир бек кетар бўлди,
Бизга жавобни беринглар.

Бу сўзни Шакарбек айтди,
Давлати ўртада қобди,
Катталикдир яхши нарса,
Ҳамма талашиб турибди.

Эл катталари бу сўзни эшитиб: “Мен бўлсам”, “Мен бўлсам”, деб талаш қилди. Шакарбек элни сўраб кўриб, уларга шундай маслаҳат берди: “Қайси эл оз бўлса, бекни шундан қилинг! Кўп элдан бек қилманг, бўлмаса, кўп эл бўйнийўғонлик қилиб, оз элни оёқ ости қилиб, юртни хароб қилар, оз элдан бек бўлса, бу элни обод қилар. Бўйнийўғонлик қилмайди, ҳеч кимга беҳуда гап гапирмайди”.

Бу гап билан ўрлаш, бўйнийўғонликлар йўқ бўлди. Ўзи оз, оёқ ости бўлиб, гапи ҳам бўлмай юрган элдан бир бек кўтариб, беклик дафтар, муҳрларни унга топширди. Шакарбек бу элнинг ихтиёридан жудо бўлиб, пойтахтдан тушиб Гулгун пари билан девлар қилган кўрғонга кириб кетди. Ширин ҳам ўзининг ёри билан ҳамроҳ бўлиб, Шакарбекнинг қошида ўлтириб қолди. Қирқ қаландар ҳам ўз хотинлари билан кетиб, Зил тоғидан олиб келтирган оту анжомлари билан ҳозир бўлдилар.

Шунда Гулгун пари девларга қараб шу сўзларни айтиб турган экан:

– Қулоқ солгин паризоднинг тилига,
Ишим тушди бундай девнинг зўрига.



“Ширин билан Шакар” достонининг 1940 йилда Хусанбой Расуловдан ёзиб олинган варианти қўлёзмаси.

Еткиз бизни Қуёнқининг элига,
Кўзлаб учгин узоқ юртнинг йўлига.
Бошим тушди менинг неча савдога,
Зўр уриб кўтариб учгин ҳавога.
Бу хизматни ўрин қилсанг кўраман,
Барингни бандимдан халос қиларман.
Бўлмаса кабоҳат кунни соларман,
Хизматингни кўриб мен тан берарман,
Қолган юртларимни инъом қиламан,
Девлар хизматини яхши биламан.

Бу сўзларни айтди Гулгун зулфақдор,
Ҳавога кўтарди ул замон девлар.
Девлар келиб бунда тахтга ёпишди,
Ғуриллаб кўтариб ҳавога учди.
Гулгуннинг ишига қойил бўлади,
Бул одам барчаси ҳайрон қолади.
Яшиндай оқшомлаб кетиб боради,
Девлар ҳурмат қилар Гулгун парини,
Пари эмас, қўлидаги жонини,
Аччиқланса ўлдиради барини,
Кўзлаб учар Қуёнқининг шаҳрини.
Ўтли-сувли неча тоғлардан ўтди,
Девлар қилиб кетди шундай хизматди,
Вақтин хуш қилсам деб ул паризодди,
Жони учун девлар қилар хизматди,
Оқшом учиб файзи саҳар бўлганда
Етиб борди Қуёнқининг элига,
Девлар зўрлигини шунда билдирди,
Қуёнқи шаҳрига яқин қўндирди.
Атрофида саф-саф девлар турибди,
Тонг отганда кун шуъласи урибди.
Кундай бўлиб ул ярқиллаб турибди,
Қуёнқида барча одам кўрибди.
Кўрган одам бари ҳайрон қолибди,
Кўргап кўрмаганга хабар берибди.
Ҳамма йиғлаб бунга ҳайрон колибди,
Ёки элга бир қиёмат бўлибди.
Биз билмаймиз қайси юртдан келибди,
Ярқиллаган қўрғон пайдо бўлибди,

Турли жондор атрофини олибди,
Бизнинг юртга аломат кун бўлибди,
Оловхўжа пирга хабар берибди,
Қосимхон эшондан сўраб турибди.

Эшонига қараб Қосимхон бул сўзни айтиб турган экан:

– Мен биламан хақиқати валини,
Сиздан кўрдим карорматнинг мўлини,
Бундай кунда сўра Қосим холини,
Бир кечада қўрғон пайдо бўлибди,
Атрофини сонсиз девлар олибди,
Бул аломат, пирим, кандай бўлибди?
Нима ишга келган бул девдан лашкар?
Одам насли бўлолмаса баравар,
Пирим, сизга айтган сўзим шу бўлар,
Бир каромат айланг энди, комиллар,
Валисиз, биласиз, бўлинг хабардор,
Яксон бўлиб, ўлиб кетар одамлар.
Кўриб колмас бунда менинг токатим,
Баравар бўлмоққа келмас кувватим,
Вайрон бўлиб кетар шоҳлик шавкатим.

Бу сўзларни унга Қосимхон айтди,
Оловхўжа комил пири эшитди.
Эшон фикр килиб, шундай ўйлади:
Ширин, Шакар келар вақти бўлибди,
Оловхўжа бунда ўрнидан турибди,
Бул девларга караб маст бўп юрибди,
Эшон номин кўтарганман, борай, деб,
Нима бўлса, тақдиримдан кўрай, деб,
Оловхўжа бул яқинлаб боради.
Ширин, Шакар эшонини кўради,
Йиғлаб чиқиб эшонининг олдига,
"Пирим", – дейди, бул зиёрат килади.
Неча йилдир элдан кетган валламат.
Ўлиб кетган эди бундайин бекзод,
Ул бошига кўшиб канча аломат,
Элга етишгандир соғу саломат,
Худойим бергандир айёму давлат!

Шакарбек эшонига қараб шу сўзни айтиб турган экан:

Насиб қилса бедовимни минайин,
Олмос пўлат қайраб қўлга олайин,
Девларнинг барини ҳамроҳ қилайин,
От ўйнатиб Қуёнқига кирайин,
Кўздан тўкиб бунда селоб ёшини,
Мен қилайин душманларнинг ишини,
Аввал кесай мен отамнинг бошини,
Хотиннинг гапига отам кирганди,
Ҳукмикушга мени тайин қилганди.
Ўлмай Ширин, Шакар бунда келганди,
Мен кўрайин ул туҳматчи душманди,
Ота-энам менга бўлгандир душман,
Қилган ишларига қилсин пушаймон,
Сиз бўлдингиз ёмон кунда меҳрибон,
Ул сабабдан, пирим, сиздан сўрайман.
Жавоб беринг, тортинмайин борай мен,
Неча вақт зор этиб чўлда, пиёда,
Кўп азоблар тортдим фоний дунёда.
Сизнинг дуонгиздан етиб мурода,
Энди бул давлатим бўлди зиёда.

Бу сўзни эшитиб, эшон бир сўз айтиб турган экан:

Қандай фарзанд отасига ўк отар?
Бу шаҳарга ўқ отмагин, бек Шакар!
Бу шаҳарда сенинг қиблагоҳинг бор,
Қандай фарзанд отасига тиғ тортар?
Бўлмагайсан маҳшар куни гуноҳкор,
Тиғ тортган ул бўлади-ку окпадар!
Бу шаҳарда сенинг қиблагоҳинг бор,
Отангнинг ҳурматин қилгин, бек Шакар.
Шайтоннинг йўлига кирмоқ не даркор?
Кетма ўзингдан, болам, бул хабардор,
Оловхўжа айтган сўзи шул бўлар,
Манманлик сўз, болам, сенга не даркор.
Камликнинг камоли борди[р], бек Шакар,
Нодон кўнглинг бундай қилиб бўлмагин,
Хаёлингга манманликни олмагин.

Жоним болам, бўйнийўғон бўлмагин,
Манманнинг заволи бордир, фарзандим,
Шу бўлди айтган бу насиҳатим!

Эшон Шакарбекка кўп насиҳат қилди. Шакарбек ҳам раъйидан қайтди. Ўзи билан келган девларга жавоб берди. Девлар ҳам жўнамоқнинг ҳаракатин қилиб ётдилар. Эшон қайтди. Қосимшоҳнинг қошига етди. Бўтакўзойимни чақириб, эшон бу сўзни айтди:

Боғда очилган гулинг келди,
Чаманда булбулинг келди,
Сенинг жону дилинг келди,
Ширин, Шакар улинг келди.

Ҳукмикушга тайин бўлган,
Мансурнинг дорини кўрган,
Ўлди, деб овоза қилган,
Ўлмай боланг омон қолган,
Гулгун деган қизни олган,
Кўп девни хизматга солган,
Девлар қилиб тахти кўрғон,
Бу юртларни қилар яксон,
Бу сўзни билгин Қосимхон,
Орага тушган бир эшон,
Ишингга қилгин пушаймон,
Шукур қилгин сендай султон,
Ўлмай боланг омон қолган,
Кетади бошингдан туман.
Бўлар яна бунда даврон,
Шунча ишларни ўткизган,
Ширин, Шакар ўғлинг келди!

Рухсат олмай шикор кетган,
Ўн тўрт йил йўқ бўлиб кетган,
Қаторли карвонинг келди!
Ширин, Шакар жон фидоси,
Тожи тахтнинг эгаси,
Қуёнқи шаҳрин тўраси.
Бехуда тўкма кўз ёшинг,
Неча йил гангиди бошинг,

Юртни ўртади нолишинг,
Ширин-Шакар боланг келди!

Ҳаққа етган сенинг ноланг,
Омон-эсон келди боланг,
Юрагингдан кетсин алам.
Энди обод бўлар юртинг,
Келибди шундай фарзандинг,
Эзилиб бунда юрагинг,
Сен билмагансан дарагин.
Қайтадан ёнди чироғинг,
Ширин-Шакар боланг келди!

Эшондан бу сўзларни эшитиб, Бўтакўзойим шу сўзни айтиб турган экан:

– Шархи дилим кимга ёзсам,
Тинмайин дунёни кезсам,
Оҳ урсам, маҳшарни бузсам.
Тарк айлаб шу мосувони,
Йўқотдим икки тўрани.
Қидирсам фоний дунёни,
Кўрарманми, болам, сени.
Хаста бўлиб қолдим ўзим,
Ҳеч кимга ботмайин сўзим,
Йўлига тўрт бўлган кўзим,
Сарғайгандир қизил юзим,
Борми Ширин, Шакар қўзим?

Бу сўзни айтиб бошин олиб жўнади,
Ширин, Шакар хабарини билади,
Ўлиб кетган Ширин, Шакар келди, деб,
Элу халққа бул овоза бўлади.
Болам, деди ул Бўтакўз жўнади,
Қанча амалдорлар, кўринг, Қосимхон,
Ўлди деган ўғли хабарин билган.
Чикиб кетди Қуёнқидан бул замон,
Бошлаб бораётир буларни эшон.
Келаётганини кўрди Шакархон,
Англаб билди Шакарбекдай тўраси,
Келаётир Бўтакўздай энаси,

Ширин, Шакар шундай пешвоз чикади,
Болам, деб бағрига босди ул замон:
– Эл ичида ғариб бўлдим,
Болам, сендан айрилгани.
Қиёматли кунлар кўрдим,
Қўзим, сендан айрилгани.
Кўзларимдан кетди равшан,
Топилмади сарой-бўстон,
Дўст кишилар менга душман.
Болам, сендан айрилгани.

Юрагидан кетди армон,
Менга кирди қувват-дармон,
Шундай ишлар Ҳақдан фармон,
Мендай энанг ғариб бўлган,
Шукур қилай сени кўрган,
Омон-эсон сени кўрган,
Ўғлига мастар Қосимхон.

Бунга ора тушди эшон,
Икковини яраштириб,
Ота-болани кўриштириб,
Бир-бириман топиштириб,
Эл ичига шундай бошлаб боради,
Қуёнқи шаҳрига энди киради.
Элу халққа кўп овоза бўлади,
Ҳамма келиб Шакарбекни кўради.
Кенжа ойимнинг туҳмати маълум бўлади,
Туҳмат қилганини беклар билади,
Бўтақўз гуноҳин бундан сўради,
Ўлим ўтин энасига беради.
Шундай бўлиб юртга эга бўлади.
Элу халққа тўй-томоша қилади,
Қавм-қариндошни беклар кўради,
Омон-эсон беклар элга етибди,
Бари қолган барчасини кўрибди,
Келиб юртда тўра бўлиб юрибди,
Неча ишлар энди булардан ўтди,
Ширин, Шакар топди мурод-мақсадди,
Бул достонни Фозил шоир айтди.

РАЪНО БИЛАН СУХАНГУЛ

Достон

Айтувчи: **Фозил Йўлдош ўғли**
Ёзиб олувчи: **Маҳмуд Зарифий**
Нашрга тайёрловчилар: **Маматқул Жўраев, Мунис Жўраева**

Замоннинг замонида, бурунги замонда Таманно деган шаҳарда Темуршоҳ деган ўтди. Ўн икки минг сипоҳи ҳамроҳ бўлиб бирга ўтириб, шаҳарни гулу гулзор қилиб, бахайбат қанча аскарлар тузиб, подшолик давронини сурди, ўзи бефарзанд бўлди. Фарзанд тараддусида қанча азизларни зиёрат қилди, ҳеч қайсидан бир набаҳат кўрмади. Кундуз подшоликка маълум бўлиб, оқшом уйқуси кочиб, ёши кирққа яқинлаб бориб: "Ўзим ўлган куни бу подшолик, давлатлар сабил қолади, бунга кимлар эга бўлиб, чироғим ўчиб, мендан ном-нишон қолмай, худойдан кўп тилайман, кўнглимдаги бўлмай, ичимдаги дардимни ҳеч ким билмай, сирдошлар мендан хабар олмай ҳолим хароб бўлар. Мендан хабар олар фарзанд берар", – деб ўзига тасалли бериб: – Қанча пайғамбарлар ўтди, қанча авлиёлар ўтди, шулар кўпи ўғилсиз ўтди. Худонинг йўлида хизмат қилган кишилар, худо берса шуларга бсрар. Подшо бўлган билан худонинг наздига мен нима деган одам, бир давлатга ишониб турган одамман-да". Бу сўзларни ўз фикри билан айтиб, яна ўғилсизлиги асар қилиб, фалакдан шикоят келтириб, икки оғиз ғазал айтиб турган экан:

Сендай подшо Таманнони сўради,
Атрофида кўп сипоҳи туради.
Ўзим ўлсам мулким сабил бўлади,
Таманно султони оқшом йиғлади.

Йиғлай-йиғлай менинг қаддим букилиб,
Жаладай бўп кўзда ёшим тўкилиб,
Ўртанган ўтларга жонимни солиб,
Кетсам бу давлатдан бошимни олиб.

Оқшом мен йиғлайман Ҳаққа зор-зор,
Ўзимни топширдим, яратган Жаббор,
Бефарзандман, менга давлат не даркор,
Бетима айтмайди қанча муҳрдор,
Кимига йиғлайди, дейди одамлар.

Олган ёрим қолар сочини ёйиб,
Ўзим ўлсам мулким бўлар бссойиб,
Йиғладим оқшомлари сарғайиб,
Улсизликдан менинг қаддим букилди,
Ҳозир шохман, охир ҳолим не бўлди?

Оқшом йиғлаб, дўсти-душман билмасин,
Халқ ичинда мени гап қип юрмасин,

Дўстим хафа, душманларим кулмасин.
Ҳолимни айтиб яратганга йиғлайман,
Фарзанд учун ҳожатимни тилайман,
Садағанг бўлайин, Довуд-Сулаймон.

Киз бўлса ҳам ёғар раҳмат,
Ҳақнинг дўстидир Муҳаммад,
Душман қилмасин маломат,
Ўтди пайғамбар ўғилсиз.

Қаландарлар кияр жанда,
Ҳу, деган Оллоҳга банда,
Валиларнинг бари шунда,
Самарканда Шоҳи зинда,
Булар ҳам ўтди ўғилсиз.

Яхши куним дўниб кора,
Юрагим бўлиб садпора,
Сатқанг бўлай Вайсил қора[1],
Булар ҳам ўтди ўғилсиз.

Темуршоҳ, ўзинг бандасан,
Иймонинг бу созандасан,
Кофир ўлсанг шармандасан,
Сен ҳам ўтарсан ўғилсиз.

Жумла ўтган авлиёлар,
Ҳожатин бер парвардигор.
Бир фарзандни Ҳақдан тилаб,
Кўнглим бўлган бекарор.
Бундай мени ноумид қилма,
Эгам ўзингда ихтиёр.

Бу сўзларни айтиб, ўз ҳолига йиғлаб кўзи уйқуга кетди. Туш кўрди, тушида ҳазрати Хизр, *Ғавсул Ғиёс азизларни кўрди*[2]. Уйқуда ётибди, азизлар ўзларини билдириб, қирқ чилтан тушида суҳбатига олиб, Темуршоҳга шароб бериб, масти беихтиёр бўлиб уйғонди. Уйғонса, ул кўрган азизлар йўқ, бир ўзи пойи тахтида ётибди. Бу чилтанлардан мадад кўриб, хаёлида, кўнглида худо берган ўғли эр етиб қолгандай бўлиб, чилтанларнинг меҳрибонлигини билиб ўрнидан туриб, кўнглидаги

ғубори бари кетиб, мақсади Ҳақдан топилиб, вақти хуш бўлиб, ўрнидан туриб иштон-кўйлакларни ечиб ташлаб, чопонини эгнига олиб пойтахтдан ўрдага қараб жўнади. Машъалалар ёқилган, қоровул, ясовуллар шайланиб турган. Темуршоҳга қувват эниб, ўрдага бориб, ўрдада ойимдан хабар олиб, жаланглаб чаққон бўлиб кошига етди. Ойим Темуршоҳни кўриб, келинг, деб ўрнидан туриб, Темуршоҳ кирдай бўлиб чечиниб, кўрпага уриб кетди. Чилтандан назар топган бул ишни худой берди. Шунда бибиш ёрига етишди, иккови бугун топишди. Тушда кўрганини ёрига билдириб, ё чилтан пирим берди, деди. Подшонинг хотини ҳомиладор бўлиб колди, Темуршоҳга худой бериб қолди. Улуқизига иши йўқ, йиғлагани мустажоб бўлиб қолди. Шундай ишни қилиб, эртан-мертан тонг отди. Худо берди, беш кун, ўн кун орадан ўтди. Подшолик давлатга халойиқни йиғиб, неча кун, неча тун тўй-томоша бериб ётди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа орадан ўтди. Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, не-не энагалар онгиб турибди. Муддати битди. Темуршоҳнинг фарзанди ер юзига тушди. Кўрди, ўғил бола экан. Темуршоҳга суюнчи, деб жўнаб кетди. "Суюнчи, ойим ул топди!" – деб подшо эшитди. Қаторда норини, бисотида борини, ғазнадаги зарини суюнчи, деб айтган кишиларга бўлиб берди. Бир хил кишиларга худо берди, бўлганича бўлиб қолди. Подшолик яхши, ширин сўзли, қуралай кўзли ўғлини парвариш қилмоққа шундай энагаларга тайин қилди. Шуйтиб, ул подшонинг ўғли бирга кирди, иккига кирди. Энагалар йиғилиб, неча одамларга томошалар бериб, бешикка солди. Бешикка солиб, сап мунажжим, уламолар йиғилиб ҳаммасини йиғиб от қўймоқчи бўлди. Оқсоқол, акобир, доно вазир – бари йиғилиб, отини Раъно қўйди. Вазирлар, уламолар, "Назардан топилган бу шоҳнинг ўғли, бунинг отини Раъно қўяйлик, неча шаҳарларни олиб, душманга сиёсатли бўлсин" – деб отини Раъно қўйди. Тўрт ёшга киргандан кейин мактабга олиб бориб берди. Етти, саккиз ёшга кирганча ўқиди. Темуршоҳ: "Буни мунча ўқитиб бир қишлоққа имом қилиб қўяйми, энди [мактабдан] чиқариб илми сипоҳиликдан таълим берган тузук, хат таниса бўпти-да. Бекорига мулла таҳадди егизиб, боламнинг кўнглини чўгариб ётмайин, бир нима берсам меҳнат билан ўқитган, кўп нарса оламан, деб турган, ул олганга ўтди кетди", – деб бу сўзни кўнглига маъқул билиб, бирга ўқиб турган болаларни, муллани ош қилиб чақирди. Бу хабарни муллалар эшитиб: "Подшонинг ўғли ҳали хатмкарда бўлгани йўқ. Мендан ё бир гуноҳ ўтдими, ўлар вақтим яқин етдими, шоҳдан хабар келса бизнинг ҳаддимиз борми. Нима бўлса борайин", – деб юборган махраминнинг қўлида хатини кўриб, ўлмасини билиб кўнгли хурсанд бўлиб, подшонинг давлатхонасига қараб, ўқитган болаларини эргаштириб, жиловхонага

бориб, одоб сақлаб турди. Подшонинг хурсандлигини билиб, баланд тахт устида кўриб, бемалол келаверсин, деб юқоридан хабар бериб, бул хабарни эшитиб, юқори қараб чиқиб борди. Уларнинг остига кўрпачалар солди. Муллалар кўриб димоғи чоқ бўлди. Кўрпачанинг устига чиқиб ўтирди. Хизматкор дастурхон ёзди. Писта, руста, қандолатлар қўйиб, чой дамлаб учовора палов тортди. Ошни еб, дуо қилиб, ҳаммасига яхши сарпойлар ёпиб, қанду қандолатларни олдига қўйиб, зарбоф сарпойларнинг устидан лаълига ҳар кимматбаҳо тошларни уйиб, ҳар қайсисининг олдига бир неча тилла қўйиб, Раъно билан бирга ўқиган муллаваччалар ҳам бўлиб қолди. Ададсиз давлатни муллага худо бериб қолди. Қўл кўтариб бари Темуршоҳнинг ҳаққига дуо қилди. Муллаларнинг бир нечасига жавоб бериб, бир неча амалдорларни чақириб, ҳаммасини йиғиб бир сўз айтиб турган экан Темуршоҳ:

Амалдорлар, қулоқ солинг тилима,
Эл кўрсатинг менинг жони-дилима,
Йўлдош бўлинг энди менинг ўғлима,
Неча хамдамини ҳамроҳ қилинглар.

Сайли гулзор, баҳорли ер кўринглар,
Лочин солиб кўлдан ўрдак олинглар,
Сипоҳийлик бунга таълим берингглар,
Кечга қолмай эрта қайтиб келинглар.

Мен подшоман, бола тўра бўлганди,
Мадрасада диққатликни кўрганди,
Томошани кўзим ҳавас қилганди,
Эшитинглар мендай шоҳнинг тилини,
Кўрсатинглар ҳар тарафнинг йўлини,
Ўғлим кўрсин отасининг элини,
Яхши-ёмон халқнинг мазгилини,
Амалдорлар, менинг элим эшитинг,
Тўқайистонга ияртиб кетинглар.

Насиб этса адрас, кимхоб кийинглар,
Ҳақдан келган ишга бўйин эгинглар,
Добил туйиб, кўлга шунқор чуйинглар,
Битта-битта бедов отни мининглар,
Чорсу, Регистон билан чиқиб боринглар,
Нима деса, айтганини қилинглар.

Бола деб кўнглини ноза қилманглар,
Беҳуда сўйлашиб, сизлар кулманглар,
Нодон сўйлаб, буни хафа қилманглар,
Темуршоҳ дер, болам менинг дармоним,
Шу вақтида балки йўқдир армоним,
Мен ўлган сўнг элга бўлади хонинг.
Неча ой, неча йил бўлар давроним,
Сўзимни мухтасар билгайсан, жоним.

Бул сўзларни амалдорларга тайинлаб, хизматкор, мирохўрларга: "Ўғлим билан бирга юрган муллаларга, сўз бўлиб юрган жўраларга битта-битта от эгарлаб, абзаллаб олиб кел", – деб буюрди. Ўғлига мингани ўзининг овга минадиган бир оти бор эди, назаркарда от эди. Етти пушти тулпор ўтган, ўп икки пирнинг карами кетган, қувганга етган, қочса қутулиб кетган, шундай от эди. Шул отни ўғлига эгарлаб кел, деб сайис хизматкорларини буюрди. Хизматкорлар подшонинг таблахонасига борди. Ҳар отлар турибди юлдузни кўзлаб, учадиган қушдай, қулоқларини қамишдай, ҳар кўзлари таркашдай. Отларни супуриб, яланғочлаб қашлаб, силаб-сийпаб, сайис отга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

– Баҳорда очилар боғларнинг гули,
Гулни кўрса саҳар сайрар булбули.
Сени овга минар подшонинг ўғли,
Шикор деса талаб қилган тулпорсан.

Анга тиклаганда қувиб етарсан,
Душман кўрса додин бериб қайтарсан,
Азалдан туғишли келган тулпорсан,
Не одамлар тушар сенинг қасдингга,
Минмак ҳавас қилар сенинг устингга,
Ботирларга йўл кўрсатган тулпорсан.

Қиздан ҳам қилиқли ўйинлар қилиб,
Устига минганнинг ақлини олиб,
Сени минган кетар тоза маст бўлиб,
Қуйрук, ёлинг сочдай бўлиб таралиб,
Шоҳнинг ули бўлиб минмакка толиб.
Кўлга чиқар бу кун қушлар ахтариб,
Уруш бўлса сен ҳам ўққа рад бериб,

Эганг лодон бўлса йўлларга солиб
Ҳар ҳайвондан сенинг ўзинг ҳам ғолиб,
Кечгача келарсан сен овга бориб,
Таърифинг оламга кетган тулпорсан.

Қамчи урса ўтарсан қанотли қушдан,
Камлигинг бўлмасин йўрға юришдан,
Белингдан тортарман карк кубба пуштан,
Сағрингдан тушириб олтин қуюшқон.
Бедов отди ўрамада жам урар,
Шавқим кўрса шопарини туринар,
Ёмон отлар қамчи урса суринар,
Бу таблада йўқди[р] сенга баробар,
Подшолар ғазотин кўрган тулпорсан.

Ёлғиз бўлса сен ярайсан йўлдошга,
Уруш бўлса қайтмай бординг савашга,
Сувдай кечдинг унда қон билан лошга,
Душманларнинг додин берган бедовсан.

Сени минса неча белдан ошади,
Минган номард бўлса, ақли шошади,
Ботир минса дарёдайин тошади,
Ўз йўлингни билиб юрган бедовсан.

Сенга маълум мендай хизматкор сўзи,
Сени минар Темуршоҳнинг ёлғизи,
Жону дили, борки ул, кўрар кўзи,
Гулдайин товланиб юрган бедовсан.

Қийғир деган қуш ўлтирар қияда,
Ақлинг бордир одамзоддан зиёда,
Абзаллаб етаклаб борсам пиёда.
Ёш ўғлоннинг кўнглин хафа қилмагин,
Кокил ташлаб сен қўлимда ўйнагин,
Тараққос қип суқсурдай бўп бўйлагин.

Неча сўзни бунга хизматкор айтди,
Назаркарда айтган сўзин эшитди,
Олтиндан абзаллаб шундайин айтди,

Абзалнинг шуъласи шаҳарни тутди.
Тилла, кумуш бул яркиллаб турибди,
Шундай қилиб отни еталаб кетди.

Табладан чиқариб пойитахтга қараб отни олиб бораётибди. Шаҳар халқи томошага йиғилиб ҳамма келаяпти. Подшонинг ўғлини халқ эшитган, кўргани йўқ. Томошага келганлар: "Отни бундай абзаллабди, подшо ё бир ёққа юриш қилармикан, тинч турмаган, баччағар" – деб; бир нечалар бир-бирига қараб: "Сен аҳмоқ бўлдингми, ё банг-манг чекиб тентак бўлдингми, подшолик шавкатига, ўзи томошага эгарлаб келганда. Уруш бўлса, бир ёққа жўнаса шаҳар қанча талатўп бўлади. Ҳаммаси шай, ҳеч кимнинг хаёли кочган эмас, ҳамма вакти хуш", – деб бу маслаҳатни қилиб, томошани қилиб турди. Шунда подшо ғазначиларни буюриб, тилла сарпойларни олиб келтириб, ўғлига кийгизиб, кўнглига келди: "Менинг ўғлим белгили бўлмасин, сук бор, ҳасад бор дегандай, боламга бировнинг кўзи ўтиб юрмасин. Қайси менинг ўғлим эканини билмасин", – деб ўзи билан бирга юрган ўн муллабаччанинг устидаги кийимини ҳам бир тусда қилиб, бошида салласини ҳам бир тусда қилиб, бир-бирига ранг-баранг қилиб, шундай отни ҳам бирдай қилиб, ўнини бирдай отлантириб, абжир маҳрамларни, оталиқ бекларни, жиғадор, туғдор, амалдорларни бирга олиб, қушбозлар қушни қўлга қўндириб, подшодан фотиҳа олиб, Темуршоҳ эса фотиҳа бериб, бир сўз айтиб турган экан:

– Эл кўчириб баланд тоғдан оширдим,
Сирим айтмай душманлардан яширдим,
Улуғланиб остонага бош урдим,
Қўзимни, бекларим, сенга топширдим.

Хаёл билан кўп гапларни ўйладим,
Ўн гўдак сизларга ҳамроҳ айладим,
Мен боламни бугун Ҳаққа топширдим.

Бехуда бир тоғни-чўлни кезманглар,
Ёлғизимнинг жигар-бағрин эзманглар.
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
Олтин бўлар кировка тўн ёқаси,
Мен ўтган сўнг қўзим юртнинг эгаси,
Пайров бўлиб қўзима раҳбар бўлинглар,
Пешин вақтга қолмай эрта келинглар,
Тоққа чиқманг, кўлга овга боринглар.

Сизлар кетиб, қолмас менинг қарорим,
Томошага қарар, мана менинг шаҳарим.
Нима бўлса кечга қолма, бекларим,
Бир соат кўрмасам йўқдир қарорим,
Эсимга олсам эзилади жигарим.
Нима бўлса эрта қайтгин, бекларим.

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,
Ҳолим кўрса хафа бўлар бир неча,
Сизга ҳамроҳ қилдим ўн мулла бачча,
Айланиб қолманглар тағи, кечгача.

Бу сўзни айтиб дуо қилиб қолади,
Темуршоҳдан жавоб олиб жўнади,
Ҳолисилло дуо қилиб қолади,
Тахт устида фарзандига қаради.

Аввал амалдорлар йўлга солади,
Минишкорлар олғир қушни олади,
Шу замонда овга қараб жўнади,
Қизи-жувон ҳар тарафдан қаради.
Ширқиллатиб энди булар жўнади.

Шоҳнинг айтган хизматини қилай, деб,
Кечга қолмай эрта қайтиб келай, деб,
Кўлдан бориб сўна-ўрдак олай, деб,
Таманно шаҳрига қайтиб келай, деб.
Йўлни бошлаб соп амалдор боради.

Дубурга ўйнади назари тулпор,
Обод бўлиб ётир Таманно шаҳар,
Жўнаб овга борар шунча амалдор.
Катта шаҳар дейди Таманно юртни,
Чув деди, бедовга қамчи чотди,
Овга қараб қайсар беклар йўл тортди.

Подшо маҳтал бўлса йўлга қарар, деб,
Балки кечга қолса хафа бўлар, деб,
Қичаганлар вакти ўтмай келар, деб,
Овнинг мавсумида кўлга борар, деб.

Таманно шаҳрида кетиб боради,
Неча бир кўчалардан ўтиб боради.
Қирқиб ўтиб якин йўлга солади,
Шундай бўлиб кичаб кетиб боради.

Бошида бор унинг тожу давлати,
Катта шаҳар отасининг мамлакати,
Ҳар тарафга амалдорлар кўрсатди,
Тўрам, деди хафа қилмас, кулдириб,
Кўрсатади неча элни билдириб,
Боқиб қарар энди ўнгу сўлларга,
Шаҳар ёқалаган қанча элларга.
Йўлдош бўлиб бу сипойи-бекларга,
Мард бўлиб амалдор кетиб боради.

Барининг остида дол бедов оти,
Намойиш белида кескир пўлати,
Бу шаҳардан чиқиб энди йўл тортди,
От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Бирга бўлган Темурхоннинг боласи,
Кўринади Чархин кўлнинг кораси.

Амалдорлар бош бўп қилиб ғайратди,
Чархин кўлга отнинг бошин тортди.
Ададсиз кўл тўқайистон ётибди,
Қичаб юриб кўлга яқин етибди.

Подшовачча кўриб кўнглини хушлар,
Ҳар алвонда сайраб учади кушлар.
Янги келиб кўрди бундай мазгилди,
Ҳар тарафи тўқай, бир ёғи кўлди[р].
Тўқайда жондорлар кўп макон қилди,
Ўрдак, ғозлар сузиб бу кўлда юрди.
Ғарқиллаб сўналар товуши келди,
Бир тарафи яланг гуллар очилди,
Баҳор кунда гул очилган мавсумди[р].
Кўнгли равшан бўлиб бул гулни кўрди.
Чархин кўлга келиб овидан қўнди,
Отин ушлаб бир-бирини иззат қилди.
Чодир тикиб кўлга караб ўтирди,

Эшитар бир-бирини, сўйлаган тилди.
Овга келиб шоҳнинг вақти хуш бўлди,
Бир нечалар бул чодирда ўтирди,
Ёш бачча-да, булар отланиб кўрди.

Амалдорлар шундай кунга қаради,
Кун пешинга яқин бориб қолади.
Кечга қолсак подшо маҳтал бўлар, деб,
Аччиғланиб биздан гина қилар, деб,
Қушни солса ўрдак-ғозни олар, деб,
Эрта қайтсак жуда яхши бўлар, деб,
Кеч қолсак кўнглига овур олар, деб,
Гуноҳкор қип подшо жарғи урар, деб,
Бу сўзни ўйлаб амалдорлар туради.

Ёш болалар ҳеч бир қулоқ солмади,
Қушга қараб томошадан қолмади,
Амалдорнинг айтганини қилмади,
Бул бекларнинг кўнглидаги бўлмади.
Мишишкорлар миниб бул замон отди,
Добил туйиб олғир қушни жўнади.

Лочин айналади кўлнинг устида,
Лочин юрди ўрдакларнинг қасдида,
Олғир қушни кўриб дуруллаб учди,
Кушандасини кўриб ақили шошди.
Яшиндай қуйилиб лочин етишди.
Жонивор чанг солиб шундайин тепди.
Лочин қуйилиб тепса белини узади.
Бўлак-бўлак егинини бузади,
Олғир куш ичидан оралаб ўтди,
Тепиб кетиб кўп кушларни қийратди.

Қанча кушлар қолди ерга йиқилиб,
Белини ололмай ҳоли танг бўлиб,
Қизиқ бўлди, дейди баччалар кўриб,
Подшозода бориб, муллалар олиб,
Бу чодирга ташиб олиб келади.

Ҳар солганда олтмиш ўрдак олади,
Куннинг ўзи кеч пешинга боради,

Тувадоқ, ғозлардан қанча олади,
Олган қушнинг барин жам кип кўради,
Кетсак дейди маслахатни қилади,
Кўлнинг ёқасида шундай бўлади.
Қоронғига қолмай одам боради,
Подшозодасидан энди сўради.

"Энди кун кеч бўлди, қайтсак, лочин олган қушга чодир тўлиб қолди, отангиз махтал бўлиб қолди", – деб турди амалдорлар. Бул сўзни эшитиб Темуршоҳнинг ўғли кела солиб: "Қайтамизми, бугун қушларнинг гўштидан кабоб қилиб кўлнинг ёқасида ётамиз. Одам баҳра оладиган ер экан, ҳар турли гиёҳлар бор экан", – деди. Амалдорлар айтди: "У гапингиз бўлмас, ётиб қолсак подшо бизни ўлдирмай қўймас. Бу таблада ем еб турган отлар, буларга ем бўлмаса, емсиз қандай куни ўтади буларнинг. Биз кўнганда булар кўнмасми". Шунда бекларга қараб Раъно бир сўз айтиб турган экан:

Овга келган одам шундай бўлами,
Бир одам туриб уйга қайтиб борами?
Бугун оқшом биз бу ерда ётайик,
Худо дейиб, Ҳаққа фиғон этайик,
Эрта пешин Таманнога қайтайик,
Олган қушни портал отга ортайик.

Аввал Оллоҳ, дуюм наби бўлса ёр,
Бунда келиб дарров қайтмоқ не даркор,
Ғоз гўштини кабоб қилгин, амалдор,
Ўтин териб келар мана муллалар,
Ҳеч кетмаймиз менда бўлса ихтиёр.

Элдан чиқиб янги бунда келамиз,
Отланамиз, кўл томоша қиламиз,
Янги элдан чиқдик буни кўрамиз,
Бу кўлнинг меъёрин кўриб биламиз,
Етиб бориб уйда нима қиламиз?
Келибсиз, бир оқшом ётмоқлик даркор,
Қайтамиз, деб уринмагин амалдор.
Борган билан унда, билгин, не гап бор.

Подшо отам хизматинда турасан,
У ерда қалтанглаб нима қиласан?

Кўп қушларни бунда кабоб қиласан,
Бу кун ўтса, баринг эрта борасан.

Бу сўзни эшитиб хафа бўлмагин,
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Сўзимни кўнглингга оғир олмагин.
Мунча ҳам кетмакка талаб бўлмагин,
Бугун ётгин, баринг эртан борарсан.

Жойида туради Таманно шаҳри,
Энди кетди бу кўнглимнинг ғубори,
Куш гўштини кабоб айлаб беклар-ей,
Кетаман, деб ҳолингни танг қилмагин,
Бола деб бизларни номард қилмагин,
Сўзимизни ҳазил англаб турмагин.

Сизлар билан йўлдош бўлиб келганмиз,
Жўнаганда бунда турмоқ бўлганмиз,
Бунда кўлни кўриб ҳайрон қолганмиз,
Томошага оша толиб бўлганмиз,
Диққатлик ғуборнинг барин кўтариб,
Бизлар янги вақтихушлик қилганмиз.

Бу сўзни Раънодан эшитиб, амалдорлар бир-бирига қараб нима дерини билмай: "Ўзимиз ҳам бекор келганмиз, энди келиб нима қилдик, подшога гуноҳкор бўлдик, айтган муддатида бора олмай бекорга энди ўлдик. Бу тил билмаган болага қаёқдан йўлдош бўлдик. Айтган сўзни билмаса, юр деган ёнгинга юрмаса, ундай аҳмоқ гапингни қўй, деб бўлмаса, бир жиғадор бекман бир икковимиз савол қилиб кўрайин", – деб ўрнидан туриб Раънонинг қошига бориб бир сўз айтиб турган экан:

Юринг хоним, бирга элга жўнайик,
Тўражоним, кенг шаҳарга борайик.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин.
Оллоҳ менинг ақли-ҳушим олмасин,
Бу ерларда душман келиб қолмасин,
Ғафлатда бизларни бойлаб олмасин,
Қўлим бойлаб, бизни банди қилмасин,
Юринг хоним, бирга-бирга қайтайлик.
Омон борсак Таманнодай элингга,
Подшо отанг интизорди[р] йўлингга,

Омон-эсон топширайлик кўлига,
Бемаҳалда бунда ётмоқ пс даркор,
Бугун бормасакку бизлар гупоҳкор,
Армон билан бизни отанг ўлдирар,
Юринг хоним, бирга-бирга жўнайик.

Отанг бизни билганидай килади,
Бошим кесиб, таним дорга илади,
Бола-чақа жебир-жесир бўлади,
Ётгандан кетган яхшироқ бўлади.

Бу сўзни айтиб бўлаберди миннатдор,
Алдаб ётир ул замонда жиғадор,
Рост айтади, дейди қанча амалдор,
Кетмакликни қилаёзди ихтиёр,
Хайр, деб қабул қилди шундайин шунқор.

Хайр деб амалдорлар олган қушларни бўш отларга ортиб, чодирни йиғиб ошиғишлаб кеч бўлмай етсак, деб от-отини ечиб миниб, шаҳар тарафга равона бўлиб йўлга кирди. Ётамиз деб ётмай қайтганига вақтини хушлаб, остида бедовлар ангғишлаб, кейин қолгани илгари ўтиб йўл бошлаб, бу сўзларни айтиб, кстиб бораётир.

Подшо кўрар овчиларнинг ишини,
Бизлар олдик Чархин кўлнинг кушини.
Қуш гўштиман қилар ўтиришини,
Овчи қип буюрган шунга кишини.

Сайил этиб сахрога ўғлин чиқариб,
Ўғли отасига овбоши олиб,
Бораётир амалдорлар бошқариб,
Темуршоҳ давлатини эсга олиб,
Кеч бўлмайин етсак шаҳарга кириб,
Бизлар омон-эсон ўғлин еткариб,
Шоҳ буюрган хизматини биткариб,
Хизматимиз бизлар шоҳга билдириб,
Уйтиб-буйтиб шоҳнинг улин кўндириб,
Силаб-сийпаб бир бедовга миндириб,
Бул сўзни ўйлаб беклар кетиб боради,
Куннинг ўзи намозгарга борали,
Таманнонинг қорасини кўради.

Обод гулзор эди Таманно шаҳри,
Кечга қолмай етдик деб, бекларнинг бари.
Жаҳон титрар марднинг овозасига,
Кун пора-пора бўлиб ботай деганда,
Келди Таманнонинг дарвозасига.

Дарвозани очиб ичкари кирди,
Дарвозабон неча кўрбоши кўрди,
Овга кетган бунда бекларни кўрди,
Широлға, деб ул замон беклар турди.
Амалдорлар олган қушидан берди,
Кўрбоши, бекларнинг вақти хуш бўлди,
Шаҳарни оралаб энди йўл юрди.

Кун ботиб коронғи гавжум бўлибди,
Подшо энди хўп бекарор турибди.
Дам-бадамда жиловхонага келиб,
"Овчилар кечикди", дся хавф қилиб,
Йўлига қарайди интизор бўлиб,
Юборгандир ясовулни буюриб:

- От чопинглар, йўлга энди чиқинглар,
Вақти ўтди овга кетган ул беклар,
Мен билмайман қандай бўлди гўдаклар,
Ё бирор душманга дучор бўлдими,
Душман чиқиб уни ҳалак қилдими,
Болаларни банди қилиб олдими,
Ҳаялламай, ясовуллар, боринглар,
От терлатиб ундан хабар олинглар,
Мендан кстиб қолди ҳозир ихтиёр,
Хизмат қип, бўлинглар энди хабардор!

Ясовуллар бу сўзни эшитиб, от тараддусида бўлиб ётибди. Қанча амалдорлар йўлга чиқадиган бўлиб турган эди. Шул вақтда овчи беклар бедовларни ўйнатиб пўш-пўшлаб, кўп кушни ортиб жиловхонага яқин келиб қолди. Чиқиб отларни ушлаб, Темуршоҳ буларни кўриб шоду хуррам бўлиб, ўғлини кўриб, амалдорларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Яхши бўпти, беклар, сенинг бу ишинг,
Не сабабдан кечга тортди юришинг?

Мен йиғлайман бир Оллоҳга зор-зор,
Не қилса ҳукми бор қудратли Жаббор,
Кечга тортдинг, бўлдим йўлга интизор,
Кеч пешиндан бери кўзим тўрт бўлар.

Бошимда бор эди жиға, давлатим,
Сизлар билан мудом бирга суҳбатим,
Бирга кетган кўрар кўзим, фарзандим,
Келар муддатидан ўтди, қувватим.
Ўтирмайман, мен дамба-дам қарайман,
Кеч қолишинг, амалдорлар, сўрайман?

Баракалла, менинг ҳолим билдингми,
Овга бориб омон-эсон келдингми?
Хафа қилмай мудом ўйнаб-кулдингми,
Олис кўлга сафар қилиб бордингми?

Билмадингми, беклар, менинг ўзимни,
Сарғайтиб бу ерда, балки юзимни,
Сизлар билан бирга кетган кўзимни.
Барингизни миндирганман бедовга,
Овга бориб бизга оп келган совға,
Омон-эсон келдинг, қолмади армон.

Суҳбат қуриб бунда даврон сураман,
Шукур қилай, фарзанд ишин кўраман.
Сенинг ўзинг бандамни яратган Раҳмон,
Бу сўзни айтиб подшо яқин боради,
Ўғлини қучоқлаб хурсанд бўлади.

Бу сўзни эшитиб, амалдор, беклар ҳам бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Бизга хамроҳ бўлди элнинг тўраси,
Анча йўлди[р] Чархин кўлнинг ораси.
Подшойим, от ўйнатиб Чархинга бордик,
Чархин кўлдан ўрдак, ғозларни олдик,
Йиғилиб, кетмакни ихтиёр қилдик.
Бизлар сўраб тўражонга гапирдик.

Аввали айлади бизларни дилтанг,
Хафа бўлар дедик сиздайин султон,
Ётайик, деб ўрлик қилди Раънохон,
Кўп алдадик бизлар бўлиб саргардон.

Миннатдор бўп билмаганин билдирдик,
Алдаб-сулдаб шоҳни баъзўр кўндирдик.
Кеч бўп қолди, биз бедовга миндирдик,
Етсак деб қичадик, йўлларга кирдик,
Кеч хуфтонда омон-эсон биз келдик.

Қойил бўлиб Раънохоннинг ишига,
Бекларни тўйғизиб қушнинг гўш[т]ига,
Омон-эсон келди тенги-тўшига.
Йўлдош қилиб келди шунча амалдор,
Портал отга ортиб ўрдагу ғозлар,
Йўлдош бўлиб хизматида амалдор,
Дуо қилиб юборсин ул замон беклар.
Подшо бўлар бир кун мана элига,
Омон-эсон, шоҳим, келди қўлинга.

Томоша қип кўлда қизиқлар кўрди,
Баҳрли ерларга чиқиб ўтирди.
Балки, улинг жаҳонгашта бўп қолди,
Тўражондан жуда кўнглимиз тўлди.

Кечга тортиб бизлар қичаб қоламиз,
Билмаймиз, Темуршоҳ ҳоли не бўлди?
Омон-эсон шоҳим фарзандин кўрди,
Муроди-мақсади Ҳақдан топилди.

Бу сўзни эшитиб, бирга кетган амалдорлардан димоғи чок бўлиб, мажлисхонага бошлаб, боласининг овга бирга бориб келганига беклар билан ҳаммаси бирга бўлиб мажлисхонага ўтириб, хизматкорларни ошга буюриб, қуш гўштларини тозалаб, тонг отганча суҳбат қуриб, тонг отган сўнг навкарларга чўлон бериб, бу суҳбатда ўтириб, Темуршоҳ бекларига караб бир сўз айтиб турган экан:

Подшо бўлиб элга эҳсон қилмадим,
Ҳеч кимсага бир ош олиб бермадим,

Шунча умрим шул аҳволда ўтказдим,
Шукурилилло, ўғлим кирди камолга,
Янги бўлди кўҳна турган замона,
Раҳм айлаб юборди қозиюл ҳожот,
Бул сўзимга, беклар, бергин маслаҳат,
Овга чиқиб келди бул ёлғиз фарзанд,
Тўй-томоша қилиб берсам, жамаҳат.

Эли халққа катта-кичини йиғдириб,
Қанча кўйни, канча сўқим сўйдириб,
Беваю-бечора қолмай тўйдириб,
Қозон осиб, бунда ўчоқ ўйдириб.
Бир томоша йиғин-тўйни қилайик,
Маслаҳатни дадил бергин, халойиқ,
Маъқул бўлса шундай ишни қилайлик.

Бу сўзни Темуршоҳ шул замон айтди,
Катта-кичи турган амалдорлар эшитди,
Ҳаммасига сўзи маъқул келибди.
Яхши сўз, деб бари жавоб берибди.
Хизматига бир нечалар турибди.
Ҳар уруғга туриб хабар берибди,
Улуғ-катта эл оғаси келибди,
Подишонинг хизматинда бўлибди.
Йиғилишиб тўй бошлашиб турибди.

Подшонинг ўйини бул қобил тутиб,
Абжир қассобларга хабари етиб,
Келаётир пичоғини чархлатиб.
Беклар беклигини бунда билдириб,
Қассоблари қанча молни келтириб,
Ҳарна деса айтганига кўндириб,
Ошпазлари қозонини осади,
Тозагина гуруч-мойга тўлдириб.

Мамлакатга бул овоза бўп ётди,
Ҳар тарафга айтувчини жўнатди,
Ҳар элга ҳам бу тўйнинг хабари етди,
Катта-кичик барча йиғилиб етди.
Келиб қутли бўлсин деб қур тортди.

Бир нечалар дастурхонни узатди.
Дастурхон тортганча тобоғи етди,
Ўтирган кулларга энди ош тортди.

Ошга тўйиб халойиқлар маст бўлди,
Сибизиқ, сурнайчи қолмайин келиб,
Шоҳга осон, бир нечага қийинди[р].
Наъмагар, шоирлар бари йиғилди.
Неча кунлар эли-халққа тўй берди,
Карнай-сурнай, кўйиб томоша қилди.,
Катта-кичик қолмай барчаси келди.
Темуршоҳ ишини халойиқ кўрди,
Кўрганлар бул ишига қойил бўлди.

Шундайин одамлар – барча йиғилиб,
Бу тўйга овбоши сабаб бўлиб,
Неча кунлар элу халққа тўй бериб,
Бир ажойиб томоша – ўйин қилиб,
Тилла камар бойлаб маҳрамлар туриб,
Ҳар ким қилар ишини ўзи бўлиб,
Энди келар бул тўйнинг охири бўлиб,
Подшонинг ишини одамлар кўриб,
Эл каттаси қариялар ўтириб,
Шундайин қип Темуршоҳ ишин битириб.

Шаҳзода шундай овбоши отиб келганига неча кун тўй-томоша бериб, тўй охир бўлиб, тарқаб, ҳар ким ўз мазгилига бориб, бир нечалар Темуршоҳнинг инъомини олиб, бул хайр ишни ўтказиб, ҳар сипоҳи ўз ишида, ўз хизматида, мамлакатнинг арз-доди сўралиб турди.

Неча ой, неча кун орадан ўтди, юрт синасоп бўлиб, ҳар ким ўз машғулотида иш қилиб юрибди. *Таманно шаҳрининг бир тарафида бир аймоқ деган халқ бор эди*[3], ул ҳам ўз удумича подшолик қилар эди. Темуршоҳнинг юртини олмокнинг маслаҳатини қилар эди. Неча йил маслаҳат қилиб юрди. "Биз балки ундан анжомдормиз, лашкар билан борсак Темуршоҳни олармиз, ўзимизга тобе қилармиз, бож бериб юрадиган бўлар", – [деб] шул ўйни, шул маслаҳатни қилиб, анжом тузаб одам юборди. Темуршоҳга тобин одамлардан аймоқнинг ичида ҳам бор эди. Ўша одам Аймоқшоҳдан бул маслаҳатни эшитиб, ўйлаб, ҳар нима деган сўзини билдирмай ёзиб олиб аймоқ ичидан чиқиб, йўл юриб Таманно шаҳрига кириб келди. Темуршоҳнинг давлатхонасига рўпара

бўлиб, Темуршоҳни зиёрат қилиб, аймоқда бўлган маслаҳатни, битиб олган хатни чиқариб Темуршоҳнинг қўлига берди. Темуршоҳ ўқиб кўриб: “Бу нима вокеа?” – деб сўради. Воқеани билдириб, Темуршоҳга қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Калимаи шаҳодат мусулмон тилида,
Азамат бош берар элнинг йўлида,
Неча ойлар юрдим Аймоқ элида,
Кўп оралаб кўрдим мазгилларида,
Аймоқлар кўнглида гапнинг борида.

Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб қулга эгам бўлгай меҳрибон.
Иншооллоҳ, баримиз ҳам мусулмон,
Аймоқман бўлиб қолдик қадрдон,
Маслаҳат сўзини билиб олганман,
Ул сухбатдан етиб бунда келганман.

Маслаҳат шул, оғир лашкар қилмоқчин,
Анжом тузаб бунда босиб келмоқчин,
Келиб бунда мамлакатнинг олмоқчин,
Юртингни ўзига тобе қилмоқчин.

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Нима бўлса колманг тайин бехабар,
Ҳаракат кил, сен ҳам бўлгин хабардор,
Босиб келса қабоҳатли иш бўлар,
Эли халқ, юртингни кўлингдан олар,
Ёғса лашкар ул ҳам оғир лашкари бор.

Худойим сақлагай бандани омон,
Эгам бўлгай ҳар бандага меҳрибон,
Шаҳрингни олмасин урушли туман,
Илгаридан ҳаракат қил сен султон.

Қулоқ солгин мендай элчи тилига,
Одам олиб чиккин душман йўлига,
Нокас туриб банди бўлма қўлига,
Билиб хабар бердим, султоним, сенга,
Хабар килиб ғаминг есанг бул замон,



“Раъно билан Сухангул” достони қўлёзмаси. 1928 йил.

Элингга келмасин босиб ул душман,
Сўнгра қилиб қолма, шоҳим, пушаймон.

Лашкар йиғиб сенам бўлгин рўбарў,
Майдон бўлса кимга беради худой.
Ҳозир сендан аймоқ шоҳи ғам емас,
Бир нимани билмай ҳеч одам демас.
Одами анжоминг ундан кам эмас.

Жами сипоҳингга хабар бергайсан,
Албатта урушнинг ғамин қилғайсан,
Босиб келмай бир рўбарў бўлгайсан,
Қуввати қанча бор, ани билгайсан,
Неча сардор билан бирга бўлгайсан.
Йўлиққан сўнг уруш раъйин олгайсан,
Майдон бўлса қон тўкишиб кўргайсан,
Йўлиқсанг, албатта, синаб билгайсан.

Темуршоҳ бу сўзни эшитиб, сап амалдорларни йиғиб, маслаҳат сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Омонликдан менам ботир деганлар,
Яхши сарпой кийиб отни минганлар,
Подшоликда беклик даврон сурганлар,
Маслаҳатда ақли расо бўлганлар,
Бизнинг билан бул суҳбатда бўлганлар.

Аймоқ подшо бизга лашкар қилармиш,
Хат келибди – биздан юртни олармиш.
Элимизни жебир-жесир қилармиш,
Кўнглида шундайин гапи бор эмиш.

Мамлакат-юртига элчи қўйибди,
Қанча моллар маслаҳатга сўйибди,
Анжом тузаб одамини йиғибди,
Маслаҳатини манов одам билибди,
Хат кўтариб бизга хабар берибди.

Уруш бўлса маслаҳати не бўлар,
Сўзима жавоб бер, ўтирган беклар,

Мен подшоман, сизлар элда муҳрдор,
Аввалги сўз сизлардадир ихтиёр,
Қолмайик душмандан бундай бехабар,
Қандай ишни унга қилмоқлик даркор,
Сўзимга жавоб бер, турган амалдор.
Сипоҳилар, мен бетингга қарадим,
Эл каттаси, маслаҳатни сўрадим.

Темуршоҳнинг айтган сўзи шу бўлар,
Ғамли кунинг кўзда ёши сел бўлар,
Аймоқ келса маслаҳати не бўлар,
Албатта, бўлайик бундан хабардор.

Биз билмаймиз аймоқларнинг ишини,
Биз кўрмасак келса қанча кишини,
Мард йигит урушда берар бошини,
Қиламизми Алининг савашини?!

Бу сўзни эшитиб, сап турган амалдор, жиғадор, туғдор, сардор, ўн икки минг муҳрдор, хаммаси бир ерга йиғилиб бир-бирининг ихтиёрини билиб, маслаҳатни қилиб, бир саркарда туриб Темуршоҳга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.
Агар бунда келса аймоқ лашкари,
Темуршоҳ султоним, сира ғам ема.

Сенда ҳам бор эди баҳодир, беклар,
Ҳар биттаси бўлар мингга баробар.
Қани, келса келақолсин аймоқлар,
Қўлидан келганин қилсин баччағар.

Унинг учун ғам емаклик не даркор,
Саваш бўлса отга қамчи урармиз,
Майдон бўлса қон тўкишиб турармиз,
Келса биз ўртага қамаб олармиз,
Аймоқнинг шоҳини банди қилармиз,
Не кунларни ул бадбахтга солармиз.

Келағайса бизлар бермаймиз омон,
От қўярмиз жами турган оломон,
Қутулмайин сўнгра қилар пушаймон.
Қани, лашкар тортиб келса элимга,
Армон билан тушар менинг кўлимга,
Тулки, шағал кулар унинг ҳолига.

Одамман деб бир ерларга келмайми,
Урушнинг тартибин биздан кўрмайми,
Уруш қилса майдон ичра ўлмайми,
Чувуллаб лашкари қочиб бормайми?

Ҳамма миниб бедов отнинг устига,
От чопилар аймоқларнинг қасдига,
Келса қолар бул қиличнинг остига,
Босиб келолмайди юртнинг устига.

Бу сўзни эшитиб, яна бир саркарда: "Бунча лоф-қоф урма сен, уни қиличнинг остига олиб, биров қўл-оёғини боғлаб сенинг олдингга олиб ташламайди. Ул ҳам подшолик қип юрган канча аскари бор, ёв-ярок, тўплари бор. Ул ҳам ўзини кам чоқлаган эмас. Ўзингни шер билсанг, бировни эр бил, деган гап бор. Уйида ўтириб хотин ҳам кўтарила беради. Ҳар ким майдонда айрит бўлади деган улуғ, катта гап бор. Бунда туриб аймоқни қиличнинг остига оламан деганда сендан бойиб кетган одам бўлмас. Аймоклар сенинг тоғанг бўлса, мени чопаётганда айриб оларсан-да"[, – деди]. Йўк нарсага икковининг ўрлашганига жами сипойилар кулиб, чақ-чақ қилиб, шунинг билан ботирларнинг кўнгли анча кўтарилиб қолди. Одамни шердил киладиган сўзлардан гапирди. "Кўп одам бундай гапни уйда гапиргани ҳам кўркади. Бу подшонинг олдида гапираяпти, ҳалиям баракалла шунинг юрагига. Мабодо урушга бошлаб мени юбормасин, лашкарнинг олдига солиб мени ёвга кўндаланг қилиб қўймасин, деб хавф олмай дангал гапирди, баракалла шунга", – деб турган халойиқлар ҳар қайсиси кўнглида борини гапириб, бир-бирига сўйлашиб турди. Шунда маслаҳатни бир ерга қўйиб, фотиҳани юзига тортиб, таом еб, дастурхонни йиғиб, тузатиб, шунда одамларга қараб Темуршоҳ бир сўз айтиб турган экан:

Баринг бир-бирингга ёрдам берингглар,
От, ярок-асбобни шайлаб олинглар.
Одамларингга ҳар қайсинг хабар қилинглар,
Аймоқнинг устига бирга юринглар.

Яна ҳам майдонда номард бўлманглар,
Билмадим, деб сўнгра кейин қолманглар,
Жон ширин, урушдан ҳазар қилманглар,
Мард бўлинглар, асли номард бўлманглар.
Эшитганинг билмаганга билдиргин,
Кўтариб гапиргин, ани кўндиргин.

Ҳарна деса шоҳнинг амрин тутинглар,
Урушли кун ширин жонни сотинглар,
Саваш излаб Аймоқ бориб қайтинглар,
Номардлар эшитса қаттиқ кун бўлар.
Уруш деса ўлдик дейишиб хавф олар,
Нодонларга сўз сўйламак не даркор,
Бизнинг билан бирга бўлсин ботирлар.

Шаҳар халқдан лашкарим юбораман,
Душманнинг танасини бовдай уярман,
Олмос олсам тандан бошин киярман,
Душманларнинг жигар-боврин тузлайман,
Аслим шерман, ўзим йўлбарс излайман.

Ҳамманг бугун мендай бўлгин, амалдор,
Қаттиқ кунда бикиб турмоқ не даркор,
Албатта, бул ишдан бўлгин хабардор,
Ҳар қайсингда беш юз, тўрт юз навкарлар,
Одамингга шуйтиб бергайсан хабар.
Ҳамманг ҳар элатни сўраб турасан,
Бундай кунда яхши хизмат қиласан.

Шаҳарни сўрамак осонми, беклар,
Тизда мойи бўлса, белда қони бор.
Бундай кунда канча бошлар кесилар,
Юрт сўрамоқ осон эмас, амалдор.

Фуқаро халқида йўқдир ихтиёр,
Сизлар чўпон, фуқаролар қўй бўлар,
Қўйга қашқир тегса чўпон тебранар,
Албатта, бўлинглар энди хабардор.

Бул элнинг устида ҳар гап бўлади,
Гоҳ хафалик, гохи вақтда кулади.

Ўзин билмас уйида лоф уради,
Шоҳнинг айтган сўзини ҳамма билади.

Амалдорга насиҳатни беради,
Эшитиб ҳар қайси бундан жўнади.
Ҳар қайси мазгилига кетиб боради,
Темурхон шаҳар ичинда туради.

Тўпбоши, мерганнинг барин жийдириб,
Уруш либосини унга кийдириб.
Подшо туриб бул кун қобоғини уйиб,
Ҳарна бор кучини билакка жийиб.

Ёйандозлар келди бунда жам бўлиб,
Сари ёй тортқичлар қўлига олиб,
Ёйандоз, мерганнинг бари шул бўлиб,
Темурхон олдида турди тўп бўлиб.
Ёйандоздан милтиқ отқич кўп бўлиб,
Олис ерга бари нишона қуриб,
Отади хар қайси кувватин билиб.

Қувватин келганча ёй тортиб кўрди,
Еткизолмай Темуршоҳдан уялди,
Темуршоҳ ҳам қурамтага қўл солди,
Шул замон йигирма тутам ўк олди.
Ёйнинг гиришига ул замон солди,
Раббим, деди буклаб тортиб юборди.
Кўрғон нишонани тоза қўпорди,
Тўғри борса ўқи бузар шаҳарди.
Ул кўрган халойик офарин дерди,
Шундай қилиб барига таълим берди.
Бари аскарларни ҳам йиғиб олди,
Ўн икки минг бунда мухрдор келди.
Аймокнинг устига бормокчип бўлди.
Шаҳар-мамлакатга овоза бўлди.
Ул сипоҳи, амалдорлар туз ҳақлаб,
Баҳодирлар чиқди ўзини чоқлаб,
Тўпбошилар энди тўпини ўклаб.
Темуршоҳ уруш добилин қоқади,
Ҳаммаси жам бўлиб йўлга чикади,
Неча алвон ўйин-кулги қилади,

Ким яхши, ким ёмон, Оллоҳ билади.
Ғайрат билан энди бундан жўнади.

Темуршоҳ ҳам сайлаб бедовни минибб,
Пойтахтда қолди фарзанди қўниб.
Кўп лашкарга шул замонда бош бўлиб,
Раъно деган ўғлин тахтга миндириб.
Намойишга карнай, сурнай қўяди,
Йўл озиққа олқор, кийик сўяди,
Ҳар ким кўрса унинг кўзи тўяди.

Баланд тоғларимнинг кўпдир лоласи,
От чопмоққа хўп койимди[р] даласи.
Арз сўраб қолди бунда боласи,
Лашкар қилди Таманнонинг тўраси.

Ўн икки минг сипохиман бўлиб ҳамроҳ,
Ҳаммасининг сардори эди Темуршоҳ,
Бош бўлиб жўнади шундайин подшоҳ.
Ярашиққа от сағрисин силади,
Ким яхши, ким ёмон, Оллоҳ билади,
Чечан банда гапни ганга улайди,
Талабини яратгандан тилади,
Шул замон Таманно шоҳи жўнади.

Сибизға, сурнай, карнайни тортди,
Наъмага келтириб аскар жўнатди,
Эли-халққа томошани кўрсатди,
Ҳар алвон наъмани ул замон тортди,
Наъма билан аскар маст бўлиб кетди,
Байдоқ-байдоқ бўлиб аскар йўл тортди.

Таманнодан чиқиб кетиб боради,
Шаҳар ичи халойиқлар қарады,
Неча минглар ўтди бедовни миниб,
Ул кейиндан ёйандозлар боради.
Эгарнинг қошига ёйини солиб,
Бас кейиндан канча мерган жўнади.

Шакаман милтиғин кўлига олиб,
Бир-биридан кўрса келади ғолиб,

Шул замон тўпбоши тўпини олиб,
Аравага кўшиб йўлларга солиб.

Яшил туғ қўлида беклар боради,
Баккол, косиб тинмай караб туради,
Кети узилмай Таманнонинг шаҳридан,
Пешингача одам чикиб жўнади.

Энг кетинда келди Таманно шоҳи,
Оти-тўни бир ранг сатта сипоҳи,
Подшонинг келганин элати билди,
Йўлга яқин гурганлар кейин қолди,
Қўл кўтариб, ҳаммадан дуо олди.

Чиқиб кетди Таманнонинг элидан,
Етиб борди аскарларнинг кейнидан,
Урушга ул замон кетиб боради,
Ниятим майдон, деб энди жўнади,
Аскарлар подшони писанд қилмади.

Қонли кўйлак кийган сатта хизматкор,
Бу кунда подшога иззат не даркор,
Қарамайин бир-бирига амалдор,
Аймоқнинг устига жўнади лашкар.

Арқираган эрдай бўлиб,
Бир нечалар шердай бўлиб,
Ботир борар қирдай бўлиб,
Қўрқоқлари ердай бўлиб,
Темуршоҳи бош бўп кетди,
Ҳаммасига бирдай бўлиб.

Бедовларга қамчи чалиб,
Бораётир йўлни олиб,
Урушмокка ботир толиб,
Ботир бир-биридан ғолиб,
Отини илгари солиб.

Ёвдан ҳазар қилмас булар,
Қоплон юракли бул беклар,

Бораётган сатта қайсар,
Сиёсати юртни босар.

Кеча-кундуз худо дейишиб,
Бораётир йўлга тушиб,
Бир нечанинг ақли тушиб,
Бир нечанинг ақли шошиб,
Гоҳ бирлари акиллашиб.
Бола-чақа, хотин, рўзғор,
Улар уйда қолди дейишиб,
Бул иш қандай бўлди дейишиб.
Уруш бўлса икки бошдан,
Аввал ўзин ўлди дейишиб.

Бир нечалар кўзин сузиб,
Бир нечаси кўнглин бузиб,
Кўзидан ёшини тизиб,
Ўз жонидан умид узиб.
Бу юришдан йўқдир фойда,
Қайтиб элга келмак қайда.

Шаҳардан чиқиб, неча муддат йўл юриб, кунлардан бир кун бориб Аймоқшоҳ билан икковининг ўртасида Ўртачўл деган бир чўли бор эди. Бир тарафи кўл, кўлни ёқалаб кўп аскар қўнди. Мол сўйиб, овқат тараддусида ётди. Подшо, амалдорлар, соп турган мухрдорлар чодир-чаманини тикиб, ҳар кун элчилар от чопиб ҳар ёқдан хабар олиб, нимаики бўлган воқеани билдириб, оқшомига коровуллар туриб, неча кун бу срда ўтди. Шул вақтида шаҳардан чиқиб, Аймоқшоҳ кўп лашкари бу билан жам бўлиб, бул ҳам юриш қилиб келаётибди. Бунинг ҳам Ўртачўлга дахлдор бўлганини юрган элчилар кўриб, Аймоқшоҳнинг келаётганини Темуршоҳга билдирди. Темуршоҳ ёвнинг келаётганини билиб, бу ҳам ҳаракатга кириб турди. Аймоқшоҳнинг йўл бошлаб келаётганлари Темуршоҳнинг лашкарларини кўриб, тўхтаб туриб колди. "Бул биздан илгари тараддуд қилган экан, келмасак ҳам бориб бизнинг юртимизни олмоқчи бўлган экан" [деб] Аймоқ шоҳнинг ҳам лашкари қўниб қолди. Орада элчилар қатнаб, булар ҳам йўл юриб келган, ламини олиб ҳафта, ўн кун туриб, энди уруш бошламоқчи бўлиб, Аймоқ лашкари жам бўлиб уруш майдонига чиқиб саф тортди. Чангиган чўл, Темуршоҳ ҳам лашкари билан уруш майдонига чиқиб саф тортди. Темуршоҳ тарафдан Алибек баҳодир деган киши икки лашкарнинг

ўртасида туриб: “Қани, биз баробар келадиган баҳодир борми!?” – деб турди. Аймоқшоҳ тарафидан бир полвон от суриб, Алибекнинг рўпарасига келиб, тўғрима-тўғри бўлди. Шунда Аймоқшоҳнинг полвони бу сўзларни айтиб турибди:

Очилганда гулдай сўлган,
Ҳолидан бехабар қолган,
Қандай жонсан фалак урган?
Одамман деб ёлғиз турган,
Энди менга дучор бўлган,
Бил, бугун паймонанг тўлган,
Ҳалак бўлма, кетгин ўғлон.

Ажал ҳайдаб бунда турдинг,
Сен ўзингни тикка урдинг.
Сен жонингдан умид қилма,
Ҳаялласанг энди ўлдинг.

Мен аймоқларнинг полвони,
Қўлимда нечовнинг жони,
Ерга тўкилади кони,
Аҳмоқ бўп турма беъмани.

Сендай лодон бунда ўлар,
Бола-чақанг етим бўлар,
Бу ерда турмоқ не даркор,
Асли сенинг не жонинг бор.
Кет лашкарга, ҳалак бўлма,
Ботирлар жойида турма,
Сўйла, бошқа гапинг борми?
Не сабабдан бунда турдинг?
Ҳамла қилсам тайин ўлдинг,
Бул майдонга нега келдинг?
Ё биров аҳмоқ қилдими,
Шоҳинг сени буюрдими?

Бориб майдонда тургин, деб,
Ким келар, уни кўргин, деб,
Ё баланд-паст гапиргин, деб,
Бориб майдонда ўлгин, деб,

Ҳарна бўлсанг сен бўлгин, деб,
Агар тошсанг тўкилгин, деб,
Ерларга яксон бўлгин, деб,
Азобингни сен кўргин, деб,
Сенинг шоҳинг буюрдими,
Мажнундай бўлиб тургин, деб.

Менинг минганим тулпор от,
Менда, бил, қанча сиёсат,
Тилинг бўлса сен ҳам сўз қот,
Бўлмаса, қилай қиёмат!

Бу сўзни эшитиб Алибек: "Бу жуда ошиб кетган экан, дарёдай тошиб кетган экан, бул мени одам ўрнида кўрмадими, не бўлса мени писанд қилмадими?" – деб Аймоқ полвонига қараб бир сўз деб турган экан:

– Таманно дейдилар ўсган юртимни,
Алибек баҳодир дейди отимни,
Билдирайин сенга тарбиятимни,
Мени билсанг, сенинг учун тураман.

Излаганга сўраганинг бўламан,
Тура бориб бошингни тандан юламан,
Кўрмаган кунларни сенга соламан,
Баҳодирлик талаб қилиб бораман.

Мени ўлади, деб сира ғам ема,
Мабодо ўзингдан мени кам дема.
Мен ҳам шоҳ қошида турган амалдор,
Полвонликдан олган инъомларим бор.

Ҳалок бўлар бул қўлимда нечалар,
Ҳолин билмай лоф урар бир нечалар,
Кўп ўлган сендайин тили ғалчалар,
Томошани кўриб турсин барчалар,
Икковимиз урушмайлик анчалар.

Икки ёқда лашкар маҳтал бўлганди,
Не иш бўлар дейишиб умид қилганди.
Кўтарилиб сўйлай берма ёлғонди,
Қазонг етса сендай шўрли ўлганди.

Бу сўзни шул замон баҳодир айтди,
Қалмоқнинг полвони уни эшитди.
Бу сўзни эшитиб аччиғи келди,
Ғилофдан қилични суғуриб олди.
Тилинг тортмай сўйладинг энағар, деб,
Қоч, ўлдинг, бўлгин сен хабардор, деб,
Отини тезлаб келиб қиличман солди,
Шул замонда сипар тутиб бошига,
Аймоқнинг қиличидан бул омон қолди.

Бул ҳам найзасини қўлига олди,
Аймоқ полвонига бул ҳамла қилди,
Қалқон тутиб найзасига рад берди.
Неча марта найзабозлик бўлади,
Билмайман, худойим кимга беради.

Зўр аймоқди, ул ҳам майдонда туриб,
От суриб, майдонда бир-бирин уриб,
Алибскка тангри зафарни бериб,
Аймоқнинг бошига қилични уриб,
Бўлиб кетди буни баробар қилиб,
Икки ёққа энди аймоқ йиқилди.

Майдонда аймоқнинг полвони ўлди,
Қараб, аймоқ халқи буларни кўрди,
Ўликнинг устига барча югурди,
Темурнинг лашкари ҳам буни кўрди,
Тезлаб баҳодирлар ул камчи урди,
Ҳаммаси шул замон майдонга келди.

От чопилиб баланд-пастда,
Одам тўлиб даста-даста,
Бўлди уруш чапараста,
Ботирлар урушга уста,
Қўркоқ беҳуш бўлиб хаста.

Ҳар тарафдан отни солиб,
Биров-бировидан ғолиб,
Бир-биридан ўчин олиб,
Урушмоққа бўлди толиб.

Амалдорлар шовқин бериб,
Қайтма дейди кейин туриб,
Аралашди шердай бўлиб,
Икки лашкар бирдай бўлиб,
Бир нечалар қирдай бўлиб,
От остида калла қолиб,
Қирқ тиллалик салла қолиб,
Шундайғачоқ уруш бўлиб.

Бир нечалар чопиб ётир,
Бир хил отдан овуб ётир,
Жазосини топиб ётир,
Бир хил ерда қониб ётир.

Бирор майдон уруш бўлди,
Жуда қатти[қ] қувиш бўлди.
Бир неча азобин кўрди,
Ярадор бўлиб йиқилди.

Урушдан қайтмайди шерлар,
Ном кўтарган полвон, зўрлар.
Ҳар тарафга суриб кирар,
Майдонда юрган ботирлар.

Ботирга уруш майлисди[р],
Кўрқоқларнинг ранги ўчди,
Тайсаллашиб четга кочди,
Қилиб ётибди савашди.

Бир нечалар кесиб бошди,
Ул кўзидан тўкиб ёшди,
Бир нечалар бақиришди,
Бир-бирини чақиришди.
Бул ўртага ўлик тушди,
Шуйтиб лашкар аралашди.

Подшолар кейнида турди,
Қайтма дейшиб қувват берди.
Бир неча томоша кўрди,
Пойлаб олисларда турди.

Пешингача узмай бунда,
Чапараста уруш бўлди.

Оғир лашкар айрилган йўқ,
Ўлган, қолганни билган йўқ,
Ҳеч қайсиси одамидан,
Сира ҳам хабар олган йўқ.
Ўртачўлда бу қиёмат,
Қайсисига келар давлат.

Шундай қилиб, кун кеч бўлди, карнайлар тортилди, уруш икки ёққа айрилди. Ҳар қайси ўз қўшхонасига бориб, амалдорлар чодирига кириб, ким ўлган, ким яралор бўлган хабар олиб, яралор бўлганларга дори-дармон қилиб, қазоси етиб, урушда ўлганини кўриб, булар саранжом қилиб, эрталабгача уруш тўхтаб туриб, тунни ўтказди. Ҳар тарафнинг коровуллари лашкарни айланиб хабар олиб, ҳар чодирнинг қошида алоҳида бир хос қоровул ҳозир бўлиб, шул оқшом шундай бўлиб ўтди, эртагисин тонг отди. Булар овқат тараддусида бўлиб ётди. Овқатга тўйиниб, ҳаммаси уруш майдонига қараб юзланиб, бир-бирига тараф бўлиб келаберди. Уларнинг тараддуд кўраётганини кўриб амалдор, беклар ҳар қайси ўзига тан одамига насиҳат бериб: "Бу ёв ҳеч нима эмас, кўп эмас оздир. Сен қочмасанг, ёв қочар, деган гап бор. Албатта кочмасанг қочирасан", – деб насиҳатини айтиб, яқинлаб етиб, ёйандозлар сафи – мерганлар олдига тушиб, бу майдонда уруш бошланган ери экан.

Ғамли кунда тортар эди оху-вой,
Раҳм айласин, бандам десин бир худой,
Ёйандозлар қўлга олиб парли ёй.
Шақирлатиб парли ёйни тортади.

Гириш-гиришига балки етади,
Неча душманлардан туйраб ўтади.
Ёйнинг ўқи тегса юлиб кетади,
Отидан жудо бўп нечов ётади.

Ёйандозлар иш кўрсатиб кетади,
Шакаманлар қараб милтиқ отади.
Бир-бирига аскарнинг ўқи етади,
Юлдуз учгандай бўп бунда ётади.

Бир нечалар ўтдай бўлиб туташди,
Икки ёқда икки лашкар отишди.
Урушли кун булар дарёдай тошди.
Тумандай бўп бир-биридан адашди.

Қарамайди булар баланд-пастига,
Қулоқ солинг бул сўзнинг пайвастига,
От қўйганди бир-бирининг устига,
Якинлашиб шул замонда ёнашди.

Шул замонда карвон кўчгандай бўлиб,
Боз устига юлдуз учгандай бўлиб,
Баходирлар кирди қиличин олиб,
Икки лашкар бир-бирига от солиб,
Биров-бировига келолмай ғолиб,
Аймокнинг лашкари булам от қўйди.

От қўйишиб алвон-алвон,
Бандам деса қодир Мавлон.
Таманнодан борган султон,
Аймоқ бўлиб бунга душман,
Иккови уруш бошлаган.

Кўринг, энди баку-хонни,
Майдонда қийнаган жонни,
Ерга тўкиб қизил қонни,
Қочирсам дейди душманни.

Қилич келар алаб-ялаб,
Эр йигитлар қилар талаб,
Қайтмайди душманга қараб,
Отини ёвга қаратди.

Нечовларни изиллатди,
Қилади бунда ғайратди,
Бир нечанинг боши кетди,
Бир аломат уруш бўлди.

Туман олган ўнги-сўлни,
Эсига олмайди элни,

Кўринг, майдондаги шерни,
Қанча душманларни қирди.

Кўринг, энди Темуршоҳни,
Аймоқнинг қани душмани?
Қилса дейди пушаймони,
Билмайди майдон не бўлди.

Одамини шердил қилиб,
Неча сўзларни гапириб,
Менинг билан ҳамдам бўлган,
Подшоликдан инъом олган,
Ёв кўрсат, деб жанжал қилган,
Кейин қайтма, деб қайсар полвон.

Эшитинг гапнинг мазасини,
Душманлар топсин жазосини,
Темуршоҳнинг овозасини,
Бузинг душман андозасини,
Билмасин, эшитинг сазосини.
От қўйинглар бегу султон,
Сира берманг бу кун омон,
Қилиб қўйинг охирзамон.
Бул сўзни айтар Темуршоҳ,
Таманно юртида подшоҳ:

– От қўйинглар оҳолашиб,
Қолсин бу душманлар шошиб.
Бугун майдонни қамсаб олинг,
Айланасини тоза ўрашиб.
Душманди ўртага олинг,
Каттаконин банди қилинг.
Кўролмасин ўсган элин,
Сўраманг аймоқнинг ҳолин.

Ўзи бошлаб бир иш қилди,
Бизга қараб юриш қилди,
Ўзидан ўзи хуруш қилди,
Хабари бизларга борди.
Ул сабабдан бизлар келиб
Ўртачўлда дучор бўлди.

Бу сўзни айтади номдор,
Ўн икки мингча муҳрдор,
Асл бекзода жиғадор,
Қўрғон қип ўртага олар,
Қочмоққа жой топмай колар,
Аймоқнинг ҳоли танг бўлар,
Бул ўйга пушаймон қилар.

Аймоқларнинг акли шошди,
Очиқ ерларни излашди,
Вақтин топганлари қочди,
Таманно беги туташди.

Аста-аста қизиқишди,
Аймоқшоҳдан келган лашкар,
Ажалнинг шаробин ичди.
Қилич, найза чопиб энди,
Боғдай бўлиб юмалашди.

Таманно шоҳи зўравор,
Эй атганг, дейди аймоқлар.
Булар бизга омон бермас,
Кўринг, энди шундай қайсар.

Беадаблик сендан ўтди,
Урушдан қайси наф топди?
Кўп аймоқларни йиғлатди,
Замон қандай бўлди дебди.
Бўлганди бу йил замона,
Пасткам ерлар тўлиб кон[г]а,
Кетмасмиз дейди омон-а,
Энди қилиб пушаймон-а.

Ҳолин билмай бунда келиб,
Зўр подшога дучор бўлиб,
Ўз бошини қутқаролмай,
Аймоқ шоҳи ночор бўлди.
Ҳар дара ўликка тўлиб,
Бу чўлда камоқда колиб.
Бўлолмай бунга баробар,
Кўнглида кўпдир ғубор.

Дод деса эшитмас сўзин,
Ўяр бунинг икки кўзин,
Сарғайтириб қизил юзин,
Сир сақлаган аймоқ ўзин,
Кесиб аймоқларнинг бўғзин,
Йиғлатмоқчи ули-қизин.

Бир гап билан бунда келиб,
Қанча одамлари ўлиб,
Аёлдай камқувват бўлиб,
Темуршоҳдан зулм кўриб.

Остида ўйнайди оти,
Бошинда тожи-давлати,
Ер юзида ҳукумати,
Юртни босган сиёсати.

Ўлик-тиригин билмади,
Қочганлари кутулмади,
Буларни писанд қилмади,
Манманнинг бошига етди.

Оларман, деб умид қилиб,
Аввал сўз аймоқдан ўтди.
Аймоқ қалқиб қараб турар,
Бир нечаси йиғлаб турар.
Кўринг, энди Темуршоҳни,
Қизиқ бўлганди майдони,
Қайсарнинг бари от қўйди.

Қолган аймоқ қоча бошлаб,
Бир хили яроғин ташлаб,
Олди Аймоқшоҳни ушлаб,
Жафо тиғи жондан ўтди,
Кўзлари олайиб кетди.
Сап турган баҳодирлар,
Қочганини кувиб ўтди,
Ушлаганин олиб қайтди.

Шундай ишлар қилиб ётир,
Танбеҳини бериб ётир,

Бир нечасин уриб ётир,
Ғуруллашиб сатта ботир.

Ёвдан қочган хотин бўлди,
Ҳаммаси ҳам ботир бўлди,
Кўпини ушлаб қайтарди,
Аймоқ подшонинг лашкари,
Кўли ўз бошин қутқарди.
Аймоқшоҳ тараддуд кўрди,
Қанча амалдор, вазир билан,
Қўлга тушиб банди бўлди.

Банди бўлган Темуршоҳи,
Ўлдирма деди, билдирди,
Қўлга тушириб амалдорни,
Банди қилиб ҳайдаб келди,
Подшога кўриниш берди.

Темуршоҳ аввал сиёсат қилиб, подшога бир сўз айтиб турибди:

Қани, сен ҳам ўз ҳолингни билганинг,
Ҳолинг билиб бунда тавба қилганинг.
Аймоқ шоҳи армон билан ўлганинг,
Қани, келиб менинг юртим олганинг!?

Ҳолинг билмай бир иш бошлаб турасан,
Келиб бунда кўп қизиқни қиласан.
Қўлга тушиб энди банди бўласан,
Ҳайдаб кетай, армон билан ўласан.

Сенда йўқмиди бир ақлли сардор,
Сен сақламайсан доно вазирлар.
Сўзингни қайтармай саркарда беклар,
Сени иззат қилиб турмоқ не даркор,
Армон билан энди бўлдинг гуноҳкор,
Бошинг кесар, қонинг тўкиб жаллодлар,
Шул-да сенинг тенгинг энди, баччағар,

Қани, сенинг лашкар тортиб келганинг,
Сен мени ўзингга тобе қилганинг.

Туриб ўйла, шул бўлади ўлганинг,
Манманликман қўлга тушиб қолганинг.

Ўз давринга сен ҳам юрган бир подшо,
Ҳолинг билиб тўғри юрсанг бўлмайми,
Қўлга тушса гунохкорлар ўлмайми,
Ўлдириш менинг қўлимдан келмайми,
Азоблар кўрасан энди не чоғли,
Қўлимда сен қолдинг юрагинг доғли.

Қойил бўлгин ўзинг қилган ишингга,
Раҳм қилмас кўздан оққан ёшингга.
Сипоҳилар қамчи уриб бошингга,
Етолмайсан сен ҳам тенги-тушингга.
Таманно беклари ҳайдаб кетади,
Бошинг кесиб сени дорга тортади,
Сендай бек дунёдан энди ўтади.

Бу сўзни эшитиб, Аймокшоҳ бу ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Бандамиз, бизларда хатолик кўпди[р],
Беақллик яна биздан ўтибди.
Мен берайин қатор-қатор норимни,
Юклаб берай нор устинда заримни.
Сизга тобе қилдим шаҳарларимни,
Мен берайин мамлакатим, боримни.
Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдим,
Аҳмоқликдан бир иш бошлаб кеб эдим,
Менам келиб кўп пушаймон қиб эдим.

Қулок соп эшитинг айтган нолага,
Мойил бўлиб тушиб қолдим орага,
Зулм қилманг, хоним, мендай тўрага,
Беадаблик биздан ўтган, садаға.

Мен биламан ўзим қилган ишимни,
Этагингга солдим балким бошимни.
Азамат, мард эдим, бўлганман ночор,
Мен ҳам ўз ҳолимдан бўлиб бехабар.
Қўлга тушдим, энди уйқум очилар,
Сизга сарф айладим молу дунёлар.

Бир гуноҳни яратган Ҳақ кечирар,
Бир сафарга ўтил қилмоқлик даркор,
Озод бўлсин, жавоб берсанг гуноҳкор,
Гуноҳкорнинг айтган сўзи шул бўлар,
Нима бўлса, шоҳим, сизда ихтиёр.

Мен билмадим ўзим қилар ишимни,
Кессанг кесасан-да, менинг бошимни,
Қўйсанг мен кўрарман қариндошимни,
Қулоқ тутгин менинг айтган сўзимни,
Бориб кўрай элда ули-қизимни,
Қулоқ тутиб, хоним, айтган арзимни,
Қадрим билиб озод қилмоқ лозимди.

Бул сўзни эшитиб, Темуршоҳнинг кўнглидагини билиб ўз-ўзидан амалдорлар орага тушиб, Темуршоҳга караб воситачи бўлиб бир сўз айтиб турган экан:

Қулоқ соп эшитинг айтган нолага,
Бедов чопсанг сувсиз қойим далага.
Банда кўнар Ҳақдан келган ярага,
Амалдорлар келиб тушди орага.

Шоҳим, кулоқ солгин айтган тилима,
Гуноҳкорни бу кун беринг қўлима.
Омон-эсон кетсин ўсган элига,
Ўлдирмаклик хўб эмасди шаънига.

Бир гап билан лашкар тортиб келади,
Ўлмаса ҳам ўлиможи бўлади,
Жудагина ўлгандай бўлиб колади,
Жавоб берсанг, шоҳим, яхши бўлади,
Эсидан чиқмайди, дуо қилади,
Ўғли-қизин омон-эсон кўради.
Ҳозир бунга тутинг турли аломат,
Бундан кетсин омон-эсон, саломат,
Ўлдирсанг бир печа қилар маломат.

Урушнинг чин шаъни шундай бўлади,
Биров кочиб, биров кувиб боради,

Енгилгани шундай банди бўлади,
Ўлдирсанг подшолар айб қилади,
Жавоб берсанг элига омон боради,
Амалдорлар орага тушиб сўради.

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Ҳозир қўлимдади[р] банди гуноҳкор.
Ўлим ўтин тилаб сендан муҳрдор,
Катталарга ора тушмаклик даркор.

Бу сўзни айтиб амалдорлар туради,
Энди шоҳнинг гуноҳини сўради.
Шул замонда кулиб энди Темуршоҳ,
Ўтди гуноҳидан шундайин подшо.

Амалдорлар орага тушиб, гунохидан ўтилгач, Аймоқшоҳ Темуршоҳнинг қошига яқинлаб етиб, кўп узр-маъзурлар айтиб, ўзидан ўтган ишларига пушаймон қилиб, шунда Темуршоҳга тобе бўлиб, уни ўзидан катта билиб хат қилиб, божи-хирожидан бермоқчи бўлиб, бул ишга қанча амалдорлар қўл хам қўйиб, муҳр босиб, иккови шундай рози бўлиб, Аймоқ шоҳини чодирида зиёфат қилиб, хушлашиб, розилашиб жавоб берди. Аймокшоҳнинг амалдорлари қўшхонада эди, булар келиб қўнган ерида қолган аскарлар, бир неча амалдорлар билан маслаҳат қилишиб: "Бу подшомиз қўлга тушди, подшоларнинг одати шу турур: шоҳни ушласа ҳам қўйиб юборар. Уруш бўлган билан биров-бировига керак бўлмайди, катталар ёқа йиртарлик ишни қилмайди, кўнглига оғир олмайди. Бу ҳамма вақт шундай улуғларнинг юрт талаши бўлади-да. Қайси зўрлик қилса, зўрлик қилгани кўпрак ерни сўраб, почорроғи озроқ ерни сўраб туради-да. Бир нечалари унга душман бўлиб, ўзи келиб унинг қўлига тушган. У подшонгни кўядими, балки улоқ қилиб чопишган. Бекорга аҳмоқ бўлма, ҳаяллаб йўлингдан қолма. Энди у каттангдан умид қилма. Энди жўнамакнинг пайидан бўлабер. Бу ерда туриб таги бир балога йўлиқиб қолмайик", – деб бу сўзларни айтиб турибди. Бу ёқдан булар бораберди. Аймоқлар уларни кўриб, "бу келаётган Темуршоҳнинг одами, ўлжа олгани келаётир, бизлар боши йўқ бўлиб қолдик", деб туриб эди, Аймоқ шох якинлаб келаберди. Ҳамма уни таниб лашкарлар, амалдорлар олдига пешвоз чиқиб, кўришиб, сўрашиб, зиёрат қилиб: "Қандай бўп қутулдингиз"? – деди. Аймоқшоҳ, андай бўп қутулдик, деб гапиргилик қилмади, энди жўнайберайик, хайр жўнасак жўнаймиз-да, омон-эсон келдингиз, шул яхши давлат-да, – деб чодирларини бузиб,

партолларга ортиб-ортиб ўз мамлакатига қараб қайтиб жўнади. Булар жўнаб йўлга кирди. Энди Таманно шоҳи: "Лашкар кўчсин, элга қараб юриш қилсин!" – деб хабар қилди. Булар ҳам араваларни кўшиб, чодир-чаманни ортиб, элга қараб йўл тортиб, қилган ишларига кулиб, ҳаммаси шодмон бўлиб, йўлда бу сўзни айтиб кетиб бораётир:

Бир кун Ўртачўлга келдик,
Кўл ёқалаб бунда келдик.
Аймоқшоҳга дучор бўлдик,
Билмам, қанча уруш қилдик.

Ушлаб олиб банди қилиб,
Ёв деганнинг ақлин олдик.
Жуда танбеҳини бердик,
Таманнони тобе қилдик,
Бизлар энди йўлга кирдик.

Кеча-кундуз юриб йўлни,
Бориб кўрсак ўсган элни,
Ўртачўлда қилган ишим,
Лашкаримман шул бўлди,
Бу сўз айтиб келаберди.

Неча сўзни шойи айтди,
Ҳаммаси урушдан қайтди,
Душман бўлганни бўзлатди,
Пана излаб ўсган юртди.

Ўз элима борсам, дейди,
Шодлик даврон сурсам, дейди,
Ҳар ким менга душман бўлса,
Жазосини берсам, дейди.

Шодлик даврон сурсам, дейди,
Ҳар ким маған душман бўлса, дейди,
Жазосини берсам, дейди,
Ҳамиша шундай қилсам, дейди,
Ҳар юртни ҳам олсам, дейди,
Мартабали бўлсам, дейди.
Қайсар ишин қилсам, дейди,

Ҳар шаҳарни кўрсам, дейди,
Анжом тузаб юрсам, дейди,
Қоши-кўзидан урсам, дейди,
Шакаманлик қилсам, дейди,
Ёмонларни билсам, дейди.
Бу сўзни айтиб Темуршоҳ,
Элга келар шундай подшо.

Бедовларга қамчи чотиб,
Урган қамчи симдай ботиб,
Бедовлар селдаланг отиб,
Юрган йўлни тўзанг тутиб.
Юртга сиёсат кўрсатиб,
Гоҳи юриб, гоҳи йўртиб,
Лашкарнинг олдига ўтиб,
Минган отини терлатиб,
Борсак дейди элга етиб.

Бир нечага қилдим зулм,
Арз сўраган жони-дилим,
Ўрнимда қолганди улим!
Обод бўлар ўсган элим,
Очилар чаманда гулим,
Маст бўлса сайрар булбулим.
Бу сўзларни йўлда айтиб,
Кўп лашкарини ияртиб.

Атрофида сап амалдор,
Кетаётир бўлиб қайсар,
Элга яқинлаб бул беклар.
Яқин Таманно элати,
Келаётган эл бекзоти,
Борди[р] бошида давлати.
Элда қолган беклар билиб,
Пешвоз чиқиб хабар олиб,
Омон-эсон шоҳни кўриб,
Қолганнинг вақти хуш бўлиб,
Ул бекни зиёрат қилиб,
Бир-бирининг ҳолин билиб,
Бир куни элга келиб,

Ўз юртим деб даврон суриб,
Келди Таманнога кириб.

Шаҳарга келиб ҳар қайси ўз тегишли жойига бориб, подшони ўз жойига қўндириб, ўғлининг ишини кўриб, одам бўлган экан, деб билиб, ҳар бир аскарлар ҳам ўз жойида туриб, мамлакатини обод қилиб, ул оқшом ўтди, эртагисин тонг отди. Жами амалдор, беклар подшонинг қошига саломга етди. Саломга келиб, сап амалдор, беклар Раънонинг ишини подшодан сўради. Ўғлининг ишини бекларга билдириб: "Бул ўзимиз билан бирга урушга борса ҳам бўлар экан. Ҳар иш бўлса удда килар экан. Йўлиқса душман билан баробар келар экан, деб ўзинг ўлмай болангнинг қўлига қараб турмоқ кийин нарса. Бўлмаса, подшоликни берсак удда қилар экан", – деди. Бу сўзни эшитиб амалдорлар: "Шунча вақт уруш бўлди, ёлғиз сарамжом қилиб юртни сўраб турди. Юртни сарамжом қилган кишининг хеч камлиги бўлмайди. Қандай душман йўлиқса ҳам ғам емайди. Бир нечани парво қилмайди", – деди. Подшонинг вақти хуш бўлганини билиб урушдаги ғуборларни чиқариб суҳбат қуриб ўтирди. Неча кун бу суҳбат билан ўтди. Отасининг қошига келиб ўғли бир сўз айтиб турган экан:

Ота, қулоқ солгин ўғлинг тилига,
Мен минайин бир бедовнинг белига,
Овга бормоқ бўлдим Чархин кўлига.
Муна элда менам бекман-тўраман,
Сизлар кетиб оша дикқат бўламан,
Қанисизлар, дуода бўл, бек ота,
Чархин кўлга бугун овга бораман.

Олмосимни қайраб белга чотайин,
Неча ғозни, неча ўрдак отайин,
Чархин кўлга овга бориб кайтайин.
Ота, кайтармагин мендай кайсарни,
Ҳамро қилмай ҳусни тоза гулларни,
Ота, ёлғиз юбор мендай улларни,
Шикор қилар сайли баҳор кўлларни.
Овга чиқсам уриб неча онгларни,
Отиб олай қулон, булон жонларни.

Милтиқ, анжом, олғир қушни оларман,
Ота, кўнглим овни ҳавас киларман,

Жавоб беринг, менам овга бораман,
Обод қилсам мана ўсган элларни.

Кезиб келай неча адир, белларни,
Кўрганимдан келиб берай хабарни,
Кезиб кўрай менам неча йўлларни,
Ҳали кўрганим йўқ саҳро, чўлларни,
Мамлакатда ётган қанча элларни.

От устига, ота, минсам биларман,
Эрта борсам кечга тортмай келарман,
Йўлиқса, душманнинг бошин оларман,
Ота, кўнглим шикор ҳавас қиларман.
Ул сабабдан сиздан сўраб тураман,
Жавоб беринг, каъбам, овга бораман.

Бу сўзни ўғлидан эшитиб Темуршоҳ Соқига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Соқи, эшит менинг айтган тилимни,
Хафа қилма менинг жони-дилимни.
Булбул суяр менинг тоза гулимни,
Отлантирсанг энди ёлғиз улимни.
Обод қилар мана ётган элатни,
Сайлаб миндир бунга тулпор отни,
Отлантиргин шундайин валламатни,
Менинг болам овга талаб қилибди.
Эр етибди, камолига кирибди,
Тўраликда шикор ҳавас қилибди.
Сен жўнатгин бир бедовни миндириб,
Лочин қушни олсин энди қўндириб,
Сен эшитгин менинг айтган ноламни,
Албатта, отлантир шундай боламни,
Соқиё, абзаллаб келтир бедовни.

Сокий, тургин, бундан таблага боргин,
Жийронни силагин, йўлига солгин.
Тилламан безагин сен олиб келгин,
Шундай қиб боламнинг кўнглини олгин.

Ёлғизимнинг лодон кўнглин бўлмагин,
Кўп хаяллаб уни хафа қилмагин.
Беҳуда айланиб сенам юрмагин,
Менинг сўзим сен ҳазилдай билмагин.
Отлантиргин шундай ёлғиз фарзандни,
Абзаллаб келтиргин сен тулпор отни.

Отни миниб қуло тузга кетади,
Насиб қилса қулон-кийик отади,
Энди борса қўзим бундан қайтади.
Соқиё, абзаллаб келтир тулпорди,
Болам учун бердим сенга хабарди.
От устига солиб тилла эгарди,
Таблага соқини подшо юборди.

Бу сўзни Темуршоҳдан эшитиб Соқи деган деган хизматкори ўрнидан туриб таблага бориб, отларни кўриб, бекнинг буюрган отини жиловидан ушлаб, яланғочлаб ташлаб, суворига минганда соладиган абзалларни олиб келиб, отга қараб, ёли-куйруғини тараб, отини кашлаб, шипириб, бир сўз айтиб турган экан:

Қамчи урса ўтади осмонда қушдан,
Ҳеч камлиги йўқди[р] йўрға юришдан,
Ўн икки ой бул таблада боқилган,
Оёғига абжўш наҳал қоқилган,
Тегса тошлар ёнғоқдай бўп чақилган.

Тўра минар сағрисини тошириб,
Мудом юрсанг туёғига бош уриб,
Манзилга еткарар кирдан ошириб,
Арпа бериб олтой боққан тўлатиб,
Душмандан ўчини олар йиғлатиб.
Назаркарда эмиш хоннинг тулпори,
Сени минса бул шаҳарнинг қўчқори.

Қозининг олдида шабгир нойиби,
Кўп бўлар банданинг қилган айиби,
Сенинг эганг бул шаҳарнинг сойиби,
Назаркарда эмиш бекнинг тулпори.
Булбул бўлиб боғда сайрар гулини,

Подшо миндиради ёлғиз улини,
Овга юборади жони-дилини.

Сенсан назаркарда подшонинг оти,
Сени минса Ҳақдан етар мақсади,
Шикорга минади боқнинг фарзанди,
Сенам назар топган подшонинг оти,
Кўп бўлар эгангнинг катта давлати.

Ўйнаб-ўсиб кўрдинг муна элларни,
Овга чиқсанг кўриб бузуқ ерларни,
Олқор-кийик отиб келган тоғларни,
Овга минар жонвор сендай тулпорни.

Бу сўзларни отга айтиб, отни эгарлаб берайин, деб турган ери:

Мусофирлик тортган кўрар хўрликни,
Раъно ўз кўнглида қилар эрликни.
Аввал бошлаб солди отнинг белига,
Кимхоби майиндан бўлган терликни.

Эр йигитлар кўрар бунда дурбини,
Ишлатар усталар пўлат қирғини.
Сўнгра солди туриб отнинг белига,
Тиллайи зарбофдан бўлган чиргини.
Чиргининг устидан қўйиб белликни,
Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни.

Муллалар ўқийди зеру забарни,
Оша юртдан ким етказар хабарни,
Бир неча ишлатар ўткир табарни,
От устига солиб тилла эгарни.

Эл кўчирган Олатоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди.
Иккови ҳам тилладандир узанги,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Қишман ёз ўртаси ишшай саврди[р],
Ёмон одам мудом қилар ғовурди.

Шул замонда солди отнинг устига,
Чочоғи зумратдан тилла довурди.

Гана-гана бандаларинг ёйилди,
Худо қилган ишга банда қойилди[р].
Ул Соқи кашкашлаб тортди белидан,
Сирти ипак, ичи майин айилди.

Эр-йигитлар мудом қайтмас урушдан,
Кўрса умид қилар яхши бувишдан.
Боз устидан тортаберди шул замон,
Отнинг белидан чиғатой пушган.
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,
Ҳар қуббаси келган катта таркишдан,
От абзаллаб чоқлаб Соқи бул замон.

Соқининг қилгани энди шул бўпти,
Гарданига солиб ўмилдирикди.
От абзаллаб Соқи анча кувонди,
От бошига солиб тилла юганди.
Ҳар ким қойил бўлар марднинг ишига,
Олиб борсам, дейди бекнинг қошига.

Подшо кўрса, дейди Соқи ишимни,
Бир кулдирсам ул давлатли кишимни.
Неча гапни Соқи кўнглига олди,
Отнинг тизгинини эгарга солди.

Якка жилов тақиб ушлаб ул Соқи,
Неча ишлар ул Соқидан кўркарди.
Сўз сўраса Соқи хабар берарди.
Тулпорни етаклаб энди чиқарди.

Кенг табладан чикди шундай жонивор,
Неча ой, неча йил Соқи хизматкор.
Қилиқ билан ўйин қилиб муқаррар,
Устида ярқиллаб канча тиллалар.

Подшонинг кўнглини Соқи билади,
Бу ерда еталаб отни жўнади.

Кишпаб-кишпаб бу табладан боради,
Барча халойиқлар буни кўради.
Соқи отнинг жасадига қарады,
Темуршоҳнинг айтганидай бўлади.
Яраширка қанча абзал солади,
Оёғини териб босиб боради,
Шундай қилиб Соқи олиб жўнади.

Ҳар ким қойил бўлар тақдир ишига,
Сўз қотмади Соқи ҳеч бир кишига.
Етсам деди жиловхона қошига,
Соқи пишиқ ўзи қилган ишига.

Пойтахтга бул якинлаб боради,
Тахт устида амалдорлар қарады,
Соқи отни яқин олиб келади,
Соқининг ишини подшо кўради,
Подшонинг кўнглидан зиёд бўлади.

Пойтахт остига ул замон стди,
Маҳтал бўлиб Соқи ушлаб турибди,
Амалдорлар атрофини олибди,
Раъно тўра энди яқин келибди.
Юракдан кечириб оҳ билан войни,
Банда ёд этади кодир худойни,
Бул устига [кийган] яхши сарпойни,
Бошига кийганди бул тос қалпоқни,
Бостириб кийибди бул кишт телпакни.
Йўл кўрсатган берар неча хабарни,
Боғлади белига тилла камарни.
Кўрса душман, қайтмай қилар урушни,
Раъно қилар бу кун овга юришни,
Белига боғлаб сопи олтин қилични.

Нечовларнинг бунда ақлини олиб,
Баҳодир ичинда бўлганди ғолиб,
Фаранги милтиқни эйнига солиб,
Эр етган шундайин камолга кириб,
Темуршоҳ отаси қошига келиб,
Раънодай ўғлининг жасадин кўриб,

Ўғлидан ул замон кўнгли тўлиб,
Фарзандининг ақлини рост қилиб,
Яхши бўпти, деди, баркамол бўлиб,
Юборайин энди отга миндириб.

Кўрар кўзим менинг ёлғиз улим-да,
Ёлғиз юбормаклик менга кийин-да,
Бешта-ўнта одам ҳамроҳ килай, деб,
Нега боламни йўлга ёлғиз солай, деб,
Бу сўзни ўйлаб ул Темуршоҳ туради,
Сайислар пайровлигини қилади.

Тўра жоним, дейишиб парвариш қилиб, Темуршоҳ ўғлини отлантириб, неча маҳрамларни, бир неча сайисларни ўғлига йўлдош қилиб, шунда бир сўз айтиб турган экан:

Мен боримда шаҳаримга тўрасан,
Кўрар кўзим, овга кетиб борасан.
Сенга йўлдош қилдим яхши бекларни,
Қадди шамшод, усти тоза гулларни,
Шикор этсанг мурғизорли кўлларни,
Омон-эсон келиб кўрсанг элларни,
Кўнглингда ёд этгин парвардигорни,
Ҳарна кўрсанг бергин, болам, хабарни,
Сени болам, бу кун овга юбордим.

Улуғланиб, остонага бош уриб,
Сиринг айтма бир нечадан яшириб,
Сени, болам, яратганга топшириб,
Йигит пири Шоҳимардон ёр бўлсин,
Имом, чилтан сенга жиловдор бўлсин.
Душманларинг мудом сенга зор бўлсин,
Кўрар кўзим, болам, ҳаққа топширдим.

Бир неча лодонга кўнгил бермагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Бекорига кечгачайин юрмагин,
Ўз бошингча бир хил ишни қилмагин,
Кечга қолмай, эрта кайтгин, чироғим,
Бор энди, фарзандим, ҳаққа топширдим.

Қулок солгин бек отанг нолишига,
Урма назаркарда отнинг бошига,
Бундан борсанг, болам, Изғор даш[т]ига,
Қуш солмагин сира тоғнинг тошига,
Қарагайсан кошингда ўнта кишига,
Бор энди, фарзандим, ҳаққа топширдим.

Олмос пўлат боғлаб болам, белингга,
Отанг интизорди[р] сенинг йўлингга,
Эрта қайтиб келгин ўсган элингга!

Бу сўзни эшитиб, ўн одамни ҳамроҳ қилганини кўриб, отасининг кўнглидагини билиб, отасига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Остимга миндирдинг араби тулпор,
Эгам пано берса, бизга не ган бор?
Бизга ҳамроҳ бўлди ўнта амалдор,
Хафа бўлиб кўп сўйламак не даркор?

Минса ярашади бедовнинг бели,
Қай вакт келсанг турар Таманно эли.
Йиғлаганда осон бўлгай мушкули,
Бул шаҳарда мен ҳам подшонинг ули.

Талаб қилиб мен ҳам жўнадим овга,
Тушмасин бошимга нокулай савдо.
Дуода бўнг, овга кетиб бораман,
Устимизда ҳеч бўлмасин-да ғавғо.
Ўз кўнглимман миндим тулпор бедовга,
Чўлга чиқиб менам қилсам бир савдо.

Оҳ урганда кўздан оққан ёшимди,
Эсон бўлса нелар кўрар бошимди.
Бедов миниб овга чиқиб бораман,
Жавоб беринг, жоним ота, хуш энди.

Худойим бергайди барчага дармон,
Иш бўлмас яратган Ҳақдан бефармон.
Мен бугун шикорга кетиб бораман,
Дуога қўл кўтар энди, отажон.

Чечан бўлиб гапни-гапга уладим,
Бир яратган худо бергай муродим,
Мен отландим, ота, дуо тиладим.
Худойим сақлагай бандани омон,
Ҳаммадан айролиқ савдоси ёмон,
Холисанилло дуода бўл, отажон,
Менам дуо тилаб овга бораман.
Мўъминдир, бандадир, кодир худойи,
Сенам қўл кўтаргин ўнта сипойи.

Отасидан дуо олиб, ўн маҳрам билан бирга бўлиб пойтахт остидан жўнайберди. Йўлда шаҳар ичида, паст кўча, рост кўча, тор кўча, кенг кўча билан уриб бораётир. Остида бедов от, ёнида кескир пўлат, қаватида ўн маҳрам. Бир нечалари қарчиғай қушларни қўлга кўндирган. Подшонинг ўғлини эшитган, кўрмаган кўп. Ким бўлса қараб, кўрмаганлар кўрганлардан сўраб бораётибди. Бир бурум кўчада бир кампир бели букрайиб, қулоғи тикрайиб олдидан чиқиб қолди. Кампирнинг кўнглига келди. "Бизнинг элда бу жасадли ўғил йўқ эди, тарзига қаради, жамоли ойни хира қилади. Ҳазрат Юсуф ўтгандан бери бундай сулув, ярашиқли, ширин сўзли, нур юзли йигит бу дунёга келган йўқдир. Бизнинг шаҳарда икки бошдан йўқ эди. Билмайман, қайси мамлакатдан келган, кимникига меҳмон бўлган. Унча-мунча ерга бурилмас, балки одамзодда мунча сулув бўлмас, ё парижиплардanмикан, ё кўзимга шундай кўриндими", – [деб] гумон қилиб ўтирганича, бир тўхтатиб сўраб кўрсам бўлмайдими, деб кампир буларга қараб бир савол сўраб турган ери:

Қайси боғнинг гулисан,
Қай чаманнинг булбулисан?
Рост айтгин, кимнинг ўғлисан,
Бировнинг жони-дилисан.

Қайси юртдан, қайси элдан бўласан,
Қайси бекнинг, қайси шоҳнинг ўғлисан?
Сени кўриб ўсган юртинг сўрайман,
Хабар бер, ёш ўғлон, қайдин бўлурсан?

Ёш ўғлонсан, кўрсат менга вафонгни,
Мен билмайман сенинг кўрган жафонгни,
Оллоҳ кечиргайди қилган хатонгни,

Нима дейди, болам, сенинг отингни?
Бино бўпсан сенам гавҳар донадан,
Болам, қандай сен туғилдинг энадан?

Шундай бўлди менга Ҳақнинг фармони,
Сени туққанларнинг борми армони?
Тарзинг кўрса одам кетар дармони,
Одам десам, сен беҳиштнинг ғилмони,
Ҳуру ғилмон сурат, қайдан бўласан?

Тарбият айласам дурлар сочилар,
Бир ғазотли кунда умринг кечилар,
Олтин пиёлада шароб ичилар,
Оқ юзингда жаннат гули очилар,
Рост айтгим, гулзорим, кайдин бўласан?

Мен билмайман, болам, юриш чамангни,
От устида сен бировдан камингни,
Маҳтал қилма йўлда турган момангни,
Хабар бер, жон болам, қайдин бўласан?

Қабатингда ҳамроҳ неча беку хон,
Неча ой, неча йил бошингда даврон,
Олмос пўлат белда, эйнингда қалқон,
Хабар бергин, қўзим, кайдин бўласан?

Ёш экансан, изламагин зулмни,
Менга хабар бергин борар жойингни,
Мен сўрайман ҳарна авлодларингни,
Бул момангга гапира кўр боринги,
Йўлдош бўп юрган бул бекларингни,
Нима дейди ўйнаб-ўсган шаҳрингни,
Ростин айт, жон болам, кайдин бўласан?

Ё авлодинг сипоҳилик қилганми,
Бу йўлларда илгаридан юрганми?
Ҳеч авлодинг, болам, подшо бўлганми,
Рост айтгин, жон болам, қайдин бўласан?

Аста-аста овоз қилиб,
Бу бекларман дамсоз бўлиб,

Бир уядан парвоз қилиб.
Хабар бер, қайга борасан?

Бул сўзларни эшитиб: "Илгари кўриб билган эмас экан, индамай кетсак бул ҳам писанд қилмаган бадлик бўлар. Аввали йўлда савол сўраб нима иши бор. Қария экан, индамай кетсак кўнгли қабарар. Албатта, бунинг сўзига жавоб бериб кетмагим даркор", – деб кампирга караб Раъно бир сўз айтиб турган экан:

Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Парвоз қилган балки жони-дилиман.
Авлодимни сизга баён айлайин,
Отим Раъно, Темуршоҳнинг ўғлиман.

Темуршоҳ дейдилар, Таманно жойи,
Сўраб билсанг, ўн икки лак сипойи,
Менинг отам шунча шаҳарнинг шойи,
Овни ҳавас қилиб энди, моможон,
Ростин десам, овга чиқиб бораман.

Отга миндим бир саҳрони кўрай, деб,
Кўл билан чўлларни кезиб келай, деб,
Овга чиқсам олқор отиб келай, деб,
Шул хизматга менам кетиб бораман.

Овга бориб отсам неча бир онгни,
Келиб беклар билан қилсам давронни,
Тангримнинг фармони шундай бўлганди,
Фалак қўзғаб бизни йўлга солганди,
Мендай ўғлинг овга бормоқ бўлганди.
Отам маҳрамларни йўлдош қилганди.

Фалакнинг гардиши, Оллоҳнинг иши,
Ҳақ деб чиқар мендек қулнинг довуши,
Оллоҳ деган хонақонинг дарвеши,
Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,
Отам подшо, кўпдир ул қилган иши,
Отам билан бирга юрган ўн киши.

Қўяберинг, овга кетиб бораман,
Ҳаялласам, момо, кечга коламан,
Отам сўзин қулоғима оламан.

Бу сўзни эшитиб, момо: "Мамлакатимизнинг подшоси ўғилли бўлган, деб эшитиб эдим", – деб Раънога қараб, икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Майдон бўлмай бедов отлар чопилмас,
Чопган билан хоса тулпор собилмас.
Терлаб келса банот жуллар ёпилмас,
Одамзодда бундай сулув топилмас.

Беклар, овга оп чиқибсизлар буни,
Эҳтиёт қинг бул ўғлонни ҳар куни,
Бундан йўқди дев-парининг хабари,
Ё тегмасин бир ёмоннинг асари.

Овга бориб, сизлар ангда қолманглар,
Кўзларингдан сира пана қилманглар,
Кўздан пана қилиб жудо бўлманглар,
Момангнинг сўзини лодон билманглар.
Қарри халқи кўп сўзларни билади,
Дев-жинлар кўрса аксар килади.
Мендай момонг насиҳатни беради,
Дев кўрса Кўхи Қоф олиб боради,
Сўнгра бу юртларни қайдан кўради?
Одамзодда мунча сулув бўлмади,
Кўриб бул момонгда тоқат қолмади.

Бекорига ҳовбош-бебош юрманглар,
Ўз бошига юрса жавоб берманглар,
Беҳуда муни жувонмарг қилманглар,
Армон билан жудо бўлиб қолманглар,
Қайтадан подшога осий бўлманглар.

Бу сўзни айтиб мендай моманг туради,
Ҳак бошқарган ишга банда кўнади.
Кўнмаса, чораси қанча бўлади?
Жудо тушсанг сизлар бундай ўғлондан,
Подшо сизга кўп азобни беради.

Болам дейди, йўлга қараб туради,
Эҳтиёт қилсанглар яхши бўлади.
Ул момаси насиҳатни беради,
Момасидан дуо олиб жўнади.
Ўн маҳрам ширқиллаб кетиб боради.

Олдида шоҳнинг фарзанди,
Ўйнар минган тулпор оти,
Ёнида кескир пўлати,
Қичашиб кетиб боради.

Бу шаҳардан чиқиб кетиб боради,
Юрган йўлин тўзон тутиб боради.

Остидаги бедов от,
Кокил ташлаб жонивор,
Ўйнаб кетиб боради,
Қарсиллатиб сувлиғин,
Чайнаб кетиб боради.
Бу турган неча элларни,
Кўриб ўтиб боради.
Тўқайистон, кўлларни,
Билиб ўтиб боради.
Йўлда сувсиз ерларни,
Юриб ўтиб боради.
Не бир қия йўлларни,
Қийиб ўтиб боради.

Қир келса қилпиллатиб,
Арна келса ирғитиб,
Ўр келса ўмганлатиб,
Гоҳ ердан чопиб ўтиб,
Шундай қилиб йўл тортиб,
Отлар бўйнин узатиб,
Жуфтагини тузатиб,
Йўлнинг танобин тортиб,
Шамолдай ғувиллатиб,
Зар даштига чиқди,
Бедовни шувиллатиб.

Амалдорлар [Раънони] эргаштириб, бул сўзларни айтиб бораётир:

Юриб келдим бундан қанча йўлларни,
Томоша қил чалқиб ётган кўлларни.
Кўрсатарман неча баланд тоғларни,
Кийик, олқор кезиб юрган зовларни.

Шовқумга ирғисин остимда тулпор,
Сенга ҳамро бўлган неча амалдор.
Бул сўзларни айтиб шундай амалдор,
Шоҳ ўғлига кўп жойларни кўрсатар.

Отанг сўрган бунда неча шаҳар бор,
Хонимнинг ўғлисан, сиздайин қўчқор.
Қолмасин кўнглингда чер билан ғубор,
Кўлдан ўтсанг неча баланд тоғлар бор.

Мана, яқин кўринади қораси,
Бу тоғларнинг неча бузуқ дараси,
Чўлу ғор, тоғларда олқор боласи.
Ҳар тараф довонди[р], чашма-булоғи,
Бошида ўйнайди олқор улоғи.
Улоқларнинг тўбасинда қулоғи,
Бориб кўрсанг Темуршоҳнинг чироғи.

Бу сўзни айтиб амалдорлар боради,
Кўлдан ўтиб токка қараб жўнади.
Кўнглида қулон отмоқ бўлади,
Овчи беклар қирчиллашиб боради.

Яраширра от сағрисин силади,
Муродини бир Оллоҳдан тилади.
Токка қараб ўрлаб йўлга жўнади,
Маст бўлишиб булар кетиб боради.

Сўз сўзласа шоҳнинг ўғлин кўндириб,
Хафа қилмай, хар замонда кулдириб.
Тўрасига бари сўзин билдириб,
Отлар йўртиб йўлда кетиб боради.
Ҳориб бораётир отнинг устида,
Яқинлари баланд тоғнинг остига.

Тоғнинг остига бориб, отлардан тушиб, отларини совитиб, қашантириб, терини қотириб, шунда подшобачча бир сўз айтиб турган экан:

Амалдорлар, тоғни ўрлаб юрайик,
Ғайрат қилиб от белига минайик.
Омин деса фаришгайи малойик,
Яратган Раҳмондан мақсад тилайлик.

Тоққа чиқиб ўнгу сўлга қарайик,
Баланд ерни, ўнгу сўлни кўрайик.
Дунёда не гап бор, ани билайик,
Хушбаҳор тоғларни юриб кўрайик.

Борайик бул замон энди йўл тортиб,
Не онгларни отиб олсак сулатиб.
Келармиз бир куни биз элга қайтиб,
Отамизга неча ишни кўрсатиб.
Тақдирда бори шул, белимни бойлаб,
Ҳавоталаб кўнглим мени гап ўйлаб.
Бу сўзни айтиб от белига минади,
Ҳар не деса амалдорлар кўнади.
Чув деди, шул замон энди жўнади,
Бузуқ тоққа чиқиб кетиб боради.

Худо қилганига банда кўнади,
Овчи халқи бузуқ ерда бўлади.
Энди беклар олқор излаб боради,
Бир чўққини бетга тутиб жўнади.

Шул чўққига етсак дейшиб боради,
Подшовачча ҳали ёшроқ болади[р].
Бедовига аччи[қ] қамчи чолади,
Бедов от пишқириб кетиб боради,
Қоратошга яқин етиб боради,
Неча қиялардан ўтиб боради.

Баракалла, фалакнинг гардишига,
Яқинлади ул чўққининг қошига.
Назар солмай мунда баланд-пас[т]ига,
Бул дунёда кўп бўлган ҳавасига,
Чиқиб борди энди тоғнинг устига.

Раъно айтур: Беклар шундай бўлайик,
Олқор кўп ёғига энди борайик.
Сиз амалдор, менинг отам бек эди,
Устимга кийганим кимхоб кўк эди,
Бу тоғларни мен кўрганим йўқ эди.
Сизлар билан бирга йўлдош бўлганман,
Сизларга ияриб бирга келганман,
Мен тоғда юрмакка, билсанг, лодонман,
Ўйла беклар, бир анойи одамман.

Қани бекларр, баланд-пас[т]ни билайик,
Шул чўққига чиқиб тахмин қилайик,
Аввал дунёни бир томоша қилайик.
Мана тоғда қизил гуллар терилар,
Баланд жойда ҳамма шаҳар кўринар.

Бу сўзларни айтиб шоҳнинг фарзанди,
Бошида бор анинг шоҳлик шавкати,
Бир баланд чўққига чиқиб қаради,
Бари дунё, мамлакатни кўради.
Ўсган юрти оёғининг остида,
Неча шаҳар борин қараб билади.

Томоша қиб тоғнинг бошида турди,
Мамлакатни босган сувларни кўрди.
Ажойиб хушбахор, деб ул Раъно,
Бул чўққида дамин олиб ўтирди.

Бир ажойиб, ғаройибларни кўрди,
Қараб туриб ақилини йитирди.
Амалдорлар шундай яқинлаб келди:

– Туринг хоним, энди бирга бўлайик,
Овга келган одам сиздай бўлама,
Бир ерда ёнбошлаб туриб қолама.
Овга келган эр-йигитлар қирчиллаб,
Кийикдай бузуқ тоғда ўйнар диркиллаб,
Мерган халқи тоғда онгдай қоришиб,
Қулон, кийик отмайдими талашиб,

Бир-биридан ғолиб келса ёнашиб,
Не сабабдан бундай бўшаб борасиз?

Не гап бўлди, хаёлингни бўласан,
Ёшлик қилиб, тўрам, чарчаб қоласан.
Туринг энди, тўрам, бирга бўласан,
Шакаманлар қилган ишин кўрасан.

Дамин олди миниб келган бедовлар,
Тоза тўқай, ёғочи кўп бу тоғлар,
Раъно билди махрамларнинг ишини,
Қараб кўрди бунда ўнта кишини,
Кўтарди шул замон энди бошини,
Парвонадай бул бошидан айланиб,
Турибди Раънонинг кўнглини сўраб.

Раъно бошини кўтариб, бир сўз айтиб турган экан:

Мени тақдир шундай кулфатга элтди,
Қийин савдо мени хиёл оп кетди.
Йил бўйи қошимдан кўп савдо ўтди,
Ажойиблар мендай ўғлон кўрибди.
Кўзим юмсам, бари ҳозир бўлади,
Кўзим очсам, бирдан йўқ бўп колади.

Тилла туғ ярқиллаб, тилладан гумбаз,
Не жононлар менинг билан бўлди соз.
Ундан бошқа менга кўринмас хавас,
Мен элимда ёлғиз юрган добилбоз.

Шуйтиб менинг фикр-хаёлим олди,
Амалдорлар, билмам, ҳолим не бўлди?
Кўрмасам, яхшилар, бир қаттиқ кунни,
Бул хаёлдан менинг кўнглим тингилди.
Жилва қилган бирор жонон кўринди,
Билмайман, толпинган кўнглим не бўлди?

Бул сўзни амалдорлар Раънодан эшитиб:

– Эй тўрам, бул бир тоғнинг баланд чўққиси, ундай тилла тўла гумбазлар шаҳар жойида бўлади. Сиз шаҳарда, иссиқ ерда юрган, бунда

келиб баланд тоғнинг устида турганингизда мамлакат осмонининг ости кўзингизга кўринган. Бурун бундай баланд ерга чиққанингиз йўқ эди. Тоғнинг ҳавоси, баландлигидан бошингиз айланган. Бу ерда сизнинг кўзингизга кўринадиган дилбар нима қилади? Бу ерларда ваҳший жонвордан бошқа нарса йўқ. Бул бир ажойиб тоғ, ҳар қандай жондор бунда топилар. Ҳар турли дарахтлар бор. Бул ишлардан сиз бехабар. Шуйтиб хаёлингиз илинган, англамайсиз, бошингиз айланиб кетган. Ул хаёлларни ташланг, кўнгилхушликни бошланг. Бул чўққидан тушинг, отнинг белига мининг, бизлар ваҳшийларни отганимизни кўринг, ёввойи жондорларни уриб олиб, йиқитганимизни бирга юриб томоша қилиб, диққатликни ташлаб, биз билан йўл бошлаб юринг.

Фозил шоирдан "Раъно билан Сухангул" достонини ёзиб олган фольклор тўпловчи Маҳмуд Зарифий. 1928 йил.

Раъно "Хайр" деб, отининг қошига келиб, булар илгари неча марта келган, бу тоғларни кўрган, олқор, қулон айланадиган ерларни билган, ҳаммаси отини минган, тоғнинг бир-икки чўққисидан ўтди, кўп онгга йўлиқди. Раъно отнинг устида турди, шакаман беклар ўзини отдан ташлаб пана ерга олди. Ҳар қайси ҳар тарафдан милтиғини ёнбошига олиб, эл мерганидай бўлиб, онгни қулайлаб бориб, ул жондорлар бехавотир ўтлаб, ўз нафси билан бўлиб ётди. Ул мерганлардан бехавотир турди. Мерганлар ҳам яқинлаб дамини ичида сақлаб, шу ердан етар деб, милтиқнинг оғзини олқорларга қаратди. Олқор, кийик аралаш жондорлар юрибди. Милтиқнинг исини билиб, калласини кўтариб, ҳаммасининг қулоғи тип-тикка бўлиб, ҳуркиб уч-тўрт қир нари билан ўтиб кетди. Раъно: – Эй бу ишларинг бўлмайди, уйтиб юришларингни, сизларнинг айтганларингни қилмайди. От устида қувиб ўтиб олмасаларинг бўлмайди, – деди.

Раъно берди шундайин маслаҳатди,
Шакаманлар миниб қайтадан отди.
Отланишиб неча бузуқдан ўтди,
Қайта бошдан яна онгга кўзикди.

Тиклашиб шул замон милтиқ бўшатди,
Бир неча олқордан ўқлари ўтди.

Бир нечасин шул замонда қулатди,
Кийиклар айрилиб бузукка кетди.
Отган онгга мерган айланиб ётди,
Подшонинг ўғлиман иши бўлмабди.

Кийикнинг кейинидан бузуққа тушиб,
Раъно қувиб кийикни ақли шошиб.
Бора-бора юрар йўлидан адашиб,
Бир кийик тобланиб олдига тушиб.
Бошин олиб кийик қочиб боради,
Кейинидан тикилиб Раъно жўнади.

Тилладай ярқиллаб гавҳардай шохи,
Ҳар алвон тобланиб ақлини опти,
Тўранинг савдоси кўп ғолиб кепти,
Қувиб неча адир, қирлардан ўтди.
Кўп йўлларда маҳрамлари қолибди,
Раънодан бехабар булар юрибди,

Кийик қувиб бунда дарёдай тошиб,
Қолмай деди яна бундан адашиб,
Бедов отга аччиқ қамчи уради,
Ортидан капталлаб кетиб боради.

Худо берса буни отиб олай, деб,
Нишона деб хон отамга борай, деб.
Бул кийикни ёлғиз қувиб боради,
Энди қайтмай тақдиримдан кўрай, деб.

Неча бузуқ чўққи тошлардан ўтиб,
Қун ҳам шул замон ботмоққа етиб.
Ажойиб срларни тангрим кўрсатиб,
Қайта борса қолмай кейинидан етиб,
Ололмади бунда кийикни отиб.

Ўқ узмайин деди, энди ўйланди,
Кийик бориб бир гумбазни айланди.
Раъно ҳам борди-да айланиб кўрди,
Қувиб келган онгдан энди айрилди.

Қай тарафга кетганини билмади,
Гумбазни айланиб буни кўрмади.
Раънобекнинг кўнглидаги бўлмади.
Ҳар тарафни югуриб-елиб қаради,
Кийикдан нишона топмай боради.
Бирга келган жўралари билмади,
Калласи ганг бўлди, тоқат қолмади.
Кун бемаҳал бўлди аланглаб ётди,
Қора тортиб энди гумбазга етди.

Ҳар гап бўлса тақдиримдан кўрай, деб,
Ҳақ бошқарди, бул ишларга кўнай, деб.
Тонг отганча менам шунда турай, деб,
Таваккални бир худога қилай, деб.

Гумбазнинг қошига яқин боради,
Жуда ҳам хаёли қочиб боради.
Тоғнинг қовосати аклин шошириб,
Бу гумбазнинг эшигини очади.
Эшигини очиб ичкарига киради,
Билмадим тоғда буни ким қилади,
Раънонинг кўнглига кўп гап келади.

– Деву жинлар бундай жойни солмасин,
Бемаҳалда яна бунда келмасин,
Мени боғлаб банди қилиб олмасин,
Қора кунни мендай бекка солмасин,
Ота-энам сочин ёйиб колмасин.

Бир гап билан бунда тушди гузарим,
Қўлимда йўк менинг ҳеч ихтиёрим.
Қани, йўл бошқарса, бўлса бекларим,
Бундай кунда забун бўлди аҳволим.
Агар бунда келса деви зўрабор,
Билмайман, кўлимдан нима иш келар.

Кўзим тиниб менинг бошим айланди,
Кун бемаҳал билмай колдим мен энди,
Бундай кунда менинг ҳолим танг бўлди,
Бу гумбазга кириб бошим ганг бўлди.

Кийик деб бекорга аҳмоқ бўлибман,
Ҳолим билмай ўзим ғалат қилибман.

Оҳ урсам тўкилиб кўзимнинг ёши,
Қани, бўлса бирга келган ўн киши,
Менга ҳамроҳ ул отамнинг сирдоши.
Бемаҳалда қолдим бундай жойларда,
Куним кечиб бунда оҳу войларда.
Болам қандай бўлди, деб отам ўйлар-да,
Ҳолим танг бўп қолдим қийин кунларда.

Ҳозир бундан кетолмайман саломат,
Бошимга тушибди турли аломат.
Энди бўлди менга ваҳми қиёмат,
Ёқамни чок айлаб йиғласам фарёд.
Бузилсин, йиқилсин ул чархи ношод,
Қани, навжувонлар, қомати шамшод?

Худо дейин, яратганга йиғлайин,
Қийин ишни осон қилсин худойим.
Илоҳим, мен овга келмай кетайин,
Бул юришим бўлди менинг бетайин.

Тонг отгунча менам йиғлаб ётайин,
Йиғлаб кўз ёшимни овқат этайин.
Шум фалак тақдирим шулди[р], қайтайин,
Элга борсам кўрганимни айтайин.

Айролиқ ўтига бағримни доғлаб,
Қани, келса ўн маҳрамим сўроғлаб.
Мен ётибман, ой қоронғи, кун ғубор,
Бирга келган беклар мендан бехабар.
Йиғламоқдан фойда йўқдир, худойим,
Ўзингга топширдим мен ҳам илойим.

Тонг отганча бу гумбазда турайин,
Қандай жонзот бўлса кўзлаб урайин,
Мен ўзимга шердилликни берайин,
Ҳар гап бўлса тақдиримдан кўрайин,
Раббим деб бу ерда ётиб турайин.

Аҳди тақдир шундай жойга етишди,
Бовримдан ўт чиқиб таним туташди.
Илгари кўрмасам бундай юришни,
Қурисин баччалиги, кўнглим тошди.

Отим суриб неча жойлардан ошди,
Лодонлик кип менинг ақлим шошди.
Қайси гўрдан ёлғиз ул кийик қочди,
Бир фалокат келиб менга чулғашди.
Бул сўзни айтиб таваккални қилади,
Қай тарафга кетарини билмади.

Шундай қилиб, Раъно милтиғини қўлига олиб, хаёл кўнглида айтди: "Узоқдан қора жондор, дев-парилар кўринса ҳам отарман, бугунча ухламай ётарман, эрта-мертан тонг отган сўнг отнинг белига минарман. Бу пастлик ер эмас, баланд тоққа чиқиб бир чўққидан қараб, бугун кундузгидайин ўзимизнинг шаҳарни кўрарман, тушиб элга борарман, нима бўлса кескир ярок қўлимда, "От суруниб йўл танийди" деган гап бор, бу ерга мени худо бошкарган-да", -- деб таввакални худога қилиб, отини ушлаб, бир оқшом-да, ўтар-кетар деб, бу ер бир хатарли экан, қандай бўлса эгаси келмагай. Биз билан келиб уруш-чатоқ қилмагай, деб ўйлаб бул бу ерда ётди. Боғонаги колган ўн маҳрам мерган, қушнинг кўзидан урган, овнинг қизиғи билан билмай юрган, отган онгларининг бир нечаси зовга юмалаб колган, бир тойпонг ерга судраб чиққанча говгум бўлган. Олкорнинг қизиқлиги билан бир-бирига иши бўлмай колган. Қоронғи говгумда саранжом этиб, энди қарайди – Раъно йўқ. Ҳар тарафга югуриб-елиб, маҳрамлар йиғлагудай бўлиб, бир сўз айтиб турган экан:

Ким эшитар маҳрамларнинг тилини,
Хазон қилдик тар очилган гулини,
Овга кеп йўқотдик шохнинг улини,
Ҳеч қайсинг-а, кўрмадингми халойиқ?

Илоҳим, биз овга келмай ўлайлик,
Темуршоҳга нима жавоб берайлик.
Шоҳ ўғлига яна бир гап бўлдими,
Ё дев-пари унга асар қилдими,
Шоҳнинг фарзандига бир гап бўлдими?

Ҳолини билмай бир иш бошлаб турамиз,
Йўлдош бўлиб бунда овга келамиз.
Темуршоҳга нима жавоб берамиз,
Туриб ўйла, армон билан ўламиз.

Бор суянчи бунинг ўшал ўғлидир,
Юрт эгаси, билсанг, жону дилидир,
Бизман бирга бунда овга келибди.
Маҳрамлар, юришинг бекор бўлмайми,
Ўғлини Темуршоҳ сўраб турмайми?
Бошни кесиб бизни дорга илмайми,
Бировимиз қараб турсак бўлмайми?

Дод деганда эшитмайди сўзимни,
Ҳар бобданам ўяр икки кўзимни,
Қаёққа юбординг, деса, қўзимни,
Ҳеч савол йўқ, бизга ўлим лозимдир.
Тонг отганча бўтадайин бўзланиб,
Ҳеч дара колмасин юриб излайлик.
Ақли шошиб бузук ерга борганди[р],
Боши айланиб ёмон ерда қолганди[р].
Излаб топиб олсак подшо ўғлонди,
Сўнгра бизнинг максадимиз бўлганди.
Турманглар беҳуда, отингни мингин,
Ҳеч дара колмасин, ахтариб юргин.

Ўн маҳрам қилган ишига, юрган юришига кўп пушаймонлар килиб, бундан булай овга чиқмайдиган бўлиб, ҳар кайсиси ҳар дарани ахтариб: "Ё бузуқ ерда қолдими, ё бир нима асар қилдими, подшога гуноҳкор бўлдик", – деб тонг отганча ухламай Раънони излаб, Раънодан дарак топмади. Тонг отди, энди бир ерга йиғилиб: "Унинг отининг изи билан қарайик, отнинг изидан топармиз қаёққа кетганини", – дейишиб яна қайтиб онг отган ерларига келиб, отнинг изини кўриб изидан тушиб, излай бошлашди. Из қай ёққа кетса ҳали зовга, ҳали бузуқ ерларга из борса, кўп ерларни қараб кетди. Боғонаги Раъно борган из гумбазга етди. Бу гумбаз илгари вақтдан қолган илми каромат билан қўлган чилтанларнинг манзилига етди. Ҳар жума оқшоми, душанба оқшоми шунда келиб, чилтанлар, *ўн икки имом*[4], Ғовсул Ғиёс, Хизр, Илёс келиб ҳалқа уриб сухбат курар эди. Шул кечаси тақдир тартиб Раъно фалакнинг гардиши билан гузари тушиб чилтанларнинг

суҳбатхона ерига бориб ётган эди. Устига чилтанлар келиб, Раънони кўриб, суҳбатига олиб, бир коса шароби антаҳур бериб, бул майдон ичиб, балки шул авлиёлар қаторинда бўлиб, ўн икки имом, чилтандан дуо олиб, масту беихтиёр бўлиб ётган экан. Уйқуда эканлигини ҳам билмас эди, уйғоқ эканини ҳам билмас эди. Шул ётишда пирларнинг тарбия қилганини билар эди. Икки ой келиб қўйнига кирди, ўзи билан уч ой бўлиб, учови чулғашиб, айшу ишратда ўйнашиб, бул ойларнинг жамолига, ҳусни-камолига олам муаттар, равшан бўлар эди. Булар нима эканини Раъно билмас эди. Шунда қулоғига келар эди: "Бул ойнинг бири париларнинг подшосининг кизи эди, бирови Шоҳи Райваннинг қизи – Сухангул эди. Бул ойлар шундай ой эди, Раънога тақдири қўшилган, улар бир-бирига ошиқ эди. Илгаридан никоҳ қилинган". Шундай деган гаплар, кўзи кўргани йўқ, мастликда аниқ билиб қулоғига келиб ётибди. Отнинг изи ғумбазга кирибди. Ўн одами гумбазни очиб ичкари кирди, Раънони бул аҳволда кўрди, хоним, тўрам, деб довуш қилди. Раъно кўзини очиб ўзининг одамларини кўрди, илгари суҳбатдаги одамларини кўрмади. Икки ой кўзининг олдида жилва қилиб турибди. Раънодан ўзга киши билмайди. Маҳрамларнинг кўнглига келди: "Ҳали ёшда, кўрқибди, бир нарсанинг салқини тегибди, буни қоқтирадиган, ўқитадиган бўпти". Раънонинг кўнглини сўраб бир сўз деб турибди.

Жудо тушган хоним, ҳолинг не бўлди?
Излашиб маҳрамлар жангитта кўрди.
Кўп ҳалак бўп сизни ахтариб келди,
Бу ёққа гузаринг қай ердан солди?
Қилган ишинг бари бунда паймонди,
Ҳоли забун беклар жангитта кўрди,
Билмайман, хонзода, ҳолинг не бўлди?

Мажнунсифат бу ерларда қолибсан,
Жудо тушиб жабру жафо кўрибсан.
Балки қўрқиб сен сесканиб турибсан,
Нодон бўлиб бизни даъво килибсан.
Қай ердан йўл топиб бунда келибсан,
Маст бўлган хонзода, ҳолинг не бўлди?

Ғам тўрвасин белгинангга бойлабсан,
Бу ётишда бир савдони ўйлабсан,
Не сабабдан ширин жонинг қийнабсан,
Рост гапир, хонзода, ҳолинг не бўлди?

Дунё ўтар, ўтарини ўйлагин,
Қиёмат деб ширин жонни қийнагин,
Кўрганингни бизга баён айлагин,
Хабар бер, хонзода, ҳолинг не бўлди?

Биз бехабар колдик бўтадай бўзлаб,
Аттанг дедик жигар-бовримиз тузлаб,
Тинмайин йиғладик биз сизни излаб,
Хабар бер, хонзода, ҳолинг не бўлди?

Одам билмас ерга қандай келибсан,
Ёнган ўтга сен ўзингни солибсан,
Сен бошингга бир савдони олибсан,
Масту беихтиёр бўлиб колибсан.

Ох урсанг тутунинг оғзингдан чиқиб,
Наъра урсанг фалак ўтини ёқиб,
Қайғу-ғамда қолган хоним, не бўлди,
Хабар бер, хонзода, ҳолинг не бўлди?

Биз топмайин бунда ёлғиз бўлдингми,
Дев-паридан бунда заҳмат кўрдингми,
Ё юрагинг чўчиб-қўрқиб колдингми,
Чўк савдони кўнгилингга олдингми,
Ҳоли паришоним, ҳолинг не бўлди?

Овга келиб омон-эсон бормадик,
Бек отанг олдида ўйнаб-кулмадик,
Тўражон, деб хизматингда бўлмадик,
Сўйла навжувоним, ҳолинг не бўлди?

Энди ўн тўрт ёшга кирди камолинг,
Ойни хира қилар сенинг жамолинг.
Кўнглингдаги сирингни сўйла, хоним,
Бир қора туманда қолган аҳволинг.
Сени кўриб куйиб кетди бу жоним,
Сенсан тўрам, менинг азиз меҳмоним,
Хабар бер, бегижон, ҳолинг не бўлди?

Бу сўзни эшитиб махрамларига қараб, Раънонинг кўнгли бузилиб, боври эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, бир сўз айтиб турган эди:

Кўрганимни сизга баён айлайин,
Фалак ситам қилди, энди найлайин.
Сирим айтиб оҳи-афғон айлайин,
Мен ўзимга андишани ўйлайин.

Овдан келиб унда олқорни отдик,
Нечовларни бузуқ жойда йиқитдик,
Бир кийик олдимдан жилпиниб ўтди.
Жунлари товланиб ақлимни олибди,
Одамларим ҳам бехабар қолибди,
Кийик эмас, менга бало бўлибди,
Шу ерларга мени бошлаб келибди,
Шу ерга келиб ўзи ғойиб бўлибди,
Мендай шўринг бунда ёлғиз қолибди,
Ёлғиз ўзи Раъно тўранг турибди.
Бирпас қоронғи бул оқшом бўлди,
Бир дамдан кай ойдай ёруғлик келди,
Кўп одам йиғилиб суҳбатни курди,
Ичган шаробидан менга ҳам берди,
Икки ой келди-да, қўйнимга кирди.
Нозу карашмали ўйинлар қилди,
Жилва билан менинг ақлимни олди,
Ҳали ҳам кўзимга шундай кўринди.

Менга зиндон турур тахти жаҳоним,
Ғамзаси жон олар, кўзлари золим,
Бир соат кўрмасам йўқдир қарорим,
Шуни изламакда бул ихтиёрим,
Қай ерларда ўйнаб-кулган дилбарим.

Мен кўнглимда ётиб кўп фикр қилдим,
Ошиқлик лойини кўнглимда урдим.
Излаб топарман, деб мен ҳам аҳд қилдим,
Бунда келиб шундай жононни кўрдим.

Бу сўзни Раънодан эшитиб, ул амалдорлар: – Хоним, бизни отангизга гуноҳкор қилманг, биз сизни бирга овга олиб чиққанмиз. Ҳар деганингиз билан қўймаймиз, яхши-ёмон гапирсак ҳам олиб кетамиз. Биз сизни олиб

бориб отангизга топширмасак, биз қаттиқ кунда қолармиз, бизга кўп азоб берар, не бўлса биз билан юринг, бизни бу азобдан халос килинг, сўнгра ихтиёр ўзингизда, ҳам қай ёққа юриш қилсангиз, отангиздан жавоб олиб чиқсангиз ҳеч ерда дар қолмассиз, қандай бўлса мартабали бўларсиз. Бу ердан кетсангиз сизнинг ўлик-тиригингизни билмаса, Темуршоҳ бизга азоб беради. Бизни ҳам бул азобдан халос қилинг.

Бу сўзни эшитиб Раъно: - Сизлар ўзингизни қутқара олмайсизларми, сувни дамига бойлаб зўр талаб қилиб, менинг хаёлимга шаҳар олисдай, бу ёқ якиндай, сизлар қайтиб кетаберсанглар яхши бўлар эди. Сизларга бекорга нима азоб, ҳеч азоб йўқ, бўлган воқсани гапирсанглар сизларга отам беҳуда зулм-жабр этиб тентак бўлдими? – деб гапирди.

Раъно буларнинг сўзини қабул этмади, шунда маҳрамлар бир сўз айтиб турган эди:

Биз англадик кўнглингдаги ишингни,
Ханжар олиб, хоним, кесгин бошимни.
Тоғдаги жондорлар есин гўш[т]имни,
Бизни ўлдириб, ўзинг кетгин, султоним.

Ўлдирмасанг бизга роҳат топилмас,
У сўйлаган сўзлар сира қабул эмас,
1980 Темуршоҳга етти осмон кўринмас,
Бормасанг давлати уммон кўринмас,
Хоним бизни сира ўлдирмай қўймас,
Тўражон, эшитинг сўйлаган сўзни,
Юринг, хоним, олиб қайтайик сизни.

Банда кўнар мунда тақдир ишига,
Биз олиб борайик шоҳнинг қошига,
Зулм килманг мунда ўнта кишига,
Қаттиқ кун тушмасин маҳрам бошига,
Сизни обборсак отангизнинг қошига.

1990 Улим деб аввали отангиз кўрсин,
Бўлган воқеани Темуршоҳ билсин,
Ўзи эшитиб бул ишларга тан берсин,
Юринг хоним, олиб қайтайик сизни.

Бормасангиз маҳрамга киёматди[р],
Халқ ичинда ажаб бир маломатди[р].

Кўп ётманг-да, мининг араби отди,
Бу далада қолмоқ сизга уятди[р].

Билган сўнг отангиз жавоб бермайми,
Фарзандим деб тўғри йўлга солмайми,
Қўл кўтариб сизни дуо қилмайми,
Бундан кетсанг шоҳ тириклай ўлмайми,
Бул кетишинг, хоним, айб бўлмайми?
Юринг хоним, олиб кетайик сизни.

Сизга айтдик, хоним, бизам кўп сўзни,
Шул гуноҳдан халос айланг сиз бизни.
Оҳ урсам сабил бўлар бу мулки давлат,
Бешгина кун тандаги жон омонат,
Олиб кетсак сизни бундан саломат,
Бизлар ҳам бўлайик ўртадан озод,
Сиз бўласиз подшога ёлғиз фарзанд,
Қабул қилинг бунда сўйлаган сўзни,
Юринг, хоним, олиб кетайик сизни.
Маст бўлиб ўзингни ҳар ён соласан,
Кўнглингга йўқ савдоларни оласан.
Сўзимизни қабул қилмай борасан,
Бек отангдан нега ҳазар қиласан?

Фарзандим деб қанча парвариш қилган,
Неча йиллар улсизман деб ўртанган,
Ҳозир овга келдик, кўп интиқ бўлган,
Бу келишга махрамлар пушмон қилган,
Маҳрамнинг сўзини тўраси билган,
Шаҳарга қайтмоқни ихтиёр қилган.

Маъқул бўлиб шундай ўрнидан турди,
Милтиқ, яроғини бул йиғиб олди.
Маст бўлгандай бўлиб, кўзи қизариб,
Гумбаздан чиқариб отини минди.

Ўн маҳрам шул замон ўртага олди,
Шаҳар тарафига равона бўлди.
Отган онглар ўз ҳолида бу қолди,
Маҳрамлар юриши қийинроқ бўлди,

Йўлдаги кампирнинг сўзлари келди,
Бекор овга об чиқдинг, деб гапирди.

Келишига маҳрам пушаймон қилиб,
Тоғдан тушиб бораяпти қайтиб,
Бир-бирига ҳар қайсиси сўз айтиб,
Бу маҳрамлар дилжанг бўлиб йўл тортиб,
Тўрасига нечовлари сўз қотиб.

Гумбаздан чиқди-да, бундан жўнади,
Раъно ҳеч кимга сўйламай боради.
Ажаб иш деб бу маҳрамлар ўйлади,
Гапирсак деб алвон-алвон сўйлади.
Раъно борар ўз билганини қилиб,
Булар билан иши йўқ йўлда тенгсалиб.

Ҳеч тарафга қараб назар солмайди,
Гапирган одамни писанд қилмайди.
Ўз билгандан Раъно сира қолмайди,
Буларнинг сўзини бовар қилмайди.

Сўз айтмайди хеч кишига,
Етсам деб бу маҳрамлар,
Кулдирсак деб бу маҳрамлар,
Шўхлик қип Раъно қошига.
Неча сўзни тимсол айтиб,
Сўз суйлайди яқин етиб,
Ўрлашиб бўйнин қизартиб,
Раъно ўз бошига кетиб,
Бораётир йўлни тортиб,
Маҳрам йўлларни кўрсатиб.

Маҳрамлар сўз қилар ақлини олиб,
Таманно қизлари ҳар кимдан ғолиб,
Ҳавас қилар ҳар ердан беклар келиб,
Шундай санамлари борди шаҳарнинг.

Ойдан ғолиб кўрса анинг жамоли,
Ўн беш-ўн тўрт ёшга кирган камоли.
Бошида пирпирлар ловдон рўмоли,
Одамни балқитар тегса шамоли.

Таманно шаҳрининг бибишлари бор,
Кўнглида қолмасин чер билан ғубор.

Излаганинг ўз юртингдан топилар,
Унинг учун бўлма, хоним, бекарор.

Отанг подшо, юртга хабар қилмасми,
Бул элдан яхшини топиб бермасми,
Кўнглингдагин сенинг отанг билмасми,
Бу юртда ўйнашиб даврон сурмасми,
Шаҳар қизи одам ақлин олмасми,
Балки хоним, кўнглингдаги бўлмасми.

Шўхлик қилиб маҳрам бу сўзни айтди,
Бир оғиз тўраси сўйламай кетди.
Шул аҳволда бирга-бирга йўл тортди,
Таманно юртига якинлаб етди.

Подшо халқи қанча амалдор билан,
Кечикди деб йўлга қараб турибди.
Келар муддатидан бир кеча ўтди,
Балки, шаҳар талатўп бўп турибди.
Келаётган бул бекларни кўради,
Дарвозадан энди кириб боради.
Ҳамма халойиклар хонга қаради,
Овга кетган беклар қуруқ келади.

Сипоҳилар ўз бошига юрган, деб,
Онг отмайин бул томоша қилган, деб,
Пойитахт остига якинлаб етди.
Атрофини кўп сипоҳи олибди,
Отнинг жиловидан ушлаб қолибди,
Раънони тушириб энди олибди,
Раънобекнинг тарзи суст бўп турибди.
Темуршоҳ келди-да, ўғлини кўрди,
Аҳволини кўриб бир дилтанг бўлди,
Не гап бўлди, овчилар кечга қолди?

Шунда келган овчиларга қараб, аҳволини сўроғлаб, Темуршоҳ бир сўз айтиб турган экан:

Овга кетган менга маҳрам, хизматкор,
Сизга ҳамроҳ бўлди, болам, диловар.

Не сабабдан кечга тортинг қаҳрамон,
Боламни карайман, тарзи суст бўлар.

Бўлган ишни мен сўрайман, амалдор,
Бундан бориб болам хафа бўлдими?
Ё бўлмаса, бир диққатлик кўрдими,
Душман чиқиб анча азоб бердими?
Кўрганингни, қўзим, баён айлагин.

Эшитгин, қулоқ сол айтган нидога,
Жасадингдан отанг бўлсин садоға,
Хафа бўлиб келдинг мазгил орага,
Кўрганингни, қўзим, баён айлагин.

Кўрганингни хабар бергин, садоға,
Мен отангман сендан тиласам садаға,
Сипойиман кетиб эдинг сен овға,
Тушдими бошингга бир турли ғовға.
Билмайман, жон болам, энди не савдо?
Кўрганинг отангга баён айлагин.

Мен йиғлайман, Оллоҳ дейман зор-зор,
Оқшом ўтди, ҳеч келмади овчилар,
Кўзим тўрт, йўлингга бўлиб интизор,
Нега хафа бўлдинг сендайин кўчқор,
Кўрганингдан бек отангга хабар бер.

Шунда Раъно кўрган-билганларини баён қилиб деди:

Тушда кўргандайин бўлиб уйғондим,
Оҳ уриб мен илондайин тўлғондим.
Нима қилай менам шаҳарга кириб,
Қайда бўлса ёримни излай йўл юриб,
Мен борарман шул дилбарни ахтариб,
Топмасам бир куни ишкинда ўлиб.
Мен ўнгимда бир йўлиқиб гапириб,
Кўп савдони бундай манзилда кўриб,
Баракалла, келдинг сен хабар олиб,
Отамнинг тузининг ҳурматин қилиб,
Боринғизлар сизлар шаҳарга кириб,
Мен кетайин ўз ҳолима йўл юриб,
Бир ерларда излаб дилбарим кўриб,

Кетаберинг сиз шаҳарга йўл юриб,
Ҳарна кўрган хабарни бек отамга билдириб.

Дилтанг бўлиб отам сиздан сўраса,
Раъно, деб бек отам мени қараса,
Борар манзилимда тайин бўлмаса,
Раънобекни Мажнун – тентак бўлди, де,
Лайлини ахтариб йўлга кирди, де.

Зебони ахтариб, Ёзидай бўлиб,
Подшолик шавкатин абгора солиб,
Мусофирлик ўзига ихтиёр килиб,
Ғариб бўлиб Санамини ахтариб,
Ҳар замон йиғлайди кўнглини бузиб,
Вомик деб Узродай дарёни юзиб.

Менинг аҳволимни хабар бергайсан,
Бек отамга ҳарна сўзим дегайсан.
Фарзандим, деб отам ғалат бўлмасин,
Тошу ғиштга азиз бошин урмасин.
Қўзим, деб дунёни кезиб юрмасин,
Оғир бўлсин, отам ўзин сакласин.

Фалак қилди, менинг ақилим шошди,
Номус-орим, менинг уятим кочди.
Қайтайин, ошиқлик бошима тушди,
Сен билмайсан, менинг таним туташди.

Ҳар замон йиғлайман, кўнглим бузилар,
Ҳеч менинг ўзимда йўқди[р] ихтиёр.
Кўрганингни айтиб боргин, маҳрамлар,
Йиғлай-йиғлай менинг овқатим ўтар.
Бул ишни бошқарди Ҳақ-парвардигор,
Шароб бериб маст қилганди чилтанлар.

Мен кетарман бу кун юқори қараб,
Ёр қўлидан ичсак тағинам шароб.
Ахири топарман жаҳонни қараб,
Кўнглим бир ёр излар, килганман талаб.
Мен кетмайман ҳеч қайсингдан ўпкалаб,
Кўнглимда, васлимди худодан тилаб,

Топсам мен ёримни, изласам сўраб.
Бир хуморли дилбар излайди кўнглим,
Роҳати йўк ёрдан кўрганман зулм.

Раъно отасининг саволига жавоб бериб, бир майдон дилтанг бўлиб, бир сўз айтиб турган экан:

Ана товга бориб жафолар кўрдим,
Ҳозир мен олдингга тутаниб келдим.
Икки ойман окшом бирга ўтирдим,
Аввал чилтанларман суҳбат курдим.

Қайтайин, пирлардан тарбия кўрдим,
Ул ойнинг вафоси, отажон, билдим,
Ул сабабдан мен ҳам кўп дилтанг бўлдим,
Кўриб туриб дилбар ёрдан айрилдим.
Ўнгимми, кўрганим тушимми экан,
Ул тушимда унинг вафосин кўрдим,
Кеп чулғашди, неча ваъдалар килдим.
Устига кийгани гулгун кирмизи,
Ақлимни оп кетди жодули кўзи.
Мен сўрадим, шоҳи Кайвошнинг қизи,
Ойнинг суратида бўп келди ўзи.

Шунча суҳбат куриб бир окшом ўтдим,
Кўзимни очиб менам шундай қарадим.
Сўнгра кўрмай хаёлимни унутдим,
Шул сабабдан, ота, диққат бўп кетдим.

Диққат бўлиб мен йиғлайман зор-зор,
Ҳеч ўзимда йўқдир, ота, ихтиёр.
Ул сабабдан бўлиб колдим бекарор,
Кўзимдан кетмайди шундайин дилбар.

Юртма-юрт мен кезиб бўлсам қаландар,
Шундай ёрга менинг кўнглим талпинар.
Тушда кўриб мендай фарзанд маст бўлар,
Бош олиб бул юртдан кетмагим даркор.

Бу шаҳарда сиздай қиблагоҳим бор,
Сиздан жавоб сўрар мендайин кўчкор,

Тахт, шону шавкат бизга не даркор,
Энди ота, жавоб берсанг муқаррар,
Уйтиб-буйтиб олиб келди маҳрамлар.

Отаси бул сўзни эшитиб, маҳрамлардан, нима воқеа бўлди, деб сўради. Бўлган воқеани бир-бир гапирди маҳрамлар, билди, бул овга юборганига юз пушаймонлар килди, наф тонмай: "Бул ёмон савдо бўлди. Менинг кўрар кўзим, сўйлар сўзим, ёлғиз болам-да, бор суянганим, камолга етганда бошига бундай савдо тушиб, ақли шошиб, тадбиридан адашиб, бундан айрилиб, менинг ҳолим не бўлғай?" - деган фикрда бўлиб қолди. Раъно туриб бир ҳужрага кириб, сув сепиб, мажнунсифат бўлиб, зах ерга бағрини бериб ётиб қолди. Ҳар кун амалдорлар бориб кўнглини сўраб, баланд-паст гапириб насиҳат қилиб, ҳеч бир ёрилмади, қулоғига гап кирмади, неча кун орада ўтди. Отаси Темуршоҳ келиб, ёрга талаб бўлсанг ҳар кимни хоҳласанг, олиб берайин, нима десанг айтганингни қилайин, деб кўп насиҳатлар айтиб кўрди. Бу гаплар ёримади, отасининг сўзига ҳам қулоқ солмади, ўзининг кўнглидагидан бўлакни маъқул қилмади. Ўғлининг гап қулоғига кирмаганини билиб: "Ҳарчанд насиҳат қилган билан бу бола кетар экан, энди бехуда сўйламоқдан фойда йўқ, бундан тириклай айрилиб ҳолим не бўлғай?" – деб кўз ёши тўкилиб, қадди букилиб, ўз ҳолига бир сўз айтиб турган экан:

Булбул нолон бўлмай нечун сайрасин,
Боғни ҳазон урмай, гулдан айрилса.
Бир мард йигит ғамгин бўлмай найласин,
Фалак ситам уриб, элдан айрилса.

Олмакўз бедовлар рахтидан тушар,
Қуйруғи тўкилиб, элдан айрилса.
Кемачилар эр Ҳуббим деб йиғлашар[5],
Кемаси бузилиб, солдан айрилса.

Ёши олтиш бешга етган момолар,
Ажал етса жон танага қамалар,
Бахтим каро деди, чолдан айрилса.
Арилар йиғилишиб парвона бўлар,
Уяси бузилиб, болдан айрилса.
Уйидан олдирса ҳар нима борин,
Эшикда қолини, қаторда норин,
Қайтиб уй қилолмас, молдан айрилса.

Бир неча хотинлар ҳаддидан ошар,
Кичкина қозондай қайнабон тошар,
Бир куни есирлик бошига тушар,
Ҳоли мушкул бўлар эрдан айрилса.

Мусофир деганнинг ҳоли забунди[р],
Ўзи паришонди[р], кўнгли тугунди[р],
Жонли жониворга ахир шу кунди[р],
Сўна, ғозлар юзар кўлдан айрилса.

Бир нечага худо кўп моллар берди,
Моли орқасидан кўп иззат кўрди,
Такаббурлик қилиб бир кун сўз урди,
Ахир хўр бўлгувчи молдан айрилса.

Кимсалар сув қуйиб, кимсалар ювар,
Салот, деб жаноза муллалар уяр,
Енгсиз, ёқасиз бир кўйлак кияр,
Магар шоҳу гадо жондан айрилса.

Жоним болам, сенга айтай арзимни,
Ҳолингга йиғлайман, билгин тарзимни,
Қайтиб жўнатайин сендан кўзимни,
Отлар хожат бермас емдан айрилса.

Сенсан менинг бунда ёпган чироғим,
Оҳ урсам эзилар менинг юрагим,
Темуршоҳки, фарзандидан айрилса.
Сендай фарзанд бул шаҳарда турмаса,
Айтган сўзни қулоғига олмаса,
Дўст-душманни кўриб ҳавас қилмаса,
Тахтга миниб юртни кўлга олмаса.
Ҳар ким кўриб ҳавас қилиб юрмаса,
Душмандан ўч, дўстдан кегин олмаса,
Мен қайтайин кўнглингдаги бўлмаса,
Темуршоҳ дер, йиғла, улинг турмаса.

Раъно бу сўзни эшитиб отасига қараб: “Ота, мендан ҳадик олма, бундай кийнаб ўзингга кўп жабр қилма, беҳуда дилтанг бўлма”, – деб сўз айтиб турган экан:

Сени кўрдим, ота, қаддинг букилди,
Не сабабдан кўзда ёшинг тўкилди,
Хафа бўлманг, ота, сизга не бўлди,

Ёлғиз ўғлинг элда соғу саломат,
Йиғлама, душманлар қилар маломат,
Тушган йўқ бошингга ҳеч бир аломат.
Не сабабдан бундай хафа бўласан?

Кўнглингга кўп гапларни оласан,
Ота, мени жуда номард биласан.
Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Менинг учун, ота, сира ғам ема.
Мен ҳозир тирикман, хафалик бекор,
Ғам есанг беҳуда, кулфатинг ортар,
Подшо бўлиб сўраб турмоғинг даркор,
Бунча бўлма менинг учун дилафкор,
Оғир-енгил бўла бермоқ не даркор.
Подшосан, бошингда бул давлатинг бор,
Қилсанг, бул қўлингдан ҳар бир иш келар,
Хизматингда оғир лашкар, хизматкор,
Бунинг учун хафа бўлмоқ не даркор.
Ёмон бўлма, ота, яхши ўйлагин,
Ўз ҳолингга яхши фикр айлагин,
Сен мени беҳуда хафа қилмагин,
Сен ўзингни ёнган ўтга солмагин,
Кўз ёшингни жаладай тўкиб турмагин.
Менга керак эмас ёру биродар,
Сўрасанг подшо бўп Таманно шаҳар,
Сир айтиб, ҳар кимга берма ихтиёр,
Худодан кўр, сенга арзим шул бўлар.
Бул сўзларни Раъно сенга айтганди,
Ишқ савдога ўғлинг кўнгли кетганди.
Мен ўйласам, туриб кўнглим бузарман,
Душман бўлса тандан бошин узарман,
Ер юзини менам қолмай кезарман.
Кўрарман мен юриб боғу бўстонни,
Паранг билан кезиб ул Ҳиндистонни,
Қарасам Оқсувман Хитой, Хўтонни,
Излаб кўрай менам Қашқар томонни,
Тушиб қарай Андижон, Марғилонни,

Қараб чиқай Қўқон билан Тошканни,
Сўнгра кўрсам Хўжанд билан Жиззахни.
Самарқанд, Бухоро ва Туркистонни,
Шул шаҳардан қараб тополсам ёрим,
Ота, кетар бу кўнглимдан ғуборим.

Мен топмасам Болқар қараб ўтарман,
Бадахшонни сўнгра қараб кетарман.
Болқон, Қундуз шаҳрин такрор этарман,
Ҳисор, Қўнғирот билан қараб кетарман.

Шунча шаҳарларни кўрарман йўлаб,
Қоратегин билан ахтариб Кўлоб,
Бир кун борсам Гулзор шаҳрига қараб,
Мен сира бўлмайман ҳеч кимга тараф,
Бўлак иш йўқ, кўрган ёримни қараб,
Унинг учун хафа бўлмоқ не даркор.
Юртни кезиб кўрмак мендайин кўчқор,
Ҳар юртларни юриб кўрмаклик даркор,
Хафа бўлмай дуо қилсанг, отажон,
Бир кунлари омон-эсон келарман,
Менга оғир лашкар, одам не даркор.

Менга даркор эмас худодан ўзга ҳамдам,
Имом, чилтан, мадад берган пирим бор.
Қаттиқ кунда бўлар биздан хабардор,
Жоним ота, яхши жавоб беракўр.

Отаси бу сўзларни Раънодан эшитиб, "Ҳарчанд кўрдим бўлмади, энди бул шу шаҳарларни ахтариб кўрар экан, бекор гап фойда қилмайди, сўйлаган билан кулоғига олмайди. Ҳарчанд бўлса ўзининг билганидан қолмайди", – деб бекликда бирга юрган, бир сухбатда ўтирган жўраларини чақириб, мадрасада бирга ўқиган ҳаммасини айтиб келиб, ўғлида бўлган воқеани буларга билдирди. Шунда булар "биз ҳам Раънонинг қошига борайик", деб йиғилишиб, Раънонинг қошига келди. Келса, ҳеч ким билан иши йўқ, нима ишда юрибсизлар демайди, буларга ҳам қарамайди, иши бўлмайди. Жўралари насиҳат қилиб бир сўз айтиб турган экан:

Жўраларинг сенга айтар сўзи бор,
Худойдан беш вақт намоз қарзи бор,

Намозимнинг суннати бор, фарзи бор,
Бошингни кўтаргин, давлатли шунқор,
Жўраларинг сенга айтар арзи бор.

Сен эшитгин айтган бу нолишимни,
Оч кўзингни, кўтар, хоним, бошингни.
Кўзинг очиб кўргин тенги тушингни,
Биз кўрайик сенинг ўтиришингни.

Нима бўлди, ҳолинг паришон бўлиб,
Бир ёлғиз бошингни бундай ганг қилиб.
Ҳамдамларинг келди аҳволинг кўриб,
Сен борасан бундан кимни ахтариб.
Беҳуда ишларни кўнглингга олиб,
Жуда ҳам бир савдонг келибди ғолиб,
Биз сенинг кўнглингни билмакка толиб.

Ўз кўнглингда бир иш бошлаб турасан,
Отанг подшо, нега хафа қиласан?
Нима камлигинг бор эди шаҳарда,
Нам ерга кўкрагинг бериб ётасан?

Жафо тиғи бул жонингдан ўтдими,
Бўшаган жинлардан заҳмат етдими,
Ё бир кўнглинг жинга ҳавас этдими,
Ё бировнинг кўзи сенга ботдими?

Жонинг борда бундай ишни қилмагин,
Ёмон ишга асло кўнгил бермагин.
Ҳаммани ўзингдай хафа қилмагин,
Бу сўзни сен эшитиб хафа бўлмагин.

Қани, бирдан тургин кўнглинг хушлагин,
Кўнглингдан гинани сенам ташлагин,
Биз билан бир дам суҳбатни бошлагин,
Айт, нимадир кўнглингдаги мақсадинг?

Ўзингдан бошқани лодон биласан,
Газанда ишини балки қиласан,

Кўнглинг тушиб бир савдойи ғолибсан,
Сен бовригни совук ерга беribсан,
Аламинг зиёда бўлиб турибсан.
Умидинг кўп, тила Ҳақдин шафоат,
Бошингда бор эди худодин раҳмат,
Эсонингда тура келгин саломат.

Бир ерларда гулистонга бордингми?
Пари-жинлар суҳбатини кўрдингми?
Жинлар билан ўйнаб даврон сурдингми?
Энди йўқ деб шунга кайғу килдингми?
Одам билан жинлар дамсоз бўлмайди,
Одамзодга улар вафо килмайди,
Тура келгин, кўнглингдаги бўлмайди.

Сенга ёкармикан жўрангнинг сўзи?
Уйлансанг кўп бўлар бул элнинг кизи.
Мард бўлиб белингга олмос бойлайин,
Ўрнингдан тур, бу сўзларни ўйлагин.
Туш деганга ҳар нарса ҳам киради,
Тушдаги савдони кейин ташлагин.

Бу гапларни одам бари билади,
Ўнгидаёқ гапиришиб юради.
Сендан бошка ҳеч ким писанд қилмади,
Сендайлардан бул ишларни билмади.
Ҳеч замонда шундай гаплар бўлами,
Тушда кўрган сўзин ушлаб олами?!
Уйқуда тушига ҳар нарса кирар,
Тушдагини излаган аҳмок бўлар.
Тушда одамга кўринар жинлар,
Биласанми, жиннинг қайда шаҳри бор?

Бундайғачоқ аҳмоқ бўлмоқ не даркор,
Сўйлама, бу сўзинг кўп уят бўлар,
Айб кип кейпингда ҳамма ҳам кулар,
Бу сўзни ўйлаб гапирмак даркор,
Албатта, ўзингдан бўлгин хабардор.

Бизлар кулдик ҳозир сенинг ишингга,
Бир ажина кирган экан тушингга.

Қани, сенинг кўнглингдагин сўрайик,
Сўйла қани, сенинг сўзинг билайик.
Тушингда салқини тегса-я сенга,
Яхши азайимхон топиб келайик.
Бешта, ўнта уламодан йиғилиб,
Қамчилатиб сени ўқитиб кўрайик,
Аввал бошлаб чилёсин ҳам қилайик,
Қайтарма қип бирор ўқиб турайик,
Тура келгин, кўнглингдагин билайик.

Биз билан бирга қанча амалдор,
Мадрасада неча хатмкардалар.
Жин билан парини бандига олар,
Уларнинг бандида азобин кўрар.
Подшолар билан сўйлашиб юрар,
Шундай уламолар ҳисобин қилар.

Тура келгин, нега бўлдинг бекарор.
Бундай бўлиб ётаберма хору зор,
Ўйлагин, бул ишинг жуда ҳам бекор,
Аввал сенга бундай ишлар не даркор,
Отанг хафа бўлар сенга интизор.

Раъно бу сўзни эшитиб, бошини кўтариб, бу жўраларига: "Хўп яхши сўз сўйладинглар, бизга мулла-сулла, уламо, азайимхон даркор эмас, бизнинг ўз мулламиз ўзимизга бўлади. Жин, ажинанинг бизга тегадиган қуввати йўқ. Ул ҳам ўзи кучи келгудай нарсага тегади, ул хам бир худонинг махлуқи. Ҳар кимга уриниб бора бермас, уларнинг ҳадди йўқ, ёмон кўнгилда келиб, бизларга бир неча ишларни килса. Ажина деганинг нима нарса, у бир одамларнинг оғзидаги гап, ҳеч ким кўриб, гаплашиб юрган эмас. Менинг ишим айб бўлса, сизларники тўғри бўлса, сени ажина урибди, азайимхон олиб келамиз, деб бизга хўп яхши йўллар кўрсатдиларинг", – деди. Бир нечалар айтди: "Бунга гап ярамайди". Унда бирга ўқиб юрган муллалар: "Тўрам, биз шўхлик қилиб гапирдик, бўлмаса ўзимиз ҳам биламиз сизнинг қувватингизни. Кўнглимиз тортиб, қобирғамиз қайишиб, энди кўнгилда борини гапиринг, бизлар ҳам эшитайик", – деди. Шунда Раъно ўрнидан туриб, ўзининг бирга юрган жўраларига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Бунда бизни сўраб келган,
Бир-бирига ҳамдам бўлган.
Бир-бириман суҳбат қурган,
Бир-биридан таълим олган.
Мен кетарман бир ёр излаб,
Ёлғизман бўтадай бўзлаб,
Ғанимларнинг бағрин тузлаб.
Ўлсак жаннат бўлсин жойим,
Гулистонда сайилгойим,
Юрагимдан кетсин войим.
Темуршоҳдир киблагойим,
Менинг энам дуогўйим.
Бу ерларда манзил-жойим,
Шул бўлар, бекларим, ўйим,
Яхши дўстлар, хуш қол энди.
Менинг учун хафа бўлма,
Ҳеч қайсинг ҳам войим қилма.
Эшитиб сўйлангиз сўзни,
Ўз ҳолимга қўйинг бизни,
Мен кезарман тоғу тузни,
Қўяберинг добилбозни.
Менинг феълим шундай озди,
Юриб кўрай қишу ёзди.

Гашт айларман соғу сўллар,
Қараб чиқсам канча эллар,
Бизга кўринмай манзиллар.
Ҳозир кўнглимда дилбар ёр,
Ошиқлик лопини урар,
Бизман катти[к] ваъда килар,
Бу тахти жахон не даркор?
Дилбардан ўзгаси бекор,
Раъно излайди гўзал ёр.

Мен отамдан рухсат олсам,
Ўзимни ҳар йўлга солсам,
Бул дунёни барбод қилсам,
Чилтанларман хамрох бўлсам,
Пирларнинг суҳбатин кўрсам,
Суҳбатда косагул бўлсам.

Мен пиримнинг амрин тутиб,
Ёр учун хуноба ютиб.
Турарим йўқ бундан кетиб,
Борсам бир кун ёрга етиб.
Ҳакка етгай оҳу-зорим,
Кетар кўнгилдан ғуборим.
Қараб юрган бўлса ёрим,
Келмади дейди дилбарим.
Адашганда йўлга солар,
Қўллагувчи ул пирларим,
Кета беринг, яхши боринг.

Ана энди жўралари зар-зебар инъомларни олиб, подшонинг хизматига мойил бўлиб, ҳар қайси таблага бориб ўзи минадиган отларини кўриб, бориб қашлаб, шипириб, силаб-сийпаб, эгарлаб-чоқлаб, табладан етаклаб чиқаберди. Ҳаммаси от-анжомини шайлаб, урушярокларини ғамлаб, подшонинг назаркарда Жийрон отини сайис-соқилар гулҳовузда жом косалар билан ювиб, тилла абзалларни солиб эгарлаб, чоқлаб етаклаб олиб келди. Темуршоҳ Раъно ўғлига яхши сарполардан кийгизиб, қанча қимматбаҳо лаъл, гавҳар тошлардан бериб, уруш яроғини белига боғлаб, баҳодир йигитдан бир юз кишини ҳамроҳ қилиб, яхши бор деб қўл кўтариб дуо қилиб, кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлиб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Жудоликдан менинг бағрим эзилди,
Кўзда ёшим селоб бўлиб тизилди.
Дуо қип жўнатдим шундай кўзимни,
Ўйлаб туриб менинг кўнглим бузилди.

Кўрар кўзим сенсан, болам, мадорим,
Каъба кўзим, элда юрган кўчқорим.
Омон-эсон келгин сендай шунқорим,
Боргандан қўлингга тегсин-да ёринг.
Сен кетарсан, эзилади жигарим,
Жиловдоринг бўлсин комил пирларинг.

Садағанг бўлайин султони аброр,
Дўст-душман ичида қилма шармсор.
Бул шаҳарда сендан ўзга кимим бор,
Қудратингдан оламни яратган Жаббор.

Суянган кўзимни сенга топширдим,
Азамат мард эдим, бўлганман ночор.
Шоҳимардон шоҳи кавсар, йўл бошқар,
Раҳмат дарёнг тошар ул файзи саҳар.

Раҳматингдан банда қилар умидлар,
Раҳмат дарёнг тоша тилар дарвешлар.
Арш устида сенинг окар дарёнг бор,
Суянган кўзимни сенга топширдим.

Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Пайғамбарлик бўлди анга мусаллам,
Иброҳим, Исмоил, Макка муаззам.
Динимиз чироғи Имоми аъзам[6],
Суянган кўзимни сенга топширдим.

Аввало яратдинг сен одам софий,
Ундан пайдо бўлди сонсиз минг валий,
Шайх Аҳмад Зиндафил[7], *имоми Шофе*[8],
Оллоҳ, сендан ўзга йўқдир мураббий,
Суянган боламни сенга топширдим.

Руҳинг бино бўлди оламдан бурун,
Арш, курси, лавҳи каламдан бурун,
Ҳақ расул, мен сизга сиғиндим бугун,
Ғамли қуллар йиғлашар иғин-сиғин,
Йиғлаганнинг бўлар кўз ёши тугун.

Садағанг бўлай, эр Сулаймон пойитахт,
Қўконга юбордик мўйи муборак.
Зиёрат қилади насиб қилган Ҳақ,
Каримсан, Самадсан, расули барҳақ.

Майдонда қилмайин Рустамнинг жанги,
Ҳайбат билан титраб кетса фаранги,
Тошкентнинг мулкинда эр бобо Занги[9],
Жўнатган кўзимни сенга топширдим.

Отингдан ўргилай, отингдан Ғиёс[10],
Соқининг сардори эр Саъди Ваққос[11],

Ҳақнинг ғазначиси Хизру Илёс,
Боримни, қўзимни сенга топширдим.

Ҳақ деб чиқар ғамли қулнинг овози,
Сатқанг бўлай хўжа Ҳофиз Шерозий[12].
Гуноҳкор бандангдан, Раҳмон, бўл рози,
Жўнатган қўзимни сенга топширдим.

Шайтон малъун кезар йигит қасдинда,
Қўзим миниб бедов отнинг устинда,
Дуо қилиб мен турибман пастинда.
Умматим де, ё Муҳаммад мустафо,
Бировларинг шери даргоҳ босафо.
Садағанг бўлайин, бўл менган ризо,
Манзилинг Машҳадга имоми Ризо[13].
Сен ўзинг бандам де, ё расулулло,
Қайтайин, қўзимни сенга топширдим.

Садағанг бўлайин, расул Мухаммад,
Башар куни айлагай-да шафоат.
Аввал берган омон, ахир имон-охират,
Шайтондан имонни сақланг саломат,
Ҳазрати Нўғой эр, бахш этинг мадад[14],
Манзилингга ризо шайхи Ҳудойдод[15],
Мерганларнинг пири Жамшиди Аҳмад[16],
Яратган қўзимни Ҳаққа топширдим.

Жиловдоринг бўлсин энди чилтанлар,
Омин Обло, қайга борсанг яхши бор.
Қўл кўтариб дуо қилди кўп беклар,
Фотихани юзга тортиб амалдор.

Умид қип йиглайман ҳазрати Нурдан[17],
Мискин умидвори Алидай шердан,
Ғам тортган лочинни қуткаргин тўрдан.
Лочиннинг қаноти бўлмасин майиб,
Камлик кунда мен йиглайман сарғайиб.
Уч юз олтмиш ўтган мардони ғойиб,
Кам бандалар мақсад қилар мунғайиб.

Нимиш келсин кам банданинг қўлидан?!
Умид қилдим жаме ўтган валидан.
Хабар олинг фарзандимнинг ҳолидан,
Суянган кўзимни Ҳаққа топширдим.

Сўз айтаман, юрагимда алам бор,
Ҳолим сўрмай кетаётган болам бор.
Бунга ҳамроҳ бўлган қанча амалдор,
Раҳмини есин-да Ҳақ парвардигор.
Фотиҳани юзга тортди мухрдор,
Омин, обло, деди ҳам Оллоҳу акбар!

Шунда йигитлар билан отланиб Раъно отасига қараб:

Юрагимда бордир алам,
Доғли бўлди менинг сийнам.
Мундан кетар бўлди боланг,
Оқ сут берган жоним энам,
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Бандам, дер қодир худойим,
Ўйнаб-ўсган сайилгоҳим,
Кўнгилимда кўпдир ўйим,
Бул шаҳар қиблагоҳим,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Айтган сўзда кўпдир хатом,
Белга боғлаб заррин пўтам,
Дуо қилган жоним отам,
Кўнглинг бўлса, хуш қол энди.

Бизнинг билан ҳамдам бўлган,
Юртимизга султон бўлган.
Дийдалари пурнам бўлган,
Ҳар мажлисда бирга турган,
Қўлинда тилладан сози,
Ноласи, булбул овози,
Нуктадонлар, хуш қол энди.

Неча кунлар бирга эдик,
Ул шаҳарда даврон сурдик,

Ошиқлик дахмасин қилдик,
Ёр ахтариб кетмак бўлдик,
Беклар, хонлар, хуш қол энди.

Эр йигитлар ҳамроҳ бўлди,
Бизинг билан йўлга кирди.
Раънонинг умиди шулди[р],
Беклар, хонлар, хуш қол энди.

Бандам дегай қодир Мавлон,
Дуо килинг, беги султон.
Отамизман хўп қадрдон,
Фотиҳа олиб йўлга кирган.
Омин, деб кўнглин хушлади,
Бедов отлар аппишлади,
Хўшлашиб йўлни бошлади,
Бедовларга қамчи уриб,
Ол жўнади йўлга кириб,
Барча халойиқлар кўриб,
Шаҳарлар овоза бўлиб,
Кўчаларга одам тўлиб,
Кирди йўлга шундай қараб,
Ёр юртига килиб талаб,
Қизу жувон баланд-пас[т]да,
Томошабин бўлган қараб,
Бекнинг кўнгли дийдор талаб.

Қамчи билан отни уриб,
Боради бедовлар суриб.
Бир хили бекнинг кўнглин хушлаб,
Бедов отлар суриб ташлаб.

Не бекларнинг баҳрин очиб,
Парқинидан кўпик сочиб.
Бекларнинг сиёсатига,
Йўлда турган одам қочиб.

Йўлга кирди ўйнаб-кулиб,
Эр йигитлар ўтдай ёниб,
Бир-биридан келар ғолиб,

Раъно бўлиб ёрга толиб,
Ўзини илгари солиб,
Катталиги маълум бўлиб,
Бир нечалар буни кўриб,
Шоҳнинг ўғлин таниб қолиб,
Жўнайберди шердай бўлиб.

Ҳарчанд зўрлаб, ҳеч кимнинг сўзи қабул бўлмай, Темуршоҳ: "Ҳарчанд бўлса, бул боради экан, зўрлаб қайтараберасан, сил бўлиб ўлар экан. Энди бунга маслаҳат фойда қилмади, не бўлса бўлганча бўлиб қолди", – деб боласини хоҳлаган жойига юбормакчи бўлиб, ўғлининг кўнглини кўтариб, бир сўз айтиб турган экан:

Худодан тиласанг берар ҳар талаб,
Мажнунсифат бўлдинг, болам, ўпкалаб.
Чилтанлар сухбатин кўрган боламсан,
Талаб қилиб не юртларга борарсан.
Ёлғиз кетсанг кўп жафони кўрарсан,
Азалдан туғишли келган қайсарсан.

Кўрмай бир дилбарга ақлингни бериб,
Сен кетарсан ер юзини ахтариб.
Неча ойлар, неча йиллар йўл юриб,
Ўртанган ўтларга ўзингни уриб,
Темуршоҳнинг ҳолин билган боламсан.

Аввалинда ўғлим йўқ, деб кўп куйдим,
Худо берди сени, кўриб суюндим.
Бир қийин кунларда энди мен қолдим,
Эсимга олганда ўртаниб ёндим.

Мен сендан айрилиб, билмам, не бўлдим,
Одам қўйиб, қанча йўллардан урдим.
Бу шартдан қайтмадинг, энди тингилдим,
Ёлғиз кўзим, энди кетаринг билдим.

Ёр йўлинда жонингни қурбон қилдинг,
Овга чиқиб бу савдога дуч бўлдинг.
Сендай олғир қушни бундан учирдим,
Уядан давр олиб учган лочинсан.

Мен билмайман, қандай савдо, қандай сўз,
Мен қоларман, сен кетарсан-да ёлғиз,
Йўлингга тўрт бўлиб бунда икки кўз,
Йиғлай-йиғлай сарғаяди қизил юз,
Хон отангни хафа қилган боламсан.

Сурмадинг давронни бундайин жойда,
Ёрим дейсан, жонинг қилибсан шайдо.
Билмайман, ёрингнинг манзили қайда,
Қиларсанми бу юришдан сен фойда?
Умид қилиб қай шаҳарли бувишдан.

Бир нечук номардга кўнгил бермагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Ёлғизликда кўп жафони кўрмагин,
Ёр куйида юриб адо бўлмагин.

Бул сендан садаға отангнинг жони,
Бек отангнинг бир фасллик меҳмони.
Сенга ситам қилган бирор бемаъни,
Сени бўлар, дедим шаҳарнинг хони.

Гулшан бўлсин, сендай кўзим макони,
Дуо қилар бул шаҳарнинг султони.
Атрофида кўпдир ёри-ёрони,
Хон отангга раҳбар бўлган боламсан.

Бул сўзни отасидан эшитиб: "Отам жавоб бериб, мендан жудо бўлиб, кўнглига оғир олиб турибди", – деб, отасига қараб, яна бир-икки сўз айтиб турган экан:

Аввал Одам бино бўлди жўш билан,
Ҳобилни Қобили урди тош билан[18],
Ўзини ҳоритди оққан ёш билан,
Ини оғасидан айрилмадими,
Айрилмоқ аввалдан қолди, отажон.

Ҳазрати Довудга қирқ улни берди[19],
Довуднинг кўнглига манманлик келди,
Қиркининг жонини бир кунда олди,
Довуд кирқ ўғлидан айрилмадими?

Ҳазрати Юсуфни бозорга солди,
Чин ошиғи келиб харидор бўлди,
Отаси Ёқубдир, Канъонда колди,
Ёқуб Юсуфдан айрилмадими,
Айрилмоқ аввалдан қолди, отажон.

Биз юрибмиз дунёнинг ҳавасида,
Ошиқлар кезади ёрнинг қасдида,
Арз сўрайбер, ўтириб тахтинг устида,
Ғариб айрилишиб кўп жафо кўрди[20],
Неча вақт адашиб Аданда юрди,
Бир кун келиб Санам билан қўшилди,
Мен ҳам шундай қўшиларман бир куни,
Менга теккан дилбар ёрнинг салқини.

Ёрга талпинади хаста кўнгили,
Ёрсиз очилмайди ўғлингнинг дили.
Кўзига кўринмас подшолик эли,
Ҳар бандaнинг осон бўлсин мушкули.

Мен ҳам энди бир ёмоннинг булбули,
Учса хазон бўлар боғларнинг гули.
Осон бўлсин ҳар бандaнинг мушкули,
Кўзимга жилва қиб ёримнинг эли.

Бул сўзни отаси Раънодан эшитиб, ўғлига бир сўз айтиб турган экан:

Сен кетарсан қолмас кўнглингда ғубор,
Сенга одам қўшай, сатта диловар,
От-ёроқ олгани сатта анжомдор,
Кўп лашкарга улар бўлса баробар.
Сенинг одам билан бормоғинг даркор,
Ҳаммаси ҳам бўлиб сенга хизматкор.

Одамларни айтганима кўндирай,
Ҳар қайсига яхши тулпор миндирай,
Зари-зебар, болам, инъомлар берай,
То ўлгунча дуо қилиб мен турай,
Ҳар ерлардан сенинг сўроғинг сўрай,

Айтган шаҳарларингни мен ҳам қарай,
Юз одамни, болам, бирга юборай.

Жаҳонгашта бўлсин дунёни кўрган,
Ҳаммаси шакаман, қирағай мерган,
Аччиғланса қушнинг кўзидан урган,
Туғ-байдоқ кўтариб урушда юрган,
Шундай эрлар сенга ҳамроҳ қилайин,
Кеча-кундуз дуо қилиб турайин.

Қайга борсанг сенинг отингни ушлаб,
Олиб кетар сени бирга йўл бошлаб,
Ҳаммаси хизматкор, кўнглингни хушлаб,
Бир юз одам, болам, ҳамроҳ қилайин.
Кўнглида бўлмасин ғамли кун ғубор,
Йўлда йўлдош, бирга юрмак хўп бўлар,
Ёлғиз юриб гангимаклик не даркор,
Эс кўрган ҳаммаси, саркарда беклар.

Буларнинг ақили, билсанг, кўп бўлар,
Ҳар тарафда алвон шаҳарни билар,
Не ҳам бўлса яхши йўлга бошқарар,
Шунча одам сенга ҳамроҳ айлайин,
Маъқул билгин, мен ҳам шундай ўйлайин.

Бу сўзни отасидан эшитиб Раъно:

– Ота, хўп айтасан, улар сенинг ошингни, нонингни еган, нима хизмат десанг хўп деган, улар сенинг ихтиёрингда бўлган, отингни миниб инъомингни олган, бор десанг боради-да. Меним билан беш кун, ўн куп юриб кўп дилтанг бўлиб пушаймонлар қилиб, бола-чақасини соғиниб, менинг бетимга айта олмай, ўз бошига кета олмай юргандан менинг ёлғиз кетганим яхши эмасми?

Темуршоҳ бу сўзни эшитиб: – Кўрар кўзим, сўйлар сўзим, сен менинг болам ёлғизим, бир ўзинг элдан чиқиб кетсанг менинг ҳеч сабру қарорим қолмас, менинг кўнглимдагидай иш бўлмас. Сен нимага кўпчилик билан жўнасанг бир ёққа бориб келаётгандай, у юришинг менга малол келмас. Сен бир ўзинг жўнаб кетсанг менда ҳеч сабри қарор қолмас, отанг сени ёлғиз юбориб бу ерда тура олмас, бул юртда подшолик қила олмас.

Отасидан бул сўзни эшитиб: "Сизга маъқул бўлса ўзингиз биласиз эса", – деб Раъно жавоб берди. Сўнгра отаси саркарда, туғдор, жиғадор,

амалдорларни чақириб, ўғлига ҳамроҳ қилмоқчи бўлиб, амалдорларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Хизматига лаъли-гавҳар берайин,
Хон Раънога, беклар, ҳамроҳ қилайин.
Сафаринг бехатар бўлсин илойим,
Фарзандимнинг қаторинда кўрайин.

Об кетинг ўғлимни энди йўл бошлаб,
Гина-савдоларни кейинга ташлаб.
Бирга бўлиб ёр шаҳрига боринглар,
Сайил этиб, жаҳонда ўйнаб кулинглар.

Жаҳонгашта бўлиб элга келинглар,
Бекларим, Раънога йўлдош бўлинглар.
Бу табладан сайлаб бедов мининглар,
Мендай шоҳнинг инъомини олинглар.
Сўзим шулдир, энди турмай боринглар,
Менинг ўғлим кўп парвариш қилинглар,
Хизмат қилиб ёрини олиб беринглар,
Бошлаб бориб, бир кун қайтиб келинглар,
Темурхоннинг розилигин қилинглар.

Сайлаб мининг табладан бедов отни,
Белга бойлаб беринг кескир пўлатни,
Кеча-кундуз тинмай қилинг хизматни,
Элдан кетар мендай шоҳнинг фарзанди,
Ёлғиз кетмак подшоларга уятди[р].

Бул сўзни шул замон Темуршоҳ айтди,
Барча турган амалдорлар эшитди,
Бир неча иркилиб кейинга тортди.
Неча эшитиб шердил бўлаб турибди,
Бир нечаси парвоз қилиб турибди,
Бир нечаси буни ҳақдан кўрибди,
Бир нечаси сўзин қабул қилибди.

Борамиз деганнинг бари айрилиб,
Темуршоҳдан зеру зебарни олиб,
Шукроналар айтиб тилидан,

Ҳар иш келгудай қўлидан.
Бир юз қайсар жўнайберди,
Чиқиб Таманно элидан.

Бул бекларнинг юриш андозасини,
Шаҳар ичра бўлган овозасини.
Шаҳардан чиқариб йўлларга солди,
Таманно юртининг шаҳзодасини.

Бир юз қайсар ҳамроҳ бўлиб,
Бир-бириман ваъда қилиб,
Жума кеча йўлни олиб,
Бунда беклар ҳеч билмайди,
Қайси юртга бормоқ бўлиб.

Ҳайронда бекнинг ишига,
Бул фалакнинг гардишига,
Бир-биридан сўрамайди,
Бораётир ўз бошига,
Ҳайронда тақдир ишига.

Хафа бўлиб отаси қолибди,
Жўнатган шундай қўзичокни.
Бир юз одам сатта беклар,
Бари минган тўбичокни.
От бошини қўйиб қолар,
Яқин қилмоққа йирокни.

Бедовларга камчи уриб,
Бораётир йўлни кўриб.
Шаҳзоданинг ишин билиб,
Бир-бирига ҳамдам бўлиб.

Кўринг шундай зўраворни,
Бариси минган тулпорни.
Ҳеч қайсиси сира билмас,
Излаган қайси шаҳарни.

Йўлларда кўзини ёшлаб,
Қамчи уради қучоқлаб.
Остидаги тулпор отлар,
Ирғир йўлда яшин ташлаб.

Пай қилиб даштнинг қулосин,
Кўриб айролиқ балосин.
Худо дейшиб йўл юради,
Кўрмай ҳеч бирининг қорасин.

Йўлларда шундай кўп бўлиб,
Гоҳи ерларда тўп бўлиб,
Сўйлаган сўзи жўп бўлиб,
Бораётир шердай тўлиб.
Бир-бирига йўлдош бўлиб,
Бир неча кўнгли хуш бўлиб,
Борар ерини билмайди,
Бир нечалар беҳуш бўлиб.
Тоғларда борди[р] заранги,
Бари осинган фаранги,
Окшом бўлса ой қоронғи.
Қилади отга шиддатди,
Чу-ҳа деди камчи чотди,
Отга жуда ботиб кетди.
Остидаги бедов отлар,
Кунба-кун бўйнин узатди.
Йўлларнинг танобин тортди,
Чўлистонни тўзанг тутди,
Беклар шундай бўп йўл тортди.

Гоҳи ўрда, гоҳи кирда,
Гоҳ юради бузук ерда.
Юраклари тўла чер-да,
Ҳар қайсиси шундай эр-да,
Бари борастир йўлда.

Оҳи чекиб ҳар дам кундуз,
Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлғиз,
Йўл юришиб кеча-кундуз,
Бир-бирига қотмайди сўз.

Гоҳи жилиб, гоҳи йўртиб,
Гоҳ йўрғалаб, гоҳ еталаб,
Қайси юртга қилган талаб,
Бекнинг кўнгли алаб-ялаб,

Тушда кўрган ёрга талаб,
Бораётир шундай қараб.

Қайда бўлар ёрим дейшиб,
Етишарми зорим дейшиб?
Бораётир бўл-ҳа, юр-ҳа, дейшиб,
Бир-бирига хамдамлашиб,
Билмаган ёрни излашиб.

Гоҳ ерда эрдай тошиб,
Гоҳ ерларда чакиришиб,
Гоҳ ерларда бақиришиб,
Кетди қанча белдан ошиб,
Неча бузуқ йўлдан ошиб.
Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Йўлга тушиб кўп қуло-туз.
Дарёларда ўйнар қундуз,
Оқшом ётса, юрар кундуз.

Тоза бўлди дардимиз, деб,
Юзга урар гардимиз, деб.
Олис қолди юртимиз, деб,
Қай ерларга етдик биз, деб.

Шундайин беклар йўл тортди,
Бедовлар ҳам ҳориб кетди.
Ўр келса ўмганлатди,
Қия келса килпиллатди.
Арна келса ирғитди,
Кеча-кундуз йўл тортди.
Йўл тортса ҳам мўл тортди,
Бир чорраҳага етди.

Неча шаҳарларга йўл айриладиган чорраҳа бор эди. Ўттиз икки шаҳар йўлининг туғилиши эди. Унда бориб қай ёққа юрарини билмай қолди. Бирга бораётган беклар сўради: "Қайси йўл билан қайси шаҳарга борамиз? Излаганингиз қайси юрт?" Раъно айтди: "Билмайман, сизларнинг қайси шаҳарга бораётганингларни". Беклар бу сўзни эшитиб: "Эй, – деб бир-бирига қараб, – биз нима қилиб юрибмиз сиз билан бирга?" – деди. Раъно: "Билмасам, нима килиб юрганларингни.

Мен сизларга юр деганим йўқ". Беклар айтди: "Ўзингиз қаерга борасиз?" Раъно: "Мен не билай қай ерга бораримни", – деди. Бу сўзни эшитиб беклар ҳаммаси саросима бўлиб ўйланиб қолди. Бир хили айтди: "Бир ерга бораётган бўлсак, билиб борган яхши эди. Бу юртда биров олдимизга чиқиб, қаёққа борасиз деса, шу ёққа бораяпмиз десак. Шу ёғингнинг оти йўқми, деяр. Юз одамдан бир одам борар ерининг тайинини билмаса". Раънога боз: "Сиз қайси йўл билан борасиз?" – деди. Раъно айтди: "Қайси йўл бўлса ҳам юраберараман. Йўлсиз чўл бўлса ҳам юраберараман, тоғ бўлса ҳам, зов бўлса ҳам юраберараман. Сизлар қай ерга юрмакчи бўлиб эдинглар?" "Биз билмасак қай ерга юраримизни". "Қай ерга юрарингни билмай, сенинг баринг тентакмисан?" "Сизга ияриб чиғиб эдик", – дейишди беклар. "Менга ияриб юринглар депми эдим сизларга? Шу ергачайин келдинглар. Ҳоҳ юр, ҳоҳ кет, қачон ишим бор сизлар билан", – деди Раъно.

Беклар: "Хўп одамга жўра бўлган эканмиз", деб чорраҳага тушаберди. Беклар бешта, ўнта бўлиб маслаҳат қилиб: "Бул ишимиз қандай бўлди? Бола-чақалар бор, бир ерга бориб қайтадиган муддатли юриш эмас экан. Бетайин нарсага улоғиб, сандираб, сўнгра элга ета олмай ўлганча, подшо бизни ё ўлдирар, ё куйдирар. Энди шу ердан элга қайтмоқлик даркор", – деб маслаҳатни шу ерга қўйиб. Раънога қараб бир сўз айтиб турган экан:

Биз қайтармиз, тўражоним, яхши қол,
Хафа бўлдик бирга келган амалдор.
Элга қайтиб кетмак бўлибмиз бизлар,
Эшитмадик сиздан тайинли сўзлар.
Сизга қараб неча фиғон айтайик,
Энди жавоб беринг, элга қайтайик.

Бетайин иш, юриш қандай бўлади,
Бола-чақа етим бўлиб қолади.
Элда рўзғоримиз сабил бўлади,
Бизни эргаштирган сендай тўради[р].
Борар ерни ҳеч бир одам билмади,
Хоним, сиздан бир илиқ сўз бўлмади,
Сиз қоларсиз, бизлар элга қайтайик.

Биз юрармиз адади йўқ манзилда,
Бир савол сўрадик чорраҳа йўлда.
Бул бекларнинг асли мақсади шул-да,

Ҳайрон бўлиб қолдик келибон бунда.
Бизлар қайта бориб юрсак манзилда,
Бул бекларнинг сиздан умиди шул-да.
Кўнгилда бор сўзни сизга айтайик,
Жавоб беринг, бизлар элга қайтайик.

Ҳеч сўзни билмадик, бўлибмиз дилтанг,
Ҳар кимга ширинлир, бегижон, ватан.
Ажал келса титрайди танда ширин жон,
Таманно юртида отангиз султон.
Боринг, деб бизларни йўлдош айлаган,
Ёлғизим, деб кўп сўзларни ўйлаган.
Фарзандим, деб ширин жонин қийнаган,
Бизга жавоб беринг, энди бегижон.
Энди бизга тимсол айтиб бир алвон,
Бул ишни бошқарган қудратли Раҳмон.
Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон,
Ўйнаб-кулиб жавоб беринг бегижон.

Эшитинг шаҳзода, айтган сўзимни,
Беҳудага гаранг қилма ўзимни.
Бориб кўрай элда улу қизимни,
Рўзғор қилиб қолган сарвинозимни,
Биз гапириб кўнглимдаги арзимни.

Бу сўзни беклардан эшитиб, Раъно бекларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Устима кийганим яшилдан кўкди,
Бу юришлар менга бир кўнгил тўқди[р].
Шоҳлик шавкат, элда беклигим қопти,
Сизлар билан менинг не ишим бўпти?
Бир қанча сўйладим, кўнглингда кўпди,
Сизларга жавоб бермай не бўпти,
Кетар бўлсанг қайтабергин, бекларим.

Кўнглингни ҳар тарафга бўлмагин,
Улу қизим деб сен интиқ бўлмагин.
Хўб келибсанг, энди йўлдан қолмагин,
Беклар, менинг умидимда бўлмагин.

Мен юрарман тоғу чўлларни кезиб,
Подшолик давлатдан умидим узиб.
Шарҳи дилим билмам кимларга ёзиб,
Кетишлар, қолманглар худойга ёзиб.

Менга эргашиб ғариб бўлиб ўлманглар,
Бекорига элдан жудо бўлманглар.
Пушаймон қип наф топмайин қолманглар,
Бу сўзларни айтар мендайин ночор.
Мен қилдим мусофирлик ихтиёр,
Юрт устида ўзим ёлғиз қаландар,
Қаландарга ватан, йўлдош не даркор,
Қайтар бўлсанг, хуш келибсан, амалдор.
Бекорга бу йўлда сарсон бўлманглар,
Кетаберинг, келган йўлдан қолманглар.

Шу ергача йўлдош бўлиб келасан,
Неча ой, неча кун бирга бўласан.
Боши ғувлаб, сен кетмакка талабсан,
Кетсанг кетабергин, беклар, турмагин.
Ҳеч қайсинг ҳам менга раҳбар бўлмагин.

Ёлғиз юриб менинг кетмак муродим,
Шу бўлар кўнгилда ўйлаган шодим.
Бундан элга сендай беклар боради,
Менинг ота-энам сени кўради.
Раънони қайтдинг, деб беклар сўраса,
Билмайман, жавобинг қандай бўлади?

Раънобекнинг иши шундай бўлди, де,
Бизларни қайтариб йўлга солди, де.
Яхши сўйлаб меҳрибонлик қилди, де,
Хатлар ёзиб ул муҳрлаб берди, де.
Ўзи ўйнаб-кулиб жавоб берди, де,
Раъно улинг жаҳонгашта бўлди, де.
Ёлғиз юрмакка ихтиёр қилди, де,
Шундай бўлиб сенинг ўғлинг қолди, де.
Қўймайин қайтариб йўлга солди, де,
Тўрамизнинг иши шундай бўлди, де.
Тўранинг амриман қайтиб келди, де,

Бекнинг розилиги шундай бўлди, де.
Шул ишларни маъкул билиб қолди, де.

Бу сўзларни айтиб хат ёзиб, муҳрлаб, ул бекларнинг қўлига берди. Борса, отам буларга азоб бериб юрмасин, деб буларни розилашиб қайтариб юборди. Хушлашиб булар ўз мамлакатига қараб қайтди. Буларнинг жўнаб кетганига ҳам неча вақт ўтди. Раъно кўнглида айтди: "Бу чорраҳага чиқиб, бу ётишдан ҳеч фойда йўқдир. У ерга биров келаман, деб менинг билан ваъда қилибмиди, юрар йўлимдан қолмайин. Илгаридан қолган нақл бор: "Қичаган ошиқ муродга етишар" деган. Мурод талабман, биров эмас, икки ойни қарабман. Энди ё бир шаҳардами, ё бир боғдами, ё бир тоғдами, ё кўлдами, йўлдами йўлиқиб қолар. Худодан тиласа, худо берар-да. Отамга шунча шоҳлик, шавкатни аямай подшолик давлатини берган худой. Мен икки ой тилабман, албатта, беради, "худой юрган оёққа юрганмисизлар" деган гап бор. Энди қай ёқ бўлса шу ёққа қараб, ҳарна талабимни Ҳақдан тилаб кетаберайин, бошим оққан ёққа қараб". Бу сўзлар кўнглига келиб, ўрнидан туриб, отини ушлаб, кўнглини хушлаб отининг устига минди. Отини миниб ўз шаънида неча сўзлар айтиб, хаёлини унутиб, шундай йўл тортиб кетиб бораётир:

Мусофирлик элда султон гадоди[р],
Мендай беклар элатидан жудоди[р].
Ғарибликни ихтиёр қилдим,
Санамим деб бўзлаб юрдим,
Кўрмаган ерларни кўрдим.
Ғариб бўлиб кўнглим бузсам,
Кўзимдан ёшимни тизсам.
Санам билан мен топишсам.

Бу сўзларни айтиб Раъно,
Дегай бандам қодир худо.
Армон билан элдан жудо,
Мажнун каби чўлда юриб,
Кетдим Лайлини ахтариб,
Зуҳра билан Тохирдай бўп,
Ўтсам мен ҳам даврон суриб.

Жаҳонни сайр этсаммикан,
Фарангистон кетсаммикан,

Шу шаҳарларни топиб юриб,
Кўрсам ёрим деб ахтариб.

Ногаҳон гузарим тушса,
Ҳиндистон юртга етишса.
Мендайин беклар қарашса,
У ердан Бағдодга тушса.

Бағдоднинг шаҳрини кўриб,
Тағи мен ёримни ахтариб.
Тополмайин ўтиб кетсам,
Ъир куни Шамшодга бориб.

Шамшод шаҳри қайда бўлиб,
Хўп ахтариб сўраб кўриб.
Сайр этиб, юртни кидириб,
Гоҳ вақти дарёга сузиб,
Гоҳ жойларда кўнглим бузиб,
Гоҳ жойларда кўзим сузиб,
Хизрдай дарёни юзиб,
Юрсам Вомиқдай оҳ уриб,
Қайтсам Узрони ахтариб,
Ширин, деб тошларни қазиб.
Гоҳ ерларда Фарҳод бўлиб,
Ёр куйига кўнглим толиб,
Гоҳ вақтларда Ёзи бўлиб,
Қайтсам Зебони ахтариб.

Гоҳи тўлиб, гоҳи тошиб,
Билмайман йўлдан адашиб.
Гузарим қай ерга тушиб,
Отам қолган боламлашиб,
Неча қорли тоғдан ошиб,
Бораман ақлим шошиб.

Маст бўлиб тоғларда юрдим,
Ёр васлида куйиб-ёндим.
Излаб юриб адо бўлдим,
Подшо эдим, гадо бўлдим.
Абгори афтода бўлдим,

Билмаган ерларни билдим.
Мусофир тоғларни кўрдим,
Худо қилди, ғариб бўлдим.

Чиқиб Таманно шаҳридан,
Қайда бўлар ёрим менинг.
Қонлар йиғлаб мен ҳажридан,
Қайда бўлар ёрим менинг.
Булбулдайин ноладаман,
Доғ ҳасрати, армондаман.
Азалда куйган бандаман,
Кетди номус-орим менинг.

Бўғинларим менинг бўшаб,
Хазон урган гулга ўхшаб.
Мен йиғларман бугун қақшаб,
Етишмасми зорим менинг.

Узоқ юртда кирдикорим,
Менга йўқди ҳеч раҳбарим.
Ўлиб кетсам ичкуярим,
Етишмади менинг зорим.

Мусофир бўлмаган ким бор,
Бу дунёга келган жонлар.
Барини мусофир дерлар,
Мусофирлик қабоҳатди[р].
Бир ортиқ бошда меҳнатди[р],
Ҳар ким мусофирлик қилса,
Бошида мудом кулфатди[р].

Мусофирни ҳеч ким билмас,
Ҳеч ким унинг қадрин билмас.
Мусофир иззати бўлмас,
Гавҳар бўлса одам олмас,
Йўл устида сопол тошди.
Мусофир бўлган бандалар,
Сарпойлайди азиз бошди,
Бир нечанинг кўнгли тошди[р],
Бир нечанинг ақли шошди,
Мусофир қабоҳат ишди[р].

Ҳеч ким кўнглини хушламас,
Иззат қип отин ушламас.
Остига либос ташламас,
Ҳеч ким уни қадр қилмас.
Тилла бўлса одам олмас,
Айтган сўзи маълум бўлмас,
Ҳеч ким уни писанд қилмас.
Мусофирлик шундай ишди[р].
Бу сўзларни айтиб Раъно,
Қанча баланд тоғдан ошди.

Бу сўзларни айтиб, қаёққа караб юришини билмай, ҳар тоғларни кезиб кўриб, ажойиб, ғаройиботларни билиб, олдидан бир-икки киши чиқиб қолди. Бир мардикалон қарри киши, ширин сўзли, нур юзли, ажаб суратли бобой экан. Ул бобо ҳам Раънони кўриб тўхтаб, йўл бўлсин қилиб, бир-икки оғиз савол сўраб турган экан:

Ол-ол бўлсин, жоним болам, ол бўлсин,
Охирида ўлжанг сенинг мўл бўлсин.
Душманларинг жиловингда қул бўлсин,
Бу тоғларда, болам, сенга йўл бўлсин?

Олдирибди минган бу тулпор отинг,
Белингга бойлайсан кескир пўлатинг,
Қайси юртга, болам, бўлди ғазотинг,
Қай ерларда сенинг ўсган элатинг,
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?

Нима дейди ўйнаб-ўсган юртингни?
Хабар бергин менга мамлакатингни,
Нима дейди, қўзим, сенинг отингни?
Тоғда юрган, кайсар болам, йўл бўлсин,
Боғбон бўлсанг тергангинанг гул бўлсин,
Сенга айтган менинг сўзим шул бўлсин.

Қайси элдан, кайси юртдан бўласан,
Қайси шоҳнинг, кайси бекнинг ўғлисан?
Сени кўриб мамлакатинг сўрайман,
Бу тоғларда, болам, не қип юрибсан?

Мен билмайман юрар йўлдан адашиб,
Мени кўриб келдинг якин ёнашиб,
Йўл билмайин неча бузукдан ошиб,
Йўл адашган болам, кайга борасан?

Олмос пўлат белга қайраб бойлабсан,
Хаёлингда кўп сўзларни ўйлайсан,
Бир юртларга, болам, талаб айлабсан,
Йўл топмайин кушдай бўлиб бўйлабсан,
Йўл адашган болам, қайга борасан?

Бу сўзни бобосидан эшитиб, Раъно хам бобосига бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Отимни сўрасанг, бобожон, Раъно,
Шаҳримни отидир, билсанг, Таманно.
Отамнинг отини Темуршоҳ дейди,
Неча минг сипоҳи бор эди ҳамроҳ.
Авлодимни сўрсанг беги-бекзода,
Мен юрибман тоғда абгор-афтода.

Дунёдан ўтсалар ўн икки Аҳмад[21],
Жону дилиман қилиб худога хизмат.
Адашганман, бобо, қилгин каромат,
Яхши йўлга қила кўрсанг ҳидоят.
Тоғда кўрсат бирор менга шафоат,
Бул юришим қабоҳатдан қабоҳат.

Эшитса сўзимни маликул каттол,
Бир тараҳҳум айлаб мени йўлга сол.
Жоним бобо, сен хам бўлгайсан раҳбар,
Бир худодан ўзга менинг кимим бор.

Ўз жонимга ўзим қилдим зулмни,
Кимга айтиб йиғлай тоғда ҳолимни?
Мен билмайман, бобо, борар элимни,
Танимайман мен ҳам юрар йўлимни.
Раҳбар бўлиб, бобо, йўлга сол энди,
Мен адашиб ғариб қўлим олинди,
Нима бўлса меҳрибонлик қил энди!

Бу тоғда жондорлар бўлди улфатим,
Ўз юртимда катта эди давлатим,
Бир боис-баҳона бўлди қисматим,
Жоним бобом, менга раҳбар бўл энди.

Кезиб кўрдим ҳеч кўрмаган ерларни,
Кўп юриб ахтариб баланд тоғларни.
Ҳеч билмадим мен ҳам нишон хабарни,
Албатта, кўнглимда мақсадим борди[р],
Излаб чиқдим тушда кўрган дилбарни.

Бу сўзни эшитиб ул бобо: – Сенинг ишингдан менинг хабарим бор эди. Ҳали давур юрасан, тақдир қилса излаган ерга борасан, шу тоғдан ўтсанг бир чорбоққа бориб қўнасан, шу чорвоққа борсанг излаганингни шу ердан топиб оласан, – деб кўздан ғойиб бўлди. Нима эканини билмай, ё бир жинмикан, ё бир валиймикин, бул одам шима бўлса кўздан ғойиб бўлди. Шу тоғдан ўтсанг бир ҳаят бор деди. Шу ҳаятни топиб олайин деб бу сўзларни айтиб жўнайверди:

Бу тоғлардан мен ошайин,
Бобом менга йўл кўрсатди.
Ошиб мен боққа тушайин,
Қистаб юргин сен тулпорим.
Кетиб менинг номус орим,
Йўлда бобом хабар берди.
Шу чорбоқда менинг ёрим,

Турган ери бўлар обод.
Бўлса манзил бизга работ,
Эшитдим, қолмади тоқат,
Чув дейман сендай тулпорим.
Текис йўлдай бу тоғларинг,
Шу чорбоқдан топарман, деб,
Бобом айтган менинг ёрим.

Ул бободан йўлим бўлди,
Мени яхши йўлга солди.
Ул ёримдан дарак берди,
Чорбоқда, деб хабар қилди.

Қамчи урсам тўбичокка,
Овоза кетса фалакка.
Ё кўпмикан, ёрим якка.
Ёлғиз бўлса холин сўрай,
Май ичишиб улфат бўлай.

Ул ҳам мендайин бўлганди,
Мендай бўп излаб юрганди.
Йўлдаги бобом кўрганди,
Излаб чорбокда юрганди.

Бобом ҳам уни билганди,
Бобомдан кўнглим қонди.
Бир яхшиликни қилганди,
Йўлларда раҳбар бўлганди.
Адашганда ул бошқариб,
Жон бобом ёрдам қилганди.

Бораётир шундай тўра,
Яқин бўлар ҳар бир дара.
Ўз кўнглида гапиради,
Ёрим бўлдими овора,
Яқинладим дилбар, қара.

Бул сўзни ўзига айтиб,
Кўнгли билан ёрга етиб.
Ҳали тоғларда йўл тортиб,
Бузуқ чўққилардан ўтиб.

Қамчи уриб минган бедовди,
Жудагина олис тоғди.
Минган отини хоритади,
Кеча-кундуз йўл тортади,
Гоҳи пастга, гоҳи ўрга,
Мудом чопиб йўл тортади,
Бобоси бир сўз айтади,
Йўлда ўзин хоритади,
Кеча-кундуз йўл тортади,
Раъно иши шундай бўпти.
Таманнодан чиққанига,
Юрт қидириб уч йил бўпти.

Уч йилдан бери ахтариб,
Не ажабларни кўриб,
Ёрин топмас сарсон бўлиб,
Гоҳи жойларда ух тортиб,
Энди Раъно тоғдан ўтиб,
Чорбоқ, деб кўзин юбортиб.
Ҳар тарафга аланглайди,
Кўрмадим, деб жаланглайди,
Бобосин сўзиш ўйлайди,
Ширин жонини қийнайди,
Чўл экан отши хайдайди,
Қай ерда дейди, ўйлайди,
Суқсурдай бўлиб бўйлайди.

От устида бўйлаб қараб,
Ё кетдими, бобом алдаб.
Шу йўл билан қилдим талаб,
Ахир олдимдан чиқар, деб,
Кетаберди шундай қараб.

Қанча бўлса юраман, деб,
Мен ҳам боққа кираман, деб,
Сайил даврон сураман, деб,
Ошиғимни кўраман, деб.
Ўз шаънига айтар сўзни,
Бобом алдамайди бизни.

Отнинг кокили ўрилди,
Одамсиз кўп йўллар юрди.
Усти-устига қарайберди,
Бир боғотни энди кўрди.
Тўти, булбуллар сайраган,
Товуши кулоғига келди.

Аччиқ қамчи отга урди,
Тезроқ етгин, не бўлди?
Ёримнинг кўнгли бўлинди,
Йўлга қараб интиқ бўлди.

Бедов отга қамчи ботди,
Ўқдайин зириллаб кетди.
Олис эди икки ораси,
Шу замонда яқин бўлди.
Аниқ кўрди ажаб жойни,
Ўйлаб борасётир ўйни,
Ёр билан қилсак, деб тўйни.

Раъно ҳам бу боғотга етди, қандай боғот эканини билмади. Кўрди, деворларини мушку анбарлар билан муаттар қилинган. Эшикни очиб ичкари кирди. Кўлмак сувлар себаргаларга ғалт уриб турган, ҳар ранг гуллар экилган, сарҳовузлар қимматбаҳо тошлар билан парчинланган, атрофида шоҳсупалари лаъл, гавҳар, забаржад – шундай тошлар билан бино қилинган. Боғонага бобоси: "Шул ҳаётда борсанг топасан", – деб эди. "Булбул, тўти, майна қушлар сайраб турган, бобомнинг айтгани рост экан. Ул бобом илгари ҳам кўрган-да, албатта, бу чорбоқ менинг ёримнинг чорвоғи-да. Энди бул маконни унча-мунча одам қила олмас, бир тарафга кетганди. Ҳамма вақт келса шул ерга келар", – деб отни қўя бериб, гулистонларни оралаб, ҳар гул буталардан хабар олиб, очилган гулларга назар солиб, ёридан дарак топмай, дилтанг бўлиб, гоҳ ўтириб, гоҳ туриб, одамзод аслида ҳеч кимни кўрмай ҳар замон ишига келиб, қайтиб бориб, бул боғотни ахтариб, "Ё бобом мени алдаганмикан", – деб сайраб турган қушларга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Гулистонда юрган тўти,
Хабар бергин, ёрим борми?
Гулда сайраган булбуллар,
Бу бўстонда жоним борми?

Мен келдим ёримни излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб,
Гоҳ ерда бўтадай бўзлаб,
Бу бўстонда ёрим борми?

Таманнодир ўсган шаҳрим,
Олис юртларда манзилим,
Ёлғиз жонга қилиб зулм,
Қолгандир подшолик элим.

Ўзимни олисдан чоқлаб,
Гулистонда ёрим йўқлаб.

Агар билсанг жавоб бсринг,
Бу бўстонда ёрим борми?

Бир бободан дарак билдим,
Ошиғим ахтариб келдим,
Кўрмай ёрим дилтанг бўлдим,
Бу бўстонда ёрим борми?

Сеп сайрайсан алвон-алвон,
Бандам деса кодир Мавлон,
Мен ёримдан топмай нишон,
Қилмайин яна пушаймон,
Бу бўстонда ёрим борми?

Етишар сенга қизил тил,
Мен сўйладим, жонивор, бил,
Кўрсанг ёримдан хабар бер,
Осон бўлган бунда мушкул,
Хабар бергин, ёрим борми?

Жониворлар сенга қараб,
Мсн ёримни сендан сўраб,
Мснга билдиргин бир дарак,
Бул бўстонда жоним борми?

Уч йил бўлди, кўп йўл юрдим,
Уч йилдан бери ахтариб,
Ёр юртини янги кўрдим,
Юзин кўрмай дилтанг бўлдим,
Маъшуғим деб бунда турдим,
Хабар бергин, ёрим борми?

Эзилар бунда юраклар,
Ҳар алвон турган дарахтлар,
Ажойиб боғу бўстонлар,
Бунда кўрдим гулистонлар,
Олмазор, пишган анжирлар,
Боғ шуъласи аклимни олар,
Ҳар турли пишган мевалар,
Мен билмайман бу қандай юрт,

Эзилиб пишган олмурут,
Хабар бергин, ёрим борми?

Сарҳовуз бўйига келдим,
Ёр юрган ерларни кўрдим,
Ошиклик лойини урдим,
Ўзимга андиша қилдим,
Кўп сўзларни пеша қилдим,
Нечовдан юз теша қилдим,
Бул маконда жоним борми?
Мен билан юрган одамлар,
Шунда етишган қадамлар,
Гуллаб очилган бодомлар,
Хабар бергин, ёрим борми?

Ҳаяллади келмай ёрим,
Май ичмак чин кўнгилларим,
Қани шундоқ келса ёрим,
Ўтириб майлисни қилса,
Косагул бўп шароб берса,
Жуда менинг кўнглим тўлса.
Кўрган ғуссадан қутулса,
Таскин топиб шодмон бўлса,
Қўшбаҳор ёр ақлим олса,
Айтганимдан зиёд бўлса.
Ёрим ўзини билдириб,
Май берсин менга тўлдириб,
Шунда ёрдан кўнглим тўлиб,
Бу бўстонда ёрим борми?

Ёрим, деб ахтариб келдим,
Қон йиғлаб мен ёлғиз қолдим.
Ёш боладайин ёлвордим,
Мен йўлига интиқ бўлдим.
Ёрга етса Раъно сўзи,
Қаёқ кетган ёрнинг ўзи?
Менга кўриниб турибди,
Куралайдай жоду кўзи,
Бу бўстонда ёрим борми?

Бу сўзларни айтиб кўнглида: "Бобом шу ерга борсанг кўрасан", – деб эди. "Қаёққа келса келар", – деб шул сўзни кўнглига маъкул қилиб, бир гулбутанинг қалин ерига кириб, "ўзи келса топиб олар", – деб қолди.

Кайвоншоҳ деган подшо бор эди. Бу чорбоқ Кайвоншохнинг чорбоғи эди, чет чорбоқ эди, шаҳарга кўп йўл келар эди. Бу ерда шаҳарнинг бир тарафини денгиз дарёси дер эди. Бул ҳам денгизга қўшилар эди. Бир ёғини дарёйи Хунхор дер эди. Шаҳарини Гули гулзор деб айтар эди. Кайвоншоҳнинг ўғли йўқ эди, бир қизи бор эди, отини Сухангул дер эди, ниҳоятда соҳибжамол эди, бетига мудом етти қават парда тутиб юрар эди. Ҳуснининг сулувлигидан бетидаги пардага шуъласи уриб, оққа қизил бўлиб, ҳар рангда товланар эди. Парданинг устидан кўрган одамлар беҳуш бўлиб кўчаларда йиқилиб қолар эди. Сухангул отасининг қошига бориб киркин канизлари билан сўйлашиб, кўп гапларни ўйлашиб, бир-бирига тегишиб, ўйнашиб, "Отамизга бир кўнгилда борини гапириб кўрайлик, отамнинг кўнглини синайлик, кўнглида борини билайлик", – деб отасига караб, бир сўз айтиб турган экан:

Ота, менинг кўнглимдаги бўлмади,
Бул кўшки мазгилга кўнглим тўлмади.
Бунда менинг хеч максадим тўлмади,
Ҳафа бўлдим, менда тоқат колмади.

Ҳалқ айтади, сизсиз шоҳи Кайвон,
Муҳаммад динида барча мусулмон,
Осмоннинг остини айладинг айвон,
Бир кўшки тузсанг дарё устидан.

Оқиб ётса бунда дарёйи Хунхор,
Ўртасида кўшким бўлса муаттар,
Баланд бўлса булут билан баробар,
Ададсиз қилсалар унга зиналар,
Кунда айланиб чиқиб тушмаклик даркор.

Бир тарафи катта денгиз, дарёлар,
Остига жой бўлса дарёйи Хунхор,
Мунаққашли мазгил жой кўнглим тилар,
Кўзимга кўринмас кўшки мазгиллар.

Канизларман сизни кўрмакка келдик,
Кўнглингизни сўраб билмакка келдик,

Бир ҳавасим бунда килмоққа келдик,
Шундай мазгил, ота, сизга гапирдик.

Шаҳри Гулзор деди, ажойиб жойни,
Бизнинг учун солинг накшин саройни,
Менинг кўнглим тилайди шундайин кўшкни,
Канизларман маслаҳатим шундайди.

Ота, қўйма қабоғимни уйдириб,
Бир ёмон мазгилда мени куйдириб,
Олтин-кумуш, бунда кимхоб кийдириб,
Ҳукм қилсанг усталарни йиғдириб.
Ҳавоталаб кўшкни тилайди кўнглим,
Сизга ёқар, ота, айтган сўзларим,
Сайли баҳор, чаман истайди кўнглим.

Мамлакатга шундай хабар килсангиз,
Ададсиз устани йиғиб олсангиз,
Фарзандим, деб бир раҳбарлик қилсангиз,
Хунхорнинг устидан кўшки солсангиз.

Кетар шунда кўнгилдаги ғуборим,
Сарф айласанг ғазнадаги зарларим.
Ҳукмдорсан, кўп бўлар одамларинг,
Шунда кетар кўнгилдаги ғуборим.
Ер остида йўқдир Гулзордай шаҳринг,
Ададин билмайман, кўпдир аскаринг.

Қаватимда бирга шунча канизим,
Сарғаймасин, ота, гулдайин юзим,
Айтган сўнг, отажон, қайтмасин сўзим,
Сўзи қайтиб, кўнглин бўлмасин қизинг.
Айб қилар агар қайтсанг канизим,
Маъқул бўлсин сизга сўйлаган сўзим,
Шундай кўшки мазгил сўрайди қизинг.

Шоҳи Кайвон бу сўзларни қизидан эшитиб, ададсиз усталарни йиғиб, неча минг уста жамлаб, кўп одамларни ғамлаб, дарёйи Хунхорнинг устидан ёғоч билан парчинлаб, тош-ғиштлардан ишлаб, уч

тош йўлни сувнинг устидан созлаб, неча кунлар, неча ойлар ишлатиб, сувнинг устида яхши боғ, чорбоғлар тузатиб, ўртасидан шундай кўшк солди. Бир ғишти тилладан, бир ғишти зумраддан, ости билан юрган дарё. Одам чиқадиган зиналарини лаъл, гавҳардан парчинлаб, одам айланиб чиқадиган қилиб, зинасидан тикка чиқиб кетмакка ҳар кимнинг боши айланиб қуввати келмас эди. Кўшкнинг бошидаги қубба, гумбазларга тилладан биносини қўйиб ўратиб, бул кўшкни тамом қилди.

Сухангул канизлари билан бориб, бу кўшкда юриб, неча вақт орадан ўтиб, қизлар билан ҳар кун дарёларда қайиқча миниб, ўйин қилиб, кўшкида суҳбат қуриб, бу сувнинг равшанлиги, кўшкининг тилладан тузатган шуъласи сувга уриб, Сухангулнинг жамолини кўриб, шаҳар одамлари ичини уриб, тоза кўшкка қараб, одамнинг бари тикилиб, оғзи анграйиб, бурни танграйиб қолди. Кайвоншоҳга қараб Сухангулнинг энаси бир сўз айтиб турган экан:

Аё шоҳим, сизга айтай сўзимни,
Билдирайин сизга энди қизимни.
Сухангул ҳам ҳавоталаб бўлибди,
Қизим дилгир бўлиб бебош юрибди.

Фарзандимиз кашалига келибди,
Қизларнинг ичида ҳусни ғолибди[р].
Мендайин энаси синаб билибди,
Сен эшитгин, тўрам, менинг сўзимди.

Парво қилгин менинг икки кўзимни,
Балки билсанг сўйлайдиган сўзимни,
Сухангул ҳам сенинг ёлғиз қизингди[р],
Мен англайман, қизинг дилгир бўлибди.

Ўлмасин-да, сендай тўрам ўлмасин,
Сира ҳам душманлар ўйнаб-кулмасин,
Юришини одамлар гап қилмасин,
Нодон бўп бировга кўнгил бермасин,
Сўйла хоним, қизинг дилгир бўлибди.

Кетгай бошимиздан қайғули туман,
Мўминларга эгам бўлгай меҳрибон,
Ҳаммадан маломат савдоси ёмон,
Сўзимни эшитинг, сиз шоҳи Кайвон,

Тилладан кўшк қилдинг, мунаққаш айвон,
Ой-йил усталар тинмай ишлаган.

Қизингни раъйига кўпдан қарадинг,
Қиз ҳам бўлса ёлғиз бола муродинг,
Кўз қувончинг сенинг, кўнгли шодинг,
Гулзор шаҳринг энди бунда ободинг,
Камолига кириб дилгир бўлибди,
Энаси, султоним, маълум қилибди.

Бул сўзни энаси "Беҳуда ҳабаш-бебош юрмасин", – деб Кайвоншоҳга айтиб туриб эди, кўшкда канизлар билан туриб, Сухангул бир сўз сўйлаб турган экан:

Юринг қизлар, хон отама борайик,
Бир саволни хон отамдан сўрайик,
Ҳаммамиз хам тулпор ушлаб минайик,
Чиқиб саҳроларда ҳам гашт қилайик,
Гоҳ срларда кулон-кийик урайик,
Юринг қизлар, овга талаб қилайик!

Хоҳламадик бунда ўтиришларни,
Баҳор кезиб кўрай тоғу тошларни,
Сизлар билан бўлган кўнгил хушларни,
Юринг қизлар, бек отамга борайик!

Бу сўзни айтади гул юзли дилбар,
Овга борсак черу ғуборим таркар,
Бирга-бирга юринг энди, канизлар.

Боғда очилар гул-ғунчалар,
Гулга яраша нечалар.
Тура келди бул ўрнидан,
Сатта каниз ойимчалар.

Бсҳиштдаги ҳурдай бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Тиши гавҳар, дурдай бўлиб,
Тиллари булбулдай бўлиб.
Лаби шакар, болдай бўлиб,

Қоши эгилган ёйдай бўлиб,
Кўзи қуралайдай бўлиб,
Ҳусни тўлган ойдай бўлиб,
Бир минг қўйли бойдай бўлиб,
Сағирлари ёйдай бўлиб,
Бир-биридан кўнгли тўлиб,
Тўра келди бирдай бўлиб.

Ўн канизи йўлин бошлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Ўн канизи зулпак ташлаб,
Ўн канизи пўш-пўшлаб,
Жўнай берди пастга қараб.

Оёқларин бир-бир босиб,
Кўрганнинг кўкайин кесиб,
Қоши-кўзига муносиб,
Мушки анбар, ифор сасиб.

Бир-бирининг кўнглин хушлаб,
Аста-аста қадам ташлаб,
Ловдан рўмол пирпиллаб,
Кўйлаги жуда ҳуриллаб,
Қордай бадани дириллаб,
Ўйнашмоққа жуда талаб.

Кайвоншоҳ кошига бориб Сухангул отасига қараб бир сўз айтиб турибди:

Ота, эшит менинг айтган сўзимни,
Хафа қилма мендайғачоқ қизингни,
Сен эшитгин менинг айтган арзимни,
Овга рухсат берсанг мендай қизингни.

Саҳарларга овга чиқиб келайин,
Тоғу тошни бир томоша қилайин,
Жавоб беринг, ота, овга жўнайин,
Қулон-кийик сизга отиб келайин.

Сап сайлаб мен тулпор отни минайин,
Қаниз қизларимни бирга олайин,

Жавоб беринг, энди овга жўнайин,
Ўғлинг ўрнига мен ҳам ўғил бўлайин,
Улдай бўлиб мен ҳам хизмат қилайин,
Жавоб беринг, тоғу тошга жўнайин.

Обод қилсам бунда Гулзор элларни,
Олиб чиқай сайраган булбулларни,
Топиб кетай мен ҳам юрар йўлларни,
Ҳарна кўрсам билдирарман хабарни,
Ота, рухсат беринг, овга жўнайик.
Ғамли қуллар =акка йиғлар зор-зор,
Атрофимда туриб неча санамлар,
Биздан кетсин бунда доғу аламлар,
Бирга бориб, жўнатишсин энамлар,
Жавоб беринг, ота, овга борайик.

Бизлар ҳам олармиз милтиғу анжом,
Яхши қизлар ҳамроҳ бўлса гуландом.
Саҳроларни мен ҳам кўриб келарман,
Пеш билмай, ота, даврон сурарман.

Саҳроларни кўрганим йўқ, биларман,
Бир томоша қилсам қайтиб келарман,
Сухангулман, ўз ҳолимни биларман,
Сиздан, ота, жавоб сўраб турарман,
Жавоб бсринг, ота, овга бораман.

Қизидан бу сўзни эшитиб, отаси қизига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Беҳуда иш қилиб чўлда юрмагин,
Ёмонлар қўлига дучор бўлмагин,
Бир ланқани сен орттириб юрмагин,
Яхши юр, жон болам, ёмон бўлмагин.
Қобоғингни тағи читиб турмагин,
Сўзимни кўнглингга оғир олмагин,
Мени десанг, қўйгин, овга бормагин.

Олис йўлга, бежай йўлга чиқасан,
Ким яхши, ким ёмон, нима биласан?

Чўлда ёлғиз кандайин кун кўрасан?
Аввал, болам, овда нима киласан?
Кўшки айвон юргин Гулзор элига,
Лодон бўлиб минма отнинг белига,
Ов излаб чиқмагин тоғнинг чўлига,
Тушиб қолма бирор зўрнинг қўлига.
Ҳолинг билмай бир иш бошлаб борасан,
Бировнинг қўлига тушсанг қоласан,
Овга бориб, болам, нима қиласан?
Кўп бўлади хон отангни койиши,
Оллоҳ дейди хонақонинг дарвеши,
Ов овламоқ баҳодирларнинг иши,
Нодон болам, овга талаб қилмагин.

Бу сўзни айтади шоҳи муқаррар,
Тоғу тошда неча алвон одам бор.
Чўлу йўлда кезар неча ёмонлар,
Овни ҳавас қилмоқ сенга не даркор?

Бу сўзларинг менга, болам, ботади,
Биров кўрса чўлда олиб кетади.
Отанг сенга кўп насиҳат айтади,
Шул овингни қўяқолсанг қайтади?!
Қўйгин, бўтам, овни ҳавас қилмагин,
Бу сўзларни сен ҳам маъқул билмагин.

Бу сўзни отасидан эшитиб, "овни қўй" деган гапига хафа бўлиб турди, балки қошидаги қизлардан уялиб, энаси келиб Кайвоншоҳга арз қилиб, бул ҳам ўзидан хабари борди. "Сиздан илгариги подшоларнинг ҳам қизлари шундай бўлиб юрар эди. Неча қизлар урушда баҳодирлигин қилар эди, бу хафа бўлиб, кўнгли қабарди. "Албатта, овга бораман", – деб кўнглини кўтарди, жавоб беринг", – деб энаси орага тушиб Кайвоншоҳдан жавоб олиб, қизларига қараб бир сўзларни айтиб турибди:

Боргин, отанг сени овга буюрди,
Ўйнаб-кулиб бек отанг жавоб берди.
Қайтаргани насиҳат қип гапирди,
Оғир оп, фарзандим, сенга не бўлди?

Отангнинг сўзини ҳазил билмагин,
Кўнглингга оғир оп, хаёлинг бўлмагин,
Қайтарди деб, болам, хафа бўлмагин,
Насиҳат қип, ссни овга буюрди.

Хафа бўлма, мудом ўйнаб-кулинглар,
Баринг бирдай дарёларга боринглар,
Хохи сувда, хохи тоғда юринглар,
Қайга борсанг вақтинг хушлаб кулинглар.
Бул сўзларни шундай энаси айтди,
Жами каниз қиркинлариман эшитди,
Бирга-бирга бўлиб кўшкига етди,
Кўшкида ўтириб суҳбатни қилди,
Суҳбат тарқаб ўзини дарёга солди.

Дарёларда кезиб, сувда юрарди,
Бу қизлар сувнинг тилини биларди,
Оби тулпорлардан ушлаб оларди[22],
Обиларни ул дарёдан чиқарди.

Қирқин қизиман уларни минди,
Милтиқ анжомини бу қизлар олди,
Оби отлар санамларни кўтарди,
Чўлга қараб шул замонда бошқарди.

Тулпорни бунда юганлаб миниб,
Учар қушдан юради улги олиб,
Гулистон шаҳридан равона бўлиб,
Бир соатда кетди бегона бўлиб,
Устида санамлар девона бўлиб.

Ов-овлашиб тоғу тошга боради,
Қулон-кийикларни қувиб олади.
Санам кизлар чўлдан-чўлни кўради,
Овчиларни шаъни шундай бўлади.

Олкорни ҳуркитиб қувиб боради,
Бу чўлларда вақтин хушлаб юради.
Шаҳрини тоза эсидан чикарди,
Кеча-кундуз тоғ-тошларда юради.

Ажойиб ерларни томоша қилди,
Ҳафта-ўн кунгача келмайин юрди.
Отаси билмади, овчи не бўлди,
Машғулотда вакти хушлигин қилди.

Қулон кўрса ўтдай бўлиб туташиб,
Юрар эди, бир-бирига улашиб,
Бу чўлларда юришлари ярашиб,
Уйдай қирга юрар отиши чопиб,
Сўрашиб бул овда бир-бирин топиб.
Саккиз кунгачайин тинмай юришди,
Ногахон гузари чорбоққа тушди,
Раъно бўлган ул боғотга етишди.

Неча кундан бери қилмай фароғат,
Отдан тушиб олсак, деди бир роҳат,
Дам олсак, деб бундай боғда бир соат,
Шул боғотга ҳориб-чарчаб етишди.

Қулоқ солинг бу сўзнинг мазасига,
Ҳар ким қилар қизлар андозасига.
Отни миниб, чопа-чопа бу қизлар,
Етиб олди боғот дарвозасига.
Дарвозага келиб отдан тушишди,
Жуда чарчаб, бунда отдан тушишди,
Бўғини бўшаб, дамин олиб туришди.

Дарвоза олдига бориб, отини канизларга бериб, Сухангул бир сўз айтиб турган экан:

Канизлар жам бўлиб бунда туринглар,
Тулпорларга хўп эҳтиёт бўлинглар.
Бул боғотга ўзим ёлғиз кирайин,
Мен хам танҳо бир томоша қилайин,
Кўрганим сизларга хабар берайин,
Бир дам бунда фурсат сақланг санамлар,
Ёлғиз кетди, деб хафа бўлманглар,
Менинг бул сўзимни оғир олманглар.

Қора зулфим эшилганди тол-тол,
Толига етмайди берса дунё мол,

Душманлар йўлиқса бўлади поймол,
Канизларим, бул сўзима қулоқ сол,
Отнинг жиловин энди менлан ол,
Бул боғотга мен ҳам кириб чиқайин.
Дунё ўтар, ўтарини ўйладим,
Сувда юриб ширин жоним қийнадим,
Ҳар сўзни сизларга баён айладим,
Бул боғотга мен ҳам кириб чиқайин.

Устима кийибман, гулгун кирмизи,
Сўз айтади сенга подшонинг қизи,
Хизмат қилган Сухангулнинг канизи,
Отни ушланг, бул боғотга кирайин.

Милтиқ, яроғ олиб овларда юрдик,
Бир нечани қувлаб, бировни урдик,
Ҳориб-чарчаб янги бу ерга келдик,
Неча сўз канизлар, сизга ганирдик.

Бувишим, деб менинг вақтим хушлагин,
Ғаним кўрсанг унинг кўзин ёшлагин,
Бир неча одатинг, қизлар, ташлагин,
Мен узатдим от тизгинин, ушлагин,
Бул боғотга мен ҳам кириб чиқайин.

Бу сўзларни айтиб, канизларга отини ушлатиб, боғотнинг эшигини очиб ичкари кирди. Қараса, боғотнинг олмалари пишиб ётир, остига тушиб ётир, гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чах-чах учириб ётир, Сухангул гулистонни оралаб бораётир. Шунда бир гулбутанинг қалин ерига бориб қолди. Уп-узун бўлиб, юз тубан тушиб биров ётир. Сухангул бошига бориб турди. Кўнглида айтди: "Бул йигит одамзод эмас, ё паризодмикан, ё жинларданмикан, ё девданми? Одамзод уруғида бундай сулув бўлмас. Ё одамдан ҳам шундай сулув бўламикан?" Туртиб турғизди, бошини кўтариб тургандан кейин, Раънонинг жамолини кўриб банди-бўғини бўшаб кетди. Раъно Сухангулни кўриб айтди: "Қай ёқдан кириб эдинг, бу вактгачайин келмадинг. Бобом, шу ерга борсанг кўрасан, деб эди. Мен неча кундан бери англиб ётибман". Сухангулнинг бетида етти кават пардаси бор, одамлар билмайди, ўзининг бети, дейди.

Шуъласи уриб, бети ҳар алвонда товланиб туради. Сухангул буни кўриб айтди: “Бу жинми, мажнунми, ё ошиқ йўлида девона бўлиб юрган одамми? Ҳар нарса бўлса бир худо берган одам. Ҳар қандай одамга мунча ҳусннн худо ато қилмайди. Бундан бир савол сўраб кўрайин”, – деб турган экан:

Очилган баҳорда боғнинг гулисан,
Сен ҳам бир-бировнинг жони-дилисан.
Қайси элдан, қайси юртдан бўласан?
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг улисан?
Искаб кўрсам мисли жаннат гулисан,
Рост айтгин, бекқавча, қайдин келасан?

Жамолинг менгзайман осмонда ойга,
Қошингни менгзайман эгилган ёйга.
Жасадинг менгзайман бўз қарчиғайга,
Ўзингни менгзадим минг кўйли бойга.

Бино бўлсан бирор гавҳар донадан,
Парвоз қилдинг қайси мазгил хонадан?
Сендай йигит туғилибди энадан,
Парвоз қилган бирор мазгил хонадан,
Баландпарвоз хоним, қайдин бўласан?

Мен билмайман сенинг энди отингни,
Баён айла, хоним, исми зотингни,
Нима дерлар юрган мамлакатингни,
Шер ўмганли қайсар, қайдин бўласан?

Сендай мардни бул чорбоқда кўрарман,
Мен хам сенинг интизоринг бўларман,
Отинг айтсанг авлодингни биларман,
Сенинг билан бунда бирга бўларман.
Авлоду аждодинг сўраб кўрарман,
Излаганга сўраганинг бўларман.

Билмайман, қай юртдан бу ерга келдинг?
Бир гули заъфарондайин сен бўлдинг,
Сендай навжувонни янгида кўрдим,
Ҳоли паришоним, қайдин бўласан?

Авлодинг қай ердин таъриф қиласан?
Тарзинг кўрсам ошиқ лофи урасан,
Кўп жафони бир ёр излаб кўрасан,
Сўзла, навжувоним, кайдин бўласан?

Мени кўриб ақлинг кетиб қолибди,
Сенинг ҳуснинг паризоддан ғолибди[р],
Тақдир ҳайдаб сендай беклар келибди,
Хабар бер, бегижон, қайдин бўласан?

Гумон қилдим, бир шаҳарда султонди[р],
Ота-энанг сендан жудо бўлганди[р],
Қон ютиб ишқингда йиғлаб қолганди[р],
Туз-насиба, тақдир ҳайдаб келганди,
Аломатлар бул бошингда турганди[р],
Ишқ савдоси сени ғолиб қилганди,
Ҳуснинг, камолингни ойим кўрганди,
Жасадинг ақлимни менинг олганди,
Хабар бер, хонзода, қайдин бўласан?

Бул сўзни Сухангулдан эшитиб, Раъно Сухангулни кўриб, "Излаган муродимга етишдим", – деб сир аҳволини маълум қилиб, гоҳ беҳуш, гоҳ ҳуши ўзига келиб, ошиғимни кўрдим, деб бир сўз айтиб турган экан:

Мен ҳам баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Асли бир-бировнинг жони-дилиман.
Ошиқлик лофини уриб юрибман,
Асли ўзим Темуршоҳнинг ўғлиман.

Сен менинг отимни сўрасанг Раъно,
Таманно юртида отамиз подшо,
Ўн икки минг сипойиман ҳамро,
Авлодимнинг бари беги-бекзода,
Ошиқлик савдосин қилган шаҳзода.

Тушимда ой билан чулғашиб қолдим,
Ул ёр билан аҳду ваъдалар қилдим.
Тушимдаги ойни ўнгимда кўрдим,
Уйқум экан, мен сесканиб уйғондим.

Мажнун бўп Лайлига ақлим олдирдим,
Неча сўзни ўзим андиша қилдим.
Уч йил тинмай уни излаб йўл юрдим,
Элу чўл қолмади, уни қидирдим.

Неча вақт ахтариб тоғларда юрдим,
Ажойиб-ғаройиб ишларни кўрдим.
Мусофирлик мен ҳам элларни кўрдим,
Ғариб эдим, энди Санамни кўрдим.

Бул оҳимни яратганга еткиздим,
Карвон бўлиб энди юким биткиздим.
Шундай бўлиб кезиб оламни кўрдим,
Тоғда бир бобога ҳолим гапирдим.

Шул маконни унда бободан билдим,
Дилбарим ахтариб бу ерга келдим,
Ўлиб эдим, шукур қилай, тирилдим,
Сўзини эшитиб мен янги кўрдим,
Юзингга қарадим, ўрнимдан турдим.

Шунда Раъно Сухангулга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Неча кунлар азоб кўрди танда жон,
Ёмон кунда келиб ҳолимни сўрган.
Бир коса шароб бер, дилбар, қўлингдан,
Шароб ичиб валиулло бўлайин.

Сен шароб узатиб, қўлимдан тутсанг,
Маст бўлганда мен ўзимни унутсам,
Лабларинг болини мен сўриб ётсам,
Бир коса май олиб қўлингдан тутсам.

Дилбар ёрман бирга бунда бўлайин,
Шароб ичиб завқу сафо қилайин.
Излаган дилбарга етдим, худойим,
Мехрибонлик қилганингни кўрайин.

Тол чибиқдай бўлиб белинг буралиб,
Сўйлаган сўзларинг шакардан ғолиб,

Жон ҳалқумга келган ўлмакка толиб,
Бундай кунда, дилбар, ҳолимни билиб.

Олтин, кимхобларга ўзинг чулғаниб,
Бир коса шароб бер қўлингдан олиб,
Ёнган ўтга урдим ўзимни солиб,
Қанча юртдан келдим сени ахтариб,
Шароб ичарман, деб умидим қилиб,
Бир коса шароб бер, бўлмай ноумид.

Кўплар излаб сени қаддим букилди,
Кўз ёшим жаладай бўлиб тўкилди,
Эси кетиб бунда Раъно йиқилди,
Сўз сўзладим менинг кўнглим гулҳавас,
Кўзим ғубор, кўринмади баланд-пас[т],
Сендан ўзга ҳеч холи дунё кўринмас,
Жамолингни кўрдим, дилбар, ўлсам бас,
Бир шароб ичмакни қилибман ҳавас,
Сени кўриб менинг кўнглим бўлди рос[т],
Бир коса шароб бер, дилбар, қўлингдан.

Раънодан бу сўзни эшитиб, Сухангул бунинг ҳақиқати ошиқ эканини билиб, кўнглини олиб, бўйнига қўл солиб, бир сўз деб турибди:

Шул замон Сухангул кўнглини хушлаб,
Узатиб қўлини билакдан ушлаб,
Ияртиб Раънони шундай йўл бошлаб,
Ақлини олади Раънога кулиб.

Сухангул очилган гулдайин бўлиб,
Бир-бирининг жуда парвойин билиб,
Сайил қилиб бул боғотда йўл юриб,
Иккови чирмашиб гулларни кўриб.

Раъно билан бул Сухангул бир бўлар,
Икковининг кўнгли хўб тўғри келар.
Гулсуханман Раъно ошиқ гул бўлар,
Иккови бир-бирининг раъйин билар,
Қараб дарвозага бирга йўл юрар.

Сухангулни кўриб Раъно маст бўлиб,
Қизларнинг қошига иккови бориб,
Ул канизлар мундайин эрни кўриб,
Бир-бириман неча кулгилар килиб.

Армон билан ўлдик, ғаминг е, деди,
Канизларга ул Сухангул не деди?
Жаҳонни сайл этиб, ўйнаб-кулдинглар,
Баринг бирдай бир тулпорни миндинглар.

Тоғу тошни яхши кезиб кўрдинглар,
Олкор, кийик овда юриб урдинглар.
Бирга-бирга бу чорбоққа келдинглар,
Бул жасадли шаҳзодани кўрдинглар.
Кўринглар Таманно шаҳзодасини,
Сухангулман бирга озодасини.

Канизлар ҳаммаси табассум қилди,
Раънонинг ҳуснини томоша қилди.
Неча алвон кулки сўздан гапирди,
Яхши сўзлаб, канизлар ақлин олди.
Ҳаммаси қўшилиб чорбоққа кирди.
Сарҳовуз бўйнига бул замон борди.

Жойи орастади ажойиб ерлар,
Шоҳсупада ўйнаб-кулиб канизлар,
Ҳаммаси жам бўлиб суҳбатин қурар,
Гулоб ичмак бўлди ўтириб канизлар.

Тўп-тўп бўлиб, канизлар жам бўлиб,
Ҳар кайсисин ҳусни ойдайин тўлиб.
Ранг-баранг гулларни унда келтириб,
Яхши сўйлаб, неча сўзлар гапириб.

Ўйин-кулги билан ақлини олиб,
Сухангулман бунда Раъно бир бўлиб.
Олдинда канизлар парвариш қилиб,
Шул замонда яхши либослар солиб,
Олтин косаларни қўлига олиб,

Шароб ичиб бунда ўтириш қилиб,
Навбат-навбат бунда косани бериб.

Раъно бу ўтиришни кўриб, кўнглидаги бўлмай, канизлардан кўп кўнгли тўлмай, кўп унча писанд қилмай, Сухангулга қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Боғбон бўлиб терай тоза гулингдан,
Сени излаб чиқдим ўсган элимдан,
Бир коса шароб бер нозик қўлингдан.
Кўп бўлади сендай ойим канизи,
Сенга ёқса мендай шаҳзода сўзи,
Бўйингдан, шароб бер Кайвоншоҳ қизи,
Майлисда ўтирсин мунча канизи,
Маст бўлиб қўлингдан шароб ичайин,
Бу дунё мулкидин мен ҳам кечайин.

Сенга ошиқ бўлиб Мажнун бўп келдим,
Бир коса май бергин, ахтариб келдим.
Сени кўриб эсим кетиб йиқилдим,
Лаҳзадан сўнг яна ҳушимга келдим,
Сендан май ичмакни ихтиёр қилдим.

Бул сўзимни сен ҳам оғир олмагин,
Шароб бер қўлингдан, малол бўлмагин,
Сен ҳам бизни бир нечадай билмагин,
Сенинг ишқинг билан бундан ўтарман,
Шароб ичиб, балки маст бўп кетарман.

Пари, ҳурсан, йўқдир сенинг гумонинг,
Сендан қувват олиб тандаги жоним.
Шароб бергин, ичиб қайтсин меҳмонинг,
Сенга қурбон бўлсин бу танда жоним,
Неча ой, неча кун бўлсин давроним.

Сарҳовуз бўйида бирга ўтириб,
Шароб узат, дилбар, ўрнингдан туриб,
Пойга бетда хизматкор бўп турайин,
Қўлинг толса, шаробингни олайин.

Бу ерларга етказганди худойим,
Бир коса шароб бер, майга тўяйин.

Раънонинг сўзини Сухангул билди,
Олтин пиёлага шаробни солди.
Индамай анча вакт кўтариб турди,
Кимга берар деди, кўнглига келди.

Адаб сақлаб Раъно туриб олмади,
Ерга боқиб турди, назар солмади,
Ул Сухангул тапирмаса бўлмади,
Ўтириш сухбатин энди тузатди,
Шаҳзода, деб атаб унга узатди:

– Дилбар қўлга коса олиб,
Мундай косага бол солиб,
Қўлим толди коса олиб,
Ўлтириш сухбат уланиб.

Коса олинг энди келиб,
Жамолларим ойдай тўлиб,
Неча сиз хаёлни бўлиб,
Ичинг шаробим маст бўлиб.

Чаманда булбулдай бўлиб,
Тар очилган гулдай бўлиб,
Коса бердим кўлим толиб,
Олинг коса эрдай бўлиб.

Тинмай дунёни чарх урган,
Ошиқлик жабрини кўрган,
Маъшуқиман бирга бўлган,
Пиёлага шароб тўлган,
Бол узатиб қўлим толган,
Сиз хам бўлиб юртга султон,
Ёр ишқида жафо кўрган.

Келинг энди, сиз гулшаним,
Садага, деб менинг жоним,
Бўлсин бир пасл давроним,

Таманнодан келган хоним.
Кўнгилда таскин, хурсандим,
Лабда асал-болдир қандим.

Атрофингда канизчалар,
Маст бўп келинг бекваччалар.
Саҳрода неча гаччалар,
Коса берар ойимчалар.
Маҳтал бўлиб коса ушлаб,
Узатай лабимни тишлаб.
Тўра келинг қадам ташлаб,
Қизиқ бўлсин мажлис бошлаб.

Қизлар ўйин-кулги қилиб,
Ўлтириш, суҳбат қизиқ бўлиб,
Ошиқларнинг ақлин олиб,
Узатдим коса буралиб,
Мендай ойим сизга толиб,
Сиздай бекка коса бериб,
Меҳмоним, деб ҳурмат қилиб.

Чикибман, неча вақт ўтди,
Бекор туришлик уятди[р].
Бу сўзни Гулсухан айтди,
Раънога косани тутди.

Бир коса шаробни ичиб,
Маст бўлди дунёдан кечиб,
Боз бир коса шароб қуйиб,
Шароб тилайди канизи,
Бермас унга шоҳнинг қизи,
Сухангулдан айрилмайди,
Тўрт бўлиб Раънонинг кўзи.

Ўз элинда бул ҳам подшо,
Подшолик даврони қани?
Бул дунё ўтари фони[й],
Шундай майлисли даврони.
Бундай кўрган кунлар қани?

Ўйнаб-ўсган эллар қани?
Бирга юрган шерлар қани?
Бирор коса шароб ичиб,
Қолмас Раънонинг армони.

Қошида қизлар шағал мас[т],
Маст қилмаса сира қўймас.
Бошида панза рўмоли,
Шоҳнинг қизининг камоли,
У Раънони балқитади,
Ёлписа тегса шамоли.

Ўтирган Темуршоҳ жоши,
Тамашо юртин султони.
Кўтарилди пушаймони,
Бир соат бўлиб даврони.

Косалар шаробга тўлди,
Хаста кўнгли шод бўлди,
Шароб бериб Раънобекнинг,
Шоҳнинг қизи ақлин олди.
Сухангулдан кўнгли тўлди,
Раънонинг кўнглидаги бўлди.

Бунда ўтириш қилиб, бир коса шароб олиб ичиб, ёрининг жамолига маст бўлиб, Сухангул канизларига: “Бул эрни кўрдингларми, бизга бунинг эътиқоди кўп, биздан бир дам айрилгудек кўнгли йўк. Бизнинг ҳам ташлаб кетгудай хаёлимиз йўк, бир-биримизни кия олмаймиз”, – деб қизларига қараб, Гулсухан бир сўз айтиб турган экан:

Бир дам биз айладик бу ерда бозор,
Ёримиз топмасин бул биздан озор.
Қизларим, кетинглар ул шаҳри Гулзор,
Кўп ҳаяллаб энди турма канизлар.

Бизнинг билан бирга овга келибсан,
Неча кунлар ҳалак бўлиб юрибсан.
Менга айланишиб бунда колибсан,
Бир нечанг кетмакка элга толибсан.

Баринг бундан бедовингни мининглар,
Отамнинг қошига овдан боринглар.

Хон отамга бир кўриниш беринглар,
Ул мени сўраса, маълум қилинглар.

Гулистонда ўзи танҳо қолди, деб,
Яна бир шер билан бирга бўлди, деб,
Уни қиёлмади, боғда турди, деб,
Ташлаб кетсам менинг қолмас қарорим,
Хафа бўлиб қолар бул замон ёрим.
Мен сизларга энди жавоб берайин,
Ёримнинг қошида ўзим турайин.
Ҳалак бўлган бунинг кўнглин сўрайин,
Эр йигитнинг ихтиёрин билайин.

Ҳали гаплашмадик бунда маст бўлиб,
Ажойиб ўтириш, мажлислар қилиб,
Бир сўрайик сўнгра биз ёлғиз бўлиб,
Сизлар турмай бундан шаҳарга бориб.

Ул Гулзор шаҳрини кўриб обод қилиб,
Кўшки-мазгил унда беэга қолиб,
Бундан кетсанг менинг ақлимни олиб,
Сўйлаган сўзларим мухтасар бўлиб,
Тарадди қилинг энди ўрнингдан туриб,
Мен қоларман ёрим билан ўтириб.

Бу сўзни канизга Сухангул айтди,
Сухангулнинг сўзини каниз эшитди.
Ҳаммаси эшитиб қулоққа тутди,
Канизлар кўнглига шундай гап кепти:

"Йигит кўриб мазгилини унутди,
Ёри билан бул Сухангул турибди".
Канизлари тараддудни қилибди,
Отининг олдига бу қизлар борди.

Отининг бошига юганни солди,
Раъно билан бунда Сухангул қолди.
Қандай бўлса энди шундай бўлсин, деб,
Қирқ каниз тулпорнинг белига минди.

Сухангулнинг қилган ишин билишиб,
Бир-бирига канизлари кулишиб.
Энди олди от устига минишиб,
Сухангул қолди бу ерда хушлашиб.

Канизлари отин йўлга солади,
Кула-кула маст бўлишиб кетади.
Гоҳ жойларда чопса, гоҳ йўртади,
Бу тулпорлар шамолдай бўп кетади.
Ларзон қип гумбурлар тоғнинг дараси,
Ъунда қолди Қайвоншоҳнинг ъоласи,
Кўринмай қолди чорбоқнинг қораси.
Чопиб кетди йўлда киркин тўп бўлиб,
Каниз элга кайтди шундай кўп бўлиб,
Сухангулнинг айтган сўзи жўп бўлиб,
Кулиб-ўйнаб қизлар кетиб боради.

Бувишимиз одам топиб олди, деб,
Камолида шундай дучор келди, деб,
Билмайман, иккови қандай бўлди, деб,
Балки Сухангулнинг кўнгли тўлди, деб.

Отларига қамчи уриб,
Қизлар шундай овчи бўлиб,
Бунда юракни доғ этиб,
Қулон-кийикни ҳуркитиб,
Бир кун бу чорбоққа етиб,
Неча кунлар мазгил тутиб,
Элга борсак, деди етиб,
Қирқ канизи бундан кетиб,
Бир талатўп шовқум этиб,
Маст бўлишиб йўлни тортиб,
Йўл юришиб баланд-пастда,
Йўлни кезмакка ҳавасда,
Гоҳ қичаса, юриб аста.

Шуйтиб канизлар боради,
Ойим айтганини қилади.
Сухангул жавоб беради,
Шуйтиб канизлар жўнади.
Бу боғотдан чиқиб кетди,

Тинмайин чўлда йўл тортди.
Кўрсак дейишиб мамлакатни,
Гулзор юртга якин стди.

Дарёнинг устида мазгил,
Яркиллаб кўшки турибди,
Кўшки айвон, мазгил жойлар,
Кўринган накшин саройлар,
Обод мазгил, ажаб жойлар.
Гулистон шахрига кирди,
Амалдор, фукаро кўрди.
Кўрган айтар овдан келди,
Кетдилар неча кун бўлди.
Кўшки сувга ўтаберди,
Бу канизлар ета берди.
Борди кўшкига чарчашиб,
Энди бориб отдан тушиб.

Канизлар келиб кўшкига тушиб, отларни қўйвориб, зинапоя билан кўшкининг устига чиқиб кетди. Дарёйи денгиз, Хунхор дарё оёғининг остида, мусулмон мамлакатини босиб ётган дарёларни қизлар кўшкида туриб томоша қилиб: "Бу ердан бахрли ер йўқдир, ҳамма ер-сув кўриниб турибди, Сухангул боғда қолибди. Бу кўшкидан ул иши қизиқ бўлибди, шундай ерга бурилиб келмай қопти, бувишимиз шундай бир одам топди, ул ҳам бир хонзода экан. Иккови илгарисидан бир-бировига йўлиққандай бўпти, иккови бир-бирини кўриб айрилмай қолибди", – дейишди. Шу сўзни канизлар бир-бирига гапириб ўтирибди. Шу вақтда Суҳангулнинг энаси кириб келди. Канизлар ҳаммаси ўрнидан турди, таъзим қилиб ўтирди. Қизини кўрмай канизлардан сўраб турган ери:

Сиздайин киркинлар бул овдан келди,
Гулсухан бошлиғинг қай ердан қолди?
Ўз бошига бундай ишни қилади,
Сизлар келиб, нега ёлғиз қолади?

Сухангулдан, қизлар, бергин хабарди,
Баланд келмай менинг кўнглим қабарди.
Ёлғиз болам нима мақсади борди[р]?
Энаси қизини овга юборди,
Билмайман қизимнинг ҳоли не бўлди?
Сизлардан айрилиб ул ёлғиз қолди.

Не бўлди, келмади ул моҳитабон?
Қизим келмай, кўнглим бўлди паришон.
Хизматкор канизлар барчаси келган,
Ҳа, нега ул моҳ йўлларда ёлғиз қолган?
Бир гапларга болам кўнглин бўлдими?
От суриниб бирор шикаст қилдими?
Шикаст топиб чўлда ёлғиз колдими?
Қолганлар юраги ўтдай ёнибди,
Бу ерда отаси касал бўлибди,
Отасининг дарди ёмон ғолибди,
Гулсуханни купда йўклаб турибди,
Қизига отаси интиқ бўлибди,
Нега айрилиб унда ёлғиз колибди?

Отасининг ҳоли забун танг бўлар,
Ўғли йўқ, ёлғиз киз, боши ганг бўлар.
Бирга кетдинг, хабар бергин канизлар,
Ўзбошимча қизи кай ерда колди?

Хазон бўлса боғда гуллар сўлибди,
Отасининг куни яқин келибди.
Болам, деб кўнглига сўраб турибди,
Не сабабдан ўзи ёлғиз қолибди?
Бу ёлғиз юриши унинг ёмонми,
Ёлгиз болам колган, айтгин, омонми,
Шикаст топиб унинг иши ёмонми?

Канизлар, эшитгин менинг сўзимди,
Ёлғиз болам менинг кўрар кўзимди,
Киз ҳам бўлса менинг марка кўзимди[р],
Мен сўраб турибман сендан қизимни,
Қай ерга ташлабсиз ёлғиз кўзимни?

Сухангул йўқ, кўп канизлар келибсан,
Сен каттангдан нега жудо бўлибсан?
Жудо тушиб айрилишиб колибсан,
Сардорингни ташлаб бунда юрибсан.

Фалак ситам қилди кўп сўзни ўйлаб,
Ётибди отаси жонини кийнаб,

Мен сизларга келдим бул замон сўйлаб,
Сизлар келдинг унда қизимни тайлаб.

Қайда бўлса мен қизимни сўрайин,
Кейнидан сўроқлаб излаб борайин,
Отасин дардидан хабар берайин,
Тайинини гапир, айтиб келайин.
Худо кечгай банда қилган хатосин,
Келиб кўрсин Сухангул ҳам отасин,
Отаси ўлиб, ул бехабар қолмасин,
Сўнгра, болам, кўп пушаймон қилмасин,
Отаси интиқ, ул ҳам ғариб бўлмасин.

Бу сўзни Сухангулнинг энасидан эшитиб, канизлар Сухангулнинг ҳол-аҳволини билдириб, энасига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Бувишимиз катта эди бу юртга,
Подшодай бўп юриб гулзор элатга,
Бир ой эди, билинг, бу мамлакатга,
Тарафсиз гул чеҳрам бундайин юртга,
Ҳеч ким бўлмас эди улардан дотко,
Яхши сўйлаб тушган шундай элатга.
Бир кунлари овга талаб қилибмиз,
Бу дарёдан тулпор ушлаб минибмиз,
Гулсуханман овда бирга юрибмиз.
Ҳафта-ўн кун ўтди бизлар билмадик,
Кун ўтибди бир соатча билмадик.
Бувишимман юрдик тоғларда кезиб,
Қулон-кийикларнинг бўйнини узиб.
Неча белу неча тоғларни ошиб,
Бир манзилга бордик отлар чопишиб.
Ажойиб бир жойда чорбоқни кўрдик,
Бориб дарвозада отлардан қўндик.
Отини ушлатиб Сухангул кетди,
Чорбоқ ичра ажиб гулзорга етди.
Раъно деган шахзодани кўрибди,
Иккови бир-бирига толиб бўлибди.
Ажаб йигит экан, еталаб келди,
Ҳуснин кўриб бу қизлар ҳайрон қолди.
Бирга-бирга ул чорбоқда ўтирди,

Неча кун давронни, майлисни қилди,
Сўнгра туриб бизларга жавоб берди.
Ўзи Раъно билан ул боғда қолди,
Канизлар отланиб йўлларни олди.

Шуйтиб бу канизлар шаҳарга келди,
Сухангулдан шундай хабарни берди.
Сухангулнинг қилган иши шул бўлди,
Келар, деб канизлар умид кип турди.

Бу сўзни қизлардан эшитиб, энаси ўрнидан туриб Кайвоншоҳнинг қошига борди. Кайвоншоҳ сўради: – Сухангул қани? Ётган одам боласига интик бўлган. Хотини: "Канизлар келибди, Сухангул чет боғда қолибди, энди одам буюрайин, бориб айтиб келсин", – деди. Кайвоншоҳнинг бир ходими – хизмат қилувчи қули бор эди, ўз боласидай бўлиб қолган эди, шуни чақириб, "Сухангулдан гапириб, хабар берсанг", – деб Кайвоншоҳ сири-ҳолини билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

Бундан турмай қилсанг энди сафарни,
Йўл орада сен кўрмагин хатарни.
Сухангулга бундан қилсанг сафарни,
Шундай қилиб сен еткизгин хабарни.

Хазон бўлса боғда гуллар сўлди, де,
Сўлган гулга булбул келиб қўнди, де,
Кайвоншоҳнинг дарди ёмон бўлди, де,
Гулистонда, балки, отанг ўлди, де,
Подшолиги қора кийиб қолди, де,
Ота юртинг унда талон бўлди, де.

Баланд тоғнинг бошин чолганди[р] туман,
Ғамли кулга эгам бўлгай меҳрибон,
Ўзим ўлсам юртим бўлади талон,
Қизим бўлса умидим кўп боламдан,
Касалим оғирдир, дарди ёмонман.

Сен эшитгин менинг айтган боламни,
Чиқ, чорбоқдан олиб келгин боламни.
Мен ўлсам шул бўлсин юртнинг тўраси,
Саккиз кунлик йўлди[р] чорбок ораси.

Хабар бергин, туриб Сухангул келсин,
Қиз ҳам бўлса халққа подшо кўтарсин.
Ўлмасимдан бурун кеп мени кўрсин,
Гап эшитиб, менинг ҳолимни билсин.

Фалак бузди, нетай, менинг рахтимни,
Подшо бўп ўтириб тилла тахтимни,
Дафтарда кўрсатай насия-нақдимни,
Хабар элтгин, менинг фарзандим келсин.

Кўрсатайин қатордаги норимни,
Топширайин ғазнадаги заримни.
Танитайин қанча амалдоримни,
Берайин-да муҳр, дафтар боримни.

Бирга қилай бунда вазирларимни,
Қиз бўлса ҳам сўраб турсин шаҳримни,
Мен сўйладим кўнглимдаги боримни,
Интиқ бўлган шундай фарзандларимни,
Кўнглимни босган кўп ғуборларимни,
Сўрасин эгасиз қолган шаҳримни.

Сўзим билгин, сен ҳафталаб юрмагин,
Қичаб юр, йўлларда хаёл қилмагин,
Одам кўрсанг ўзингга дўст билмагин,
Бировнинг сўзига қулоқ солмагин,
Бундан ўзга ишни писанд қилмагин,
Хабар элт, эртароқ Сухангул келсин.

Бу сўзларни тайинлаб шоҳи Кайвон,
Қизим, дебон оша интик бўлдим ман.
Бу дунёга солибон неча айвон,
Кофир эмас, асли ўзим мусулмон.

Муҳаммад динида умрим ўткардим,
Куним битди, энди ишим ўткардим.
Шунча сўзни мен сенга тайин қилдим,
Йўлингга тўрт бўлиб, мен ётиб қолдим.

Бу сўзларни унга султони айтди,
Ҳарна деганини қули эшитди.
Эшитиб шул замон қулоққа тутди,
Хўп, деди ўрнидан бул туриб кетди.

Ўзга неча хизматкорни чақирди,
Подшомиз бизни Сухангулга буюрди,
Ўзгалардан мени якин биларди,
От эгарла, дея берди хабарди,
Сухангулга подшо бизни юборди.

Бул сўзни ул қулдан эшитиб, бир отни эгарлаб, абзаллаб, юганлаб олиб келиб берди. Ул қул отни миниб Сухангулга жўнамакчи бўлди. Илгаридан Сухангул билмас эди, бу кул унга ошиқ бўлиб юрар эди. Сухангулга буюрган сўнг оёғи енгил ошиб, "овлоқ срда ёлғиз қолган бўлса унга борайин, ул ҳам баркамол, бўйи етган, вақт топиб бир гапириб кўрайин", – деб отланиб, жўнаб Гулзор шаҳрининг дарвозасига келди. Қўрбошилар буни кўриб, қулга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Худо кози, пайғамбарлар нойиби,
Урушда панд берар отнинг майиби,
Бул отнинг эгаси юртнинг сойиби,
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Мўмин банда бўлмасин-да шарманда.
Шоҳнинг отин нс сабабдан минибсан,
Сен бўлмагин чўлни кезган газанда?!

Подшо сенга нсга берди отини,
Сабил дейман бунда ўсган юртини,
Подшонинг отини бежай минибсан,
Балки бузуқ йўлни кўзлаб юрибсан,
Кайвоншоҳнинг отин ўлжа қилибсан,
Қайси юртга сен ҳам бормок бўлибсан?

Сенга лозим эмас бул бедов тулпор,
Қандай ишга бўлиб чиқдинг, хизматкор?
Қапдай одам кўрса кўчада ушлар,
Ҳолинг билмай бўлма ўзинг гуноҳкор.

Ҳали касал, кетган йўқди[р] ихтиёр,
Бир юртга кетмакка сснинг кўнглинг бор.

Сендан савол сўраб бул кўрбошилар,
Ёмон бўлсанг сенинг бошинг кесилар.

Бу сўзларни унга қўрбоши айтди,
Хизматкор кулди, уни қизартди,
Подшодан ўзга минмаган отди,
Лодонлик қип бойқуш уни минибди,
Шу важдан қўрбоши сўраб турибди.

Бул сўзни қўрбошидан эшитиб, қулнинг аччиғи келиб: "Нима ишинг бор?" – деб отнинг жиловини силкиб олиб, Сухангулга боришини билдириб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Отга солдим арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солган чийирди.
Кўнглингга, қўрбоши, қандай гап келди,
Бизни подшо Сухангулга юборди.

Амир қилди, бедов сайлаб минсин, деб,
Кўп кечга қолмасин, эрта келсин, деб.
Қичаб юриб тез манзилга борсин, деб,
Сухангулни бориб олиб келсин, деб.
Подшо касал эди, аҳволи забун,
Сухангулга отланганман шу бугун.

Айб билма мендай қулнинг сўзини,
Олиб келай бориб шоҳнинг қизини.
Кўриб Сухангулдай сарвинозини,
Кеч қолдирма хизматкорнинг ўзини.

Не сабабдан жиловимдан ушладинг,
Душман бўлдинг, менинг сирим фошладинг.
Хаёлингда бир шумликни бошладинг,
Сен ҳам мени ўғри-каззоб билдингми?
Шоҳнинг отин мендан гумон қилдингми?
Ё бўлмаса, ўзинг аҳмоқ бўлдингми?

Мен ҳам Кайвоншоҳга, билсанг, хизматкор,
Билганлар бу шоҳнинг қули деб ётар,

Билмаганлар ўғли дейишибам кетар,
Қўрбоши, ўйлагин, бу ишинг бекор.
Армон билан бошинг кесилиб кетар,
Ўз холингдан мудом бўлгин хабардор.
Шоҳи Кайвон билса хафа бўп кетар,
Бошинг кесиб, бола-чаканг йиғлатар.
Қўрбошисан, сенда нима ихтиёр,
Дарвозани очиб-ёпмоқ ҳақинг бор,
Бўлак ташвиш асли сенга не даркор?

Бул сўзни қулдан эшитиб, менинг бу ишим айб бўлган экан, деб сесканиб, қулга бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ҳаёлингни ҳар тарафга бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп яшагин, кўл йилгача ўлмагин,
Тегишдим, кўнглингга оғир олмагин.
Бу сўзни подшога маълум қилмагин.

Подшо менга бежой хитоб қилмасин,
Ҳазиллаган сўзим чин бўп юрмасин,
Кўнглингга бошқа гаплар келмасин,
Мен сўйладим, сендан бошқа билмасин.
Аччиғланиб тандан бошим юлмасин,
Бул ишлар подшога малол келмасин.

Миниб чиқдинг Кайвоншоҳнинг отини,
Биз қилдик ул шоҳнинг ҳурматини.
Неча йилдан берига хизматини,
Англамайин сендай валламатини.

Адашса ганг бўлар хар кимнинг боши,
Кичаса бўлади марднинг савоши.
Беҳуда бўлди бу қўрбоши иши,
Сен бўлибсан Кайвоншохга мард киши.

Шоҳи Кайвон подшолигин билдириб,
Ўғлим дебди сенга отин миндириб.
Балки бул ихтиёрин сенга бериб,
Сени мартабали шоҳим чиқариб.

Узр-маъзур неча сўзни кўп айтди,
Қўрбоши уялиб-қизариб кетди.
Отнинг тизгинини бунга бўшатди,
Бу қулдан сесканиб, кўрбоши кетди.

Бежай сўйладим, деб ҳадик олибди,
Жуда ҳам аланглаб, шошиб қолибди.
Баччағарнинг жиловидан олдим, деб,
Аввал бошлаб уни бундай қилдим, деб,
Шукур қилди омон-эсон қолдим, деб,
Дарвозадан бу қул чиқиб жўнади.

Сўзман қўрбошига изза бердим, деб,
Кайвоншоҳнинг хизматинда бўлдим, деб,
Сухангулни излаб йўлга кирдим, деб,
Кайвоншоҳнинг тулпор отин миндим, деб.

Қўрбошининг юрагини ёрдим, деб,
Неча сўзни унга лофи урдим, деб,
Баччағарга кўп азобни бердим, деб,
Шоҳнинг хизматига мойил бўлдим, деб.

Ҳар иш бўлса мудом қайтмай қилдим, деб,
Подшоларнинг кўнглидагин билдим, деб.
Олис эмас, шоҳга яқин бўлдим, деб,
Шоҳнинг қизин излаб йўлга кирдим, деб.
Баҳодирлар қаторинда бўлдим, деб,
Олис йўлга энди сафар қилдим, деб.
Чет боғни қаердан топиб олдим, деб.

Бу сўзни айтиб жўнай берди,
Шоҳнинг қизини ахтарди.
Чу, деб қилади ғайратни,
Йўлда қичаб тулпор отни,
Излагани паризодни,
Гулистон шаҳридан кетди.

Қай ерларда ёлғиз юрган,
Булбул эди гулга кўнган.
Бу хил балки лочин бўлиб,
Ул сўнани излаб юрган.

Қочса сўна қувар лочин,
Далга-далга ташлаб сочин.
Оқ юзига хол қўйганди,
Бизларни куйдирмак учун.
Топиб олиб уни кўрсам,
Кўнгилда борин гапирсам,
Муродимни ҳосил қилсам,
Ёр юрибми боғи-бўстон,
Кўринмас шаҳри Гулистон,
Тарихи оламга достон,
От чопарман баланд-пастдан,
Ўтибман неча шикастдан.

Излаганим Сухангулди[р],
Бир тўти, майна, булбулди[р],
Ораси ҳафталик йўлди[р],
Ёлғиз қон ҳоли не бўлди?
Ё бир қафаси тўрда қолди,
Отасин ҳоли танг бўлди,
Бизларни хизматга солди,
Якин билиб узоқ йўлди.
Дилбардан умидим тўлди,
Гапирсам ҳарна кўнгилди,
Сўзимни йиғиб не бўлди?
Қул ўйлаган неча сўзни,
Кўндирсам дея кўрмай қизни.
Балки кўнглида айтди,
Олсам деди сарвинозни.

Юрагимдан кетса армон,
Ҳақдан бўлса шундай фармон.
Умидим кўп Сухангулдан,
Юз ўгирмайди бу йўлдан,
Ушласам унинг қўлидан,
Шакар лабнинг холидан.

Овлоқ жойда қулай келса,
Менинг айтганимга кўнса.
Ул ўзи ҳам мойил бўлса,
Тоза бизга қойил бўлса.

Кўнглин бериб ўйнаб-кулса,
Муродим, мақсадим бўлса,
Менинг билан бирга юрса.

Неча кун йўл юриб боғотга келиб, дарвоза олдига отини боғлаб, ичкари кириб, гулларни кўриб, бир туп гулни боғлаб қўлига олиб, сарҳовузнинг бўйига борди, Раъно билан Сухангулни кўрди, шароб ичиб маст бўлиб ўтиришибди. Бориб бир даста гулни Сухангулга тутди. Сухангул маст бўлиб ўтириб, шундай қараб, ўзининг хизматкор қулини кўриб, икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Қулоқ солгин менинг айтган тилима,
Бир даста гул олиб келдинг қўлима.
Гулни зарур фаҳмладинг шаънингга,
Оғир тегар бул иш менинг ёрима.

Баланд тоғнинг бошин чалган туманми?
Сен келганинг Гулистоним шаҳримми?
Ўйнаб-ўсган қадрдонлар омонми?
Ул Гулистон шаҳри обод бўлдими?
Бежой юрдим, канизларим бордими?
Менинг юришимни хабар бердими?

Меҳнат тортиб Гулистондан келасан,
Келиб туриб беадаблик қиласан,
Бизларга гул тутиб изза берасан,
Ҳеч нарсани билмагандай бўласан.
Ўсган элдан бизга хабар берасан,
Элда нима гап борини биласан.

Бу сўзларни сўрар сендан Сухангул,
Айтган сўзим маънисини сен ҳам бил.
Ётибди маст бўлиб бу икки булбул,
Чаманда сайраймиз пайвасти қобил.

Англамай гул бериб бунда ксласан,
Булбулларга нега ситам берасан?
Не сабабдан ҳалак бўлиб келасан,
Юришингни бизга хабар берасан.
Отлимисан, сен ҳам пиёда келдинг,

Кўнглимда не гап бор, ўйлагин, билгин.
Не хизматда юришингни гапиргин.

Бу сўзни Сухангулдан эшитиб, қул ўзини кейинга тортиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Касал бўпти элди ул шоҳи ғолиб,
Қизим, деб кўрмакка бўлибди толиб,
Ул сабабдан мени бул йўлга солиб,
Мени юбордику сенга бошкариб,
Жуда сенга отанг интиғи толиб.

Хабар борса отанг сени келар, деб,
Ҳаялласа балки кўрмай қолар, деб.
Элчи қилиб отанг бизни юборди,
Сухангулга еткизгайсан хабар, деб.

Энанг айтди, унда боғда юрмасин,
Отаси ўлиб тағи билмай қолмасин,
Эшитгандан чопсин, ҳаял қилмасин,
Отасининг вақти яқин келди, деб,
Ажал келиб ёқасидан олди, деб,
Ажал хатин балки қулга берди, деб,
Шундай қилиб мендан хабар айлади.
Баҳор қилиб бу чорбоқда юрасан,
Мен хизматкор, сенинг ўзинг биласан,
Ҳаялласанг балки кўрмай қоласан.

Жуда ҳам отангнинг ҳоли забунди[р],
Менинг чиққанимга неча кун бўлди?
Билмайман, аҳволи унинг не бўлди?
Ул санга етказган сўзим шу бўлди.

Хабар берай, дедим отимни чопдим,
От суриб, ахтариб, бу боғдан топдим,
Эшитган, кўрганим мен сенга айтдим,
Агар юрсанг, бирга юргин Сухангул.

Мен қичаб отима жабр этаман,
Жўнасанг ҳам бирга олиб кетаман,
Кеча-кундуз тинмай шабгир тортаман,

Кичаб кетсак отанг ўлмай етаман,
Кўнгилда боримни сенга айтаман.

Бу сўзни эшитиб, Сухангул ҳайрон бўлиб, йўлга караб интиқ бўлиб турса, қийин бўпти, деб кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, Раънога қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ошиқ дилбарим гапир,
Кўзлари хуморим гапир,
Ғариби беморим гапир,
Кўнглида ғуборим гапир.
Даврон сурган зарим гапир,
Бирга ўтирган ёрим гапир.
Чаман булбулларим гапир,
Бир бекарор жоним гапир.
Гул ҳавас абгорим гапир,
Қўрғон даврон норим гапир.
Биз подшо, сиз бунда фақир,
Кетарман боринғни гапир.
Ҳарна ғуборингни гапир,
Билган тимсолингни гапир.

Бундан кетсам ёрим кўнгли қолади,
Кетмасам ҳам отам қандай бўлади?
Отам улсиз, йўлимга интиқ бўлиб,
Мендан ул отамнинг кўнгли қолади.
Агар отам мендан бўлса норози,
Қиёматда ҳолим қандай бўлади?

Мени йўқлаб бунда одам юбориб,
Ул ўрнига отам менга хабар қип,
Эшитса, албатта, мени келар, деб,
Энди мен отама бормасам бўлмас,
Отанинг дуосин олмасам бўлмас.

Отам дерман, тинмай фиғон этарман,
Сизни, хоним, қандай ташлаб кетарман.
Бу дунёдан қандай йиғлаб ўтарман,
Мен кўрмасам қандай тоқат этарман.
Бошим олиб девона бўп кетарман,
Ҳозир мен отам, деб йўлга кирарман,

Ҳоли паришоним қандай қиларман?
Отам дерман Гулистонга борарман,
Кўп ўйладим, сизни кандай қиларман?

Бир соат кўрмасам йўқдир тоқатим,
Мен кўрмасам ошиб кетар меҳнатим.
Мен қайтайин, бошга тушган кулфатим,
Мен кетарман ёлғиз қолди улфатим.

Бир хизматкор келиб хабарни берди,
Отамнинг дардини қатти гапирди.
Билмайман отамнинг ҳоли не бўлди,
Мен кетарман бунда бул ёрим қолди.

Отам яхши бўлса яна келарман,
Неча замон ўйнаб даврон сурарман,
Яна келсам бу боғотда кўрарман,
Мен кетарман бунда султоним қолди.
Отам деб мен кетсам бундан йўл бошлаб,
Ошиқи дилдорим мен ёлғиз ташлаб.

Бул сўзни Гулсуҳандан эшитиб, Раъно хафа бўлиб, Гулсуханга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Санам, сен кетарсан, ғариб бўларман,
Ҳар ерга ўзимни уриб қоларман.
Қоқ мисдай бўп бул ўзимдан ўт чиқиб,
Бу ерларда мен ҳам куйиб ўларман.

Сен тур десанг мен ҳам шу ерда туриб,
Келарсанми Лайлидай бўп ахтариб?
Мен қолиб Ёзидай саргардон бўлиб,
Босган изларингни тўтиё қилиб,
Келарсанми сен ҳам Зебодай бўлиб,
Мен турсам Тоҳирдек ишқингда куйиб,
Сен юрсанг Зуҳрадек кўшкингни кўриб,
Бир кун келсанг Тоҳир ҳолини билиб.

Ишқ ўтига мен ҳам каландар бўлиб,
Юсуфдай қип бунда зиндонга солиб,

Зулайҳодай сенинг ишқинга ғолиб,
Кетганингга қолдим пушаймон қилиб,
Мен қайтиб, дилбарим, қачон кўрарман?

Катта бошдан ғам ишига чулғониб,
Танам ташлаб кетсанг, бошимни олиб,
Кетарда қўлингдан бир шароб бериб,
Айро тушдик, дилбар, қачон кўрарман?

Менинг ҳолимни сен билгин,
Билиб менга раҳбар бўлгин,
Суяр ёринг сўраб келгин,
Қайта бошдан, дилбар, қачон кўрарман?

Кетар бўлса титрайди танда жон,
Жасадимда ҳамроҳ бўлсинда имон,
Бир очилиб хазон бўлди бу гулшан,
Қайта бошдан қачон сени кўрарман?

Сенга етармикан чақирсам зорим,
Қиш бўлди менинг кўрган баҳорим,
Сенда эди ҳарна бор ихтиёрим,
Шамси қамар, юзи моҳи анворим.
Ёлғиз қолар диловаринг, бекларинг,
Яна қайтиб кўрарманми дилбарим?

Дилбар, менга ҳеч қилмадинг ишорат,
Ғамзаси жон олиб, кўзлари офат,
Сен қилмадинг менга туриб ишорат,
Бузилган кўнглимни қилгин иморат,
Бул кетишинг балки ваҳми қиёмат,
Тағи қайтиб кўрарманми дилбарим?

Дардлашиб дардларим бўлди зиёда,
Не кўриб-кечириб фоний дунёда?
Кўриб ёрни айрилишдим орада,
Бул ишларни солган ҳам бир худо-да.
Отанг касал дебон биров келибди,
Ёримнинг отаси касал бўлибди,
Шуйтиб икковимизни жудо қилибди.

Бул сўзларни Раънодан эшитиб, Сухангул тасалли бериб бир сўз айтиб турган экан:

Таманнодан келган бул ширин жоним,
Сенсан менинг мехрибоним, нигорим,
Айрилсам йўқ сендан сабри қарорим,
Хафа бўлма сендайин ич куярим.
Айтиб кетай сенга кўнглимда борим,
Сенсан менинг ҳам ошиқи дилдорим,
Шулди[р] сенга айтиб ўтган хабарим,
Йўлга интизорди[р] Гулистон шаҳарим,
Мудом очилади лолали баҳорим,
Гули-гулзор менинг турган мазгилим.

Мен кетарман сиз бу мазгилда туринг,
Мен шаҳрима борсам қайтиб келарман,
Умримнинг борича сизни сўрарман.
Бир соат кўрмасам куйиб ёнарман,
Сабр қилсанг сени келиб кўрарман.

Раъно Сухангулнинг сўзин эшитди,
Кўнгли таскин топиб қулоққа тутди.
Раъно у чорбоқдан ёрин узатди,
Омон бўл, деб бунда хушлашиб қолди.

Сухангул шул замон отига бориб,
Отин ушлаб шундай юганни солиб.
Бирга жўнатишди ул шоҳи ғолиб,
Иккови ошиқди[р] бир-бирига толиб.
Айрилишиб, энди эшикка бориб,
Кўзи тўрт бўп, Раъно, айрилиб қолиб.
Раъно ётди нам ерга боврин бериб,
Кул ҳам шул замонда отини миниб,
Икки ошиқ бир-биридан айрилиб,
Иккови йўлдош бўп йўлларга кириб,
Раъно қолди бунда ёлғиз оҳ уриб,
Неча сўзни ўз шаънига гапириб:

– Шароб бер, дилбарим, келгин қошима,
Ҳумоюндай соя солгин бошима[23],

Мени ташлаб кетдинг тенги тушима,
Парвонадай кўздан кетмайди дилбар,
Албатта, ҳолимдан бўлгин хабардор.

Хазон бўлмасин-да бунда гулшаним,
Мени ташлаб кетган ул меҳрибоним.
Салом айтиб ётар мендай султонинг,
Бундан қай шаҳарга кетдинг карвоним.
Жудо бўлди бунда боғи чаманим,
Кетибди бул замон ул соябоним,
Талпинар бу ерда бул ширин жоним,
Келармикан бундан кетган қурбоним,
Тағина май ичиб бўлса давроним.

Бу сўзларни айтиб Раъно тўлғониб,
Ётибди шундайин савдоси ғолиб,
Қичаб ул Сухангул энди йўл олиб,
Боради от чопиб жонини қийнаб,
Ёри жоним, деди кўнгилда ўйлаб.
Жудо бўлдик, дебон ғамга тўлиб,
У қул билан бирга ҳамро бўлиб.
Қул борар қошида баланд-паст сўйлаб,
Кўнглида неча шумликни ўйлаб.

Овлоқ ерга чиқдик буни билай деб,
Қандай бўлса бир сўз қотиб кўрай деб,
Ҳарна бўлса кўнглидагин билай деб,
Ҳеч киши йўқ бундан тилаб кўрай деб.
Кўнмаса бир қиз-да, зўрлик қилай деб,
Буни бундан овлоқ ерда кўрай деб.
Бу сўзларни ўйлаб кўнглини хушлаб,
Аста-аста текизди бунга сўз бошлаб,
Тўғри-эгриларни кейинга ташлаб:

– Бир сўзим бор, шоҳнинг қизи, айтайин,
Йўлда ҳамроҳ бўлиб бирга кетайин.
Бир нечалар ўйлаб сўзни ғам емас,
Ўйла, ул йигитдан мен ҳам кам эмас.

Неча замон сенга ошиқ бўларман,
Ошиқ бўлиб хизматингда юрарман.

Овлоқ ерни топмай ҳайрон бўларман,
Жудо қулай келди сўраб кўрарман.

Мен ҳам сенинг интизоринг бўларман,
Отдан тушиб йўлда даврон қиларман.
Ростин айтсам, бачча тилаб турарман,
Нима десанг айтганингга кўнарман.

Неча йиллар хизматингда мен турдим,
Бетинга айтолмай дилафгор бўлдим,
Уйтиб-буйтиб йўлда янги гапирдим,
Сенинг кўнглинг қандай, хаёлинг сўрадим.
Мен ҳам ошиқ сендан бир умид қилдим.

Бу сўзни қулдан эшитиб Сухангул бир сўз айтиб турган экан:

– Қарға билан сира булбул ўйнамас,
Сенинг сўзинг асли менга тенг эмас.
Ёмон одам сўйлаб сўзин билдирар,
Мен сўйлай, сўзимнинг лаззатлари бор.

Чиннига тош тегса, билгин, синдирар,
Лодонлар гавҳарнинг қадрин не билар.
Ҳолинг бил, отама сен ҳам хизматкор,
Бундайғачоқ аҳмоқ сўзинг не даркор?

Сен бу йўлда хаёлингни бўлмагин,
Сен менга сўз қотиб аҳмоқ бўлмагин.
Бир сўз ўйлаб юрар йўлдан қолмагин,
Бу сўзларни менга ошкор қилмагин.

Ҳеч замонда қарға гулман ўйнайми?
Аҳмоқ бўлиб ўз тенгини билмайми?
Булбулларни завқи келар гул билан,
Аҳмоқ сўйлар шундай қизил тил билан.
Ҳолинг бил, юрабер тўғри йўл билан.

Сенга қараб менга бир гап бўлдими?
Ёрим-жоним унда ёлғиз колдими?

Худо менинг ақли ҳушим олдими?
Ё сени деб менга бир гап бўлдими?

Бу сўзларни қулга Сухангул айтди,
Ул қулнинг ғайрати тошибон кетди,
Сухангулга қул қўлини узатди,
Бир қўлиман жиловидан ушлабди.

Қани сенинг кўнмагининг кўрай, деб,
Энди сени отдан йиқиб олай, деб,
Сухангулжон, билганимдай қилай, деб,
Отин қимтиб бул ҳам яқинлаб борди.

Сухангул бўйнига қул қўл солди,
Билагиман бўйнини ўраб олди,
Бетига оғзи яқинлаб борди,
Сухангулнинг жуда аччиғи келди.

Яроғи-милтиғин қўлига олди:
"Билдим, сени бул замон арвоҳ урди,
Хаёлингга сенинг ажаб гап келди",
Милтиқман қулнинг бетига урди.

Бети парча-парча бўлиб ёрилди,
Ҳолдан кетиб энди қадди букилди,
Қул дустаман бўлиб отдан йиқилди,
Ул замонда отидин жудо бўлди.

Айланиб шул замон Сухангул кўрди,
Бу кул ўлди, деди кўнглига келди,
Сухангул турмади отини минди,
Ёмонликдан бу қул чўлларда қолди.

Ўз шумлиги бошига бало бўлди,
Сухангул ёлғизди, бул йўлга кирди,
Отамни кўрай, деб бул йўлга кирди,
Қичади отига ул қамчи урди.
Олис йўлни қичашиб яқин қилди,
Гулистон шаҳрига яқинлаб борди,
Шоҳнинг қизи келди, дейшиб шаҳарда,

Овоза қилишди бу куни баҳорда.
Сухангул келганин канизлар билди,
Бир-бирига қизлар килди хабарди.
Қирқин қизлар бунга пешвоз чиқарди,
Сухангул ҳам қирқин қизларин кўрди.

Кўшкигачай қизлар бошлаб боради,
Отам қандай, деб кизлардан сўради.
Сухангулга яхши жавоб берарди,
Қизлар билан бирга кўшкига етди.
Канизлари отдан тушириб олибди,
Кўшкида Сухангул отдан қўнибди,
Канизлари хизматинда бўлибди.

Аввал бориб мен отамни кўрай, деб,
Интиқ бўлган одам кўнглин сўрай, деб,
Сўнгра, қизлар, сизлар билан бўлай, деб.
Жой тузатиб бунда қизлар қолади,
Сухангул ўрдага қараб жўнади.

Бул ўрдага ойим кетиб боради,
Кайвоншоҳга хабар бориб қолади.
Сен ётибсан бунда ҳолинг билди, деб,
Овга кетган Сухангулинг келди, деб,
Неча одам шоҳга маълум қилади.
Отасин қошига Сухангул боради,
Ётган отасининг кўнглин сўради.
Белима боғласам заррин пўтам, деб,
Юришимда кўпдир менинг хатом, деб,
Сўради кўнглини ётган отам, деб.

Тоғу чўлни кезиб анча юрибман,
Эшитиб отимга камчи урибман,
Ҳаялламай йўлда қичаб юрибман,
Қичаб келиб мен отамни кўрибман,
Ётган отам кўнглин сўраб турибман.

Кайвоншоҳ Сухангул қизини кўриб, қизидан кўнгли тўлиб, Сухангулга қараб бир сўз айтиб турган экан:

– Подшо бўлдим, менинг ўғлим бўлмади,
Қайтайин ўрнимни сўраб турмади.
Қиз ҳам бўлса ул ўрнига Сухангул,
Менинг кўнглимдаги сўзни билмади.

Неча вақтлар, болам, овда юрдингми?
Неча кунлар ўтди, ёлғиз келдингми?
Канизингдан, болам ёлғиз қолдингми?
Ёлғиз юриб неча онглар урдингми?

Подшо бўлиб турсанг мана элингга,
Эли юртни олиб турсанг қўлингга,
Неча кундир, болам, касал бўлибман,
Ғаму ғусса билан ўсал бўлибман,
Йўқлаб сени кўзимни тўрт қилибман,
Неча кунлар ўтди янги кўрибман,
Кўриб сени одамдайин бўлибман.

Кайвоншоҳ қизига бу сўзни айтди,
Турган халойиқлар уни эшитди.
Амалдор барини бунда чақириб,
Ғазначиларни ҳам айтиб келтириб:

– Молу дунё барин сарфлаб кўрайин,
Ғазнада заримни мен ҳам берайин.
Сухангулдан умидим кўп, худойим,
Амалдорлар, сизга айтиб турайин.

Шаҳарда камбағал, қашшоқлар келсин,
Фақир, мискин, есир колмай йиғилсин.
Хонақошин элда дарвешлар келсин,
Даркорлигин ҳаммаси мендан олсин.

Бу сўзни турган халойиқ эшитди,
Подшо халойикка инъом берди.
Элдан-элга юриб хабар қилибди,
Камсиз етим-есир бари келибди,
Ғазналарни очиб, зарни берибди.

Шу одамлар мени дуо қилар, деб,
Ўзим ўлсам дупё кимга қолар, деб,

Ахири бировлар эга бўлар, деб,
Неча ғазналарни бунда бўшатди,
Дарвешлар ҳам кўп дунёни оп ётди.

Танга-тилла бериб элга Кайвоншо[х],
Ҳаммадан олиб ул замон дуо.
Камбағал барчаси кўнгли тўлади,
Пул олганинг бари дуо қилади.

Буларнинг дуоси мустажоб бўлиб,
Бу касалдан турай, деди тузалиб.
Отасининг ишини Сухангул билди,
Ўзи қайтиб яна кўшкига келди.
Отасининг дардини, албатта, бўлди,
Тенгсиз дунё, беҳад эҳсонлар қилди.

Барча халойиқлар бул ишни кўриб,
Ҳамма кетди бул замон кўнгли тўлиб,
Қул қолиб эди унда чўлда йиқилиб,
Неча кунлар ётди ул забун бўлиб,
Оғзи, боши унинг турпоққа тўлиб,
Бети шишиб кетган, кўзи юмилиб.

Қай ёқдан келганин ўзи билмайди,
Сийламакка ҳеч дармони қолмайди.
Бунда қолдим мен ҳам андай бўлдим, деб,
Сувсиз чўлда армон билан ўлдим, деб.

Ҳеч ким мендан бунда хабар олмаса,
Ётишимни ҳеч одамзот билмаса.
Бу чўлларда менга раҳбар бўлмаса,
Ҳолим билиб мендан хабар олмаса.

Билмайман, аҳволим менинг не бўлар,
Дар қолиб йиглайман, яратган Жаббор.
Ҳар гап бўлса ўзингдадир ихтиёр,
Бу чўлларда қўйма мени шармсор.
Гапирмакка жони йўқ, кўнглида шу сўз бор,
Ер билан осмонни билмай муқаррар,
Атрофида кутди ваҳший жондорлар.

Бул аҳволда бўлиб бул қул қолади,
Кийиклар айланиб бу қулни кўради,
Қушлар келиб бунга назар солади,
Бу қулнинг кўнглида не муддао бор?
Ўликдай бўп бунда чўлларда қолди,
Бир кийик эмчагин оғзига солди.
Худо бул кийикни унга бошқарди,
Кийик кўриб бул қулга раҳбар бўлди.

Кийикнинг сутини эмчакдан ичиб,
Очликдан кетган экан ҳолати,
Жон эниб, сўнгра келди қуввати,
Кийик раҳбар бўлди бу кийик билади,
Кўзин очиб ул кийикни кўради.
Ул кийикдан бир неча сўз сўради,
Ул кийик туриб савол қилади.

Зор йиғлайди, мен ҳам қай ердан келдим,
Қай ердан келганим мен билмай қолдим,
Мен билмайман, не сабабдан йиқилдим,
Чанғиб ётган бунда чўлларни кўрдим,
Ғариб бўлиб мен ҳам бу чўлда қолдим.

Сўйлагин оҳулар, қайдин келасан?
Жавоб бергин, қай шахардан бўласан?
Ўлар вақтда келиб хабар оласан,
Жониворлар, менга эмчак берасан.

Бу чўлларга сизлар қайдан келдингиз?
Қайси бир макон жондори бўлдингиз?
Йўлда қолганнинг раҳбари бўлдингиз?
Мен адашдим, қайтай, бир йўлга солгин,
Қайси юртга борай, мени бошқаргин.
Хабар олдинг, менга меҳрибон бўлгин,
Қувватим йўқ, келиб кулимни олгин.

Бу сўзни қулдан кийиклар эшитиб, ул эмизган кийикнинг кўнглига келди: "Акли шошган экан, юрар йўлдан адашган экан. Мен бунинг жони борми, йўқми деб эмчагимни оғзига солдим, улоқларимга сут қолмади, эмириб қўйдим, таги эмизсам болаларим оч қолар. Худо тил берса, бунга уч-тўрт сўз гапирмагим даркор", - деб бу кийикнинг сўзи экан:

Эй одамзод, сенинг хаёлинг бекор,
Кетабергин сен хам ул шахри гулзор.
Қай шаҳардансиз, деб бизга сўз қотдинг,
Сен айтган шаҳарлар бизга не даркор?

Биз ваҳшийлар, билсанг, чўлда юрамиз,
Ҳар тоғнинг бузуғин кўзлаб турамиз,
Тош қалаб, тоғларда макон қиламиз,
Одам кўрсак бузуқ ерга соламиз.
Тошлар орасида бизлар бўламиз,
Гулистон ўтларни овқат қиламиз,
Шаҳар ичини бизлар нима биламиз?

Бул тоғдан энкайиб биз чўлга тушдик,
Ўт териб еб яна сенга етишдик,
Бизлар сени бунда яродор билдик,
Ҳолинг кўриб энди раҳбарлик қилдик,
Кетавер, гулзорга сени билдирдик.

У жондорлар қулга бу сўзни айтди,
Гулзор деган сўзни бул қул эшитди,
Дуо олишиб, бундан кийиклар кетди.
Қул ўрнидан туриб хар ёқ қаради,
Гулзор шаҳрин балки ўнглаб олади,
Йўлда ўтлаб юрган отин кўради,
Отининг қошига бу қул жўнади,
Шул замонда отин ушлаб минади,
Боши айланиб, кўзи тиниб боради.

Эгарнинг қошидан қўлиман ушлаб,
Ҳар замонда отнинг ёлига ташлаб,
Оти олиб кетди шаҳарга бошлаб,
Гулзорнинг шаҳрига қараб жўнади,
Гоҳ ерларда аҳволига йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади,
Худо, деди бу қул кстиб боради.

Гоҳ ўйлайди мени фалак урди, деб,
Баччағарнинг қизи андай қилди, деб.
Аямади милтиғиман урди, деб,
Мендай бойқуш кўргилигин кўрди, деб,

Жуда ҳам Сухангул азоб берди, деб,
Бир қиздан шунча ҳам жабр кўрдим, деб.
Қайғу-ғамни мен бошима олдим, деб,
Ўз жонима ўзим ситам қилдим, деб.

Ўлмасам ҳам ўлиможи бўлдим, деб,
Бир кийикдан раҳбарликни кўрдим, деб.
Худо раҳбар бўлди, мен ҳам қолдим, деб,
Ёмон кунда қолганимни билдим, деб.

Кийик раҳбар бўлди рози бўлдим, деб,
Қайта бошдан бу дунёга келдим, деб.
Етмаган ажалим ўлмай қолдим, деб,
Бу ёруғ дунёни таги кўрдим, деб.

Юрар йўлим тусмол билан билдим, деб,
Кўп қайғуни мен бошима олдим, деб.
Шу тақдирга мен ўзимни солдим, деб,
Сухангулга бежай савол қилдим, деб.
Манман экан, зўрга дучор бўлдим, деб,
Бир забардаст полвон қизни кўрдим, деб,
Ҳолим билмай қумни қониб қолдим, деб.

Бу сўзларни йўлда айтиб боради,
Гоҳ ерларда юрса беҳуш бўлади.
Гоҳи вақтда ҳуши ўзига келади,
Шаҳарга яқинлаб бориб қолади.
Бориб кирди Гулистоннинг шаҳрига,
Етишди подшонинг кирдикорига.

Бу аҳволда қулни одамлар кўрди, бети, оғзи ярадор, дабдала бўлган. Ҳамма сўради: "Нима гап бўлди, сен отдан йиқилдингми, ё оёғинг узангида қолиб от судрадими, бойқуш бетларингни юлиб ўтиб кетган. сен кўп азоб тортган?" Қул айтди: "Мен ҳали ҳам ўлмай келдим. худонинг меҳрибончилигини билдим, беўлчов кўп азобларни кўрдим". Бу сўзларни айтиб отини берибди. Амалдорлар айтди: "Бетингни. оғзингни ювгин, тупроқ ошаб қопсан. Қайвоншоҳ касалдан эндигина турган, тахт устида ўтирган, ҳамма кўрмакка, сўрамоққа борган. Сен ҳам борсанг бул бетингнинг ярасини кўриб, табиб топганни чақириб. албатта кўрсатиб, подшоликда ҳар бир дорилар бор, табиблар қўяр". Бу

сўзни эшитиб: “Рост айтасан”, – деб Кайвоншоҳ тахт устида ўтириб эди, шоҳнинг қошига бориб қолди. Кайвоншоҳ қулини бу ҳолда кўриб аччиғи келиб: “Сенга кимдан зулм ўтди, ким бундай таадди қилди”, – деб сўраб турган ери:

Мен ҳам, билсанг, шоҳи ғолиб муқаррар,
Кўнглинг сўраб сенга бўлайин раҳбар.
Неча замон сен ҳам менга хизматкор,
Бўлиб кепсанг бул қошима ярадор.

Ким таадди қилди, сўйла, билайин,
Зулм қилса тандан бошин юлайин.
Жаллодларга уни топиш қилайин,
Бошини кесдириб дорга илайин.

Бу аҳволда қопсан кўп зулм кўриб,
Йўлингни билмайсан ярадор бўлиб,
Қандай одам сени бундайин уриб,
Урганни айт сен ҳам менга гапириб,
Қандай одам сенга таадди қилиб,
Таёқ еб қопсан бир ерда йиқилиб.

Бир одамнинг манманлигин кўрдингми?
Ё бировга бекор лофи урдингми?
Отингдан йиқилиб жудо бўлдингми?
Ё бир зўрга сен йўлиқиб қолдингми?
Кучинг етмай таддини кўрдингми?
Арз қилгани бу қошимга келдингми?
Ёлғиз ўзинг кўп азобни кўрдингми?
Сўйла, қани ёмонларни билайин,
Қайда бўлса мен топдириб келайин,
Излаб-искаб уни сўраб кўрайин.

Бу сўзни Кайвоншоҳдан эшитиб, қул аҳволини маълум қилиб, гапириб турган экан:

Аё шоҳим, сизга айтай сўзимни,
Мен йиғладим, билгин энди тарзимни,
Излаб топиб йўлдош қилдим қизингни.
Қамчи урдим йўлда отимни тезлаб,

Бунда кетдим Сухангулни мен излаб.
Мен сўроклаб тоғу тошларни кездим,
Ёмон бўлган экан, умидим уздим.
Излай-излай печа мазгилдан ўтдим,
Гоҳ ерларда юрар йўлни унутдим.
Сўроқлаб бир куни у чорбокка бордим,
Бориб Сухангулни чорбоқда кўрдим.
Сизни касал дедим, сўзни гапирдим,
Сўнгра Сухангулман мен бирга бўлдим.
У ердан отланиб ҳам бирга юрдик,
Бекорига ундан таадди кўрдим.

Тош об мени йўлда урибон кетди,
Мени уриб тоза отдан йиқитди,
Мен билмайман нима кўтоҳлик ўтди,
Шу ишни Сухангул менга қилибди.

Мен қолибман йўлда отдан йиқилиб,
Билмайман неча кун мен беҳуш бўлиб,
Бир кунлари ҳушим ўзима келиб,
Кўзимни очиб ўз аҳволимни кўриб,
Шўйтиб келиб кўрдим сизга арз қилиб.

Шоҳи Кайвон қулнинг сўзин билади,
Сухангулга бир хизматкор буюриб.
Сухангул келсин, деб бунда туради,
Подшонинг қошидан ясавул кетди,
Кўшкига яқинлаб хизматкор етди.

Сухангул ўтирибди қизлариман,
Отасидан бир ясовул борибди.
Отангиз келсин, деб айтиб турибди,
Хўп, деди Сухангул кўшкидан тушди.

Не хизмат, деб канизлари карашди,
Сухангул олдига ясовул тушди.
Ясовулга ул Сухангул эргашди,
Шул замонда пойтахтга етишди.

Ясовул иркилиб кейинга қолди,
Тахт устига ул замон чиқиб борди.

Отасига бориб рўпара бўлди,
Кайвоншоҳ қизига кўп гапирди:

Не сабабдан, болам, манман бўлибсан,
Бир хизматкор қулга азоб берибсан.
Ўзидан-ўзи йўлда нега урибсан,
Болам, жуда беадаблик қилибсан.
Бу ёзганга оша азоб берибсан,
Нега ҳам бундайин ишлар қилибсан?

Жон болам, бул ишинг айб бўлмайми?
Сен урсанг буни ҳар ким урмайми?
Жоним болам, жўн юрсанг бўлмайми?
Эшитган одамлар айб қилмайми?

Бул ҳам, билгин, неча йиллик хизматкор,
Сен албатта раҳбар бўлмоғинг даркор.
Бул урушинг, жон болам, кўп айб бўлар,
Сенинг ҳам ўйлаган хаёлинг бекор.

Бул сўзни отасидан эшитиб, отасига Сухангул ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Ота, эшит менинг айтган сўзимни,
Сен сўйладинг менинг кўнглим бузилди.
Ота, хафа қилма мендай қизингни,
Ўйласанг бу қулнинг ризқи узилди.

Аввалида мени сўроқлаб борди,
Йўлда неча сўзни менга гапирди.
Ҳолин билмай ажаб ишларни қилди,
Бу қулга ўлмаклик даркор бўлади.

Эшитганинг йўқдир бундай хабарди,
Бу қулнинг ақлини худойим олди.
Зўрликман бўйнима келиб кўл солди,
Мени бул ўзига муносиб билди.
Еган ул тузини ҳурмат қилмади,
Ҳолин билиб ўзин ким деб юради.

Ҳеч замонда шундай ишлар бўлами?
Мирзасига қули дахл қилами?
Шундай қилган киши омон турами?
Тағи ўлмай бу шаҳарда юрами?

Бежай билдим бу қулингнинг ишини,
Жаллодларга кестир бунинг бошини,
Ўлдир, элда қўйма бундай кишини,
"Дод" деганда эшитмагин сўзини.
Ўйгин бундай туз ҳароми кўзини,
Гап қилами подшоларнинг қизини.

Бул сўзни қизидан эшитиб, Кайвоншох ўтдай туташиб ғайрати ғайратга етишиб, бир сўз айтиб турган экан:

Келинг энди мирғазаби жаллодлар,
Ҳолин билмай бир қул бўлди гуноҳкор.
Келиб гуноҳкордек қўлин бойланглар,
Лаънатига қаттиқ азоб айланглар.

Обло дейман мен йиғлайман дод-дод,
Юрмасин ёмонга қилгин қиёмат.
Юбормагин ёмонларни саломат,
Беҳуда гап олиб юрар маломат.

Эй жаллодлар, билмаганин билдиргин,
Дўст йиғлатиб, душманини кулдиргин.
Ханжар уриб боврин қонга тўлдиринг,
Ҳаяллатмай дарров буни ўлдиргин.

Неча йиллар оши-нонимни еган,
Асли ёмон, ёмонлигин билдирган,
Куни битди, ўлари якин келган,
Шунча еб, тузимни ҳурмат қилмаган.

Подшоларнинг қадрини билмаган,
Ўларман деб сира парво қилмаган,
Ўлдир буни, ўз ҳолига қўймагин,
Неча йилдан бери хизматда турган.

Қанча амалдордан иззатда турган,
Мени ҳурмат қилиб андиша қилган,
Сипоҳилар яхши сўз пеша қилган,
Яхшиликнинг бунда тенги бўлмаган,
Ёмонлик қип ўларини билмаган,
Тезроқ жаллодлар бу ерга келгин,
Менинг бул сўзимнинг маънисин билгин.

Бу сўзни Кайвоншоҳ жаллодга айтди,
Одам сўйгич хунхўр жаллодлар етди.
Қани, шоҳим, не хизмат, деб турибди,
Қайси гуноҳкорнинг ажали етди?
Жаллодларга подшо қулни кўрсатди,
Хўп, деди, жаллодлар кейинга турди.
Шул замонда қулнинг гирдини олди,
Устига етишиб мирғазаб келди,
Мирғазабга бу жаллодлар буюрди.
Мирғазаблар уни ўртага олди,
Қўлини олдига пешвоз бойлади.
Гуноҳкорнинг қўли кейнига бойланар,
Ўлар кишин қўли олдига бойланар,
Ўлар-қолари бойловидан билинар.

Энди ўлдим деди, бул қул ўйлади,
Дорга қараб бу жаллодлар ҳайдади.
Сухангулга тейиб қуриди шўри,
Уч ёғоч қурувли подшонинг дори.
Дорга осилади гуноҳкор бари,
Томошага қарамоқ одамлари.
Пойтахтдан ҳайдади жаллодлари,
Ўларидан борди[р] қулнинг хабари.

Гуноҳкор бўлиб, подшонинг ҳукмини кўриб, жаллодлар қўлида қўли бойланиб, ўларини билиб, бул қулнинг айтган сўзи:

Кўзда ёшим селоб бўлиб тизилди,
Ўлар вақтим бўлиб, кўнглим бузилди,
Мен йиғларман худо дерман доду дод,
Бир фасллик дамим қолди омонат.

Бўлди менга бунда вахми қиёмат,
Ўлар вақтда эгам қилгайсан раҳмат.
Худо дерман, мен йиғларман нола-дод,
Бу ғазотдан қутулмайман саломат.
Ёқам йиртиб, мен йиғласам кўп фарёд,
Ўлар вақтда бир худони қилиб ёд.
Жаллод қўлим боғлаб, қилди сиёсат,
Бу дунё раҳматин айладим барбод.
Жами ўтган валиларни қилиб ёд,
Қўлим очиб, мен ўқисам бир абёт.
Ўлар вақтда хаста кўнглим қилиб шод,
Ўз жонима хаста кўнглим қилиб шод.
Ўз жонима ўзим қилдим зулмни,
Кимга айтай энди ўлар ҳолимни.
Подшонинг зулми менга билинди,
Кўкрагимга жаллод боғлаб қўлимни.
Осғимга урса эди бир тикан,
Энам бўлса қилар эди юз фиғон.
Нолишимдан титраб ер билан осмон,
Қўлим боғли зулм билан ўлдим ман.

Зулм қип жаллодлар хайдаб боради,
Кўнгилда борини йиғлаб сўйлади.
Йиғлаганман нима илож қилади,
Жаллодлар зулмида кетиб боради.

Вақти яқин, жони парвоз қилади,
Ул курилган шоҳнинг дорин кўради,
Дор остига энди бўзлаб боради,
Миргазаблар жуда туртиб ҳайдади.

Оқ баданга аччи қамчи ташлади,
Бу шаҳарга кўп овоза бўлади,
Томошабин даста-даста келади,
Қўрғон қилиб дорни ўртага олади.
Гуноҳкор осилса қизиқ бўлади,
Йиғилган халқ томошани қилади.

Тушиб қаттиқ кунлар қулнинг бошига,
Банда кўнар худо қилган ишига,

Буни ҳайдаб етди дорнинг қошига.
Фалак унинг баҳорини қиш этди,
Адо бўлмас кўп савдога дуч этди.
Мирғазаблар қулни олиб йиқитди,
Мирғазаб йиқитди, жаллодлар етди.
Пичоқ олиб анда йўлига етди,
Чийиртмоқни бул бўйнига узатди.
Шиқирлатиб ул замон дорга тортди,
Гоҳ жийирилиб, гоҳи узун узатди.
Шундай қилиб қул дунёдан ўтди,
Охиратга сафар қилиб бул кетди.
Дорга тортиб бундан жаллодлар қайтди,
Уч кунгачай дорда ўлиги ётди.

Гуноҳкор одати шундай бўлибди,
Ҳар ким ушбу дорда уч кун турибди.
Уч кундан кейин уни дордан тушириб,
Мозоротга элтиб уни кўмибди.
Подшонинг ҳукми шундай бўлибди,
Шундай дорга осилганларни кўриб,
Юртида ёмонлар қўркиб юрибди.

Бежай дейишар бунда подшонинг иши,
Ҳукмдан қўркади ҳар қандай киши.
Шундай кесилади гуноҳкор боши,
Жуда ўсал дейишиб подшонинг иши.

Бу қул ўлиб фано бўлиб кетди, нима бўлса, ўз ишида, феълиаъмолидан кўриб, шунда неча вақт орадан ўтди. Сухангулнинг энаси келиб Кайвоншохга айтди: "Сухангул қизим ранглари сарғайиб, кўп озғин бўлибди, бир ёкмас дарди бордай". Бу сўзни эшитиб, Кайвоншоҳ Сухангулни айттириб келиб, қизининг кўнглини сўраб, бир сўз гапириб тургани:

Не сабабдан гулдай рангинг сарғайиб,
Нимадан камлигинг борди[р], фарзандим.
Бек отангнинг яхшилигин биласан,
Давлатингда шоҳлик даврон сурасан,
Не сабабдан, болам, хафа бўласан?

Кўзларинг сузилиб кўзинг хуморми?
Айтгин сенинг бир ёқмас дардинг борми?
Болам, жуда кўп азобни кўрибсан,
Тириклай ўзингни ўтга солибсан,
Не дардинг бор, оша диққат бўлибсан?

Менга қилгин ҳарна билган арзингни,
Мен ҳам шодмон қилай сендай қизимни.
Сўйлайин, кўнглингда борин билайин,
Мамлакатга мен ҳам хабар қилайин,
Табиб-таккан, барин йиғиб келайин,
Томир кўриб дори-дармон қилайин,
Рангинг озди, болам, сендан сўрайин.

Неча ҳукамолар бу ерга келиб,
Томир кўриб сенинг дардингни билиб,
Дардингга мувофиқ дорилар бериб,
Билмайман кетибсан, қўзим, силиниб,
Рангинг озғин, юришларинг билиниб,
Тарзинг кўриб, болам, кўнглинг сўрайман,
Азоб кўрдинг нима ишга уриниб?

Юрардинг чолқиб дарёдай тошиб,
Уйдан қирга юрсанг ҳуснинг ярашиб,
Юролмайсан, балки, кўзинг камашиб,
Қандайин ғам, савдо бошингга тушиб,
Ғам, савдодан кетган ақлинг шошиб.

Бу сўзни отасидан эшитиб, отасига қараб, Сухангул бир сўз айтиб турган экан:

Ота, сизга мен арзимни қилайин,
Дардим йўқ, омонман элда юрайин.
Шаҳрингда усталар барин йиғдириб,
Ёғочларни бир-бирига қийдириб,
Мен ҳам юрсам сувда кемага миниб,
Қизлар билан баримиз бирдай бўлиб,
Бирор кема қилиб берсанг ясатиб,
Сувда юрсам мен черимни тарқатиб.

Хафа бўлиб мен йиғлайман зор-зор,
Кўшкимнинг остидан дарёйи Хункор.
Бир чеккаси денгиз сувига қўшилар,
Кема қилсанг ўзингдадир ихтиёр.

Сувда юриб, менинг кўнглим ёзилар,
Сухангулнинг кўкрагинда дарди бор.
Отасига айтолмайин бул юрар,
Сухангулнинг кўнглида ёр дарди бор.
Ёр савдосидан бўлиб ишқ ўти ғолиб,
Айтолмайди отасига уялиб.
Отаси бул сўзни эшитиб қизидан,
Элида усталарнинг барини йиғди.
Кема ясанг, деди, уни буюрди.

Усталар ётибди кемани ишлаб,
Ҳориб-чарчаб, кунига терлаб, пишнаб,
Биносини қўйиб кемани тузатди,
Наққош ўйиб ишқибозлик қип ётди.

Сухангул дарёга тушиб юрар, деб,
Ёқмаса бу кемани бузар, деб.
Қўлидан келганча кемани куриб,
Ҳар замонда сувга солиб юздириб.

Неча куп, неча ой орада ўтди,
Тузатиб усталар бунда бўлибди,
Кўшкининг кошида сувга солибди,
Кўшкининг олдига ҳайдаб борибди.

Шул замон Сухангул кемани кўрди,
Усталар ишидан хам кўнгли тўлди.
Канизлари билан йиғилиб келди,
Ҳаммаси жам бўлиб кемага кирди.

Канизларман ўйин-кулки қиларди,
Раънони бул қиз ёдига оларди.
Кўнглига шундайин сўзлар келарди:
“Бу сувларда сайли баҳор килайип,
Неча кунлар сувда кечиб юрайин.

Сувдан чиқиб боз кўшкига мен бориб,
Ҳолин сўрай ошиғимни ахтариб".

Бу сўз кечиб Сухангулнинг кўнглига,
Канизлар йиғилиб миниб ёнига.
Сув юзида миниб бу кемани қўзғайди,
Дарёнинг бетида юзди-да, кетди,
Ададсиз-беадад сувга йўлиқди.
Шаҳар кўшки кўринмайин қолибди,
Гоҳи ўрда, гоҳи пастда юрибди,
Сувлар тўлқин қилса қизлар кулибди,
Оқшом-кундуз демай ўйинни қилиб,
Сув ичинда завқу сафо кўрибди.

Бу сувнинг ададин юриб билмади,
Ён ёғинда тоғу тошни кўрмади.
Ҳар қайси бир санам кўзини сузиб,
Неча кунлар кетди дарёни юзиб,
Қай ерга борганин ўзи билмади,
Завқи сафо ишларидан қолмади.

Ажаб бир хўш баҳор, яхши юриш, деб,
Сувда сайр қилдик бу ҳам хўп иш, деб,
Канизлари хизмат қилар бувиш, деб,
Ажаб бўлди бундайғачоқ юриш, деб,
Ҳар қайси ҳар сўзлар айтиб юрарди,
Сув бетинда кўп томоша қиларди.

Неча вақтлар юзиб дарёда юрди,
Вақтихушлик билан кунин ўтказди.
Бир кун бир тўполон шамол бўлади,
Бу дарёлар қаттиқ тўлқин қилади,
Ҳамма қизлар жуда қўрқиб қолади,
Билмайман, аҳволи энди не бўлади?
Тўлқин шамол кемани ҳар ерга урди,
Шиқирлаб бир куни кемаси синди,
Ҳар тарафга бир-биридан айрилди,
Бир тахта порада Сухангул қолди.

Ҳар қайси ҳар тахтада кетибди,
Бир-бирини кўрмай жудо бўлибди,

Бу сувларда йиғлаб адо бўлибди.
Бир-бирига қарар эди дам-бадам,
Кун ботди, кеч бўлиб, бўлганди оқшом,
Кўзига кўринар юлдузман осмон,
Жудо бўлган бунда қирқин каниздан.

Канизлар тахтаси айланиб кетди,
Неча вақтлар юриб кўшкига етди.
Канизлари бориб кўшкидан чиқди,
Жудо бўлиб Сухангулни йўқотди.

Бир ёлғиз порада кўп сўзлар ўйлаб,
Ўларман, деб йиғлаб, кўнглида сўйлаб.
Жонима қасд этди дарёйи офат,
Худо сабаб бўлиб қутқар саломат,
Бир азиз бошима қанча аломат.

Бу сўзларни йиғлаб, Сухангул айтди,
Кеманинг тахтаси четлади-кетди.
Кун ҳам ботар мазгилига яқинлаб етди,
Бир гуруҳ одамлар пайдо бўлибди.

Сухангул ҳам кўрди бул одамларни,
Бул одамни одам оби отарди[24].
Сухангулни кўриб бунча одамлар,
Сухангул тахтаси яқин етарди.

Уркиб сувга булар кириб кетарди,
Одами хоки, деб мунда яширинди[25].
Дарёнинг тагига ўзини олди,
Сувда юриб ажойибларни кўрди.
Худо, ўзинг қутқар, деди ёлворди,
Четлаб бориб миниб юрган тахтаси,
Бир бешага Сухангулни чиқарди.

Сухангул бешага чиқиб ўтирди,
Тўқайсимон қалин чангални кўрди.
Сувдан чиқдим, деб хўп шукур қилди,
Қаерга келдим, деб йиғлаб ўтирди.

Гулистон шаҳрини қилиб мунда ёд,
Бу юришдан ҳеч бўлмади кўнгли шод.
Қаерга келганин ўзи билмади,
Юрган юртларини тусмол қилмади,
Бир ёғи сув, бир тарафи тўқайди,
Пушаймон кип юришини йўқлайди.
Ўз ҳолига йиғлаб ўтирди бунда,
Дармонлари қуриб бу ширин танда:
“Худо мени қилдинг, – деди, – шарманда,
Қани, менинг бўлса ул ёри жоним,
Ошиғи дилдори Раънодай хоним.
Ёлғиз қолдим, қани сўроғлаб келса,
Дилбарим, деб менинг кўлимни олса,
Мен адашдим, тўғри йўлларга солса.

Ҳозир менинг тириклигим гумон-а,
Карвон бўлиб кўзим тўлди туман[г]а,
Менга йўқдир ич куяр жонажона,
Бул беша, тўқайлар менга макона”.

Бу сўзни Сухангул айтиб ўтирди,
Чангалзор, ажойиб ерларни кўрди,
Бу чангалда бир шернинг уйи борди,
Сухангулни кўриб ул шер келади.
Сухангулга келиб чангал уради,
Сухангулни бул қўлтиклаб жўнади.

Сухангул подшоди[р] ўсган элига,
Келиб тушди бунда шернинг қўлига,
Олиб кетди чангаллаб мазгилига,
Шер қўлида бу Сухангул йиғлади,
Жонидан умидин узиб боради.
Шер деганинг ўзи шундай зўрабор,
Тўқайистон, чангалзор маконлари бор.
Шул шернинг чангалига бўлиб гирифтор,
Бир гул эди, хазон бўлди бу дилбар.

Кўзин ёши жаладайин тўкилиб,
Шернинг чангалида қадди букилиб,
Эси кетиб, ҳайбатидан йиқилиб,

Шер кўтариб маконига еткарди,
Бу дунёни шундай қилиб ўткарди,
Шернинг маконини Сухангул кўрди,
Қалин чангалзорда бирга ўтирди.

Сухангулнинг шердан қўрқиб йиғлаганини шер билиб, худо шерга тили забон бериб, шернинг Сухангулга айтадиган гапи:

– Одамзодсан, мен ҳам бул сени билдим,
Сенга озор бермай кўтариб келдим,
Бир бешада сени қўлтиққа олдим,
Ўйла, инсон, сенга энди хатар йўқ,
Худо махлуқиман, сенга зарар йўқ.

Мен ҳам сени азиз мехмон қилайин,
Сенинг билан бу ерда ўтирайин.
Сабаб бўлиб сенинг кўнглинг сўрайин,
Асло қўрқма, раҳбаринг бўп юрайин.

Менинг йўқдир асли сенга озорим,
Бу ерларга тушган сенинг гузаринг.
Қай ерларда қолган ул ичкуяринг,
Ўзингда йўқ сенинг ҳам ихтиёринг.

Мснинг ҳайбатимдан кўплар йиғладинг,
Кўп йиғлама, ҳосил бўлсин муродинг.
Арслон-шерман сенга шундай хизматим,
Ҳар кимдан кўп бўлар менинг қувватим,
Бу чангалзор маконим-вилоятим.
Бу чангални мен қидириб юрарман,
Неча кунлар сенинг билан турарман,
Қулон, булон сенга ушлаб берарман.

Бул сўзларни шул замонда шер айтди,
Сухангул тақдири шундайга кетди.
Иккови чангалда бул ўтирибди,
Тақдиротда ёзилганин билибди.

Чангал тирнаб кўйлакларин юлибди,
Гоҳда тирнаб баданларин тилибди.

Азоб кўриб ширин жони бу танда,
Бу Сухангул бўлиб энди дарманда,
Кўйлаги юлиниб, қолмади танда.

Шер кўзига кўринар шундайин золим,
Кўп йиғлар, не бўлар менинг аҳволим,
Қошимда бўлмади ул ёри жоним.

Қани ёрим энди ул Раъно бўлса,
Ўтирган мазгилим у келиб кўрса,
Менинг аҳволимни сўраса, билса,
Меҳрибонлик қилиб, қўлимни олса,
Бу кўрган кунларим ҳикоя қилса,
Суханнинг тақдири шу ерга келди,
Чангалзорда шерман йиғлаб ўтирди.

Бу дунёда юриб кўрмадим баҳори,
Бир ёғида борди[р] қозоқнинг шаҳари,
Йўқ эдику Сухангулнинг хабари,
Яқинда бор Қозок деган эллари,
Шўрал деган борди[р] қозоқ беклари.

Шаҳаридан шул замон отланиб чиқди,
Қанча сипоҳини ҳамроҳ қилибди.
Олғир қуш қарчиғайларни олибди,
Бу чангалда онг овлашиб юрибди.

Ногаҳон буларнинг кўзи тушибди,
Бир шер билан бирга бир қиз турибди.
Бир қалин чангалда бул ўтирибди,
Овчилар ул замон уни кўрибди.

Бир-бирин чақириб хабар қилибди,
Ҳаммаси ҳам келиб, бупи кўрибди,
Одамзод эканини аниқ билибди,
Худонинг қасдига ҳайрон қолибди,
Қандай қизни шерга дучор қилибди.

От чопишиб биз якинлаб борайик,
Қўрғон қилиб шерни ўртага олайик.
Шерни отиб чангалда ўлдирайик,

Одамзодни мундан халос қилайик.
Сўнгра сўраб қандай қизни билайик,
Бир-бирига хабар қилиб қолайик.

Сап сипоҳи, тўрт юз овчи йиғилди,
Вактин топиб шерни отмоқ қийинди[р].
Овчилар қарамай баланд-пастига,
Қайтмасак деб бул қизнинг ҳавастига,
Жовлик от чопишди шернинг устига.

Тўрт юз отли чопиб бирдан боради,
Қўрғон килиб шерни уюриб олади,
Сухангулман шер ўртада колади.
Шерга караб бари милтик бўшатди,
Нечовининг ўқи бул шерга етди.

Нечовлари шердан ул туйраб ўтди,
Ўртага олиб мунда шерни йикитди.
Шер йиқилди, энди отдан тушади,
Сухангулнинг устида талашади.

Кўпнинг ўртасига тушди Сухангул,
Бул хам эди бирор чаманда булбул.
Хазон бўлиб сўлган мунда тозагул,
Кўп қозоқлар ғиқулашиб колади,
Сухангул ўртада ёлғиз туради.
Қозоқнинг беклари бул қизни кўрди,
Талаш қилманг, деди шундай гапирди.

Кийими юлиниб яланғоч бўлган,
Қозоқлар йиғилиб кўп талаш қилган.
Яланғоч кишига талаш қилма, деб,
Қозоқ беги шунда чопонин берган.

Сухангулнинг баданлари очилган,
Ул бекнинг чопонин кийиб беркилган.

Охирида шундай кулфатни кўрган,
Олиб келган шери бу ерда ўлган.
Омон-эсон мунда шердан қутулган,
Кўпнинг ўртасида талошга қолган,

Ҳар қайсиси бунга бир эга бўлган,
Бир нечаси оларман, деб керишган.
Бир нечаси, меники, деб уришган,
Тўрт юз овчининг қўлига тушган,
Сухангул устида шунча талашган.

Сухангулнинг устида тўрт юз овчи ўрлашиб, керишиб, эргашиб, ҳар қайсиси, бу ов меники, дейишиб, шунда қозоқнинг беги устидаги чопонларини ечиб бериб Сухангулга кийгизиб, Сухангул кўп азоб тортган, одамлар билмайди, бурунги шуъласи йўқ. Бетида никоби бор, тезакдай куйиб қорайиб кетган, қанча азоблар тортган. Қозоқ беги одамларига айтди: – Мундай ўрлашманглар сизлар. Ҳар қайсинг бир нима олинглар, бул овни менга беринглар. Мен олиб бориб чўри қилиб кўяйин, – деди.Кўпнинг талошинда бир одам қандай бўлади? Кўп тортишса, бир одам калласи ганг бўлиб ўлади. Бир хили кўнади. бир хили кўнмай ўрлаб боради, бир хиллари бекнинг айтганига кўнмай, ўз билганидан қолмай, Шўрал бекнинг сўзини қулоққа олмай: "Сен чўрига зормисан, сенинг чўринг ҳам кўп, мол-ҳолингга қараб турган хизматкоринг ҳам кўп, сен чўри қиламан деганингни қўй. Маслаҳат билан бировимиз олайик, тузук қиз экан, хотинликка қабул қилайик". – деди. Унда қозоқ беги: – Ул ўйинг бўлмайди, бировинг олсанг баринг кўзинг ола бўлади, бул ўртада уруш бўлиб, одам ўлади. Менинг ўйим барингга маъқул келади, – деди. Бул сўзни эшитиб, ўзга овчилар: "Рост айтади, шул баримизнинг каттамиз, шунинг айтганини қилайик, не деса шунга берайик. Майли, чўри қиладими, хотин киладими ўзи билади". – дедилар.Шўрал бекнинг айтганини эп билиб, бий ҳаммасига пул бериб, чўри қилиб сотиб олиб, отга миндириб уйига қайтди. Чўри бўлиб. бийнинг хизматини қилиб юраберди. Энди гапни кимдан эшитинг. Раънодан.

Раъно бир неча кун боғда ётди, ҳеч Сухангулдан хабар бўлмади. Ўзича фикр қилиб, учиб бораётган қушларни, ғувуллаб ўтган шамолларни, шулардан бир хабар юборайин, бул ҳаяллаб кетди, келар вақти ваъдасидан ўтди, деб бир сўз айтиб ётди:

Бул орадан учиб ўтган сўналар,
Албатта, ёрима хабарни еткар.
Гулистон шаҳрига кирсанг, жонивор,
Албатта, ёрима хабарни еткар.

Раъно йиғлаб бул чорвоқда турди, де,
Жуда ҳам дийдаси пурнам бўлди, де.
Ишқ ўтингда бежай ғамга тўлди, де,
Кеча-кундуз иши йиғлов бўлди, де.
Йўлиннга [кўзи] тўрт бўлиб тоза ўлди, де,
Сенинг ишқ ўтингда куйиб-ёнди, де.
Айрилмасга аҳду-ваъда қилди, де,
Айтган сўзи қароринда турди де,
Менинг сўзим ул ёрга етказгайсан.

Менда ҳеч бўлмади амал,
Устимиздан ўтган шамол,
Ул ёримга салом дегин,
Кўзи хумор, шамсу қамар,
Ул дилбарга салом дегин.

Саломимни сабо еткар,
Сабаб бўп ҳожатим биткар,
Бу ғамлардан мени қутқар,
Санам ёрга салом дегин.

Куйиб-ёниб мен ўртаниб,
Кунба-кун кетдим тутаниб,
Ҳар ёнга ўзимни солиб,
Ёр ишқида савдо ғолиб,
Саломимни олиб кетгин.

Бизнинг билан ваъда айлаб,
Бизни бунда жудо айлаб,
Не бўлди келмади дилбар,
Юрак-бовримни қон айлаб,
Мени мунча сарсон айлаб,
Кетдими бир сўзни ўйлаб,
Мен ётибман жоним қийнаб.
Ул ёрга саломимни,

Мен йўқлаб бунда жонимни,
Яна кўрсам меҳмонимни,
Ўтказиб бул давронимни,
Лаблари шакар-болимни,
Юракдаги армонимни,
Кўп қуритди дармонимни.
Ўтга ёқиб бундан кетди,
Менинг ҳам устихонимни.
Келарман, деб вайрон қилди,
Мулда қилган маконимни.
Айтиб юборгин жонимни,
Дилбаримни салом айтгин.

Бул сўзларни ўз шаънига айтиб ётди. У қушларнинг, шамолларнинг қачон иши бор бунинг сўзи билан, ўз ҳолича шундай деб ётди. Кунлардан бир кун Раъно ўзича фикр қилиб айтди: "Бу келаман деб, келмай кетди. Энди бу ётишдан фойда йўқ. Энди бир юрт қидириб, жаҳонгашталик қилиб ёримни топиб олмокнинг пайида бўлиб, энди излайин", – деб қаландар либосини кийиб, йўлга тушиб, ёрини йўқлаб юрган ери экан:

Оҳ уриб оламни кезиб,
Шарҳи дилим кимга ёзиб,
Ёрим йўқлаб, кўнглим бузиб,
Излайин дунёни кезиб.

Аввали борди Гулистон,
Ёридан тополмай нишон,
Кобул билан Фарангистон,
Машҳад билан Ҳиндистон,
Бағдод билан Маконистон,
Шунча ерни қараб кетди,
Чин-Мочин шаҳрига етди.

Чин-Мочин билан Ҳоконни,
Оқсув, Хитой, Хўжандни,
Излади Қашқар довонни,
Тушиб кўрди Андижонни,
Тошкент билан Қўқонни,
Қарадарақ, Самарқандни,
Бухоро билан Ҳисорни,

Маймана ажаб шаҳарни,
Бир куни Болқонни кўрди,
Қундуз шаҳарини қаради.
Исфиҳон шаҳрига етди.

Неча кун айланиб кўриб,
Эрон юртини ахтариб,
Бир кун Туркманистон ўтди,
Урганч шаҳрини караб ўтди.

Қаландар бўп акли тошди,
Ногаҳон дунёни кезиб,
Қозоқ юртига етишди.
Қозоқ шаҳрига аралашди,
Кўп ерни юриб қаращди.

Шаҳарнинг ичига кирди,
Ёрини йўқлаб термилди.
Бул шаҳарда Шойим деган,
Бир қассобга йўликди.
Бу қассобга саллох бўлди,
Гўштни канорага илди.
Кўп ерларни кезиб ҳам бунда етган,
Қассоб карздор эди тожик, ўзбекдан,
Икки бошдан холи эмас қозоқдан,
Канорага илиб энди парча гўшт,
Ярим буйрак осиб кўйган, ярим тўш.
Бу кассоб эдику хаммадан карздор,
Ёлчимаган қассобга Раъно хизматкор.

Гўштларни олиб келиб канорага илиб, каноранинг ёнида ёрини ёд килиб, бир сўз айтиб ўтирибди:

Қани, ёрим менинг ҳолимни билса,
Шундай вақтда келиб аҳволим кўрса.
Кўнглим сўраб менга раҳбарлик қилса,
Юриш аҳволимни бу ерда кўрса.

Кўп йиғладим мен ишқидан,
Қайда бўлиб ёрим менинг,

Булбулдайин ноладаман,
Доғу ҳасрат армондаман.
Мен ўзим куйган бандаман,
Етишмади зорим менинг.

Бўғинларим менинг бўшаб,
Фалак урган гулга ўхшаб,
Мен йиғларман бугун қақшаб,
Қайдадир анорим менинг,
Ул ёри дилбарим менинг.

Ҳажр ўтига кўйиб ёндим,
Ёримни йўқлаб ўртандим,
Подшо эдим гадо бўлдим,
Кўриб ёрдан жудо бўлдим,
Охири мубтало бўлдим,
Ситам айлаб бунда келдим,
Энди чиқди жоним менинг.

Фалак менга жафо қилди,
Охир умрим адо қилди,
Подшоликдан жудо қилди,
Абгору афтода қилди.
Бир дилбарнинг ишқ ўтидан,
Мени банди расво қилди.

Ким келади ҳолим сўраб,
Юрибман дилбарим қараб.
Энди қайга қилсам талаб,
Кетсам мен ёримни сўраб.

Бул мунда каноранинг тубинда бу сўзларни айтиб йиғлаб ўтирди.

Сухангул қозоқ бегининг хизматида чўриликда хизмат қилиб, унча-мунча орттирган пули бўлса, халиги Шойим қассобга олиб келиб бериб юрар эди. Ногаҳон қозоқ бийникига беш-ўнта иззатли меҳмон келиб қолди. Шунда меҳмонларга боғдан узум олиб кел, деб Сухангулни буюрди. Сухангул боққа узумга жўнади. Бийнинг боғига борадиган кўча қисилчанг тор кўча эди, Шойим қассобнинг канорасининг тубиндан ўтар эди. Ўтиб борастиб, бир каноранинг тубинда шундай бурчакда Раънони

кўрди. Уст-бошй, чопонлари қон. Сухангулни йўқлаб каноранинг тубинда ўтирган, шуни кўриб билдирмай ўтиб кетди. Кўнглида бул сўзларни ўйлаб бораяпти:

Кел-а, энди мендай абгор бўлибди,
Ёрим мени йўқлаб йиғлаб келибди.
Мен ҳам энди туриб боққа борайин,
Боғдан узум олиб ҳозир қилайин.
Меҳмонларга бул узумни берайин,
Яна бир айланиб муни кўрайин.

Ўтирибди бунда мендан бехабар,
Менинг учун куйиб-ёнган дилабгор.
Бари қолсин ул узумга айланиб,
Мен билдирмай бошқа ёпинчи олиб,
Қассобга етишай баҳона қилиб,
Қарз пулим бор эди [деб] қичаган бўлиб,
Ул йигитни имлаб четга чиқариб,
Кўкрагим ярасин унга очайин,
Оти бўлса, бирга миниб қочайин.

Бу сўзларни ўйлаб Сухангул кетди,
Бийнинг ул боғига яқинлаб етди.
Вақти хуш бўп бунда Сухангул юрди,
Довуш қилиб энди боғбонни чақирди.
Боғбон келиб шунда эшикни очди,
Гулсуханни кўриб ақли шошди.

Гулсухан шул замон бул боққа кирди,
Неча сўзни ул боғбонга гапирди.
Меҳмон келди, боғбон, узум уз, деди,
Тақол қилма, ҳаяллама, тез, деди.

Бекнинг хизматига мен хам борарман,
Ҳаялласам бир койишга қоларман,
Меҳмон келди, бориб хабар оларман,
Мудом бекнинг хизматида бўларман.

Сухангул, тез, деди кўнглини бузиб,
Тоза узумлардан боғбони узиб.

Кўнгли тўлиб бу боғбоннинг ишига,
Олиб келди Сухангулнинг қошига.

Узумни кўтариб бул йўлга кирди,
Кела туриб яна Раънони кўрди.
Билдирмайин ўтиб кетди бу дилбар,
Бийнинг мазгилига етди мукаррар.

Ўтирибди қорни катта қозоқлар,
Дастурхонни ёзиб энди мукаррар.
Нону узум дастурхонга ташлади,
Чой дамлаб, буларнинг вактин хушлади.

Бул қозоқлар қолди овқатман бўлиб,
Бошига бир чопон ёпинчик олиб.
Қисталанглаб бул хам йўлман келади,
Қассобдан пулини қичамоқ бўлиб.

Борди қарз пулини баҳона қилиб,
Пул баҳона қилиб Раънони кўриб.
Билдирмай Раънони шундай имлади,
Қандай қиз эканини Раъно билмади.

Бу қизга эргашиб мундан жўнади,
Тор кўчада қочиб кетиб боради.
Икковлари қолиб шаҳардан чиқди,
Чангалистон, тўқайларни кўради,
Иккови бир-бирини билмай боради.

Сухангул билади Раънодай зўрди,
Раъно билмай борар Сухангул ёрди.
Бу шаҳардан қочиб анчага борди,
Қочкинчи бўп мунда йўллар юради.
Ўзини танитиб шундайин ёрди,
Дарёнинг бўйига якиплаб борди.
Раъно айтар, энди қандай қилади,
Ул Сухангул, худо, деди йиғлади,
Ўтган кулфатини айтиб беради:
“Армон билан, тўрам, сендан айрилдим,

Неча вакт сайил қип дарёда юрдим.
Сувдан чиқиб шерпинг қўлига келдим,
Шер ўлиб, чўри бўлиб сотилдим.
Қанча бир одамда бир талашда қолдим,
Сизни кўриб янги мен ҳам қутулдим.
Қочмокнинг пайида энди бўлайик,
Бошимизни олиб мундан жўнайик".

Раъно айтар: "Қочиб қайга борамиз,
Бу дарёга қандай йўлни соламиз?
Оти йўқ, пиёда ғариб жўрамиз".

Сухангул бул сўзни яхши ўйлаб,
Қамишдан иккови шундай сол бойлаб.
Ҳазар қип Сухангул акли шошди,
Қутулмоқ кўнглида, қозоқдан кочди.
Раъноман иккови бул солга тушди,
Бир-бирининг бўйнидан қучоқлашди.
Солга миниб бирга дарёга кетди,
Қанча кўрган азобини унутди.
Ҳайдаб солни, энди жовлаб йўл тортди,
Ададсиз сувларда жўш уриб кетди.
Адашганлар бир-бириман топишиб,
Балки иккови солда ўпишиб,
Билмайди бу дарё қайга боради,
Икковлари ипак ипдай эшилди.
Дарёйи Хункорга бориб қўшилди.

Бир тўпаланг пайдо бўлди бу сувда,
Икки дарё бир қўшилган вактинда.
Ўн уч ойу етти кун дарёда юрди,
Чириб бул боғлаган соли узилди.
Сол бўлиниб, мунда икки айрилди,
Хункор дарё остига Сухангул кетди.
Денгиз тарафига Раъно боради,
Қайта бошдан ёрдан жудо бўлдим, деб,
Бу дарёда йиғлаб адо бўлдим, деб,
Қувондим, ёримни топиб олдим, деб,
Зор йиғлайди бунда пано бўлдим, деб.

Дарёлар гирдобин макон қилдим, деб,
Раъно айтар, армон билан ўлдим, деб,
Сухангул, ёримдан жудо бўлдим, деб,
Солинг қамишига бошини уриб,
Ёри кетди кўзидан пана бўлиб.
Қозоқ юртдан кочиб чиқдик йўл юриб,
Хункор дарёсида ғовғани кўриб,
Мен айрилдим, сен хам кетдинг айрилиб,
Аҳволимиз не бўлар, Оллоҳим билиб.

Хункор дарёсига сен хам ғарқ бўлиб,
Кетди бу сўзларни Раъно гапириб.
Ул Сухангул Хункор дарёга кириб,
Неча сўзлар кўринмайди гапириб:
"Бизлар расво бўлиб, аввали охир худо,
Бул топишган ёримдан бўлдим жудо.
Жудо тушган ёри жоним, алвидо,
Бу дарёда бизлар абгор, афтода.
Фалак ситам қилди ёримдан жудо,
Жондин ортиқ мехрибоним, алвидо"!

Йиғлаб юриб сувда кўнгли бузилди,
Ажалнинг риштаси тандан узилди,
Янги қилган иморатлар бузилди:
"Бир-биримиз кўрмак гумондир энди,
Жудо бўлиб кетган хоним, алвидо,
Билмам, ёрим қайси камарга бориб,
Келолмасанг сувда солни бошқариб,
У дарёга кетган жоним, алвидо"!

Бу сўзларни айтиб Сухангул кетди,
Қайта бошдан кўрган кунин унутди,
Хункор дарёсида бул соли кетди.
Бу дарёда оқиб энди кетарди,
Хар куни кеч бўлиб кунлар ботарди,
Кўринг, ул вақтида дарёйи Хункор,
Сухангулнинг кўшкисидан ўтарди.

Сухангул отаси бул шоҳи Кайвон,
Хункорнинг устини айлаган айвон.

Хункор дарёсининг яна устидан,
Сухангулга шундай кўшкилар солган.

Сухан ғарқ бўлиб дарёга кетган,
Мотам азобинда шаҳари тутган,
Сухангулнинг тириклигин унутган,
Хункор дарё ғувиллаб оқиб ётган.
Усти мунаққашли бу кўшки айвон,
Қора кийиб шаҳар азада қолган.

Сухангул ғарқ бўлиб кетган вақтда қизлар бориб, нечовлари тағи шу кўшкидан чиққан эди. Ота-энаси Сухангулни сўраган вақтида, бир тахтада ўзи қолиб ғарқ бўлиб кетди, деб Гулсухандан умидни узиб, ёлғиз қизни ҳам худо бизга кўп кўрди, деб ота-энаси, қовми-қариндоши аза тутиб қолган эди. Қизлар ҳар куни кўшкига бориб кўшкнинг лабида, шу ердан бувишимиз дарёга тушиб кетибди, деб йиғлашиб ўтириб эди:

Канизлар йиғлашиб бу сўзни айтди,
Сухангул ғарқ бўлиб дарёга кетди,
Аза тутиб каниз йўқлаб турибди,
Гулистон бориди бу шаҳри Гулзор,
Бозор бўлар эди кўшки мазгиллар,
Бувишини йўқлаб йиғлайди қизлар.
Кетганига қанча замон ўтибди,
Бу дарёга бенишон бўп кетибди.
Омон қутулмайин мунда ўлганди,
Балиқларга ул ҳам емиш бўлганди,
Бу кўшкилар балки чўл бўп қолганди.
Сухангулни йўқлаб қизлар йиғлади,
Бир худога кўп муножат қилади,
Сухангул йўқлиги бунга билинди.
Йиғлаб-йиғлаб бу дарёга караса,
Олис йўлдан бирор кора кўринди.
Бу қорани кўриб бари кўз тутди,
Шул замонда кўшкига якин етди,
Кўшкининг остидан дарё ўтади,
Бу кўшкига қора яқин келади.
Ҳаммаси тура кеп қизлар қараса,
Ўликдай бўп мунда биров келади.

Сухангулга бунинг келбати келди,
"Жонинг борми?" – деди, каниз чақирди.
Очликдан кетганди бунинг ҳолати,
Гапирмакка келмас бунинг куввати.

Ётган ерда сўйламай имо килибди,
Имлаганин яна кизлар билибди.
Кўшкининг остига якинлаб стди,
Ул замонда қизлар қўлини тутди,
Сухангулни қизлар ушлаб олибди.
Сухангул келди, деб хабарни бериб,
Адашган бувишин канизлар топди,
Суюнчи, деб бунда қизлари чопди.
Сухангул кўшкига чиқиб ўтирди,
Дастурхонни ёзиб овкат келтирди,
Бул қизлар шул замон тарзини кўрди.
Рангин кўриб кўрган азобин билди,
Қанча кийим зарли-зарбоб келтирди.

Қизини кўрмакка отаси келди,
Эшитиб энаси бунинг югурди.
Қовми-қариндош барча йиғилди,
Ўлиб кетди деган санам тирилди.
Ҳаммаси йиғилиб, барчаси келиб,
Сухангулга жонини қурбон килиб,
Келар қариндоши кўргани босиб,
Одам келар ҳар тарафдан улашиб,
Энасиман бул кўришиб, топишиб.
Ҳар шаҳардан амалдорлар келади,
Кайвоншоҳга куллуқ бўлсин қилади.
Қизи келган, бул ҳам баҳрини очиб,
Дурри жавоҳирлар бошидан чочиб.
Ўлди деган қизин бул худо бериб,
Кайвоншоҳнинг мунда вақти хуш бўлиб,
Вақти хушлигига элга тўй бериб,
Катта-кичик қолмай барча йиғилиб,
Ўлди деган қизини худо бериб.

Ҳар амалдор ҳар шаҳардан келади,
Подшонинг қизини кўриб кетади,

Элатга тўй бериб подшо ётади,
Неча ғазналарни бул бўшатади,
Шунча вақтихушлик қилиб ётади.

Қирқ кеча-қирқ кундуз тинмай тўй бериб,
Шоҳи Кайвон хайри-эҳсонлар қилиб,
Ўлиб кетган қизи келган тирилиб,
Қайта бошдан яна дунёга келиб,
Тўй тарқаб, ҳар қайси ўз жойига кетди,
Неча кун Сухангул роҳатда ётди.

Неча кундан кейин ўзига келди,
Канизлари бунинг кўнглини билди.
Неча сўзлар бу канизлар сўради,
Сўзига Сухангул жавоб беради:

– Жудо тушиб дарёда айрилишдик,
Ажалнинг шаробин, бувишим, ичдик.
Яна қайтиб бир-биримиз кўришдик,
Яна ўлмай бу дунёда топишдик.

Ҳам ота-энангиз мотамда колиб,
Гулзордай шаҳарлар чўлистон бўлиб,
Кетди яна армон биз сизни кўриб,
Сизнинг билан бизлар бирга ўтириб, –
Бу сўзни шул замонда канизлар айтди,

Раъно эсига тушиб энди Гулсухан,
Ул дарёда юзиб, ҳам айрилишган.
– Бирга тушиб бу дарёда,
Мен бўлиб ёримдан жудо.
Қай ерда колди дарбадар,
Мени деб бўлган қаландар.

Дарёга кетди иштизор,
Кўнглимда кўпдир ғубор,
Ул ёримдан йўқдир хабар,
Еди уни кўп балиқлар,
Мен тўрамдан билмай хабар,
Ошиқи саргашта кезар.

Мен бу ерда бўлиб бир зор,
Бир шаҳарим шаҳри Гулзор,
Не иш қилди парвардигор,
Кўнглимни билмайсан, қизлар,
Мен Лайли – Мажнунин излар,
Сиз ҳам дуо қилинг, қизлар,
Унга йўл берсин дарёлар.
Мен ҳам келиб шаҳри Гулзор,
Ўтиб кетди қанча ғубор.
Менинг мақсадларим борди[р]
Бир камарда тўрам қолди,
Билмайман ҳоли не бўлди".
Қайта бошдан кўриб энди,
Кўшкида дардим янгғарди,
Тўрам дейди хафа бўлди.

Бу сўзни Сухангулдан эшитиб қизлар: "Бу дарёларнинг ичида юриб, биров билан ҳамроҳ бўлиб, бировга кўнгил бериб, қайта бошдан бир-биридан жудо бўлиб қолган экан-да. Бунинг хаёли бир ерда эмас, кўнгли бир ерда турмас, бу кўшки айвон, бу давлатларни бу писанд қилмас, бунинг ҳеч нарса билан иши бўлмас", – деб маслаҳат қилиб ўтирди. Сухангул канизларнинг гапирганини билиб, кўнгли бўлиб, бир сўз сўйлаб турган экан:

Бу дунё ишини барбод қилайин,
Тирик кетган хоним йўқлаб турайин.
Ўзини ҳар куйга солган,
Дарёда юзиб ғарқ бўлган.
Баликларга емиш бўлиб,
Қайси бир камарда қолган.
Мени излаб азоб кўрган,
Армон билан айрилган.

Айрилган хонимдан килай ривоят,
Улар учун қилсам бирор иморат.
Агар отам берса менга башорат,
Хизматкор сақласам, берсам ишорат.

Бу сўзни Сухангул кўнглида ўйлаб,
Борди отасига тараққос бойлаб.

Кўп сўзларни шоҳи Кайвонга сўйлаб,
Отасига кўнглини баён айлаб.

Отаси ҳам, ёлғиз болам, бил, деди,
Ҳарна қилсанг ихтиёринг, қил, деди.
Сухангул ҳам кўнглимдаги шул, деди,
Сухангул қайтди-да, кўшкига келди.

Канизларман бирга бўлиб ўтирди,
Шаҳар эли халққа одам чоптирди.
Халқ ичига юриб жарчи қўяди,
Сонсиз одам элу халқдан йиғади,
Танга-тилла бунда сарфлаб туради.

Сонсиз одамларни бунда ишлатиб,
Турли-туман мева дарахтлар экиб,
Бир ойлик йўллардан девол урдириб,
Бир ғишти зумратдан, бир ғишти олтин,
Одамлар улашиб кўпайди кунба-кун.

Деволини шундай килиб тузабди,
Бир ойчалик йўлда чорбоғ қилибди,
Одам ишлаб, адобат қилиб юрибди,
Бу чорбокка дарвозани курибди,
Неча замон одам ишлаб юрибди.

Бир ойлик йўл келар чорбоқнинг ичи,
Кўп хизматлар қилди ул катта-кичи[к].
Бу чорбоқни гули-гулзор қилади,
Дарвозани тиллалардан қип қуради.
Сухангул қилдику шундайин уйни,
Бу чорбоққа "Боғи Раъно" от қўйди.
Ўзи кетди оти йўқолмасин, деб,
Дарвозага шундай хатлар ўйдирди.
Раънони кўрган йўқ бунда одамлар,
Дарвозага келиб кўзи тушганлар,
"Боғи Раъно" дейди, шунда билганлар.

Бу бир ойлик йўлни шундай чорбок қилиб, ҳар замон сайли-томошага бу бокка келиб, дарвозада битилган хатларни кўриб, Боғи

Раъно, деб шу қўйган оти ўзига тасалли бўлиб, ёрини кўрмаса ҳам кўрганча бўлиб, ёр ишқида ўзини шайдойи қилиб юраберди.

Энди гапни кимдан эшитинг, бояги дарёда жудо бўлган Раънодан:

Неча вақтлар юрди дарёда юзиб,
Бир кунлари чет ёқаси кўриниб.
Кўп юрганди камарларда уриниб,
Ҳеч иложи йўқ, ғариблиги билиниб.

Ҳар гирдобда бориб тўхтаб ўтади,
Чиқаман, деб ҳаракат қип ётади.
Ўйлайди туби йўқ ададсиз сувди,
Гувиллаб оқизиб бундан ўтади.
Ҳар ерда уриниб Раъно кетади,
Бир гирдобда четга яқин етади.

Раъно борди шундай кўнглини хушлаб,
Дарё ёқасинда бутадан ушлаб.
Сувдан чиқиб Раънонинг акли шошиб,
Шул замонда бир жинғғилга тармашиб.

Қуруқликка энди чиқиб қарады,
Мен чиқдим, ёрим қандай бўлади?
Сув ичида паймонаси тўлдими,
Дилбарим дарёга ғарқ бўлиб ўлдими?

Ёрин йўқлаб қуруқ ерда юради,
Худо, деб пиёда кетиб боради,
Ёйилиб ётган кўп кийикни кўради,
Кийикларни ушламоқчи бўлади.
Энгашиб кийикка писиб боради.

Онгда бировини ушлаб олай, деб,
Кабоб қилиб яна бунга тўяй, деб.
Раъно кийикларга моралаб боради,
Кийиклар сакрашиб қочиб туради.

Ул жунлари ҳар алвонда тобланди,
Шохлари тилладан, мўйни наққошди[р].

Кийикка шул замон оралаб борди,
Раънони кўрдию, кочмайин турди.

Кийикларнинг кўзда ёши сел бўлди,
Кўзидан мўлтиллаб ёши тўкилди.
Одам, деб булардан ул гумон қилди,
Кийик эмас, булар асли одамди[р].

Сеҳр билан биров бандига олганди,
Мендайин булар ҳам мусофир энди.
Бунга дахл қилиб менга не бўлди,
Кийиклар ёйилиб, термулиб қолди.

Раъно ўтиб бул кийикдан юрарди,
Ҳар тарафга қараб назар соларди,
Қай ерда юрганин билмайин борди,
Гумбаздай бўп битта қўрғон кўринди,
Шу қўрғонни чўтлаб Раъно йўл юрди.

Ҳеч тупроқ йўқ, босиб қирчиқ тошни,
Кўзидан тўкади жаладай ёшни.
Юриб йўлда жуда ақили шошди,
Бир ажойиб ерга Раъно етишди.

Шундай чорбоғ турур меваси пишган,
Ҳар қайси остига тўпиллаб тушган.
Бу чорбоққа энди Раъно етишди,
Шундай ерга бунинг гузари тушди.

Сарҳовуз бўйида гуллар очилган,
Дурри жавоҳирлар шунда сочилган.
Сарҳовуз бўйида бир тахт қурилган,
Адрас, кимхоб устига тўшалган,
Шароб-шарбат бари шишада турган.

Бундайин жойларни бул Раъно кўрди,
Шароб ичай деди, шишани олди.
Ичма, ўласан, деб бир овоз келди,
Раъно қараб ҳеч нарсани кўрмади.

Неча дуо Раъно ўзига ўқиб,
Ҳар ёғига қараб ўкиб дам солди.
Лаҳзадан сўнг бир қора каптар кўринди,
Ул Раънога неча савол гапирди:

– Мени билсанг уй жинларнинг тўраси,
Иш қилгич жинларнинг кўнгли кораси.
Сендайин нечалар бу ерга келган,
Ҳаммаси қўлимда келиб банд бўлган.
Сендайин одамзоднинг нечови ўлган,
Сендай одам менинг овқатим бўлган,
Ажал ҳайдаб сен ҳам бу ерга келган.

Бу сўзни эшитиб Раъно ҳайрон қолади,
Ул жин шул замонда бир ағанаб туради.
Бир забардаст дев сувратда бўлади,
Шул замон Раънога ҳамла қилади.

Кўриб бу Раънони ғайрати тошди,
Ул жин келиб бу Раънога ёнашди.
Туриб Раъно бу жинман ушлашди,
Жинларнинг подшоси билан олишди.

Дам уриб суйламай бир-бирига ҳеч сўз,
Олишар иккови ҳам кеча-кундуз.
Бир-бирига иккови зўр кип кўрибди,
Етти кеча-етти кундуз бўлибди.
Шунчалар зўр қилиб олишиб ётди,
Саккиз кун деганда жинни йикитди.

Бу жинни кўтариб ерга урали,
Бу жин шундай зўрга дучор бўлади.
Бунда жиннинг бошин кесиб олади,
Неча бандда қолган халос бўлади.
Ҳаммаси Раънони дуо қилади.

Боядаги нақкошланган кийиклар,
Ҳар қайси, ҳар шаҳардан келган йигитлар.
Буларнинг ранггини бадал киларди,
Ҳар замон бировин сўйиб урарди.

Шуйтиб булар бандга гирифтор бўлиб,
Жин ўлди, ҳаммаси кетди қутулиб.

Бир неча кун Раъно бу ерда турди. Бу жинни ўлдирди. Ҳаммаси сеҳр билан банд қилиб қўйилган эди. Бу банддан ҳамма нарса халос бўлиб кетди. Раъно, менга бу ерда нима туриш, деб бу сўзларни айтиб бораётир:

Кел-а, мен тупроқли ерга борайин,
Бир одамзод бор ерларни кўрайин,
Бунда тошда туриб нима қилайин,
Ёримнинг хабарин берса худойим.

Кеча-кундуз бир худога ёлбориб,
Кета берсам бул ўлкадан йўл юриб,
Бурунгидай яна элларни кўриб,
Сўрасам ёримнинг дарагин билиб.

Раъно кетди икки этагин қайириб,
Кеча-кундуз бир худога зор уриб.
Худо мени дилбаримдан айириб,
Ёрим кетди ул дарёга ғарқ бўлиб.

Ёрим учун бу йўлларда ёлбориб,
Дарагини топарманми ахтариб?
Ишини қайтади худога солиб,
Яёв юриб оёклари қабариб.
Ёрим, деб йиғлайди чўлда силинди,
Ғариблик юриши бунга билинди,
Яна бир катта тоғ бунга кўринди.
Тоққа чиқсам, деди кўнглини хушлаб,
Бораётир ўзи шундай кўл ташлаб.

Гоҳ ерларда қичаб юрар халлослаб,
Гоҳ ерларда борар йиғлабон бўзлаб,
Юрибди адашган ёрини излаб,
Не ерларни шундай юриб кўрди,
Тўқсон кун йўл юриб бул тоққа келди.
Яёв боёқиш келиб тоққа тармашди,
Устига чиққанча ақли шошди,

Ҳориб-чарчаб тоғ бошига етишди.
Бу тоғнинг устига чиқиб қаради,
Одамзод юртидан нишон билмади.

Кўз югуртди, яна бир тоғ кўринди,
Кўнглида шу тоққа бормоқчи бўлди,
Тоғдан тушиб яна Раъно йўл юрди,
Бораётир шундай хуноба ютиб,
Ёридан адашган ўтдай туташиб,
Йўл юрди неча тоғлардан ошиб,
Бу тоққа ҳам яқинлаб-ёнашиб.

Таваккални бир худога қилади,
Худо деб ингранib кетиб боради.
Тоғ бошига ўрлаб чиқиб боради,
Тоғ бошида бир чинорни кўради,
Чинорга етсам, деб йўллар юради,
Ораси анчайин олис бўлади,
Қандай бўлса қичаб кетиб боради.
Бир мазгилди ул чинорга, қўнай, деб,
Бориб соясинда дамим олай, деб,
Кўп чарчадим, бир паст рохат қилай, деб.

Раъно йўл тортди, йўл тортса ҳам мўл тортди, бул кўрган чинорга етди. Чинорнинг атрофи ҳар турли дарахтлар, ранг-баранг турли гуллар очилиб турибди. Чинорнинг ости бир себарга салқин, шоҳсупа қиммат баҳо тошлар билан ўхшатган. Бир тарафи қўрғон, тилланинг сувини деворга югуртиб солган. Куннинг шуъласи билан кундай бўлиб ярқиллаб турган. Кўпгираси пўлатдан, дарвозаси зумратдан, дарвозага Раъно борди, кўрди дарвозада хат битилган: "Бул ичкарига кирган жонзот тағи қайтиб чиқиб кетолмайди, мазгилига етолмайди, бу ердан омон кетмайди", деб ёзиб қўйибди. Раъно фикр қилиб бир сўз айтиб турган экан:

Худодан беамр ишлар бўлами?
Ажал етмай мунда чибин ўлами?
Номард бўлмасин-да Таманно хони,
Беамр чиқмайди чибиннинг жони.

Шуйтиб битканакан лодон бемаъни,
Мен билмайман бул кимнинг кўрғони.

Ким бўлади юрган одам душмани,
Кирмай кайтсам кўп бўлар пушаймони.

Таваккал айлади, кўрғонга кирди,
Неча алвон бунда иморат кўрди.
Аста-аста юриб ўтиб боради,
Бул уйқуда ётган девни кўради.

Шул замон уйқуда деви кораси,
Ул девларнинг кўп зўрабор боласи.
Бир баланд чўққидай бўлиб ётибди.
Девнинг кўзи ул уйқуга кетибди,
Оғзидан ўт чиқиб бунда ётибди,
Кўзлари машъалдай ёниб кетибди.

Калласи гумбаздай, оғзи ғордай,
Бурнининг тешиги қоронғи гўрдай.
Қулоғи қалкондай, бўйи минордай,
Қўлининг панжаси катта чинордай.
Бул девнинг қошида ул Раъно турди,
Ғами йўқ, ул дев уйқуда эрди,
Дам олса оғзидан каптар чиқарди[26].

Шунда Раъно қараб турди, ҳар ерда одамлардан эшитар эди, девнинг жони каптар бўлар эмиш, деб. Дев дамини олиб ўшқирганда оғзидан бир кора каптар чиқиб кетади, дамини ичкари тортганда келиб оғзига кириб кетади. Раъно кўнглида айтди: "Шу каптар девнинг жони, шу каптарни ўлдирсам, бу дев ўлади. Ундан ҳам шу каптарнинг пайида бўлай", – деб каптар чиққан вақтида икки қўлини девнинг оғзига тутди. Дев дамини ичкари тортди, каптар келиб Раънонинг қўлига урди. Икки қўллаб маҳкам ушлаб турди. Дев бурнини уқалаб уйқудан уйғонди. Ул Раънони кўрди. Девнинг жони Раънонинг қўлида. Дев Раънонинг оёғига йиқилди. Агар каптарни қисса дев ўлади, азоб берса безовта бўлади. Дев ҳоли танг бўлганини биліб, Раънонинг оёғига йиқилиб, бир сўзларни айтиб турган экан:

Мен ҳам энди сенинг қулинг бўлайин,
Ҳарна хизмат буюрсанг ўзим қилайин.
Мен ҳам сенинг хизматкоринг бўлайин,
Не ихтиёр қилсанг, шуни қилайин.

Бир иш учун мен ҳам сенга ёлбориб,
Сен менинг жонимни қўлингга олиб,
Сенинг хизматингда мен ҳам бўлайин.
Бул сўзимни англа ул шоҳи ғолиб,
Мудом сенинг етагингда бўлайин.

Бу қўрғонлар бунда сеники бўлсин,
Мендай деб хизматкор, чокаринг бўлсин,
Керак бўлса моли зардан ғам ема,
Мени ўлдириб сўнгра пушаймон қилма.
Етмиш ҳужра бунда тўлган зарим бор,
Ҳарна бўлса булар сенда ихтиёр,
Минсанг неча тулпорларим бор,
Заҳар сувин ялатганди яроқлар,
Ҳаммаси ҳам сендай бекка кераклар.

Кўпди[р] менда, билсанг, олтин-кумушлар,
Чегада чирқиллаб ул олғир қушлар.
Тозилар югуртиб айласанг шикор,
Менам бир девлар ичинда анжомдор,
Озор берма, сенга айтар арзим бор.

Дев Раънога аҳду паймонлар қилди,
Неча алвон яхши сўзлар гапирди.
Қасамёд қилган сўнг Раъно ишонди,
Ул ҳазина, дафиналарни кўрсатди,
Раънони ияртиб бунда дев кетди.

Раънони шул замон олдига солиб,
Ғазнахоналарнинг калитин олиб,
Борди-да шул замон бир томни очди,
Сатта тилла турган олтип, кумушди[р].

Яна ўтиб бориб бир томни очди,
Лаъли, жавохирдан киммат бу тошди[р].
Яна ҳам қаради атласу кимхоб,
Ҳазиналарни бу Раънога кўрсатди.

Бир томда қиличу асбоб турибди,
Бир таблада бедов отлар тўлибди,

Бир томда олғир қуш ўтирибди,
Бул ишга бул Раъно ҳайрон қолибди.
Одамнинг жонидан ўзга бари бор,
Дунёда бор нарса девдан топилар.

Адрас, кимхоб, зарбоб тўнларни кийиб,
Белига тилладан камарни бўғиб.
Заррин дастор шундай бошга ўради,
Кескир пўлат бул белига боғлади.
Бурунгидай беклик шавкатин қилди,
Қора дев Раънонинг хизматин қилди.
Бу табладан сайлаб бедовни минди,
Ададсиз дунёни бул девда кўрди.

Ҳолинг билмай ёйни тўғри қиласан,
Аччиғлансам армон билан ўласан,
Яна сен ҳам кўп азобни кўрасан.
Олғир кушни бул қўлига қўндирди,
Икки тозини энди Раъно ияртиб,
Бу тоғларни кезиб овларда юрди,
Бурунгидай бўлиб яна кун кўрди,
Гулсухан дилбари эсига келди.

Сухангул, деб тоғларда оҳ уради,
Тоғу чўлда юриб, энди йиғлади,
Тозилар югуртиб тоғ чиқарди,
Томошалар қилиб ҳар ён боқарди.
Сухангулдан ҳеч билмайин хабарни.

Бурунгидай яна умрим кечилди,
Олтин пиёлада гулоб ичилди.
Адашган дилдорим, билмам, не бўлди,
Ов овлади, қайтиб мазгилига келди.

Шоҳсупа устида Раъно ўтирди,
Бир қуш келиб унда чинорга қўнди,
Ранг-баранг парлари бунинг товланди,
Бул товланган қушни ул Раъно кўрди.
Ўқи ёйини Раъно қўлига олди,

Чинордаги қушни урмоқчи бўлди,
Ул қуш туриб бу Раънога гапирди:
"Ўқ отмагин, ўқинг зое кетади,
Сендай йигит бу дунёдан ўтади.
Сен ўқ отсанг, билгин, бошинг кетади.
Нечун менга манманликни бошладинг,
Ўзинг билмай шоҳсупада ўтирдинг,
Манманликман ўқингни тўғри қилдинг".

Бул сўзни айтиб каптар чинордан тушди,
Бир ағанаб мунда ерларни қучди.
Ўн тўрт яшар соҳибжамол қиз бўлди,
Бул қизнинг жамолин ул Раъно кўрди,
Дард устига бунинг дарди уланди.

Яқин ерда икковининг ораси,
Ўзин кўрди, жуда қизнинг сараси.
Ҳеч билмайди қай шаҳардан келганин,
Жудагина сулувларнинг деганин.

Раъно бул қизнинг тарзига қаради,
Ўйнаб-ўсган юртин бундан сўради:
– Эй нозанин сенинг маконинг қайдади[р],
Ўйнаб-ўсган жойи-жалолинг қайдади[р].
Қайтадан янгарди боврим яраси,
Мен ҳам эрдим бир шаҳарнинг тўраси,
Сендай қиз ҳам бир яхшининг боласи,
Бу ерларга, дилбар, қай ердан келдинг?
Не сабабдан бунда гузаринг солдинг,
Ойдайин ярқиллаб менга кўриндинг,
Келиб сен ҳам менга раҳбарлик қилдинг,
Сен сўйлаб ҳолингни менга билдирдинг,
Ким эканинг билмай, сўйладим турдим.

Дилбар, бул сўйлаган сўзимни билгин,
Ўйнаб-ўсган жойингни маълум қилгин.
Кулли аҳволингни менга гапиргин,
Менинг юришимни англагин, билгин.
Ҳарна деган сўзима қулоқ солгин,
Олис турма, бсрман яқинлаб келгин.

Бу сўзни Раънодан эшитиб, қиз бир сўз айтиб турган экан:

Мен биларман, Сухангулнинг ёрисан,
Сухангул дилбарнинг сен ҳам жонисан.
Ёр ўтига алам тортиб юрасан,
Неча сўзни менга тусмол қиларсан,
Мени сен ўзингга ошна биларсан.

Гапирганман сенга ошна бўлмайди,
Сенинг кўнглингдаги ишни қилмайди.
Паризодман одам дамсоз бўлмайди,
Жинси бошқа асли сози келмайди.

Паризод билганин одам билмайди,
Одамзоднинг стагига юрмайди,
Одам сўзин кулоғига олмайди,
Паризодлар билганидан колмайди,
Ихтиёрин одамзодга бермайди,
Ташла кўнглинг, кўнглингдаги бўлмайди,
Ўзидан бошқани одам билмайди.

Мени билсанг, узоқ ердан келаман,
Ҳар замон кеп шу чиноргa қўнаман.
Куйганларнинг ичига ўт соламан,
Мени билсанг, Кўҳи Қофдан келаман.

Аслимни сўрасанг парилар шойи,
Мазгилим Гулшанда, чашмалар жойи.
Дунёни айланиб кўрар танда жон,
Мен бўламан париларнинг подшойи.

Отамнинг отидир, билсанг, Оқилжон,
Неча шаҳар, мамлакат тобе бўлган.
Ададсиз лашкари унинг йиғилган,
Уруш қилиб неча шаҳарни олган.

Қандай одам бизга баробар бўлган,
Сухангул ёринг хам шу ерда бўлган.
Хўш, омон бўл, биз кетармиз, бегижон,
Паризоднинг айтган сўзи шул бўлган.

Паризод бир ағанаб ўрнидан турди,
Каптар бўлиб, шул вақти парвоз қилди.
Осмонга кўтарилиб учиб жўнади,
Кейинидан тура кеб Раъно қаради.
Кўринмай кетганча тиклаб туради,
Раънонинг кўзидан ғойиб бўлади,
Кўнгли бузилиб Раъно йиғлади.

Подшо эдим, юртни кездим пиёда,
У дарднинг устига бул дард зиёда.
Мен нима кечирдим фоний дунёда,
Дарди алам ошиб, бўлдим афтода.

Фасли зимистоним дўпмади ёза,
Бул ишларда хеч топмадим маза.
Қайта бошдан дардим бўлганди тоза,
Сарсон юришларим юртга овоза,
Бир кўриниб кетди ул сарвиноз-а,
Эр йигитлар юриб кўради ғоза,
Девнинг мазгилида бундай андоза.

Бу сўзни айтиб, Раъно дилтанг бўлиб ўтириб эди, Қора дев Раънонинг олдига даладан кириб келди. Раънонинг дилабгор бўлганини кўрди. Ўзини ҳар ерга урган, кўп сўзни кўнглига олган, буни кўриб Қора дев, „Сизга не бўлган, сизга ким ситам қилган?"– деб Раънонинг кўнглини сўраб бир сўз айтиб турган экан.

Сўйлагин бегижон, сен нега хафа бўлган,
Қандай жонзот сенга таадди килган.
Не сабабдан ўзинг ҳар ерга урган,
Ким бўлди бу ерда таадди қилган?

Кўнгилда борингни менга билдиргин,
Не аломат кўрдинг, жоним, гапиргин,
Менинг қилган хизматларимни билгин,
Кўтариб бошингни туриб ўтиргин.

Сен ўзингни бундай абгор айлама,
Фойдаси йўқ ишни, хоним, ўйлама,

Беҳуда жонингни, бегим, қийнама,
Ул неча подшолар дунёдан ўтди.
Айтгин сенга кимлар жафо қилибди,
Қандай жонзот келиб изза берибди?

Ё биров келдими парию жиндан,
Хафа бўлиб йиқилибсан ўзинг бирдан,
Аччиғлансам ҳар иш келар қўлимдан,
Кўрганингни гапир ширин тилингдан,
Рад бериб кочдими биров қўлингдан?

Кўрганингни менга баён айлагин,
Нима жабр бўлди, мен ҳам билайин,
Гар қўлимдан келса, ўрин қилайин,
Қайда бўлса, ўзим сўраб борайин,
Не кунларни бориб унга солайин.

Деву жиндан заҳмат етса кўрайин,
Топиб унинг жазосини берайин.
Сўйла хоним, энди сендан сўрайин,
Қандай ишинг бўлса, ўрин қилайин.

Мен тоғларда юриб бехабар қолган.
Қандай жонзот сенинг қошингга келган.
Сени хафа қилиб мунда гапирган,
Агар топсам қилай ер билан яксон.

Ё кофирми келган, айтгин, мусулмон,
Жуҳуд, тарсо кутулмайди чангимдан.
Ҳар ким кўрқиб ҳазар қилар донғимдан,
Кўҳи Қоф юртида машҳурларимдан.

Пари, девнинг бари бизни билади,
Қандай қўркмай бу ерларга келади?
Келиб сенга бир таадди қилади,
Сендай хоним мунда диққат бўлади.

Кетди кўнглингда диққатлик ошиб,
Қандай одам келди сенга ёнашиб?
Билмайман, кимларнинг гузари тушиб,
Мен кўрмай қолибман ундан адашиб.

Қайга борса унга кувиб етарман,
Бошин кесиб, танин ташлаб кайтарман,
Шунча сўзни, хоним, сенга айтарман.

Бу сўзни девдан эшитиб, Раъно бошини кўтариб, кўрганини Қора девга билдириб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Тозилар югуртиб овларда юрдим,
Шоҳсупа устида ўзим ўтирдим.
Шароб ичиб мунда давроним қилдим,
Ғамни, хаёлимни бунда етирдим.

Бир каптар келди-да, чинорга қўнди,
Ҳар алвон унинг парлари тобланди.
Отиб олай дебам хаёлим бўлдим,
Ўқ билан ёйимни қўлимга олдим.

Кўтариб каптарга рўпара қилдим,
Ажойиб саволни каптардан кўрдим.
Бул чинорда туриб каптар сўз қотди,
Отма ўласан, деб менга сўз айтди.

Бу сўз билан менинг бўғиним бўшади,
У каптар чинордан пастга тушади.
Қараб турдим ерга ағанаб турди,
Бир ажаб сувратли яхши қиз бўлди.

Жамоли ярқиллаб қошимда турди,
Ойдай бўп қошимда анча ўтирди.
Неча сўз бул қиздан мен ҳам сўрадим,
Ҳеч бўлмади кўнгилдаги муродим.
Ер юзида ундай сулув кўрмадим,
Гапнинг тайинин мен ҳам билмадим.

Сўз сўрадим, ҳар дурунги сўз айтди,
Мени писанд қилмай, бу ердан кетди.
Шунинг ҳусни менинг ақлим олибди,
Ҳар қандай сулувдан ўзи ғолибди[р],
Билмадим қай бир шаҳардан келибди.

Чап юзида чопар аста холи бор,
Билдим лабда асал унинг боли бор.
Жамолини кўрган девона бўлар,
Сўз қотдим, қилмади менга ихтиёр.
Менинг юрагимга бежай доғ солар.

Бу сўзни Раънодан эшитиб: "Сенинг бул ишинг ёмон бўлди. Сен гапирдинг, мен билдим. Ул бир Соҳибжамол деган бир қиз эди, отасини Оқилхон дейди, парилар подшоси, унинг билан ҳеч ким баробар бўла олмайди. Унинг шаҳарининг орасида ҳар бир тоғлар бор, осмон билан сўйлашган, ўт бўлиб ёниб турган, яқинлашган жонзотни алангаси куйдирган, қичаб учадиган қушга шаҳри бир ойлик йўл келади, шу оловлардан куймай ўтса. У қизнинг дардини сен гапирма, мен эшитмайин. У қизга мен сендан баттар ошиқман. Пойлаб, унинг пайида юриб, ҳеч иложини қилолмайман. Шул чинор илгари замондан бор. Унга одат – ҳар замон шу чинорга қўнгани келади, йилига бир-икки келиб шу чинорга қўнади. Шунинг жамолини кўрсам ҳам ғанимат, деб бу қўрғошларни шунинг учун солганман. Шу мол-дунё, қимматбаҳо нарсаларни шунга атаб йиғиб қўйибман, ҳеч ҳисобини топмайман. Ҳамма нарса тирикчиликда. Шунинг учун қилиб юрибман", – деди Қора дев. Бу сўзларни Раъно девдан эшитиб, унга бир сўз айтиб турган экан:

Қора девсан, менинг ҳолим биларсан,
Бу қизнинг ҳисобин ўзинг қиларсан.
Сен қилмасанг дарди ғамда қоларсан,
Бу ғам ҳасрати билан, билгин, ўларман.

Ихтиёрим йўқдир, қандай қилармап,
Ҳарна сўзим сенга айтиб турарман.
Сен иложин қилмасанг, билгин, ўларман,
Ҳасратман дунёдан пано бўларман.
Тошу ғиштга мен бошимни урарман,
Ҳарна дардим сенга айтиб турарман.

Қора дев, менга сен бўлгин раҳбар,
Қўлингдан келганча бўлгин хизматкор.
Менда ҳеч қолмади билсанг ихтиёр,
Мушкул ишга сен ҳам бўлгин хизматкор.

Сўйладим беҳуда сўзларим бекор,
Бундай ишлар сенинг қўлингдан келар.

Сен ўзинг қилмасанг султонинг ўлар,
Бир хизматни ўрин қилсанг мукаррар,
Билгин, шунда менинг кўнглим топилар.
Менинг жоним бунда куйиб ўртанар,
Ўрин қил, ўзингда, билсанг, ихтиёр.

Бу сўзни эшитиб, Қора дев Раънога қараб бир сўз айтиб турган экан:

— Хафа бўлма, хизматкоринг бўлайин,
Икковингнинг юлдузингни кўрайин.

Шул кизга юлдузинг ул тўғри келса,
Сўнгра борсам ул мақсадинг топилса.

Ул қизга юлдузинг тўғри келмаса,
Борган билан ишим ўрин бўлмаса.
Об келганман сени қабул қилмаса,
Зўрлик билан йўлга солиб бўлмаса.
Зўр одамнинг қизи, кўнгли қабарса,
Оғир лашкар билан отаси келса,
Олов қўйиб бу дунёни куйдирса.

Унинг билан ким баробар бўлади,
Ўзи рай қилмаса одам ўлади.
Бир ҳайбатли ул ҳам бир зўр балоди[р],
Бир соатда ер юзини олади,
Ўйлагин, қўлидан хар иш келади.

Шул сўзларни айтиб бул замон шул дев,
Девнинг сўзин Раъно қабул қилмади,
Ҳарчанд гапирганман сўзга кўнмади.

Қани, хоним, сенинг сўзинг билай, деб,
Холис сенинг учун хизмат қилай, деб,
Хафа бўлма, энди будан кетай, деб,
Раънобекдан энди жавоб олади.

Кўтарилиб бул дев шундай осмонга,
Кўп жафони солиб тандаги жонга,
Кўзлаб учиб кетди сўраб Гулшанга,

Дев осмонга парвоз қилиб жўнади.
Яшиндай бўп кўкда оқиб боради,
Булут билан аралашиб боради.
Ернинг юзи қоронғилик бўлади,
Дев жуда баландда кетиб боради.

Кўҳи Қоф юртига қараб жўнади,
Неча борган у юртларни билади,
Кўҳи Қофдан асли мунда келади,
Раъно учун қаттиқ хизмат килади.

Девнинг шоҳпаридан терлар куюлиб,
Кеча-кундуз қўнмай учиб боради.
Ул осмонда бора туриб қаради,
Катта тоғлар ўтдай бўлиб ёнади.

Паррак бўлса тайин куйиб ўлади,
Рўпарайи осмонга чиқиб боради.
Кеча-кундуз қўнмай учиб жўнади,
Парилар юртини энди кўради.

Ҳавода учганди ҳам кеча-кундуз,
Яқин кўринади қошида юлдуз.
Дев боради кўкда хаёли кочиб,
Йигирма беш кеча-кундуз тинмайин учиб.

Паризод юртига яқинлаб стди,
Кундуз эмас, оқшом бориб колибди.
Шаҳарнинг ичинда бул замон турди,
Шаҳар ўртасинда бир тахтни кўрди.

Ажойиб тахт экан бунда қурилган,
У тахтнинг шуъласи шаҳарга урган.
Қора дев шул замон шу ерга борди,
Қанча қизлар атрофини оларди.

Ҳамма қизлар бари уйқуда эрди,
Маст уйқуда бунда қизлар ётибди,
Ўртада бир токка парда тутибди,
Пардани кўтариб бул дев каради.

Бунда ётган шохнинг қизин кўради,
Жамолига шаҳар ёруғ бўлади.
Тахтнинг устидан аста кўтариб,
Бу Қора дев қўлтиғига олади.

Юриш қилса неча кунлар юради,
Ухласа неча куп ухлаб қолади.
Ухлайдиган бул хилида йўлиқиб,
Бу қизни олиб бу дев қайтиб боради.

Ўнгландику Қора девнинг шамоли,
Шох қизининг ўйнаб-кулар камоли,
Оламни балқитар бунинг жамоли,
Қимиллатмай дев кўтариб боради.

Турмадику бунда бул дев Гулшанга,
Қизни олиб учиб кетди осмонга.
Неча кун хизмат қилиб осмонга учди,
Канча бандаргоҳли тоғлардан ошди.

Соҳибжамол қизни олиб Қора дев,
Раънонинг қошига яқин етишди.
Келиб бир кун Раъно қошига тушди,
Қизнинг жамолига бул яқинлашди.

Соҳибжамол энди кўзини очди,
Қараб кўрди, Қора девман Раъно турибди.
Ўзини бу ерда ул қиз кўрибди,
Кўнглига оғир олиб қолибди.

380 Шунда Раънога қараб ул қиз: “Бу ишни бекор қилибсизлар. Гапирган билан гапириб ўтади. Пари билан одам иккови дамсоз бўлиб юрмайди. Бул хаёлларни ташлагин”[, – деди]. Бу сўзни Соҳибжамолдан эшитиб. Раъно бир сўз айтиб турган экан:

Мен сўйлайин, аё дилбар, муни бил,
Мен чаман бўлайин, сен бўлгин булбул.
Чаманнинг ишқига маст бўлиб кулгин,
Мен ўларман сен ҳам тараҳҳум қилгин.

Ҳуснингга ошиқман, дилбарим, билгин,
Ақл билан адашдим, бир йўлга солгин.
Сен ҳам менинг, дилбар, кўнглимни олгин,
Одамман, деб бирор яхшилик қилгин.

Бошим олиб ҳар шаҳарда юрарман,
Дилбар, сен қайтмасанг тайин ўларман.
Отам подшо, Таманнодан бўларман,
Бир кулиб қарагин юртга борарман.
Ҳарна десанг сенинг билан бўларман,
Қарамасанг ишқ ўтидан ўларман.
Паризод кўринди ҳусни камалак,
Дунёни нурафшон қилди жамалак.
Ақлимни олди сенинг шаҳло кўзларинг,
Бизга зарур бўлди сўйлар сўзларинг.
Сўйласанг, сўйламасанг омон бўл, дилбарим.

Очилиб товланар тоза гулларинг,
Қабоғингни чертма вафоли ёрим,
Подшо бўлсам обод менинг шаҳарим.
Элатимга мен ҳам бирга борарман,
Мен кўнглимни сенга айтиб турарман.

Бўлмасин кўнглингнинг, дилбар, ғубори,
Сендай ёрнинг мен ҳам бўлган хумори.
Сени кўрдим, кетди юракнинг чери,
Сен бўлгин-да мендай шунқорнинг ёри.

Паризодсан, мени номард билмагин,
Тириклай жонимни ўтга солмагин,
Суягимни ёқиб яксон қилмагин,
Бул аҳволда мени сарсон қилмагин,
Бир гул эдим, дилбар, бўстон қилмагин,
Не бўлса куймасин биздан думоғинг,
Ўйнаб-кулар ажаб давронли чоғинг.

Бу сўзни Соҳибжамол эшитиб, Раънонинг сўзини қабул қилиб, кўнглида гинани ташлаб, ҳақиқати ошиқ билиб, буларнинг бир-бирига эътиқод қилганини Қора дев кўриб, Қора дев бу қилган хизматига

пушаймон қилиб, “баччағарга бекор олиб келиб бердим. Ўзим кўриб юрадиган қиздан айрилиб қолдим”, деб бул фикрда эди. Олтиндан бир тахт ясатди. Шунда қимматбаҳо тошлардан олиб, олтин-кумушлардан ёнига солиб, Соҳибжамол билан Раъно тахт устига чиқиб ўтирди. Шунда Раъно Қора девга қараб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Қани, кел, дев, менинг кўнглим хушлагин,
Таманно юртига мени бошлагин.
Неча йиллар, неча ойлар ўтибди,
Мени тақдир шу кулфатга элтибди.

Ота-энам қонлар йиғлаб ётибди,
Ёлғиз фарзанд бошин олиб кетибди.
Тирик ғойиб бу дунёдан ўтибди.
Келгин, сен Қора дев, бўлгин хизматкор.

Таманно шаҳрига сен мени еткар,
Йўлга интиқ менинг ота-энам бор.
Ўз юртимга менинг кетмагим даркор,
Дилбар ёр кетмакни қилди ихтиёр.

Қанча амалдорлар менга интизор,
Бориб подшо бўлсам кўнглим жўш урар.
Бу сўзларни девга Раъно гапирди,
Раънонинг ихтиёрин ул замон билди.

Ҳавога учиб тахтни бул дев кўтарди,
Оқшом, кундуз демай бундан кетарди.
Кўтариб осмонда кетиб боради,
Ер юзин тутган сувни кўради,
Ярим кеча кўкда кетиб боради.

Сухангул ёдига тушиб шул замон,
У сувга қаради боври эзилди,
Баландда Раънонинг кўнгли бузилди,
Дарё ёқасида бир шаҳар кўрди.

Дарёнинг устида кўшки мунаққаш,
Ул кўшкидан ёруғ чиқиб турибди.
Қандай кўшки, деб Раъно сўради,
Соҳибжамол бунга жавоб беради.

Сухангул ёрингнинг кўшкиси, деди,
Кўшкига, эй Раъно, тушгин, деди.
Қора девга ул замонда буюрди,
Эшитиб Қора дев пастлаб учади.

Кўшкининг қошига яқинлаб борди,
Ул кўшкига дев тахтни қўндирди.
Ичкарида муни Сухангул билди,
Қулоғига ажаб бир шобир келди.

Хабар ол, деб канизларни буюрди,
Канизлар шул замон далага чиқди,
Буларни кўрди-да, изига қайтди,
Сухангул қошига чопқиллаб етди:

"Бувишим, бу ерга меҳмон келибди,
Бир қизман, бир йигит мунда турибди.
Икковининг ҳусни ойдан ғолибди[р],
Бир дев унинг хизматинда бўлибди.

Олтин тахтга миниб мунда келибди,
Биз билмаймиз, шундай одам турибди".
Бу сўзни эшитиб Сухангул кетди,
Буларнинг қошига тезрок етди.

Соҳибжамол билан Раънони кўриб,
Ақли кетди шул замон беҳуш бўлиб,
Ўлиб кетган хоним кепти ахтариб,
Сув тагида неча кунлар макон қип,
Фалакнинг зулмидан биздан жудо бўп.

Бу сўзларни шунда Гулсухан айтди,
Сухангулнинг Раъно қўлидан тутди.
Ул Қора дев ташқарида қолибди,
Ичкарига булар равон бўлибди.

Йиғлайди бир-бири тарзига қараб,
Кулли ёмон ўтган кунларин сўраб.
Айрилишиб, тағи қайтиб келибди,
Олис бир-бирига якин бўлибди.

Буларнинг олдига дастурхон ёзиб,
Турли таом канизлари келтириб.
Қирқин қизлар хизматида бўлибди,
Сухангулнинг буюрганин қилибди.

Қайтадан дунёга келгандай бўлиб,
Бир-бирининг кўнглини кўтариб.
Бошдан ўтган кулфатини гапириб,
Неча алвон турли таом келтириб,
Қанча ўтган мушкул ишни битириб,
Буни худо бир-бирига еткириб,
Бошдан-оёқ кўп савдони ўтказиб.

Булар бу ишратда ўтирсин, Сохибжамолнинг канизлари мўлжали битиб уйқудан уйғонди. Қизлар уйқудан туриб кўрди, ётган тахтида Сохибжамол йўқ. Қараб ҳеч нишон топмай Сохибжамолдан, отасига билдирайик, деб кўрқа-кўрқа Оқилхоннинг давлатхонасига келиб. Оқилхонга арз қилиб, Сохибжамолнинг йўқ бўлганини билдириб турган экан:

Бунда йўқ бўлибди шоҳнинг қизи,
Келиб билдиради қиркин канизи,
Ўртада йўқ бўлгти соҳибтамизи,
Ҳеч ерни қидириб дарак билмадик.

Биз уйқудан туриб уни кўрмадик,
Кетган ёғин бизлар англаб билмадик.
Кунба кун авж олар подшо камолинг,
Билмасдик қайда кетди Сохибжамолинг.

Қирқин қизлар бунда колди оҳ уриб,
Билмам, Сохибжамол қай ерга бориб.
Биз қайга борайик энди қидириб,
Бўлган сўзни, шоҳим, сизга билдириб.

Неча сўзни қизлар бунга гапирди,
Қизларнинг сўзини Оқилхон билди.
Аччиғланиб бунда ўрнидан турди,
Окилхон турди-да, добилни урди.

Добилнинг довушин барча эшитиб,
Парилар лашкари бари йиғилди.
Подшосин қошига ҳаммаси келди,
Булар йиғилганин Оқилхон кўрди.
Лашқарин ҳар шаҳарга буюрди:

– Осмоннинг остини қолмай изланглар,
Душман кўрсанг кесиб боврин тузланглар!
Ўттиз минг буюрди Яман тарафга,
Ўн минги жўнади Ясар тарафга.
Боз ўттиз минг лашкар бундан жўнади,
Тўшлик билан ул Хўтон тарафга.

– Кун чиқарман кун ботишни кезинглар,
Бир соатда баринг қараб келинглар.
Ҳеч ер қолмасин-да, излаб билинглар,
Соҳибжамол йўқди[р], хабар олинглар!

Бу сўзларни энди Оқилхон айтди,
Пари-жиндан лашкарини жўнатди.
Ер юзига булар ёйилиб кетди,
Ер юзини қолмай булар қарабди.

Ер юзини қолмай булар қарабди,
Парилар олдида мазгил яқинди[р].
Кўриб ўтди одамзод юрган элни,
Ул одамзод юрган шаҳарни кўрди.

Бир соатда қараб тополмай борди,
Ҳар шаҳарга кетган лашкари келди.
Келганлардан қизин сўради кўрди,
Ҳеч қайсиси шоҳнинг қизин билмади.

Оқсоқ пари борди ул лашкарбоши,
Ҳамма лашкар келди, чўлоқ келмади,
Ўзга лашкар йиғилиб бўлди, билмади,
Сохибжамол қайда қолди кўрмади.

Не пиллада чўлоқ жинни етишди,
Келиб бул ҳам шоҳнинг олдига тушди.

Бул чўлоқ чин оша таъбирчин эди,
Келиб кўрганини шоҳга гапирди.

– Дарё ёқасинда бир шаҳар кўрдим,
Бир тарафи кўшки, у ерга бордим.
Биров билан бирга қизингни кўрдим,
Яна қизлар йиғилиб суҳбат тутибди,
Ўтиришиб завқу сафо этибди,
Пойгак бетда Қора дев ҳам ётибди,
Кўрганини бу жин сизга айтибди.

Бу сўзни эшитди ул шоҳи ғолиб,
Шул замон қизига бормоққа толиб,
Мамлакат юртига кўп ғовур солиб,
Ул қора дев келганди вақтин топиб,
Бул ишларни ул бадбахт дев қилганди.
– Бир соатда лашкар билан борайин,
Қора девни ушлаб банди қилайин,
Танин ташлаб, бошин кесиб олайин,
Қани, бориб не кунларни солайин.

Одамзод бўлолмас бизга баробар,
Менинг тенгим бўпти шундайин ишлар.
Чодир-чаман билан унда борарман,
Кўп лашкарман бундан анжом оларман.
Одамзод юртини вайрон қиларман,
Кўрган ерга бошла, дарров борарман.

Бу сўзни шул замон Оқилхон айтди,
Ҳарна бор лашкарин жамлаб турибди.
Чўлоқ жинни бул олдига солибди,
Бошла, деди бунга ғазаб қилибди.

Сиёсатга бунинг ақли шошибди,
Лашкар олдига чўлоқ жин тушибди.
Ҳаммаси дуруллаб осмонга учди,
Бир соат ўтмайин бунда етишди.

Агар кўрсам жоним қурбон қилай, деб,
Паризод канизлар бундан жўнади.

Соҳибжамолнинг ортидан келади,
Ул хабарчи турган ерин билади.
Бир пари олдинда бошлаб келади,
Одамзодлар юрган юртга жўнади.

Бир соатда пари мамлакатидан,
Чиқиб юриб гули гулзор юртидан.
Гулистон шаҳрига келиб қолади,
Раъно боққа келиб қизлар қўнади.

Подшосининг лашкарини кўради,
Оқилхоннинг чодирини қаради.
Оқилхон чодирин бу қизлар билди,
Салом айлаб бариси кириб борди.

Соҳибжамолини бундан сўради,
Оқилхон қизларга жавоб бсради.
Раъно билан кўринг Соҳибжамолни,
Олиб келинг ундайин баркамолни.

Паризодлар шунда кўшкига етди,
Соҳибжамолини кўриб турибди.
Раъноман иккови бирга бўлибди,
Канизлар кулишиб ўйин қилибди.
Одамзодман булам бирга бўлибди,
Отангиз келсин, деб хабар берибди,
Қирқин қизлар бунга ҳамроҳ бўлибди.

Келиб лашкар Раъно боғига тушди,
Қўниб лашкар чодир-чаманни тикди.
Кўринмайди одамзоднинг кўзига,
Йўликкан йўқ бул излаган қизига.

Бир палла канизлар шундай қаради,
Боғнинг ичи жовлик ёруғ бўлади.
Чироқ, машъаллар бу боқда ёнади,
Дубур бор, одам юргандай бўлади,

Қизлар караб ҳеч нимани кўрмади,
Бир аломат дейди, ҳайрон қолади,

Бул аломат, билмам, қандай балоди[р],
Билмаймиз, бул боққа ким келади.
Ҳайрон қолиб қизлар қайтиб боради.

Қизлар буни кўриб қайтди, Сухангулнинг қошига етди. Сухангул билан Раъно иккови гаплашиб ўтирибди. Соҳибжамол қошида кўрпада ухлаб ётибди. Шул вақтда қизлар: "Мана боғ, ховлинг ёруғ бўлибди", – деди. Раъно билан Сухангул буни эшитиб туриб қаради. Айтмаса, боғнинг ичи ёп-ёруғ, юлдуздай чироқ ёқилган, боғнинг ичи чироққа тўлган, одам юргандай бўлган. Раъно билан Сухангул нима эканини билмади. Соҳибжамолни ухлаб ётган еридан уйғотди, кўрган воқеани Соҳибжамолга айтди. Соҳибжамол: "Отамнинг лашкари келибди, булар паризод. Буларга тиғ, олмос кор қилмайди, улар билан ҳеч бир одам баробар бўлмайди, уларни милтиқ билан ҳеч бир киши уролмайди, мен бормасам бўлмайди", – деб турди.

Оқилхон лашкарини қўндириб, ўзи бир сўз айтиб турган экан.

Қани, мен қиличим қўлга олайин,
Бу кўшкига ўзим ёлғиз борайин.
Соҳибжамол фарзандимни кўрайин,
Ким об келган, фарзандимдан сўрайин.

Одамларга не кунларни солайин,
Қора девнинг бориб бошин олайин,
Бу шаҳарни ўзим ғалвир қилайин,
Бу шаҳар каттасин топиб олайин,
Уни ушлаб жонин қобиз қилайин.

Бу шаҳар турпоғин кўкка совуриб,
Бу сўзни айтиб ул Оқилхон жўнади.
Ёлғиз ўзи лашкардан чикиб кетди,
Аста-аста юриб кўшкига етди.

Эшикнинг кетига бориб турибди,
Эшикни очиб Соҳибжамол чиқибди.
Шунда турган отасини кўрибди,
Отасини кўриб ул Соҳибжамол,
Ул уялиб ерга қараб баркамол.

Отаси шул замон қизини кўрди,
Йиғлама, деб унинг кўнглин кўтарди.

Бул шаҳарнинг бунда каттаси борди[р],
Ҳали мен қиларман унга хабарди,
Бунда сени қандай жонзот еткарди.

Менга айтгин не ишларни қиларман,
Олов қўйиб бу ерни куйдирарман.
Бу шаҳар барчасин вайрон қиларман,
Одамзод тухмини қўймай қирарман.
Кўп қабоҳат ёмон кунлар соларман,
Қайси душман, айтгин бошин оларман.

Излаб келдим, болам, хафа бўлмагин,
Сени излаб бунда, болам, келдим мен.
Қандай одам бизнинг билан бўлар тенг,
Болам, энди лодон кўнглинг бўлмагин,
Мусофир бўлдим, деб хафа бўлмагин.

Иш кўрсатиб бу ерлардан кайтаман,
Сени олиб ўз юртимга етарман,
Кўргин, болам, не иш қилиб қайтаман,
Ҳарна деганингни мен эшитаман,
Эшитиб не ишлар қилиб кетаман.

Сени кўрдим, менинг кўнглим бўлар шод,
Бу ерларга солай шундай қиёмат,
Мендан нишон колсин бирор от,
Ҳозир менга ортиқ бирор маломат,
Одамзоддан парига етмас заҳмат.

Бу сўзни Соҳибжамол эшитиб, отасининг каҳри келганини билиб, Раънодан ўзининг кўнгли тўлибди. Эшикнинг ичкари бетига Раъно ҳам келибди. Соҳибжамол отасига нима дер экан, деб тинглаб турибди. Бул отасига Раънони таъриф қилиб, бир сўз айтиб турган экан:

Аввали Қора дев мени келтирган,
Эрлигини Қора девга билдирган,
Ҳарна деганига девни кўндирган,
Оти Раъно – Таманно юртдан келган.

Отаси Темуршох ул подшо бўлган,
Аслзода ўзининг авлоди келган.

Неча эрлар бунинг хизматин қилган,
Таманно юртидан бош олиб чиққан.

Билинг, Рустам билан Жамшидни йиққан,
Донгғини эшитган душманлар қўрққан.
Шул эрнинг тилиман мени келтирган,
Ҳозир келиб турган ерим шул бўлган.

Бул ишлар ўзимдан ихтиёр қилган,
Бу юртлар каттаси бехабар қолган.
Ота, сизни бул қизинг ҳурмат қилган,
Кўрганини бугун сизга гапирган,
Ҳар гап бўлса бунда ишин битирган.

Шул кўрган кундайин подшолик даврон,
Сизга сўз айтгувчи моҳи хиромон.
Оти Раъно, билинг, бу суювга ниҳон,
Раънодан ҳикоя бошлаб шул замон.

Қизининг кўнглини отаси билган,
Бурунги аччиғидан пасанда бўлган.
Соҳибжамол ўзи ихтиёр қилган,
Оқилхон кўнглига шундайин келган.

Соҳибжамолнинг сўзини эшитиб, отаси ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Қизининг раъйини Оқилхон билиб,
Раънони гапирди кўп таъриф қилиб.
Болам, сенинг тақдиринг кетган экан, деб,
Киромин котибин битган экан, деб.
Одамзод ақлингни элитган экан, деб,
Одамзодман завқинг битган экан, деб,
Хаёлингни бежай элтган экан, деб,
Неча сўзни сенга айтган экан, деб.

Оқилхон аччиғи тарқади кетди,
Бурунги раъйидан бул подшо қайтди.
Салом бериб Раъно чиқди эшикдан,
Саломини алик олди Оқилхон.

Соҳибжамол билан баробар турди,
Раънобекнинг ҳусни – камолин кўрди.
Қизидан жамолин зиёда билди,
Бу Раънони кўриб балки қувонди.

Оқилхон шу замон изига қайтди,
Парилар юртига хабар жўнатди.
Хабар олиб бунда жўнади-кетди,
Бир соатда пари юртига етди.

Бўлган ишни бир-бир хабар қип,
Бул хабарни канизлари эшитди.
Паризод канизлар йўлга тушибди.
Хабар қилди, бунда турмай борай, деб,
Соҳибжамол бувишимни кўрай, деб,
Қандай одам опти, буни билай, деб,
Тағи бориб хизматида бўлай, деб.

Канизиман бир тарафда Сухангул,
Буларнинг ишқида сайрайди булбул.
Булар билан турибди Раъно ул,
Ўнг кўлида канизларман Сухангул,
Чап қўлида паризодлар буни бил.

Ҳаммаси ранг-баранг юриб боради,
Паризодлар чодирига киради.
Кириб Оқилхоннинг энди қошида,
Ҳаммаси шул замон бунда ўтиради.

Ҳар қайсиси билганини гапирди,
Сухангул ўрнидан туриб жўнади.
Бул орада кўп гаплар бўлади,
Бул ишларни отам билмай қолади,
Бориб хабар берсам яхши бўлади,
Бул сўзни айлаб бул Сухангул жўнади.

Пойтахтга бориб қолди Сухангул,
Сўз айтайин, жоним отам, буни бил,
Бир ажойиб қизиқ бўпти бизнинг эл,
Бизнинг билан ул чорбоққа бирга юр,
Парилар подшоси келди, бориб кўр.

Ажойиб ўйинлар бу ерда бўлган,
Кўрганлар айлайди жонини қурбон.
Парилар подшоси бўлибди меҳмон,
Бул ишдан бехабар қолма, отажон.

Бизлар билан, ота, бирга бўлингиз,
Амалдор барига хабар қилингиз,
Қани, ота, меҳрибоним, юрингиз,
Шунча иш орадан ўтди билмабсиз,
Бир бурилиб боққа назар солмабсиз,
Қизиқ томошани ҳавас қилмабсиз.

Сухангулдан шоҳи Кайвон эшитди,
Эшитган сўзини қулоққа тутди,
Қанча амалдор барини йиғиб,
Ҳаммалари заррин сарполар кийиб,
Гули Раъно чорбоғига жўнади.

Амалдорлар мана етиб келади,
Бул чорбоққа келиб энди киради.
Оқилхон қошига ҳозир бўлади,
Подшо бир-бирини иззат қилади.

Парилар подшосин келиб кўради,
Неча кунлар кулги, ўйин қилади.
Шоҳи Кайвон бу Раънони кўради,
Гулсухан раъйи қилганин билади.
Тўй қилиб қизини бермак бўлади,
Ҳуснин бу қизлардан ғолиб кўради.

Эшитади Раънобекнинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини.
Ақли бор чайнайди гапнинг тузини,
Икки подшо бермак бўлди кизини.

Қизларининг бунда кўнглин хушлашиб,
Икки подшо бунда тўйни бошлашиб,
Танга, дунё сарфлаб тўйни беради,
Танга-тилла бошдан сочиб туради.
Эли халққа яхши тўй қип беради.

Бурунги ғуборлар кетиб кўнглидан,
Ёмон кунлар кўтарилсин дилидан,
Зикри сано айтиб қизил тилидан,
Неча кунлар бунда подшо тўй берди.

Тўйлар тарқаб, ул куни охир бўлиб,
Мабодо тағи жойлар тузатиб,
Икки подшо бунда қизини узатиб,
Соя парда қилиб бул жойда турди,
Маҳофага канизларман ўтирди.

Қанча амалдорни бул сардор қилиб,
Бирга бор, деб шоҳи Кайвон буюрди.
Неча ул санамлар бирга бўлади,
Таманно шаҳарга қараб жўнади.

Гулистон шаҳридан ёрни узатди,
Хушлашиб Оқилхон юртига қайтди.
Бериб қизин шундайин баркамолга,
Паризодлар бирга бўлиб боради.

Қизин бериб, кўринг, Сохибжамолни,
Бул ўлкадан қайтди подшоҳи Оқил,
Дунёда ишлардан бўлмайди ғофил,
Одамзодга қизи кетиб мусофир.

Олти юз одамга тайин қилади:
– Таманно шаҳрига бирга боринглар,
Олис эмас, ул ҳам яқин, билинглар,
Ул Раънони Таманнога сткизиб,
Отасига омон топиш қилинглар.

Раъно бир эр экан, мен ҳам билмадим,
Илгарида бундан хабар олмадим.
Отаси интиғу интизор бўлган,
Неча марта менга хатлар юборган.

Ундай одам йўк деб хабар берган,
Сухангул илгари хабар қилмаган.
Подшоликда мен ҳам буни билмаган,
Келган хатга тўғри жавоб бермаган.

Мен илгари Сухайгул ишин билсам,
Темуршоҳнинг хатин ўқиб кўрардим.
Мамлакатни тафтиш қилиб сўрардим,
Отасига яхши дарак берардим,
Топиб ўғлин юртига юборардим.
Бул ишларни янгитда кўриб билдим,
Ўтган савдо, мен ҳам пушаймон қилдим,
Сардорларим, сенга бу сўз гапирдим.

Раънобекка яхши хизмат қилинглар,
Таманнога тайин бошлаб боринглар.
Зиёрат кип Темурхонни кўринглар,
Ҳарна сўз сўйласа, жавоб беринглар.

Таманно юртига бирга киринглар,
Худо берса, шоҳдан инъом олинглар.
Темурхон деган шундай зўр подшо,
Бориб қилинг ўрдасини томоша.

Қилиб борган хизматингни билади,
Сенга қанча дунё инъом беради.
Элу халқи ўз иззатин қилади,
Сизлардан жудаям рози бўлади.
Олиб борсанг бекнинг кўнгли тўлади,
Подшолик ҳурмати шундай бўлади.

Неча вақт айрилган жону дилидан,
Кўрмайин айрилган ёлғиз улидан.
Зор йиғлаб юртида шоҳлик қилганди,
Ўзин ҳар ерларга жавлон урганди.
Болам, деб ҳам қонлар ютиб юрганди,
Ҳурмат қилиб боргин шундай султонди,
Улуғлар иззати шунча бўлганди.

Бундан хушлашиб, парилар лашкари канизларни Соҳибжамолга ҳамроҳ қилиб: "Одамлар юртида юрарсизлар, бориб-келиб турарсизлар. Таманно юрти қандайлигин бориб кўрарсизлар, бўлган вокеани бизга маълум қиласизлар", – деб қиз билан хушлашиб, подшо аскари бари ўз юртига қайтиб кетди.

Шоҳи Кайвон от яроғ-асбоби билан олти юз одам қўшди. Қиркин канизлари билан Гулсуханни узатиб, ўғли йўқ – ёлғиз фарзанд, кўнгли

бузилиб, бағри эзилиб, ўз юртида қолди. Ҳар кўчалар одамга тўлди. Подшоларнинг қизини узатувда кўп қизиқ ўйинлари бўлди. Ҳар ким борган томошани кўрди. Эшитган одам бари борди. Эшитганлар билмаганга хабар берди. Қиз-хотинлар бари келди. Карнай-сурнай торттириб, ўйинчи, наъмагарларни йиғдириб, шаҳар ичига тўлдириб, ҳаммани томошага кулдириб, хушлашиб, омонлашиб, шаҳардан чиқариб қайтди. Раъно олти юз одам ёв-яроғлилар олдига тушиб, энди ўз юртим қайдасан, деб икки ойни олиб, димоғи чоқ бўлиб кетиб бораётган ери экан:

Шукур Ҳақнинг даргоҳига,
Таманнода бино бўлдим.
Сўнгра бул дунёга келдим,
Неча вақт мактабда юрдим,
Яхши илмлар ўргандим.
Отам кетди Аймоқшоҳга,
Подшо бўлиб элда турдим.
Отам келди чиқдим овга,
Миниб мен ҳам бир бедовга,
Тушиб бошга ажаб савдо,
Бир гумбазни макон қилдим,
Чилтанлар суҳбатин кўрдим,
Чирмашиб анча гапирдим,
Мен дардимга даво кўрдим.

Яна қайтиб элга бориб,
Бир юз одам ҳамрох бўлиб,
Мен уларга жавоб бериб,
Неча вақтлар ёлғиз юриб.

Бир бобони йўлда кўрдим,
Неча сўз унга гапирдим,
Ихтиёрим, холим бердим,
Бобом раҳбарлигин кўрдим.
Мен ҳам сўзидан суюндим,
Ўзимни чорбоқда кўрдим.

Ҳаққа етди менинг зорим,
Қизиқ бўлганди бозорим,

Тар очилган гулузорим,
Чорбоқ ичра келди ёрим.

Неча кунлар даврон бўлди,
Қайта бошдан жудо бўлдик,
Бир қаландар гадо бўлдик,
Кулоҳ кийиб "Шайдулло" деб,
Қозоқнинг шаҳрига бордик.

Бир қассобга саллоҳ бўлдим,
Бор эдим, шундай йўқ бўлдим,
Мен ёрим деб интиқ бўлдим,
Қозоқ юртдан топиб олдим.
Бирга кеп дарёга солдим.
Ўн уч ой дарёда юриб,
Тағи ёрдан жудо бўлдим.

Ўлмайин дарёдан чиқиб,
Ер юзини тағи кўриб,
Жиннинг подшосин ўлдириб,
Нечовларни озод килдим.

Ундан ўтиб боз йўл юрдим,
Кўп тоғу йўлларни кўрдим.
Қора девман ошна бўлиб,
Соҳибжамол ёрни олдим.

Мен шаҳрима талаб килиб,
Қора дев тахтни кўтариб,
Қайтадан ёримни кўрдим.
Ёнди бахтимнинг чироғи,
Кўтарилди ҳижрон шаби,
Бўлибман бунда кавкаби.
Ошиғи дилдорим кўрдим.
Икки ёр билан ўтирдим,
Икковини ошно кўрдим,
Икки дилбаримни излаб,
Худога ёлбориб бўзлаб,
Ўлувдим, мен ҳам тирилдим.
Мамлакатни эсима олдим,

Ота-энам, деб ўксиндим,
Борсам, деб ихтиёр қилдим.

Неча йўллар кезиб кстди,
Неча Аскар тоғдан ўтди.
Гоҳи қўниб, гоҳи юриб,
Ўз юртига яқин бориб.

Юз одамга жавоб бергай,
Бориб чорраҳага қўнган.
Ҳаммаси бунда дам олиб,
Шул куни оқшом бўлиб.

Шунда эрта-мертан тонг отди, ўқиди намози бомдодди, фотиҳани юзига тортди, битди бир хатни. Ўн тўрт одамни айириб, бу хатни бериб, ўн тўрт махрамни илгарида жўнатди. Булар кейиндан йўлга тушиб бораяпти. Бизни элчи қилиб жўнатди, деб булар қичаб кетаётир:

Элчилар қичаб йўл тортди,
Бизларга топширди хатди.
Бундан бурун еткизайик,
Бу хатда битган не гапди.

Бу хатни отаси кўрсин,
Не гап бўлса ўқиб билсин,
Нима қилса ўзи қилсин,
Ҳаялламай еткирайик,
Хон ҳожатин еткизайик.

Бедовларга қамчи босиб,
Қистаб юрар бўл-ҳа, дейшиб,
Таманнога кир-ҳа, дейшиб,
Қандай шаҳар кўр-ҳа, дейшиб.

Элчилар қичаб йўл тортди,
Кўп терлатиб минган отди.
Таманно шаҳрига етди,
Жиловхонада тўхтатди.

Беклар атрофин олибди,
Билмайди қайдан келибди.

Ёнидан чиқариб хатни,
Бир махрамга узатди.

Маҳрам олиб битган хатни,
Темуршоҳга олиб кетди,
Бориб подшохига тутди,
Ўкиб кўрди шундай хатни.
Яқинлаб келган бекзодди[р],
Хатини кўзига суртди.

Пойтахтдан югуриб тушиб,
Подшо энди ақли шошиб,
Ўғлининг хатини кўриб:
– Элчиларга хизмат қил, деб,
Амалдорсан, баринг кел, деб,
Раъно тўранг келди, бил, деб,
Ҳамманг бирдак пешвоз бўл, деб.
Боғда очилган гулим келди,
Менинг жону дилим келди.

Беҳуда тўкиб кўз ёшим,
Фалакни ўртаб койишим,
Худога етди нолишим,
Менинг жону дилим келди.

Жавоб олиб шикор кетган,
Ёр йўлида жавлон этган,
Ёрин излаб конлар ютган,
Қадрли карвоним келди.

Бу сўзни айтиб Темурхон,
Бу юракдан кетди армон,
Яқин келибди Раъножон,
Пешвоз чиқинг беги-султон.

Ҳаммалари миниб отни,
Чиқиб кўрмакчи бекзотни.
Кўчаларга одам тўлиб,
Ҳар кимга хам борди хабар,
Раъно билан кўп амалдор,

Паризоду сатта қизлар,
Дарвозага ул ҳам етди.

Отасини кўриб Раъно,
Ўзини отдан ташлабди.
Кўринг шунда Темурхонни,
Болам, деб бағрига босди.

Бу фарзанди ширин жонди[р],
Бари билан кўришганди,
Паризодлар боришганди,
Бориб ўрдага тушганди.

Раъно келиб элга омон,
Қариндошининг бари келган.
Энаси бағрига босиб,
Кўрдим сени, болам, деган.

Раъно бунда элга келиб,
Отаси юртга тўй бериб,
Икки ёрман ўйнаб-кулиб,
Қайтадан юртини кўриб,
Тўю-томошалар қилиб,
Қилган тўйи охир бўлиб,
Ота юртга подшо бўлиб,
Темурхон тахтидан тушиб,
Раънони тахтга миндириб,
Келиб бунда подшо бўлди,
Мурод-мақсадига етди,
Келиб кўриб элу юртни.

ОШИҚ ҒАРИБ

Достон

Айтувчи: **Фозил Йўлдош ўғли.**
Ёзиб олувчи: **Маҳмуд Зарифий.**
Нашрга тайёрловчилар: **Маматқул Жўраев, Мунис Жўраева, Зуҳра Йўлдошева.**

Қадим ўтган замонда Шоҳасан подшо ўтди. Неча вақт подшолик даврини суриб ётди. Қанча амалдор, сипоҳи олдида хизмат қиларди. Кунлардан бир кун бир туш кўриб, амалдорларига гапириб турибди:

Шоҳасан дер, эшит айтган нолишим,
Кеча ёмон кўрқитди кўрган тушим.
Неча шаҳарлардан олардим божим,
Бошимдан ҳавога учганди тожим.
Келиб менга чангал солди у лочин,
Қилолмадим ул лочиннинг иложин.
Келмади лочинга менинг қувватим,
Бул тушимда кетди барча давлатим.
Тушимда йиқилди қурган работим,
Хафа бўлдим, кўпдир жами кулфатим.
Бу тушни кўрдим-да, нам тортиб ётдим,
Кўплар ойлар ғамларга ботдим.
Бул юзим сарғайиб, кўп жафо тортдим,
Бу кўрган тушимдан ўксиниб кетдим.
Шундан бери ўйлаб, кўп жафо чекиб,
Бул тушимди энди сизларга айтдим.
Ўртаниб танимга ўт тушиб кетди,
Мен билан турган амалдор беклар,
Бу тушнинг таъбири қандай бўп кетди?
Шундан бери сабру қарорим йўқди[р],
Билмадим, шоҳингнинг ҳоли не бўлди.

Бу сўзни эшитиб амалдор, беклар бир-бирига қараб, нима десак экан, деб ўйланиб, яхши десак бунинг туши яхши тушга ўхшамайди, ёмон десак ҳаммамизнинг каттамиз, бир мамлакатни сўраб турган, бир нечаси шибирлаб: "Бунинг кўнглига ғам тушибди, гапириб, сўнгра бизнинг гапимиз ёлғон чиқиб, уялиб юрганимиздан кўра, нима бўлса бўлар, таъбиридан кўрар, тўғрисини айтайлик", – деб амалдорлар бу сўзларни айтиб турган экан:

Тушингнинг таъбири, султоним ёмон,
Бизам қўрқиб қолдик сенинг тушингдан.
Сенга қасд айлаган, билдик, бир душман,
Душманинг зўр, сенга бермайди омон,
Тушингнинг таъбири жудаям ёмон.
Ақли етмас бу сўзларга бир неча,

Шаҳрингни қамайди подшо шербачча,
Сендан зўрди[р], билгин, қуввати анча.
Наъра тортиб сенга қараб тикилар,
Зарбасидан қоматларинг букилар,
Синиб тожинг ул кун ерга йиқилар,
Тушингнинг таъбири шундай, Шоҳасан.

Нима қилсанг ўзингдадир ихтиёр,
Амалдорлар айтди, ёмон кўрмагин,
Зўр ёв отланибди сенинг қасдингга,
Ғамингни е, сира беғам бўлмагин.
Лашкар келиб қолар сенинг устингга,
Одам тўлиб баланд минан пастингга,
Чукур қилган олам сенинг қасдингга,
Қайга борсанг сени қувлаб тутади,
Қўлга тушсанг тўпга солиб отади.
Келса мамлакатни бузиб ётади,
Элу халққа жуда зарби етади,
Бу давлатинг, хоним, қўлдан кетади.
Подшо бўлиб манов юртда турасан,
Айрилиб юртингдан ғариб бўласан,
Тушингнинг таъбири шундайдир, шоҳим,
Мен билмайман қайси юртга борасан,
Тақдирда борини энди кўрасан.
Шоҳасан, сен айтдинг кўрган тушингни,
Тушингнинг таъбири шундай биласан.
Амалдор, сипоҳи мунда йиғилди,
Эшитиб шунда маслаҳатни қилди,
Тушингнинг таъбири шундайин бўлди.

Бу сўзни эшитиб энди Шоҳасан,
Жами амалдорнинг кўнгли қабарган.
Кўнглида ўйлаб Шоҳасан айтди:
– Андиша қилмади, бул ёлғон айтди,
Бул шаҳарга қандайин жон келади?
Давлатимни қандай одам олади?
Тушнинг таъбирини булар билади?!

Шундай бўлиб шоҳ мулкида турди,
Кўп лашкарман бир кун шербачча келди,

Шоҳасан қўркқани ўртада колди.
Қандай одам бўлса қувиб етади,
Шоҳасан юртини тутун тутади.
Неча вақтлар шундайин қамаб ётди,
Беҳуда кўп одам бул ўлиб кетди.
Ҳарчанд айлантириб кўрди Шоҳасан,
Келиб юртин босиб қолган зўр душман.
Шоҳасан ҳам кўрди душман ишини,
Нечовларнинг қўйдай кесган бошини.
Шоҳасанман бўлолмади баробар,
Кам-кам қўлдан кетаберди ихтиёр.
Шоҳасан ҳам энди зўр ёвни кўриб,
Жони учун отаверди одимлар.
Шоҳасан ўйлади, шундай қаради,
Энди мунда турса тайин ўлади,
Ўлгандан қочганни яхши кўради,
Шоҳасан юртидан қочиб жўнади.
Суянган подшоси қочди шаҳардан,
Ҳарна давлат ёв қўлида колади.
Молу мулки, подшоликдан айрилиб,
Бир бошин опқочиб бундан жўпади.
Даф этолмай мунча келган кишига,
Шоҳасан куяди тақдир ишига.
Давлатдан айрилиб ғамгин бўлади,
Жон ширинда, ёлғиз бошин қуткариб,
Шоҳаббос мулкига қочиб келади.
Фалак титрар Шоҳасан нолишига,
Келди Шоҳаббоснинг ул куп қошига.
Шоҳасанни кўриб ҳолин сўради,
Аввал кўрган тушин таъриф беради.
Подшоликдан бекор бўлиб қолганди,
Шоҳаббосга бул суяниб келганди.
Шоҳаббоснинг давлатида турганди,
Неча вақтлар юриб сирдош бўлганди.

Шунда Шоҳаббос подшо “Бизга суяниб келибди”, деб бир яхши обод жойни кўрсатди. Мулкига, қолган давлатига ул ёв эга бўп кетди. Шоҳасаннинг кўрган куни хафаликда ўтди. Ёвнинг қўлида колган хотини Шоҳаббос мулкига сўроқлаб, Шоҳасанни топиб, булам кепти, иккови Шоҳаббоснинг берган ерида ватан-рўзғор тутиб ётди.

Кунлардан бир кун Шоҳаббос подшо айтди: “Бизда фарзанд бўлмади. Биз юртимизда эгалик қилиб турибмиз, бул Шоҳасанам биздай подшо эди, ҳарна бор давлатидан айрилиб келди. Булам биздай, ул-бул деб айналадиган фарзанди йўқ экан, элга, подшоликка мағрур бўлган. Энди бизнинг подшоликка келиб, эл орасида айналиб билмай турибди, шуни чақириб олиб, вазирлик ихтиёрини шунга берсак, бизнинг давлатимизда вазир бўлиб кун кўрса яхши бўлар”, деб ўйлади.

Шоҳаббоснинг бул сўзи қошидаги одамларигаям маъқул тушди. Шоҳасанни чақириб келиб подшонинг вазирлик ихтиёрини Шоҳасанга бериб, Шоҳасан юртини ёвга олдириб, Шоҳаббоснинг қаватида вазирлик қилиб турди. Неча вақт орадан ўтди. Икковининг ҳам бефарзандлиги кўп дард қилиб кетди. Кунлардан бир кун иккови бирга ўтириб Шоҳасанга караб Шоҳаббос бу сўзни айтди:

Бу давлатта бизлар подшо бўламиз,
Дунёдан бефарзанд ўтиб борамиз.
Баҳор бўлса тол баргини йиғади,
Бойларнинг йиққани қизил мояди[р].
Сенам мендай бефарзандсан, Шоҳасан,
Худо биздан бир фарзандни аяди.
Кундуз подшолигим давлатим сўраб,
Оқшом ҳолим қочар ҳовлимга караб.
Ота дерга бирор қизим бўлмади,
Бу давлатга фарзанд эга бўлмади.
Гоҳ купларда дилтанг бўлдим сарғайиб,
Шул аҳволда ўтиб кетсак дупёдан,
Харна давлат мунда бўлар бесоҳиб.
Подшом, деб андиша қиларми юртим,
Фарзандсизман, чивинча йўқ қувватим.
Мен ўлсам ким сўрар мана юртимни,
Ким билади юракдаги дардимни.
Халқ айтади не армони бордир, деб,
Подшолик шавкати бунинг зўрдир, деб.
Халк билмайди мендан ўтган кулфатни,
Нима қилай эгаси йўқ давлатни.

Шоҳаббосдан бу сўзларни эшитиб Шоҳасан ҳам икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ғамгин бўлиб хафа бўлма, Шоҳаббос,
Ҳам қўлимдан кетган тожу давлатим,

Мендаям йўқ, шоҳим, сендай фарзандим.
Худога ёкмайди қилган қисматим,
Кўпдир мснинг бошдан ўтган кулфатим,
Гапирма, Шоҳаббос, кўп менинг дардим.

Ғамни қўйгин, энди Ҳаққа йиғлайлик,
Яратгандан энди фарзанд тилайлик.
Улу қизни худо берса бизларга,
Икковимиз қуда бўлиб юрайлик,
Иттифоқ бўп юртни сўраб юрайлик,
Бебурт бўлсин халқ ичида халойиқ,
Сепики ул, меники қиз демайлик,
Шундай кип ҳожатни Ҳақдан тилайлик.
Нафи йўқ войимди нима қилайик?
Подшо, вазир бирдай десин халойиқ,
Шул сўзга, Шоҳаббос, омин қилайлик.
Ҳазил билма мундай тилакли сўзди,
Худо берар бизга ул билан қизди,
Шоҳасан сўйлади, подшойим, сўзди.

Бул сўзларни бир-бирига айтиб, бефарзандликдан ғам тортиб, бекор ғамнинг ҳеч фойдаси йўқ, деб кўнглини ўзи кўтариб, шул Шоҳасаннинг сўзини маъқул билиб йўқ фарзандга қўл кўтариб фотиҳа қилиб: "Агар худо икковимизга ул берса дўст қиламиз. Биримизга ул, биримизга қиз берса, сен подшо, мен вазир демаймиз, икковимиз қуда бўламиз", – деди. Нияти шундай бўлиб юрди буларнинг. Неча вақт орадан ўтди. Бир кунларда подшонинг хотиниям, вазирнинг хотиниям ҳомиладор бўлдилар. Ойдан-ой, кундан-кун ўтиб, буларнинг ойи-куни якин етиб, орадан тўққиз ой-тўққиз соат ўтиб, вазирнинг хотини ул туғди. Эртасига подшонинг хотини қиз туғди.

Бефарзандликдан ғам тортиб юрган одамлар қувонганларидан этаги айрилиб, юраги ёрилиб қолди. Вақтихушлигига халойиқни йиғиб неча кун тўй қилди. Подшо қизининг отини Шоҳсанам қўйди. Вазир ҳарён ўйлаб кўрди, вазирлик подшоликнинг жойини босмади. "Мен юртимдан айрилган ғариб одамман-да, менинг шу юришимга бир хил от қўйишлик тўғри келмайди, мусофирчиликда, ғарибликда кўрган фарзандим", – деб улининг отини Ғариб қўйди. "Энди бизга ғарибликда берган фарзанд-да" леб, шуйтиб Шоҳасаннинг улининг оти Ғариб бўлди.

Ўзбекчиликда йўлда турган моховни "ғариб" деб айтади. Шоҳасаннинг қўйган отига "ули мохов бўлмай моховнинг номини қўйди", деб

ҳамма халқ кулди. Шоҳасан "ғарибликда кўрган болам" деб шу отни қўйди.

Бу болалар бирдан иккига, учга кириб тилга кириб қолди, сўнгра бир-бирини кўрса, Ғариб билан Шоҳсанам ўйнаб юрадиган бўлди. Булар беш ёшга кирди, икковини мактабга бердилар. Мактабда Ғариб билан Шоҳсанам иккови бирга ўйнаб, ўқиб юравердилар. Шунда Ғариб Санамни кўриб, бу сўзларни айтиб турибди:

Қулоқ солгин айтган дурга,
Санамжон, ўқиймиз бирга.
Ишким кўпди[р] қизил гулга,
Подшодай бўп юрсак элга.
Сен билан кун кечириб,
Ҳамиша бўп юрсам бирга.

Гулистон майдонга кириб,
Бўстон чорбоқларни кўриб,
Ҳамиша сўйлаб гапириб,
Айрилмасдан бўлсам бирга.

Кўрсам қолмайди ғуборим,
Ўзингдадир ихтиёрим,
Ҳар суҳбатни сенга берсам,
Бул ишқинг дунёю молим.

Бул мактабда сирдош бўлган,
Бизлар билан қурдош бўлган,
Бирга юриб йўлдош бўлган,
Балли сенга, Санамжоним!

Бу сўзни эшитиб Санам Ғарибга қараб бир икки оғиз сўз айтиб тургани:

Мен Санамман, бўлдинг Ғариб,
Мен кўзингдан пана бўлсам,
Юрасан мени ахтариб,
Қизлар ичига назар солиб.
Билдим, Ғариб, ўртанасан,
Ўтга ўзингни соласан.
Бул мактабда бирга юриб,

Санамнинг савдоси қолиб,
Айтган сўзга қулоқ солиб,
Ўқимоққа бизлар толиб,
Ўзинг ёшсан, билгин, Ғариб,
Санам дейсан ишқинг солиб,
Енгил бўлма, отам билиб,
Халқ ўртасинда гап қилиб,
Бул мактабда биз юрамиз,
Икковимиз ўйнаб-кулиб.
Қанча ишқинг бўлса менда,
Ичингда сақла, Ғарибжон,
Халққа бўлмагин шарманда.
Отим Санам, қизил гулман,
Чаманда сайрар булбулман,
Ошиқларга жону дилман.
Ғариб, мендан хафа бўлма,
Умрим борди[р] сени дерман,
Вақти билан бўлар даврон,
Кўнглингда қолмас армон.
Мендан шодмонлик кун кўриб,
Санам сенман бирга юриб,
Бу дунёда даврон суриб,
Турса шаҳарлар мавж уриб,
Ошиқу қадрдон бўлиб.

Бу сўзни айтди, шундай бўлиб, иккови бул мактабда ўқиб юрарди. Бир Ғарибмас, икковининг ишқи бир-бирига шундай эди. Ғариб ҳаяллаб келмай қолса, Санамхон йўлга термулиб, ҳаяллаб келмаганига ҳайрон қолиб, дилтанг бўлиб, мулланинг берган сабоғи қулоғига кирмай, икковининг бир-бирига ишқ савдоси ғолиблик қип юраверибди. Мулласи: "Берган сабокни қулоғингга олмайсан, калланг гаранг бўлиб ҳеч нимани билмайсан, боласи қолган сигирдай дам-бадам эшикка қарайсан", – деб койиш қиларди. Ғариб билан Санам бирга бўлса, ўқийдиган жойида мулланинг сабоғини ҳамма болалардан илгари биларди. Мулла кўнглида айтарди: "Бул подшонинг қизи, бул вазирнинг ули, иккови бир бўлса икковининг гапи бир ердан чиқиб қолади, бўлак болалар минан буларнинг ҳеч иши бўлмайди. Булар мартабали, юртнинг эгаси бўп юрган одамларнинг болалари-да, у болаларни ўзига тенг кўрмайди. Бўлмаса, бу қатори ўқиган бола кўп, улар билан гаплашмайдиям, писанд ҳам қилмайди. Бу Ғариб билан Санамнинг



мехри-муҳаббати кўп. Ё мактабда шундай қилами, ё уйида ҳам шундай бўлами?", – деб, буларнинг кўнгли-хаёлини билмайди, ўз ҳавосида гапириб юрарди.

Булар шундай бўлиб юраберди. Шунда бир куни подшонинг вазири Шоҳасан Шоҳаббосга: "Шундай сахроларни бир томоша қилиб келайлик, неча амалдорларни олиб, биз мунда келгандан бери шаҳар ичида умримиз ўтиб бораётир. Ўз мамлакатимизга подшо эдик, мунда келиб вазирлик қиламиз, ҳеч маҳалда вазирлик подшоликдай бўлмайди, ҳарчанд харакат қилганинг билан ихтиёринг бировда, бир тоғу тош сахроларни кўриб кўнглимизни кўтариб келайлик", – деб Шоҳасаннинг подшо билан сайр-шикорга кетаётган жойи экан:

Подшолик давлатда Шоҳасан жойи,
Вазир билан бирга қанча сипойи.
Сипойилар олиб энди ўк-анжом,
Вазир билан бирга бўлиб шул замон.

Вазир ҳамро[х] қилди неча бекларди,
Кўриб ўтар мунда ётган элларди.
Қадди шамшод, ҳусни тоза гулларди,
Томошайлар қамиш сара кўлларди,
Онгни излаб юрди қанча чўлларди.

Минган оти кўрган онгга етади,
Бекларнинг мергани туйраб отади.
Бораётир бир-бирига ёнаша,
Онгни қувса қайтмас ақили шоша.
Чиқиб қилсак дейди тоғди томоша,
Бораётир қулон, кийик излаша,
Яқинлади энди токка тармаша.

Беклар қарар Ҳасанбекнинг ишига,
Қушини солмайди тоғнинг тошига.
Мамлакатни бир томоша қилай, деб,
Вазир чиқмокчийди тоғнинг бошига.

Амалдорлар отга камчи уради,
Шохасанман бирга кетиб боради.
Амалдорлар ҳар дарада бўлиниб,
Бир нечаси кийик, олқор қаради.

Онг кўринса ўртага олиб тутди,
Бул тоғларда неча кийикни отди.
Кўринг, шул замонда энди Шоҳасан,
Отни қичаб шундай ўрлаб йўл тортди.

Одам кўнар, билинг, тангри ишига,
Қанча йўлдошлари келди қошига.
Аввал отни қичаб бунда Шоҳасан,
Чиқиб қолди энди тоғнинг бошига.

Тоғ бошига чикиб энди каради,
Баҳрли жойларни вазир кўради.
Бир-бирига ушлашганди пояси,
Кун қайтса Учтошга борар сояси[1],
Шундайин чўққиси борди[р]тоғларнинг.

Турибди ранг-баранг гуллар очилиб,
Булбуллар баҳорда хўп сайраб тури[б],
Эпкин-шамоллари кўкракка уриб,
Баҳаво жойлари борди[р] тоғларнинг.

Юриш қилса мунда умри кечилар,
Ҳар ким ғамгин бўлса баҳри очилар,
Хушбаҳор жойлари борди[р] тоғларнинг.

Илгари кўрмаган, гузари тушган,
Ёввойи дарахтлар меваси пишган.
Олмалар тўпиллаб устига тушган,
Дарахт келиб бир-бирига улашган.
Юрибди бул тоғда ваҳший жонворлар,
Бул мевани ейди, қорни шишган.
Бул ажойиб ерга булар етишган,
Ҳаммаси йиғилиб ўртадан тушган,
Ажойиб ерлари борди[р] тоғларнинг.

Вазир айтар, ажиб жойга келдик, деб,
Ажойиблар-ғаройиблар кўрдик, деб.
Бу ерларда одам қолмас армони,
Бу тоғларни хўп томоша қилдик, деб.

Шундай тоғни келиб бул вазир кўрган,
Чашмаларнинг суви типик ғалт урган.
Чашманинг сувига одам қараса,
Одам юзи ойнадайин кўринган.

Ҳаммаси дарахтга отини бойлаб,
Асбоби кийимини ечиб тайлаб.
Кетамиз, деб ҳеч эсига келмайди,
Вазир юриб ўз кайфидан қолмайди,
Бўлакнинг сўзига қулоқ солмайди.

Подшолик давлатда куним кечилиб,
Олтин пиёлада боллар ичилиб,
Мундай бўлган йўқди баҳрим очилиб,
Ёввойи гулистон жойларди кўриб.
Ғаму ғурбатларда куним ўтказдим,
Подшонинг қошида вазирлик қилиб.

Дунё йиғиб нима ишни битказдим,
Тоққа келиб мен кўнглимни кўтардим.
Тақдир ҳайдаб шундай ерга етардим,
Хушбаҳрли яхши ерларни кўрдим,
Шундай томоша қип тоғларни кўрдим,
Гулистон жойлари борди[р] тоғларнинг.

Қулон, кийик қанча онгларни отиб,
Энди мазгилига қайтмоқчи бўлиб,
Мерганлари олди отига ортиб,
Неча фурсат бул тоғларда жой тутиб,
Ҳаммаси шул замон отини мини[б],
Келаверди энди тоғдан энкайиб,
Томоша килганди баҳри очилиб,
Кулиб бир-бирига чах-чах уришиб,
Тоғдан тушиб майдон ерда йўл юриб,
Вақтин хушлаб беклар қайтди ов қилиб,
Кўрганини бир-бирига гапириб.

Бари шундай миниб эди бедовга,
Отган олқорлари подшога совға,
Қамчи уриб бораётир бедовга,

Халқ қарайди овчи андозасига.
Остидаги бедов отни ўйнатиб,
Бориб қолди шаҳар дарвозасига.
Ҳориб-чарчаб овдан қайтиб боради,
Мазгил жойга энди бориб қолади.

Мазгилига келиб хизматкорлар отини ушлаб, ҳозир бўлиб, уриб келган онгини бўлиб, қулон, кийиклардан подшонинг ҳақи, деб чиқариб қўйиб, ҳар қайси мазгилига бориб ош-об қилиб, бир-бирини чақириб, кўрмаганларга кўрганларини гапириб, шундай бўлиб мазгилида ётди, эрта-мерта тонг отди. Вазир ва бошка амалдорлар ўрнидан туриб, подшонинг қошига саломга кетди, подшога кўриниш берди, подшо айтди: "Қалай, ов яхши бўлдими, кеча келмадинглар?" Шоҳасан туриб айтди: "Овда юриб тоғнинг адл устига чиқиб баҳримиз очилиб, шаҳарам эсимиздан чиқиб кетди. Ёввойи дарахтлар биров эккандай бир-бирига улашиб турибди, гашт бўлса урган, кийик, олкор тайёр, унча-мунчадан бўлсаям хўржунда бор, турли мевалар пишиб турган, сабарга салқин, ҳеч нима одамнинг эсига келмайди, шундай баҳаво жойлар экан. Келгимиз келмай айланиб қолдик, кеч бўлганда келиб чарчаган эканмиз, уйку минан бўлдик. Эрта-мерта ўрнимиздан тургандан кейин кўриниш бериб сизнинг қошингизга келдик".

Вазирлар, вазирлик хизматидаги амалдорлар ҳар қайси турадиган жойида ўз ишида бўлиб турди. Подшо подшолик ўрнида халқни сўраб ўтирди. Шоҳаббос подшоям канча амалдор жиғадор, тувдор, ҳудайчи, навкар, шундай қилиб булам ов овлаб вақтини хушлаб келар эди. Вазир вазирлик, Шоҳаббос подшоликда неча вақт даврон суриб ўтди. Замонида бир куни Шоҳасан вазир касал бўлиб, ўлиб дунёдан ўтиб кетди. Бир ул, бир қиз билан хотини қолди. Шундаям бўлса етим ул, есир хотин бўп қолсаям, илгари подшо, сўнгра давлатни вазирликман йиғиб ташлаган, ҳеч нимадан зарурлик тортмайди. Буларнинг давлати катта, булар шундай бўлиб ўтираверди. Шону шавкатда Шоҳаббос подшолик қилиб, вазир билан иккови қуда бўлиб, шу гап эсида туриб, энди бул ўртада анча вақт ўтиб, Санам бўйи етиб, Ғариб эр етиб қолди.

Кунлардан бир кун окшом Шоҳаббоснинг кўнглида ҳеч шумлиги йўк, хотинига караб "Менинг ўйимда бир гап бор" деб сўраб, "Сен менинг сўзима маслаҳат берасан?" – деб бир сўз айтиб турган экан:

Подшо бўлдим юртни-элатни сўраб,
Бир неча душманлар бўлмади хароб,
Гапимга жавоб айт бул замон караб,



"Ошиқ Ғариб" достони қўлёзмаси. 1937 йил.

Вазир бор вақтинда ваъда қилганман,
Вазир билан менам қуда бўлганман,
Шоҳасанман қаттиқ ваъда қилганман.

Шоҳсанамни шу Ғарибга берайик,
Хонноз ойим, эшит айтган сўзимди,
Камолга етишиб қолган қизингди,
Отаси ўлганин маълум қилмайик,
Санамжонни шу Ғарибга берайик,
Ғариб демай, куёв қилиб олайик.

Мен қайтмайман илгариги сўзимдан,
Ишонмасанг ўзинг сўра қизингдан.
Эшитиб бул сўзни булар билганди,
Эшитиб ул қулоғига олганди,
Айтган сўздан энди бизлар қайтиб,
Бир қиз учун гапирмайик ёлғонди.
Вазирнинг арвоҳин ҳурмат қилайик,
Ёмон демас, яхши дейди халойиқ.
Санамни бул элда Ғарибга бериб,
Ҳам улимиз, ҳам куёвимиз қилайик.

Бул сўзди Шоҳаббос подшодан хотини эшитиб, эркакдан хотин шум бўлади. Фитналик, шумликни хотин билади. Подшонинг кўнглида шумлик йўқлигидан гапириб эди. “Бу гапларнинг эндиги гапи қандай бўлади, вазир бўлганда унинг йўли бошқа эди, етим ул, есир хотинга қизини қандай бсради? Одамлар ҳам маломат гап қилади. Бир юртнинг подшоси бўлиб, бир бетайин стимга қизини берди деб, халқ оғзидаям катта гап бўлади. Энди вазирнинг улига қизимизни берамиз, деганингизни ҳамма ҳам айб қилади”, – деб Хонноз ойим Шоҳаббосга қараб бир сўз айтиб турипти:

Қизил гулман, хоним, мени сўлдирма,
Ханжар урмай бағрим қонга тўлдирма,
Халқ ичинда маломатга қолдирма,
Ғарибга бермайман Санам қизимни.

Ғариб юрсин яна бир оз йўлига,
Ул ҳам тан берар ҳол-аҳволига.
Уйланса тенгини топиб олар-да,
Сўзим маъқул келар ёшу қарига.

Бу сўзларни сира оғзингга олма,
Ғариб деб гапириб гапни чиқарма.
Ғариб деб оғзингга олдинг, султоним,
Вазир бўлиб ўтиб кетди отаси,
Ғарибни ўзингга баравар кўрма.

Подшосан, ўзинг эшитгин ноламни,
Мен бермайман сира Санамгинамни.
Мундай сўзлар солар менга аламни,
Санам обод қилган мазгил-хонамни,
Бермайман Ғарибга ёлғиз боламни.

Қарчиғай қуш эркин қўнар ходага,
Болалар молини хайдар подага,
Санамжондан Ғариб бўлсин садаға,
Ғарибга бермайман ёлғиз қизимни.

Суянган фарзандим билсангиз, Санам,
Санам бўлса тўла ўтирган ўрдам,
Ҳам улим, ҳам қизим, суянган болам,
Ғарибингга Санамжонни бермайман.

Шоҳим, эшит Хонноз ойим сўзини,
Мен қараб кўрмайман Ғариб юзини,
Ўзи тува мен бермайман изини,
Санамжоннинг босиб кетган изини.
Саратонда тоғнинг қори эрисин,
Вазирингнинг қўйган оти қурисин,
Мен бермайман сира Санам қизимни.

Хоним, сенинг етагингга юрмайман,
Ғариб учун сўз сўзлама қошимда,
Бу сўзларга асли қулоқ солмайман.
Ўзим билган хаёлимдан қолмайман,
Ғарибингни сира писанд қилмайман.
Ҳарна деб сўйласанг, сўйла, султоним,
Нима қилсанг Санамжонни бермайман.

Агар менда бўлса, хоним, ихтиёр,
Ул беҳуда сўйлаган сўзинг не даркор?
Ғариб деб сўзлаган сўзларинг бекор,
Қизим минан ўзимдадир ихтиёр,
Ўйла хоним, Ғариб бизга тенг эмас.
Тенглашганда ҳеч бўлмайди баробар,
Сира мен бермайман Санам қизимни.

Бу сўзни Хонноз ойимдан эшитиб, ҳарчанд зўрлаб кўрди, бўлмади. Подшонинг сўзини қабул қилмади. Туриб-туриб ўйлаб Шоҳаббосгаям кам-кам хотинининг сўзи маъқул тушгандай бўлди. Анда Шоҳаббос айтди: "Энди бермайман десанг бермайсан-да болангни, ихтиёр ўзингда. бермасанг сендан тортиб олармиди, эса энди шу ўқигани бас, Санамни мактабга юборманг ин, икковиям кўзга кўриниб колди. Энди шу ўрганган илми бўлар. Ўрдадан кўп чиқармагин, иккови бирга юрадиган одати бўлмасин", – деди. Бу сўзни эшитиб Хонноз ойим ҳам "хайр" деб кулоғига тутди.

Шул окшом ётди, тонг отгандан кейин Санам ўрнидан туриб. мактабга бормоққа ҳаракат қилди. Шунда энаси Хонноз ойим Санамга қараб бу сўзди айтди:

Энди кириб колди сенинг камолинг,
Ойдан тўла балқ уради камолинг.
Мактабга бормагин, эй Санамжоним,

Ўқидинг, қанчаям ўргандинг илм,
Ўрдада юр, обод бўлсин мазгилим,
Жону дилим сенсан, очилган гулим,
Кўчада юришлик бизларга ўлим.
Жон болам, энангнинг кўрар кўзисан,
Сўйлаганда оғзидаги сўзисан,
Юрт эгаси, бир подшонинг қизисан,
Қўл ташлаб кўчада юрма Санамжон,
Энди турғун бўл ўрдада ўлтириб,
Кашта тикиш неча алвон иш қилиб,
Ўрганган илминг, болам, бас бўлур,
Мен сўйладим сенга насиҳат қилиб,
Ўрдада ўтиргин энди қиз бўлиб,
Энди юрма бебошларга дуч бўлиб,
Бир нечаман юришингни хуш кўриб,
Юришингни кўрса қолар халқ кулиб,
Отанг подшо, қолмасин-да уялиб,
Гапирар одамлар маломат қилиб.

Санамнинг кўл-оёғи бўшашиб, Ғариб эсига тушиб, ҳеч нима билан иши бўлмай, ўйнаб-кулмай, балки юрар йўлиниям билмай, ҳеч нимага назарини солмай, бошига таёқ тийган гаранг қўйдай бўлиб қолди. Ғариб бул ишни билмай эрта-мертан туриб кетди, мактабга етди қараб ўтирди, ҳамма ўқиб юрган болалар келди. Санам келмади, дам-бадам эшикка чиқиб далага қаради, Санамдан дарак бўлмади. Кун чошга ҳаддига етди, мулла сабоқ берди. Ҳамма болалар берган сабоғини кундагидай ўқиб турди. Мулла ўзи гапириб ўзи қўйди. Ғариб гаранг бўлиб билмади. Бунинг фикри-зикри Санамда эди. Муллалик билан ҳам иши бўлмади. Бу ўзи Санамнинг ишқида ўқиб юрарди. Мулла койиш қилди: "Мен илм йўлида бир нарса ўргатсам кунда тузук эдинг, бугун нима гап бўлди санга, ҳеч нарса билан ишинг бўлмай қолди. Берган сабоғимни билмасанг понхўраккаям қўймайман сени", – деб койиб-уришиб, Ғарибни олиб қолди. "Қай маҳал билсанг шунда жавоб бераман, бўлмаса, эртан бўлсаям турасан, билгунингча жавоб йўқ", – деди. Шунда Ғариб мулланинг сабоғи билан иши бўлмай Санамни эсига олиб бир сўз айтиб турган экан:

Мулла қилди мундай кунда зулмди,
Ўрган дейди даркори йўқ илмди,
Мен кўрмадим ошиқ жону дилимди.

Ҳамма қизлар бугун мактабга келди,
Дил қушим Санамим, билмам, не бўлди,
Ҳамма келиб, менинг жоним келмади.

Санамнинг ишқида гангиган бошим,
Ҳамсабоқ бўлиб ўқиган йўлдошим,
Бул мактабда бирга турган сирдошим,
Ҳамма келди, жону дилим келмади.

Келиб бул мактабда мени кўрмади,
Ҳолу аҳволидан хабар бермади.
Ҳамма келди, менинг ёрим келмади,
Кўз тутдим, хабари сира бўлмади.

Мен билмайман, биров йўлдан урдими?
Шоҳсанамжонимга бир гап бўлдими?
Душманнинг гапига ўзи кирдими?
Йўлга қараб интик бўлдим Санамга,
Ўтлар солди менинг гулдай танамга,
Менинг додим етмас Шоҳсанамжонга,
Бирга юрган вафодорим келмади.

Мен билмайман, мендан кўнгли қолдими?
Боши оғриб хумор кўзи тиндими?
Бировларнинг ёмон гапин билдими?
Жондин ортик Шоҳсанамим келмади.

Бу сўзни айтади Ғариб ҳолига,
Кетолмайди туриб ул ўз йўлига,
Қарамайди мулла бунинг ҳолига,
Санамдай дилбарнинг ишқи бошида,
Мулла сақлаб юбормайди қошида,
Қани, мени айтганимни билгин, деб,
Сабоғингни ўқиб маълум қилгин, деб,
Мулласи Ғарибга дўқлаб турибди,
Билолмасанг, тирик юрма, ўлгин, деб,
Ғариб зор йиғлади, қолмади токат,
Санамнинг савдоси бошда аломат,
Мулла дўқлаб қилаётир қиёмат.

Мулла кеч пешингачайин жавоб бермай ўтирди, ундан кейин "ўл, баччағар!" деб жавоб берди. Санамнинг хабарини қасрдан билар эканман, деб уйига қараб кетди. Ғариб уйига бориб, Санамни кўрмай диққат бўлиб, хаёли қочиб, дилтанг бўлиб ётди, у куниям ўтди, бу куни юриб куни билан ҳеч нима қулоғига кирмай, бировдан сўрарини билмай, Санамдан бошқасини кўзга илмай, Санамнинг ишқида дилтанг бўлиб, бир афсона сўз айтиб ётган экан:

Мен юрдим Санамни излаб,
Бул жароҳат бағрим тузлаб,
Мен Ғарибман, қолдим бўзлаб,
Қайда бўлур ёрим менинг?

Яхши куним дўниб хира,
Манга солмади назара.
Тириклайин осилганман,
Ўзим Ғариб энди дора.
Етишмади менинг зорим,
Булбулдайин нолондаман,
Доғ ҳасрато, армондаман,
Мен ўзим куйган бандаман,
Кстиб мендан номус-ора.
Банди-бўйним бу кун бўшар,
Хазон урган гулга ўхшар,
Ёр ишқида қолдим қақшаб,
Билмам, қайда ёрим менинг.

Санамни изладим бўзлаб,
Қайда борай энди излаб,
Санам деди, куйди жоним,
Ўтди бошимдан давроним,
Кўрмадим ҳеч Санамжоним,
Ўтда ёнар устихоним.
Ҳеч кўзимга кўринмайди,
Отамдан қолган макоким.

Мен дардимди кимдан сўраб,
Кетдими мендан ўпкалаб,
Санамнинг савдоси қолиб,
Қани, манга дучор бўлиб,

Борсам олдига югуриб,
Гапирсам аҳволин билиб.
Кўчаларда сўз айтаман,
Санам, деб афсона килиб.

Мен бир юрган Ғариб энди,
Санамжон кўринмай қолди.
Ишқида мен сўзлаб юриб,
Кўрганлар ҳолимга кулди,
Аламим зиёда бўлди,
Санам десам, ўпкам тўлди.

Ҳасрат билан сўзлар айтдим,
Қизил юзимни сарғайтдим,
Кўчаларда фиғон этдим,
Санам йўлида юз тутдим,
Қайда бўлур ёрим менинг?
Кўп йиғладим ишқ ўтида,
Ҳеч етмади зорим менинг.

Бу сўзларни Санамнинг ишқида айтиб, дардини бировга айтолмай ҳар ерда юрибди. Санам ҳам Ғарибдан айрилганига ўзининг соғ-касаллигини билмай, ҳеч нимага назар солмай, Ғарибдан ўзгани кўнглига олмай, отаси кўнглидагини билмай, ўрдада ўтиргиси келмай, Ғариб деб юраги халаплаб бир ерда турмай, ҳар тарафга югуриб қаради, хаёлида "Ғарибни кўрмай мен шундай бўлдим", деб иккови бир-бирини излаб, икковиниям куйгани бирдай бўлиб юриб эди.

Бир ерда икковининг кўзи бир-бирига тушиб қолди, кўрган ҳамонда иккови бир-бирига чопиб стишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қолди. Ғариб Санамга: "Нима бўлди, кўринмай қолдинг, мактабниям кўйдинг, мен сенинг ўрдангга боролмай, сени излаб кўп абгор бўлдим кўролмай. Сенинг ҳол-аҳвол, кўнглингни билолмай, энди нимага мундай бўлдинг?" – деб турибди. Шунда Санам бир сўз айтиб турибди экан:

Ота-энам солар эрмиш аломат,
Орамизга қиладикан қиёмат.
Иккимизни бир-биримиздан айириб,
Отам билан энам қилди маслаҳат.

Сенинг, менинг кўнглимдаги бўлмайди,
Мени, билгин, Ғариб, сенга бермайди.

Отамман энамнинг кўнгли бошқади[р],
Куйиб-ёнган билан иши бўлмайди.

Маслаҳат, хаёли бошка ўхшайди,
Отам кўнгил қилса, энам бермайди.
Ҳозир бирга туриб мунда гаплашдик,
Билиб колса отам-онам кўймайди.

Ҳар сўйлаган сўзи наштардай ўтиб,
Санамман, ишқингдан қолдим ғам тортиб.
Отам-энам дедим, андиша қилдим,
Гапиролмай турдим дардимни айтиб,
Жудолик савдоси мени сарғайтиб,
Туролмадим мен орада жой тутиб.

Ўйладим, бул ишга бўп колдим ҳайрон,
Кўнгил қалъасини айлади вайрон.
Ҳеч иложим бўлмай қолди, Ғарибжон,
Ота-энам иккимизга бул душман.

Бу сўзни Санамдан эшитиб Ғарибнинг бағри эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, Санамга қараб бир сўз айтиб тургани:

Бу сўзни айтдинг, хушим бошимдан кетди,
Ажалнинг ханжари жонимга етди.
Ошиклик савдоси мени хор этди,
Мен адашдим, Санамжоним, йўлга сол.

Отангдан кўнглима туман тушибди,
Энди эшитиб менинг аклим шошибди,
Қора сочинг оч белингга тушибди,
Мен адашдим, Санам дилбар, йўлга сол.

Рахм қилмай, отанг қилар ишимни,
Қўлдан олса ссндай кўнгил қушимни,
Зулмман гангитди менинг бошимни,
Мен адашдим, дилбар, ёрим йўлга сол.

Нима деса хон отангда ихтиёр,
Ғарибман-да, не иш келар қўлимдан.

Сенинг учун кесса менинг бошимни,
Сенинг учун жоним бермагим даркор.
Энди ўйлаб мунда конлар ютайлик,
Бу шаҳардан чиқиб бирга кетайлик.
Подшо отанг билмаганинг билдирар,
Мунда турсак икковимизни ўлдирар.

Бу сўзни бир-бирига айтиб, иккови аҳду ваъдани бир қилиб, бу шаҳардан чиқиб, кетмоқчи бўлди. Санам Ғарибга айтди: "Икковимиз бирга чиқиб кетсак, борадиган ерни қаердан топамиз экан, ким бизга паноҳ беради экан?" Ғариб айтди: "Бизни бир ерда тайинатли уйимиз борми, "адашганнинг олди йўл" деган экан. Таваккал қип кетаверамиз", – деди. Санам ҳам "хайр" деди. "Отамнинг подшолигидан нима фойда бизга, ўлик бўлсак бир чукурда, тирик бўлсак бир тўбада дегандай"[, – деб] иккови ўзидан бошқа одамни дўст кўрмай, дўст-душмандан хабари бўлмай, Санам Ғарибнинг сўзига "хайр" дегандан кейин Санамни қўлга келтирдим, деб Ғарибнинг ихтиёри ўзида бўлмай, ҳеч ким билан сўз қилмай, бир печани кўзга илмай юрар йўлдан бошқани маъқул билмай, Санамга сўз бошлаб, Санамнинг билагидан ушлаб, гапни Ғариб бошлаб:

Қулоқ солинг айтган дурга,
Биз минан бўлинг бирга,
Юринг, ойим, бирга-бирга,
Пиёдамиз юриб йўлга,
Йўлиқмадинг отанг зўрга,
Икковимиз бўлдик бирга,
Биз турмаймиз мунда элга,
Санамжоним бир-бирига.
Шохсанамим тор кўчада,
Ҳали булар ёш бачча-да,
Икки ошиқ бўлиб бирга,
Бул ошиқдир қизил гулга.
Санам минан, кўринг, Ғариб,
Бир-бирига жону дилда.
Икковлари юриб кетди,
Кезсак дейди овлоқ ерда.

Мактаб эсига келмайди,
Кўнглига ҳеч гап олмайди,
Юриб чарчаса билмайди,

Давлат эсига келмайди,
Ўнгу сўлга карамайди,
Ҳеч ёққа назар солмайди.
Ўйин-кулгу минан йўлда,
Юрар йўлидан колмайди.

Қабатида бордир Санам,
Юракдан кетди дарду ғам,
Санам, юзингга карасам,
Ларза тушар менинг тапам.
Ҳилолдай қошларинг қалам,
Жонимдан ортиқ, эй Санам!

Ғарибнинг кўнглини хушлаб,
Ўрдали жойини ташлаб,
Ошиқлик савдосин бошлаб,
Зулфи юзига чулғашиб,
Сумбулдай сочи ярашиб,
Бу шаҳардан чиқиб кетди,
Бирга бўлиб йўлга тушиб.

Ҳеч кимман иши йўқди[р],
Мамлакат кўринмай қопти.
Ўйин-кулгу сўз бошлашиб,
Ғариб Санам бораяпти.

Неча муддат йўллар юриб,
Бир тўбага яқин бориб.
Ҳамма қолди деб бехабар,
Тўбанинг устига чиқиб.
Ҳар тарафга боқиб қарар,
Кўринмай қопти бу шаҳар.
Бир-биридан олиб баҳр,
Ошиқлиқ ишқи сил бўлар,
Сўйлаган сўзи бул бўлар.
Бир-бирига савол қилса,
Не деганинг маъқул билар.
Борар сринг тайини йўқ,
Бир тўбада дам оп турар.

Жуда анча йўл юрдик, деб,
Ўйнашиб мунда келдик, деб.
Юришимиз бўлди кизик,
Вақтихушликни қилдик, деб.
Хон отамнинг давлатида,
Жудаям интиқ бўлдик, деб.

Ўтирар эрдинг мисли гўрда,
Гаплашамиз очиқ ерда.
Икковимиз бўлиб бирга,
Кўпти минан келдик мунда.

Қанча юрсам чарчамайман,
Юришсам сиздан қолмайман,
Сиздан ўзгани демайман.
Бирга бўлдик ғам емайман,
Қайга борсанг мен қолмайман.

Бу сўзларди бир-бирига айтиб тўбанинг бошида овнаб-қувнаб, ёнбошлаб, бир-бирининг у ср-бу ерини ушлаб, ҳазиллашиб ўтириб, Ғарибнинг юраги оловсигандай бўлди, билиб қолиб кейинимиздан тушган одаммикан, деб ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа қаради. Қараса, олди-бетида яқин тоғлар, тоғдан сипойи бебаҳат одамлар тўп-тўп бўлиб тушиб келяпти. "Бу нима воқеа бўлди? Булар қандай одам бўлса экан, паналайдиган ер бўлмаса?" – деб Санамга: "Сен ҳам туриб қара", – деди Санам туриб қараб кўрди.

Шоҳаббос подшо қанча амалдори минан овдан қайтиб келаётиб эди, отасини кўриб, Ғарибга қараб Санам бир сўз айтиб турган экан:

Отам овдан келаётир, Ғарибжон,
Ҳазир бўлгин, отам бизларга душман.
Кеп қолса бизларга бермайди омон,
Ўз бошингни олиб қочгин бул замон.

Отам золим, билмаганинг билдирар,
Ханжар уриб, бағринг конга тўлдирар.
Сира омон бермас, бизди ўлдирар,
Ўз бошингни олиб қочгин, Ғарибжон.

Келаётир соппа шоҳлик шавкатли,
Амалдор қошида борди[р] давлатли,

Ўз бошингни мундан куткар, Ғарибжон,
Санам деб кўп айланиб турмагин,
Санам бинан мунда бирга бўлмагин,
Қочиб кет, мунда хаёл қилмагин,
Санам деб, Ғариб, сен мунда ўлмагин.

Сени бу подшойи золим кўрмасин,
Амалдорлар ғазаб қилиб юрмасин,
Ўз бошингни олиб қочгин, Ғарибжон,
Ҳайдаб элтиб сени дорга илмасин.

Ошиқлиқни булар нима билади,
Бу ёмонлик савдо саған қолади.
Ҳаялламай қочгин энди, Ғарибжон,
Бедов отли булар келиб қолади.
Кўриб қолса қабоҳат иш бўлади,
Хафа бўлма, қочгин энди, Ғарибжон.

Санамдан бу сўзни эшитиб, Ғарибнинг ақли шошиб, юрар йўлдан адашиб, Ғариб минан Санам бир-биридан жудо бўлишиб, Ғариб бошини олиб қочиб жўнади. Ғариб қочиб анча ажраб кетди. Санам бизни кўриб кўйди деб, қайга кочарини билмай, бу сўзни айтиб турган экан:

Эй худоё, худовандо,
Бу йўлда бўлдим шарманда.
Отам мени таниб қолса,
Ғаниб мендан савол сўрса,
Энди мен бўлдим шарманда,
Ўзингга бўлдим дарманда.

Бул отамга танитмагин,
Ҳожатимни раво қилгин.
Лайлининг кўзини бергин,
Зулайхо хуснини бергин,
Ҳусну камол ато қилгил.

Ғарибим кетди айрилиб,
Сийна бағри ғамга тўлиб,
Мен қолмай шарманда бўлиб,

Бу ерга келдик йўл юриб,
Бул расво ишларди кўриб,
Хон отамга дучор бўлиб,
Қизил гулман, колдим сўлиб,
Ҳусну камол ато килгил.

Танимда титрайди жоним,
Ҳозир кўринмас давроним.
Ўтга тушди гулдай таним,
Ҳусну камол хиромоним,
Ойдай балқ урсин жамолим,
Танимасин ҳеч душманим.

Шунда бу сўзларни айтиб турди. Подшо яқинлаб келиб кўзи тушди, ғайри ғойибдан Санамга ҳусну камол берди. Отаси танимай қолди. Подшонинг икки кўзи Санамда эди. Кўнглида "бир мамлакатдан, ё боғу ўрмондан адашиб кеп юрган пари-заифамикан?" деб, келаётиб эди, оти бир суриниб, ер қавиб, дустаман йиқилди. Дастори бошидан учиб кетди. Анча срда тупроққа ағанаб ётди. Амалдорлар: "Э хоним, сизга бир гап бўлдими?!" – деб отдан туш-туштан ташлаб, "Хоним, сизга не бўлди?!" – деб кўтар-кўтар қилиб, бир нечаси отини ушлаб, бир нечаси дасторни турпокдан қоқиб олиб, "Хоним, сизга не бўлди, отингиз суриндими, ўзидан-ўзи йиқилдингизми?" [– дейишди. Подшо] жавоб беролмай калласи гангиб турди. Амалдорлар нечови рўмол олиб бетини артиб, нечови устини қоқиб ётир. Шунда Шоҳаббос айтди: "Мен бир нарса кўрдим, сизларам кўрдиларингми?" Амалдорлар айтди: "Бизлар ҳеч нима кўрмадик". Уларнинг кўрмагани рост эди, Санамга кўзи тушгани йўк эди. Булар билмадик, дсгандан кейин Шоҳаббос: "Мен бир паризод кўрдим, одамзод тухмидан ер юзида ундан айрилу бўлмас", – деди. Ҳазилкаш бўп қолган амалдорлар: *"Кўзингизга жинми, тўполон қуюнми кўрингандир*[2]. Сизминан бизам бирга келаётгандик, сизнинг кўзингиз олтовми, қаёқдан кўрасиз? Бир қизил кийган аёлни кўрсангиз ҳам айрилмай юрадиган одатингиз борди, бу чўлда қизил кийган аёл нима қилади, чўлдаям хотин хаёлингизга келиб юради-да, хаёл суриб йиқилгандирсиз", – деди. Шунда Шоҳаббос кўрганини сўйлаб бир-икки оғиз сўз айтиб тургапакан:

Хон изласа паризодни,
Қиличми, қошмиди, надир?
Қурибсан эгри камонни,

Кетмас саринғнинг тумани,
Паридир, йўқдир гумони,
Тумапли қишмиди, надир?

Бир бек ўғли овга чиқар,
Овга чиқиб таблип коқар,
Пари менга киё бокар,
Кўрганим тушмиди, надир?

Қолмади сабру қарорим,
Ўзимда йўқ ихтиёрим,
Эшит ёру биродарим,
Бизлар билан боққа киринг,
Тақдир этса даврон суринг,
Борми сенинг домонгиринг,
Гоҳ бошинг бошмиди, надир?

Кетди менинг номус-орим,
Бир кўринган ажаб парим,
Дод айласам етмас зорим,
Жаҳонда йўқ ундай парим,
Кўрганим тушмиди, надир?

Аввал паризодни кўриб,
Энди қолдим ғамгин бўлиб,
Жўраларга кулги бўлиб,
Қанотли қушмиди, надир?

Қани, келса гулгун кийиб,
Амалдорлар колсин куйиб,
Паризоддан олсанг суйиб,
Қуш солдим добилди туйиб,
Кўрганим тушмиди, надир?

Булар бул аҳволда бўлиб қолган вақтида Санам келган йўлига бурилиб қайтиб, чопқиллаб ҳеч кимга кўринмай бориб ўрдасига кирди. Санамнинг, ишқилиб, қаёқдан келганини, ё кўчадан келганини ҳеч ким билмади. Кетганиниям ҳеч кимга билдиргани йўқ эди. Қадимгидай бўлиб, ҳеч нимага хаёлини қочирмай, бир нарсани кўрсаям кўрмагандай бўлиб юраверди. Отаси Шоҳаббос бир ерда гап қилиб гапирайин деса,

ўзидан бошқа киши кўргани йўқ, бул ишга ҳайрон қолиб, тушида кўргандай бўлиб, ўзига-ўзи фикр қилиб, ҳаммаси отланиб нима кўрдингиз деб, амалдорлар Шоҳаббосга чах-чах учириб, қошидаги амалдорлар кулганига Шоҳаббос изза бўлиб, "ёмонлағур, ёмон суринди" деб отига туҳмат қилиб, булам кириб бораверди. Шоҳаббос хеч нимани кўрмагандек бўлиб юраверди.

Энди Ғариб бу юртда нима бўлса мусофирчилик таъсири бор, кўпчилик-да, бири бўлмаса, бирининг кўзи тушса, подшонинг қизи минан нима қилиб юриб эдинг деса, бул подшонинг қулоғига етиб ўлдириб қўймасин деб, ўзидан-ўзи хавфсираб шаҳарга йўлаёлмай, тоғ-тошларда қочиб ўз бошини қутқариб юрди. "Мен омон-эсон кутулдим, Санам қандай бўлди? Қошингдан кетган ким эди деса, нима жавоб берадн?" – деб тоғу тошларда юриб, Санамни эсига олиб бу сўзларди айтарди:

Йўқдир менинг Санамжоним,
Қўлдан кетди хиромоним,
Ҳажр ўтига куйди танам,
Ғарибидин жудо бўлиб,
Ёлғиз қолди анда Сапам,
Ул Санам қошлари қалам.

Бирга чиқиб жудо бўлган,
Ёдимдан кетмайди Санам.
Ҳеч эсима келмас мунда,
Синглим билан колган энам.

Санам, деб афтода бўлдим,
Дилбаримдан жудо бўлдим,
Мен бир Ғариб, адо бўлдим,
Ўртаниб ўтларга ёндим.

Санамим йўқ, тириклигим гумона,
Ёр ҳажрида кўзим тўлди тумона.
Санам билан ярим йўлга келганда,
Подшо чиқиб бўлди ажиб замона.

Санам, Санам дедим, умрим ўткардим,
Савдогарман энди юким биткардим.
Санам дерга менда ҳолат қолмади,

Тоғларда юрибман Санамди тилаб,
Кўролмайман бориб кўнглини сўраб,
Отаси подшодир, мен билан тараф,
Кеча-кундуз юрдим Санам деб сўраб.

Йўқдир ёру биродарим,
Санам дилбарим, нигорим.
Бирга чиққан харидорим,
Йўлиқди подшойи золим.
Кетди қўлдан вафодорим,
Гулчеҳра Санам дилбарим.

Шул куни Санамни йўқлаб пастга тушолмай бир тоғнинг камарида, неча кун тошнинг орасида ётди. Санам демакка қуввати камайиб, ташналикдан мазаси кетди. Ғариб айтди: "Мен бул авҳолда ётибман, қани Санам бўлса, сув, овқат опкеп ҳолимни сўрса. Санам ҳам не билади мени, мунда бул авҳолда ётишимни, бу ётишлардан фойда йўқ. Санам деб мунда ётсам, бекорга ўлиб кетсам, энди туриб элга оралайин", – деб тоғдан тушиб ётган молдор халққа оралади. Бурун сўнг иш қилмаган, биров нон ейсанми, деб бир туврам нон бермайди, шунда нима қиларини билмай бораётиб эди, бир киши олдидан чиқиб, Ғарибга қараб, бир сўз айтиб турганакан:

Қаерлардан келдинг пою-пиёда,
Рангинг ўчиб кетган хаёлинг қочиб.
Кўп тебраниб йўлда кетиб борасан,
Баён айла, ўғлон, қайга борасан?

Қийғир деган қуш учади қияда,
Аламлисан, билдим, дардинг зиёда,
Қай ерларга борасан пою-пиёда,
Хабар бергин, қайси элдан келасан?

Рангинг кетган энди гулдайин сўлиб,
Қувватинг йўқ ғаму кулфатга тўлиб,
Тебранасан ўз ҳолингча йўл юриб,
Ё чиқдингми, сен бировни ахтариб,
Бизларга бокмайсан йўлингда туриб,
Мен сўрайман сенинг ҳолингни кўриб,
Хабар бергин, ўзинг қайдин келасан?

Бу сўзни эшитиб Ғариб ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Бир понталаб, ўзим юрган каландар,
Бир бепаво Ғариб, ўзим дарбадар.
Макон-мазгил менда энди нс қилар,
Ким нон берса, мен бўламан хизматкор.
Маконим йўқ, бошим олиб бораман,
Ким буюрса, югуриб хизмат қиламан.
Оҳ урсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Облонинг тошидур банданинг боши.
Ҳолимни сўрмайди менинг ҳеч киши,
Ғалда чиқар ғамли кулнинг довуши.
Ғам минан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир дардисар бу бошимда савдо бор.
Бу чўлларда ўзим бўлиб хору зор,
Хоҳлаган кишига бўлай хизматкор.
Қайда бориб юришимни билмайман,
Санам деган дардисарди кўрмайман.
Камолимда бўлдим шундайин ночор,
Ғам минан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан бехабар.
Бойларнинг мингани қизил мояди[р],
Баҳор бўлса тол баргини ёяди,
Бойлар биздан парча нонни аяди.

Бу сўзни эшитиб: "Боргани ери йўқ ёш бачча экан, бир хизматкорда", деб уйга эргаштириб бориб, хўп қорнини тўйғизди, унда ул одам туриб айтди: "Улим, мана бизнинг молни боқавергин, тағи одамлар қўшса, хизматингга қараб сенинг ҳақингни емасмиз", – деди. "Хайр" деб шул кеча ётиб, эрта-мертан таёқ олиб молларни ҳайдаб чикди, ул-бул ҳар кунига эшитиб опкеп қўшаверди. Эрта-мертан бу сўзлар айтиб туради молни тўплаб:

Қарчиғай куш эркин қўнар ходага,
Кўрган бўлар жасадидан садаға.
Болалар, молингни ҳайда подага,
Ўлим бўлса навбат шоҳу гадога,
Мен хизматкор бўлиб мунда орага.
Хизмаркорман, кетди танимдан дармон,
Юриш аҳволларим бандайи зиндон,

Бўлиб ўз ҳолима мунча саргардон,
Молни ҳайдаб бул замон чўлга кетди,
Санамнинг ишқида хаёли кетди.
Бир ерга опкелиб молларди тўплаб,
Санамнинг ишқида неча сўз айтди:

– Қани, ёрим бўлса Санам,
Кетар юрагимдан алам.
Кўпайиб қолди ошинам,
Овқат учун бўлдик беғам,
Қани, бирга бўлса Санам.

Келиб бул ҳолим сўрағали,
Мен ўтириб дам олғали,
Молни "бош!" деб қайтарғали,
Чўлларда бирга юргали,
Ҳамдам бўп даврон сургали.
Борди Санамжоннинг ишқи,
Мени подачи қилғали.

Қани, Санам яқин бўлса,
Молларини ҳайдаб келса,
Менинг бу ишимни кўрса,
Ҳисоблашиб ҳақин берса,
Подачилик номим бўлса,
Келиб ул раҳбарлик қилса.

Неча кун шундай мол боқиб юрди, куниман молларни ўтлатмай жарга қамаб, Санам деб додлаб, бу қандай балони молга солди, сигирларнинг суги соп бўлди. Агар бир ой-икки ой боқса, молларнинг териси билан суяги қолди.

Молнинг эгалари тузук бўлар, деб беш кун, ўп куп қаради, кун-кундан мазаси кетиб боради. Мол боқтирган кишилар айтди: "Энди бўлак одам топиш учун ҳаракат қилайик. Энди биз берган тузимизга розимиз, молларни ориқлатиб йиқитганингга сен ҳам рози бўлгин", – деб айрилишди. "Бир таёк ушлаб юрмакдан удда чиқмадинг, бўлак ишдан иккибошдан удда чиқмайсан, бизнинг ишимизни қилгин", – деб ҳеч бир киши харидор бўлмади. Ғариб айтди: "Бизнинг ишимиз илгаридан кейинга кетган, ксйин кетмаса Санам билан бирга келаётганимизда отаси олдимиздан чиқармиди?" – деб бул хўжайинлардан айрилишиб, шаҳар

тарафига қараб равона бўлди. "Булар молини боқтирмаса, Санамни топиб олиб, ўзимизни Санамимниям боқиб юрарман", – деб шаҳарга яқинлаб келиб, кундуз шаҳарга оралагани қўркди. Кун ботганча шаҳарга киролмай турди, кун ботиб намозшом бўлганда ўз уйига кириб келди. Бир синглиси билан энаси бор эди. Энаси Ғарибнинг қаёққа кетганини билмай, "Ёлғиз бола оёғидан йитиб кетди", – деб ётар эди. Ғарибнинг эшикдан кирганини синглиси билиб, энасига бул сўзни айтиб турибди:

Сўзим эшит, жоним энам,
Қилай энди жоним фидо,
Ул орзу армонинг келди,
Ғариб акам бул фарзандинг,
Аввали охир дилбандинг,
Жисминг ичра жонинг келди.

Сел бўлганди кўзда ёшим,
Менинг билан эмикдошим,
Мени куйдирган нолишим,
Кўзингни оч, кўтар бошинг,
Ғариб оғажоним келди.

Кўп йиғладинг конлар ютиб,
Қизил юзингни сарғайтиб,
Эсинг кетган ҳолдан кетиб,
Ёлғиз улинг келди етиб,
Мендай мунглуқ жон фидоси,
Ўлсанг тобутинг чегаси,
Ҳозир уйингнинг эгаси,
Оч кўзингни, боланг келди.

Билмам, қасрларда юрган,
Юришини ўзи билган,
Бул бизлардан жудо бўлган,
Бир меҳрибон акам келди.

Кеча-кундуз ғамгин бўлиб,
Кўнглимизни шодмон қилиб,
Ғариб фарзандингни кўриб,
Ҳолин сўра, акам келди.

Қаерларга сафар қилган,
Абгорлик гўйида юрган,
Бу дунёдан ўтган отам,
Сўйласа бўлмасин хатом,
Эна, ишинг кунда мотам,
Ғариб отлиқ, билгин, акам,
Сен суянган боланг келди.

Болам дединг, бағринг эзиб,
Кунига кўнглингни бузиб,
Ёлғизим, деб йўқлар эдинг,
Акамдан умидинг узиб.
Булам менман хамдам бўлган,
Энам, деб мазгилга келган,
Кўргин, Ғариб акам келган.

Бу сўзди қизидан эшитиб, сачраб бошини кўтариб, Ғарибни кўриб, бошидан айналиб, бағрига босиб, икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Қаерларда бўлдинг, болам,
Сендан садақа бул энанг.
Юришингни менга айтгин,
Сен кетган сўнг қолиб ёлғиз,
Йўлдошим бўлди ёлғиз қиз.
Юришингга надомат қип,
Мен тортаман мунда афсус.
Йўқдир қошингда йўлдошинг,
Бизлар билан йўқдир ишинг,
Нега гангиб азиз бошинг,
Ким бўлди, қўзим, сирдошинг?
Бу шаҳарда йўқдир сенинг,
Асли авлод – қариндошинг.
Болам, юргин тўғри йўлга,
Қўл узатма қизил гулга.
Асли сени тенг кўрмаса,
Жон болам, гулга бурилма,
Ҳолинг билиб писанд қилма.
Билсанг хам билмаган бўлгин,
Насиҳатим, душман бўлма.
Баланд дорга қўл узатиб,

Қўлинг етмай йўлда қолма.
Йигитсан, сенга не бўлар?
Ёр десанг тенгинг топилар.
Уйланмак бўлса мақсадинг,
Энанг қилар элга хабар,
Подшо бўлмаса кечирар,
Ҳар ердан топилар дилбар.
Ёш бошингдан ғамга тўлиб,
Ўзингни саргардон қилиб,
Юрмагин бораргa солиб,
Санамнан бошқани олиб.

Энасининг бул сўзларига ё ҳа ва ё йўқ деб жавоб айтмади. "Эна, кўча улфатчилик, деб у ёқда-бу ёқда қидириб юрибман. Санамга менинг темир минан кўмирим куйдими? Эна, Санам деб сен айтаяпсан, Санам минан менинг ишим нима, мен ўз вақтихушлигимда юрибман. Одамлар шундай деб гапирадигандир-да, шу гап қулоғингга тийгандирда, ул Шоҳаббоснинг уйига яқин бўлмасанг", – деб бу сўзларни айтиб оқшом ётди. Эртан-мертан тонг отди, Ғариб ўрнидан туриб, энаси билан сипглисига сирини айтмай, намоз вақти тағин жўнаб кетди. Санамнинг боғига стиб борса, боғнинг эшиклари маҳкам, Ғариб эшикда туриб, боғбонни сўраб, бир сўз айтиб турганакан:

Боғбон, эшигингни оч,
Мастона ёримни кўрай.
Бўйи тор кўзлари хумор,
Шавкатли ёримни кўрай.
Айрилишиб жудо бўлган,
Гулистонда йўқлаб юрган,
Шавкатли баҳорим кўрай.

Ойдек гўзал гулдай юзи,
Атрофинда кўп канизи,
Бул Ғарибнинг сарвинози,
Санам дилбаримни кўрай.

Мен ҳам кўриб ҳолин сўрай,
Гулистонда бирга юрай,
Шароб ичиб мен ҳам гурай,
Жудо бўлган ҳолин сўрай.

Мени, боғбон. махтал қилма,
Сен ғафлат уйкуда қолма.
Мени ўзгалардай билма,
Сенинг менда қасдинг борми?
Эшикни оч, ёрим кўрай,
Ҳаяллаб бағрим ўртама.
Тириклайин ўтга солма,
Гулистонда ёрим борми,
Мундан ортиқ жоним борми,
Санам меҳрибоним борми?
Қора сочи белга тушган,
Жамолидан ҳар ким шошган,
Бирга юриб айрилишган,
Дилхуши жонимни кўрай.

Бошим олиб кетдим қочиб,
Бирга турсак шароб ичиб,
Сўраб келдим жондин кечиб,
Кўп ҳаяллаб турмак нечук,
Мен ошиқ ёримни кўрай.

Санамжонга харидорман,
Ҳар сўзига интизорман,
Ул қилган аҳдига борман,
Шоҳсанамхонимни кўрай.

Бул сўзни боғбон эшитиб туриб келди. "Сен қандай лодонсан юрган, жонингдан умидингни узган, калланг танангга оғирлик қилганми, менинг ҳаддим борми бир ижозат дарвоза очмоққа! Агар жинни бўлсанг узоққа бориб бақир, бу ерда довушингни чиқарма, бу ер Санамнинг чорбоғи бўлса, эрта-мерта тонг отгач хизматкорлар туриб келади, ҳозир подшоликда турган қоровуллар ухлаб ётибди. Мундан бир соат илгари келиб бақирганингда қоровуллар уйғоқ турарди, сени шуйтиб бақиртириб қўймасди. Ҳалигачайин бошингни кесиб, дорга иларди. Бу ер Санамнинг боғи, бу ер ҳовбош-бебош, бекорига бақириб юрадиган аҳмоқнинг жойи эмас. Ҳалиям кетавер, йўлингдан қолма, подшонинг хизматкорлари кўп бўлади, бу ерда ўлган одам бекорига ўлиб кетади", – деди.

Бу сўзни эшитиб Ғариб бу ердаям Санамни кўролмай қайтиб бораётиб эди, бир бир кампир олдидан чиқиб қолди. Ғарибни яхши

билар эди, кампирни кўриб Ғариб айтди: "Санамни кўролмадим, дарвозага бориб қайтдим". Кампир айтди: "Э болам, энди сенинг юришинг бежай бўпти, ул сен кўрган дарахтлар кесилиб кетди. Энди Санам деб ўзингни абгор қилма, бемаҳал бу шаҳарда юрма, ул Санамнинг сенга аташтирилгани оганг [тирик] бўлгандаги гап бошқа эди. Энди сизлар есир хотин, етим ул бўп қолдинглар. Шоҳаббос айтган сўзидан қайтди. *Агар сенинг шуйтиб юрганингни билса, бир нарсани баҳона қилади,* йўқ туҳматни бўйнингга илади, бошингни кесиб, бекорга ўлдириб юборади. Фақир одам панада ётар, деган экан, энди сен Санам дема, бу шаҳарда буйтип юрма, уйлансанг сенинг ҳам бир тенгинг топилар", – деб шу насихатни айтиб кампир ўтиб кетди. Кампирнинг сўзини Ғариб тинглаб, ўйланиб қолди. Кўнглида айтди: "Бу иш ёмон бўлган экан. Санамнинг ўзига бир йўлиққанимизда эди", – деб ўйлади.

Санамнинг энагаси бир кампир бор эди. Ғарибниям яхши кўрар эди. Шуникига борайин, деб ҳеч кимга билдирмай, кеч бўлганда Ғариб кириб борди. Ғарибни Санамнинг энагаси кўриб, Ғарибга қараб икки оғиз сўз айтиб тургани:

Санам деб ўртаниб келган,
Ишқ ўтига куйиб-ёнган,
Ҳасратминан кун кечирган,
Ғариб болам, қайдан келдинг?

Сени билмасин-да душман,
Келиб, қилмагин пушаймон,
Ўз холингга бўлиб шодмон,
Қаердан келдинг, Ғарибжон?

Ул тоғу чўлларни кезиб,
Ишқ ўтида кўнглинг бузиб,
Ҳа, қайдан келдинг, Ғарибжон?

Қулоқ сол менинг тилима,
Юра олмайман элима,
Бемаҳалда кириб келдинг,
Омон бўлгин мазгилима,
Хабар бергин, қайдан келдинг?

Қани, бурунгидай давлат,
Етимликда босди меҳнат,

Ишингдан кўрмадинг роҳат,
Бул бошингда мудом кулфат,
Ҳолинг кўрсам йўқдир тоқат.

Бу сўзни эшитиб Ғариб бу кампирга бир сўз айтди:

Санам дедим, кўп югурдим,
Мен армонда жудо бўлдим.
Санам ишқинда ўртандим,
Эшикларда гадо бўлдим.
Санамнинг ваъдаси надир,
Мен уни бевафо билдим.

Дарвозада туриб дамсоз,
Неча марта қилдим овоз,
Этсамми, деб анда парвоз,
Санамни бевафо билдим.

Санам деб танимдан дармон,
Бир йўлиқиб сўйлашмасам,
Юрагимда колар армон,
Сўзимни эшит, меҳрибон,
Шундай бўлиб манга фармон,
Санам минан сўзлашмасам,
Кетмас мандан турли армон,
Санамни бевафо билиб,
Мен сенга келдим, моможон.

Мен ташладим номус-орди,
Бир кўрмак ани душворди[р].
Сўйлагани саған келдим,
Сендан бўлмаса максадим,
Кетмас бошимдан кулфатим,
Кўп югуриб адо бўлдим,
Санам отли, эй хасратим.
Азиз бошда бўлиб ғавғо,
Ишқивозлик ажаб савдо,
Момо, қилай изинг тавоб,
Бул сўзима берсанг жавоб.
Санаминан гаплаштирсанг,

Момо, ўйлан, жуда савоб.
Сўз айтарман алвон-алвон,
Англа сўзимни моможон.

Анда момоси Ғарибга бир сўз айтиб турган экан:

Бормайман Санам қошига,
Кўзим тушмайди ишига.
Хушомад қип, жоним болам,
Кўп ёнашмайман қошига.

Ҳар замон ўрдага кирар,
Бўлмаса ул боғда юрар.
Гулчорбоқда кўшку айвон,
Санам кизнинг мазгили бор.

Халқдан стар менга сўзи,
Хизматида қиркин кизи.
Таърифи аламга достон,
Шипирмакка ҳовли, сўри.
Қанча одам кўйган подшо,
Сўйлаштирмак қийин кунда.
Ўзинг ўйлагин, Ғарибжон,
Қулоқ сол энанг додига,
Одам тўғри бўлолмайди,
Санамнинг сиёсатига.
Сўйламаклик осон эмас,
Айтмоқ кийинди[р] бетига.

Бурунгидай Санам дема,
Сўйламаклик осон дема.
Санамнинг ишкида юрдинг,
Жоним болам, бегам бўлма.

Жон болам, сенга сўйлайман,
Сенинг учун жон қийнайман,
Яхшилик ҳақда ўйлайман,
Сенинг учун мен Санамга,
Жон болам, қайтиб сўйлайман?

Қизим бўлса амалдорди[р],
Отаси шоҳ мухрдорди[р],
Сендан бермакка хабарди.
Кўнгли қандай, билиб бўлмас,
Не экан кўнгли, билиб бўлмас.

Бу сўзни момосидан эшитиб Ғариб айтди: “Момо, қулга қочмоқ бир армон деган экан, бизга бир гаплашиб, кўнглини билмоқ бир армон, илгариги кўнгли турганми, биздан ўзгаларни маъқул билганми? Бурунгидай кўнгли бўп, бизни эсга олиб юрганми, менинг қаёққа кетганимни билмай ҳайрон бўлганми? Агар шундай бўлса, қиз бола-да, бировга айтолмайди кўнглида нима борини, кўнглидаги англаб, маслаҳатларини билиб олсак, бир ёқли бўлардик-да”. Анда кампир туриб айтди:

– Эрта бозор, Санамнинг хизматига турадиган қирқта қули бор, шулардан бири ўлиб, бир кам қирқи қолган. [Шунинг учун] хизматкорликка бир боптa қул сўраб юрган эди, унинг боптa қули, болам, сен-да. Мен эртан сени бозорга олиб борсам. Агар қул сўраб бозорга келиб қолса, бозорга тушадиган қулларнинг савдогарининг бир кўзи кўр бўлади. Бўлмаса, чўлоқ-мўлоқ қуллар киради бозорга.

1963 йилги фольклор экспедицияси. Фольклоршунос олимлар Ҳоди Зарифов, Зубайда Ҳусаинова, халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли хонадонида. Самарқанд вилояти, Булунгур тумани, Лойқа қишлоғи.

Анда Ғариб: “Мени ҳамма таниб қолади-да бозорда”, – деди. Кампир: “Танимайдиган қиламиз-да”, – деди. Ғариб айтди: “Момо, сиз қачондан бери қулжаллоб бўлдингиз, деса қайтасиз?” – деди. Кампир айтди: “Унгаям ўтириклаб бир гап айтармиз. Санам олса олағўяр, эмаса кўрсатиб қайтамиз экан”. Ғариб: “Хайр, ўзингиз биласиз эса. Ишқилиб, бир-биримиздан айрилишгандан бери кўришганимиз йўқ”, – деди. Шунда Ғариб оқшом ётди, эрта-мертан тонг отди. Кампир қул бозорига олиб бормоқчи бўлиб, кийимларининг устидан яна шунча кийизиб, бетларини ажи-бижи қилиб, одам танимайдигандай қилиб бежаб, қул бозорига эргаштириб олиб кетди.

Энди Санам билан Акча каниз иккови маслаҳат қилиб, қул бозорига бориб бир хизматкор қул олиб келмакчи бўлиб, упа-рангларни қўйиб, зар-зарвар либосларини кийиб ўзига оро-тара бериб, хизматкор қуллардан икковига буюриб, яхши отни эгарлаб-шайлаб рўпарай қилиб турибди. Санам билан Акча иккови отланиб бозорга кетиб бораётган ери.

Мисли қизил гулдай бўлиб,
Шул замонда ҳурдай бўлиб,
Санам билан, кўринг, Акча,
Икковлари бирдай бўлиб,
Санам бозорга жўнади.

Ранг-баранг булбулдай бўлиб,
Ҳусни тўлган ойдай бўлиб,
Қоши ёйилган ёйдай бўлиб,
Хўп дунёдор бойдай бўлиб,
Шоҳсанам бозор жўнади.

Кўрганларнинг ақли йитиб,
Бедовларни йўрғалатиб.
Томошаталаб ҳар тарафда,
Ҳар бир кўча тўлиб кетиб.
Шоҳсанам бозор жўнади.

Ошиқ пайти оқшом-кеча,
Ҳолин билмайди бир неча.
Жамоллари яркиллашиб,
Бозор жўнади ойимча.

Томошабин қарашади,
Зулфи белга чулғашади.

Бул қаддига кийган кийим,
Санамжонга ярашади.
Сулувликда ками йўқди[р],
Қараса кўз камашади,
Кўргаппинг ақли шошади.
Камолин кўрган Санамнинг,
Уммон дарёдай тошади.
Икковлари бирдай бўлиб,
Бул икков бозорга жўнади.

Шундай бўлиб бозорга кетишди. Санамни кўриб бозорда турган одамлар савдо минан иши бўлмай, хаммасининг оғзи очилиб, ўзи анграйиб, бурни танграйиб, Санамга тикилиб қолди. Санам кул бозорига кириб от устидан кулларга қараса, ёқимли кул кўринмади, кул бозорининг бир четига ўтди, ўзига энага танимали кампир кул бозорининг четида бир йигит кулни ушлаб турибди. Санам сўради: "Бу йигитни нимага ушлаб турибсиз?" – деди. Кампир айтди: "Буни сотаман деб опкелиб эдим, харидори бўлса сотаман", – деди. Санам эса: "Кулингизнинг нархини айтинг", – деди. Кампир нархини баланд айтди. Буни эшитиб кампирга караб Санам бир сўз айтиб турган экан:

Қора зулфим эшилгандир тол-тол,
Душманлар йўликса бўлади поймол,
Жоним эпа, бул сўзима қулоқ сол,
Жуда нархин баланд айтдинг кулингни[нг],
Бул кулингнинг, айтгин, нима касби бор?

Ярашикка ман зулфимни тарайман,
От устида туриб сендан сўрайман,
Уч-тўрт кулнинг нархин айтдинг кулингга,
Кулингнинг хизматини сендан сўрайман.
Мен Санамман, қулоқ солгин тилима,
Харидор бўп келдим сенинг кулингга,
Тўрт кулнинг нархини қўйдинг кулингга,
Бу кулингнинг, айтгин, нима касби бор?

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Қизил гул ишкида сайрар булбуллар,
Булутлар маст бўлса калкийди кўллар,

Санам бўлди бу қулингга харидор,
Нархи баланд қулнинг нима касби бор?

Бу қулга кўп баланд баҳо қўясан,
Сўз сўраса менга жавоб берасан,
Ҳар гапларни, жоним мома, биласан,
Қулингни нархини баланд қўясан,
Қул оп келиб, мома, бозор соласан,
Хизматини менга баён берасан.

Санамнинг қошида биргадир Акча,
Айтар сўзин сира билмас бир неча,
Шоҳсанам сўрайди сиздан гул химча,
Санам сўраб тоза нархини билганча,
Сендай момам тўғри жавоб берганча,
Ростин дегин, қулнинг нима касби бор?

Санамдан бул сўзни эшитиб кампирнинг хаёли қочиб қолди. "Нархини баланд айтдинг деб гуноҳкор қилами?", – деб кўзи ялтираб, ияги қалтираб, мазаси кетиб қолди. Кампир кўнглида "Сен одамнинг нархини қаёқдан билгич бўлдинг" деб, "мени бир бало қилади, шекилли" деб, ўйлаб турди. Кампир яна "ўзимни босиб олайин, бир гапириб қолайин" деб, сўз айтиб турган экан:

Санам қизим, эшит менинг тилимни,
Нархи дўнг экан деб, болам, иркилма.
Баён айлай энди сенга қулимни,
Олисда юк бўлса қолмас, еткиза[р],
Ҳарна зарил хожатингни биткиза[р],
Қулларнинг ичинда ишин ўткиза[р],
Шу сабабдан баланд айтдим қулимни.

Хизматкор бобинда сира кам эмас,
Шоҳлар хизматида бўлса ҳам емас,
Бозордаги қуллар баравар эмас,
У қулларга тенгламагин қулимни,
Олсанг бераверғин пулимни.
Бу қулга ҳар ердан чикар харидор,
Айрилмайди сира йўлиқса шоҳлар,
Аслини сўрасанг бул сенга даркор,

Сендайин Санамга бўлса хизматкор,
Бу қулни олсанг, болам, кўнглинг топилар.

Бу қулим созанда, ўзи сухангар,
Сўйлаганда юрагингдан сел кетар.
Ўтирсанг қолмайди кўнглингда ғубор,
Соз бошида камлиги йўқ сухангар,
Хоҳласанг сотарман, жон болам, тайёр,
Момангни сўзини билгин мухтасар.

Санамжон бул сўзни эшитиб: "Майли, болангиз хизматни кўп қилами, оз қилами, сухангар-шоир бўлса қулингиз икки оғиз сўз айтсин, сўнгра пулини бериб олайин", – деди. Кампир қулига айтди: "Ўзи Шохсанам, Шоҳаббос подшонинг қизи сенга харидор бўлиб, мирзанг бўп турибди, бир-икки оғиз сўз айтгин", – деди. Шунда Ғариб икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Мен сўйлайин, қулоқ солгин, Санамжон,
Армон билан жудо тушдик, Санамжон!
Умид узмай сенинг чин сўзингдан,
Кўп югуриб, абгор бўлиб изингдан,
Ишкингдан бозорга тушдик, Санамжон!

Ғариб каби юрдим сени ахтариб,
Қул бозорда келдинг харидор бўлиб,
Қилиғу хулқимни, юзимни кўриб,
Хизматингга лойиқ кўргин, Санамжон!

Сени кўриб кетди бу ақлим шошиб,
Кийган кийим бул қаддингга ярашиб,
Мен ҳам бўлсам хизматингга муносиб,
Қуллар қаторинда кўргин, Санамжон!

Ғарибман, ишқингдан кўп йиғлаб-кулган,
Бу қулинг устига жандани кийган,
Хизматини кўрса мирзаси суйган,
Сен ҳам менинг мирзам бўлгин, Санамжон!

Чўлларда кўп бўлар улоққан қўзи,
Шоҳсанам отида Шоҳаббос қизи,

Бозорда сўйлайди бу қулнинг ўзи,
Энди қайтмай савдо килгин, Санамжан!

Санам ўзига-ўзи: "Сўзига қараганда шул Ғариб-ов, энди ҳар гап бўлса бу девона бўп қолибди", – деб отдан тушиб, кампирнинг нарх қўйган пулини санаб бериб, Ғарибни сотиб олди. "Энди қулнинг яхши хизматкоридан олдик, кампир қатти[к] чала тўйғизиб сотаман, деб қувиб келганда бозорга. Оч юракка аччи-чува дегандай, биз хам қувиб кетавермайлик", – деб бир канорага тушиб, ҳар турли овқатлар олиб, Ғарибнинг корнини тўйғазиб, Санам Акчага айтди: "Бу қулимиз яхши экан, шоирлик касби бор экан, бозордаям пича айттирдик. Таги бир-икки оғиз айтиб берсин кани". Шунда Ғариб таги икки оғиз айтиб турган экан:

Изласам оламга достон,
Жар солғай-солмағай.
Қуралайдай кўзларинг,
Хумор солғай-солмағай.

Вактим хуш бўлди шу чоқ,
Гул тутай қучоқ-қучоқ,
Олтин туёқли арғумоқ,
Остингда бўлғай-бўлмағай.

Ёр, сенсиз найлайин,
Дилдор, сенсиз найлайин,
Сенда бор ҳусну камол,
Бошингда бор панза рўмол,
Бир ажойиб Санам дилбар,
Бизга ёр бўлғай-бўлмағай.

Бизга ҳамро бўлди мунда,
Бир Шоҳсанам гарди сипо,
Зулм айлаб қилмагай-да,
Бечорага қатти[қ] жафо,
Бир нажот айласа вафо,
Таърифи бўлғай-бўлмағай.

Бир нафасда айлади ион мунда тайёр,
Ишкида сўз сўйлар энди сухангар.
Кўнглидан кетсин-да ғаму ғубор,

Неча одам олдидадир хизматкор.
Қул таъриф айлади, бир Санам дилбарча бор,
Сўз сўйласа тиллари булбулча бор.
Оғзидан чиққан нафас дурри гавҳарча бор.
Юрибман саҳрони кезиб,
Ўйласам кўнглимни бузиб,
Дунёдан умидим узиб,
Неча замон бағрим эзиб,
Санам қошида сўйладим,
Ўйласанг кўнглимни бузиб.
Сенга сткай менинг зорим,
Бузилди ўсган кирдорим,
Кетиб менинг номус-орим,
Қизиқ бўлди қул бозорим,
Бирга ўтирган харидорим,
Бу хизматкор интизорим,
Билинарми унга ҳолим,
Ёр бўлғай-бўлмағай.

Шундай деб, Ғариб сўзини тамом қилиб, Санамжон Ғарибни олиб туриб кетди. Ўз макони – боғига етди. Ғарибни олиб бориб, хизматкор қулларнинг ичига қўшиб, қирқта тугал қилиб қўйди. Кеч кириб, Ғариб аланглаб юрибди. Кун намозшом бўлди, жандаларни ечиб, уйда бет-қўлларини ювиб, кўнглида Санамнинг ўзи келар, ё ётоқ жойига айтиб борар деб, ухламай пойлаб ётибди.

Санамнинг ҳам кўнглида "бир гаплашсак" деган фикр бор эди. Санам бугун опкелган қулнинг устида ўлиб ётибди, деб айтмасин деб, қандай бўлса, яхши синашта бўлсин, деб кўнглида айтиб қўйди. Ғариб ҳали келар, ҳали келар деб, окшом минан ухламади. Бир палла тўрғай чулдураб тонг отиб келяпти, энди кўнглида айтди: "Бул бўлак одам топган экан, бу лойқамокчии бўп олган экан, энди бундан умид узиб кетсам ҳам бўлар экан", – деб кетмакка бел боғлаб, бир сўз айтиб турган экан:

Кўп югурдим мен ҳам Санам ёрим, деб,
Ўзга ёринг бор эканин билмадим.
Мендин ўзга мунинг кими бор, деб,
Қақнус куйган нор эканин билмадим[3].

Ғариб айтар, қулоқ солгин тилима,
Бир сурилиб қарамадинг ҳолима,
Кокилим деб чирмадим оч белима,
Одам чаққан мор эканинг билмадим.

Раҳминг келмай кўздан оққан ёшима,
Қабо фалак оғу қўшди ошима,
Гул деб санчиб эдим сени бошима,
Қуруқ тиканзор эканинг билмадим.

Санам дер, куйдирди айролиқ ўти,
Сендан уздим ҳам қўлим, умидимди,
Ўзга билан юраётганинг билмадим.

Тонг отгунча Ғариб йиғлар тўнг қотиб,
Ишқ ханжари менинг бағримдан ўтиб,
Мени тақдир шундай кулфатга элтиб,
Фалак менинг саҳаримда хуш этди,
Адо бўлмас кўп ғурбатга дуч этди,
Санамман, деб жуда ўзидан кетди,
Ўйлаб турсам, энди мени унутди.

Мени кул қип мунда олиб келади,
Қалайсан, деб мендан хабар олмади,
Бирон марта назар кўзин солмади,
Бул чоғида мени писанд этмади.

Энди туриб мени нимам бор мунда,
Эрта кундуз бўлиб юрмай шарманда,
Мен қарадим, мунда Санам келмади,
Менинг ўйим – кўнгилдаги бўлмади.

Бу сўзни айтиб бир хат битиб, кўшкисини олдига қўйиб, тонг отар-отмас чиқиб жўнаб кетди. Шунда эрта-мертан тонг отди. Санам ўрнидан туриб ташқарига чиқиб, Ғариб битиб ташлаб кетган хатни кўрди. "Э аттанг, бекор қиппан", – деб пушаймон еб, ёнига хатни солиб, кулларнинг қошига келиб: "Кечаги янги опкелган қани?" – деди. Қуллар айтди: "Биз турсак йўқ экан, ул қашшоқ кул экан", – деди. Санам: "Нимага хабар бермасдан писиб қолдиларинг?!" – деп кулларга дўқлади. Подшоликка овоза бўлди: "Санам кеча бозордан бир кул олган

экан кочирибди" деб, соп амалдор, ясовуллар кўча-кўчаларда от чопиб излаб юрибди. "Санамнинг бир кули кочибди, ҳеч қаерда дараги йўк, катта-кичик ҳеч бир одам бир кўрдик демайди", – деб неча кун шул ҳалакчиликда сўрашиб юрди, қулнинг тайинини топмади.

Шунда жойни хилват қилиб, Санам Акчага қараб бир сўз айтиб турган экан:

Қайта бошдан кўхна дардим қўзғалди,
Ғариб кетди, мен холини билмадим.
Менинг учун бозорларда сотилган,
Ҳай Акчажон, ёр кадрини билмадим.
Хийла билан келиб тушди қўлима,
Анга сира мисли шафқат қилмадим.

Билиб туриб, билмас килдим ўзимни,
Сарғайтирди менинг қизил юзимни,
Йўлига тўрт қилиб наргис кўзимни,
Ғариб кетди, мен ҳам кадрин билмадим.

Шундай одам қул номини кўтариб,
Умидини узиб кетди ўртаниб,
Ҳаёли бошқади[р], бул хатга солиб,
Менинг учун қанча жафолар кўриб,
Оҳ уриб Ғарибнинг кадрин билмадим.

Кетибди хатида кўнглимни бузиб,
Кўзидан селоба ёшини тизиб,
Кўнгил қалъасини вайрон қип бузиб,
Мен қолдим бу ерда бовримни эзиб,
Аттангга, Ғарибнинг кадрин билмадим.

Ғариб дерман, оҳу афғон киларман,
Ғарибни топмасам куйиб ўларман.
Ҳарна бўлсам Ғариб дерман бўларман,
Қайда бўлса ани излаб топарман.

Эркак либосини кийиб излагин,
Мамлакат қолмасин юриб сўрагин,
Сира топмай элга қайтиб келмагин,
Қайда бўлса излаб топиб кел энди.

Акчажон, қулоқ сол айтган сўзима,
Кўрсатмасанг бўлмас менинг ўзима,
Ғариб десам ёш тизилар кўзима,
Аттанг дедим, мунда қадрин билмадим.

Акча, эшит, менинг айтган додимни,
Яхши қилсанг бул замон хизматимни,
Излаб кўрчи аввал ушбу юртингни,
Кетибди, билмайман ҳоли нс бўлар,
Излаб борса анинг кўпгни тобилар,
Ғарибни ахтариб излаб топмасанг,
Шу ғам минан мендай Санаминг ўлар,
Акчажон, албатта, бўлгин хизматкор.

Ҳар кимни дўст билиб сиринг айтмагин,
Топмадим, деб сира йўлдан қайтмагин.
Омон-эсон топиб келгин Ғарибни,
Мен пушаймон қилдим, қадрин билмадим.

Энди бу сўзни эшитиб Акча эркак либосини кийиб, белига камар бувиб, сочини товлаб тўбасига жийиб, рўмолларни ташлаб калпоқ кийиб, устидан кишт телпакни бостириб кийиб, қилични белига бувиб, заррин довирлар солиб, отни эгарлаб шайлаб, устидан холи хуржунни солиб, бир подшонинг махрамидай бўлиб отланиб: "Санамнинг эсонлигида бир қул қочиб қутулиб кетаберадими?" – деб бул қочган кулни излаб чиқибди. Канизлар ҳам, билган Акча деб, билмаган подшонинг бир махрами деб, бегона кулларам: "Кечаги қочган кулни излаб бораётир, бир ерда кўлга тушса, Санам ёмон ғазаб килди, ўлмай қутулмайди у кул", – деб хизматкор қуллар, ўзга одамлар бари шундай чўтлаб қолди.

Акча хар ердан сўроғини сўраб ўроқчи борми, машоқчи борми, мардикор-хизматкор борми сўраб, Ғарибни қараб, бўлак шаҳарларда адашиб кетди. Хуросон тоғлари минан сўраб, ҳамма жойларни кўриб *Адан деган ерга борди*[4]. Адан шаҳри хонининг ўрдасига бориб, бир қочқин кулни ахтариб келганини айтди. Хон подшоликка хизмат қилган кишиларни чакириб буларга эшиттирди: "Шоҳаббос давлатидан, Шоҳсанам хизматидан бир кул қочирдик, мамлакатингиздан сўраб-суриштириб, яхши қараб топиб берсангизлар", – деб билдирди. Адан амалдорлари айтди: "Қочоқ кул деб сўрасак писиниб кетгани кетган бўлар, бул юзага чиқмас, бир белги-нишони бўлмаса одамни билиб бўлмас", – деди. Унда Акча: "Рост айтасизлар, унинг белгисини айтмасак бўлмас", – деб бир сўз айтиб турган экан:

– Оти Ғариб, чиқиб эли-шаҳридан,
Одам излаб тушган унинг кейнидан.
Созанда сифатли, ўзи хушчақчақ,
Мунда келдик мамлакатларни сўраб,
"Қочган қул" ном қўйиб Ғарибни сўраб,
Кўшки айвонида Шоҳсанам йўқлаб,
Қайси юртга кетган ўзини йўқлаб,
Элу халқ қолмади, келдик сўроқлаб.
Ҳар қандай одамдан ақли шошмаган,
Анинг ёши йигирмадан ошмаган.
Кўринар одамга иссиқ юлдузли,
Йўлиққан кишига кўп ширин сўзли,
Одамнинг ақлини оларлик кўзли,
Хўп ҳусни чиройли гулни қочирдик.

Элу халққа шундай дарак солинглар,
Шундай одам бўлса олиб келинглар,
Ўтирманглар, бир ҳаракат қилишглар,
Шаҳарни тозалаб менга берингглар.
Бу срларга жўқчи бўлиб кслдим ман,
Шаҳрингизда бори-йўғин билинглар,
Яҳши қараб менга сўраб берингглар.

Эшитинглар мендай жўқчи додини,
Эсингдан чиқарма Ғариб отини.
Неча сўзни айтдим турган амалдор,
Жону дилман туриб энди каранглар.
Мен изладим, Ғариб қулим ўлмасин,
Бирон жойда кўзга тушмай қолмасин.
Билмамишга олиб баринг сўрагин,
Шундай қип, шаҳрингдан топгин дарагин,
Ул қулим меҳнаткаш, менга керагин.
Бу сўзни эшитиб амалдор кетди,
Катта-кичик қолмай сўраб юрибди,
Ҳеч ердан билолмай бирор дарагин.

Амалдорлар жуда қилди хизматди,
Шулми деди, неча улларни кўрсатди.
Бул эмас, деб жавоб бериб жўнатди,
Бир жойда бировга Ғариб ялинди,
Хўп гапиртип қулоқ солар сўзига:

– Мирзанг келган сендай қулнинг изига.
Сен бўлибсан қочиб ундан гуноҳкор,
Мирзанинг қошига бормагинг даркор.
Не иш қилса шунда бўлар ихтиёр,
Тайсалламай боравергин баравар.

Шул замон иккови бирга жўнади,
Санамни деб Ғариб ўйлаб боради.
Ғариб бориб бул Акчани кўради,
Қулим шул, деб ҳаммага жавоб беради.
Акчани кўрганда кўнгли бузилди,
Шоҳсанам эсига тушиб Ғарибнинг,
Бир оҳ тортиб ерга бағри эзилди.

Ҳаммани жўнатиб, овлоқроқ килиб, Акча туриб айтди: "Ғариб, сенинг юришинг кандай, бир нарса асар қилдими, бекоригаям шундай кетасанми? Санам сени бозордан билмай олибмиди, албатта, билиб олган. Қошингга келиб сен минан гаплашмакни андиша қилган. Улам сенинг ишқингда куйиб юрган, сени қул деб сотиб олиб келган, агар шул куни сен минан ё гаплашса, ё қошингга келса, ё кўшкига чақириб борса, дарров халкка гап қилиб чикарардилар, "кул деб Санам бир бўзболани опкеп ўзига ром қилиб, кунда қаватида саклаб юрибди" деган сўз элга ёйиларди. Шу ерларга сабр сақлаган экан, сенинг ақлинг етмаган, сенинг ишинг жуда қичов бўп кетганда Санам ўйлаб билади. Халқ уят қилади, хатга битиб ташлаб кетибсан, яхшиям бўлак кўрмабди, Санамнинг қўлига тушибди. Бошқа бировнинг қўлига тушса. Санамнинг пардаси йиртилиб, қанча маломат гап элга ошкора бўлар эди. Вактини топиб гаплашамиз деган эди. Ҳатто Санамнинг хаёлида йўқ гапларни гапирибсан. Санам хизматкор қулга зарил одаммас, ўзга ёри бўлса сени оп келмас эди. Сенинг ўзингнинг калланг қотиб, хаёлинг кетиб қопти. Йигит одам ўзини тўхтатади, ҳар нарсани гап деб этагига чок этиб ияртиб юрмайди, юриш йўлин тозалаб юради". Ғариб айтди: "Мен кўрмай кетганимга неча вакт ўтди, бир сир бериб гапнинг важини чикармагандан кейин мандан умидини узган экан-да деб ўйладим", – деб Акчага қараб бир сўз айтиб турган экан:

Акча келин, ғамсиз бошим,
Ғамхона бўлди, пайлайин.
Бир гап минан ошно ёрим,
Бегона бўлди, пайлайин.

Ишқ ўтига ёна-ёна,
Қабо фалак дона-дона,
Хоҳи ошна, хоҳ бегона,
Гул юзим сўлди, найлайин.
Санамнинг гўйида юриб,
Паймонам тўлди, найлайин.

Булбулнинг маскани боғлар,
Усти корли ола тоғлар,
Ошиқлик бағримни доғлар,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Булбулнинг маскани боғда,
Марол кезар баланд тоғда,
Санамжон учрашган чоғда,
Сўйламай йўлиққан вақтда.

Эсимга олсам бўвним бўшар,
Сапам десам кўнглим тошар,
Кунда хаёл мени қўшар,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Асли менинг отим Ғариб,
Ғариблик куйида ох уриб,
Санам ишқи жинни қилиб,
Менам тақдирга найлайин.

Санам деса, бел бойлайин,
Жонимни хурсанд айлайин.
Қарасам кўзим тушарми, деб,
Кунда суқсурдай бўйлайин.

Келибсиз мени излаб,
От минмайин кетай хезлаб.
Санам деса жоним ўйлаб,
Мен юрганда парвоз айлаб.
Майлинг, энди кетсанг олиб,
Қочган қул, деб қўлим бойлаб.
Санам дедим, бошим бердим,
Мажнундай чўлларда юрдим.

Ишқ савдоси ўтиб кетди,
Мен Фарҳоддай хизмат қилдим.

Кўрмаган ерларда юрдим,
Санам ишқида оҳ урдим,
Куйиб энди адо бўлдим.
Санамжондан эшитиб хабар,
Ғариб кўнглим шодмон қилдим,
Акча, кўнглимни кўтардим.

Менга ёқди, Акча, сўзинг,
Кўзга суртай сенинг изинг.
Омон-эсон юрган бўлса,
Санам отли сарвиназим.
Энди турмай кетмак лозим,
Акча менинг қандай сўзим?
Маҳтал бўлиб йўлга қарар,
Бул интизор икки кўзим.

Сўнгра Акча Ғарибга бир сўз айтиб турган экан:

Ғарибжон, ёқутинг энди топилиб,
Энди мунда обрўйимиз ёпилиб,
Энди гаплашармиз овлоққа кириб,
Акча келин энди отини минib,
Ғариб йўлга тушди пиёда бўлиб,
Қул номи бор, мундан ҳайдаб жўнади.

Ғариб, қулоқ солгин айтган нолага,
Энди чиқиб қолдик овлоқ далага.
Акча келин, жасадингдан садақа,
Келиб мингин энди отга.
Бу чўлларда азоб кўрма,
От билан юрдинг пиёда,
Ўзингга кўп азоб берма,
Сўз эшит сўйлаган доддан,
Таърифин айласам достон.
Санамнинг жойи гулистон,
Икковинг ҳам суриб даврон,
Отга мингин, эй Ғарибжон!

Юришинг ёмон бўлмасин,
Шоҳсанам гина қилмасин.
Ғарибга озор бердинг, деб.
Яна бизга гапирмасин.

Ғарибжоним мингин отга,
Обкетайин сени боққа,
Ораласанг кенг чорбоққа,
Санамга йўлиқсанг якка,
Мен тушайин мингин отга.

Абжир юрмакка сиёғинг,
Тошлар урмасин тирноғинг.
Санам билан ўйнаб-кулсанг,
Кстади юракдан доғинг.
Мингашсанг ҳам олиб кетар,
Оғирлашмас тўбичоғим,
Мен тушайин мингин отга.

Ғариб айтар: эй Ақчажон,
Ўзингни қилмагин хазон.
Санамжондан бўлиб хабар,
Менда қувват кўпдир дармон.
Йўқлаганда етишмасак,

"Ҳай аттанг", – деб қилар армон.
Кўрдингми, Ғариб юришин,
Мендан отинг кейин колган.
Санамни бориб кўрганча,
Отга минсак айб бўлган.
Шул бўлар Ғарибнинг сўзи,
Санамжоннинг босган изи.
Санамнинг сўзини билган,
Меҳнат қилиб излаб келган.
Гапингда бўлмасин ёлғон,
Сенинг ҳам хуснинг балқиган.

Оқ юзингга қўйиб холди,
Сиртинг сулув, лабинг болди[р].
Сен ҳам Санамдан кам эмас,
Ҳар бир сўзинг ақлим олди.

Санам учун меҳнат тортиб,
Мен юрарман елиб-чопиб.
Икковимиз овлоқ ерда,
Кетдик бирга йўллар тортиб.

Санам деб не ишлар қилдим,
Молдек бозорга сотилдим.
Мен ўпкалаб бошим олиб,
Санамжондан гина қилдим,
Кейнимдан сени юборган.
Санамнинг ишқини билдим,
Юрмоқликни яхши кўрдим,
Ишқимни Санамга қўйдим.
Меҳнат қилсанг висол ширин,
Кетсам дейман сендан бурун.
Устингда либосинг гулгун,
Бу сўзимга Ақча кулгин.

Бул сўзларни бир-бирига айтиб, отини чопиб чўл тортиб, қоронғу тушганда Санамнинг боғининг яқинига етиб борди. Унда қоронғуда Ғарибни одамлар танимайди, Ақчани ҳам бир банда билмайди. Кундуз ёруғ бўлса танир эдилар. Битта-яримта сўраган одамга "Санамнинг қочган қулини топиб келяпмиз", – деб ўтаверди. Ётар хуфтонда Санамнинг жойига етаверди. Отнинг дупури билан от ушлар кишилар чиқиб қолди. Бир нечаси "Бу қандай киши?" – деди.

Фольклоршунос олимлар Жуманиёз Қобулниёзов билан Зубайда Ҳусаинова "Раъно билан Сухангул" достони қўлёзмасини кўздан кечиришмоқда.

– Қочган қул топилди, энди Санамни сўраймиз, бу қулни қаерга қўяди. Бу қулларни ичига қўйса қочар экан, – деди Ақча. Шу вақт Санам ҳам ташқарига чиқди. Санамнинг қадди-қоматини кўриб Ғарибнинг ҳамма ери қалтираб турди. Санам қулларни чақирди, қуллар жам бўлди. "Мана бу қочган қул топилди, буни ўрталарингизга олиб ётасизлар, агар энди қочириб қўйсанг ҳаммангни бошингни кесаман, хўп эҳтиёт бўлинглар", – деди. "Далага чиқса бирга чиқасанлар", – деди. Бу сўзни эшитиб қуллар ҳангу манг бўлиб қолишди. "Бул оёқли одам, бунга биз ҳамиша

эҳтиёт бўлолмаймиз, бул қочиб ўрганган. Бир кун бўлмаса бир қочиб, ҳаммамизнинг бошимизга етади, бизни ўлдирса жон ўлдирсин, бу қочоқ кулни бизга қўшмасин. Шунда балодан ҳазар деб, булар ҳам ҳазар қилди. "Маҳкам ерга қамаб қўйинг", – деб Ақчага айтди. Канизлар ҳам айтди: "Санамнинг аччиғи келган". Қуллар кўнглида айтди: "Муни бир ерга қамаб азоб беради, ўз палакати ўзи билан кетса яхши-да, агар Санам қийнаса, бизни ўрток тортиб, қочиб кетавер", – деб шу қуллар айтишди, деб ўтирса, бунинг сўзи билан бизга ҳам анча ташвиш беради-да", – деб шу маслаҳатни уйқуси келганча булар ҳам қилиб ётди. Ётар вақти ҳар қайси жойига кетди. Ақча билан Санам бир ерда ўтирибди.

Сўнгра Ақчага: "Ғарибни эргаштириб кел", – деб буюрди. Ақча келиб эргаштириб борди. Санам кўриб кулиб: "Ҳа бу қочқоқни қаердан ушлаб келдинг", – деди. "Уйтиб-буйтиб қўлга туширдим", – деди. Ғариб қувонганидан ҳеч нима деб гапирмай қаради. Дастурхон ёзиб ҳар турли овқатлар олиб келди. Ғариб оч-тўқини ҳам билмай анграйиб қолди. Санамнинг бетига қаради-да қотиб қолди, савол ҳам, жавоб ҳам йўқ бўлди. Шунда Санам: "Бул қочқоққа ўз қўлим билан шароб қуйиб берайин", – деб олтин пиёлани қўлга олиб, пиёлага шароб солиб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Коса бердим қўлим толиб,
Бул косага шароб солиб,
Ҳаммалардан ҳусним ғолиб,
Қочган қулимиз топилиб,
Олинг, аллаёр-аллаёр!

Оқ юзима қўйдим холди,
Косага боллар қуйилди,
Йўл топмай қочмоқ қийинди[р],
Бўлинг, аллаёр-аллаёр!

Боғда очилган гул-ғунчалар,
Гулга ярашган бунчалар,
Йўлин топмас бир нечалар,
Коса берар ойимчалар,
Олинг аллаёр-аллаёр!

Коса узатдим, ёрим олмас,
Ошиқ ёрдан кўнгли қолмас,
Мас[т] қилмаса Санам қўймас,
Олинг, аллаёр-аллаёр!

Коса бердим кўлим толиб,
Кетгансиз-да, араз қилиб,
Кўнглингиз кимдан қолиб,
Келинг, аллаёр-аллаёр!

Кўнглингиз лодон бўлмасин,
Бир дўсту душман билмасин,
Агар халққа маълум бўлиб,
Отам билиб ўтирмасин,
Ҳийла минан бўлган ишни,
Бирга қилдик ўтиришни,
Беҳуда қилманг юришни,
Олинг, аллаёр-аллаёр!

Бошимда панза рўмолим,
Энди етишган камолим.
Сизнинг ақлингизни олар,
Елпинса менинг шамолим.
Хоним, аллаёр-аллаёр!

Шундай бўлди сизга фармон,
Ўтиришда кетсин армон,
Ича беринг коса даврон,
Коса узатган Санамжон,
Олинг, аллаёр-аллаёр!

Санам неча вақт шундай қилиб Ғариб билан суҳбат қилиб юрди. Шунда бир ярим қизларнинг вақти-бевақт кўзи тушиб маломат гап тангилайин, деб колди. Шунда Ғарибга Санам айтди: "Энди бу ерда турмагин, ўзим хабар киларман. Отам билмасин, бул билганлар, гап-сўз қилиб ҳеч нима қилолмас, сен сир бермаган киши бўлиб кулларнинг жойига чиқиб, куллар қаторига хизматга айланиб, сен уларга билдирмаган киши бўлиб бўлак ерда юргин". Ғариб ҳам "Хайр", – деди. Шул оқшом ўтди, эртасига чошгоҳда кулларнинг ичига кўшди. Санам айтди: "Бу меҳнатдан тайсалланган кул экан, қаттиқ ишга *солманглар. Сизлар билан бирга юриб кам-кам кўзи сингиб ўрганиб* кетар". Ғариб оёғи қийшайиб кулларга қўшилди, ҳар кун бирга юриб куллар гапиради: "Ҳар ердан Санамга совчи келаяпти, Санам тегмай турипти. Қўрғонбеги саркардалардан одам келди, деб эшитамиз. Отаси сени бераман деса беради-қўяди-да, илгаридан берсаям бояги вазирни

ўғлига бермади. Санам тега олмади. Уч-тўрт кун шундай юриб, бир куни Ғариб Санамнинг гапи эсига тушиб қулларга билдирмай ажраб кетди. Ғариб кетиб туриб: "Ҳар ердан совчи келади деган эди, тағин бировга илашиб кетмасин, бир Санамнинг ўзига учрашиб кетайин" деб, қалин гулпутақининг остига кириб ётди. Қуллар келиб хабар берди: "У куни топган қулингиз кетди, топа олмадик". Санам қуллардан бу сўзни эшитиб: "Эгасиникига қараб қочадиган сигирдай қочмоқни одат қилган экан. Узоқлаб кетса қутулар, бўлмаса тағи қўлга тушар", – деб кўйди. "Санамнинг илгариги кочган қули бир қўлга тушиб келган экан, тағин қочибди", – деб халққа овоза бўлди. [Санам] "шу ерни овлоқ қилиб Акча билан гаплашаман", деб канизларини гулга буюрди:

– Боринг, қизлар, гулчорбокни кўринглар,
Сайил-томоша қилиб, ўйнаб-кулинглар.
Гул бойламак бунда ҳавас қилибсиз,
Даста-даста гуллар териб келинглар.
Гулчорбоқда бўлсин сенинг хабаринг,
Оқи-қизил аралашган гулларинг.
Ҳаялламай боринглар, хизматкорим,
Баринг жам бўб ўйин-кулгу қилинглар,
Биринг қолма, сайил вақтда юринглар.
Гул деса ёқади Санамнинг сўзи,
Хизмат қилар мендай Санам канизи.
Бахмалдайин яхши гулни теринглар,
Йўл-йўлакай ўйин-кулгу қилинглар.
Яхши гуллар териб илҳом олинглар,
Гулистони сайли баҳор қилинглар.

Бул сўзни айтди Санамдай дилбар,
Гул термакка жўнаб кетди канизлар.
Бораётир ўйин-кулгулар қилиб,
Ўйнашиб бир-бирининг қўлини ушлаб,
Қизлар кетди бу чорбоққа йўл бошлаб,
Ўриб кокилини далгардан ташлаб.
Бораётир шундай вактини хушлаб.
Санам хизматида канизлар кетди,
Шул замон гулзорга канизлар етди.
Ранг-баранг ҳар алвон гуллар очилиб,
Тўти, майна сайрар чаманда тўлиб.
Қизлар келаётир гулларни кўриб,

Кетгиси келмайди гулларни кўриб.
Сап санам дилбарлар вақти хуш бўлиб,
Тар очилган тоза гулга дуч бўлиб.
Анжирлар ётибди энди тўкилиб,
Нақш олмалар бордир бу боғда пишиб,
Ётибди тапиллаб остига тушиб.
Шундай бўлиб юриб қизлар маст бўлиб,
Бир-бири билан етаклашиб дўст бўлиб.
Булар билан ҳеч бир кишининг иши йўқ,
Санамнинг канизи чорбоққа бориб,
Неча даста турли гуллардан олиб,
Завқу сафо билан кунин ўтказиб,
Санамнинг хизматин кулиб биткариб.
Шундай бўлиб юрди канизлар бунда,
Хўп томоша қилиб юрдилар шунда,
Инак кўйлаклари ҳилпираб танда.

Каниз кизлар шундай ўз кайфи-сафоси билан юрди. Бир оқ қиз, ўрта бўйли чоқ қиз канизларга бир сўз гапириб турган экан:

Гулбута остида биров ётибди,
Кўзлари йилтираб ёнаётибди.
Менам кўрдим, ул хам бир жой одами,
Бу ерларга кандай етган қадами.
Ҳеч бир сўзни сўрамадим ўзидан,
Одам қўрқар қалтираган кўзидан.
Юринглар, Санамга хабар берайик,
Санам келиб буни чиқариб борса,
Нима одам экан сўнгра билайик.
Ҳайрон қолдим ул одам ётишига,
Биз борайлик Санамнинг қошига,
Хабар берсак, келар мунинг бошига,
Томоша қип, тағи бориб кўрмайик,
Бир маломат гапга дуч бўп қолмайик.
Нима қилса Сапамдадир ихтиёр,
Бу боғнинг эгаси Шохсапам дилбар.
Бу сўзни айтиб гулни ёйиб олибди,
Гул кўтариб қизлар йўлга кирибди,
Санамнинг қошига келиб турибди.

Мундан илгари булар борарида Акча билан Санам гапиришиб ўтириб эди. Санам: "Ғариб кетгандир, бу шаҳарларда тургани йўқ", – деб, унга Акча: "Ҳали узаб кетгани йўқди[р], бузоқсиз қолган сигирдай кейинига қараб юрганди[р]" – деб шундай кулиб ўтириб эдилар, устига қизлар борди. Оққиз Санамга караб бу сўзларни айтди:

Оҳ урсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Сиз бўласиз бу қизларнинг бувиши,
Гулчорбоққа кепти бегона киши,
Одамга ўтади караса кўзи,
Гулбута остида ётибди ўзи,
Бизларнинг каттамиз Шоҳаббос қизи,
Сайли боққа қайдин одам келибди?

Очилар баҳорда боғнинг бодоми,
Қандай етар мунда одам қадами?
Шоҳсанам буюрса ушлаб оп кетар,
Шоҳаббос обориб ул дорга тортар,
Осон эмас бу боғларга кирмаклик.
Жондан кечган одам мунда келади,
Подшо билса, тайин тутиб олади.

Шоҳсанамга шундай хабар беради. Шунда Шоҳсанам: "Гулларингни бойлай беринглар, Акча бориб хабар олади, мевадан емакчин бўлиб, қуён-пуён ошиб келади. Сизларни кўриб гулпутанинг остида писиниб тиклаб ётганди[р]", – деди. Оққиз айтди: "Сира калласи қуённинг калласига ўхшамайди, қуённи кўрганмиз, қулоғи узун бўлади. Одамга ўхшаган қуён бўлса ўзингиз биласиз", – деди қизларни гул бойлагани айлантириб юбориб, ҳеч нимани билмаган киши бўлиб, Акча туриб кетди. Бақандақ гулга етди, борса Ғариб гулпутанинг остида ётибди. Кўп насиҳатлар айтди. "Бизни маломатга тангиб, бошингга бир балони сотиб олиб ўтирма. Энди туриб кетгин, бу ерда турма. Санамнинг сўзини икки қилма", – деб Акча айтди. Ғариб "Хайр, кетаман энди", – деб эди, кўнглида айтди: "Бу срда кўриб қўйди, энди четрокка чиқиб писиниб ётаман" деб, бир четроқ леволга якин тўп жийда бор эди, шу жийданинг остида ётди. Шу орада уч кун ўтди, уч кундан кейин Санам канизлари билан гулчорбоққа оралади. Бирга юрган Оққиз "Кечаги шул гулпутанинг остида – шу ерда ётиб эди", – деб кўрсатди. Шунда гуллар раста-раста бўлиб эгилган, Санамнинг кўзи гуллар орасидан Ғарибни излаб топмади. Шунда боғни оралаб, ҳамма ерларга тиклаб караб, ўтиб

юраберди. Бояги тўп жийданинг остига Санамнинг кўзи тушиб қолди, Ғарибни кўриб Санамнинг аччиғи келди. Акчага ҳам айтмади.

Санам Акчага айтди: "Қизларнинг барини эргаштириб бор, мен бир пасл ҳаяллаб бораман", – деди. Акча бу гапда бир ҳикмат бор деб, қизларнинг барини йиғиб оп кетди. Санам бир ўзи қолиб, Ғарибнинг кошига бориб, бу сўзни айтиб турган экан:

Ғариб, ўзинг юрган қандай боласан?
Отам билса, армон билан ўласан.
Кет деса кетмайсан, мунда турасан,
Бир қабоҳат маломатни қиласан.

Бу шаҳардан кетгин, изингни солма,
Беҳуда гап қилиб бу ерда колма.
Сўйлаган сўзимни аҳмоқ билдинг сен,
Англамайсан, Ғариб, қулоғинг борми?

Подшо отам, билсанг, қилар сиёсат,
Халқ оғзига чалинибди маломат.
Сўнгра икковимизга бўлар қиёмат,
Ҳаялламай, энди бу ердан кетгин.

Подшолар зулмига дучор бўлмагин,
Ғариб, сен-да армон билан ўлмагин.
Бўлса сўзинг, бошқа ерда сўзларсан,
Кетгин, энди бу ерларда турмагин.

Сенинг боринг ҳеч бир киши кўрмасин,
Дўсту душман юришингни билмасин,
Отам бошинг кесиб дорга илмасин,
Кетгин, бу ерларга соянгни солма.

Қай шаҳар бор бўлса шул ерда юргин,
Бу савдодан ўз бошингни қутқаргин.
Кеча-кундуз яхшиликни ўйлагин,
Мундай бўлиб юришингни тайлагин.
Санамнинг сўзини сен ҳазил билма,
Ҳаялламай кетгин, йўлингдан қолма.

Бу сўзни Санамдан эшитиб Ғариб: "Мени йўқлаб келтиргани қани. итга суяк ташлагандай қилиб, энди шу юртга келмасак бўлами" деб.

“итни кет десаям кетадику” деб, Ғариб боғдан чиқиб, дарди Санамда бўлиб, Санамнинг гаплари таъсир қилиб, бу шаҳардан тоза кетайин деб, кетиб бораётиб эди, ўзининг яқинроқ одами эди, Ғарибнинг сир-и авҳолини билар эди, Ғарибнинг энасиминан гаплашиб юрган кампир эди, Ғарибни кўриб: “Энангнинг қошига бормай, қаёқдан келаяпсан?” – деди. Ғариб айтди: “Меним юрган йўлимнинг ҳам тайини йўқ, қилган юмушимнинг ҳам, қаернинг дони бўлса мен шу ернинг товуғи, деб юрибман”, – деб, бул кампирга икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ошик бўлдим олти ойлик Санамга,
Чақмоқ чақмай ўтлар қўйди танамга.
Қайтайин, ошиқман Шоҳсанамжонга,
Бориб айтинг оқ сут берган энамга,
Биз учун хизмат қилсин Санамга.

Санам дейман, кунда куйиб-ёнаман,
Қабо фалак неча алвон дўнаман.
Хилидан айрилган ғариб сўнаман,
Санамжоннинг кўлларига қўнаман,
Бир Мажнуни девона бўлиб бораман.

Сири аҳволимни айтинг энамга,
Оқ сут берган энам ҳолимни билсин.
Санамжоннинг хизматига югурсин,
Яхши хизмат қилиб ақлини олсин.
Қизим десин, менинг ҳурматим қилсин,
Хизмат қилиб Санам кўнглини билсин.

Бу сўзни Ғарибдан эшитиб, “Хайр, болам, омон бўл, Ғарибни кўрдим, деб айтган сўзларингни энангга айтаман. Санам сени овора килди”, – деб, омонлашиб, иккови айрилишиб кетди. Бораётган ерининг тайини йўқ, юрт ораси бўлиб бу шаҳарлардан чиқиб кетди. Ғариб айтди: “Илгаридан қолган нақл бор – кўздан йироқ кўнгилдан йироқ деган, узоқ юртларда юрсам, Санам кўнглимдан чиқар”, – деб бу сўзларни ўйлаб кетди. Неча кун, неча вақт орадан ўтди. Ғарибни қаттиқ ғапириб кеткизганига Санам кўп дикқат бўп юрибди, илгари жанғир-жунғур тақиб, ўзига пардоз бериб юрар эди, ул олтин қуббаларинам олиб сандиқчага солиб ташлади. Бир куни Акча Санамнинг кўнглини кўтариб, бир сўз айтиб турган экан:

Сенга сўз бердими билмай бир душман,
Санамжон, сен нега бўлдинг паришон?
Неча вактлар хафалик ҳаддидан ошган,
Давлатинг жойида сенинг, Санамжон.

Қадимгидай бул жойингда хизматинг,
Не сабабдан бундай диққатлик тортдинг,
Хафа бўлдим менинг қолмай тоқатим,
Нега хам паришон солдинг, Санамжон?

Акча дейди, кўриб бағрим эзилди,
Гоҳ вақтларда кўзда ёшим тизилди,
Диққатликдан менинг кўнглим бузилди,
Нимадан камлигинг борди[р], Санамжон?

Сенинг рангинг менга сўлғин кўринган,
Менга сенинг хафалигинг билинган.

Бул сўзни Акчадан эшитиб, Санам ҳам икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Хуросон йўлинда пас[т]-пас[т] тепалар,
Унда ёмғир бўлса, мунда сепалар,
Сандиқчада турган олтин қуббалар,
Саврима такмадим, ёрим кеткали.

Акча, қулоқ солгин Санам сўзига,
Яхши кўринмайман халқнинг кўзига,
Кўзим тўртди[р] Ғарибимнинг изига,
Шодмонлик бўлмади ёрим кеткали.

Қаерларда юрар ҳолига йиғлаб,
Ким йўликса Санам деганни сўраб,
Кўп катти[к] гапирдим, кетди ўпкалаб,
Ўйин-кулгу йўқтур, ёрим кеткали.

Кўзима кўринмас бул замон боғим,
Хазон бўлган бу гулистон чорбоғим.
Ғариб деса кунда учар кобоғим,
Ўйласам кўп бўлар юракда доғим.

Ўзгаларман бўлмас менинг бул ишим,
Қўлимдан учирдим ул олғир қушим.
Бўлмади кўшкида хеч ўтиришим,
Мендан кўнгли оғриб Ғарибдай кишим,
Бу юртлардан олиб кетканди[р] бошин,
Ғариб кетди, хурсандчилик бўлмади.

Бу сўзни эшитиб [Ақча]: "Диққатлик тортма, ул сени катти[к] гапирди деб кўнглига олмас, Ғариб ҳам эси йўқ одаммас", – деди. Шу алфозда неча вақт, неча ой ўтаверди, Санамга ҳар ердан совчи келаверди, саркарда беклардан, неча катта шоҳлардан. Санамдан сўраса, ҳеч кимни қабул қилмай юраверди. Бир куни Шоҳаббос айтди хотинига: "Бул Санам ҳеч кимни қабул қилмайди, Ғарибга бермакни ор билиб айириб юборган ўзинг эдинг, энди Ғариб бўлса йўқ бўлиб кетди, Санам хўп баркамол бўйи етди, ҳар бир одамлардан совчи келаяпти, ё Санамни биров бузиб юрибди, ё бул дунёдан шундай ўтаман дейди", – деди. Хотини бул сўзди Шоҳаббосдан эшитиб, ўрнидан туриб Шоҳсанамнинг қошига келди. Санамга энаси бир сўз айтиб турган экан:

Кўнглингда бўлак мақсадинг борми?
Ўзинг қиз подшодай даврон сурасан.
Ҳамма гапни, Санамжоним, биласан,
Ўзинг айтгин, кимни қабул қиласан?
Энангнинг сўзига жавоб берасан,
Кўнглингдаги сўзинг маълум қиласан,
Сўрамоққа келдим, болам, Санамжон.

Отанг подшо, сендан хафа бўлибди,
Неча ул шоҳлардан хабар келибди.
Сенинг кўнглинг отанг билмай турибди,
Билмоқ учун мендай энанг келибди,
Надир мақсадингни айтгин, Санамжон.

Жамолинг балқ уриб ойдайин тўлган,
Энанг жамолингга бўлади қурбон.
Овозангни эшитган ҳар бир беку хон,
Отангнинг Санами учун мисли хиромон.
Ул сенинг ишқингга бек билан султон,
Кўнглингда борингни айтгин, Санамжон.

Бу сўзни энасидан эшитиб: "Эна, сен бошдан-бош ўйлаганинг шуми? Мен бўй етдим, мени қайтасан, мен сенга эр топиб бер, деб

бордимми? Ул эр етса, қиз бўй етса айта беради ҳам, қайта берди ҳам, совчи деганинг келиб кетаверади ҳам, бизга палон ердан совчи келибди, деб мен элга хабар қилиб юраманми? Нима тақдирда борини кўраман-да энди, ҳозир ҳеч кимга тармашмайман, менга эр топиб бер демайман", – деди. Санамнинг кўнгли Ғарибда эди, Ғарибдан ўзга кишининг шоҳлик шавкати, подшолик давлати заррача кўзига кўринмасди. Ота-энаси бунинг кўнглини билмас эди, Ақча биларди. Шунда Санам ўйлаб айтди: "Кел, бунга бир сўз айтайин, менинг кўнглимдагини қилиб ҳеч ким ололмас, агар дунёси кўп одамлар бўлса, шундай тўй берса етти иқлимга овозаси кетса, қайси мамлакатга бўлса агар эшитиб Ғариб шу тўйга келса, шунда ҳам Ғариб билан бўламан, бунча қилиб чиқим қилган киши билан бўлмайман", – деб ўйлаб, энасига қараб, бу сўзларни айтиб турар экан:

Санамнинг ишқида бул совчи келса,
Санам буюргани қўлидан келса.
Етти ойгачайин узмай тўй берса,
Гоҳо мулки халойиқлар йиғилса,
Етти ойгача тўй билан умрин ўтказса,
Ошу нонни узмайин тугиб берса.
Оч қолганлар тўйда юрса тўйиниб,
Яланғочлар юрса унда кийиниб,
Тўйга келган одам бари суюниб,
Шу мақсадим қилолганга тегаман.

Ҳар тарафга чодир-чаман тиктириб,
Етти ойгача шодиёна қоқтириб,
Бир кун қолмай кунда улоқ чоптириб,
Ҳеч ким билмас кўнглимдаги ўйимни,
Етти ойгача узмай қилса жийинди,
Ҳар кимга бул ишлар билган қийинди[р].

Наъмагар, созигар барчаси келиб,
Ер юзига шундай овоза бўлиб,
Шоҳаббоснинг қизи дейди бизларни,
Хоп отамга айтгин шундай хабарни,
Санамнинг кўнглида мақсади борди[р].

Бизга ошиқ бўлса майдонга келсин,
Шартимни қилмаса ҳолини билсин.

Санам демай мазгилида жим юрсин,
Етти ойлик тўй бериб мени олсин.

Шоҳсанамнинг айтган сўзи шул бўлар,
Ҳар ким келавермас чоқланиб қолар.
Шундай бўлди, эна, кизингдан хабар,
Бўлак кўп гап, эна, энди не даркор.
Бу дунёга келиб шундай иш тутсин,
Албатта, оламга овоза кетсин.

Бу сўзни эшитиб, энаси Хонноз кампир ўйланиб, гал қирқ кун деса ҳам тузук бўлади, деб ўйланиб, нима деярини билмай каловланиб, "отангга айтиб бораман-да", – деб туриб кетди. Шоҳаббос келиб хотинидан сўради: "Санамнинг қошига бордингми? Нима деди?" "Бул қизнинг айтганини гапиришга ҳам уялади одам, бу етти ой тўй берган кишига тегаман, дейди. Етти ойга кимнинг давлати етади, буни бир мамлакат ҳашар қиб қилмаса, анча-мунча одамнинг давлати кемайди", – деди хотини. Юрт умаросини йиғиб, уни йиғмоқ анча осон эмас, Шоҳаббос айтди: "Энди ўртага тушибди, ихтиёри ўзида, энди келган совчидан биз ҳам қутулдик, ҳар кун бир совчи келиб гаранг бўлиб юрардик", – деб булар ҳам жойида бўлиб турди. Бул халқи оламга гап бўлди: "Ўттиз бешдан чиқса ўттиз улусга ёйилади", деган гап бор, ундан бул, бундан ул эшитиб келган совчилар умидини узиб кетди, етти ойлик тўйни удда қилмоқ осонмас, неча вақт орада ўтди, одамлар ҳар ерда шивир-шивир гап қилиб ётди. Етти ой тўй овоза бўлиб, совчи ҳам узилиб, Санам шу туришда қолиб кетади-да деб юрди одамлар.

Куплардан бир кун етти ой тўй бериб, мен оламан деб, бир кўрганда ихтиёри менда, деб турган бир киши чиқди, Сангирхон деган. Шунда: "Олсанг ихтиёр ўзингда, тараддудингни қилавер", – дедилар. Сўнг Шоҳаббос давлатида тўйни бошлаб қўяберди, мамлакатга хабар бораверди, бу сўзни айтиб хабар қилаверди:

Сангирхон олмоқчи бўлди,
Етти ой деб ваъда қилди.
Халққа тўй бермоқчи бўлди,
Шоҳсанам тўйи бошланди.

Қолмай бораверинг тўйга,
Ҳеч қолмасин мулла, хўжа.

Кўп бўлса одам ҳар қанча,
Қолмай борсин юзу парча[5],
Ул юртга одам тўлганча,
Бошқа ҳаракатни қўйинг,
Тўй қиб берсин етти ойгача.
Катта-кичик қолмай боринг,
Сира қолманг ёшу-қаринг.

Одамга тўлиб ҳар кўча,
Тўйдан қолмасин ёш бачча,
Халқ еб ётар етти ойгача.
Овозали ишлар қилиб,
Ётар чаманлар қурилиб.
Қизиқ томошалар бўлиб,
Кўрганларнинг кўнгли тўлиб,
Кўрмаганлар интиқ бўлиб,
Бошланди Санамнинг тўйи.

Бошдан кетди ғам-кулфати,
Шоҳларга етди арзи доди,
Кўтарилди бошдан кулфати,
Нечов қилиб айшу ишратни,
Қизиқ бўлар Санам тўйи,
Шундайди Санамнинг ўйи.

Қолмай боринг барча тўйга,
Туша беринг кенг саройга,
Меҳмон бўлиб обод жойга,
Қулоқларинг само берар,
Сибизиқ билан карнайга,
Боринг, энди шундай жойга.

Келаётир одам босиб,
Ошпазлар қозонни осиб.
Етти аждоди эшитганди,
Одам йиғилиб тўлганди.
Шундай қизиқ тўй бошланди,
Кўпкари, улоқ ташланди,
Кўрганларнинг кўнгли хушди[р].
Тўйгудай қип тортаётир,

Товокни тўлдириб ошди.
Келган одам кетмай ётар,
Етағўйса шундай ўтар,
Кунда қанча гуруч кетар.

Шундай қизиқ тўй бўлиб ётибди, ҳамма бу машғулотда, шу орада уч ой ўтди, тўқсон кун тўй ўтди, овозаси оламга кетди, ҳар шаҳарда: "Шоҳаббос подшонинг Шоҳсанам деган қизи бор экан, етти ой тўй бериб олармиш, ҳозир уч ой тўйидан ўтибди, тағи тўрт ой тўй берармиш", – гап бўп кетди.

Ғариб шул сўзларни эшитиб шул шаҳарда юриб эди, Санамнинг ишқида чўлтоқ созини кўтариб юрар эди, ҳар ким соз қип беринг деса, Шоҳсанамдан уч-тўрт оғиз айтиб юрарди. Буни эшитиб тобу тоқати қолмай, созини кўтариб жўнади. "Балонинг сиртида бўлгунча ичида бўлгин" деган гап бор, бориб ёримнинг тўйини томоша қилайин" деб, неча вақт йўл юриб, йўл юрсаям мўл юриб, югуриб-елиб келаётиб эди, чарчаганини ҳам билмай "Нима бўлса борайин, тўйнинг бир четида турайин", – деб йўл юраберди. Йўл устида бир макони бор эди, бир кампир бор эди, тандирга ўт қўйиб қиздириб, "нонимни тандирга ёпиштириб қизартириб оламан", деб туриб эди. Ғарибни кўриб қолиб, бир сўз айтиб турган экан:

Чечанни сўйлатган қизил тил бўлсин,
Узунли-қисқали тўнинг мўл бўлсин,
Ғариб болам, энди сенга йўл бўлсин?
Меҳнат тортиб қаерлардан келасан?
Пиёдасан, йўл азобин кўрасан,
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?

Сен эшитгин мендай момонг сўзини,
Мерган овлар дарёсининг ғозини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Кўнглида ҳар ким мард билар ўзини,
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?

Мен қайишиб авҳолингни сўрайман,
Жавоб айтгин, борар еринг билай ман.
Йўл бўлсин бўлади сўзнинг ўроли,
Сўз ўролиминан сендан сўрайман.
Юрагингда кўрдим чийри аламни,

Аҳволингни кўрдим сендай боламни[нг].
Сен куйдирма энди гулдай танангни,
Йўл бўлсин, Ғарибим, қайга барасан?

Бу сўзни момосидан эшитиб, момосига қараб бул ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Ҳалабдан чиққанман пешиндан эрта,
Пастминан югуриб қоламан йўрта,
Ажалнинг ханжари сийнамга турта,
Моможон, ошиқман Санамжон ёрга.

Ҳалабнинг шаҳрида эсимга келди,
Санамнинг ишқи девона қилди,
Санамнинг ишқида Ғариб кўп юрди,
Санам, деб сўйласа ўпкаси тўлди,
Ошиқлик савдоси кўп асар қилди,
Момажон, ошиқман Шохсанам ёрга.

Мен килайин кимга дардимни ёриб,
Санам дедим, мудом юрдим ахтариб,
Санамнинг ишқида куйганди Ғариб,
Моможон, ошиқман Санамжон ёрга.

Қулоқ солгин мендай Ғариб сўзига,
Санам деса ёш тўлади кўзимга,
Ошиқ бўлиб Шоҳаббоснинг қизига,
Кўзим тушса Санамжоннинг юзига,
Санамнинг ишқида бағримни тузлаб,
Санам десам юрдим бўтадай бўзлаб,
Моможон, ошиқман Шоҳсанам ёрга.

Бу сўзни эшитиб кампир туриб айтди: "Э болам Ғариб, Санамнинг отаси подшо, ҳозир сен у билан баробар бўлолмайсан. Сен бориб у тўйнинг устига тағи қўлга тушиб колмагин. Санам бўлмаса ўзга қиз. ўрдак-ўрдакминан учади, ғоз-ғозминан, ўзингдан баландга қўл узатиб. кўлинг етмай ҳайрон бўп қолмагин. Мақсадинг хотин олмоқ бўлса. менинг етти қизим бор, менинг қизларим ҳам Санамдан каммас. шуларнинг бировин сайлап оп қўяколгин", – деди. Ғариб бу сўзни кампирдан эшитиб, яна бир сўз айтиб турган экан:

Кўп бўлар одамман одамнинг фарки,
Оламдан топилмас яхшининг нархи.
Ғамхона отаси фалакнинг чархи,
Паризод энаси борди[р] Санамнинг.

Одамни элитади сўйлаган сўзи,
Чўлпон юлдуздайин нарваслар кўзи,
Акча дейди анинг сардор канизи,
Жўра-жўра ғози борди[р] Санамнинг.

Санамга тенглама, момо, қизингди,
Санам хизматига бормоқ лозимди[р].
Айналтириб йўлдан урма ўзимди,
Мен олмайман, момо, сенинг қизингди,
Ғариб дейди Санамдан ўзга демас,
Деганминан сира баробар бўлмас,
Санам ўтган сулувлардан кам эмас,
Санамнинг ҳуснига хеч ким тенг эмас,
Ғариб ўзгаларни ҳеч писанд килмас,
Шундайин шавкати борди[р Санамнинг.

Мен хам одам тухми, дунёга келдим,
Санам дедим, кўп жойларни кидирдим,
Ҳуснлик бобида Санамни кўрдим.
Санамман деб ҳар ким мунда юради,
Санамдай ўзига пардоз беради,
Унимпан сира Санам бўлмайди,
Шундайин камоли борди[р] Санамнинг.

Неча одам Санам жамолин кўриб,
Юрибди ишқида шайдойи бўлиб,
Борми Санам ўзга ерда топилиб,
Жоним момо, сенинг хушинг кетдими?
Сенинг кизинг Санам билан тенг бўлиб,
Момо, кўп сўйладинг бул йўлдан уриб,
Бошида давлати борди[р] Санамнинг.

Бу сўзни эшитиб кампир бармоғини тишлаб, “менинг кизларим баравармаскан-да”, деб қолди. Ғариб ўтиб кетди, кампир энди тандирдан хабар олса, нонининг ҳаммаси куйиб кетибди, кампир қизларига қараб бир сўз айтиб турибди:

Югрук эдим, туёғимдан айрилдим,
Учқур бўлсам қанотимдан қайрилдим,
Етти кунлик озиғимдан айрилдим,
Ғариб келди бул ўртада айналиб,
Айналтирдим, бировингни берсам, деб,
Жувормаглар, сени эрлик қилсам, деб,
Бири кетса, олтовингман бўлсам, деб.
Мен йўлиқиб бундан фойда қилмадим,
Ўзга эди кўнгилдаги муродим,
Санам деди, ул ҳам йўлдан қолмади,
Жувормаглар, сени писанд қилмади,
Сизларни олгудай эркак бўлмади,
Уюлиб келасан менинг кошима,
Жувармаглар, бало бўлдинг бошима.
Еттовинг овқатга битган балосан,
Баринг бирдай эрсиз ўтиб борасан.

Кампир ўз ҳолича қизлариман жанжал қилиб қолди, [Ғариб эса] кеч бўлганда шаҳарнинг қорасини олиб, намозшом гавжумда ўз ватанига келди. Энаси билан синглиси гапга солиб, "қаерда юрдинг, қаерда турдинг" деб сўраганман ҳеч жавоб айтмади, кўнглида: "Шуларга дардимни айтиб, буларниям хафа қилиб юрайинми? Ўз дардим ўзима бўлади-да, мен бўлган воқеани буларга эшиткизиб юрайинми", – деб шул кеча ётди, эртангиси тонг отди, кун чошка ҳаддига етди. Ғариб созини кўтариб ташқарига чиқиб, тўйнинг овозасини эшитиб, кўнглида "Бу тўйга борайин", деб яқинлаб тўйга оралаб кетди. Қараса, юртнинг одами йиғилган, ҳамма жойга жуда одам тўлган, "энди созимни қўлимга олиб бу тўйда пича қўшиқ айтайин, бўлмаса, менинг созанда эканимни ким билади, ким билан кимнинг иши бор, ҳар ким ўз бошига, ҳеч кимман ҳеч кимнинг иши йўқ, буёққа-уёққа юринг деган киши йўқ". Кўшкнинг остига яқинлаб келиб, созини олдига қўйиб, бир чопонни ечиб, остига ташлаб ўтирди. Одамлар бул созанда экан, деб созини кўриб, тўгарагини қуршаб олаверди. Ғариб созини қўлга олиб, қулоғини бураб, созини созлаб, уёк-буёққа караб турган эди. Одамлар бул созанда айнади шекилли, деб бир тарафни қизларга бўшатиб берди. Шу вақтида кўп қизларман Санам бирга келиб, қизлардан юқорида турди. Шу вақтда Ғариб созини олиб айтаётган ери экан:

Қийғир деган қуш учади қияда,
Ҳар иш тушар мард бошига дунёда.

Пари сифатли Шоҳсанамнинг тўйига,
Созанда бўп келдик пою-пиёда.

Қидириб, оҳ уриб, дунёни кўрдик,
Ишқ ўтида ёниб, биз адо бўлдик.
Катта тўй деб сўраб янгитда келдик,
Шоҳсанам тўйида сухангар бўлдик.

Намозшомда келдим кулба хонамга,
Сиримни айтмайин синглим, онамга,
Бир гапни ўйладим Ғариб танамга,
Йигитлар ошиқмиз Шоҳсанамжонга,
Қанот бойлаб мунда, учдим-да келдим.

Созандаман, мундай йиғин кўрмасам,
Санамжон тўйида айтиб бермасам,
Мен шоирман, халқни йиғиб олмасам,
Сухангар бўп мунда ахтариб келдим.

Ишқ шаробин энди ул куни ичиб,
Келибман бу ерга жонимдан кечиб,
Кафан тўнин бул кун танимга бичиб,
Ошиқ билан бирга шаробин ичиб,
Санамнинг жамолин кўргани келдим.

Созанда йиғинда кўп гапни улаб,
Томошада қизлар ўзини сийлаб,
Санам айирмайди бундан кўзини,
Санам ҳам турибди қизларман тиклаб,
Ғариб айтаётир Санамни йўқлаб.

Санамни кўрганда кўнгли жўшиб,
Довушини Ғариб созига қўшиб.
Санам келаётир кимга янашиб,
Ғариб айтар, хаста кўнглин хуш этиб.

Санам деди, Ғариб кўзин ёшлади,
Жудаям Санамнинг вақтин хушлади.
Санам эриб кетди Ғариб сўзига,
Ғарибнинг устига ўзин ташлади.
Ҳамма хайрон колди турган халойиқ,

Шоҳаббос подшога хабар берайик.
Ўйлаб турсанг, мундай ишлар қийинди[р],
Барча одамлар бу йиғинда йиғилди.
Созанда устига ўзини ташлаб,
Шоҳаббоснинг кизи шарманда бўлди.

Ҳеч замонда шундай гаплар бўлама,
Шоҳсанам шундайин ишни қилама.
Неча вақтдан бери халққа тўй бериб,
Шунча чиқим қилган курук қолама,
Шоҳсанамни бир созанда олама?!

Кўрган халойиқлар йиғилиб қолди,
Бул бир аломат, деб барча тингилди.
Ғарибни танимас турган одамлар,
Шоҳсанам ишини кўп уят килди.

Санам қўлин солиб Ғариб бўйнига,
Кўп қайишиб Санам Ғариб ҳолига.
Ошиқликдан чиқар бағри эзилиб,
Раҳми келди Ғарибнинг аҳволига.

Аввал оламлар Санамнинг ишини айб билди. Шоҳаббосдай подшонинг қизи бўлиб шармандачиликни бўйинга олиб, айтиб ўтирган созанданинг устига ўзини ташлаб, бул аҳволда бўлиб, буни Санам деб бир одам уч ойдан бери тўй қилиб, бир ажаб халқ куладиган иш бўлиб қолди. Таниганлар: "Бул бояги Шоҳаббоснинг улуғ вазирининг боласи, илгаридан бир-бирига аташтирилган, ота-энаси бермас бўлиб юрган, Шоҳаббосдан кўрқиб Ғариб йўқ бўлиб кетиб эди, бул овозадор тўйни эшитиб қайтиб келган. Санамнинг иши айб эмас, булар чин ошиқ, у Ғарибни таниб, ошиқликдан устига ўзини ташлаб турган", – деб икковини айирамиз деб одамлар уриниб кўрган, қараса айрилмайдиган. "Энди Шоҳаббосга хабар берайик" деб, бул ишни Шоҳаббос олдида хизматда турадиган саркарда, катта амалдорлар ҳам билган, ҳар ким бориб Шоҳаббосга гапиролмайди. Билган амалдорлар қошида турган вазирига айтиб: "Эндиги маслаҳат кандай?" – деб вазир Шоҳаббосга бир сўз сўйлаб турган экан:

Уч ой тинмай шундай тўйни берибди,
Тўйи қурсин, шоҳим, бежой бўлибди.
Овозаси ҳар бир юртга борибди,

Қайси гўрдан Ғариб етиб келибди.
Ғарибни Шоҳсанам тўйда кўрибди,
Ғарибнинг устига ўзини ташлаб,
Санам, Ғариб бирга бўлиб келибди.
Қулоқ солмайди у айтган нолага,
Қанча одам тушган экан орага.
Тўйда турган барча ҳайрон бўлибди,
Ғарибнинг тўйи, деб бирга юрибди.
Иккови гаплашиб кулиб турибди,
Бул ишнинг хабари бизга келибди.
Маслаҳат сараси бунинг не бўлар?
Нима қилсанг ўзингдадир ихтиёр,
Тўпаланг бўп мунда тўйлар бузилди,
Бежой билдим сенинг Санам қизингди.
Отам деб қулоққа олмай сўзингди,
Қизинг уялтирди, хоним, ўзингди.

Бу сўзди вазирдан эшитиб хаёли қочиб, кайфи учиб: "Илгаридан ҳам менинг кўнглимда бор эди, икковини ажратиш ўйимда йўқ эди. Қизининг кўнглини билмай хотиним қурғур қайси гўрдаги шу ҳунарни чиқариб, қизнинг тайини бўлмай, тўй қип ётган одамлардан бизни уялтириб қўйди. Энди буларнинг икковини ўлдириб юборсак, бурунгидан зиёдарок шарманда бўлсак, юз гапириб югурганинг билан энди иш ўрин бўлмайди. Энди вазир, ўзингдадир ихтиёр, бир ёққа ағнаб гапир", – деди. Унда вазир айтди: "Ҳа, аччиқ араздан шундай бўлади, қонни қон билан ювмай сув билан ювади. Беш кун-ўн кун орада ўтар бу гаплар ҳам босилиб кетар. Тўй қилган гина қилса хоҳи Ғарибдан, хоҳи биздан бўлсин, билмасликдан шундай ишлар бўлиб ўтибди, дермиз. Мард бўлса, кейнига бурилмай кетар, агар номард бўлса алам қилгандан ҳисоблашиб ётар". Энди бу сўзни подшога айтиб: "Нима бўлса Санам билан Ғариб сизнинг кошингизда бўлмай узокроқда турсин", – деб, вазир бир сўз айтиб турар экан:

Отасидан қолган давлати борди[р],
Мулк қилиб олганди неча жойларди,
Шундай деб беринглар энди хабарди.
Санам учун Ғариб бир жой тузатсин,
Биносини қўйиб жойин ўхшатсин,
Шоҳаббос қизини сўнгра узатсин.
Шундай қип Санамнинг қадрини билсин,
Санам учун кўшки-айвонлар солсин.

Энди навбат қайта Ғарибга етди,
Шоҳсанам ишқида Ғариб иш қилсин.
Қилган иши халқ кўзига кўринсин,
Ҳайрон қолган барча кўриб суюнсин,
Шоҳсанам душмани бўлса куюнсин,
Биносини қўйиб бир жой тузатсин.

Устаю наққошнинг барин йиғдириб,
Дўст кувонсин, душманини куйдириб,
Диққат бўлган Шоҳсанамни кулдириб,
Санам учун Ғариб бирор мулк қилиб,
Санам учун бир ажиб жой тузатсин.

Бул сўз Шоҳаббосга маъқул тушди Шоҳаббос: "Тўғри айтасан, мен буларнинг бу ерда турганини хохламайман. Бу ўйни яхши топдинг, иккови кўчада топишиб, сўнгра еталашиб қаерга борарини билмай гаранг бўлиб юргандан кўра шундай қилгани яхши. Энди бу хабарди Ғарибга етказгин", – деди. Вазир Ғарибга бу хабарни билдирди, шу ерда пайдо бўлганлар Шоҳаббосдан қўркқанидан хеч ким Ғарибнинг яқинига йўлай олмай қолган. Бул хабарни эшитганидан кейин Ғариб тарафидан ёру дўст кўпайиб қолди. Одамлар айтди: "Ҳозир шундай қиб турибди Шоҳаббос, фарзандига ташлайдими, Шоҳаббос меҳрибонлик кип гапиргани шул-да, Ғарибнинг оти Ғариб бўлган билан қанча молу мулки бор? Қиламан деса Шоҳаббоснинг айтганини қилаберади. қилмайман деса шу ўйда ўтира беради, отаси йўқ ердаги отни топиб қўйган энди". Ғариб, Санам ўзиники бўлиб, бошидан қайғу туман кетгандай бўлиб, бошини кўтариб шаҳарда ҳеч уста қолмай хабар қилиб. наққоши гулкорларни йиғиб олиб Санам учун иморат тузатаберди. отасидан қолган мулкларни обод қилиб, жойи орасталар созлай берди. Бу жойларни битириб юрту мардумга хабар қилиб ҳам иморатларнинг қувончи, ҳам Санамнинг тўйи деб, бир жойда бошлай берди. Бу тўйнинг устига Санамни узатиб бормоқ бўлди. Шунда Ғариб, Санамнинг ишқида шайдо бўлиб юриб шоир бўп кетган, димоғи чоғ бўп кетганидан ўз кўнглида бу сўзни айтиб ётган экан:

Ғариб қулсан, беш кун суриб давронди,
Не яхши жонларнинг ўтган жойлари.
Шоҳаббоснинг қизи Шоҳсанамжонди,
Ғариб ошиқ олиб ётган жойлари.
Бошидан оёғи тинмайин адаб,
Бўйнида маржони, тишлари садаф,
Кўшки-айвонларин тилладан безаб,
Санамни узатиб қайтган жойлари.

Бири гулча, бири ғунча,
Томошага келиб барча,
Ҳеч бири йўқдир Санамча,
Не қизлар ёр-ёрин айтган жойлари.

Олтин отиб, олтин қобоқ оттириб,
Томошага неча жойлар торттириб,
Ҳар тарафга чодир-чаман ёптириб,
Санамнинг тўйида улоқ чоптириб,
Санамнинг тўйини қилган жойлари.

Ким билади бу Ғарибнинг ўйини,
Берди халққа Санамжоннинг тўйини,
Ҳар кимдан бўлганди ишлари ғолиб,
Санам учун яхши мазгиллар солиб,
Шоҳсанам ҳам отга минди буралиб,
Атрофини неча канизлар олиб.
Ёп ёғида чироқ-машъаллар ёниб,
Ўйинчилар борар карнайин чалиб.
Тўй бошлаган қанча сўқим сўяди,
Қизу жувон ҳамма ишин қўяди,
Кўрган одамларнинг кўзи тўяди,
Шундай қиб Санамни олиб жўнади.
Томошани халққа шундай кўрсатиб,
Ғарибнинг кўнглида маслаҳат битириб,
Шундай қип Санамни олган жойлари.

Қизлар саркардаси Акча ул замон,
Санамман иккови бир жойда бўлган.
Ярашикли кўрди кўшкили айвон,
Бориб бул жойида Санамжон кўнган.

Дунёга қайтадан келгандай бўлиб,
Ғарибнинг ишига вақти хуш бўлиб,
Икки ошиқ бир-бирига дуч бўлиб,
Хабар кетиб халойикни жийдириб,
Қирқ кеча-қирқ кундуз бунда тўй бериб,
Бу Санамжон олтин кўшкида туриб,
Ҳар тарафга неча отлар чопилиб,
Муроду мақсади бунда топилиб,
Санамман Ғарибнинг кўнгли шод бўлиб,
Сипглиси, энаси бул тўйга келиб,

Санамжонни кўриб кўнгли тўлиб,
Ғариб кўзим, дейди вакти хуш бўлиб.

Боламнинг бошидан кетгандир кулфат,
Қанча вақтлар тортди жафоли меҳнат.
Ғариб деди писанд қилмайди элат,
Мен англамай айтдим неча насиҳат.
Қайта бошдан келди яна бу давлат,
Тўйда келиб катта-кичик жамоат.
Илгари бермади хеч ким маслаҳат,
Болам қилди Санамжонга иморат.

Санамжон Ғариб болам ақлини олиб,
Санам учун неча гулзорлар солиб,
Шоҳаббосдан иши шавкатли келиб,
Ғарибга хамма ҳам табассум қилиб,
Санамнинг отасини бунда чақириб,
Ғарибнинг ишини Шоҳаббос кўриб,
Кўнглида гинаси ул бекор бўлиб,
Илгариги ишига ўзи уялиб,
Саркардалари билан турди жой олиб.

Шунча иш Ғариб қўлидан келди, деб,
Подшолардан зиёд ишлар қилди, деб,
Ғарибнинг ишини ўрин бўлди, деб,
Амалдори билан Шоҳаббос турди,
Ғарибни чақирди, уялиб келди,
Шоҳаббос қошига бул ҳозир бўлди.

Ҳар етар-етмасдан бир сўз ўтар, деб,
Санамнинг отаси фотиҳа берди.
Подшо хурсанд бўлди, халойиқ билди,
Кўнглида гинанинг барин кўтарди.
Ғариб хизматидан кўп кўнгли тўлди,
Шу тўйнинг бошида Шоҳаббос бўлди.
Қирқ кун ўтди кеча-кундуз тўй берди,
Тўй тарқади энди бул охир бўлди.

Шундай қилиб, гинаю қудрат бари кўтарилиб, Шоҳаббос ҳам мазгилига қараб қайтди. Тўй тарқаб, одамлар ҳам жой-жойига кетди. шундай бўлиб Ғариб билан Санам муродига етди.

ИЛОВА

Фозил Йўлдош ўғли

“ҒАРИБ-САНАМ”

(*достондан парча*)

Кел, Ғарибжон, сайр этали бу боғда,
Булбул кўрсин гуллар томошасини.
Сол қўлингни бўйнимга, жон садаға,
Тилла кўрсин болнинг томошасини.

Икки ошиқ келдилар бир-бирига жам бўлиб,
Сийналарин доғлашиб, кўзида ёшин тўкиб,
Санам айтур, ўйнашали энди бунда шод ўлиб,
Ошиқ кўрсин маъшуқ томошасини.

Оллоҳим яратмиш жаннату ризвон,
Бу дунёда меҳнат борди[р] минг алвон,
Бир ёр учун неча йил юрдим саргардон,
Лайли кўрсин Мажнун томошасини.

Илоҳим, ҳар кимда борди[р] бир савдо,
Жаҳон бозоринда юз туман ғавғо,
Ўн икки йил ахтариб дарёда сузса,
Вомиқ кўрсин Узро томошасини.

Ишқ йўли ҳар кимни барбод айлади,
Учраганлар туман минг фарёд айлади,
Беустун тоғларни обод айлади,
Ширин кўрсин Фарҳод томошасини.

* * *

Бундан кетар бўлдим мен Бағдод шаҳрина,
Оллоҳ солди Ғарибни ғамнинг чоҳина.
Уч йилдан сўнг қайтиб келарман яна,
Ёр жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Ғарибжоннинг пиридир Жунайди Бағдод,
Бу жонимга қасд килди қарокчи офат,
Бундан кутулмоғим йўқдир саломат,
Ёр жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Ман пайлайин, нозик кўнглим бурилди,
Муҳаббат риштаси энди узилди,
Ушбу қисмат пешанамга ёзилди,
Ёр жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Боғбон бўлиб боғинг ичра, терсам тоза гулларингни,
Эгам сени хуш ёр этмиш, эгсам нозик белларингни,
Ёр жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Қаламдан қошларинг, ойдай жамолинг,
Куяр ўтга солиб, надир хаёлинг,
Сени кўргач кетди ақлу хаёлим,
Ёр жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Агар ёрим бўлса-ей, хўп нози бўлса,
Қўлларида тилладан ҳам сози бўлса,
Ўшал ёрим чорбоғида ёзи бўлса,
Ёр жамолин кўрмайин ўлар ўхшайман.

* * *

Ғариб ошиқ ёрга боқиб,
Ишқ йўлида бағрин ёқиб,
Тилим сўйлар арзим ўқиб,
Дона-дона холларингни.

Мени сўрсанг ушбу ҳолда,
Рангим сариқ, кўзим йўлда,
Оқ юзингга тутма парда,
Дона-дона холларингни.

Бир ёрдан айрилган қулман,
Ё ўтдаман, ё сувдаман,
Чўлдан учган бир турнаман,
Дона-дона холларингдан.

Э ёронлар, мусулмонлар,
Ишқ ўтида чиқди жонлар,
Юрак-бағрим бўлди қонлар,
Дона-дона холларингдан.

Ғариб дейди бу отимни,
Кимга айтай ман додимни,
Оллоҳ берсин муродимни,
Дона-дона холларингдан.

Саҳар туриб сочинг тара,
Оқ юзингга рўмол ўра,
Душман юзи бўлсин қора,
Дона-дона холларингдан.

Ёноғинг мисли лоладир,
Қарашинг жоним оладир,
Оғзинг олтин пиёладир,
Дона-дона холларингдан[1].

Саидмурод Паноҳ ўғли

"ШОҲСАНАМ-ҒАРИБДАН"

(*достондан парча*)

Ғарибни ҳайдаб юборгандан кейин Ғариб ўзини калликка солиб, шу подшонинг боғида юрган боғбонга қарашадиган бўлиб юради. Шунда боғбоннинг хотини, Санамга ҳам Санамминан юрадиган канизларига гулдаста килади. Шунда Ғариб ҳам уч даста гул боғлаб, гулдасталарни Санамнинг олдига олиб чиққанда, кал берган уч даста гулни олиб қараса, гулнинг ичида тизини қонатиб хат қилган бўлади. Уни Санам ўқиб, бир канизаги Ақчага қараб бу ғазални ўқийди:

Ақча опа, сирим баён айлайин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Бошдан ўтган сирни баён айлайин,
Ёр нишони келди, ўзи келмади.

Менинг ёрим Ҳасан вазир ўғлиди[р],
Мард йигитлар доим чорбоғ-боғлиди[р],

Отамнинг жабридан сийнам доғлиди[р],
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Бир ёрнинг ишқидан бўлдим девона,
Савдогар эмасман кетсам ҳар ёна,
Мен учун етим бўлибди боғбона,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Ана энди канизларига қараб бир сўз деди:

Очилибди, қизлар, боғимнинг гули,
Юринг қизлар, боғ сайлига борамиз.
Чак-чақ урар эрмиш зоғу булбули,
Юринг қизлар, боғ сайлига борамиз.

Боғимизга бахти жаннат тушибди,
Булбуллари гулдан гулга учибди,
Мевалари айни шул вақт пишибди,
Юринг қизлар, боғ сайлига борамиз.

Ёдимга тушибди гулу гулистон,
Дардида йиғлайман тинмай ҳар замон,
Очилиб бўлибди тоза гулшаним,
Юринг қизлар, боғ сайлига борамиз.

Шоҳсанам дер, эшитинглар бул зорим,
Бир ёр учун куйганди хун жигарим,
Ақча опа, қирқин каниз қизларим,
Юринг қизлар, боғ сайлига борамиз, –

деб маслаҳат қилди. Шунда подшо бутун бозорларни қатағон қилганин билиб, Ғариб бир сўз айтади:

Боғ эгаси қилди йўлни катағон,
Менинг ёрим боғ сайлига келади.
Оҳ уриб йиғлайман тинмай ҳар замон,
Менинг ёрим боғ сайлига келади.

Ёрим келар чорбоғини кўрмокка,
Сиё зулфин ҳар тарафга ўрмоққа,
Боғ оралаб тоза гуллар термоққа,

Менинг ёрим боғ сайлига келади.
Борай десам қўймас орада рақиб,
Йўлида термулиб турибман бокиб,
Ярашиққа мушки анбарлар тақиб,
Менинг ёрим боғ сайлига келади, –

деб ўзи ёр ишқида маст бўлди-да, яна деди:

Икки пари ҳамдам бўлиб,
Келар соллона-мастона.
Бири-биридан нусха олиб,
Юрар мастона-мастона.

Бири гулдир, бири ғунча,
Ҳеч бири йўқди[р] Санамча,
Бири Санам, бири Ақча,
Келар соллона-мастона.

Ярашиққа бир-бир босиб,
Бўйнига ҳайкалин осиб,
Яна мушки анбар сасиб,
Келар соллона-мастона.
Алпинчоқли, салпинчоқли,
Хоса куйлак ок ...ли,
Сочпопуги заррин сочли,
Юрар саллона-мастона.

Энди қизлар иккита-иккита бўлиб уни қидиради, аммо тополмайди. Шунда Санам Ақчага қараб бир ғазал айтади:

Шунқорим учди қўлимдан,
Ҳеч бир ерда хабари йўқ.
Армон минан бул сайёдни,
Тутмагунча дараги йўқ.

Қочирдим давлатнинг қушин,
Ман истарам ёзин-қишин,
Хабарин бермас бир киши,
Бир манзилда турари йўқ.

Кимга айтайин бу доға,
Булбул учиб қўнсин зоға,
Хазонлар урсин бу боға,
Бул суҳбатнинг барори йўқ.

Хазон уриб, гуллар синсин,
Дўсту ёрим ғамгин бўлсин,
Ё бир шум рақиблар ўлсин,
Иккимизни қўяри йўқ.

Юрак қайнаб, тўлиб-тошди,
Ишқ ўтига куйиб-пишди,
Ишқи савдосига тушди,
Ошиқнинг номус-ори йўқ.

Ана энди Ғариб айтади:

Боғинг ичра боғбон бўлиб-ей,
Терсам тоза гулларингни.
Эгам сени хўб яратган,
Хушхон нозик белларингни.

Мени сўрсанг ушбу ҳолда,
Рангим сариқ, кўзим йўлда,
Оқ юзингга тутма парда,
Тар хинали қўлларингни.

Нигоҳинг мисли лоладек,
Боқишинг жоним олади,
Оғзинг олтин пиёладек,
Қуйиб ичсам болларингни.

Ошиқ бўлсанг бўлгин пақир,
Гуноҳингга бўлма мункир,
Кўнглинг ёзиб, тилинг ўқиб,
Оқ юзингда холларингни.

Ғариб ошиқ дили яра,
Юрак-бағри бўлди пора,
Душман кўзи бўлди кора,
Тутсам энди қўлларингни[2].

ИЗОҲЛАР

“Ширин билан Шакар” достони

[1] *“Қўлин бойлаб ҳайда **Мансур** дорига”* – ривоятларга қараганда, таниқли тасаввуф намояндаларидан бири Мансур Ҳаллож дорга осиб ўлдирилганлиги сабабли фольклор асарларида “Мансурнинг дори” ибораси кенг қўлланилади. Мансур Ҳалложнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллождир. У 858 йилда Эроннинг жанубий-шарқий минтақасидаги Байзо шаҳрида дунёга келган. Тур, Басра, Бағдод шаҳарларида билим олиб, етук мутасаввуф бўлиб етишган. У Саҳл бинни Абдулло Тустарий, Ҳасан Басрийдан таҳсил олган ва машҳур олим Абу Абдулло бинни Умар бинни Усмон Маккий қўлидан тасаввуф хирқасини кийган. Мансур Халлож “Тавсин ал-азал вал жавҳар ал-кабир”, “Ал-кабирият-ал-аҳмар”, “Нур ал-асл”, “Жисм ал-кабир”, “Ал-жисм ал-сағир” каби асарлар ёзган. “Ана-л Ҳақ” – “Мен Ҳақман”, яъни “Менинг ўзлигим худонинг ўзлигидир” деган фикрни илгари сурган. Шариатга зоҳиран мухолиф фикрлари учун 932 йилда фақиҳлар фатвоси билан Бағдодда ўлдирилган.

[2] *“Валилар сардори рави **Сулаймон**”* – Сулаймон пайғамбар Довуд алайҳиссаломнинг ўғли бўлиб, милоддан бурунги 965-928 йилларда Исроил-Иудея подшолигининг ҳукмдори бўлган. Табиатан маърифатли киши бўлганлиги боис, ўз даврида илм-фан, маданият ривожига катта хисса қўшган. Ривоятларга кўра, барча жониворлар тилини билган, жин, дев ва парилар ҳам унга бўйсунган. “Қуръони карим”нинг 44-сурасидаги 11-12-оятларда Сулаймон пайғамбар ҳақида сўз юритилган.

[3] *“Кўкгумбаз деган ерда Қосимхон қўл берган **Оловхўжа** деган эшони бор эди”* – халқ достонларида эпик қаҳрамоннинг ҳомийси сифатида тасвирланган Оловхўжа пир образининг тарихий асослари ўзбек мифологиясидаги олов культи билан алоқадор тасаввурларга бориб тақалади.

[4] *“Султонхоннинг хотини Ҳуройим ҳам шу дорга ҳайдалиб кетган эди”* – бу ўринда Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги “Рустамхон” достонида Оқтош вилоятининг подшоси деб таърифланган Султонхон ва унинг хотини Ҳуройим назарда тутилмоқда. Достонда тасвирланишича, Султонхон ўн тўрт йиллик сафарга кетган пайтида ўз салтанатини Ҳуройимга топшириб кетади. Аммо у қайтиб келгач, туҳматчиларнинг иғвосига ишониб, “Биз Оқтошдан чиқиб кетганимизга неча замон

ўтди, балки ўн тўрт йилга яқинлаб етди. Ҳуройимга мамлакатни топшириб чиқиб эдик. Ўша Ҳуройим Оқтошни булғатди. Мен Оқтош шаҳрига бормай, кўзини-кўзима туширмай, юзини-юзима туширмай, сийнасини доғлаб, икки қўлини орқасига боғлаб, Октош шаҳаридан ҳайдаб чиқаринглар! Чортутда қурилган Мансурнинг дори бор. Ҳайдаб бориб, Ҳуройимнинг бошини кесиб, Мансурнинг дорига тортинглар. Подшонинг хотини деб андиша қилманглар! – деб аёлини ўлимга буюради [ЗЎФА. Инв.№112].

[5] *"Хушхабарлар берди бизга* ***Жаброил****"* – исломдаги тўрт асосий фариштанинг бири Жаброил бўлиб, у Оллоҳ таоло билан унинг расули – пайғамбаримиз ўртасида воситачи бўлган, Муҳаммад алайҳиссаломга "Қуръони карим" оятларини етказиб турган фариштa сифатида эътироф этилади.

[6] *"Баҳаққи ҳурмати* ***Иброҳим халил****"* – Рабғўзийнинг қайд этишича, Иброҳим халилуллоҳнинг тўлиқ исми шарифи Иброҳим ибн Торих ибн Соруҳ ибн Арғус ибн Фолиҳ ибн Обир ибн Солиҳ ибн Артус ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссаломдир. Ривоятларга қараганда, Иброҳим халилуллоҳ Намрид ибн Кавс ибн Канъон ҳукмронлик қилган даврда яшаган. Манбаларда ёзилишича, у ҳақдаги ривоятлар милоддан бурунги биринчи минг йилликнинг бошларида яратила бошланган. Иброҳим пайғамбар номига қўшиб айтиладиган "халил" сўзининг маъноси "дўст", "муҳиб", "ёр" бўлиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг лақаби сифатида "халилуллоҳ" тарзида ишлатилган.

[7] ***"Абубакр, Умар, Сиддиқ, Усмон"*** – исломда "чориёрлар" ("тўрт дўст"), "хулафо ар-рошидин" ("тўғри йўлдан борган халифалар") каби номлар билан танилган тўрт халифадан биринчиси Абу Бакр (572-634 йиллар) пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг салафларидан бири ва қайнотаси, яъни Ойшанинг отасидир. Абу Бакр Бадр, Уҳуд, Хандак жангларида иштирок этган, унинг халифалиги даврида Ирок ва Сурия босиб олинган. Абу Бакр вафотидан кейин ўн йил мобайнида Умар ибн Хаттоб (644 йилда ўлган) халифаликни бошқарган. У Сурия, Фаластин, Миср ва Эроннинг кўпгина қисмини босиб олган. Унинг даврида солиқ тизими тартибга солинган, мусулмон таквими – ҳижрий йил ҳисоби жорий қилинган. Учинчи халифа Усмон ибн Аффон (656 йилда ўлган) даврида (644-656 йиллар) эса "Қуръони карим" оятлари тўпланиб, яхлит ҳолга келтирилган. Бу мисрада келтирилган "Сиддиқ" исми эса халифа Абу Бакрнинг тахаллусидир.

[8] *"Садағанг бўлайин* ***шери яздон****"* – ривоятларга қараганда, Али ибн Абу Толибга ёшлигида онаси "Асад", яъни "Шер" деб исм қўйган экан. Шунинг учун халқ китоблари, қисса ва ривоятларда ҳазрати Алининг

жасурлиги, ботирлиги, баҳодирлиги шерга қиёс қилиниб, "шери яздон", яъни "Оллоҳнинг шери" деб таърифланган.

[9] ***"Ошпичоқ-қалампир!"*** *– деб ён-ёғига қараб тупуриб юборди*" – халқ қарашларига кўра, "ошпичоқ-қалампир!" айтими ёвуз кучларни бартараф этишнинг магик воситаларидан бири, деб тасаввур қилинган. Масалан, шамол ўрамаси – қуюнни тўхтатиш мақсадида бажариладиган магик амалларда "ошпичоқ – қалампир" сўзларидан иборат анъанавий формула жуда кўп ишлатилади. Навоий вилоятининг Жалойир қишлоғида яшовчи Умриниса Жўраеванинг айтишича ҳам қуюнни тўхтатиш учун *"Ошпичоғим қўлимда, қалампирим қўлимда!"* – дейишган. Каттақўрғон туманидаги Уйшун кишлоғида яшовчи 72 яшар Бахмал Бобоеванинг айтишича, қуюн кўтарилиб, чанг осмонга ўрлаб келаётганини кўришса, гўшт чопадиган ошпичоқни ерга уриб:

Ошпичоғим бор,
Қалампирим бор,
Қуюн келавер,
Чопиб ташлайман.

Қалампирим бор,
Ошпичоғим бар,
Қуюн келавер,
Сочиб ташлайман! –

дейишар экан.

Гўёки, ошпичоқ билан қалампирдан қўрқадиган ажина уларнинг отини эшитиши биланоқ, дами ичига тушиб, йўлни четга буриб, бошқа ёққа жўнаб қолар эмиш. Қуюн тўхтатиш айтимларида "қалампир" ва "ошпичоқ" деталининг ишлатилиши халқимизнинг ёвуз руҳлар ҳамда инсонга зиён-заҳмат келтирувчи нопок кучларни ҳайдаш билан алоқадор магик амалларига дахлдор анъанадир. Қалампир, юқорида айтганимиздек, ёвуз кучларни қўрқитувчи магик восита саналган.

"Ошпичоқ" деталининг тимсоллаштирилишига эса аждодларимизнинг темир буюмларга бўлган эътиқодий ишончи асос бўлган. Қадимги одам темир буюмларда ўзига хос магик куч бор, колаверса, жин, ажина, дев каби ёвуз кучлар учи ўткир нарсалардан, айниқса, ошпичоқ ва пичоқдан қўрқади, шунинг учун темир ашё мавжуд бўлган жойга зиён-заҳматлар сираям яқин йўламайди, деб ўйлаган. Оилавий-маиший маросимларда қайчи, пичоқ, теша каби темирдан ясалган ашёларга алоҳида диққат қилинишининг боиси ҳам ана шунда.

[10] *"Бош эсонда* ***Бурқисармас*** *девона"* – Марказий Осиё халқлари мифологиясида эзгу ҳомий сифатида талқин қилинган афсонавий

персонажлардан бири Бурқисармастнинг тўлиқ исми ҳазрат Девонайи Бурқисармаст вали бўлиб, халқ орасида Девонаи Бурх, Бурқ, Бурқисармаст, Буркут бобо, Бурх девона каби турли номлар билан аталади. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Вардонзе тепалиги ёнида Бурқи сармаст мозори, Кўҳна Урганчда Девонайи Бурх зиёратгоҳи, Қозоғистонда Шайх Бурх девона қабри, Тожикистондаги Ҳингов дарёси водийсида Ҳазрати девонайи Бурхсармаст мозори мавжуд.

Бурқисармаст ҳақидаги афсонада айтилишича, бу авлиё худодан дўзахни йўқотишни талаб қилиб, қирқ йил бир оёқда турган. Бурқисармаст ҳолвагарлар пири сифатида эътироф қилинганлиги сабабли бухоролик ҳунармандлар унга бағишланган "арвоҳи пир" маросимини ўтказишган. Бурқисармаст ҳақидаги халқ афсоналари асосида "Бурхнома" деб аталувчи халқ китоби ҳам юзага келган. Афсоналарга қараганда, "Бурқисармаст худонинг девонаси, эркаси бўлган, кўпроқ чўл-биёбонларда пиёда юрган. Худонинг ишқи билан маст бўлиб, оғзидан кўпиклар сачраган. Оғзидан тушган кўпиклар натижасида чўлларда беҳ (қайнатганда ўзидан кўпик чиқарадиган ўсимлик) ўсиб чиққан. Ҳолвагарлар турли хил ҳолва ва нишолдани пиширишда ана шу беҳлардан фойдаланганлар" (Йўлдошев Н. Бухоро авлиёлари тарихи. – Бухоро, 1996. – Б.23). Бошқа бир афсонада нақл қилинишича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом замонидан анча вақтлар аввал Бурхи Абдол деган бир киши ўз укалари билан бирга Жазираи Сарандобга келишган. Унинг укаларидан бири Бурх Сармаст вали одамларга мато ва гилам тўқишни ўргатган. Шунинг учун ҳам хоразмликлар Девонаи Бурхни тўқувчилар пири, деб тасаввур қилишган. Туркманларда у "ёмгир эгаси", қозоқ шомонизмида эса бахшиларнинг ҳомий-мададкори, деб талқин қилинган.

Бурқисармаст ҳақидаги афсоналар сюжетининг тарихий асослари Марказий Осиё халқларининг исломдан бурунги мифологияси маҳсули бўлиб, табиат ҳодисалари ва аждодлар ҳомийлиги тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўзида мужассамлаштирган асотирий образ сифатида юзага келган. Бу мифоним таркибидаги "сармаст" сўзининг луғавий маъноси "сархуш", "масрур" бўлиб, айнан ана шу лексема Бурқисармаст образининг генетик илдизини аниқлашнинг муҳим калити саналади. Бурқисармаст номи таркибидаги "сармаст" сўзи буддавийлик амалиётидаги "самадхи" ("кишининг бирор нарсадан масрурлик оқибатида беихтиёр ўзидан кетиши") ҳолати билан алоқадор бўлиб, бу мифоним санскрит тилидаги диний-мифологик матнларда қайд этилган "Бодхисатва" (Bodhisattva – маърифатга интилувчи мавжудот) образига боғланади [қ.: Рахимов Р.Р. Мазар мусульманского святого Бурха в

аспекте доисламских истоков культа // Радловский сборник. Научные исследования и музейные проекты Музея антропологии и этнографии Российской АН в 2007 г. – СПб., 2008. – С.71]. Чунки санскрит тилида "уйғонмоқ" маъносини билдирган "bodhi" сўзи билан "Бурқ//Бурх" атамаси орасида лингвистик алоқадорлик бўлиши мумкин. Марказий Осиё ҳудудида қадимда буддавийлик эътиқоди анча кенг ёйилган ва унинг мифологик арсенали аждодларимизнинг асотирий қарашлари эволюциясида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Бурқисармаст образи мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилиб, қачонлардир буддавийлик эътиқодига амал қилган қадимги аждодларимизнинг мифологик тасаввурлари замирида шаклланган анъанавий образ ҳисобланади.

[11] *"Хўжандда ўтгансиз* ***шайхи Мислиҳаддин****"* – бу ўринда хўжандлик йирик мутафаккир ва мураббий-устоз шайх Муслиҳиддин номи тилга олинган. Маълумки, Шайх Муслиҳиддин XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг биринчи ярмида Хўжандда истиқомат қилган. "Тарихи муллазода" китобида келтирилишича, ҳижрий 618 (милодий 1221-22) йилда Хўжандга келган мавлоно Жалолиддин Ситожий шайх Муслиҳиддин ҳузурига бориб, у билан суҳбатлашган. Орадан уч кун ўтгач, шайх Муслиҳиддин вафот этган.

[12] *"Урганчда ўтгансиз* ***бобо Нажмиддин****"* – Аҳмад бин Умар Абулжанноб Нажмиддин ал-Хивақий – Нажмиддин Кубро XII асрда яшаб ижод қилган буюк мутафаккир бўлиб, тасаввуфда кубравия тариқатига асос солган. 1145 йилда туғилган бу улуғ аллома "Айн ул-ҳаёт", "Рисолатун анил-фақри" ("Фақирлар ҳақида рисола") каби асарлар ёзган. Ўзининг заковати ва маърифати билан эл орасида катта шуҳрат қозонган. У 1221 йилда мўғул босқинчиларининг Хоразм воҳасига ҳужуми чоғида ўлдирилган бўлиб, қабри Кўҳна Урганчдадир. XIV асрда унинг мозори устига мақбара бунёд этилган.

[13] *"Бухорода балогардон эр* ***Баҳоуддин****"* – нақшбандия тариқатининг асосчиси ҳазрат Сайид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ибн Сайид Муҳаммад Жалолиддин 1318 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган. Бобойи Самосий, Сайид мир Кулол, Қусам шайх, Хожа Ориф Дехғароний каби йирик устозларидан таълим олган Баҳоуддин Нақшбанд ўз даврининг етук тариқат арбобларидан бири бўлиб етишган. У 1389 йилда вафот этган. Баҳоуддин Нақшбандниг "балогардон" дейилишининг сабаби ҳақида бир неча ривоятлар мавжуд. Хусусан, бир афсонада айтилишича, "Баҳоуддин устози Мир Кулолнинг тавсияси билан қирқ кун бир оёқда туриб чилла ўтирибди. Ўттиз тўққизинчи куни шайтон келиб, Баҳоуддинни васвасага солибди:

– Сен бир кулолга хизмат қилаяпсан. У сенга ҳеч қандай яхшиликни раво кўрмайди, оёғингни ерга қўй, – дебди. Шайтоннинг васвасасига ишонган Баҳоуддин ўттиз тўққизинчи куни оёғини ерга қўйибди. Сўнг устозининг ҳузурига борибди. Ҳазрати Мир Кулол:

– Сен агар оёғингни яна бир кун ерга қўймаганингда "қазогардон" бўлур эрдинг, энди сен "балогардон" бўлдинг, ҳар қандай балони даф қила оладиган кучга эгасан, – дебди (Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.45).

[14] *"Садағанг бўлайин* ***Сайфиддин Ғўбдун****"* – Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Ғўбдун қишлоғида яшаб ўтган Сайфиддин Ғўбдун ўз даврининг таниқли маърифат арбобларидан бири бўлган.

[15] *"Иккиланчи пир деганда* ***Мусо*** *билан* ***Турдайдим***" – Мусо алайҳиссалом исломдан аввал ўтган пайғамбарлардан бири бўлиб, Мисрда истиқомат қилган, деб ривоят қилинади. Яъқуб пайғамбар авлодидан бўлган Мусонинг лақаби сифатида қўлланиладиган "калимуллоҳ" сўзининг маъноси "Оллоҳ билан сўзлашган" демакдир. Чунки ривоятларга кўра, Мусо пайғамбар Тур тоғига чиқиб, Оллоҳ билан сўзлашган экан.

[16] *"Тўртланчи пир деганда* ***Илёс*** *билан чўлдайдим"* – халқ оғзаки бадиий ижоди асарларида ҳомий персонаж сифатида тасвирланган Илёс исломдан аввал ўтган пайғамбарлардан бирининг исми. У кўп илм ўрганганлиги учун "ал-Ясаъ" деб аталган. Рабғузийнинг нақл қилишича, Хизр билан Илёс ҳаёт сувини ичганликлари учун мангу барҳаётдирлар. Айрим ривоятларга кўра, Илёс алайҳиссалом дуосидан кейин ёмғир ёғиб, экин-тикинларга барака берган. Шунинг учун ҳам у халқ оғзаки ижодида кишиларнинг дарё сафарларида йўлдоши ва йўлбошловчиси сифатида тасвирланади.

[17] *"шохига* ***чилтимат*** *дуолар битилган"* – бу ўринда қўлланилган "чилтимат" сўзи "сеҳр-жоду", "тилсим" маъносидадир. Демак, "чилтимат дуо" – тилсимий дуо демакдир.

[18] ***"Қишман ёз ўртаси ҳишшай саврди"*** – ўзбек халқ достонларида анъанавий тарзда қўлланиладиган бу мисра таркибидаги "ҳишшай савр" бирикмаси халқ тақвими билан боғлиқдир. Чунки, халқимиз орасида *"Саврнинг саноғида қишнинг ёғини бор", "Савр деган сопли қиш"* деган мақоллар ҳам учраб туради. Самарқанд вилояти деҳқонлари орасида *"Ойнинг боши, беши ва ўн бешидан қўрқ"* деган нақл бор. Баъзи йиллари савр ойининг бошида бўлиб ўтадиган "шишайи савр" деган муддат ҳам анчайин совуқ ва ёғингарчилик билан ўтиши кузатилган (Нарзиқулов А. Деҳқон тақвими. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б.20). Булунғурда эса

саврнинг 7-8-куни "шиша совуқ" деб аталган бўлиб, бу кунлари баъзан ёш экин ва меваларни совуқ уриб кетади, дейдилар (ЗЎФА.Инв.1830/1). Назаримизда, савр ойи салқин келганда илгарилари "хишшай савр" бирикмаси қўлланилган ва кейинчалик бу атама фонетик ўзгаришга учраб, "шишайи савр" шаклига келиб қолган.

[19] *"Уруш кунда* ***Рустамча*** *бор гайрати"* – Шарқ халқлари адабиёти, хусусан, форс-тожик ва туркий халқлар оғзаки ижодида тасвирланган афсонавий қаҳрамон Рустам ўзининг жисмонан бақувватлиги, жангу жадалларда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатганлиги билан машҳур бўлган. У Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари бош қаҳрамонларидан бири. Каёнийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда, яъни Кайқубод ва Кайковуслар замонида яшаган Рустам афсоналарга қараганда, сеистонлик баҳодир Зол билан Кобил ҳукмдори Рудобнинг қизидан туғилган. Халкимиз орасида унинг номи билан боғлиқ эртак, афсона, қисса ва достонлар мавжуд бўлган. Адабиётда Рустам образи паҳлавонлик, мардлик, жасурлик тимсоли сифатида тасвирланади. Марказий Осиё халқлари фольклорида Рустам ва унинг тулпори Рахш, Рустам ва Сиёвуш, Рустам ва унинг девларга карши кураши ҳакидаги эпик сюжетлар кенг тарқалган. Бу мифоним қадимги сўғд тилидаги "Ротастахм" сўзидан келиб чиққан бўлиб, маъноси "баҳодир", "паҳлавон" демакдир.

[20] *"Калима шаҳодат мусулмоннинг тилига"* – мусулмонликка икрор бўлиш ёки мусулмонлик далили сифатида айтиладиган арабча ибора "калимайи шаҳодат" дейилади. Бу калимани такрорлаш орқали Оллоҳнинг бирлигига имон келтирилади.

[21] *"****Паланг отни*** *миниб бундан жўнади"* – қанотли от ҳақидаги қадимий тушунчаларнинг ривожланиши натижасида халк оғзаки бадиий ижодида юзага келган "паланг от" ёғочдан ясалган афсонавий учар тулпор бўлиб, атокли олим Ҳ.Зарифовнинг қайд этишича, достонларда бундай афсонавий отнинг қандай ясалиши батафсил тасвирланган. Бу "ёғоч от (паланг от, бодпой) моҳир ҳунармандларнинг меҳнати билан ясалади. Бунда ёғоч, металл, баъзан қоғоз ҳам ишлатилади. Отнинг гавдаси қаттиқ ёғочдан, отни ҳаракатга келтирувчи мурватлар металлдан, қанотлари эса қоғоздан ишланади...Бу от ерда юрмайди, доим кўкда учади. Унинг кўкка парвоз қилиши узоқ масофаларга тез учиши ва яна ерга тушиши мурватларнинг буралишига боғлиқдир" [Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговар от образининг қадимий асосларига доир // Пўлкан шоир. – Тошкент, 1976. – Б.81]. "Паланг от" образи халқимизнинг олис масофаларни кўз очиб юмгунча босиб ўта оладиган учар отлар тўғрисидаги мифологик қарашларининг махсулидир.

[22] *"**Самандар** бўлганим-бўлган"* – ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки бадиий ижодида анъанавий тарзда қўлланилган мифологик образлардан бири Самандар каламушга ўхшаган ғаройиб махлуқ бўлиб, доимо ўт-олов ичида яшайди, деб тасаввур қилинган. Афсоналарга кўра, у гўё ўт ичида пайдо бўлиб, ўт ичида яшайди ва гулхан бағрида ҳалок бўлар экан.

[23] *"Йигит пири **ҳазрат Довуд**"* – тарихий маълумотларга қараганда, Довуд алайҳиссалом милоддан аввалги XI асрда Исроил ва Иудеяни бирлаштириб, қадимги яҳудий давлатига асос солган. "Қуръони карим"да Довуд алайҳиссалом Оллоҳ таоллонинг элчиси ва доно хукмдор сифатида талқин қилинади. Довуд пайғамбар даражасига эришгач, унга "Забур" китоби Оллоҳ таолло томонидан юборилган. Ривоят қилишларича, Довуд алайҳиссаломга "Забур" билан бирга ғоятда гўзал ва ёқимли оҳанг (куй) ҳам юборилган. Ҳазрати Довуд "Забур"ни ўқиганда ваҳшийлару қушлар – паррандалар, жинлару одамлар йиғилиб, беҳол бўлиб қолар экан. Оллоҳ Довуд алайҳиссаломга темирчилик, совутсозлик ҳунарларини ҳам каромат қилганлиги учун темир унинг қўлида бамисоли мумдек юмшаган. У темирни қўллари билан хамир каби эгиб-букиб, ундан турли нарсаларни ясаш қувватига эга бўлган. Шунинг учун ҳам халқ орасида ҳазрати Довуд темирчиларнинг пири сифатида эътироф этилади. Мамлакатимиз ҳудудида бир неча жойда Довуд пайғамбар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд. Шулардан бири, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Оксой қишлоғидаги Ҳазрати Довуд кадамжосидир.

[24] *"**Шоҳимардон** ҳиммат берса бизларга"* – фольклор асарлари ва ёзма адабиётда "Шоҳимардон" ("мардлар шоҳи"), "Ҳайдар" ("довюрак, жасур, қудратли арслон"), "Шери Яздон" ("Оллоҳнинг шери"), "Асадуллоҳ" ("Оллоҳнинг шери"), "Муртазо" ("танланган", "сайланган") каби лақаб-сифатлаш билан таърифланган тарихий шахс "чорёр"ларнинг тўртинчиси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёви Али ибн Абу Толибдир. Халқ орасида унинг "Шоҳимардон", яъни "мардлар шоҳи" деган номи, айниқса, машҳур. Ўзбек халқ достонларида (масалан, "Алпомиш" достонида) эпик қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви Шоҳимардон образи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Шохимардон қаҳрамоннинг мададкори, эпик ҳомий, ғайриоддий кўмакчи ва пир сифатида тасвирланади. Фарғона водийсида "Шоҳимардон", Хоразм вилоятида "Шоҳимардон бува", шунингдек, Навоий вилоятида "Шоҳимардон" зиёратгоҳи бор .

[25] *"Олтин отиб, **олтин қовоқ** отдириб"* – илгарилари суннат ва никоҳ тўйларида, халқ сайиллари ҳамда Наврўз байрами тантаналарида

анъанавий "олтин қобоқ" ўйини ташкил этилган. Бунинг учун эл оғалари – кадхудолар маслаҳатлашиб, бир катта майдоннинг ўртасига ҳар бири 5-6 метр келадиган узун ёғочлардан тўрттасини бир-бирига улаб, бирлаштириб боғлаганлар. Шундан кейин ана шу ёғочнинг учига битта қўйнинг орқа оёғидан олинган ошиқ ёки танга пулни ип билан боғлашган ҳамда ёғочни кўтариб ерга маҳкам қилиб ўрнатганлар. Ёғоч учига боғлаб қўйилган ошиқ ёки танга пул "олтин қобоқ" дейилган. Тўй ёки сайилга келган талабгор мерганлар шу нишонга ўқ узиб, "олтин қобоқ"ни уриб олишга ҳаракат қилишган. Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида истиқомат қилувчи 83 яшар Шермат Отаниёзовдан 1980 йил 10 июлда ёзиб олинган этнографик маълумотга кўра, илгари замонларда олтин қобоқ урган мерганга тилла тўла қобоқ берилган экан. Кейинчалик бу ўйиннинг соврини от, туя бошқа нарсалар билан алмаштирилган. Тўйларда олтин кобоқ оттириш хосиятлилик белгиси, ёшларнинг бахтли, саодатли ҳаёт кечиришининг гарови, деб ҳисобланган [Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.94]. Ўтган асрнинг 60-йилларида Хоразм воҳасида "олтин қобоқ" ўйини суннат тўйида ўйналган. Бунинг учун баланд дарахт шохига бирорта тешик тангани осиб қўйишган. Нишон вазифасини бажарувчи ана шу танга "олтин қобоқ"деб аталган. Тўйга келган меҳмонлар милтиқдан ўқ узиб, тангани мўлжалга олишга ҳаракат қилганлар [Снесарев Г.П. Реликты. С.98-99]. Нишон ўрнида танга пулни осиб қўйиш одати кейинроқ шаклланган бўлиб, илгарилари дарахт ёки ёғоч учига ичига тилла танга солинган сувқовоқ осиб қўйилган. Кейинчалик, қовоқ ўрнига танга пулни осиш урф бўлган.

Қадимги Хоразм маданиятига мансуб Тўққалъа, Ҳазорасп қалъа ва бошқа обидаларда олиб борилган археологик қазишмалар чоғида кўплаб қўй ошиқларининг топилганлиги ҳам бу ашё серхосиллик ва серфарзандлик ғоясини ўзида ифодалаган "олтин қобоқ" ўйинида ритуал-рамзий аҳамият касб этувчи атрибут сифатида қўлланилганлигидан далолат беради.

[26] *"**Юсуф** каби мени солма зиндона"* – тарихий асослари "Қуръони карим"даги Юсуф алайҳиссалом номи билан боғлиқ оятларга бориб такаладиган анъанавий эпик сюжет асосида юзага келган "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг қаҳрамони Юсуф ғоят гўзаллиги ва маърифатлилиги билан доим таратган. Айрим илмий манбаларда ушбу сюжет милоддан бурунги IV асрда юзага келган, дейилади. Юсуф билан Зулайҳо муҳаббати ҳақидаги бу сюжет Шарқ халқлари фольклори ва адабиётида кенг ишланган бўлиб, ривоят, афсона, эртак, достон ва қисса (халқ китоби) сифатида кенг оммалашган. Бахши юқоридаги мисра

орқали Юсуфнинг Миср элида зиндонбанд этилиши мотивига ишора қилмоқда.

[27] *"**Зулайҳо** нишонли мендан сўрадинг"* – Яъқуб пайғамбарнинг ниҳоятда хушсурат ўғли Юсуфнинг севгилиси сифатида тасвирланган Миср маликаси Зулайҳо шу мавзудаги қисса ва достонларнинг асосий персонажларидан бири.

[28] Бу насрий қисм достоннинг бахшидан ёзиб олинган қўлёзмасида йўқ, аммо асарнинг бундай илгариги нашр этилган намуналарида мавжудлигига кўра, бу парча достонни дастлаб чопга тайёрлаган *М.Шайхзода томонидан қўшилган бўлса керак, деб тахмин қилиш* мумкин. Моҳиятан асар мазмунига алоқадор бўлганлиги сабабли биз ҳам шу қистирмани қавс ичида беришни маъқул кўрдик.

"Раъно билан Сухангул" достони

[1] *"Сатқанг бўлай **Вайсил қора**"* – чорвадорлар орасида туябоқувчилар пири сифатида эътироф этиладиган Вайсил қора ҳақидаги мифологик тасаввурларнинг келиб чиқишига VII асрда Арабистонда яшаб ўтган чўпон Вайс ал-Қароний билан боғлиқ ривоятлар асос бўлган. Нақл қилинишича, пайғамбаримиз Муҳамммад алайҳиссалом вафотидан аввал ўзининг ҳирқа ва кулохини дўсти Вайс ал-Қаронийга беришни васият қилган. Баъзи маълумотларга кўра, Вайс ал-Қароний 643 йилда вафот этган. Ўзбек фольклорида Султон Вайс, Султон бобо, Вайсил қора, Вайс ал-Қароний каби номлар билан аталадиган бу тарихий шахс билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Хусусан, Хоразм воҳасидан ёзиб олинган бир афсонада айтилишича, Султон Вайс туя боқар бўлиб, Амударё ёпидаги ўтлоқларда туяларини ўтлатиб юраркан. Ўзи эса тоғнинг баланд жойида най чалиб ўтираркан. Олис-олисларга ўтлаб кетган туяларни қайтариш керак бўлса, Султон бобо бир ажойиб куй чалар ва най овозини эшитган жониворлар орқага бурилиб, эгасининг ёнига қайтиб келишаркан. У ўтирган жой ҳозир "Султон бобонинг динги" деб аталади [Снесарев Г.П. Хорезмские легенды, как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – С.87].

[2] *"**Ғавсул ғиёс** азизларни кўрди"* – "Ғавсул ғиёс" атамасининг луғавий маъноси "илтижо қилувчиларнинг мададкори" бўлиб, тасаввуфда "рижол ул ғайб", яъни тасаввуфий маслакда дунёни бошқаради ва идора этади, деб тасаввур қилинган ҳомий кучлар тимсоли чилтанлар маънавиятининг бошида турадиган "қутб" образи "ғавс" (мададкор), "ғавсул аъзам" (энг буюк ғавс) ҳам дейилган. "Ғавс" сўзининг луғавий

маъноси "ёрдам", "мадад", "мададкор" бўлиб, бу мисрада қўлланилган "Ғавсил" атамаси ҳам ана шу лексик бирлик асосида шаклланган. Марказий Осиё туркий халқлари мифологиясида йўловчилар ҳомийси сифатида тасаввур қилинган бу образ ўзбек халқ достонларида эпик қаҳрамонларни қўллаб-қувватловчи эзгу куч тимсоли саналади.

[3] *"Таманно шаҳрининг бир тарафида бир* ***аймоқ*** *деган халқ бор эди"* – ўзбек халқ афсоналари талқинича, аймоқ – қадим замонларда истиқомат қилган бир қавм номи бўлиб, улар ғоят улкан гавдали, баҳодир келбатли ва паҳлавон қишилар бўлишган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Сурхон воҳасидан ёзиб олинган бир ривоятда Кўҳитанг тоғи этагидаги Саёт қишлоғи аҳолисининг қадим аждодлари аймоқларга бориб тақалади, деб нақл қилинган [Кармышева Б.Х. Трансформация термина аймак в юго-западных областях Узбекистана // Бартольдовские чтения – 1974. – М., 1974. – С.32-34; Яна ўша. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С.198].

[4] *"ўн икки имом"* – эпик асарлар матнида қаҳрамоннинг ҳомий-пирларидан бири сифатида тилга олинадиган "ўн икки имом" образининг юзага келишига имомийлик, яъни Али ибн Абу Толибдан кейин ўтган ўн икки имом билан боғлиқ ривоятлар асос бўлган. Имомийлар 873 йилда ўн биринчи имом Ҳасан ал-Аскарий вафот этгач, унинг ёш ўғли Муҳаммадни ўн иккинчи имом, деб эътироф этишган. Ривоятларга қараганда, у ғайриоддий йўсинда йўқолган. Шунинг учун ҳам имомийлар уни "имоми маҳдий", яъни "яширинган имом" деб ҳам атайдилар. Шиалар орасида ўн икки имомга эътиқод қўйиш анъанаси кенг тарқалганлиги сабабли биринчи сафавийлар ҳукмдорининг отаси шайх Ҳайдар ўз қўшинидаги сарбозларга ўн икки шиа имоми шарафига ўн икки хил йўл-йўллик қизил матодан салла ўраб юришни буюрган экан.

[5] *"Кемачилар* ***эр Ҳуббим*** *деб йиғлашар"* – ўзбек фольклорида дарё сувининг мўл-кўллигини таъминловчи ва уни ёвуз кучлар хуружидан ҳимоя қилувчи эзгу ҳомий сифатида тимсоллаштирилган Ҳубби ҳақидаги миф ва афсоналар кенг тарқалган. Ҳубби дарё эгаси ёки ҳомийси, сувни тошириб, одамларга катта зиён етказувчи ёвуз кучларга қарши курашадиган мифологик персонаж сифатида талқин қилинган. Хоразмлик дарғалар ҳазрати Нуҳ пайғамбарни ўзларига пир деб билишган. Лекин Амударёда сузаётганда ёки тошқин бошланиб, кема ҳалокатга учрагудек бўлса, хуллас, оғир аҳволга тушиб қолган пайтларида "Султон Ҳубби!" – дея хитоб қилишган. Халқ қарашларига кўра, дарёда мушкул аҳволга тушиб қолган киши Ҳуббини ёдга олиб,

уни кўмакка чорласа, Амударёнинг асов тўлқинлари узра Ҳубби намоён бўлар ва арқон билан кемани тортиб, эсон-омон манзилига етказиб қўярмиш. Ҳаттоки арқон қийиб юборганидан Ҳуббининг елкалари қип-кизариб кетган эмиш [Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л.: Наука, 1978. – С.86]. Ҳуббини дарё сувларининг ҳомийси, деб билган қадимги Хоразм кемачилари – дарғаларнинг афсоналарига кўра, Ҳуббининг онаси Амударёда биринчи қайиқни ясаб, одамларни дарёда сузишга ўргатган. Айтишларича, "Фаридун ва ҳатто Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари Амударёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми Ҳубби бўлган. Ҳубби балиқ билан овқатланган. У бир қўли билан балиқни ушлаб оларкан-да, уни қуёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилар экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб Ҳубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизининг маликаси – гўзал қиз ўғирлаб кетган, деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан кейин Амударёда Ҳуббининг онаси пайдо бўлган. Ана шу Ҳуббининг онаси биринчи қайиқни қурган ва халқни дарёда сузишга ўргатган [Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент, 1959. – 31-32].

"Ҳубби" мифониминиг лисоний-этимологик асослари қадимги Аму соҳилларида истиқомат қилган қавмларнинг асотирларида номи зикр этилган сув маъбуди ва илоҳасининг исми – **Апи** (ёки **Апас**) атамасига боғланади. Бу мифоним *"сув маъбуди", "сув тимсоли"* маъносини билдирувчи **"апи"** лексемасига *"эзгулик", "яхшилик"* маъноларини билдирган **"hu"** сўзини қўшиш орқали ясалган ҳамда *"эзгу Апи", "эзгу сув муаккили"* маъноларида қўлланилган [Жўраев М. Хоразм мифологиясида Ҳубби культи // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2002. – 1-сон. – Б.19-24; Яна ўша. Ўзбек мифологиясида Ҳубби образи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – 2-сон. – Б.14-21]. Демак, Амударё соҳилларида ривожланган деҳқончилик маданиятини яратган кадим аждодларимиз мўл ҳосил ва фаровонлик манбаи ҳисобланган замин ҳамда сув муаккили Апини мўътабарлаштиришган. Дарёда тошкин рўй берган вақтларда ва суғориш мавсуми бошланганда сув маъбуди шарафига қурбонлик маросимларини ўтказганлар. Натижада халқ инончларида оби-ҳаёт, серҳосиллик ва эзгулик тимсоли сифатида анъанавийлашган *Апи (Апас)* ҳақидаги асотир ва афсоналар юзага келган. Ҳубби образининг мифологик асослари жаҳондаги энг қадимги суғорма деҳқончилик анъаналари келиб чиққан мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ҳосилдорлик культи билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки

Ҳубби фақат сув манбаининг мифологик тимсолигина эмас, балки қутбарака, серҳосиллик, эзгулик рамзи сифатида ҳам эъзозланган.

[6] *"Динимиз чироғи* ***Имоми аъзам****"* – "аъзам" сўзи "энг улуғ", "бош" деган маъноларни англатгани учун ҳанафия мазҳабига асос солган ислом ҳуқуқшуноси Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит ибн ан-Нўъмон "имом Аъзам", яъни "энг улуғ имом" деб юритилади. У ҳанафия маҳзабига асос солган ҳамда шариат ҳуқуқлари ва қоидаларини тартиблаштирган. Имом Аъзам 699-700 йилларда Куфада туғилиб, 767 йилда Бағдодда вафот этган.

[7] ***"Шайх Аҳмад Зиндафил"*** – халқ достонларида пир, ҳомий сифатида талқин қилинган Замчи аслида ўз даврининг таниқли шоири ва мутасаввуфларидан бири Аҳмад Жомийдир. Айрим ривоятларга қараганда, Аҳмад Жомий жуда бақувват ва полвон киши бўлиб, лашкарбоши сифатида ҳам донг қозонган. Тасаввуф таълимотида эса у "Зинда фил", яъни "Филни тирилтирувчи" номи билан машҳурдир. Ўзбек фольклорида ҳам бу хусусда бир нечта афсона мавжуд. Шулардан бирида ҳикоя қилинишича, кадим замонда бир подшонинг фили ўлиб қолибди. Уни ҳеч ким тирилтира олмабди. Худо Аҳмади Жомийнинг тушида "Сен узоқ бир мамлакатдаги подшонинг филини ўз номинг билан тирилтирасан!" деб буйруқ берибди. Шунинг учун у узоқ ўлкалардан фили ўлган подшонинг мамлакатига келибди. Ўлик филнинг олдига келиб:

– Худонинг амри билан тур! – дебди. Аммо фил тирилмабди. Шунда кишиларга кўринмасдан пайғамбаримизнинг руҳлари етиб келибди-да, Аҳмади Жомийнинг қулоғига:

– Сен телба бўлдингми ёки ўлимдан қўрқдингми? Нега худонинг буюрганини қилмайсан?! – дебди. Аҳмад қилган ишидан уялиб, ўлган филга қараб:

– Менинг амрим билан тур! – дебди. Ана шунда худонинг амри билан фил тирилибди.

Манбаларда келтирилишича, Аҳмад Жомий 1049 йилда Хуросонда туғилиб, 1141 йилда вафот этган. У Марв шаҳрида дафн этилган бўлса-да, Ўрта Осиёнинг турли жойларида Аҳмад Жомий номи билан алоқадор зиёратгоҳ мавжуд. Масалан, Бухоро шаҳридаги Сомонийлар боғининг ғарб томонида Зинда Фил Аҳмади Жомий номли мозор бор бўлиб, унда туғ ва қабр бўлган. Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги Тали Аҳмади Жомий кишлоғида, Қарши шаҳри якинида ҳам унинг қадамжолари бор [қ.: Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент: Фан, 1973. – С.71-72; Йўлдошев Н. Бухоро авлиёлари тарихи. – Бухоро, 1997. – Б.59-60].

[8] ***"имоми Шофе"*** – "имом Шофеъий" номи билан танилган араб фиқҳшуноси, тилшунос ва адабиётшуноси Абу Абдулло Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофеъий 767 йилда туғилган. Умрининг кўп қисмини Ироқ, Ҳижоз, Қоҳира ва бошқа жойларда сафарда ўтказган бу олим шофеъийлик мазҳабининг асосчисидир. Имом шофеъий "Ар-рисола", "Ал-умм", "Усул ал-фиқҳ" каби асарлар муаллифи ҳисобланади. У 820 йилда вафот этган [Ислом энциклопедияси. – Тошкент, 2004. – Б.274].

[9] *"Тошкентнинг мулкинда* ***эр бобо Занги"*** – халқ орасида эзгу ҳомий сифатида мўътабарлаштирилган тарихий шахс Занги отанинг тўлиқ исми Ойхўжа ибн Тожхўжадир. Унга "Занги" лақабининг берилиши ранг-рўйининг қора бўлганлиги билан боғликдир. Занги ота Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи халифаси ва содиқ шогирди Ҳаким отадан таълим олгач, Ҳимматий номи билан шуҳрат қозонган. У 1258 милодий йили вафот этган ва Тошкент яқинидаги ҳозир "Занги ота" деб аталаётган қишлоқда дафн этилган. Амир Темур томонидан Занги ота мақбараси бунёд этилган ва 1420 йилда Мирзо Улуғбек унинг устига пештоқ бино қилдирган. XVII асрда бу ерга мадраса ва жоме масжиди қурилиб, кўплаб талабалар таълим олганлар.

Халқ орасида Занги ота қорамол боқувчиларнинг пири, деб ҳам эътироф этилади. Хусусан, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Арабхона қишлоғи яқинида Занги ота номли муқаддас жой бор бўлиб, илгарилари шу яқин-атрофда яшовчи кишилар ўзларининг касалга чалинган сигир-бузоқларини бу мозор атрофидан айлантиришган. Халқ қарашларига кўра, Занги ота мушкул аҳволда қолган кишиларга кўмак берувчи эзгу куч тимсоли, мададкор ҳомийдир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, кўплаб муборак гўшалар қаторида Занги ота мақбараси ва унинг атрофидаги зиёратгоҳ ҳудуди ободонлаштирилиб, катта қамровдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

[10] *"Отингдан ўргилай, отингдан* ***Ғиёс"*** – бу мисрада ўзбек халқ достонларида тасвирланган ҳомий персонажлардан бири Ғавсул ғиёс назарда тутилган (қ.: мазкур достон матни юзасидан юқоридаги 2-изоҳ).

[11] *"Соқининг сардори* ***эр Саъди Ваққос"*** – манбаларда "ашараи мубашшира", яъни "жаннатий" деб таърифланган сахобалардан бири Саъд ибн Абу Ваққос ўн етти ёшида исломни қабул қилган, Ухуд жангида иштирок этган, халифа Умар ҳукмронлиги даврида Ирокқа юборилган қўшиннинг қўмондони бўлган. У 672 йилда вафот этган бўлиб, Мадина шаҳрида дафн этилган. Ўлкамизнинг бир неча жойида, хусусан, Амударё соҳилидаги Питнак қишлоғи яқинида ҳамда Навоий

вилоятининг Қизилтепа туманидаги Зарметан қишлоғида Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгохи мавжуд.

[12] *"Сатқанг бўлай хўжа* ***Ҳофиз Шерозий****"* – машҳур шоир Хожа Ҳофиз Шерозийнинг асл исми Шамсуддин Муҳаммад бўлиб, у 1321 йилда Шерозда туғилган. Ёшлигида етим қолган Шамсуддин нонвойга шогирд тушган ва "Қуръон"ни ёд олиб, хушовозлик билан тиловат қилганлиги сабабли "Ҳофиз" тахаллусини олган. Ўзининг бетакрор лирик мероси билан Шарқу Ғарб адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган Ҳофиз Шерозий "Девон"ида 418 ғазал, 5 қасида, 41 рубоий, 3 маснавий мавжуд бўлган. У 1389 йилда вафот этган бўлиб, қабри Шероздадир.

[13] *"Манзилинг Машҳадга* ***имоми Ризо****"* – Имом Али Мусо ар-Ризо (765 – 818) саккизинчи имом бўлиб, даставвал Мадина шаҳрида истиқомат қилган. 816 йилда халифа ал-Маъмун уни Хуросонга олиб келиб, "Ризо мин оли Муҳаммад" (яъни, "Муҳаммад зотидан сайланган, эъзозланган") деган лақабни берган ва 817 йилда Марвда валиаҳд деб эълон қилган. Ривоятларга қараганда, имом Али Ризо қадимги Тус шаҳри яқинидаги Нукон деган қишлоқда анор еб заҳарланганлиги боис, тўсатдан вафот этган. Уни Маҳшадда – Хорун ар-Рашид мақбараси ёнига дафн қилишган. XIV асрда унинг қабри устига мақбара бунёд этилган. Улуғ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий Имом Ризо мақбарасининг жануб томонига айвон қурдирган ва устунлардан бирининг тепасига Ҳусайн Бойқаро номини нақшлаттирган.

[14] *"Ҳазрати* ***Нўғой эр****, бахш этинг мадад"* – Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Нўғай ота қишлоғида шу ном билан аталувчи зиёратгоҳ мавжуд. Афсонада ҳикоя қилинишича, қадим замонларда шу қишлоққа бир қаландар келиб колибди. У ёмон кийинганлиги учун одамлар назарига илишмас, ҳеч ким уни менсимас экан. Ўша замонларда бир подшо ҳам яшаган бўлиб, унинг гўзалликда тенгсиз бир қизи бўлган экан. Қиз хуснининг таърифи етти иқлимга ёйилиб, ҳар томондан совчилар кела бошлабди. Маликанинг қўлини сўраб келаётганларнинг кети узилмабди. Аммо қиз уларнинг ҳеч қайсисига турмушга чиқишга розилик бермасдан, ҳамма совчиларни қайтараверибди.

Кунлардан бир куни халиги қаландар подшонинг қизини кўриб, ошиқ бўлиб қолибди. Қаландарнинг олдига тушиб, уйлантирадиган жонкуяри бўлмаганлиги учун подшонинг ҳузурига ўзи совчиликка борибди. Буни кўрган подшо:

– Қурбаканинг кўнгли боғ сайрини тусаб қолган экан-да! – деб роса кулибди ва қаландарни ўлимга ҳукм қилибди. Унинг бир ақлли, кўпни кўрган, камбағалпарвар вазири бор экан, қаландарга раҳми келиб:

– Подшоҳим, бу қаландар оддий одам бўлганида саройингизга юрак ютиб келолмаган бўларди. Жаҳл устида унинг қонига зомин бўлиб юрманг, бу ерда бир сир борга ўхшайди, Шу боис, андак сабр қилсангиз бўларди, шохи олам! – дебди. Шунда подшо вазири билан маслаҳатлашиб:

– Майли, мен сени куёв қилишга розиман, фақат бир шартим бор. Агар эртага эрталабгача минг туя қимматбаҳо мол-мулк, тилла-ю кумушлар солинган сандикларни олиб келсанг, муродингга етасан. Мабодо шартни бажаролмасанг, бошинг кетади, – дебди.

Қаландар таъзим бажо келтириб, подшо шартини қабул қилиб, саройдан чиқиб кетибди. Бу шартнинг изи нима бўларкин, деб ўйлаган ҳангоматалаб вазиру вузаролар, барча сарой аҳли эрта тонгданоқ айтилган жойга йиғилиб, кутиб турибдилар. Бир маҳал сарой қопкаларини қўриқлаб турган дарвозабонлар сардори подшонинг олдига чопиб келиб, теварак-атрофни карвон босиб кетганлигини билдирибди. Бориб кўришса, минг туяга ортилган қимматбаҳо моллар, сандик-сандиқ тиллалар шай бўлиб турганмиш. Буларни кўрган подшонинг ҳуши бошидан учиб, нима қиларини билмай лол бўлиб қолибди. Аммо барибир қаландарга қизини бергиси келмай:

– Яна битта кичкина шартим бор. Самарқанд минорасининг бир болори етмай турибди. Агар ўша қурилишни битказиб келсанг, қизимни берганим бўлсин! – деб сўз берибди.

Ҳақикатан ҳам, ўша вақтда Самарқанд шаҳрида қурилаётган миноралардан бири анчадан бери битмай ётган экан. Қанчадан-қанча усталар, қўли гул меъморлар бири калта, иккинчиси узун бўлган болорларни ўрнаштиролмай овора бўлиб ўтиришган экан. Қаландар қурилиш бўлаётган жойга борибди-да, усталар тузатолмаётган болорлардан бирини:

– Бисмиллохир раҳмонир раҳим! - деб ушлаган экан, болор учиб бориб, ўша битмаётган жойга тушиб, лоппа-лойиқ келиб жойлашибди. Буни кўрган меъморлару уламолар ёқа ушлаб қолибдилар. Қаландар сифатида юрган бу киши Нўғай ота авлиё экан.

Шундан кейин Нўғай ота қўлига бир таёкни олиб, "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!" – деган экан, таёқ подшонинг қизи билан Нўғай отани олиб учиб кетибди. Улар бир чўлу биёбонга бориб яшай бошлашибди. Эрка ўсган малика қийинчиликларга чидай олмай, бир куни нон ёпаётганда ўз ҳаётидан нолибди. Буни эшитиб турган Нўғай ота индамабди ва тандир ёнидаги косовни ерга суққан эканлар, каттакон чинор ўсиб чикибди. Бу мўъжизани кўрган хотини унинг авлиёлигига тан берган экан. Ўшандан буён ўша қишлокнинг номи "Нўғай ота" бўлиб қолибди [ЗЎФА. Инв.№1746/9].

Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" асарида қайд этилишича эса, Нўғой ота номи билан аталадиган зиёратгоҳ Самарқанд шаҳри яқинида, яъни "Сўғди калон туманида, ҳазрати Хожа Исмоил Бухорий мозорининг яқинида баланд тепалик устида"дир. У Олим шайх Азизоннинг халифаларидан бири бўлиб, асли келиб чиқиши нўғой улусига бориб тақалган. Нўғай ота ёшлигидан бу мавзега келиб яшаган ва вафот этгач, ана шу мозорга кўмилган [қ.: Тарихи Муллозода. Самария. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.170].

[15] *"Манзилингга ризо* ***шайхи Худойдод****"* – йирик мутасаввуф шоир ва шайх Худойдод вали 1461 йилда Карманада туғилган. Шоирнинг шеърий мероси асосан унинг ҳақидаги манокиб таркибида етиб келган бўлиб, XV-XVI аср ўзбек адабиётининг ўзига хос намуналари сирасига киради. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб кун кечирган бу хассос шоир 1532 йилда ҳозирги Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Ғазара қишлоғида вафот этган.

[16] *"Мерганларнинг пири* ***Жамшиди Аҳмад****"* – тарихий асослари қадимги аждодларимиз мифологиясига бориб тақаладиган Жамшид образи халқ орасида эзгу пир сифатида ҳам тасаввур қилинган. Айрим жойларда полвонлар, мерганлар ҳам "ё Жамшид" деб унинг номини тилга олишган. Мазкур достонда Жамшид мерганлар пири, дея талқин қилинишининг боиси шундаки, айрим афсоналарда Жамшид қўлига ўқ-ёй олиб камон отиши билан алоқадор воқеалар ҳам тасвирланган. Масалан, оловнинг кашф этилиши тўғрисидаги афсоналардан бирида айтилишича, Жамшид кунлардан бирида Мозандарон ўрмонида товушқон овлаб юрган экан, иттифоқо, бир сеҳрли илонни кўриб қолиб, ўша заҳотиёқ унга қарата камонидан ўқ отибди. Илон бир қоятошнинг остидаги ковакка кириб, кўздан ғойиб бўлибди. Жамшиднинг камонидан узилган ўқ эса тошга тегибди-да, тошдан учқун чиқибди. Учқунлардан бири тош ёнидаги қуруқ хас-чўпларнинг устига тушиб ёна бошлабди. Одамлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан, шу боис, ўтни кўрган ҳамоно бу мўъжизадан лол бўлиб қолишган. Шундай қилиб, одамлар оловдан фойдалана бошлашган экан [қ. Жўраев М. Асрларни мунаввар қилган байрам // Олға. – Қоракўл, 1991. – 8-19 март].

[17] *"Умид қип йиғлайман* ***ҳазрати Нурдан****"* – мамлакатимиздаги энг қадимий ва машҳур зиёратгоҳлардан бири Нурота чашмаси ёнидаги мўътабар гўша бўлиб, халқ орасида "ҳазрати Нур" деб ҳам юритилади. Бу зиёратгоҳда X асрда бунёд этилган Чилустун масжиди, шунингдек, 1582 йилда Бухоро ҳукмдори Абдуллахон томонидан қурдирилган Катта гумбаз мавжуд.

[18] *"****Ҳобилни Қобили*** *урди тош билан"* – бу ўринда Қобил билан Ҳобил тўғрисидаги машҳур ривоятга ишора қилинган. Бинобарин,

ривоятларга кўра, момо Ҳаво хар қачон хомиладор бўлганида бир ўғил ва бир қиз туғар, ана шу ўғлига кейинги сафарги хомиласидан дунёга келган қизни берар экан. Қобилнинг эгизагининг исми Иқлимо бўлиб, жуда соҳибжамол ва ақлли экан. Одам Ато билан момо Ҳаво Иқлимони Ҳобилга бермоқчи бўлишганида ўз синглининг хусну жамолига ошуфта бўлган Қобил унамабди. Одам Ато хар икки ўғлига курбонлик келтиришни буюрибди, қайсининг курбонлиги қабул бўлса, ўшанга Иқлимони беришга қарор қилибди. Ҳобилнинг қурбони қабул бўлиб, Одам алайҳиссалом Иқлимони унга берибди. Бундан ғазабланган Қобил хусумат жиҳатидан ўз укасини тош билан уриб ўлдирибди. У пайтда маййитни дафн этишни билишмас экан, шунинг учун Қобил укасининг жасадини нима қилишни билмай, кўтариб юраверибди. Оллоҳ таолонинг ҳукми билан икки малак қарға суратига кириб ерга тушибди ва бир-бири билан уришиб, бири иккинчисини ўлдирибди. Сўнгра тирик қолган қарға тирноқлари ва тумшуғи билан ерни ковлаб, ўлган қарғани кўмибди. Буни кўриб турган Қобил ҳам лаҳад қазиб, Ҳобилни дафн этган экан.

[19] *"Ҳазрати **Довудга** қирқ ўғли берди"* – халқ орасида мавжуд ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, ҳазрати Довуднинг қирк нафар ўғли бўлган. Кунлардан бир куни намоз ўқиётган пайтда ўзининг ортида ўтирган қирқ ўғлига қараб кибрланиб кетган. Довуд бу фарзандларни Оллоҳ берганлигини ёдидан чиқариб, ҳаволаниб кетгани учун қирқ ўғли саждага бош қўйган ҳолатида вафот этибдилар. Довуд узоқ вақт нолаю фиғон қилиб, фарзанд доғида куйиб-ёнибди. Бир куни унга "Қирқ ўғлингни қайтариб берайми ёки қирқ ўғилга муносиб бир ўғил берайми?" – деган садо эшитилибди. Шунда Довуд қирқ ўғилга арзийдиган битта ўғил беришликни сўрабди. Ана шундай кейин Сулаймон ибн Довуд дунёга келган, дейдилар.

[20] *"**Ғариб** айрилишиб кўп жафо кўрди"* – туркий халқлар фольклорида кенг таркалган пок муҳаббат достонларидан бири "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам"да тасвирланишича, Шоҳаббос ўз вазирининг вафотидан кейин қизини Ғарибга беришни истамайди. Натижада ёр ҳажрида фиғон чеккан Ғариб кўп-жабру жафоларни ўз бошидан кечиради.

[21] *"Дунёдан ўтсалар **ўн икки Аҳмад**"* – маълумки, агиографик адабиётлар ва манбаларда "Аҳмад" номи билан аталувчи шоир, олим ва шайхлар кўп учрайди. Шунинг учун ҳам "ўн икки Аҳмад" бирикмаси анъанавийлашган. Баъзи манбаларда қуйидаги "ўн бир Аҳмад" номи зикр этилади: 1) Аҳмади мурсал саллоллоҳу алайҳи васаллам; 2) Шайх Аҳмад Ҳанбал (р.а.)[1]; 3) Шайх Аҳмад хайрун нассож (р.а.); 4) Шайх

[1] Р.а. – разияллоҳу анҳу

Аҳмад Аркам (р.а.); 5) Шайх Аҳмад Хузравайҳ (р.а.); 6) Шайх Аҳмад Мухтор (р.а.); 7) Шайҳ Аҳмад Жомий (р.а.); 8) Шайх Аҳмад кабир (р.а.); 9) Шайх Аҳмад сиғориях (р.а.); 10) Шайх Аҳмад Равиёҳ (р.а.); 11) Шайх Аҳмад Яссавий (р.а.).

[22] *"**Оби тулпорлардан ушлаб оларди"*** – ўзбек мифологиясида сувда яшайдиган ғаройиб тулпорлар ҳақидаги хилма-хил афсоналар кенг тарқалган. Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифовнинг қайд этишича, сув отлари яшайдиган кўл ҳақидаги афсоналар Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мавжудлиги қайд этилган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг собиқ Мироқи туманига қарашли Шўрҳасан қишлоғидаги тоғ орасида жойлашган бир кўл ҳақида шундай ҳикоя қиладилар: "Ҳасан отли бир етимча, ёлғизгина биясини шу кўл бўйида боқиб юрганида, кўлдан бир айғир чиқиб келиб, бияга чопади. Бу сирни ҳеч кимга айтмасликни Ҳасанга тайинлаб, ўзи яна сув ичига кириб кўздан ғойиб бўлади. Орадан маълум вақт ўтиб ҳалиги бия битта эркак қулун туғади. Ҳасан эса бу сирни ичида сақлай олмай, одамларга айтиб қўяди. Шунда бия қулунини кўл ёқасида ўтлатиб юрганида, кўлдан ҳалиги айғир чиқиб келади ва қулунни тишлаб сувга олиб кириб кетади" [қ.: Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. – Тошкент, 1974. – Б.77]. Нурота туманидаги Фозилмон кўли тўғрисидаги халқ қарашларини тўплаган Раҳматулла Юсуф ўғли ҳам "Яна бир афсона шуки, Фозилмон қўлида учар отнинг ёввойиси бор эмиш. У от бир зўр девнинг тулпори эмиш дейдилар", – деб ёзади [ЗЎФА. Инв.№1723/8].

[23] "***Ҳумоюндай соя солгин бошима***" – ўзбек мифологияси талқинича, Ҳумоюн давлат қуши бўлиб, одамларга бахт-саодат бахш этувчи эзгулик тимсоли сифатида тасаввур қилинган. Нақл қилишларича, гўё бошига ана шу асотирий қушнинг сояси тушган киши бой-бадавлат ва бахтли бўлар экан. Баъзи афсоналарда эса бу асотирий образ танаси куш, боши одам сувратида тасвирлаган [қ.: ЗЎФА. Инв.№1713. 1971 йил 19 май куни Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган].

[24] *"Бул одамни **одам оби** отарди"* – ўзбек мифологиясида сувда яшайдиган одамсифат жонзотлар "сув одами", "одами оби" деб юритилади. Марказий Осиё туркий халқлари мифологиясида "сув одамлари" ёки сув ичида яшайди, деб тасаввур қилинган "оби одамлар" тўғрисидаги эътиқодий қарашлар кенг тарқалган. Ўзбек фольклоридаги "Қора дев", "Оймомада аждаҳо", "Кулса – гул, йиғласа – дур" эртакларида, шунингдек, "Юсуф билан Аҳмад", "Малика айёр" достонларида "одам оби" (ёки "одами оби") образи тасвирланган. 1960

йилда фольклоршунос олим Т.Ашуров сувда яшайдиган афсонавий одам тўғрисидаги "Одами оби" номли эртакни ёзиб олган. (ЗЎФА. Папка №452. Инв.№19388). Афсоналарга кўра, "одами оби" ёки "дарёйи оби" деб аталувчи бу ғайриоддий мавжудотлар ҳамиша сув остида яшашар, қуруқликка деярли чиқишмас эмиш. Улар ҳамиша одамлар кўзидан яшириниб юришар, фақат дам олиш учунгина вақти-вақти билан кимсасиз жойларга чиқишаркан.

[25] *"Одами хоки деб мунда яширинди"* – ўзбек мифологияси талқинича, "одами ҳоки" гупроқдан яратилган одам бўлиб, ер юзида истиқомат қиладиган кишилардир.

[26] *"Дам олса оғзидан каптар чиқарди"* – халқ қарашларига кўра, девларнинг жони кабутар сувратида намоён бўлиб туради, дейдилар. Айтишларича, дев нафас олганда жони кабутардай оғзидан кириб-чиқиб тураркан, яъни нафас чиқарса, далага бир қулоч парвоз қилиб, нафасни тортса, томоғидан кириб кетиб туради. Бундан ташқари, "агар дев ўз сувратини ўзгартирмоқчи бўлса, гўнгқарға шаклига киради", деган гап ҳам бор [ЗЎФА. Инв.№1713/4]. Пари ва девларнинг каптар кўринишида учиб келиши тасвири жоннинг қуш суратида бўлиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар асосида юзага келиб чиққан.

"Ошиқ Ғариб" достони

[1] *"Кун қайтса **Учтошга** борар сояси"* – бизнингча, бу ўринда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига яқин жойдаги Учқиз тоғи назарда тутилган бўлса керак. Чунки ушбу достонни ижро этган атоқли бахши Фозил Йўлдош ўғлининг қизи Тўқсулув Усмоновадан 1988 йилда А.Турсунқулов ёзиб олган қуйидаги афсонада Учқиз тоғининг пайдо бўлиши шундай ҳикоя қилинади: "Қадим замонда бир қишлоққа душманлар бостириб киришибди. Чолу кампир, ёшу қари демай ҳаммани ўлдиришибди. Опа-сингил бўлган уч қиз кир ювиб ўтирган эканлар. Душманларнинг бостириб келаётганини кўришибди. Шунда улар босқинчилардан қочиб тоғ тепалигига қараб кўтарилибдилар. Лекин босқинчилар қизларни кўриб қолиб қуваверибдилар. Қизлар тоғнинг энг баланд чўққисига чиқиб қарашса, пастда қишлоқларининг ловиллаб ёнаётганлигини, душманларнинг тоғ чўққисига қараб бостириб келаётганликларини, ҳадемай қизларга яқинлашиб қолиши мумкинлигини кўришибди. Шунда улар:

– Душманга кўзимиз тушгунча тошга айланиб қолайлик! – деб илтижо қилибдилар. Уларнинг илтижоси инобатга олиниб, учаласи ҳам тошга айланиб қолибдилар. Улар тоғ тепасидан ҳар куни эрталаб

қишлоққа қараб туришармиш. Кексаларнинг айтишларича, бу қизлар ҳар куни қуёш чиққанда қишлоқ одамларига аниқ кўринармиш, гўё қишлоққа тоғ тепасидан уч қиз тушиб келаётгандай бўлиб туюларкан" [Ипак йўли афсоналари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.58].

Ушбу афсонадан ҳам кўринадики, Учқиз тоғи булунғурлик ҳисобдонлар учун куёшнинг чиқиши манзилларини белгилашда асосий табиий восита вазифасини бажарган. Яъни қуёш ана шу чўққилар ортидан чиқиши кузатилган. Шунинг учун ҳам достонда "қуёш қайтса Учқиз тошига сояси тушиши" айтилади.

[2] *"кўзингизга жинми, тўполон қуюнми кўрингандир"* – аждодларимиз ҳаво ўрамасидан ҳосил бўладиган қуюн ёки чанг-тўзон гирдбодини ёвуз руҳларнинг иши, деб ўйлаганлар ва ғайритабиий бўлиб кўринган бу ҳодиса ҳақида турли хил мифологик қарашлар ҳамда афсоналарни яратганлар. Ўзбек мифологиясида қуюнни ажина ёки жин билан боғлиқ табиий ходиса, деб тасаввур қилиш анъанаси мавжуд. Бу мифологик эътиқодга биноан, қуюн одамларга зиён-заҳмат етказувчи ёвуз кучлар маконидир. Хусусан, Бухоро вилоятига 1981 йилда уюштирилган фольклор экспедицияси чоғида Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида яшовчи Ҳанифа момо Болтаевадан ёзиб олинган маълумотга кўра, қуюн "жилликалаван" деб аталади. Жилликалаван кексайиб, мияси айниган қарри ажинанинг уйи эмиш. Ажина ўтирган жойида чирпирак бўлиб айланар, шундан қуюн кўтарилиб, ҳамма ёқни чанг-тўзон босиб кетаркан. Қарри ажина ўзига келиб, айланишдан тўхтаса, жилликалаван ҳам босилиб қолар эмиш. Жиғачиликлар узоқдан чанг-тўзон ўрамасини кўриб қолсалар, жилликалаван уйимизга зиён етказмасин, айвон-бостирмаларни ағдариб кетмасин, деб уларнинг устига оғир-оғир нарсаларни ташлайдилар, қуюн яқинлашиб келаверса: *"Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Оқ даста, кўк даста!"* – деб офат даф бўлсин учун ирим қиладилар. Шу туманнинг Осиё қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Саттор Аҳмедовнинг айтишича эса, жин ва ажиналар қариганидан кейин "жилли калаван"га айланиб қолар эмиш. Қоракўл туманидаги Сайёд қишлоғида яшовчи Ш.Турдиеванинг ҳикоя қилишича, қуюн кўтарилса, *"Ана, ажина келаяпти!"* – дейдилар. Уни тўхтатиш учун оиладаги биринчи туғилган, яъни тўнғич боланинг оёк кийимини чаппа қилиб қўйишади-да: *"Ажина, кўзингга аччиқ қалампир!"* – дейдилар. Бу ипоч табиий ҳодисалар билан боғлиқ маросим амалларида кўп қўлланиладиган тўнғич боланинг магик табиати ҳамда ёвуз кучлар кўрқади, деб тасаввур қилинган аччиқ нарсалар (бу ўринда қалампир)

нинг куюн ичида мавжуд, деб тахмин қилинган ажинага сирли йўсинда таъсир кўрсата олиш хусусиятига ишонишга асосланган.

Куюнни ажина, жин ёки дев каби ёвуз кучлар юзага келтиради, деган мифологик тасаввур қадимги туркийлар давридаёқ шаклланган бўлиб, аждодларимиз лаҳжасида қўлланилган "jэl", яъни "ел" сўзи "шамол" ва "ёвуз руҳ – жин" маъносида қўлланилган. Улар гирдбод орасида қолиб кетган ёки унинг елгини тегиб ўтган одам куюн ичидаги "jэl", яъни "жин"нинг домига илиниб, дардга чалинади, деб ўйлаганлар. Ҳатто оддийгина шабадалаш ёки қаттиқ шамол таъсирида касал бўлиб қолган кишининг дардманлигига ҳам шамол ичидаги жин – "jэl" сабабчи бўлади, деб ишонганлар [қ.: ДЛТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.158]. XIII-XIV асрларда яратилган "Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия" номли луғатда ҳам "jак" сўзига "шайтон ва бўрон" деб изоҳ берилган [қ.: Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.64].

[3] *"**Қақнус** куйган нор эканин билмадим"* – ўзбек мифологиясидаги ғаройиб қушлардан бири сифатида тасвирланган қақнус афсонавий жонзот бўлиб, ранго-ранг патлари, бағоят сайроқилиги ва жудаям хушовозлиги билан бошқа қушлардан ажралиб турган. Афсоналарга қараганда, қақнуснинг тумшуғида уч юз олтмишта тешикча бор эмиш. У сайраётганда ана шу тешикчаларнинг ҳар биридан ўзига хос, ҳар қандай кишини лол қолдирадиган оромбахш оҳанг янграр экан. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида тасвирланишича, қақнуснинг тумшуғида ғаройиб наволар чиқарадиган сон-саноқсиз тешикчалар мавжуд бўлса-да, у умрида фақат бир мартагина сайрар экан, холос. Бутун ҳаёти давомида якка-ёлғиз умргузаронлик қиладиган қақнус умр бўйи ўтин тўплар экан. Умри поёнига етганини билган куни ўзи тўплаган ўтин уюмининг устига чиқиб шунақанги сайрар эканки, бутун оламдаги ҳамма мавжудотлар унинг сеҳрли навосига мафтун бўлишаркан. Қақнус эса ўз вужудидан таралаётган ғаройиб оҳанг сеҳрига бардош беролмай. охир-оқибат унинг ноласидан ўт чиқиб, бу куш томонидан умр бўйи тўпланган ўтин уюми куйиб кул бўлар, қақнуснинг ўзи ҳам оҳанг кучидан чиққан ўтда ёниб кетар, аммо кул остидан унинг полопони – янги қақнус пайдо бўлиб, ўтин йиғишга киришаркан [қ.: НАЛ. – Б.733].

[4] *"**Адан** деган ерга борди"* – "Адан" аслида Ямандаги ороллардан бирининг номи бўлиб, у ўзининг қимматбаҳо жавоҳирлари билан машҳур бўлган. Ўзбек мумтоз адабиётидаги "дурру Адан" (яъни, "Адан инжуси") бирикмаси хам шу билан боғлиқ. Достонда бу топоним эпик ном сифатида қўлланилган.

[5] *"Қолмай борсин* ***юзу парча****"* – Самарқанд вилоятида истиқомат қилган юз уруғининг "қарапчи" бўлаги таркибида "парчаюз" деб аталадиган шахобча мавжуд бўлган [қ.: Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент, 1968. – Б.83-84].

"Илова"

[1] Мазкур парча 1938 йилда фольклоршунос олим Мансур Афзалов томонидан Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган. Унинг катакли ўқувчи дафтари варақларига лотин алифбосида қора қалам билан ёзилган қўлёзмаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 402-инвентарь рақами остида сақланади. Ҳажми 8 бет.

[2] Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Ҳожиҳасан қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Кенагас қишлоғида яшаган таниқли ўзбек достончиси Саидмурод Паноҳ ўғли (1858-1945 йиллар)дан ёзиб олинган ушбу парча "Шоҳсанам ва Ғариб" достони Нурота достончилик мактаби вакиллари эпик репертуаридан ҳам мустаҳкам ўрин олганлигидан далолат беради. Достоннинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 734/III-инвентарь рақами остида рўйхатга олинган ушбу парчаси ўн бир бет бўлиб, фольклоршунос Мунисхон Тошпўлатова томонидан 1940 йил 10 октябрда А4 форматдаги сарғиш тусли қоғозга қалам билан лотин алифбосида ёзилган. Ёзиб олувчи бу материалнинг жанрий мансубиятини "терма" деб қайд этган. Ҳажми 11 бет.

ЛУҒАТ

Абёт – байт, шеър.

Авғон яра – заҳарли чивин чаққан кишининг юз-қўли, оёқлари ёки баданининг бошқа жойларида пайдо бўладиган яра, одатда узоқ вақтгача битмайди ва тузалганидан кейин ҳам унинг ўрни чандиқ бўлиб қолади.

Азозил – шайтон, иблиснинг номи.

Алангсилаб қолмоқ – ҳовликиб қолмоқ, нима қиларини билмай каловланиб қолмоқ.

Антаҳур – аслида "таҳуро" бўлиб, мўминларга жаннатда улашиладиган шароб. Ривоятларга қараганда, мўминлар жаннатда шаробан таҳурдан ичсалар, Оллоҳнинг дийдорига мушарраф бўлишаркан.

Аршин – метрик система жорий қилингунга қадар қўланилган 0,71 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, шу узунликдаги ўлчов асбоби, яъни газ ҳам "аршин" дейилган.

Бадар – йўқолмоқ.

Байроқ – достондаги "Байроғингга берай минг тилла танга" мисрасида бу сўз совриn, совға, мукофот маъноларида қўлланилган.

Баст – гавда, қад, қомат.

Баяна – боя, ҳали.

Бебут – асли "беҳбуд" бўлиб, "яхшилик", "соғломлик", "фойда" маъноларини билдиради.

Белдов – тоғ довонидаги ўтиш жойи.

Беллайди – ерни белкурак билан чопади, юмшатади.

Беллик – от устига қўйиладиган ёпинчиғ.

Беша – қишлоқ.

Бир пасил – бир пас, бироз вақт.

Бирликишиб – бирлашиб, биргалашиб, ҳамжиҳат бўлиб.

Бовар – ишонч.

Божмон – карвонлардан бож олувчи амалдор.

Боз – яна, тағин.

Бозиргон – савдогар, карвон билан шаҳарма-шаҳар кезиб тижорат билан шуғулланувчи киши.

Бошқаватдан – бошқадан, қайтадан, қайта бошдан.

Боғонаги – бояги, ҳалиги.

Бувак – чақалоқ, янги туғилган бола.

Буйикди – бўғилди.

Буланмоқ – ағанамоқ, ерга юмаламоқ.

Булон – ёввойи от.

Бўктарига бойламоқ – қурол-аслаҳа, от ёпинғичи каби нарсаларни эгар орқасига юмалоқлаб ўраб бойламоқ.

Бўлжайди – мўлжални.

Бўп – бўлиб.

Бўра – туя.

Бўта – бўталоқ, туянинг боласи.

Бўғоз – ҳомиладор, иккиқат, оғироёқ.

Вазир – ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ, шу жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси (девони) бошлиғи; мамлакатда муайян тармоқ фаолиятини бошқарувчи мутассадди шахс.

Газа – тоғнинг икки чўққиси оралиғидаги жой, адирликлардаги тик баланд қияликлар, қирсимон дўнглик.

Гирд – атроф, теварак, чегара.

Говгум – ғира-шира, қош қорайган пайт.

Гулкор – боғбон, гул ўстирувчи.

Гулпутақи – гул бутаси.

Давлатхона – арк, хон саройи, қаср, сарой.

Дарвеш – фақир, художўй киши, тасаввуф маслакларидан бирига мансуб бўлган сўфий.

Дандон – тиш.

Дарбанд – дара, табиий тўсиқ, тоғ орасидаги ўтиш қийин бўлган тор йўл.

Дархона – уй-эшик.

Даст – қўл.

Даҳан – оғиз.

Дийда – кўз.

Дилистон – кўнгил бўстони, кўнгил чаманзори.

Довлаб – талашиб, тортишиб (бу сўзнинг ўзаги "дов" лексемаси бўлиб, унинг луғавий маъноси "шатранж ўйини ёки урушда икки томоннинг навбат сўраши; талашиш" (НАЛ, 195-бет), "омад" ("дови юришди") демакдир.

Довир – отнинг белидан сағрисигача ёпиладиган ёпинчиқ.

Довулбоз – овчилар, тўпчи коровуллар ёки ҳарбийлар учун мўлжалланган, теридан ёки пўлатдан ясалган махсус ноғора – довулни чалувчи, довул қоқувчи.

Домот – куёв.

Дувора – иккинчи марта, қайта-қайта.

Дуто – икки букилган, букук, эгилган, эгик.

Дуюм – иккинчи.

Дўлана – раъногошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб, кўпинча, тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсадиган, сариқ ёки кулранг олмачасимон думалоқ мевали дарахт ҳамда унинг меваси.

Емтик – ем, емиш, озуқа.

Есир – эри ўлган хотин, бева, тул.

Ёрма – оқлаб туйилган дон маҳсулотидан тайёрланган овқат.

Жазойил – милтиқнинг бир тури, кичик тўп, замбарак.

Жаллоб – олиб сотувчи.

Жангитта – янгитда, ҳалигина.

Жанда – дарвеш-қаландарлар тўни, қурок тўн, гадо кийими, йиртиқ-ямоқ кийим.

Жаҳалдирик – эгарнинг икки ёнбоши остига қўшиладиган бир жуфт от абзали.

Жийин – йиғин, достонда "кўпкари" маъносида ҳам қўлланилган.

Жийнама – йиғма, тўплама.

Жиғадор – жиға таққан, жиғали.

Жуйвар – дарё, сой, катта ариқ.

Жуйрук – югрук, чопқир, учқур.

Жул – қўлда тўқилган дағал жун мато бўлиб, кўпинча от ёки бошқа улов ёпиғи сифатида фойдаланилади.

Жунун – савдойилик, ақлдан озганлик, жиннилик, жинни.

Жўлаймоқ – кўринмоқ, яқин келмоқ.

Жўкчи – бу сўз достонда бирор нарсани изловчи, қидирувчи маъносида қўлланилган.

Забаржад – шаффоф сарғиш-яшил тусли қимматбаҳо тош.

Занонивоз – хотинбоз, аёлларга ўч.

Зар – олтин, тилла, бойлик.

Заранг – зичланиб кетган, қаттиқ, берч; тоғда ўсадиган дарахт тури.

Заъфарон – сарғиш ранг берувчи хушбўй ўсимлик (рус. шафран).

Зоғ – қарға.

Зулмкор – зулм етказувчи.

Зулпин – эшик ёки сандиқнинг занжирини солиш ва қулф боғини ўтказиш учун эшик, дарвоза ҳамда бошқа мосламаларга қоқиладиган металл илгич.

Зулфакдор – кокиллари икки чеккасидан тушиб турадиган гўзал қиз.

Зулфиқор – ҳазрат Алининг икки дамли қиличи; қилич.

Иза – яраланган ёки лат ейиш натижасида пайдо бўладиган оғриқ.

Изғор – нам, зах.

Илайкида – илоҳи, илоҳим.

Ишиди – шишди.

Иярториб келмоқ – эргаштириб келмоқ.

Кавкаб – юлдуз.

Каж – эгри, тескари, қийшиқ.

Кажава – уй ҳайвонлари устидаги соябонли ўтирғич; от, хачир, фил, туя каби ҳайвонлар устига ёки ёнига ўрнаштирилган ва одам олиб юришга мослаштирилган ўриндиқ.

Канора – қирғоқ, чет.

Капик – рус тилидаги "копейк" (яъни "тийин" маъносидаги) сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли.

Карракдай очилиб – оғиз ёки бошқа нарсанинг катта очилиши.

Кас – киши, одам, шахс, кимса.

Кашал – зор, интизор, умидвор; эпик асарларда "ўзга юрт" маъносида ҳам қўлланилади.

Келағайса – кела қолса.

Керага – ости ерга қоқилган қозиқларга, тепа қисми эса увуққа боғланиб, ўтовнинг ён томонлари – деворлари вазифасини бажарадиган, бир-бирига чарм тасмалар билан бирлаштириладиган, ёнма-ён тескари ҳолатда жойлаштириладиган, йўғонлиги билакдай келадиган чўплар. Сурхондарё вилоятидан тўпланган этнографик маълумотларга қараганда уйнинг суяги ҳисобланган керагалар асосан сариқ тол ёғочидан тайёрланган. Чунки сариқ тол мустаҳкам ва чидамли бўлган. Қора уйнинг панжара қисми ҳисобланган керагалар 48 бошдан 74 бошгача қилиб тайёрланган. Ҳар бир ўтовда тўртта керага бўлиб, ҳар бир керага уйнинг тўртдан бир қисмини эгаллаб, "уйнинг каноти" деб юритилган.

Кимхоб – ўриши ипак, арқоғи зардан тўқилган матодан тайёрланган кийим.

Кисса – чўнтак.

Кировка – жангда совут остидан кийиладиган, металлдан ёки бошқа қаттиқ нарсадан тайёрланган нимчага ўхшаш кийим.

Кор – иш, юмуш,машғулот.

Кулоҳ – қаландар ва дарвешларнинг бош кийими, тепа қисми ингичкалашиб чиққан қалпоқ.

Кўлвор – аслида "кўлбор" бўлиб, маъноси "халта", "кисса", "чўнтак" демакдир.

Кўпкари – ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузокни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат анъанавий миллий ўйин; улоқ ўйини.

Кўшк -- атрофи боғлар билан ўралган ҳашаматли сарой, бино, қаср.

Лавҳи қалам – бу бирикма таркибидаги "лавҳ"//"лавҳа" лексемаси "ёзув тахтаси", "равшанлик" демакдир.

Лак – кадимда қўлланилган миқдор ўлчов бирликларидан бири

бўлиб, "юз минг" деган маънони англатган, яъни бир лак – юз минг демакдир.

Ланқа – таъна, доғ, иснод.

Лашкар – қўшин, армия.

Липона – хат жилдининг боғичи.

Ловдон рўмол – қизил ипак рўмол.

Ломакон – маконсиз, жойсиз, бўшлиқ, бўшлиқ олами.

Лош – ўлган нарсанинг жасади, ўлимтик.

Лўкча нор – йирик гавдали, басавлат эркак туя.

Мазгил – манзил, макон, жой.

Майтармоқ – озор бермоқ, ранжитмоқ.

Марол – оҳу, кийик.

Машойих – луғавий маъноси "шайхлар" бўлиб, мажозий маънода "ўқимишли, олим кишилар", "донишмандлар" демакдир.

Маҳофа – аёллар тушиб юрадиган, атрофи ўралган кажава.

Маҳшар – қиёмат, у дунёда ҳамма йиғиладиган кун.

Менгзамоқ – ўхшамоқ.

Мижжа – киприк, киприк ости; "мижжа қоқмаслик" – ухламасдан бедор ётиш.

Минишкор – лочин, бургут каби қўлга ўрганилган қушлар ёрдамида ов қилувчи овчи.

Мирғазаб – маҳбус ва бандиларни жазолайдиган миршаб, калтаклаб тергов қиладиган навкар, зиндон назоратчиси.

Мисқол – тахминан 4,24 граммга тенг қадимги оғирлик ўлчов бирлиги, кўчма маънода жуда оз, жиндак, кичкина демакдир.

Мор – илон.

Мунажжим – юлдузшунос, астролог.

Мунаққаш – нақшланган, зиёнатланган, нақш билан безак берилган.

Мураат этмоқ – таклиф қилмоқ.

Мурт – мўйлов.

Мустажоб – талаби қабул қилинган, ижобат бўлган.

Мустар – "Навоий асарлари луғати"да келтирилишича, "мистар" – чизиқсиз қоғозга чизиқ тушириш учун қалин қоғозга иплар тортиб ясалган чизғич" (394-бет). Достонда бу сўз қаҳрамоннинг қадду қоматини адл тутиб туришини тасвирлаш мақсадида қўлланилган.

Муштипар – қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, ожиз нотавон аёл.

Мўмал – асли "мумил" бўлиб, "малол келтирувчи", "зериктирувчи" маъносини билдиради.

Мўс – ўчоқ.

Мўтара – сув солинадиган меш, саноч.

Набаҳат – нажот, наф.

Навкар – ҳарбий хизматкор, аскар, сарбоз.

Нарвас – наргиз, чиройли кўз.

Наъмагар – созанда.

Нағма – куй, оҳанг, мақом, сайраш.

Нимиш келсин – нима иш қилсин.

Нор – бир ўркачли эркак туя.

Нўхта – от-уловни боғлаш, етаклаш, ҳайдаш учун унинг бошига солинадиган абзал.

Обгардон – ошпазларнинг сувни шопириш, айлантириш мақсадида ишлатадиган узун дастали, катта, ичи чукур махсус чўмичи.

Обдов – томдан ёғин суви тез оқиб тушиб кетиши учун том сатҳида қилинадиган қиялик, нишаб.

Ойдек талъатлик – ой юзлик, ой каби гўзал.

Онг – ов.

Онг-танг – ҳангу манг.

Панза рўмол – юпқа ипак рўмол. Ҳоди Зариф бу терминни Россиянинг Пенза шаҳри ҳунарманд аёллари тўқиб чиқарган гулдор гивит рўмолнинг таркалиши билан пайдо бўлган бўлса керак, деб ҳисоблайди.

Паранги – аслида "фаранги(й)" бўлиб, Францияда ёки Европада ишлаб чиқарилган, тайёрланган ёки ўша ҳудудга мансуб маҳсулотга нисбатан қўлланилган. Достонда ишлатилган "паранги" сўзи эпик қаҳрамон кийган либоснинг ўзига хослигини тасвирлашга хизмат қилган.

Парвона – чироқ ёки шуъла атрофида айланувчи тунги капалак; кўчма маънода "меҳрибонлик", "меҳр-мурувват" маъноларини ифодалаш мақсадида қўлланилади.

Пари-пайкар – парилардай гўзал жуссали, ҳаддан ташқари гўзал ("пайкар" – ҳайкал, жусса, гавда, сурат).

Патак – оёқ кийимининг ичига қалин ва юмшоқ матодан киркиб солинадиган махсус тўшама.

Паторат айламоқ – вайрон қилмоқ, бузмоқ.

Пеша – машғулот, касб, ихтисос.

Пойча – оёқнинг тиззадан пастки қисми.

Поки – сартарошларнинг соч-соқол оладиган махсус устараси.

Пони – "фоний" сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли, фоний, ўткинчи маъносида.

Понғи – анқов, ҳа деганда гапга тушунавермайдиган одам.

Портал от – юк, нарса ташийдиган от.

Пуштан – эгарнинг от қорнидан ўтказиб боғлаб қўйиладиган тасмаси.

Пўпак – муайян нарсаларга безак учун тақиладиган бир боғлам тола, пат, ип ва ҳ.к.

Пўта – матодан қилиниб, белга бир неча марта айлантириб ўраладиган белбоғ.

Работ – карвонсарой, йўловчилар қўниб ўтиши учун мўлжаллаб қурилган бино, бекат; мажозий маънода "дунё" тушунчасини англатади.

Райкар – ёлғон, мунофиқлик.

Раҳмон – меҳрибон, раҳмли, шафқатли.

Рой(и) – раъй.

Рузвон – аслида "ризвон" сўзининг маъноси "розилик", "мамнуният" бўлиб, мажозий маънода "жаннат" тушунчасини англатади.

Руста – ичига ўрик ёки бодом мағзи қўшиб тайёрланган парварда, ширинлик.

Рўй – юз, бет, афт-ангор.

Рўйи хотир – юз-хотир (рўй – юз, афт-ангор).

Рўмоли даст – қўл артадиган рўмол, дастрўмол.

Саваш – уруш, жанг.

Садоқ – камон ўқларини жойлаштириш учун ишлатиладиган мослама.

Садпора – юз бўлак, юз пора, парча-парча бўлиб бўлиниб кетиш.

Сайис – илгарилари Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ва хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган отларни парвариш қилувчи шахс, отбоқар.

Сайисхона – отбоқарлар яшаши учун бевосита отлар боқиладиган жой яқинига қурилган махсус уй.

Сайрон – сайр, томоша.

Саллоҳ – мол сўювчи қассоб.

Салот – намоз, ибодат.

Сар – бош.

Сарандоз – бошга ташланадиган катта рўмол.

Сар – бош, уч.

Сархона – чилимнинг юқори қисмида жойлашган, тамаки солиб тутатиладиган сопол ёки ёғоч мослама, чилим ўтхонаси.

Сатранж – шахмат.

Селданак – уёқ-буёққа тўлғаниш, тебраниш.

Селоба – дув-дув кўз ёши.

Сиво – бошқа, ўзга.

Сиёсар – бечора, бахти қора, шўрпешона.

Сиқим – қисм, қўлнинг ҳовучига сиғарлик миқдордаги нарса.

Совоқ – қовун ёки тарвуз мевасининг пояга туташиб турган балдоғи.

Совут – танани найза, ўқ, тиғ ва қилич зарбидан ҳимоя қилиш учун кийиладиган пўлат симли ҳарбий кийим.

Солмон – ёғочдан ясалган солсимон сузиш воситаси, сол.

Сотатуғин – сотадиган.

Сумбул соч – сумбул ўсимлиги каби узун ва чиройли соч.

Супсакаш – ипирисқи, чувринди одам.

Сухангар – сўзловчи, гапирувчи.

Сучи – чучук.

Суқсур – ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари узун ва ингичка қуш.

Сўна – ёввойи эркак ўрдак.

Сўта – ўтмишда қаландарлар қўлида олиб юрадиган таёқ, ҳассасимон калтак.

Сўтилмас – бузилмас, ўксимас.

Сўхта – куйган, ёндирилган; пиликнинг куйган қисми, куйдирилган пахта.

Сўғин – сўнгра, кейин.

Таадди – ҳужум, тажовуз қилиш, жабр-зулм, зўравонлик.

Тавар – болта.

Тайлат – аслида "талъат" бўлиб, "юз", "бет", "ҳусн", "кўриниш", "гўзаллик" маъноларини билдиради.

Таноб – 60 газдан иборат бўлган майдонга тенг юза, яъни ер ўлчов бирлиги бўлиб, XVII асрда Ўрта Осиёда 39,9 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги сифатида ҳам қўлланилган.

Тар – ҳўл.

Тараққос – гижинглаш, ноз-ишва қилиш.

Тарсо – ғайридин.

Тақим – оёқнинг тизза ости букиладиган жойи.

Тақол – баҳона, бирор ишни атайлаб орқага суриш, ҳаяллаш.

Товшан – товушқон, яъни қуён.

Тоз – кал.

Този – чопағон ов ити.

Тонгганда – тонгиб боғлаганда.

Тош – халқимиз орасида илгари қўлланилган узунлик ўлчов бирликларидан бири бўлиб, бир тош саккиз чақирим, яъни тахминан 6 км.га тенг бўлган; "уч тош йўл" – 18 км.

Тувадоқ – гўшти мазали йирик ов қуши.

Тувдор – байроқдор, байроқ кўтарган киши.

Туз – 1) ош тузи; 2) текис дала, дашт; 3) тўғри, рост.

Тўтиё – мис зангидан пайдо бўлган кристаллардан тайёрланган махсус суртма бўлиб, қадимда кўзни равшан қилиш ва кўз оғриғини бартараф этиш мақсадида кўзга суртилган.

Тўқол – хотин устига олинган иккинчи хотин.

Узикиб қолмоқ – бемор касалининг қайталаниши, тузалиш арафасида бўлган хастанинг қайтадан касалланиши.

Улли – катта.

Ултон – қорамол терисидан тайёрланган қалин чарм.

Хас – чўп.

Хешу-тавор – қариндош-уруғлар.

Хирож – луғавий маъноси "чиқариш" бўлиб, "ер солиғи", "солиқ" маъносида қўлланилган.

Хоки туроб – чанг ва тупроқ; кўчма маънода "ер билан яксон, хароб".

Хом – ошлаб ишлов берилмаган мол териси.

Хушимат – хусумат.

Чайраг – чорак.

Чалвар – кенг иштон, асосан уйда кийиладиган шимга ўхшаш кийим.

Чакилиб – тортиниб, уялиб.

Чанғарок – ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги.

Чақа – бу сўз икки маънода, яъни 1) танга, майда пул; 2) бола маъноларида қўлланилган бўлиб, мазкур достонда "бола" маъносида ишлатилган.

Чақалик – болалик.

Чаққи – тиғи сопининг ўртасидаги махсус ёриққа букиладиган кичкина қаламтарош, пичоқча.

Чер – қайғу, алам, доғ.

Чийир – 1.ташвиш, алам, қайғу; 2. сўқмоқ, ёлғизоёк йўл.

Чийиртмоқ – сиртмоқ.

Чикора – 1) нима иш қиласан? Касб-коринг нима? 2) ким қўйибди, йўл бўлсин.

Чиммат – аслида "чашмбанд" бўлиб, от думининг қилидан тўқилган, паранжи остидан юзга тутиладиган тўр, парда; чачвон.

Чирги – отнинг устига ёпиладиган махсус ёпинчиқ, терлик.

Чиш – жизза кабоб.

Чор томон – тўрт тараф, ҳар тараф, тўрт томон.

Чошка – асли "чоштгоҳ" бўлиб, "тушга яқин вақт" маъносида қўлланилади.

Чуйкамоқ – қийнамоқ, азобламоқ.

Чўлтоқ – юлинган, калта, учи тўмтоқ.

Шаб – тун.

Шабгир тортмоқ – тун бўйи ухламаслик, тунда юрмоқ, кечаси ҳужум қилмоқ.

Шакаман – нишонни хатосиз ва аниқ оладиган, бехато отувчи мерган.

Шалпар этиб – шалпайтириб.

Шерда – шу ерда.

Шикор – ов, ов қилиш мақсадида уюштирилган сайр.

Широлға – овланган қуш ёки ҳайвондан бериладиган тортиқ.

Шохбоз – лочин.

Шохсувор – от минишга маҳоратли, уста чавандоз.

Шуйтмасайдим – шундай қилмасайдим, шундай этмасам эди.

Эвали-чевали – ували-жумали, яъни невара-чеварали.

Эланмоқ – ялинмоқ, ёлвормоқ.

Якдона – бир дона, ягона, биттаю битта, ёлғиз.

Ясовул – хонликлар даврида юқори мансабдаги кишиларга, амалдорларга хизмат қилувчи соқчи ва посбонлар.

Яғрин – тананинг икки елка оралиғидаги орқа қисми; курак усти.

Ўба – қишлоқ, овул, одамлар яшайдиган жой.

Ўзи тува – ўзи тугул.

Ўлиможи бўлмоқ – ўлгандай бўлмоқ, ўлим азобини тортгандай бўлмоқ.

Ўмилдирик – эгар сурилиб кетишининг олдини олиш мақсадида икки учини эгарнинг олд қисмига, учинчи учини отнинг ўмрови орқали ўтказиб, айилга бириктириб қўйиладиган безакли қайиш тасма.

Ўмров – тананинг олд қисми, кўкрак.

Ўрол – бошнинг уст қисмида сочлар ҳар томонга ётиқ ҳолда ўсиши кулай жойда ҳосил бўлган кичкина очиқ жой; "сўзнинг ўроли" – сўз ёки гапнинг боши, бошланиш нуқтаси, муқаддимаси.

Ўтирик – ёлғон.

Қайтам – қайтага, қайтангга.

Қаландар – дунё ташвишларидан воз кечган, таркидунё қилган зоҳид киши.

Қаландархона – қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой.

Қаптал – ёнбош.

Қиёмат – диний эътиқодга кўра, инсонлар қайта тириладиган кун, яъни бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма одамлар тирилиб, сўрокка тутиладиган кун, охират, маҳшар.

Қуло туз – тоғу дашт ("қуло" сўзи аслида арабча "қулла"

лексемасининг фонетик ўзгаришга учраган шакли бўлиб, "чўққи", "тоғ чўққиси" маъносини англатган).

Қуюшқон – эгар олдинга силжимаслиги учун отнинг думи тагидан айлантириб эгарга боғланадиган безакли қайиш.

Қўл муз(д)и – қўл ҳақи, яъни устанинг муайян бир ишни бажарганлиги, масалан, сартарош мижознинг соч ёки соқолини олганлиги учун оладиган иш ҳақи пули; иш ҳақи, хизмат ҳақи, тўлов.

Қўлман – қўл билан.

Ғажир – асосан ўлимтиклар билан овқатланадиган бургутга ўхшаш йирик йиртқич қуш.

Ғалвир – дон эланадиган сийрак тўрли катта сим элак.

Ғилмон – жаннатда хизмат қиладиган ёш гўзал йигит.

Ҳаво фалак – аслида "қаҳбо фалак" бўлиб, "қаҳба" сўзининг маъноси "маккор", "хийлагар" демакдир.

Ҳамрой – ҳамроҳ.

Ҳамсоя – қўшни.

Ҳарам – ҳовлининг аёллар учун ажратиб қўйилган ичкари қисми; бегоналар кириши маън этилган хос жой.

Ҳаят – ҳовлидан узоқда, ёз ойлари яшайдиган вақтинчалик турар жой, боғ ва унинг ёнидаги томорқа.

Ҳудайчи – бирор иш ёки арз билан келганлар тўғрисида хонга хабар берувчи ва хоннинг жавобини уларга етказувчи амалдор.

БАХШИ ВА ЁЗИБ ОЛУВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Фозил Йўлдош ўғли (1872, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Лойқа қишлоғи — 1955.17.3, Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри) – таниқли ўзбек халқ шоири, Булунғур достончилик мактабининг атоқли намояндаси ҳамда энг сўнгги вакилидир. Зеро, Булунғур достончилик мактабининг шуҳратини эл орасида машҳур қилган Амин шоир, Чини шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Султонмурод шоир, Йўлдошбулбул, Йўлдош шоир, Қўлдош шоир, Суяр шоир сингари сўзамол бахшилар ижодиёти Фозил Йўлдош ўғли бадиий даҳосининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. У ёшлигиданоқ дўмбира чертишни, терма-қўшиқлар яратиб, халқ орасида куйлаб юришни яхши кўрган. Ўз даврининг пешқадам бахшиларидан бири Йўлдош шоир Мулла Мурод ўғлига шогирд тушган Фозил Йўлдош ўғли ўз устозидан Булунғур достончилик мактабининг асрий анъаналари ҳамда анъанавий достонларини қунт билан ўрганиб, 25-26 ёшларида истеъдодли бахши сифатида шаклланган. Шоирлик истеъдоди ва бадиҳагўйлик иқтидори ғоят беназир бўлган Фозил Йўлдош ўғли анъанавий достонларни улкан маҳорат билан ижро этган.

Фозил Йўлдош ўғлининг эпик репертуари ғоят бой ва ранг-баранг бўлиб, Ҳоди Зарифов, Маҳмуд Зарифий, Буюк Каримов, Мунисхон Тошпўлатова, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Ғулом Каримов каби фольклоршунослар, шунингдек, Муҳаммад Иса Эрназар ўғли, Мулла Абдураҳмон мулла Тожи ўғли, Жамолиддин Асомиддинов сингари ҳаваскор тўпловчилар томонидан "Алпомиш", "Ёдгор", "Юсуф билан Аҳмад", "Муродхон", "Рустамхон", "Ширин билан Шакар", "Гўрўғлининг туғилиши", "Авазхоннинг ўлимга хукм этилиши", "Малика айёр", "Машриқо", "Зулфизар", "Балогардон", "Интизор", "Нурали", "Жаҳонгир", "Зевархон", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Баҳром ва Гуландом", "Ошиқ Ғариб", "Тўлғоной", "Раъно билан Сухангул", "Очилдов", "Назар ва Окбўтабек", "Мулла Ғойиб", "Маматкарим полвон", "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон", "Бухоро подшоси Музаффархон", "Авазхон" каби достонлари ёзиб олинган. Шунингдек, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Кунларим", "Яхшироқ", "Қаҳатчилик", "Яралмас", "Айлади" каби термалар ҳам сақланади.

Абдураҳмон мулла Тожи ўғли – Булунғур туманининг Лойқа қишлоғида истиқомат қилган. Фозил шоирнинг тенгдоши бўлган. Эски ўзбек ёзувида яхшигина ҳуснихат соҳиби бўлганлиги сабабли атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифовнинг тавсиясига кўра, 1929 йилда Фозил шоирдан "Ширин билан Шакар" достонини ёзиб олган.

Маҳмуд Зарифий – улуғ сўз устаси Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги достон ва термаларни ёзиб олишда фидойи фольклор тўпловчи Маҳмуд Зарифийнинг хизматлари катта бўлган. Фозил шоир ижросидаги асарларни ёзиб олиш мақсадида ташкил этилган дастлабки экспедицияларнинг иштирокчиси сифатида ўтган асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан эътиборан бу ишда фаол қатнашган. У бахшининг "Зулфизар билан Аваз", "Назар ва Оқбўтабек" (Самарқанд, 1927 йил), "Алпомиш", "Интизор", "Раъно билан Сухангул" (Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғи, 1928 йил), "Ошиқ Ғариб" (Тошкент, 1937 йил), "Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги" (Тошкент, 1939 йил) достонлари, шунингдек, "Жамбулнинг тўйи ҳақида", "Илгариги сайловлар" каби бир неча термаларини ёзиб олган.

НОТА-ИЛОВА

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг ушбу навбатдаги жилдида ўзбек халқ бахши-шоирлари томонидан достонларни ижро этиш жараёнида чалинган анъанавий дўмбира куйларидан қуйидаги намуналар берилди:

“Бахши куй”. IV, V, VI. 1955 йил 27 майда мусиқа фольклори тадқикотчиси Файзулла Кароматов томонидан Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Сеплон қишлоғида истикомат қилувчи таниқли бахши ва дўмбиракаш Мардонақул Авлиёқул ўғлидан (1886 йилда туғилган) ёзиб олинган. Бахши бу куйларни ўз устози Шерназар бахши (Шерна бахши)дан ўрганган. Мазкур куйларнинг фоноёзуви ЎзР ФА Санъатшунослик институти фоноархивида 209-инвентарь рақами остида сақланади.

Ушбу нота ёзувлари қуйидаги манба асосида қайта чоп этилмоқда: Кароматов Ф. Узбекская домбровская музыка. – Ташкент: Государственная издательство художественной литературы, 1962. – С.120-126.


attacca

M.M. ♩.=108

4
4
rit.

БАХШИ КУЙ. VI.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Акишев А.К. Искусство и мифология саков. – Алмата: Наука, 1984.

2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.16. – Тошкент, 2000.

3. Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1968.

4. Боболардан қолган нақллар (тўплаб, нашрга тайёрловчилар ва сўзбоши муаллифлари: М.Жўраев ва У.Сатторов). – Тошкент: Фан, 1998.

5. Болтаева И. "Ширин ва Шакар" достонида эпитетлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – 5-сон. – Б.49-50.

6. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент, 1968.

7. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.1947.

8. Жуманазарова Г. "Ширин билан Шакар" достонининг луғавий ва лингпоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианти асосида): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

9. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли "Ширин билан Шакар" достонининг лексик хусусиятлари. – Жиззах: Сангзор, 2006.

10. Жуманазарова Г. "Ширин билан Шакар" достонининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2007.

11. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли "Ширин билан Шакар" достонининг лингвопоэтик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2007.

12. Жуманазарова Г. "Ширин билан Шакар" достонида тазод санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №3. – 93-95.

13. Жуманазарова Г. "Ширин билан Шакар" достонида эпитетлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №6. – 98-99.

14. Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросим номлари (Андижон группа шевалари материаллари асосида): Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 1971.

15. Жўраев М. Асрларни мунаввар қилган байрам // Олға. – Қоракўл, 1991. – 8-19 март.

16. Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.

17. Жўраев М. Хоразм мифологиясида Ҳубби культи // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2002. – 1-сон. – Б.19-24.

18. Жўраев М. Ўзбек мифологиясида Ҳубби образи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – 2-сон. – Б.14-21.

19. Зарифов Ҳ. Фозил шоир – машҳур достончи // Фозил шоир / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент, 1973. – Б.6-13.

20. Зарифов Ҳ. Ўзбек халк достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговар от образининг қадимий асосларига доир // Пўлкан шоир. – Тошкент, 1976. – Б.65-98.

21. Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1988.

22. Ипак йўли афсоналари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1993.

23. Ислом энциклопедияси. – Тошкент, 2004.

24. Итина М.А. Реконструкция некоторых первобытных обрядов методом аналогий // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.10-21.

25. Йўлдошев Н. Бухоро авлиёлари тарихи. – Бухоро, 1996.

26. Кармышева Б.Х. Трансформация термина аймак в юго-западных областях Узбекистана // Бартольдовские чтения – 1974. – М., 1974. – С.32-34.

27. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976.

28. Кнозоров Ю.В. Мазар Шамун-наби (некоторые пережитки домусульманских верований у народов Хорезмского оазиса) // Этнография. – М., 1948. – №2. – С.87-90.

29. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963.

30. Кругликова И.Т. Настенные росписи Дильберджина // Древняя Бактрия. – М.: Наука, 1976. – С.81-94.

31. Кузнецова З.С. Легенда об олене: фольклорный характер источника // Исследования и публикации по истории античного мира. Под редакцией проф. Э.Д.Фролова. Вып.2. – С.-Пб., 2003. – С.321 -330.

32. Лобачева Н.П. Огни сафара в Хорезме // Этнографическое обозрение. 1995. – №5. – С.29-30.

33. Мадрахимова Н. "Ширин билан Шакар" достонининг генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – 3-сон. – Б.41-46

34. Мадрахимова Н. Қурбонбой жиров репертуаридаги "Ширин-Шакар" достони хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 1-сон. – Б.40-43.

35. Мадраҳимова Н. “Ширин билан Шакар” достонида ҳомий образи // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1996. – 6-сон. - Б.41-43.

36. Мадраҳимова Н. “Ширин билан Шакар” достонининг қиёсий-типологик таҳлили (ўзбек ва қорақалпоқ версиялари асосида): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1997.

37. Мадраҳимова Н. Халқ достончилигида иккитиллилик анъаналари. – Тошкент, 2003.

38. Мадраҳимова Н. “Ширин билан Шакар” достони Рўзи баҳши репертуарида // Филологик тадқиқотлар. 9-том. - Тошкент, 2004. – Б.41-44

39. Малика Айёр. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1988

40. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент: Фан, 1973.

41. Мезурнова Т.И. О среднеазиатской набойке // Этнография Таджикистана. Сборник статей. – Душанбе: Дониш, 1985. – С.34-48.

42. Мирзаев Т. “Ширин билан Шакар” // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – 2005. – 10-том. – Б.76.

43. Нарзиқулов А. Деҳқон тақвими. – Тошкент: Меҳнат, 1991.

44. Рахимов Р.Р. Мазар мусульманского святого Бурха в аспекте доисламских истоков культа // Радловский сборник. Научные исследования и музейные проекты Музея антропологии и этнографии Российской АН в 2007 г. – СПб., 2008. – С.71

45. Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда муқаддас жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент, 1963.

46. Ремпель Л.И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент: Издательство литература и искусства, 1987.

47. Решетникова А.П. Фонд сюжетных мотивов и музыка в этнографическом контексте: Автореф. дисс. канд. истор. наук. – М., 2007.

48. Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л.: Наука, 1978.

49. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969.

50. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды, как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983.

51. Султонова Ф. “Ширин билан Шакар” достонининг ўрганилишига доир // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан, 1961. – 3-китоб. – Б. 335-343.

52. Сухарева О.М. Мать и ребенок у таджиков (обряды и представления, связанные с материнством и младенчеством у таджиков г. Самарканда и кишлака Кусохо, Канибадам и Шахристана) // Ирап. Т.3. – Ташкент, 1929.

53. Тарихи муллозода. Самария. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
54. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948.
55. Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1949-1953 гг. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.2. – М., 1958. – С.180-210.
56. Фозил Йўлдош ўғли. "Ширин билан Шакар" (достоннинг мазмуни) // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1941. – 2-сон. – Б.32.
57. Фозил Йўлдош ўғли. "Ширин билан Шакар" (достон). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: М.Шайхзода. – Тошкент: Ўзфан нашриёти, 1941. – 144 б.
58. Фозил Йўлдош ўғли. "Ширин билан Шакар". Достондан парча // Ўзбек поэзияси антологияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – Б.73-84.
59. Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар / достон (нашрга тайёрловчи: М.Афзалов). – Тошкент, 1955.
60. Фозил Йўлдош ўғли. "Ширин билан Шакар". Достон // Ўзбек халқ достонлари. 3-нашр. – Тошкент: Фан, 1958. – Б.23-116.
61. Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар / достон (нашрга тайёрловчи: М.Афзалов). – Тошкент, 1963.
62. Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар // Орзигул / Ўзбек халқ ижоди (нашрга тайёрловчи: М.Шайхзода). – Тошкент, 1976. – Б.5-130.
63. Фозил шоир / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент, 1973.
64. Чалпак ёққан кун. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Чўлпон, 1987.
65. Шайхзода. "Ширин билан Шакар" достони ҳақида // "Ширин билан Шакар" (достон). – Тошкент, 1941. – Б.3-16.
66. Шайхзода М. "Ширин билан Шакар" ҳақида // Асарлар. 6 томлик. Т.5. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 177-199.
67. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972.
68. Шишкин В. Варахша. – М.: Наука, 1963.
69. Шониёзов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964.
70. Ғозибоев Т. Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Фан, 1968.
71. Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент, 1959.

АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. ЗЎФА. Инв.№36. “Раъно билан Сухангул” достони. 1928 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зарифий ёзиб олган.

2. ЗЎФА. Инв.№45. “Ширин билан Шакар” достони. 1929 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Абдураҳмон мулла Тожи ўғли ёзиб олган.

3. ЗЎФА. Инв.№112. “Рустамхон” достони. 1937 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Ҳоди Зарифов ёзиб олган.

4. ЗЎФА. Инв.№116. “Ошиқ Ғариб” достони. 1937 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зарифий ёзиб олган.

5. ЗЎФА. Инв.№140. “Ширин-Шакар” достони. 1940 йилда Ҳусанбой Расуловдан ёзиб олинган.

6. ЗЎФА. Инв.№402. “Ғариб-Санам” (достондан парча). 1938 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Мансур Афзалов ёзиб олган.

7. ЗЎФА. Инв.№734/III. “Шоҳсанам-Ғарибдан” (достондан парча). 1940 йилда Саидмурод Паноҳ ўғлидан Муниcхон Тошпўлатова ёзиб олган.

8. ЗЎФА. Инв.№1229. “Иборалар” 1962 йилда Раҳматулла Юсуф ўғли тўплаган.

9. ЗЎФА. Инв.№1435. “Ширин-Шакар” достони. 1957 йилда Қурбонбой жиров Тожибосвдан ёзиб олинган.

10. ЗЎФА. Инв.№1537. “Ширин ва Шакар” достони. 1962 йилда Матназар бахши Жабборовдан ёзиб олинган.

11. ЗЎФА. Инв.№1443/III. “Афсона ва ривоятлар”. Тўпловчи: Раҳматулла Юсуф ўғли.

12. ЗЎФА. Инв.№1552. “Рустамхон” достони. 1962 йилда Алим бахши Ҳаққуловдан Тўра Мирзаев ёзиб олган.

13. ЗЎФА. Инв.1648. Тошкент вилояти фольклор экспедицияси материаллари.

14. ЗЎФА. Инв.№1713. Афсона, ривоят ва инончлар. 1971 йил 19 май куни Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган.

15. ЗЎФА. Инв.№1723/8. Афсоналар. Тўпловчи: Раҳматулла Юсуф ўғли.

16. ЗЎФА. Инв.№1746/9. “Нўғай ота” афсонаси. 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзиб олган.

17. ЗЎФА. Инв.№1753/66. Инонч-эътикодлар, урф-одатлар. Тўпловчи: Ҳазраткул бахши Худойберди ўғли.

18. ЗЎФА. Инв.1830. Ўзбек халк тақвимига оид материаллар. 1958 йилда Ҳазраткул Муҳаммадкул ўғли тўплаган.

19.ЗЎФА. Инв.№9130. "Одамнинг дунёга келиши, уйланиши, то вафотигача қўлланадиган удумлар". Тўпловчи: Муҳаммад Иса Эрназар ўғли.

20.ЗЎФА. Инв.№5845. "Ширин билан Шакар" эртаги.

21.ЗЎФА. Инв.№15273. "Ширин билан Шакар" эртаги.

22. ЗЎФА. Папка №452. Инв.№90-папка, Инв.№1334. "Ширин билан Шакар" достони. 1970 йилда Аҳмаджон Девонаевдан ёзиб олинган.

23.ЗЎФА. Папка №452. Инв.№19388. "Одами оби" номли эртаги. 1960 йилда Тиловқул Ашуров ёзиб олган.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Б. – бет.

дисс. – диссертация.

ДЛТ – "Девону луғотит турк".

ЗЎФА – ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ҳ.Зарифов номли Ўзбек фольклори архиви.

Инв. – инвентарь.

МАТ – мукаммал асарлар тўплами.

МНМ – "Мифы народов мира".

НАЛ – Шамсиев Ш., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972.

НД – номзодлик диссертацияси.

номз. – номзоди.

С. – страница.

Снесарев Г.П. Реликты… – Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969.

Т. – том.

филол. – филология.

ЎХИ – "Ўзбек халқ ижоди"

қ – қаранг.

РЕЗЮМЕ

В эту книгу 100 томного издания "Памятники узбекского народного творчества", подготавливаемого к выходу в свет Институтом языка и литературы им. Алишера Навои АН Республики Узбекистан, вошли величайшие образцы узбекского романического эпоса дастаны "Ширин и Шакар", "Раъно и Сухангул" и "Ошик Гариб", записанные из уст знаменитого сказителя-бахши Фазыла Юлдаш оглы.

Дастан "Ширин и Шакар", занимающий достойное место в эпическом репертуаре узбекских бахши, относится к ряду древнейших эпосов, демонстрируя своеобразие и неповторимость художественного потенциала нашего народа. Художественная интерпретация эпических событий, составляющих сюжетную канву произведения, очень богата элементами фантастики, структура его традиционных мотивов разнообразна и уходит в древние времена. Основные мотивы сюжета данного дастана связываются с архаической мифологией наших предков, в частности, с мифологическими верованиями, обусловленными с культом двойняшек и дуалистическими представлениями, отражающими борьбу добра и зла. Данный дастан, исполняемый бахши, воспевает добро, человеческое счастье, борьбу за мир на родной земле, любовь и преданность, смелость и мужество. Все сюжетные события аккумулируются вокруг приключений главного героя, основное внимание уделяется любви и преданности Ширин и Шакар, любви к Родине, осуждению зла, наказанию предательства, борьбе, которая ведется во имя родины, подвигам, совершаемым главным героем.

В фольклоре тюркских народов имеется несколько своеобразных толкований этого эпического сюжета. Версии в узбекском фольклоре дастанов, созданных на основе данного сюжета, особо отличаются поэтическим мастерством народных сказителей, мастерским изображением на основе вымысла и фантастики приключений эпических героев, привлекательностью и разнообразием художественно-изобразительных средств.

Сюжет данного дастана широко распространен в фольклоре тюркских народов Центральной Азии, существуют узбекские, каракалпакские и казахские версии. В Фольклорном архиве Института языка и литературы им. Алишера Навои АН Республики Узбекистан

хранятся варианты дастана "Ширин и Шакар", записанные от Фазыла Юлдаш оглы (Инв.№45), Матназара Жабборова (Инв.№1537) и Ахмаджана Девонаева (папка №90. Инв.№1334а). Версия дастана, сюжет которого зафиксирован в репертуаре Ислама шаира Назар оглы, называется "Эрали и Шерали". Кроме того, известен вариант дастана, записанный фольклористом Н.Мадрахимовой от жителя Кашкадарьинской области Рузы Култура оглы. Курбонбой жиров Тажибаев из Каракалпакстана, следуя традиции билингвистического исполнения в узбекской эпической традиции, пел дастан "Ширин и Шакар" на узбекском и каракалпакском языках. Кроме того, имеется казахская версия, именуемая "Кисса Шакир, Шакират подишо Хашим болалары".

Известно, что дастан "Ширин и Шакар", записанный от Фазыла Юлдаша, был опубликован впервые в 1941 г. знаменитым поэтом Максудом Шейхзаде. Впоследствии этот дастан был несколько раз переиздан фольклористом М.Афзаловым. В процессе подготовки данного дастана к повторному изданию текст произведения был сопоставлен с оригиналом, сокращенные или опущенные, а также некоторые отредактированные и измененные тексты были восстановлены в оригинальном виде. В результате такой работы впервые было осуществлено полное издание данного дастана.

Дастаны "Раъно и Сухангул", "Ошик Гариб" издаются впервые. Рукопись дастана "Раъно и Сухангул", записанная в 1928 г. Махмудом Зарифовым, хранится в Фольклорном архиве Института языка и литературы им. Алишера Навоий АН РУз. под инвентарным номером 36. Общий объем рукописи составляет 360 страниц. Дастан был записан в арабской графике староузбекской письменности. История происхождения этого дастана восходит к сказочным сюжетам, поэтому в нем в высоком художественном стиле воспеваются фантастические приключения царевича Раъно.

В данном томе впервые издается оригинальный по сути вариант дастана "Ошик Гариб", записанный фольклористом Махмудом Зарифовым в исполнении знаменитого представителя булунгурской сказительской школы Фазыла Юлдаш оглы. Как известно, хотя дастан "Ошик Гариб и Шахсанам" широко распространен, в основном, среди представителей Приаральской эпической традиции, его рукописные и литографические издании издавна ценились во всех регионах нашей страны. Раньше любители романического и сказочно-приключенческого эпоса по вечерам собираясь в какой-нибудь чайхане или в доме одного из своих друзей, приглашали в гости сказителя или киссахон-бахши. Он по

желании аудитории читал вслух народные книги и кисса-дастаны. Среди эпических произведений, составляющие основу репертуара киссахон-бахши, особое место занимал дастан "Ошик Гариб и Шахсанам". Появление дастана "Ошик Гариб" в репертуаре Фазила Юлдаш оглы также связано с этой традицией.

Выход в свет этих дастанов, записанных от известного мастера слова Фазыла Юлдош оглы, свидетельствует о своеобразии узбекской дастанной школы и эпических традиций.

Исходя из принципов подготовки к печати 100 томного издания "Памятники узбекского народного творчества", данная книга сопровождается вступлением-исследованием, пояснениями к *именам исторических лиц, мифологическим образам, религиозным,* этнографическим, географическим и эпическим терминам, словарем, фотоматериалами, касающимися данного тома, информацией об исполнителе-бахши и собирателях, записавшем из уст сказителя эти дастаны, списком использованной литературы и блоком условных сокращений, нотными записями, а также резюме на русском и английском языках.

Объем – 37,4 п.л.

SUMMARY

In this book of the 100 volume edition of "Uzbek folklore's monuments" prepared by the Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, are included the greatest examples of Uzbek romantic epic dastans of "Shirin and Shakar", "Rano and Sukhangul" and "Oshik Garib", written from the mouth of the famous storyteller- bakhshi Fozil Yuldosh ugli.

Dastan of "Shirin and Shakar", which takes a worthy place in the epic repertoire of Uzbek bakhshi, related to a number of ancient epics, which demonstrate the originality and uniqueness of the artistic potential of our people. Artistic interpretation of the epic events which make up the storyline of the work, is very rich in elements of fantasy, the structure of its traditional motives are various and are gone away in ancient times. The main motive of the plot of this dastan (epos) is established contact with the archaic mythology of our ancestors, particularly, with mythological beliefs connected with the cult of twins and dualistic ideas, which reflect the struggle between goodness and malice. This dastan, which is performed by bakhshi, glorifies goodness, human happiness, the struggle for peace in their native land, love and devotion, courage and bravery. All story events are accumulated around the adventures of the main character, the main attention is paid to love and devotion of Shirin and Shakar, love for the Motherland, condemning of evil, punishment of treason, fighting in the name of homeland, exploits performed by the main characters.

In the folklore of the Turkic people, there are several peculiar interpretations of this epic plot. Version of the Uzbek folklore dastans, based on this plot, are particularly distinguished with the poetic skill of folk storytellers, skillfully reflection on the base of fiction and fantasy of adventures of epic heroes, attractiveness and variety of artistic and visual means.

The plot of this dastan (epos) is widely spread in the folklore of the Turkic people of Central Asia, there are Uzbek, Karakalpak, and Kazakh versions.

In folklore's archive of the Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

are kept versions of epos of "Shirin and Shakar", recorded from Fozil Yuldosh ugli (Inv.№45) Matnazar Jabborov (Inv.№1537) and Ahmadjan Devonaev (folder №90. Inv.№1334/a). Dastan's version, the plot of which is fixed in the repertoire of Islam shair Nazar ugli, called "Erali and Sherali". Besides it, is known the variant of the dastan (epos) recorded by folklorist N.Madrahimova from a resident of Kashkadarya region Ruzi Kultura ugli. Kurbonboy jirov Tajibaev from Karakalpakistan, following the tradition of bilingual performance in the Uzbek epic tradition, sang dastan of "Shirin and Shakar" in the Uzbek and Karakalpak languages. In addition, there is a Kazakh version, called "Kissa Shakir-Shakirat podisho Hashim bolalari".

It is known that the dastan of "Shirin and Shakar", recorded by Fjzil Yuldjsh ugli, was published for the first time in 1941, by the famous poet Maksud Shaykhzada. Subsequently, this dastan (epos) was republished for the several times in by a specialist of folklore M.Afzalov. In process of the preparation of this dastan (epos) to re-edition the text of the work was compared with the original, abbreviated or omitted, and some edited and changed texts were renewed to their original forms.

As a result of this work for the first time was realized a complete edition of this dastan (epos). Dastans of "Rano and Sukhangul", "Oshik Garib" are published for the first time. The manuscript of dastan of "Rano and Sukhangul", recorded in 1928, by Mahmud Zarifov is kept in the archive of Folklore of the Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan . Under the inventory number 36. The total volume of the manuscript consists of 360 pages. Dastan was written in arabic graphics of old Uzbek writing. The history of the origin of this dastan (epos) dated back to the plot of the fairy tales, that's why the fantastic adventure of princess Rano is glorified in a high artistic style in it.

In this volume for the first time in an essence is published the original version of the dastan (epos) of "Oshik Garib", recorded by a specialist of folklore Mahmud Zarifov by famous representative of Bulungur storyteller's school Fozil Yuldosh ugli. As is (generally) known, although the dastan of "Oshik Garib and Shahsanam" is widely distributed mainly among the Aral epic tradition, its manuscripts and lithographic editions have long been appreciated in all regions of our country. In the past, fans of romantic and fabulously-adventural dastans were gathered in the evenings in a chakhana (tea house) or in the house of one of their friends and invited the storyteller or kissakhon-bakhshi (narrator of folk tale). According to the desire of audience he read aloud popular books and kissa-dastans.

Among the epic works, which constitutes the basis of the repertoire of kissakhon-bakhshi, took special place Dastan of "Oshik Garib and

Shahsanam". Appearance of the dastan (epos) of "Oshik Garib" in the repertoire of Fozil Yuldosh ugli is also connected with this tradition.

The publication of these dastans recorded from the famous master of words Fozil Yuldosh ugli, serves to show the originality of the Uzbek's dastan's school and epic traditions.

In agreement with the principles of preparation for printing 100 volume edition of "Uzbek folklore's monuments" in this book are placed the introduction – research, explaining of the historical names, mythological images, religious, ethnographic, geographic and epic terms, vocabulary, photomaterials relating to this volume, the information about performer-bakhshi and folklorist which was recorded from the mouth of the narrator of these dastans, a list of the used literatures and a block of abbreviations, musical notations and also summaries in the Russian and English languages.

Volume – 37,4 sh.

МУНДАРИЖА

Жўраев М. Фозил шоирнинг боқий бўстони.....5
“Ширин билан Шакар” 31
“Раъно билан Сухангул”.....177
“Ошиқ Ғариб”.....400
Илова.....475
Изоҳлар.....481
Луғат.....504
Бахши ва ёзиб олувчилар ҳақида маълумот.....515
Нота-илова.....517
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар.....527
Шартли қисқартмалар.....532
Резюме.....533
Summary.....536

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нота-илова муаллифи: санъатшунослик фанлари доктори, профессор **Файзулла Кароматов.**

Фотоматериалларни нашрга тайёрлаш ишлари **Бехзод Жўраев** томонидан бажарилди.

Резюме таржимонлари: филология фанлари номзоди **Актам Сафаров, Шавкат Бўтаев.**

Матнларни компьютер хотирасига киритувчилар: **Зухра Йўлдошева, Мунис Жўраева, Зебинисо Расулова.**

Достондаги шеърий мисралар **Шаходатбону Имомназарова** томонидан рақамлаб чиқилди.



Абадий-бадиий нашр

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик

Бешинчи жилд

ШИРИН БИЛАН ШАКАР

Достонлар

Фозил Йўлдош *ўғли*

Китоб безаклари ва макетини
Шуҳрат Мирфаёзов тайёрлади

Муҳаррир *Ўткир Йўлдошев,* техник муҳаррир *Екатерина Корягина,*
Мусаҳҳиҳ *Доно Тўйчиева.* Компютерда саҳифаловчи *Бобур Тухтаров*

Нашр. лиц. А1 № 154. 14.08.09. Босишга 2015-йил 27 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. Офсет босма. 43,9 шартли босма тобоқ.25,8 нашр тобоғи.
Адади 1000 нусха. 655 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

Бизнинг интернет манзилимиз: www.gglit.uz
E-mail: info@ gglit.uz

ISBN 978-9943-03-677-2